




«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» КУТУБХОНАСИ

Рабиндранатх
ТАҒОҚУР

ТАЛҚИН ТАРТИБИ
РАҲУ



221. 21-5

7 98

2016/128 8141

Радиодрама

Текст Юрия Кави

1200с

2016/128

8141

19

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» КУТУБХОНАСИ

Рабиндоранатех
ШҲОКУР

ТАСКИН ТОПГАН
РАШК

роман ва ҳикоялар




ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2012

УДК: 821.512.133
ББК 84(5ХИН)
Т99

Тузувчи ва қайта ишлаб
нашрга тайёрловчи
Анвар Шер

ISBN 978-9943-01-794-8

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012



Handwritten signature or stamp

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Улуф хинд адиби, шоир, файласуф, жамоат арбоби, Нобель мукофоти сохиби банголлик Рабиндранатх Тҳокур (Рабиндранат Тагор) (1861 – 1941) жаҳон адабиёти ривожда бутун бир даврни ташкил этган асарлар яратди. Унинг асарлари юқори лирик ҳарорат билан суғорилган, ҳаётбахш ва жозибалидир. Тҳокур роман ва ҳикояларида ўз даври вокеликларини ҳаққоний, ёрқин ва юқори бадий савияда акс эттирди.

Тҳокур дастлаб Шарқ семинариясида, сўнгра ўрта мактабда таълим олди. Аммо етти-саккиз ёшиданоқ дафтарига шеърлар ёзиб яқинларига ўқиб юрган бу болага, мактабдаги ўқиш ва интизомнинг бемаъни расмиятчиликлари тамоман бегона эди.

Кейин адиб Бангол академиясида ўқиди; аммо бу ердаги ўқиш тузукрок фойда бермади. Академиянинг бирдан-бир фойдаси шу бўлдики, у бу ерда илк марта сахнада роль ўйнади. Шу билан бир вақтда шеър ёзишни ҳам қанда қилмади.

Ўн икки ёшга тўлганида Рабиндранатхни браҳманликка ўтказишди, шундан сўнг отаси уни илк марта Химолай тоғига саёҳатга олиб кетади. Табиатни ҳамиша рассомнинг кўзи, шоирнинг қалби билан мушоҳада этувчи ёш Тҳокурнинг кўнглида бу саёҳат чуқур таассурот қолдирди. Саёҳатдан қайтгач, Рабиндранатх бир оз авлиё Ксавери лицейига қатнади-ю, шу билан мактаб машғулотларига нукта қўйди. Тҳокур олий маълумотга эга бўла олмади, серкирра энциклопедик маълумотлилик — унинг тинимсиз мутолаалари самарасидир.

Тҳокурнинг ижодий мероси ниҳоятда салмоқли. У 50дан ортик шеърый тўплам, 12 роман ва қисса, 100дан ортик ҳикоя, 30дан зиёд пьеса, 2000дан ортик кўшиқ, 200га яқин публицистик мақола, мактаб дарсликлари, кўплаб илмий асарлар ёзди. Чунончи, «Ҳисоб-китоб» (1891) ҳикоясида Тҳокур Хиндистонда пул ҳукмронлигини зўр маҳорат билан очиб беради. Муаллиф калин пули эвазига турмушга берилган ёш қизнинг фожиали тақдирини ҳикоя қилади.

Ҳалол, пок, ҳақиқатпараст одамнинг муттаҳам ва тамагирларга қарши кураши «Тентак Рамканаи» (1891) ҳикоясида жуда ёрқин ифода этилган. «Мерос» (1891) ҳикоясининг қаҳрамони — ҳасис чол бахиллигидан ақдан озиб, мол-дунёимни абадий кўриқчиси бўлсин, деб сеvimли набирасини тириклай олтинлари билан кўмиб ташлайди. «Ечилган жумбоқ» (1893) ҳикоясида ер эгаларининг деҳқонларга шафқатсизларча муносабати акс эттирилган. Тҳокурнинг гўзал ҳикояларидан бири «Мохамайя»

(1893) аёлларнинг ўз-ўзини куйдириши каби хинд халкининг бир қатор ёввойи одатларини фош қилишга бағишланган. Шунингдек, «Дафтарча», «Шубха» (1892), «Судья» (1894), «Опа» (1895) ва бошқа кўплаб хикояларида Тҳокур аёлларнинг хинд жамиятидаги аҳволига, хусусан, бева аёлларнинг фожиали тақдирига бефарқ қарай олмаган ҳамда уларнинг озодлиги учун курашган банголлик маърифатпарварларнинг анъаналарини давом эттиради.

Адиб хикояларининг тили жонли тилга анчайин яқиндир. У ўз издошларининг яхши анъаналарини ривожлантириб, халқ орасида кенг қўлланилган ибораларни дадиллик билан адабий тилга олиб кирди, бангол адабий тилига жиддий ўзгаришлар киритди. Бинобарин, Ҳиндистоннинг энг улуғ реалист ёзувчиси бўлмиш Прем Чанд ўз ижодида Тҳокурнинг катта таъсири борлигини таъкидлаб ўтган. У: «Хикояларимда мен аввало, ўзимда Рабиндранатхнинг таъсирини сезганман» — деб ёзганди.

Рабиндранатх Тҳокурнинг шеърий ижоди ҳам ғоятда ранг-барангдир. «Маноши» (1890) етук шеърий асар бўлиб, шоирнинг табиат, инсоний туйғулар ҳамда ватанга муҳаббат ҳақидаги шеърларини ўз ичига олади. «Олтин қайиқ» тўплами (1892) бадиий тасвир воситаларига ниҳоятда бой. «Читрангада» (1893), «Котха» (1899) шеърий тўпламлари эса вазннинг оҳангдорлиги билан ажралиб туради.

1901—1902 йилларда «Кўзга тушган қум», «Халокат» романларини ёзиб, бангол адабиётида маиший-рухий роман жанрини мустахкамлади. Тҳокурнинг «Гора» романи энг яхши асарлар сирасидан бўлиб, мамлакатнинг 1870—1880 йиллардаги ҳаётига бағишланган.

1928—1929 йилларда адибнинг «Уч авлод» романи нашр этилади. Романда бадавлат ер эгалари билан «янги бойлар» орасидаги низолар ўз аксини топган. «Сўнгги дoston» романида эса «янги авлод» вакилларининг ижтимоий ҳаётдаги ғоявий қарама-қаршиликлари фош қилинади.


Умуман, адибнинг хикоя ва романларида халқнинг юксак маънавий қиёфаси ҳаққоний ва ишонарли тарзда ифода этилган. Айниқса Тҳокурнинг тасвир воситалари ҳам ғоятда ранг-баранг. Кўплаб хикоялари энгил юмор, ихчамлик, композициясининг ўзига хослиги, сюжетининг жўшқинлиги билан ажралиб туради.

Рабиндранатх Тҳокурнинг ижодий меросини ўрганиш ўзбек ва хинд адабий алоқаларининг кўп асрлардан бери давом этиб келаётганига ёрқин мисол бўла олади.

Китобни тузиш, қайта ишлаб нашрга тайёрлаш жараёнида ўтган асрнинг 50-йилларида ўзбек тилида чоп этилган Р. Тагор «Танланган асарлар»нинг I ва IV томларидан фойдаланилди. Ушбу китоб халқимизнинг қалбидан муносиб ўрин эгаллашига ишончимиз комил.

ХАЛОКАТ

роман



І БОБ

Ромеш бу гал ҳам ҳуқуққа оид фанлардан имтихон топшира олишига заррача шубҳа қилмас эди. Фанлар ҳомийси — тангри Сарасвати унинг йўллариغا нилуфар гулининг заррин япроқларидан пояндоз солиб, сахийлик билан медаллар ҳадя этар, айни замонда унга мукамал билимни ҳам тақдим қилганди.

Имтихонлардан сўнг Ромеш зудлик билан уйга жўнаши керак бўлса-да, нечундир унинг шошилиб уйга отланаётгани сезилмасди. Отасининг тезда кел, деб ёзган мактубларига, имтихон натижалари маълум бўлиши билан дарҳол етиб бораман, деб жавоб ёзди.

Кўшни ховлида Ромешнинг ошнаси, Оннода-бабунинг¹ ўғли Жогендро яшарди. Оннода-бабу «Брахмо Самаж»²нинг аъзоси эди. Унинг қизи Хемнолини ҳам шу кунларда нафис санъат бакалаври деган унвон олиш учун имтихон топшираётган эди. Ромеш бу уйга бирор пиёла чой ичиш учун, баъзан эса, шунчаки иши бўлмаса ҳам тез-тез кириб турарди.

Хемнолини чўмилиб, сочларини қуритиш учун томда юриб китоб ўқиган кезларида, Ромеш ҳам уйининг томига чиқиб, чордоқ нарвонининг олдида ўтириб, китоб ўқишни одат қилганди.

Шубҳасиз, машғулот учун танланган жой анча қулай эди, бироқ яхшигина ўйлаб кўрсангиз, айни пайтда бир қанча ноқулайликлар ҳам борлиги сизга аён бўлади. Ханузгача на у, на бу тараф тўй борасида оғиз очганича йўқ. Бунга Оннода-бабунинг ўз мулоҳазаси бор эди: у, Англияга адвокатликка ўқишга кетган бир йилитни кўз остига олиб, ўшани қуёв қиламан, деб ўйлаб юрарди.

Бир куни чой ичиб ўтирганларида, қизгин мунозара бошланиб кетди. Жогендронинг ўртоғи Окхой имтихонлардан аранг ўтаётган бўлса-да, чойхўрлик ва бошқа эрмакларнинг бу хаваскорларидан узини сира кам ҳисобламас, шунинг учун ҳам Хемнолинининг уйида чой устида доимо хозиру нозир эди. Мана шу топда Окхой гап қўзғади; унингча, эрмакларнинг ақли қиличга ўхшайди: у, хатто ёмон чархланган бўлса-да, вазминлиги билан

¹ *Бабу* — жаноб, афанди маъносида бўлиб, эҳтиром сифатида эрмакларнинг номига қўшиб айтилади.

² *Брахмо Самаж* — Брахман жамияти бўлиб, 1828 йилда машхур хинд маърифатпарвари Рам Мохан Рой томонидан асос солинган диний ташкилот.

анча фойда келтириши мумкин; аёлларнинг ақли эса — қаламтарошнинг ўзи, ҳар қанча қайрама — оғир вазиятда ҳеч нарсага ярамайди. Бошқа гаплари ҳам шу хилда, шу руҳда эди.

Хемнолини Окхойнинг бу маънисиз гапларини писанд қилмасликка уринди, аммо акаси Жогендро ҳам аёлларнинг ақли заифлигига далиллар келтира бошлагач, Ромеш ўзини тутиб туролмади: у, тутақиб, башариятнинг ярмини ташкил этган аёлларга мадҳия ўқиб кетди.

Аёлларнинг ақли-зақосини илҳом билан мадҳ этишга берилиб кетиб, одатдагидан икки пиёла чойни ортиқроқ ичиб қўйганини ҳам сезмай қолди. Шу вақтда дастёр кириб, унга мактуб топширди. Мактубда отасининг кўли билан Ромешнинг исми ёзилган эди. Ромеш баҳсни чала қолдириб, мактубни ўқиди-да, шошилганича ўрнидан турди. Хамма, нима гап, деб суриштира бошлади. Отам келибди, деди Ромеш.

— Дада¹ — деди Хемнолини Жогендрога, — Ромеш-бабунинг отасини чойга таклиф қилсак-чи.

— Йўқ, йўқ, бугун бўлмайди, — деб эътироз билдирди Ромеш, — дарров уйга боришим керак.

Ромешнинг кетаётганидан қувонган Окхой:

— Эҳтимол, у киши бу уйда овқатланишдан ор қилар, — деди.

Ромешнинг отаси Брожмохан-бабу ўғли билан учрашган заҳоти:

— Сен эртага тонгги поезд билан уйга жўнайсан, — деди.

— Бирор ҳодиса рўй бердими? — деб сўради Ромеш.

— Йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ, — деди Брожмохан-бабу.

Ромеш отасининг юзига диққат билан тикилиб, қандай ҳодиса рўй берганини уқиб олмоқчи бўлди, лекин Брожмохан-бабу афтидан ўғлини кизиктираётган ҳодисани билдиргиси йўқ эди.

Кечкурун отаси калкутталиқ дўстларини кўргани кетганида, Ромеш ўтириб унга мактуб ёза бошлади. Аммо, «Сизнинг нилуфардек пок ва табаррук кадамларингиз» сингари одатдаги мурожаатдан нарига ўтолмади.

«Хемнолини билан қилган сўзсиз аҳд-паймоним мени боғлаб қўйганини отамдан яширолмайман, ахир» деди ўз-ўзига таъкидлаб; кейин яна турли-туман услубларда мактублар ёзди, аммо охиरोқибат барча ёзганларини йиртиб ташлади.

Кечки овқатдан сўнг Брожмохан-бабу уйкуга ётди. Ромеш бўлса томга чиқиб, қўшни уйдан кўз узмай айланиб юрарди. Соат тўққизда қўшни уйдан Окхой чиқиб кетди; тўққиз яримда кўча эшигини занжирладилар; соат ўнда Оннода-бабунинг меҳмонхонасида чирок ўчди; ўн яримдан сўнг бутун хонадон уйкуга чўмди.

Эртаси куни биринчи поезд билан Ромеш Калкуттадан жўнаб кетди. Брожмохан-бабунинг эҳтиёткорлиги сабаб, у поездга кечикмади.

¹ Дада — ака маъносида, Хинлистонда ёши улў кишиларга шундай деб мурожаат қилинади.

И БОБ

Ромеш уйда ўзи учун каллик танланиб, тўй куни ҳам тайинлаб қўйилганини билди.

Брожомохан-бабу камбағал бўлган даврларда унинг дўсти Ишан тажрибали адвокат эди. Брожомохан-бабу дўстининг кўмаги билан мол-дунё ортгирди. Ишан тўсатдан вафот этганида, унинг хотинига бир дунё қарздан бўлак ҳеч нарса мерос қолмагани маълум бўлди, бева аёл ёш кизчаси билан қашшоқликда яшай бошлади. Энди, кизнинг бўйи етиб қолган эди. Брожомохан-бабу ўғлини ана шу кизга уйлантиришга қарор қилди. Ромешга хайрихоҳ бўлган баъзи кишилар, киз унчалик хушрўй эмас деб, бу ниятга эътироз ҳам билдириб қўйишди.

— Э, бу гапларнинг менга аҳамияти йўқ, — деб жавоб берди Брожомохан-бабу. — Одам гул ёки капалак эмаски, ҳусндан бўлак фазилати бўлмаса. Агар бу қиз онаси каби яхши бўлса, Ромеш ўзини бахтли деб ҳисоблаши мумкин.

Тез кунда тўй бўлади, деган тинимсиз гап-сўзлардан Ромешнинг энсаси котди. У куни бўйи тентираб юриб, вазиятдан қутулиш чорасини ўйлар, лекин ўйлаган режаларнинг биронтасини амалга оширишнинг иложи йўқ эди. Охири, дадиллик билан отасига мурожаат қилди:

— Мен унга уйланомайман, бошқа бир киз билан аҳд-паймон қилганман.

— Сен нима деяпсан! — деб бақирди Брожомохан-бабу.

— Ҳали фотиҳа ҳам қилинган десанг-чи?

— Йўқ... Ҳар ҳолда...

— Кизнинг ота-онаси билан келишиб ҳам қўйгандирсан?

— Йўқ, ҳозирча гаплашганим йўқ... Лекин...

— Ҳм, гаплашганим йўқ дегин! Модомики шу чокқача жим юрган экансан, яна бир оз сабр қилишинг мумкин.

— Йўқ, — деди бир оз сукутдан кейин Ромеш, — бошқа қизга уйланишим инсофдан эмас.

— Аммо, умуман уйланмаслик сен учун яна ҳам ноинсофлик бўлар эди.

Шундан кейин эътирозга ўрин қолмади. Энди Ромеш қутилмаган бирор тасодифгагина умидвор бўлиши мумкин эди. Мунажжимларнинг айтишларича, тўй тайинланган кунда ўтмаса, йилнинг бошқа кунлари никоҳ маросими учун хайрли бўлмас эмиш. Шунинг учун йигит, мана шу кунни бир амаллаб орқага сурсам, тўйни бир йилга кечиктираман, деб ўйларди.

Келиннинг уйига дарё оркали бориш керак эди. Йўл анча йироқ бўлиб, у ерга бир неча дарё ва сойларни кечиб етиб бориш учун уч-тўрт кун вақт талаб қилинарди.

Сафарда рўй бериши мумкин бўлган монеликларни бартараф этишга вақт тизгизлик килмасин деб, Брожмохан-бабу тайинланган кундан бир ҳафта аввал йўлга чикмокчи бўлди.

Бутун йўл бўйи ёқимли шамол эсиб турди; улар келин билан онаси яшаб турган Шимулгхатга салкам уч кечаю кундузда етиб келишди. Ҳали тўйгача яна тўрт кун бор эди.

Брожмохан-бабуга бу жуда қўл келди: келиннинг онаси бу ерда тирикчиликдан жуда қийналиб қолган эди, Брожмохан-бабу эса кўпдан бери уни ўз қишлоғига кўчириб келиб, унинг турмушини ўнглаб бахтиёр қилиш ва шу билан ўзининг дўстлик бурчини адо этишни ният қилганди.

Орада ҳеч қандай қариндошчилик бўлмагани учун, илгари аёлга бу ҳақда гап очишга ҳадди сизмай юрарди. Ҳозир эса, бўлажак тўй муносабати билан уни кўчиб кетишга кўндирди: боёқиш беванинг дунёда ёлғиз қизидан бўлак ҳеч кими йўқ эди, шунинг учун ҳам қизим билан бирга яшаш, ёшлигида егим қолган куёвимга оналик қилиш менинг бурчим, деган фикрга келди. «Одамлар нима деса деяверсин, — дерди бева аёл, — мен қизим билан куёвимнинг ёнида бўлишим керак».

Тўйдан бир неча кун аввал Шимулгхатга келган Брожмохан-бабу янги қариндошининг рўзғор анжомларини ташишга тайёргарлик кўра бошлади. У тўйдан кейин дарёда биргаликда саёҳат қилиш ниятида эди, шунинг учун қариндошларидан ҳам бир нечасини олиб келди.

Тўй маросимида Ромеш никоҳ оятларини такрорламади: «назари бахайр»¹ вақтида кўзларини юмди; чимилдикда бошини қуйи солиб, ташқаридаги қувноқ кулги ва ҳазилларга чидаб турди; тун бўйи тўшакнинг бир четида, келинга терс ўгирилиб ётиб, тонготарда чикиб кетди.

Тўй тугагач, қайиқларга ўтиришиб, йўлга тушдилар: бир қайиқда келин дугоналари билан, иккинчи қайиқда ёши улуг қариндош-уруғлар, учинчисида эса ёр-дўстлари билан куёв ўтирар эди. Созандалар алоҳида қайиққа жойлашишганди. Улар халқ мақомларини ижро этиб, тўй лапарларини авжига чиқариб, меҳмонларни мамнун қилишарди.

Кун бўйи жазирама иссиқ бўлди. Осмонда бир парча булут йўқ, факат уфқ аллақандай енгил туман билан қопланган, шунинг учун дарё соҳилидаги чакалакзорлар хира қулранг тусга кирганди. Дарахтларнинг барглари қилт этмасди. Қайиқ эшкакчилари қора терга ботишди. Қош қораймасдан анча илгари улардан бири Брожмохан-бабуга мурожаат қилди:

— Жаноб, шу ерда бир тўхтаб ўтсак — нариги томонда тўхтайдиган жой йўқ.

¹ Келин билан куёвнинг чимилдикда илк марта бир-бирига назар солишини хиндлар «назари бахайр» деб аташади.

Аммо, Брожмохан-бабу йўлда ушланиб қолишни истамасди.

— Бу ерда тўхташга ҳожат йўқ, — деб эътироз қилди у. — Кеча ойдин бўлади, агар бугун Балускатга етиб олсак, яхши бахшиш¹ оласизлар.

Тезда кишлоқ орқада қолди. Бир томонда қақраб кетган кумлок чўзилиб ётар, иккинчи томонда буралиб кетган ўрамасимон баланд тик қирғоқ. Ой қалқди, аммо унинг нури ғира-шира туманда сархуш кишининг хира нигоҳига ўхшарди. Осмон аввалгидек тиник, бирорта булут парчаси кўринмасди, аммо бирдан қаёқдандир момақалдирокнинг бўғиқ гулдураши эшитилди. Йўловчилар орқага қайрилиб қараганларида, ниҳоятда тезлик билан яқинлашиб келаётган, кўзга кўринмас супурги билан тўзғитиб супурилгандек, шох-шабба, хас-хашак, қум-тупроқдан иборат баҳайбат қуюннинг азамат устундек осмонга қўтарилаётганини кўришди.

Дахшатли овозлар эшитилди:

— Эҳтиёт бўл! Жонингни сақла! Ҳалок бўляпмиз!

Бир дақиқадан сўнг қандай воқеа рўй берганини сўзлаб бергулик бирор киши қолмади. Қуюн ўз йўлидаги барча нарсани емириб, супуриб, торгина йўлак ясаб ўтиб кетди. У қўққисдан қандай бошланган бўлса, худди шундай тўхтаганида, бахтсиз қайиқ қарвонидан ном-нишон ҳам қолмаган эди.

Ш БОБ

Туман тарқалди. Узоқларга қараб чўзилган ҳаётсиз қумлоқларга ойнинг шаффоф нури тўкилиб, ҳаммаёқ гўё бева аёлнинг оппоқ либоси билан қопланди. Дарёда бирорта ҳам қайиқ йўқ, сув сатҳи қилт этмасди. Ўлим беморни азоб-уқубатдан қутқариб, осойишталик бағишлаганидек, сув ва ер ҳам чуқур сукунатга толганди.

Ромеш хушига келиб қараса, дарё қирғогидаги қумлоқда ётибди. У қандай ходиса рўй берганини эсалагунича анча вақт ўтди. Ниҳоят, бўлиб ўтган бутун воқеа унинг хотирасида дахшатли бир тушдек жонланди.

Отам ва бошқа ҳамроҳларимнинг холи нима кечди экан, деган фикр уни сапчиб туришга мажбур этди, аммо атрофга назар солиб, бирор кимсани кўрмади. Шунда у дарёнинг қумлоқ соҳилини кадам-бақадам кўздан кечиришга аҳд қилиб, юриб кетди.

Оқ орол, Падманинг² икки ўзани орасида, она оғушидаги гўдақдек ястаниб ётарди.

¹ Бахшиш — бу ўринда хизмат хақи маъносига.

² Падма — Гангнинг Бангол кўрфазига яқин жойдаги энг катта ўзаниларидан бири.

Ромеш аввал оролнинг бир тарафини кўриб чиқди, сўнг иккинчи томонига ўтганида, бирдан сал нарироқда кизил либосга ўхшаган бир нарсага кўзи тушди. У қадамни тезлатиб, якинроқ келганида, ҳушсиз ётган бир кизни кўрди. У келинларга хос лола рангли либос кийган эди. Ромеш бундай вазиятга тушганларни қандай қилиб ҳушига келтиришнинг ҳадисини олганди: кизнинг қўлларини анчагача кунт билан гоҳ ёзиб, гоҳ йиғиб, ҳаракатга келтирди. Ниҳоят, киз бир қалкиб чуқур нафас олди-да, кўзларини очди.

Ромешнинг ўзи эса шундай ҳолдан тойдики, киздан хол-аҳвол сўрашга ҳам мажоли етмай, хомуш ўтириб қолди. Киз эса, афтидан, хали тамоман ўзига келганича йўқ эди: у бир лаҳза кўзларини очди-ю, яна шу ондаёқ кипригини пастга туширди. Ромеш кунт қилиб, унинг нафас олаётганини кўрди. Шу ерда, яйдоқ сохилда — ўлим билан ҳаётнинг чегарасида, ойнинг заиф нури билан шуълаланган кизнинг юзига узок тикилиб қолди.

Сушила гўзал эмас, деб ким айтди? Осмон гумбази остида сокин ойнинг нурига фарқ бўлган олам, Ромешга мана шу улуғвор сукунат оғушида ётган нафис ва гўзал кизнинг юзлари учун бир безакдек туюлди, холос.

Ромеш ҳамма нарсани унутди. «Хайриятки, мен у ерда, оломоннинг орасида, тўй-тўполонда унга назар солмаган эканман. Мен уни ҳеч қаерда мана шу киёфада кўра олмас эдим. Бу ерда уни ўлимдан қутқариш билан, мен бебурд никоҳ оятларини такрорлагандан кўра кўпроқ имкониятга эгаман. Бунда мен уни қонунан ўзимга тааллуқли деб ҳисоблашим керак бўларди. Энди эса, у мен учун шафқатли тақдир ато этган тухфадир».

Ниҳоят киз ҳушига келди. Ўрнидан туриб ҳўл кийимларини тузатди-да, чодрасини юзига туширди.

— Қайикда сен билан бирга ўтирганларнинг холи нима кечди, биласанми? — деб сўради Ромеш.

Киз сўзсиз бош силкиб қўйди, холос.

— Ундай бўлса, сен ўтириб тур, мен яна бир қарай-чи, эҳтимол биронтасини кўриб қоларман. Мен тезда қайтаман.

Киз ҳеч нима демади, аммо вужудидаги қўрқув ва қалтирок: «Фақат мени бу ерда танҳо ташлаб кетма» деб ёлворгандек бўлар эди. Ромеш буни англади. Ўрнидан жилмасдан, атрофга диққат билан назар солди, бироқ қумликлар орасида бирор тирик жон эгаси кўринмасди. Шунда у, қариндошларидан бирортаси жавоб берар, деган умид киздан бақира бошлади.

Ромеш беҳуда кичкиришдан чарчаб ерга ўтирганида, қўли билан юзини беркитиб, ҳўнграшдан ўзини тутишга уринаётган кизнинг кўкси кўтарилиб тушаётганини кўрди. Ҳозир тасалли беришнинг бефойда эканлигини англаб, кизга якинроқ келди-да, индамай бошини силай бошлади. Киз кўз ёшларини ортик

тиёлмай хўнграб, ўксик товуш билан ўз мусибатини изҳор этди. Ромеш ҳам йиғлади.

Қайғу-дард босилиб, кўз ёшлари тинганида, ой аллақачон ботган эди. Тун қоронғиси бу хилват ерга ажойиб бир сир бағишларди: оқиш қумликлар шаффофдек туюлар, юлдузларнинг шуъласида дарё сатҳи жимирлаб, бахайбат илон пўстидаги тангачалардек ялтирарди. Ромеш кизнинг кўркувдан совиб қолган нафис бармоқларини ушлаб, уни оҳиста ўзига тортди. Қиз чўчиди-ю, аммо қаршилиқ килмади: ҳозир у фақат ёлғиз қолишдан кўркарди. Тим қоронғи кечада у Ромешнинг кўксига бош кўйиб ором топди. Ҳозир хаё қилишнинг вақти эмас эди, қиз йигитнинг оғушида ухлаб қолди.

Тонгнинг хира юлдузлари бирин-кетин сўниб, шарқда дарёнинг мовий сатҳи кизара бошлагач, қумлоқда қаттиқ ухлаб ётган Ромеш ва унинг кўкрагида қўлларини бошига кўйиб ором олаётган киз кўринди.

Нихоят, куёшнинг меҳрибон нурлари киприкларга қўнғач, иккови ҳам уйғонди. Аввал бир дақиқа хайрат билан атрофга назар солдилар, сўнгра бирдан уйда эмасликларини англаб, ҳалокатга учраганликларини эсладилар.

IV БОБ

Эрталаб дарё балиқчи қайиқларнинг оқ елканлари билан қопланди. Ромеш улардан бирини чакириб, балиқчиларнинг ёрдами билан қатта бир қайикни кира қилди-да, фарқ бўлган қариндошларини қидиришни полицияга топшириб, ўзи уйига қараб кетди.

Ромешнинг қайиғи қишлоқ бандаргоҳида тўхтагани захоти, полиция унга отаси, қайнонаси, бир неча қариндош ҳамда дўстларининг жасадлари топилганини хабар қилди. Бир неча эшқакчидан бошқа яна бирор кишининг омон қолганлигига ҳеч қандай умид йўқ эди.

Ромешнинг бувиси уйда эди. Набирасининг ёлғиз келин билан кириб келганини кўргач, йиғлаб уйни бошига кўтарди. Қўшни уйларда ҳам йиғи-сиғи бошланди, чунки кўни-қўшнининг ҳам кўпчилиги бу касофат тўй саёҳатида иштирок этишганди.

Билагузуклар жарангламади, мусиқа янграмади, аёлларнинг одатдаги қувноқ қий-чувлари эшитилмади, келинни ҳеч ким табрикламади, бирор киши унга қайрилиб ҳам қарамади.

Ромеш дафн маросими тугаши билан хотинини олиб бошқа бир жойга кетмоқчи эди, бироқ отадан қолган меросни бир ёқлик қилмай туриб кета олмади. Бунинг устига ғам букиб қўйган аёл қариндошлари зиёратга боришга рухсат сўрашди — уларга ҳам ғамхўрлик қилиш керак эди.

Бу ташвишлар орасида у муҳаббат меъёрларини ҳам унутмади. Унинг каллиғи, одамлар айтганчалик жуда ҳам сабий эмас экан. Қишлоқ кизлари, ҳатто уни бўйи етиб ўтиб кетибди, деб мазаҳ ҳам килишарди. Шунга қарамай ёш бакалавр ўз муҳаббатини кизга қандай баён килиш борасида биронта китобий дастур — маслаҳат тополмади. Анча вақтгача у бунни мутлақо ақлга сиймайдиган, имконсиз иш деб юрди. Аммо таажжубки, бундай ишлар унинг китоблардан ўрганган тажрибаларига мутлақо дахлсиз бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, қандайдир ғалати бир туйғу аста-секин бу ўқимишли йигитнинг бутун ақлу хушини қамраб, уни кизга қараб торта берди. У энди кизни ўз оиласининг бўлғуси Лакшмиси¹ деб тасаввур қила бошлади.

Унинг хаёлида киз гоҳ каллик, гоҳ ёш маъшуқа, гоҳ бўлажак фарзандларининг маъсума онасидек гавдаланарди. Эндигина сурат чизишни ёки дoston ёзишни ўйлаб, хаёлида ўз асарини гўзал, комил ва тугал бир шаклда тасаввур этувчи, фақат шу фикр билан яшаб, бутун вужудини шунга бахшида этишга интилган рассом ёки шоир сингари Ромеш ҳам ўзининг бўлғуси каллиғи ҳақида тўхтовсиз ўйлаб, қалбида бекиёс дилбарнинг гўзал сиймосини яратди.

У БОБ

Шу тариқа уч ой ўтди. Барча ишлар ўз изига тушди, қариндошлари зиёратга кетишди, кўшни хотин-кизларнинг баъзилари, ниҳоят, Ромешнинг ёш каллиғига эътибор қила бошладилар. Қиз билан Ромеш ўртасидаги муҳаббат ришталари аста-секин мустаҳкамланди.

Энди улар кечки вақтларини кўпинча томга бўйра солиб, очик хавода ўтказадиган бўлишди. Ромеш баъзан оҳиста келиб, бирдан кизнинг кўзларини кўли билан ёпишга ёки бошини кўксига тортишга журъат этарди. Қиз кечки овқатни емай, қош қорайгунча ухлаб қолган пайтларида, Ромеш уни уйғотмоқчи бўлиб бирор нарса билан кўрқитар, бунга жавобан ундан ҳазил аралаш койиш эшитарди.

Шундай окшомларнинг бирида Ромеш унинг сочидан аста тортиб:

- Сушила, сен бугун сочингни чиройли килиб тарамбосан, — деди.
- Нега ҳаммангиз мени Сушила деб атайсиз? — деб сўради киз.

Ромеш унга хайрат билан тикилди. У саволнинг маъносини англамаган эди.

¹ *Лакшми* — ҳинд асотирларида бахт ва бойлик тангриси, гўзал ва садокатли аёл рамзи.

— Ахир, кишининг исмини ўзгартиш билан унинг тақдирини ўзгартириб бўладими? — деб давом этди киз. — Мен гўдаклигимдан бахтсизман ва ўлгунимча шундай бахтиқаро бўлиб қоламан.

Бу сўзларни эшитганида Ромешнинг нафаси ичига тушиб, ранги мурдадек оқариб кетди. Бирдан унда мудхиш бир гумон пайдо бўлди.

— Нима сабабдан сен гўдаклигингда бахтсиз бўлиб қолдинг? — деб сўради у.

— Отам мен туғилмасимдан аввал вафот этганлар.

Олти ойлик бўлганимда эса онам қазо қилганлар. Тоғамнинг уйида жуда оғир шароитда вояга етдим. Бирдан каёқдандир сизнинг келганингизни эшитиб қолдим. Мен сизга ёқиб қолибман. Роса икки кундан сўнг тўй бўлди. Ундан кейин нима бўлгани ўзингизга аён.

Ромеш ёстикқа суянганича котиб қолди.

Осмонда ой чарақлаб турса-да, унга ой нури бирдан сўнгандек туюлди. Яна тафсилотни сўрашга унда жасорат етмади; ҳозир эшитганларини алаҳлаш ёки туш сингари ўтиб кетишини истади.

Беҳуш ётган кишининг бирдан чуқур нафас олишидек, ёзги иссиқ шабада эсиб ўтди; ойдин кечада тун каккусининг овози янгради, бандаргоҳга боғлаб қўйилган қайиқлардан балиқчиларнинг қўшиғи эшитила бошлади.

Қиз Ромешнинг нима учун хомуш ўтирганини тушунмай, унга оҳиста қўл теккизиб сўради:

— Ухлаяпсизми?

— Йўқ, — деди йигит хомушлик билан.

Кейин қиз ухлаб қолди. Ромеш ўрнидан туриб, диққат билан унинг юзига тикилди. Парвардигорнинг қудрати билан ёзилган сир унинг чехрасида умуман сезилмасди. Ажабо, бу қадар кўркам ва дилбар қизнинг тақдири нега бунчалик мудхиш бўлди экан?

VI БОБ

Энди Ромеш ўзи уйланган киз бу эмаслигини биларди. Лекин у кимнинг рафиқаси эканлигини аниқлаш мушкул бўлди.

Бир куни у киздан сўради:

— Тўйда менга илк марта қараганимда, кўзингга қанақа кўрингандим?

— Унда, мен сизни кўрмаган эдим, — деди киз. — Мен у вақтда кўзимни ердан ололмагандим.

— Ундай бўлса, ҳали менинг исмимни ҳам эшитмагандирсан?

— Янгам мендан қутулиш учун шундай ошиқдики, тўйнинг дарагини бугун айтишди-ю, эртасига тўй бўлди.

Шундай экан, сизнинг исмингизни қаёқдан ҳам билишим мумкин!

Ромеш унга қоғоз, қалам узатиб туриб:

— Ахир сен ўқигансан. Қани кўрай-чи, лоақал ўз исмингни ёза оласанми, йўқми? — деди.

— Мени ҳеч нарсани билмайди, деб ўйлаяпсизми? Эътиборингиз учун исмингни ёзиш жуда осон.

У катта харфлар билан «Шримоги Камола Деби» деб ёзди.

— Яхши. Энди тоғангнинг исмини ёз, — деди Ромеш.

Камола «Шрижукто Тариничорон Чоттопадхайя» деб ёзди.

— Хато қилмадимми? — деб сўради у.

— Йўқ, — деди Ромеш. — Яна кишлоғингнинг номини ҳам ёз-чи.

Киз яна ёзди: «Дхўбапукур».

Ромеш шу зайлда катта бир эҳтиёткорлик билан қизнинг ҳаёти ҳақида баъзи маълумотларни тўплади. Аммо, бу билан ишнинг енгиллашиши даргумон эди. Энди нима қилиш керак, деб ўйлай бошлади йигит. Эҳтимол, унинг эри фарқ бўлгандир. Башарти Ромеш қизнинг қайнотасини топиб, уни ўшанинг уйига юборганида ҳам, у ерда Камолани қабул қилишлари даргумон. Тоғасининг уйига қайтариб юбориш эса кизга жабр. Борди-ю, шунча вақт бегона эркакнинг уйида тургани очилиб колгудек бўлса, киз бечора унда нима қилади? Одамлар унга қандай муносабатда бўлади?

Башарти Камоланинг эри тирик қолган бўлса-чи? Уни қабул қилишни хоҳлайдими, бунга журъат эта олармикин?

Ҳозир уни қаерга ташласанг, тубсиз уммонга чўккандек, чўқади-кетади.

Ромеш Камолани фақат хотиним деб уйида сақлаши мумкин эди, аммо хотиним деб аташга ҳақли эмасди. Шу билан бирга уни жўнатадиган бирорта жой ҳам йўқ.

Ҳаётимнинг Лакшмиси — бахт-саодати деб, илҳомбахш муҳаббат қалами билан қалбига чизган бу қизнинг сиймосини бутунлай ўчириб ташлашга тўғри келди. Ромеш бундан кейин ўз кишлоғида қололади ва бирор йўлини топарман деган умидда, Камолани олиб оларовур Калкуттага кетди. Калкуттага келгач, илгари яшаган жойидан узоқроқда бир уйни ижарага олди.

Катта шаҳарни тезроқ кўрсам, деб Камоланинг эси кетарди. Қалган қуниёк дераза олдида ўтириб, одамларнинг тинимсиз оқими хавас билан кузата бошлади. Хизматкор киз Калкуттани ипидан игнасиғача биларди, шунинг учун у қишлоқи қизнинг таажжубини ҳаддан ташқари нодонликка йўйиб, жаҳл билан вағилларди.

— Оббо, мунча анграйиб қолдингиз? Чўмилсангиз бўлмайдими тезроқ, қаранг, кош қорайиб қолди.

Хизматкор киз рўзгор ишларидан кутулгач, кечкурун уйига кетарди. Кечалари ҳам қола оладиган хизматкорни топиш Ромешга кийин эди.

«Энди Камола билан бир ёстикқа бош қўйишим мумкин эмас, бироқ боёкиш киз, бегона жойда тунни қандай қилиб ёлғиз ўтказади?» — деб ўйларди Ромеш.

Кечки овкатдан сўнг, хизматкор киз кетгач, Ромеш Камолага жойини кўрсатиб:

— Сен ухла, мен бир оз мутолаа қиламан, — деди.

Сўнгра у қўлига илинган бир китобни олиб, ўқишга киришгандек бўлди. Толиққан Камола эса тезда ухлаб қолди.

Бу кеча шундай ўтди. Иккинчи кеча ҳам Ромеш қандайдир бир баҳона билан Камолани ёлғиз ётқизишга муваффақ бўлди. Кеча жуда дим бўлгани сабабли, ўзи хона олдидаги айвончага чиқиб ётди. Узоқ вақтгача ухлаёлмай, ўзининг аҳволи ҳақида ўйлай бошлади. Охири, уни уйқу элтганида вақт алламаҳал бўлганди.

Кечаси соат учларга бориб, бирдан унга ўзи ёлғиз эмасдек, биров ёнида ўтириб елпигич билан оҳиста елпиётгандек туюлди. Ромеш уйқу аралаш, қизни ўзига тортиб, пичирлади.

— Ухла Сушила, елпишнинг хожати йўқ. Туш қоронғисидан кўрққан Камола, Ромешнинг пинжига биқиниб ширин уйқуга кетди.

Эрта тонгда уйғонган Ромеш бирдан чўчиб кетди: киз ўнг қўли билан унинг бўйнига чирмашиб, дилрабо бир соддалик билан ўзининг оддий истакларига шама қилгандек, йигитнинг кўкрагида оромга толганди. Ромеш ухлаб ётган қизнинг юзига назар солиб, кўзлари жикқа ёшга тўлди: ахир, у бу софдиллик билан очилган назокатга тўла оғушни рад эта оладими? У, кечаси қизнинг охисталик билан келиб елпиганини эслади, охири, чуқур «уф» тортиб, эхтиёткорлик билан қизнинг қўлидан бўйнини ажратиб, ўрнидан турди.

Ромеш яхшигина ўйлаб олганидан кейин, Камолани хотин-қизлар пансионига жойлашга қарор қилди. Бу уни вақтинчалик бўлса-да, интихосиз ташвишлардан қутқарар эди.

— Камола, ўқишни хохлайсанми? — деб сўради у бир куни.

Қиз унга шундай бир назар ташладики, унинг қарашини: «Нега бундай деяпсиз?» деяётгандек эди.

Ромеш унга ўқишнинг фойдасию машғулотларнинг завқини тушунтиришга киришди, аммо у бекорга ташвишланаётган эди, Камола ўша захотиёқ рози бўлди:

— Майли ўқитинг.

— Ўқиш учун мактабга боришинг керак.

— Мактабга? — деди Камола хайрон бўлиб, — мен тенги кап-катта қизлар ҳам мактабга борадимми?

Камоланинг ёш ҳақидаги фикридан кулимсираб Ромеш жавоб берди.

— Мактабда сендан каттароқ кизлар ҳам ўқийди.

Қиз бошқа ҳеч нарса демади. Бир куни Ромеш уни мактабга олиб борди. Пансион жойлашган катта бинода Камола турли ёшдаги кўплаб қизларни учратди.

Ромеш Камолани пансион мудирига топшириб, кетмокчи бўлиб турганида, орқасидан Камола ҳам эргашди.

— Сен қаёққа кетяпсан? — деди Ромеш кизни тўхтатиб. — Сен бу ерда қолишинг керак.

— Сиз мен билан бирга бўлмайсизми? — дея қўрқиб сўради киз.

— Йўқ, мен қола олмайман, — деди Ромеш.

— Ундай бўлса, мен ҳам қолмайман, — деди Камола унинг қўлини ушлаб. — Мени ўзингиз билан олиб кетинг.

— Уят эмасми, Камола, — деди Ромеш қўлини силтаб.

Қиз бу таънадан гўё тошдек қотиб, юзлари тиришди. Хаяжонланган Ромеш дархол чиқиб кетди, аммо ожизлик ва қўрқув ҳисси акс этган кизнинг чеҳраси кўз олдидан сира ҳам кетмасди.

VII БОБ

Ромеш ўзининг адвокатликдаги илк фаолиятини Алипурда бошламоқчи бўлган эди, кейин негадир нияти ўзгарди. Энди унда ёш адвокатнинг ишида ҳамиша учраб турадиган қийинчиликларни енгиш, бемалол ишлаш учун зарур бўлган куч ва гайрат қолмаган эди. Ромеш эндиликда Ганг кўприги устида ёхуд Голадигхи теварагида тентираб юришни одат қилганди. Бирон жойга жўнаб қолсаммикин, деб ҳам ўйлай бошлади. Шу вақтда Оннода-бабудан хат келди.

«Газеталардан билишимизча, — деб ёзган эди у, — сен имтиҳонлардан ўтибсан, аммо бу ҳақда ўзингдан хат-хабар бўлмагани учун қайғурдик. Қўпдан бери сендан ҳеч қандай дарак йўқ. Хол-ахволинг ва қачон Қалкуттага келишинг ҳақида албатта, мактуб ёз».

Шуни ҳам айтиб қўйиш лозимки, Оннода-бабу куёвликка мўлжаллаган анови Англияга кетган йигит аллақачон адвокат бўлиб қайтиб келган эди. Ҳозир у бадавлат бир хонадоннинг кизига уйланмоқчи бўлиб турганди.

Ромеш эса рўй берган шунча воқеалардан сўнг Хемнолини билан учрашиши керакми, йўқми деган масалани хануз ҳал этганича йўқ. Охири у шундай фикрга келди: Камола ва ўзининг унга муносабати ҳақида ҳозир бировга бир нима дейиш, бегуноҳ бир кизни жамоат олдида беобрў қилиш бўлади. Аммо, яна шуниси ҳам борки, бўлиб ўтган воқеаларни Хемнолинига айтмасдан туриб, у билан янгидан алоқа боғлашга Ромеш ҳақли эмасди.

Нима бўлганда ҳам Оннода-бабунинг мактубига жавоб кайтаришни кечиктириш одобсизлик эди. Шунинг учун Ромеш мактуб ёзди:

«Мени афв этишларингизни ўтиниб сўрайман, чунки баъзи бир жиддий сабабларга кўра сизлар билан кўришишдан махрум эдим».

У мактубида ўзининг янги яшаш манзилини ёзмади.

Жавоб мактубини почта оркали юбориб, эртасигаёк адвокатлик либосини кийиб уйдан чиқди ва ниҳоят, биринчи марта Алипур судига бормоқчи бўлди.

Бир куни суддан қайтишида, у бир оз пиёда юриб, энди извошга ўтирмакчи бўлган эди, кўкқисдан жуда таниш бир овозни эшитиб қолди:

— Ота, ахир бу Ромеш-бабу-ку! Тўхта извошчи, тўхта!

Ромеш оркадан етиб келган извошни кўрди.

Оннода-бабу бугун кизи билан Алипур хайвонот боғидаги сайр-томошадан қайтиб келмоқда эди.

Ромеш Хемнолинининг сокин ва очиқ чехрасини, унинг махсус усул билан ёпинган сарисини¹, одатдагидан бошқача қилиб ўрилган, лекин ўзига жуда таниш бўлган соч толимларини, оппоқ билаклар ва қиррали олтин билагузукларини кўриши ҳамон тили тутулиб, илик хислар тўлкини қалбини қамраб олди.

— Яхшиямки сени ўзимиз учратдик, — деб сўз бошлади Оннода-бабу, — сен бизга мактуб ёзишни ҳам йиғиштириб қўйдинг, ёзганда ҳам манзилингизни маълум қилмайсан. Ҳозир қаерга кетяпсан? Бирор зарур ишинг борми?

— Йўқ, шундай, суддан қайтиб келяпман, — деди Ромеш.

— Ундай бўлса, бизникига бориб чой ичамиз.

Ромешнинг юраги қувонч билан урарди, ортикча иккиланишнинг мавриди эмас эди. У извошга ўтириб, хижолат тортаётганини яшириш учун Хемнолинидан хол-ахвол сўради.

Нега сиз, имтиҳонлардан ўтибсиз-у, бизларни лоақал бу ҳақда хабардор ҳам қилмабсиз, — деди Хемнолини унга жавобан.

— Сиз ҳам имтиҳонлардан ўтибсиз деб эшитдим, — саросималик билан сўз котди Ромеш.

— Хайрият, ҳали ҳам бизни эслар экансиз, — деб кулди киз.

— Ҳозир қаерда турибсан? — деб сўради Оннода-бабу.

— Доржипарда.

— Колутолдаги аввалги уйинг шунчалик нобопмиди?

Хемнолини жавоб кутиб, алоҳида синчковлик билан Ромешга қаради.

Бу нигоҳ Ромешнинг юрак-бағрини эзди. Шунинг учун у:

— Мен яна эски жойимга кўчиб ўтишга аҳд қилдим, — деб етти ухлаб тушига кирмаган гапни айтиб юборди.

¹ Сару — ҳинд аёлларининг миллий либоси.

Унинг бошқа районга кўчиб келишини Хемнолини ўзи учун тахкир деб билганини Ромеш яхши англади. Шунинг учун ўзини қандай қилиб оқлашни билмай, тамоман руҳи синди. Аммо бошқа савол берилмади. Хемнолини намойишкорона тарзда унга қарамай кўйди. Ромеш бунга узок чидолмай, қутилмаганда гап бошлади:

— Хедуў яқинида бир қариндошим туради... Ана шу билан тез-тез кўришиб туриш имкони бўлар деб, Доржипарга кўчиб келгандим.

Ромешнинг сўзлари тамомила ёлгон бўлмаса ҳам, мутлақо далилсизлиги билиниб турарди. Нахотки, Хедуў билан Колутол ораси шу қадар узокки, эки жойида яшаб, ҳар замонда бориб ўша қариндошини кўриб келишнинг иложи бўлмаса? Хемнолини ҳамон кўчани кузатиш билан машғул эди. Боёқиш Ромеш яна бирор нарса демокчи бўлиб қанча ўйламасин, оғзига бирор гап келмасди. Ниҳоят, зўрға бир гап топди:

— Жогендан қандай хабарлар бор?

— Ҳуқуқ фанларидан имтихонлардан йиқилиб, бир оз шамоллаб келиш учун фарбга жўнади, — деб жавоб берди Оннода-бабу.

Извош уларнинг уйи олдида тўхтаганида, таниш хоналар, кадрдон жиҳозларнинг сеҳри Ромешни яна қамраб олди. Ичидан оғир бир хўрсиниш отилиб чиқди.

Чой вақтида Ромеш бир оғиз ҳам гапирмади.

— Нечундир бу сафар уйингда узок вақт қолиб кетдинг, балки бирор иш билан ушланиб қолгандирсан? — деб сўраб қолди Оннода-бабу.

— Отам вафот этдилар, — деди Ромеш.

— Сен нималар деяпсан? Қандай бахтсизлик! Қандай қилиб?

— Қайиқда қайтиб келаётган эканлар. Тўсатдан бўрон кўтарилиб, қайиқ тўнгарилибди-ю, отам ҳалок бўлибди.

Кучли шамол туриб осмондаги қора булутларни қувганда осмон ёришиб кетганидек, бу қайғули хабардан Ромеш билан Хемнолини орасидаги совуқлик ҳам дарров йўқолди.

«Мен Ромеш ҳақида янглиш ўйлабман, у ташвишда, отасининг вафотидан мусибатда экан, — деб ўйлади Хемнолини. — Балки ҳозир ҳам мотамзададир. Биз бўлсак унинг оилавий мусибати ва юрагидаги дард-аламларини билмай, уни айбламоқчи бўлибмиз». Шундай деб Хемнолинининг етим қолган йигитга эътибори икки чандон ортди. Ромешнинг ҳеч нарса емай ўтирганини кўриб, уни алоҳида эъзоз билан меҳмон қила бошлади.

— Сиз оғир изтироб чеккансиз, ўзингизни эҳтиёт қилишингиз лозим, — дер эди қиз. — Ота, Ромеш биз билан кечки таомни баҳам кўрмагунича, уни ҳеч қаяққа юбормаймиз.

— Жуда яхши, — деди Оннода-бабу.

Шу маҳалда Окхой пайдо бўлди. Бирмунча вақтдан бери чой ичиш онларида Оннода-бабу уйининг тўри шуники бўлиб қолган

эди. Шунинг учун Ромешни кўриб унинг таъби хира бўлди. Аммо дархол ўзини тутиб, табассум билан деди:

— А, Ромеш-бабу! Мен аллақачон бизни унутгандирсиз, деб ўйлагандим.

Ромеш базўр жилмайиб қўйди.

— Отангиз сизни кутилмаганда ўғирлаб кетди. Мен, у сизни уйлантирмагунча қўйиб юбормаса керак, деб ўйлаган эдим, — давом этди Окхой. — Хатар ўтди, деб фараз қилса бўладими?

Хемнолини унга жahl билан қараб қўйди.

— Ромеш отасидан жудо бўлибди, — деди Оннода-бабу.

Ранги оқарган Ромеш бошини қуйи солиб ўтирарди.

Ромешни қайта изтиробга солгани учун Хемнолини Окхойдан каттик ранжиди:

— Сиз ҳали бизнинг янги альбомимизни кўрганингиз йўк, Ромеш-бабу, — деди у шошилиб.

Альбомни келтириб йигитнинг олдига қўйди-да, фотосуратларни кўрсата бошлади. Сўнгра, гўё шунчаки сўради:

— Янги уйингизда ёлғизмисиз, Ромеш-бабу?

— Ҳа, — деди Ромеш.

— Ундай бўлса, бизга қўшни уйга тезроқ кўчиб келишга ҳаракат қилинг.

— Албатта. Мен душанба куниек кўчиб келаман.

— Эхтимол, баъзан ёрдам сўраб сизга мурожаат қилишимга тўғри келар. Ахир, мен ҳозир бакалавр унвонини олиш учун фалсафадан имтихон топширишга тайёрланаяпман, — деди Хемнолини.

Бундай истикбол Ромешга зўр қувонч бағишлади.

VIII БОБ

Ромеш ҳаялламай ўзининг эски жойига кўчиб келди.

Энди у билан Хемнолинининг орасидаги ишончсизлик тамомила йўқолганди. Ромеш уларнинг ўз кишисидек бўлиб қолди. Кулги ва ҳазиллар беҳад эди.

Хемнолини сўнгги пайтларда, айниқса Ромеш келмасидан олдинроқ узоқ вақт берилиб ишлагани учун анча озиб, нозиккина бўлиб қолганди. Худди қаттиқроқ шамол турса гавдасини эгиб, синдирадигандек эди. У кам гапирар, тўғриси, у билан гаплашиш хавфли ҳам эди: ҳар қандай, ҳатто энг аҳамиятсиз нарсалар ҳам ғашини келтираверарди.

Бироқ, ҳозир атиги бир неча куннинг ичида унда ажиб бир ўзгариш содир бўлди: рангпар юзларида нафис осойишталик акс этиб, кўзларида ҳар лаҳза қувонч учқунлари йилтилларди. У илгари либосга зеб беришни енгилтақлик ва ҳатто, одобсизлик деб биларди. Энди-чи... Худодан бошқа ҳеч ким, бу қизнинг нега бунчалар ўзгарганини айта олмасди.

Аммо Ромеш бурчим Хемнолинига кўмаклашишдан иборат экан, деб ўзини анча жиддий тутар, гўё чуқур билим унинг ақлинигина эмас, жисмини ҳам оғирлаштириб қўйгандек эди.

Юлдузли осмонда сайёралар тинимсиз ҳаракатда бўлади, аммо бу ҳол расадхоналарнинг мутлақо осойишта туришига сира халақит бермайди; Ромеш ҳам худди шундай, китоблардан олган билим ва режалари унга юк бўлиб, бу бошни айлантирувчи ўзгарувчан дунёда ҳаракатсиз қолаверди, уни бундай ҳолатдан олиб чиқиш кимга ҳам керак дейсиз?

Шунга қарамай, ҳозир у ҳазилларга дарҳол жавоб тополмасда, тез-тез куладиган бўлиб қолди.

Унинг сочлари хануз тарокка бўйсунмаса ҳам, аммо кўйлаги илгаригидек кир эмасди, ҳаракатлари ҳам бора-бора, худди ақли каби анча жонли бўлиб қолди.

IX БОБ

Калкутта одатда дostonларда ошиқ-маъшуклар учун қулайлик деб тасвир этиладиган хислатлардан тамомила маҳрум.

Бу ерда ашок ва боқул гуллари ўсган хиёбонлар йўқ; мадҳоб чечагининг чирмашиб ўсишидан ҳосил бўлган яшил чодирлару чипор тўшли каккунинг сайрашлари қаёқда дейсиз? Лекин шунга қарамай, ишқ ўзининг фусункор фазилатлари билан ҳар қандай дилраболиклардан маҳрум бўлган бу оддий, ҳозирги замон шаҳри ёнидан бепарво ўтолмайди.

Дарвоқе, энг қадимги ва ҳамиша навкирон муҳаббат тангриси ўзининг камон ўқини қизил қалпоқли полициячилардан яшириб, кўчаларнинг мудҳиш олағовурида темир қопланган трамвай ва извошлар орасидан, кеча-кундуз бирдек, неча марта қаёқларга қараб чопиб ўтганини ким айта олади!

Ромеш Колутолда, этиқдўзлик устахонасининг қаршисида, бақ-қоллик дўкони ёнидаги ижара уйда яшаса-да, хисларининг ривожидан у билан Хемнолинини гулзорпараст ошиқ-маъшуклардан орқада қолишади, деб айтишга ҳеч ким журъат қилолмасди.

Ромеш ўз олдида нилуфарлар ўсган кўл эмас, дастурхонига чойдан доғ тушган кўримсиз ва кичик столи бўлса ҳам заррача қайғурмасди. Хемнолинининг севикил мушуги хонаки қора оҳуга ўхшамаса ўхшамай қўя қолсин, барибир йигит уни кийикдан ҳам ортик билиб, сидкидилдан бўйинини қашлайди, мушук танасини камондек эгиб, эснаб, ноз билан юзларини ювишга тутинганида, бу жонивор Ромеш учун тўрт оёқли махлукларнинг энг ноёби бўлиб кўринарди.

Хемнолини имтихонларга тайёргарлик билан банд бўлган чоғида чеварлик ҳунарига кўп вақт ажрата олмаган эди, бироқ сўнгги пайтларда у бирдан зўр қизикиш билан бир дугонасидан

каштадўзликни ўргана бошлади. Ромеш эса, бундай машғулоти мутлақо кераксиз ва ҳатто, номуносиб деб биларди. Адабиёт соҳасидаги мунозараларда уларнинг иккиси ҳам барабар тортишардилар, каштадўзлик масаласига келганда эса, Ромеш чекинишга мажбур бўларди. Бинобарин, у тез-тез норози бўлиб:

— Нега энди каштадўзликка бу қадар берилиб кетдингиз? Бу машғулоти зерикканидан нима қиларини билмаганларга яхши, — дер эди.

Хемнолини игнага ипак ипни ўтказа туриб, дилни ўртовчи табассум билан қараб кўярди.

Шундай гапларни эшитган Окхой бир куни заҳарҳанда киноя килди:

— Ромеш-бабунинг мўътабар мулоҳазаларига кўра, заррача ҳаётий аҳамияти бўлган ҳар бир нарса нафратга сазовордир. Холбуки, ҳар қандай одам, борингики, энг буюк олим ёхуд шоир бўлса ҳам, мана шу нафратга лойиқ майда-чуйдаларсиз бир кун ҳам яшай олмайди!

Қалтис жойдан ушланган Ромеш енг шимариб, мунозарага киришмоқчи бўлди-ю, аммо Хемнолини уни тўхтатиб қолди.

— Ромеш-бабу, бу гап бирор жавоб қайтариш учун шунча ҳаяжонланишга арзирмикин? Оламда бусиз ҳам бемаъни мунозаралар тўлиб ётибди, уларнинг сонини яна кўпайтиришга не ҳожат?

Шу сўзларни айтди-ю, каштанинг катақларини санагач, энгашиб яна ишга киришди, ипак ип унинг қўлларида яна товлана бошлади.

Бир куни эрталаб Ромеш ўз иш хонасига кириб, столида саҳтиён филофли бюварни¹ кўриб қолди. Қопқоғининг бир четини «Р» ҳарфи, иккинчи четини олтин рангли ипак билан тикилган нилуфарлар безаб турарди.

Бу нарсанинг қаердан келиб қолгани, кимга тегишли экани Ромеш учун жумбоқ эмасди, унинг юраги қувончга лиммо-лим эди. У шу захоти ҳеч қандай эътирозсиз, чин қалбидан каштадўзликнинг мазмун-моҳиятига қойил қолди. Бу кимматбаҳо ҳадяни бағрига босиб, Ромеш Окхой олдидаги мағлубиятига тан беришга тайёр эди. У папкани очди-да, ундан қоғоз олиб қуйидагиларни ёзди.

«Мен шоир бўлганимда, сизга ташаккур билдириб дoston ёзган бўлардим, бироқ менда шоирлик заковати йўқ. Лекин Парвардигор мени бағишлаш имкониятидан маҳрум этган бўлса-да, қабул қилиш қобилиятидан бебаҳра этмаган. Бу қутилмаган ҳадяни қандай қабул этганимни ўзганинг қалбини ўқий оладиган кишиларгина фаҳмлай олади. Ахир, ҳадяни кўрадилар ёхуд ушлаб сезадилар. Менинг туйғуларим эса, қалбимнинг тубида яшириндир.

Сизнинг мангу қарздорингиз».

¹ Бювар — қоғоз солинадиган папка.

Турган гапки, бу хат Хемнолинининг кўлига тушди, аммо на у, на Ромеш бу ҳақда оғиз очмадилар.

Ёмғир фасли бошланди. Шаҳар аҳолиси учун бунинг ҳеч қандай фазилати йўқ, ўрмон ва далалар учун эса, бошқа гап. Ёмғирдан яшириниш учун бу фаслни шаҳарда уйлар том ва ёпик деразалари, трамвайлар туширилган дарпардалари, одамлар эса шамсиялари билан кутиб олади. Бирок шунча эҳтиёткорликка қарамай, барча жикқа хўл бўлиб, ҳаммаёқ лой-балчикка тўлади; айни вақтда ўрмонлар, дарё, адир ва тоғлар эса ёмғирни дўстдек табриқлаб, қувноқ гулдураш билан қаршилайдилар. Улар учун ёмғир интиқлик билан кутилган меҳмон, осмон ва ернинг кўшилиувидан иборат бу қувноқ байрамда улар учун барча шовкин ҳамоҳанг куйдек янграйди.

Севишганлар ана шу тоғ ва ўрмонларга ўхшашади: тўхтовсиз ёнғингарчилик Оннода-бабунинг таомни ҳазм қилишига ҳалақит берса-да, Ромеш билан Хемнолинининг қувноқ руҳига сира таъсир қилмас эди.

Қора булутлар, момақалдинокнинг гумбурлаши, жаланинг шовуллаши уларнинг қалбларини гўё яна ҳам жипслаштиргандек эди.

Ёмғир мутғасил қуйиб турганидан Ромеш тез-тез судга боролмасди. Ёмғир кундан-кунга зўрайиб, осмондан шундай шиддат билан қуярдики, Хемнолини беихтиёр ташвишланиб:

— Ромеш-бабу, сиз бундай ярамас ҳавода қандай қилиб уйингизга етиб оласиз? — деб сўрарди.

Бунга Ромеш уялиқираб, «бир амаллаб етиб оларман», деб жавоб берарди.

— Ахир шамоллаб, бетоб бўлишингиз мумкин, мен сизни ҳеч қачон юбормайман, кечки таомни бизникида ейсиз.

Ромеш шамоллаб қолишдан сира ҳам кўрқмасди, ёру биродарлари унда ҳеч қачон касалликка ён беришнинг зиғирдек нишонасини ҳам пайкаган эмаслар. Бирок Ромеш Хемнолинининг ғамхўрликларига бўйсунишга мажбур бўлиб, бу ёнғингарчиликда Оннода-бабу уйдан ўз ховлисигача бўлган бир неча қадам йўлни босиб ўтишни бир энгил жиноят, деб санайдиган бўлиб қолди.

Ҳаво айниган кунлари Ромешни эрта билан сабзавот қовурмаси, чошгоҳдан кейин эса, ковурилган гўшт билан меҳмон қилиш учун Хемнолини ўз хонасига таклиф қиларди. Бу хонадонда Ромешнинг ўпкасига нисбатан бўлган эҳтиёткорлик чоралари, унинг ошқозонига нисбатан унчалик татбиқ этилмас эди.

Вақт шу зайлда ўтиб борарди. Ромеш қалбидаги кучли ҳислар уни қачон олиб боришини ўйлаб кўришга вақт тополмасди. Аммо бу масала Оннода-бабу ва унинг ошналарининг диққатини жалб этиб, кўпинча гап-сўзларга мавзу бўларди.

Ромешнинг ҳаётӣ таҷрибаси унинг билимидек мўл ва чуқур эмасди, ошиқлик кайфияти эса, унинг турмушга бўлган қарашини яна ҳам қуюқроқ туман билан қоплаб қўйди. Оннода-бабу ҳар кун янги умид билан Ромешнинг юзига қарар, аммо ундан ҳеч қандай жавоб уқиб ололмасди.

Х БОБ

Окхойнинг овози унчалик яхши бўлмаса-да, скрипкага жўр бўлиб қўшиқ айтганида, шафқатсиз танкидчигина яна бирор нарсани куйлашини сўрамаслиги мумкин эди.

Оннода-бабу мусикага у қадар иштиёқманд эмасди. Бирок буни очик айтишнинг имкони бўлмаганидан, у ўзини муҳофаза қилишнинг махсус усулини ўйлаб топган эди.

Бирор киши Окхойдан қўшиқ айтиб беришини сўраган заҳоти Оннода-бабу:

— Уялмайсизларми, бир киши қўшиқ айта оларкан, деб уни бунчалик азоблаш яхши эмас, ахир, — дер эди.

Аммо, бундай гаплар, ўз навбатида Окхойнинг камтарона норозилигига учрарди:

— Йўқ, Оннода-бабу, сиз ташвиш тортманг, ҳали кимнинг кимга азоб бериши маълум эмас.

Кейин мусиканинг самимий муҳибларидан бирортаси сўзлаб, мунозарани яқунлаш мақсадида, Окхойдан бирор қўшиқни куйлаб беришни сўрардилар.

Бир марта кундузи қўрғошинсимон булутлар бутун қўқни қоплаб олди. Ёмғир муттасил ёғиб, кош қорайганида ҳам тўхтамади.

Окхой ихтиёрсиз равишда ушланиб қолди, Хемнолини ундан қўшиқ айтиб беришни илтимос қилди. Узи фисгармония олдига ўтирди, Окхой эса скрипкани созлаб, хинд тилида куйлай бошлади:

*Майин ел, парвоз қил —
Ёрга интизорман,
Ёрдан хабар топмасам,
Тунлари бедорман.*

Қўшиқдаги баъзи сўзлар тингловчиларга англашилмади, зотан бу шарт ҳам эмас эди: юрак муҳаббат билан тўлиб-тошиб, учрашувдан ажрашгунгача уриб турганидан кейин, одамларнинг бир-бирларини англашлари учун салгина ишора кифоя.

Қўшиқнинг умумий мазмуни маълум эди: булутлар қўз ёши тўқар, товуслар қийқирай, ошиқ-маъшуқларнинг бошига тушган кулфатларнинг интихоси йўқ.

Окхой қўшиқдаги ҳар бир сўзда қалбидаги яширин туйғуларни ифода қилишга уринди, аммо бу сўзлардан бошка икки

одам бахра топиб ўтирарди. Куйлар тўлкинида уларнинг юраклари бир маромда уриб турарди; уларнинг назарида оламда биронта хира ёки аҳамиятсиз нарса қолмаган, теварақдаги барча нарсалар гўзал эди. Гўё инсон қалбини ҳамма вақт ўртаб келган муҳаббат ҳозир фақат шу иккиси орасида тақсим этилган-у, қалбларини бениҳоя бахт ва изтироб билан титратиб, ҳаяжон ҳамда интизорликда лол бўлишга мажбур этган. Шу тариқа бугун булутлар кўчмади, қўшиқ ҳам тинмади.

Хемнолини: «Окхой-бабу, марҳамат қилиб яна бир қўшиқ айтинг!» деб илтимос қилиши билан у дарҳол янгисини бошлаб юборарди.

Куй лаҳза сайин авжига чиқиб, тобора жозибадорлик касб этар, баъзан унда яширин бир чакмоқ чакнагандек бўлар, гоҳо эса алам, хасратга тўла қалбнинг нолиши эшитиларди.

Окхой алламаҳал бўлганида чиқиб кетди. Мусикадан таъсирланган Ромеш хайрлашиш чоғида хомушлик билан Хемнолинининг кўзларига назар солди. Қиз ҳам унга ўтли кўзлари билан шундай боқдики, бу нигоҳда қўшиқнинг сеҳри ҳамон парвоз этарди.

Ромеш уйига қайтиб келди. Бир лаҳзагина тинган ёмғир яна шиддат билан қуя бошлади. Шу кеча йигит мижжа қокмай чиқди. Хемнолинининг ҳам кўзларига уйку келмади. У, кечанинг зим-зиё қоронғисида ёмғирнинг тинимсиз шовиллашига узок қулок солди. Унинг қулоқларида ҳамон қўшиқнинг мисралари жанраглари:

*Майин ел, парвоз қил —
Ёрга интизорман,
Ёрдан хабар топмасам,
Тунлари бедорман.*

«Мен ҳам ашула айтишни ўрганолсам эди! — дея ўйга толди Ромеш эртасига, — ўйлаб-нетмай, бутун қобилятимни шунга бағишлаган бўлардим».

Афсуски, Ромешда бу санъатни оз бўлса-да, эгаллаш учун ҳеч қандай ишонч йўқ эди. Аммо мусиқа билан шуғулланиб кўришга жазм этди. Бир воқеа унинг ёдига тушди: бир куни Оннода-бабуникида ёлғиз қолиб, камончани скрипка торлари устидан бир тортган эди, мусиқа тангриси шундай овоз билан инградикки, у бу созни қайта қўлга олишдан воз кечди, чунки бу фаолиятни давом эттириш — мусиқа тангрисига каттиқ жабр бўларди.

Шуниинг учун Ромеш ўзини скрипка чалишга қобилятсиз ҳисоблаб, фисгармония сотиб олди. Эшиқларни маҳкам ёпиб, эҳтиёткорлик билан бармоқларини клавишлар устидан юргизди-ю, нима бўлганда ҳам бу чолғу скрипкага нисбатан анча бардошли экан, деган хулосага келди.

Эртасига Ромеш Оннода-бабунинг уйида кўриниши билан Хемнолини:

— Кеча сизникида кимдир фисгармония чалди-я, — деб колди.

Ромеш, эшикларни беркитгач, ҳеч ким эшитмайди, деб ўйлаган бўлса-да, ҳар нечук, унинг мусикасини ёпик эшиклар ортидан ҳам эшита оладиган сезгир кулоқлар бор экан.

Хижолатда қолган Ромеш, ўзи фисгармония сотиб олгани ва мусика билан шуғулланмоқчи эканига иқрор бўлди.

— Сиз эшикни кулфлаб, мустақил ўрганмоқчи бўлиб бекор қиласиз, — деди Хемнолини. — Яхшиси келиб бизникида ўрғанинг. Мен бир оз чалишни биламан, билганларимни сизга ҳам ўргатаман.

— Ахир мен жуда зехни паст шогирдман, — деди Ромеш. — Менга ўргатгунча анча азоб чекасиз.

— Менинг билимим бир амаллаб қобилиятсиз шогирдларга ўргатгунча кифоя қилади, холос, — деди кулиб Хемнолини.

Бироқ тезда Ромеш мусикадаги заковатсизлиги ҳақида гапирганида, ортиқча камтарлик қилмаганлиги маълум бўлди. Хатто Хемнолинидек сабрли ва талабчан муаллима ҳам унга оҳангни хис қила билиш туйғусини сингдира олмади.

Товушлар оқимида юрган Ромешнинг ўзини тутиши, худди сузишни билмайдиган одамнинг сувга тушиб, чўкиб кетишини сезган пайтида қўл-оёқлари билан типирчилашига ўхшарди. У ҳар гал хато қилиб, бармоқлари билан клавишларга пала-партиш ураверарди. Унинг эшитиш туйғулари учун бунинг аҳамияти йўқ эди: у хамоҳанглик ва унинг бузилишини пайкамас, ҳар қандай оҳангнинг барбод бўлишига вазминлик билан қарарди. Хемнолини: «Нима қиялпсиз, бу сохта овоз!» дейишга улгурмай — у бирини тузатаман деб, иккинчи хатога йўл кўярди. Аммо табиатан жиддий ва серхафсала Ромеш ҳадеганда ишни йиғиштириб кўядиганлардан эмас эди. Охиста юрувчи паровой ғалтак йўлни шиббалаётганида, кудрати нимани босиб толқон қилаётгани тўғрисида сира ҳам ғам емайди. Ромеш ҳам шўрлик нота ва пардаларга тўхтовсиз хужумини мана шундай қайсарлик билан давом эттирди.

Хемнолини унинг мусикага бўлган истеъдодсизлигидан кулар, Ромешнинг ўзи ҳам бунга қўшилиб хандон урарди. Унинг чолғудан ғализ овоз чиқара олиш қобилияти қизга катта завқ бағишлар эди.

Фақат мухаббатгина нуксон, хато ва ғалати товушлардан қувонч топа олади.

Она фарзандининг илк марта қўрқа-писа қадам босишини кўрганида, унинг гўдакка бўлган меҳри яна ҳам туғён уради; Ромешнинг мусика борасидаги фавқулодда тажрибасизлигини кўрганида Хемнолини ҳам, айнан шундай хисларни кечирар эди.

— Хўп мени масхаралаб куляпсиз-а, — дер эди Ромеш баъзан, — ахир ўзингиз мусиқани ўрганаётган пайтда хато қилмаганмидингиз?

— Албатта, мен ҳам хато қилганман, бироқ тўғриси айтганда Ромеш-бабу, менинг хатоларим сизникига нисбатан дарёдан бир томчи, холос.

Шунда ҳам Ромеш тинчланмасди. Кулиб қўйиб, яна бошдан бошлайверарди.

Юқорида айтилганидек, Оннода-бабуни мусиқашунос деб айтиш мумкин эмасди, бироқ баъзан Ромешнинг чалишига кулок солиб туриб, у ҳам маъноли қилиб дер эди:

— Яхши садо чиқмоқда. Чамамда Ромеш бора-бора туппа-тузук машшокка айланади-қўяди.

— Ха, ноуйғун, бузук куйлар чиқариш бобида устоз бўлади, — деди Хемнолини кулиб.

— Тўғри-да, мен биринчи марта эшитганимдан бери у анча ўрганиб қолибди. Менимча, агар Ромеш астойдил ҳаракат қилса, яхшигина ўрганиб олади. Бунда ҳам худди қўшиқдагидек доимий машқ қилмоқ зарур. Оддий пардаларни ўрганиб олсанг бўлгани, кейин хамирдан қил суғургандек кета беради.

Бу хил оддий ҳақиқатга эътироз қилиб бўлмасди, Оннода-бабунинг донолиги олдида барча эхтиром билан жим қолишга мажбур бўлди.

ХИ БОБ

Деярли ҳар йили куз ойида, Пужа¹ байрами муносабати билан чипталарнинг арзон бўлишидан фойдаланиб, Оннода-бабу Хемнолинини олиб, поччаси ишлаб турган Жабалпурга кетарди. Уни ҳар йили бундай сафарга рағбатлантирган нарса — хазм қилиш жараёнини яхшилашга бўлган сўнмас умиди эди.

Август ойининг охири. Байрам таътилига озгина вақт қолган, шунинг учун Оннода-бабу сафарга тайёргарлик кўра бошлади.

Яқинлашиб келаётган айрилик кунларини эслаб, Ромеш яна ҳам зўр ғайрат билан мусиқага берилди.

Бир суҳбат асносида Хемнолини унга деди:

— Назаримда, Ромеш, иқлимни ўзгартириш сиз учун ҳам жуда фойдали бўларди. Ота, сиз бунга нима дейсиз?

Оннода-бабу ўзича бир оз ўйлаб, бу таклифни маъқул топди:

— Ромеш оғир мусибатга йўлиқди, сафар унинг кўнглини очиб, ғам-ғуссаларини бартараф қилади. — Албатта, — деди у, — бир неча кун об-ҳавони ўзгартириб саёҳат қилиш ғоятда фойдали. Биласанми Ромеш, мен шуни билдимки, ҳар ерда

¹ Пужа — Кали тангриси шарафига ўтказиладиган кузги байрам, бунда ўн кун мобайнида идораларда иш, ўқув юртларида машғулотлар тўхтатилади.

ҳам, — ғарбий вилоятлардами, бошқа жойдами, — иқлимни ўзгартиш бир неча кун давомидагина яхши таъсир этади. Биринчи даврда яхши иштаҳа пайдо бўлиб, кўп овқат ейсан, кейин эса аксинча: корин вазминлашиб, зарда бўлиб, томоқнинг ёниши бошланади, нимаки емагин барибир...

— Ромеш, сиз Нормод шалоласини ҳеч кўрганмисиз, — отасининг сўзини бўлди қиз.

— Йўқ, мен у ерларда сира ҳам бўлмаганман.

— У ҳолда сиз уни бориб кўрсангиз арзийди, тўғрими, ота?

— Ростдан ҳам, нега энди Ромеш биз билан бирга бормасин.

У шу баҳонада бир оз ёзилади, яна Мармар қояларини ҳам кўради.

Бундай вазиятда ҳаво алмаштириш билан Мармар қояларини томоша қилишнинг уйғунлашуви Ромеш учун шубҳасиз фавкулудда аҳамиятга эга эди, шунинг учун у рози бўлиб қўя қолди.

Ромеш ўша куни хаёлларнинг арши аълосида парвоз этгандек бўлди. У уйда эшикларни беркитиб олиб, ўз қувончининг ифодаси ўларок фисгармония чала бошлади. Унинг бармоқлари телбавор тарзда ҳар қандай оҳанг қонунларини бир четга улоқтириб, бу шўрлик чолғуда хақиқий жинлар базмини қизитиб юборди.

Сўнгги кунларда Хемнолинидан ажралиш онлари яқинлашгани сари кўнгли хижил бўлиб юрганди. Ҳозир эса, завқу шавқ исқанжасида ўзининг мусиқа борасида не-не машаққатлар билан орттирган билимини шамолга совурмоқда эди.

У эшикнинг тақиллашини эшитиб, бир зумга машқ қилишдан тўхтади.

— Нима қиялсиз, Ромеш-бабу! Илтимос, тўхтатинг, — деган овоз эшитилди.

Хижолатдан қизариб кетган Ромеш эшикни очди. Окхой кириб келди.

— Нега шовқин кўтаряпсиз? Қаранг, тагин жиноят қонунларингизнинг бирор моддасига тўғри келиб қолманг!

— Айб менда, иқрорман, — деб кулди Ромеш.

— Ромеш-бабу, агар қарши бўлмасангиз, сиз билан икки оғиз гаплашиб олмоқчи эдим, — деди Окхой.

Бундай муносабатдан бесаранжом бўлган Ромеш унга хайрон қараб қолди.

— Ўзингизга маълум, мен Хемнолинининг тақдирига асло бепарво қаролмайман, — деб гап бошлади Окхой.

Ромеш гапнинг давомини кутиб, ортик сўз котмади.

— Мен Оннода-бабунинг дўстиман, шунинг учун Хемнолини хақидаги ниятларингизни билишга ҳақлиман, деб ўйлайман.

Ромешга унинг сўзлари ҳам, гап оҳанги ҳам ёкмади. Бироқ у бировга қаттиқ гапиролмас, бунинг устига баҳслашишни ҳам хуш кўрмас эди. Шунинг учун хотиржамлик билан сўради:

– Хемнолинига ёмон ниятда эканлигимга сизда асослар борми?

– Сиз индуизм¹ акидасига мансуб оиладансиз, отангиз ушбу диний эътикоднинг мухлиси эди. Шу сабабдан, у сизни бошқа диндаги қиз билан турмуш қурмасин, деган хавф остида кишлокқа олиб бориб уйлантирмоқчи эди.

Окхойнинг бу ишда хабардорлик даъво қилишига алоҳида сабаблар бўлиб, Ромешнинг отаси Брожмохан-бабунинг юрагига шубҳа солган, худди шу Окхойнинг ўзи эди.

Ромеш бир неча дақиқа давомида Окхойга қаролмади.

– Энди сиз отангиз ўлгани учун кимга хоҳласангиз, ўшанга уйланишга ўзингизни ҳақли деб ҳисоблайсизми? — гапида давом этди Окхой. — Ахир у истардики...

Аммо Ромеш ортиқ жим туrolмади.

– Менга қаранг Окхой-бабу, агар сиз менга бирор бошқа нарса ҳақида насихат қилмоқчи бўлсангиз, гапингизни жону дилим билан тинглардим. Бироқ мен билан отам орасидаги муносабатда сизнинг маслаҳатингизга муҳтожлик йўқ.

– Яхши, бу масалани қўя турайлик. Аммо сиз саволимга жавоб беришингиз керак: Хемнолинига уйланмоқчимисиз, бунга ҳақингиз борми?

Зарба устига зарба тушиб, охири Ромешнинг сабри тугади:

– Менга қаранг Окхой-бабу, эҳтимол сиз Оннода-бабунинг дўстидирсиз, бироқ мен билан сизни боғлаб турган муносабатлар унчалик мустаҳкам эмас. Бинобарин, марҳамат қилиб, бу суҳбатни тўхтатинг.

– Агар барча нарса фақат менга боғлиқ бўлганида, бу гаплар аллақачон тўхтатилган, хатти-харакатларингизнинг оқибати ҳақида гап емай, бурунгидек хотиржам яшаб юрган бўлардингиз. Аммо жамоатчилик — сиз каби беғам одамлар учун ноқулай нарса. Албатта, сиз фақат юксак маънавий олам ҳақидаги фикрга толиб, ерда нималар содир бўлаётганига камроқ аҳамият берадиганлардансиз, йўқса, барчанинг иззатига сазовор бир кимсанинг қизига бўлган муносабатингиз одамлар нафратига йўлиқиши мумкинлигини сезган бўлар эдингиз. Агар мақсадингиз ўзингиз ҳурмат қилган одамларнинг шаънига доғ тушириш бўлса, у ҳолда сиз тўғри йўлдан кетаяпсиз.

– Огоҳлантирганингиз учун ташаккур, — деди Ромеш. — Нима қилишим кераклиги ҳақида дарҳол бир қарорга келиб, уни амалга ошираман — сиз бу борада шубҳаланмасангиз ҳам бўлади. Энди бу ҳақда гап тамом.

– Мени ғоят хурсанд қилдингиз, Ромеш-бабу! Энди қатъий қарорга келганингизни кўриб, тамоман хотиржам бўлдим, шу билан сизга айтадиган гапим тамом бўлди, машғулотиңгизга хала-

¹ Индуизм — Ҳиндистонда энг кўп тарқалган динлардан бири.

кит берганим учун узр. Майли, хечкиси йўк, бошидан бошлайсиз. Мен кетдим, — деб Окхой тезда чиқиб кетди.

Аммо Ромешда мусика билан шуғулланишга ҳеч қандай ҳафсала қолмади. У ўзини тўшакка ташлади-да, қўлларини бошининг орқасига қўйиб, узоқ ётди. Нихоят соат бешга занг урганида, шошилиб ўрнидан турди. Унинг энди нима қилишини фақат Худонинг ўзи билади, лекин бир нарсада унда заррача иккиланиш йўк, бу — тезда қўшни уйга кириб, бир пиёла чой ичиш эди.

У кириб келганида, афт-ангорини кўриб Хемнолини ташвишланиб сўради:

— Тобингиз қочдими, Ромеш?

— Йўк, йўк, ҳеч нарса бўлгани йўк.

— Ҳеч гап эмас, — деди Оннода-бабу, — бу шунчаки баданда сафронинг кўпайишидан. Мен мана бунақа ҳаб дориларни истеъмол қиламан, биттасини ютиб юборсанг, тамом...

— Ота, унга бу дориларни ичираверманг, — деб кулди Хемнолини, — мен ҳали сизчалик сергап одамни сира учратганим йўк, бунга дорингиз ҳам кор қилмаяпти.

— Афсуски, кор қилмаяпти. Аммо аминманки, мен илгари қабул қилган дориларнинг барчасидан шуниси афзал.

— Сиз ҳамиша шунақасиз: янги дори юта бошласангиз, уни аввало энг яхши сифатлар билан беаганингиз-беаган.

— Унга ишонма Ромеш, ана Окхойдан сўраб кўр, менинг дорим унга фойда қиляптими, йўкми, — деб эътироз қилди Оннода-бабу.

Хемнолини эслатилган кимса хозирок чақирилмаса эди, деган ҳавф билан дарҳол жим қолди. Аммо афсуски, у остонаданок Оннода-бабуга мурожаат қилиб, пайдо бўлди.

— Менга яна бир ҳаб дори берсангиз, сиздан ғоятда миннатдор бўлардим. Бу дорининг менга жуда катта нафи тегяпти, шуни ичиб ўзимни жуда тетик ҳис қиляпман.

Бу сўзларни эшитган Оннода-бабу қизига ғолибона қараб қўйди.

ХИ БОБ

Мехмондўст Оннода-бабу Окхойнинг дорини олибок дарров қайтиб кетишига сира рози бўлмади, Окхойнинг ўзи ҳам кетишга унча шшилмай, синовчан бир нигоҳ билан Ромешга қараб қўйди.

Ромешнинг унча-мунча нарсани дарров сезиш қобилияти йўк эди. Аммо Окхойнинг бугунги ғалати қарашлари унга ошқор бўлиб, юрагига фулгула солди.

Хемнолини ҳаддан ташқари хушвақт эди. Ғарбга сафар вақтининг яқинлашаётгани уни жуда қувонтирарди. Ромеш келиши

билан таътилни қандай ўтказиш, бўш пайтларда ўқиш учун қандай китоблар олиш ҳақида маслаҳатлашиб олмоқчи эди. Ромешнинг бугун барвақтроқ келиши шартлашиб қўйилганди, чунки бу вақтда ҳеч ким, хусусан, чой вақтида доим ҳозир у нозир бўладиган Окхой ҳам буларнинг дилкаш суҳбатига халакит бера олмасди.

Аммо Ромеш бугун одатдагидан кечроқ келди, бунинг устига негадир ўйчан кўринарди. Бу Хемнолинининг шаштини анча кайтарди. Қулай фурсат топиб киз охиста сўради:

— Нега бунча кечикдингиз?

Ромеш бир оз жим қолиб, сўнгра паришонлик билан:

— Дарвоқе, мен чиндан ҳам бир оз кечиккан кўринаман, — деди.

Хемнолини эса, вақтида тайёр бўлиш учун шунча тиришдики! Барвақт ўрнидан туриб сочларини яхшилаб таради, кийинди, сўнг сабрсизлик билан тез-тез соатга қараб, Ромешнинг йўлига кўз тикди. Дастлаб унга хали вақт эртаю, соат нотўғри юраётгандек туюлди. Охири Ромешнинг кечиккани аниқ бўлганидан кейин, кайғули фикрлар қуршовидан кутулиш мақсадида каштасини олиб, деразанинг олдига ўтирди.

Нихоят Ромеш келди. Унинг бир нарсадан ташвиш тортаётгани кўриниб турарди, ҳатто кечикишининг сабабини айтишни ҳам лозим кўрмади, гўё бугун эрта билан келишга ваъда бермагандек.

Чойхўрлик тугагунча Хемнолинининг тоқати ток бўлди. Ҳамма ўз пиёласини четга суриб қўйганидан сўнг, у зўр бериб Ромешнинг диққатини жалб этишга уринди. Бурчакдаги столда китоблар ётарди. Хемнолини уларни йиғиб олиб, кетмоқчидек кўринмоқчи бўлди. Бу ҳаракат Ромешнинг ўйчанлигини тарқатди:

— Буларни қаёққа олиб кетмоқчисиз? — деди у дарҳол кизнинг ёнига бориб. — Биз булардан баъзиларини танлаб, олиб кетмоқчи эдик-ку!

Хемнолинининг лаблари титраб кетди, у кўз ёшларини аранг тутиб колди.

— Қўйинг, буларни танлашга ҳожат йўқ... — деди-ю, шонилганича болохонага чиқиб, ётоғига кирди. У ерда китобларни полга ташлаб юборди.

Хемнолини кетганидан сўнг Ромешнинг таъби жуда хира бўлди. Окхой ичида қулиб, аммо унга қуйингандек:

— Сал нотоброқ кўринасиз, Ромеш-бабу? — деди.

Ромеш бунга жавобан алланима деб пўнғиллади, холос.

Саломатлик ҳақидаги бир сўз билан Оннода-бабуга дарҳол жон кирди.

— Тўғри, тўғри, унга бир назар солиб, мен ҳам шундай деб ўйладим.

— Ромешга ўхшаган одамлар ўз саломатликларига доим бе-парво бўлишади, Окхой кўзларини муғамбирона пирпиратиб. —

Ахир улар фақат ақл билан яшаб, ошқозоннинг овқат ҳазм қилиши каби бачкана нарсаларга эътибор беришни аҳмоқлик, деб ҳисоблашади.

Оннода-бабу бу гапни жиддий қабул қилиб, ошқозоннинг ҳазм қилиши ҳақида ғамхўрлик ҳамманинг, ҳатто файласуфларнинг ҳам бурчи эканлигини муфассал исботлашга киришиб кетди.

Ромеш ўзини ўтда ковурилаётгандек ҳис этмоқда эди.

— Менинг маслаҳатимга қулоқ солинг, Ромеш, — деди Окхой, — Оннода-бабудан дори олиб ичинг-да, тезроқ бориб ухланг.

— Мен Оннода-бабу билан жиндек гаплашиб оламан-у, кетаман.

— Илгарироқ айтмайсизми шуни! — деди Окхой ўрнидан туриб. — Ромеш ҳамиша шундай. Аввал бир нимани сир тутади, кейин фурсатни қўлдан бой бергач, бирдан ўзига келиб, ҳаяжонлана бошлайди.

Шу сўзларни айтиб Окхой кетди. Ромеш ботинкасининг учларига тикилганича гап бошлади:

— Оннода-бабу, сиз мени ўз болангиздек қабул қилдингиз. Бунинг учун мен ўз миннатдорчилигимни изхор этишга ожизман.

— Жуда соз-да! Ахир, сен ўғлим Жогеннинг дўстисан. Шундай экан, сенга ўзгача муносабатда бўлишим мумкинми?

Негадир, муддаонинг баёнига киришиш учун Ромеш сира ботинолмасди. Унга далда бериш мақсадида Оннода-бабу сўз бошлади:

— Биз уйимизда сендек йигитни ўз ўғлимиздек қабул қилганимиздан жуда бахтиёрмиз.

Бироқ шундан кейин ҳам Ромешнинг тили ёзила қолмади.

— Эътибор қилгандирсан, одамлар сен ҳақингда кўп ғийбат гапларни тўқимоқдалар, — давом этди Оннода-бабу. — Улар Хемнолини балоғатга етди, энди у ёру дўст танлашда жуда эҳтиёт бўлиши зарур, дейишмоқда. Аммо мен уларга ҳамиша, Ромешга ишонаман, у ҳеч қачон жамоат олдида юзимизни шувут қилмайди, деб жавоб бераман.

— Сиз мени яхши биласиз, Оннода-бабу, — деди ниҳоят Ромеш, — агар мени Хемнолинига лойик топсангиз, у холда...

— Бас қил, бас қил. Ўзим ҳам шу фикрда эдим. Оилангда бахтсизлик рўй бермаганида, аллақачон тўй кунини белгилаш мумкин бўларди; лекин билиб қўй, азизим, бу ишни кўп кечиктириш ярамайди. Турли хил ғийбатлар оралаб юрибди, уларга тезроқ хотима берган маъқул. Нима дейсан?

— Қайси вақтни маъқул десангиз, шу. Лекин энг асосийси — кизингизнинг фикрини билиш керак.

— Тўғри, аммо мен яхши биламанки, унинг фикри сеники билан бир. Эртага барчасини узил-кесил ҳал қиламиз.

— Энди менга ружсат берсангиз, шундоқ ҳам вақтингизни олдим.

— Бир оз сабр қил, менимча, тўйингизни Жабалпурга кетишдан олдин ўтказасак яхши бўларди.

— Тўғри... Бироқ вақт жуда оз-ку!

— Тахминан ўн кун. Агар тўйингиз келгуси якшанба куни бўлса, ҳозирлик кўришга яна уч кун қолади. Сени бунчалик шошилтирмасдим, аммо мен ҳам саломатлигим ҳақида ўйлашим керак, Ромеш.

Йигит рози бўлди, Оннода-бабу яна бир ҳаб дорини ютиб хонасига кириб кетди.

ХШ БОБ

Таътил ҳам яқинлашиб қолди.

Ромеш Камола байрамда ҳам мактабда қолади, деб пансион мудири билан олдиндан келишиб қўйганди.

Эртасига саҳарлаб, тинч кўча билан шаҳарнинг марказий майдонига қараб бора туриб, тўйдан сўнг дарҳол Камола ҳақида ҳаммасини Хемнолинига айтаман, Камолани асл воқеадан хабардор қиламан, деган фикрга келди.

Шу тариқа, орада тўла ҳамжиҳатлик вужудга келади, Камола Хемнолинининг дугонаси бўлиб қолади, иккаласи биргаликда осойишта ва бахтиёр яшайдилар.

У Камола ҳақида турли гаплар таркалишини шубҳасиз эканини биларди, шунинг учун тўйдан сўнг Қалкуттада қолмасдан, дарҳол Хажарибокка жўнаб, у ерда адвокатлик иши билан шуғулланмоқчи бўлди.

Бир оз сайр қилиб қайтгач, йигит Оннода-бабунинг ҳузурига борди ва зинада беҳосдан Хемнолинига дуч келди. Илгари бундай учрашувларда улар, албатта ўзаро гапга киришиб кетардилар. Аммо бугун Хемнолини бирдан қизариб, чехрасида шафак шуъласидек юмшок бир табассум намоён бўлди. Қиз кўзларини ерга тикканича югуриб кетди.

Ромеш уйга қайтгач, фисгармония олдида ўтириб, Хемнолини ўргатган куйни астойдил чала бошлади. Бироқ бир куйни кун бўйи чалиб бўладими. Фисгармонияни қўйиб, шеър ўқиб кўрмоқчи бўлди. Аммо ҳеч бир дoston унинг муҳаббати порлаб турган юксакликка етолмаслигини тушуниб етди.

Хемнолини эса, вақти чоғлик билан уй ишларини давом эттирарди. Ниҳоят, кун киёмдан ўтганида, ишдан бўшаб ётоғининг эшигини қия ёпди-да, каштадўзликка киришди. Қизнинг сокин чехраси чексиз бахт билан ёришганди: шоду хуррам этгувчи муҳаббат хисси унинг вужудини тамоман камраб олганди.

Одатдаги чойхўрликдан анча илгари, шеърый китобларни, фисгармонияни қўйиб, Ромеш ҳам Оннода-бабунинг уйида пайдо бўлди. Илгари ҳамиша уни Хемнолини кутиб оларди. Аммо

бугун хона бўм-бўш, юқорида ҳам ҳеч ким йўк. Хемнолини хозиргача ўз хонасидан чиқмаган экан-да.

Белгиланган вақтда Оннода-бабу келиб ўз жойига ўтирди. Ромеш эса, ҳайиқибгина эшикка боқарди. Ниҳоят қадам товушлари эшитилди, бироқ бу Окхой бўлиб чиқди.

У Ромеш билан куюқ саломлашиб:

— Мен бўлсам хозиргина сизнинг уйингизда эдим, — деди.

Бу гапдан Ромешнинг юзига хавотирлик соя солди.

— Нега кўрқдингиз, Ромеш? — деб кулди Окхой. — Мен сизга сира дашном бермоқчи эмасман. Ҳаётингиздаги бахтли воқеа билан табриклаш — бизнинг дўстлик бурчимиз, ахир. Уйингизга киришдан бирдан-бир мақсадим ҳам шу эди.

Сухбат пайтида Оннода-бабу Хемнолинининг йўқлигини пайқаб қолди. У қизини чақирди. Жавоб бўлмагач, ўзи болохонага чиқди.

— Нега шу чокқача каштадўзлигингни қўймайсан, Хем! — деди у. — Чой тайёр, Ромеш билан Окхой келишди.

Хемнолини қизаринқиради.

— Ота, айтинг, менга чойни шу ерга келтиришсин, — деб илтимос килди у. — Мен ишимни битиришим керак.

— Хўп феълинг бор-да, Хем! Бир ишга берилдингми, барча нарсани унутасан. Имтихон вақтида китобдан бош кўтармадинг, энди бўлса, каштадўзликка шундай берилдингки, оламни сув босса парвойингга келмайди. Йўк, бу ишинг чакки! Пастга туш!

Бир неча дақиқадан кейин, Оннода-бабу қизининг қўлидан ушлаб, кўярда-қўймай мехмонхонага бошлаб келди. Аммо қиз, гўё бутун эътиборини чой қуйишга қаратгандек ҳеч кимга назар солмади.

— Нима қияпсан, Хем! — бирдан таажжуб билан хитоб қилди Оннода-бабу. — Нега менга қанд соласан? Биласан-ку, мен чойни ҳамиша қандсиз ичаман.

— Бугун у кишининг саховатлари чексиз, — деди Окхой кулиб, — у киши бугун барчага ширинлик ҳадя қилишга тайёрлар.

Хемнолинига қараб айтилган кинояли истехзо Ромешга жуда қаттиқ ботди. У тўйдан сўнг Окхой билан ҳар қандай алоқани узаман, деган фикрга келди.

Бир неча кундан сўнг, ҳаммалари Оннода-бабунинг уйига тўпланишганида, Окхой бехосдан:

— Ромеш-бабу, сиз исмингизни ўзгартиришингиз керак, — деб қолди.

— Нечун, сабабини билишни истардим, — асабийлашиб сўради Ромеш. Окхойнинг пардали ишоралари доим унинг жиғига тегарди.

— Мана бунга назар солинг, — деди Окхой бир газетани оча туриб. — Ромеш деган бир талаба имтихон топшириб, ўр-

нига бошка кишини ўқишга юборган. Бирок уни, барибир фош қилишибди.

Окхойнинг бундай ҳазилларига Ромешнинг хадеганда жавоб тополмаслигини билган Хемнолини, Ромешни химоя қилишни ўз вазифаси деб ҳисобларди. У ҳозир ҳам шундай қилди, ғазабини сездирмай, қулимсираб, зарбага зарба қайтарди:

— Ундай бўлса, шу хилдаги иш билан камокка тушган Окхойларнинг сон-саноғи йўқ десангиз-чи!

— И-е, бу кизни қаранглар! Бировга дўстона маслаҳат бераман десанг, дарров бунинг жаҳли чиқади-я. Бўлмаса мен ҳозир сизларга бир хангомани сўзлаб берай. Синглим Шорот хотин-қизлар олий мактабда ўқийди. Кеча кечкурун уйга келиб у менга: «Биласизми ака, Ромешингнинг хотини бизнинг мактабда ўқийди», деди. «Тентак», — дедим мен, эътироз билдириб, — сен дунёда бошка Ромеш йўқ деб ўйлайсанми?» «Ким бўлса ҳам, ўз хотинига жуда бешафқат экан, — деди Шорот. — Байрамда ҳамма қизлар уйларига кетишади, у бўлса хотинини пансионда қолдирмоқчи экан. Боёқишнинг йиғлай-йиғлай эси кетди». Мана шундагина мен бунинг хавфини пайқадим: Шоротдан бошқалар ҳам шундай янглиш фикрда бўлиши мумкин, ахир.

Оннода-бабу кулиб юборди.

— Хўп девонасан-да, Окхой! Шу беъмани гапни ҳам гап, деб юрибсанми! Нахотки, аллақандай бир Ромеш хотинини мактабда йиғлатиб қолдиргани учун бизнинг Ромеш исмини ўзгартиши керак бўлса.

Ромеш бирдан оқариб, ўрнидан турди-да, ташқарига чиқди.

— Сизга нима бўлди Ромеш-бабу? Бир нимадан ранжидингизми? Мени сиздан бирор нарсада гумонсирипти деб ўйламанг, тагин! — қичқирди Окхой ва Ромешнинг кетидан югуриб чиқди.

— Буларга нима бўлди ўзи? — деб хайрон бўлди Оннода-бабу.

Бирдан Хемнолини хўнграб йиғлаб юборди.

— Ха, сенга нима бўлди, Хем? Нега йиғлаяпсан? — безовта бўлиб сўради, Оннода-бабу.

— Ота! Окхой-бабу жуда ноинсоф одам, — деди у, охири йиғидан овози титраган ҳолда. — Уйимизда одобли бир одамни тахкирлашга унинг қандай хаки бор?

— Окхой шунчаки ҳазиллашди-да, буни кўнгилга олишнинг хожати йўқ.

— Мен бундай ҳазилларни ёқтирмайман, — деди Хемнолини ва югурганича болохонага чиқиб кетди.

Калкуттага кўчиб келгач, Ромеш Камоланинг эрини топиш учун жуда кўп уринди. Ниҳоят, кўп машаққатлар билан Дхў-бапукур деган қишлоқнинг дарагини топди, қизнинг тоғаси Тариничорон ўша ерда яшар экан. Ромеш унга мактуб юборди.

Юкоридаги ходисанинг эртаси куни Ромеш ўз мактубига жавоб олди. Тариничорон ўша бахтсизлик рўй берганидан кейин жиянининг эри Нолинакха, Рангпурда шифокор экан. Тариничорон у ерга мактуб ёзиб суриштирса, у ерда ҳам шу чокқача ундан бирор хабар йўқ эмиш. Нолинакханинг асли каердан эканини Тариничорон билмас экан.

Энди Ромешга, Камоланинг эри балки тирикдир, деган фикрдан воз кечишга тўғри келди.

Ромеш ўша почтадан яна кўпгина мактублар олди: булар тўй муносабати билан дўстлари юборган табрикномалар эди. Бири зиёфат қилишни сўраб ёзган бўлса, бошқаси шу чокқача ҳамма нарсани сир тутгани учун хазиллашиб таъна қилганди.

Шу пайтда Оннода-бабунинг хизматкори мактуб келтирди. Хемнолинининг дастхатини таниб, Ромешнинг юраги орзикиб кетди.

«Окхойнинг сўзлари унинг юрагида ишончсизлик туғдирди, у шунга барҳам бериш мақсадида менга мактуб ёзган», деб ўйлади Ромеш.

Мактуб бир неча сўздан иборат эди:

«Кеча Окхой-бабу сизга дағаллик қилди. Мен эрта билан бизникига кирарсиз, деб ўйлагандим. Нега келмадингиз? Нега энди Окхойнинг гапларини кўнгилга оласиз? Биласизки, мен унинг бирорта сўзига ишонмайман. Бугун, албатта барвақтрок келинг, — мен каштадўзлик билан шуғуланмайман».

Ромеш шу озгина сўздан Хемнолинининг муҳаббатга тўла ва ҳар нарсани афв этувчи қалбини эзаётган дардни пайқаб, кўзларига жикка ёш тўлди.

Ромеш биларди: кеча окшомдан буён Хемнолини уни бетоқатлик билан кутмоқда, унинг ғуссаларини енгиллатишга ташна. Кеча ўтди, эрта билан ҳам бормади. Шундагина қизнинг сабр-тоқати тугаб, хат ёзган.

Ромеш яқинда хаялламай, ҳаммасини Хемнолинига айтиш керак, деб ўйлаган эди. Аммо кечаги ходисадан кейин, бундай икром анча қийин бўлиб қолди: бундай қилинса, барча Ромеш ўз қилмишлари учун масъулиятдан қочишга уринмоқда, деб ўйлаши мумкин. Бунинг устига, буларнинг бари Окхойнинг тантанаси бўлиб кўринади, бунга — Ромеш токат қилолмас эди. «Окхой қандайдир бошқа Ромешни Камоланинг эри деб биллади, — деб ўйларди йигит, — йўкса у ишоралар билангина чекланмай, бутун шаҳарга жар соларди. Нима бўлса ҳам тезроқ бир тўхтамга келиш керак».

Шу пайтда яна бир мактуб келди. Бу Камола ўқиётган мактабнинг мудирасидан бўлиб, у қизнинг кўнгли вайронлиги, байрамда уни пансионда қолдиришга ўзини ҳақли деб билмагани, келгуси шанба кунидан таътил бошланишини, бу вақтда Ромешнинг қизни уйга олиб кетиши кераклигини ёзган эди.

Шанба куни Камолани уйга олиб келиб бўладими! Якшанба куни тўй, ахир!

Бирдан отилиб Окхой кириб келди.

— Ромеш-бабу, сиз мени афв этишингиз керак, — деди у, — агар сизнинг шунчаки бир хазилдан бунчалар хафа бўлишингизни билганимда, бу мавзуда оғиз очмаган бўлардим. Ахир, одатда, одамлар хазилда ҳақиқатдан бир асар бўлгандагина хафа бўлишади. Менинг сўзларимда эса, кўпчиликнинг хузурида нафратингизни баён қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ эди. Оннода-бабу кечадан бери мени койийдилар. Хемнолини бўлса мен билан гаплашмай қўйди. Бугун эрталаб уларникига кирганимда, у дархол хонадан чикиб кетди. Айтинг-чи, мен сизга нима ёмонлик қилдим?

— Буларни вақти келиб яна муҳокама қиламиз, — деб жавоб берди Ромеш. — Ҳозир эса, афв этасиз, мен бандман!

— Ҳа, ҳа тушунаман, тўй тараддуди, — чунки вақт жуда оз қолган! У ҳолда мен сизга халакит бермайин. Хайр, — деб Окхой ғойиб бўлди.

Ромеш Оннода-бабуникига кетди. У уйга кириши билан Хемнолинини кўрди. Қиз унинг эрта билан келишига ишониб, аллақачон кутиб олишга тайёрланган эди: рўмолчага ўралган кашта столда ётарди, столнинг ёнида фисгармония. Қиз Ромеш билан одатдагидек мусикадан машқ қиламиз, деб ўйлаган эди, аммо кўнглида бошқа мусикани — севишганлар калбида янграб, ўшаларгагина эшитиладиган мусикани тинглаш орзуси бор эди.

Ромеш пайдо бўлиши билан у нозик табассум қилди, аммо табассум шу заҳотиёқ сўнди, чунки Ромеш бошқа гап қуриб кетгандек, Оннода-бабу каерда, деб сўраб қолди.

— Отам ўз хонасида, — деб жавоб берди қиз. — У сизга жуда керакми? Балки бир оз сабр қиларсиз? Отам чой ичгани келади.

— Унда зарур ишим бор. Кутолмайман.

— Ундай бўлса, бора қолинг, у ўз хонасида.

Ромеш кетди.

«Зарур иш!» Бу дунёнинг ишлари сусткашликни сира ёқтирмайди, фақат муҳаббатгина сабр билан ўз фурсатини кутиши лозим.

Шу пайт унга тиниқ куз осмони гўё хўрсиниб, қувончлар хазинасининг олтин дарчасини қиялаб ёпгандек туюлди.

Хемнолини оромкурсини фисгармониянинг олдидан суриб, столга яқинроқ ўтирди-да, кашта тикишга киришди. Бироқ уни шундай туйғулар чулғаб олгандики, гўё игна матога эмас, тўғри унинг калбига санчилгандек туюларди.

Дарвоқе, Ромешнинг бу зарур иши кўп вақт олармикин! «Зарур иш!» ҳукмрондек қанча хохласа шунча вақтни олади, муҳаббат эса, гадодек хайр сўрашга мажбур!

XIV БОБ

Ромеш Оннода-бабунинг ҳузурига кирди.

Қария юзини газета билан ёпиб, оромкурсида мизғирди. Ромешнинг енгилгина йўталишидан дархол уйғонди-да, газетани Ромешга узатиб:

— Ромеш, ўкидингми, бу йил кўп одам вабодан халок бўлибди, — деди.

Аммо Ромеш муддаосини баён қилишни афзал кўрди.

— Тўйни бир неча кунга кечиктиришга тўғри келади, — деди у. — Зарур ишларим чиқиб қолди.

Бу гапни эшитиб Оннода-бабу вабо қурбонларини эсдан чиқарди. У Ромешга бир неча дақиқа тикилиб туриб:

— Нима бўлди, Ромеш? — деди. — Таклифномалар аллақачон тарқатилган-ку?

— Бугунок ҳаммага тўй келгуси якшанбага қолдирилди, деб хабар қилиш керак.

— Гапинг кизик-ку, Ромеш! Бу суд эмаски, истаганда кечиктириб, хоҳлаган вақтингда бошлаб юборсанг. Хўш, қандай зарур иш чиқди, мен буни билишни истардим?

— Бу ҳақиқатда ҳам жуда муҳим ва шошилишч иш.

— «Шошилишч!» — Оннода-бабу, шамолда синган банан дарахтидек, оромкурсига йиқилди. — Жуда соз, баракалла! — давом этди у. — Дарвоқе, ихтиёр ўзингда. Тўйга чақиритишни кечиктираман десанг — кечиктир! Агар мендан сўрашса, ҳеч нарсани билмайман, фақат куёв билади, тўйнинг нега кечиктирилгани ва қачон бошланишини фақат ўша айта олади, дейман.

Ромеш бошини қуйи солганича хомуш турарди.

— Сен буни Хемнолинига айтдингми?

— Йўқ, ҳали у билмайди.

— Нима бўлганда ҳам уни хабардор қилиб қўйиш ишинга халақит бермаса керак, ахир тўй ёлғиз сеники эмас, унинг ҳам тўйи-ку.

— Мен сиз билан келишиб олиб, сўнг унга айтмоқчи эдим.

— Хем! — чақирди Оннода-бабу.

— Нима гап, ота, — дея қиз хонага кириб келди.

— Ромеш қандайдир муҳим ишлар туфайли ҳозир тўй қилишга вақтим йўқ, деяпти.

Хемнолинининг ранги ўзгариб, Ромешга тикилиб қолди. Йигит айбдордек жим турарди. У бу хабарни Хемнолинига шу тарзда етказилади, деб ўйламаганди.

Ромеш ўзининг азобланган қалби билан бундай кутилмаган, қўнғилсиз ва бу тариқа қўпол хабарнинг Хемнолинига қандай таъсир этишини жуда яхши тасаввур қиларди. Бироқ отилган ўқ қайтмайди, Ромеш бу ўқ Хемнолинининг юрагига бориб қалганганини хис этарди.

Айтилган гапларни ҳеч бир йўсинда енгиллатиб бўлмасди. Ҳаммаси аниқ ва равшан: тўйни кечиктиришга тўғри келади, Ромешнинг зарур ишлари бор, бу ишларнинг нимадан иборат эканини айтгиси келмайди. Бошқа изоҳга ҳожат ҳам йўқ.

Оннода-бабу қизига назар солди.

— Майли, бу сизларнинг ишингиз, қандай бўлишини ўзингиз хал қилинг.

— Мен ҳеч нарса билмайман, ота, — деди Хемнолини бошини қуйи солиб ва шу ондаёқ, қора булутлар остида йўқолган сўнгги қуёш нурларидек, эшик орқасида ғойиб бўлди.

Оннода-бабу газета ўқиган бўлиб ўйга толди.

Ромеш бир неча дақиқа ҳаракатсиз ўтирди. Кейин сапчиб турди-да, хонадан чиқиб кетди.

Кенг меҳмонхонага кириб, деразанинг олдида хомуш турган Хемнолинини кўрди.

Қизнинг кўз ўнгида байрам арафасидаги Калкутта: катта-кичик кўчалардан худди тўлиб-тошган дарёдек, кишилар оқими товланиб оқмоқда.

Ромеш Хемнолинининг ёнига дарров бора олмади. Бир неча дақиқа тўхтаб, унга анча тикилиб турди. Дераза олдида ҳаракатсиз турган қизнинг қиёфаси кузги офтобнинг хира нурида ёришиб, унинг хоғирасида қаттиқ ўрнашиб қолди. Чўзиқрок нозик юзи, қунт билан таралган сочи, тилла зийнатларининг майин йилтираши, чап елкасидан тушиб турган либосининг чети — барчаси йигитнинг дардли қалбига ўйилган нақшдек жо бўлди.

Ромеш, ахийри, охиста юриб, қизнинг ёнига келди. Аммо Хемнолинига, ёнида турган йигитдан кўра, ўткинчиларга қараш ёқимлироқ эди.

— Менинг сизга илтимосим бор, — деди Ромеш хўрсиниб.

Йигитнинг сўзларида яширинган дард ва илтижони ҳис этган Хемнолини дарҳол унга ўгирилди.

— Менга ишон, — давом этди Ромеш, илк марта уни сенсираб. — Ваъда қил, ишонаман дегил. Мен эса, Худованди қаримни ўртага солиб айтаманки, сени ҳеч қачон алдамайман!

Ромеш бошқа бир оғиз ҳам сўзламади, аммо унинг кўзлари ёш билан тўлган эди.

Шунда Хемнолини унинг юзларига тикка қаради, йигит эса, унинг бу нигоҳидан ҳамдардлик ва муҳаббат туйғусини укди. Аммо, шу ондаёқ қиз ўзини туюлмай, кўзларига жикқа ёш олди.

Улар шу хилват ерда, сўзсиз, изоҳсиз ярашиб, тотув бўлиб олдилар. Иккиси ҳам дилда ором ва осойишталик ҳис этди.

Кўз ёшлари аралаш сокин бир осудалик Ромешнинг вужудини чулғади-ю, бир неча дақиқа жим қолди. Кейин у чуқур сўлиш олиб енгил тортгач:

— Тўйни бир ҳафтага кечиктиришимнинг сабабини билишни истайсанми? — деб сўради.

Хемнолини сўзсиз бош чайкади: йўк, у буни истамасди.

— Ундай бўлса, тўйдан кейин сенга ҳаммасини айтиб бераман.

Тўй эслатилганда Хемнолинининг юзларига оч пушти ранг қалқди.

Бугун чошгоҳдан кейин Ромешни кутишга ҳозирланиб, ўзига зеб берганида, висол қувончи билан хаяжонланган кўнглида шўх ҳазиллар, сирли суҳбатлар ва бошқа турли хил дилбар лавҳаларни чизган эди. Аммо у бир неча дақиқадан кейин бир-бирларига садокат гулчамбарини ҳадя этиб, кўз ёш тўкишларини, ҳеч қандай шарҳ-изоҳсиз — бирпас ёнма-ён тургач, беҳад қувонч, осойишталик ва чексиз ишонч пайдо бўлиб, икки қалбни муҳаббат изҳорисиз ҳам қаттиқ жипслаштириб қўйишини сира ўйламаган эди.

— Сиз отамнинг ёнига киришингиз керак, — деди ниҳоят Хемнолини. — Унинг кўнгли бузилди.

Ромеш анча енгил тортиб, агар осмон устига қуласа ҳам бардош беришга тайёрдек, Оннода-бабунинг хонаси томон юрди.

XV БОБ

Ромеш қайтиб кирганида, Оннода-бабу унга бесаранжомлик билан тикилиб қолди.

— Тўйга таклиф этилганларнинг рўйхатини берсангиз. Мен шу бугуноқ уларни тўй куни ўзгартирилгани хақида хабардор қиламан, — деди Ромеш.

— Демак, тўйни кечиктиришга астойдил жазм қилибсан-да? — деб сўради Оннода-бабу.

— Ҳа, мен бошқа илож тополмадим.

— Ундай бўлса, азизим, бу ишларнинг менга дахли йўк. Нимани лозим кўрсанг, ўшани қил. Мен масхара бўлишини истамайман. Борди-ю, никоҳдек муқаддас бир ишни болалар ўйинига айлантирмокчи бўлсанг, мен ва тенгқурларимнинг унда иштирок этмагани маъқул. Мана сенга таклиф этилганларнинг рўйхати. Мен харж қилган маблағнинг анча қисми энди бекор кетади, мени эса ҳовучлаб сувга ташлайдиган пулим йўк эди.

Ромеш барча ташвиш ва харажатларнинг оғирлигини ўз зиммасига олишга тайёр эди. У кетмокчи бўлганида бирдан Оннода-бабу тўхтатди.

— Ромеш, тўйдан сўнг амалиётни қаерда ўтказиш хақида бирор фикрга келдингми? Ҳар ҳолда Калкуттада бўлмаса керак?

— Йўк, албатта. Фарбий вилоятлардан яхшироқ бир жой кидираман.

— Бу ишинг тўғри. Масалан, Этойя ёмон жой эмас. У ернинг суви қорин оғриғига энг яхши даво. Бир вақтлар менга Тойяда бир ой туришга тўғри келганди. Шунда, хатто менинг

ҳам иштаҳам очилиб кетганига ишондим. Биласан, азизим, бу дунёда менинг Хемдан бошқа ҳеч кимим йўқ. У менсиз тўла бахтиёр бўлолмаганидек, менда ҳам унингсиз фароғат бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, албатта хушҳаво жойни танла деб, бу зайлда ғамхўрлик килмоқдаман.

Оннода-бабу Ромешнинг ўзини айбдор ҳис этишидан истифода қилиб, бу қулай пайтни бой бермай, ўз талабларини қўйишга қарор қилди. Ҳозир у Этойяни эмас, Гаро ёки Черапунжини таклиф қилганида ҳам, Ромеш бунга рози бўларди.

— Яхши, мен Этойя адвокатлигига хат ёзиб кўраман, — деди кетаётиб Ромеш. Тўй кунининг кечиктирилгани хақида одамларга хабар қилишни ҳам ўз зиммасига олди.

Бир оз ўтиб Окхой пайдо бўлди. Оннода-бабу шу заҳотиёқ унга тўйнинг бир ҳафтага кечиктирилганини хабар қилди.

— Нималар деяпсиз! Қўйсангиз-чи! — деди Окхой. — Ахир, тўй индинга бўлиши керак-ку!

— Шундоқ бўлса, кошқийди! Дуруст одамларда бундай ҳолатлар бўлмайди, — жавоб берди Оннода-бабу. — Бирок сиздан — ҳозирги замон ёшларидан ҳар нарсани кутиш мумкин.

Окхой ўзини қаттиқ ташвиш тортаётгандек қилиб кўрсатишга уринди. Унинг ақли зўр бериб ишлай бошлади.

— Қизингга куёв қилиб танланган кишингдан кўз узмаслик керак, — деди у, — кизингни бир умрга унга топшираётганингдан кейин, у одамни сингкларб ўрганиш зарур. Борди-ю, у авлиё бўлса ҳам, бундай ишларда эҳтиёткорлик сира зарар қилмайди.

— Агар Ромешдек йигитдан гумонсиралса, у ҳолда, дунёда, умуман ҳеч кимга ишониб бўлмас экан-да, — деб эътироз қилди Оннода-бабу.

— Тўйни нега кечиктирганини айтдими? — деб сўради Окхой.

Оннода-бабу паришонлик билан сочини силаб туриб жавоб берди:

— Йўқ, айтмади. Мен унга шу саволни берганимда, бу роятда зарур, деди-қўйди.

Окхой кулгисини яшириш учун юзини четга бурди.

— Албатта, кизингизга бунинг сабабини айтгандир? — деб сўради Окхой.


— Эҳтимол.

— Уни бу ерга чақириб, вазиятга аниқлик киритиб олсак яхши бўлмасмикин?

— Мана бу маъкул гап, — деб рози бўлди Оннода-бабу ва баланд овоз билан кизини чақирди.

Хемнолини келди, аммо Окхойни кўриб отасининг ёнида шундай туриб қолдики, унинг юзини кўриб бўлмасди.

— Тўйни нега тўсатдан кечиктирганини Ромеш сенга айтди-ми? — деб сўради Оннода-бабу.



Хемнолини йўқ, дегандек бош чайкади.

— Ўзинг сўрамадингми, ахир?

— Йўқ.

— Таажжуб! Афтидан, сен ҳам унга ўхшаш тентак экансан. Ромеш уйланишга вақтим йўқ деса, сен «яхши, кейинроқ тўй қилармиз» деб жавоб берибсан. Вассалом! Масала хал!

Окхой Хемнолинининг тарафини олди.

— Ўз қилмишлари хақида гапиришни истамаган одамни ўс-моқчилаб гапга солишнинг нима хожати бор. Керак бўлганда, Ромеш-бабу ўзи айтиб берган бўларди.

— Бу борада мен бегона одамларнинг фикрини эшитишни истамайман. Бўлиб ўтган ходиса, шахсан мени заррача хафа қилгани йўқ, — деди Хемнолини зарда қилиб ва дарров хонадан чиқиб кетди.

Окхой бўзариб кетган бўлса ҳам, базўр илжайди.

— Дунё шундайки, унда дўстлик энг бесамар машғулотга айланган. Шунинг учун ҳам мен унинг моҳиятини чуқур англайман. Сиз мендан нафратланиб, сўқишингиз мумкин, аммо мен Ромешга ишонмайман, деб очикчасига айтишни бурчим деб биламан. Сиз учун заррача қўнғилсизлик йўқлигини кўрсамгина хотиржам бўламан. Албатта, бу менинг заиф томоним, бунга иқрорман. Эртага Жоген келади. Агар у бу ишларни эшитиб, ўз сингисининг тақдири хақида безовта бўлмаса, мен бу ҳақда бошқа оғиз очмайман.

Окхойдан Ромешнинг хулки хақида суриштирадиган кулай пайт келганини Оннода-бабу мутлақо билмасди, деб ўйлаш хато бўларди, аммо у, табиатан, ҳар қандай ғавғодан жирканадиган киши эди. Модомики, бировни фош қилар экансан, албатта ғавғо чиқиши муқаррар-да.

Шунинг учун у ғазаб билан Окхойни койиб кетди:

— Сен ҳаддан ташқари бадгумонсан, Окхой! Ҳеч қандай далилсиз қандай қилиб бировни...

Окхой ўзини тута оларди, аммо ҳозир у ўзини қўлга ололмай, дарров гапира кетди:

— Қулоқ солинг, Оннода-бабу! Менда албатта кўп нуқсонлар бор. Мен куёвларга «ҳасад» қиламан, «авлиё»дан гумонсирайман, киз болага фалсафадан дарс бериш учун етарли илмим йўқ ва у билан шеърят хақида суҳбатлашишга жўрват қилолмайман, хуллас, мен ўртамиёна одамман. Бироқ мен хамиша оилангизга содикман ва сизни чин қалбимдан хурмат қиламан. Ўз-ўзидан маълумки, мен кўп нарсада Ромеш билан рақобат қилолмайман. Аммо мен ҳеч қачон, ҳеч нарсани сиздан сир тутмаганим учун фахрланишга ҳақлиман. Мен бош эгиб сиздан узр сўрашга тайёрман, аммо уйингизга бостириб кириб, ўғирлик қилишга орийатим йўл қўймайди. Бу билан нима демоқчи эканимни сиз эртагаёқ билиб оласиз.

XVI БОБ

Ромеш мактубларни юборганида кечаси алламаҳал бўлиб қолганди. Охири тўшакка чўзилди, лекин уйқуси келмади. Фикрлари, худди Ганг ва Жамун дарёлари қўшиладиган ердаги икки оқим сингари: тиниқ ва лойқа бўлиб оқарди. Икки оқим бир-бирига қўшилиб уйқуни қочирди. У дам бир ёнбошига, дам иккинчи ёнбошига ағдарилиб узок ётди. Сўнг ўрнидан туриб, деразанинг олдига келди. Кимсасиз тор кўчанинг бир ёни соя, иккинчи тарафига эса, ой нури тушиб ёруғ йўлак ҳосил қилганди.

Ромеш қимир этмай турди. Энди унинг фикрлари доимо осойишта, осуда ва душманликлардан холи бўлган поёнсиз коинотга қаратилган эди. Унинг тасавурида сўнгсиз ва сокин фазонинг пардалари орқасида ҳаёт билан ўлим, меҳнат билан роҳат, ибтидо билан интихонинг эшитилмас бир мақом вазнидек бир меъёрда тўхтовсиз алмашиб туриши намоён бўлади. У ўз тасавурида, кеча-кундузсиз мангуликдан юлдуз шуълалари билан ярқираб турган коинотга қараб, эр ва аёллар муҳаббати кириб келаётганини кўрди.

Ромеш секин томга чиқиб Оннода-бабунинг уйига назар солди. Атроф жимжит. Ой нури уйларнинг девор ва тоқчаларига, эшик ва дерезаларнинг ботиқ жойларига, қўраларнинг лой шувок деворларига жимжимадор нақшлар соларди.

Бу ажаб бир манзара эди! Худди шу ерда, гавжум шаҳарда, жўнгина бир уйда, оддийгина аёл киёфасида энг ғаройиб бир жон эгаси яширинганди!

Пойтахтда турли хил одамлар бор: талабалар, адвокатлар, ажнабийлар, маҳаллий аҳоли, аммо тақдир бу оддий одамлардан фақат Ромешгагина кузги офтобнинг олтин нурлари остида, дераза олдига шу қизнинг ёнида жимгина туришни насиб этганди. Бу лаҳза чексиз қувонч нури билан унинг қалбию бутун оламни ёритганди, — бу ғоятда гўзал эди! Бу мўъжиза унинг қалбини ҳам, бутун атрофини ҳам ўзгача ҳолатга солганди!

Кечаси алламаҳалгача Ромеш томда у ёқдан-бу ёққа юриб чикди. Ўроқ шаклидаги ой кўчанинг нари ёғидаги уйлар орқасига яширингач, қоронғилик анча қуюқлашиб ерни қоплади. Фақат осмонгина видолашаётган ой шуъласининг қўйнида ёришиб турарди.

Ромешнинг ҳориган аъзойи бадани совуқдан сесканиб кетди. Тўсатдан бир қўрқув хисси унинг юрагини чулғаб олди. У эртага яна ҳаёт саҳнасида курашиш лозимлигини эслади.

Осмоннинг пешанасида ташвишлар тамғаси бўлган ажин кўринмайди; тўхтовсиз интилишлардан ой нури хира тортмайди; тун жимжит; тинимсиз жимирлаган саноксиз юлдузлар билан тўлик коинот узок уйқуга толган. Фақат одамлар орасидаги

низо ва ташвишларнинг чеки йўк. Бахт ва мусибат, машаққат ҳамда фалокатлар кишилик жамиятини тўхтовсиз хаяжонга солиб туради, бир томонда чексиз коинотнинг мангу сукунати, иккинчи томонда ер юзидаги абадий курашлар! Ташвишли фикрлар билан банд бўлган Ромеш, ўз-ўзидан сўрарди: ажабо, бундай бир-бирига зид нарсалар қандай қилиб ёнма-ён яшар экан! Ҳалигина муҳаббат унинг назарида коинотнинг сирли қаъридан улуғвор осойишталик билан чиқиб келаётгандек туюлганди; энди бўлса, у муҳаббатни ҳақиқий борлиқнинг қуршовида кўрди. Курашлардан иборат бу дунёда унинг йўли машаққатларга тўла эди. Ажабо, бу икки тасаввурнинг қай бири саробу, қай бири ҳақиқат?

XVII БОБ

Эртасига тонгги поезд билан Фарбдан Жогендро етиб келди. Шанба куни эди, эртасига — яқшанба куни Хемнолинининг тўйи бўлиши керак. Аммо Жогендро уйга яқинлашганида, бўлажак тантаналарнинг бирор-бир нишонасини кўрмади. У ўз уйини яшил деодар¹ гулчамбарлари билан безатилган ҳолда кўрарман деб ўйлаганди, бироқ иморат илгаригидек, қўшниларининг оддий, кўримсиз уйларида фарқ қилмасди.

Жогендро кўрқиб, уйда бирор киши оғриб қолмадимикин деб ўйлади. Бироқ, уйга кириб қараса, унга дастурхон тузашибди, Оннода-бабу эса чойи совиб, газета ўқирди.

— Хем саломатми? — дея шошилиб сўради Жогендро.

— Ҳа, соппа-соф.

— Тўй нима бўлди?

— Келгуси яқшанбага қолдирилди.

— Нега?

— Буни дўстингдан сўра. Ромеш бизга илтифот қилиб бир нарсани айтди, холос, яъни ҳозир унинг жуда муҳим ишлари бор экан, шунинг учун тўйни бир ҳафта кечиктиришга тўғри келди.

Отасининг беғамлиги Жогендронинг қазабини келтирди.

— Мен бир ёққа кетдимми, — хитоб қилди у, — албатта бирор кўнгилсизлик рўй беради! Ромешда кечиктириб бўлмайдиган қандай иш бўлиши мумкин? Унинг яқин қариндошуруғи қолмаган, тамомила мустақил, агар ақча масаласида муаммоси бўлса, билмайман, нега буни тўғридан-тўғри айта қолмайди. Нега сиз унинг илтимосига осонгина кўниб қўя қолдингиз?

— Бу гапларинг тамомила тўғри, — деди Оннода-бабу, — аммо Ромеш ҳеч қаёққа қочиб кетгани йўк, бориб ундан ўзинг сўра.

¹ Деодар — Ҳимолай тоғида ўсадиган кедр, игнасимон баргли дарахт.

Жоғендро шошилганидан лабларини куйдириб бир пиёла чой ичди-да, чикиб кетди.

— Шошма, Жоғен, нега мунча шошасан. Аввал овқатингни еб ол, — деб чакириб қолди Оннода-бабу.

Бирок Жоғендро эшитмади. Югурганича Ромешнинг уйига кириб борди, нарвон билан болохонага чиқа туриб баланд овоз билан қичқирди:

— Ромеш! Ромеш!

Аммо Ромеш ҳеч ерда йўқ эди, Жоғендро уни ётоқ, иш хона, том, уйнинг биринчи қаватидан ҳам тополмади. Роса кидирганидан кейин, охири хизматкорга дуч келди.

Хизматкор, хўжайин қаерда деган сўроққа, жаноб ўзлари билан бир оз нарса олиб сахарлаб жўнаб кетдилар, деб жавоб берди. Хўжайин тўрт-беш кундан кейин қайтади, деди у яна. Аммо қаёққа кетганини хизматкор ҳам билмасди.

Жоғендро хўмрайганича уйига қайтиб, яна столга ўтирди.

— Нима гап? — деб сўради Оннода-бабу.

— Оқибати нима бўлиши номаълум, — деди Жоғендро, — бир одам бугун-эрта куёвингиз бўлиши кераг-у, сиз бўлсангиз, ёнингизда яшашига қарамай, ҳатто унинг нима билан машғуллиги, қаерга кетиши билан ҳам қизиқмайсиз.

— Йўғ-э! У кеча кечкурун шу ерда эди-ку.

— Ана кўрдингизми, — жаҳли чиқди Жоғендронинг, — сиз, ҳатто унинг бир ёққа кетмокчи бўлганини ҳам билмагасиз. Хизматкори ҳам унинг қаерга кетганини билмайди. Бу бекинмачок ўйини менга ёқмай турибди. Ота, қандай қилиб бу ишга бепарво қараётганингизни тушунолмаёпман.

Бундай таъналардан сўнг Оннода-бабу ташвишли қиёфага киришга уриниб, иложи борица салмоқлаб гапирди:

— Дарҳақиқат, ўзи нима гап?

Кеча ростдан ҳам, Ромеш Оннода-бабунинг олдидан енгилгина сирғаниб чикиб кетган, аммо у бунга ортикча аҳамият бермаган эди. Ўзининг бепарволиги туфайли у «муҳим иш» деган гапларнинг сеҳрли таъсирига ишониб, бирор ёққа кетиш учун шунинг ўзи етарли далил деб ҳисоблади. Бинобарин, у шундай осойишталик билан, ўз бурчим деб билган ишини бажаришга киришган эди.

— Хемнолини қаерда? — деб сўради Жоғендро.

— У бугун барвақт чой ичиб, дарҳол болохонага чиқиб кетди, — деди Оннода-бабу.

— Боёқиш, Ромешнинг бу ғалати ҳатти-ҳаракатидан андишада бўлса керак, мен билан учрашишга ҳайикяпти.

Шу сўзларни айтиб, у азоб чекаётган, ташвишга тушиб қолган синглисини юпатиш учун болохонага чиқди.

Хемнолини меҳмонхонада ёлғиз ўтирарди. Жоғендронинг қадам товушларини эшитгани ҳамон, шошилганича қандайдир бир китобни очиб, гўё мутулаа билан машғул киши қиёфасига

кирди. Акаси кириши билан китобни кўйиб, ўрнидан турди-да, ёқимли табассум билан деди:

— Қачон келдингиз, ака? Вой, нега рангингиз ўзгариб кетди.

— Рангим ўзгарган бўлса ажаб эмас, — деди Жогендро юмшоқ курсига ўтириб. — Менга ҳаммаси аён, Хем. Лекин сен хафа бўлма. Мен уйда йўқлигимдан шундай бўлибди. Энди барчасини ўзим тўғрилайман. Дарвоқе, Хем, Ромеш сенга тўйни кечиктиришнинг сабабларини айтдимми?

Хемнолини кийин ахволда қолди. Ромешдан гумонсирашлар унга малол келарди, шунинг учун акасига чиндан Ромеш ҳеч нарса демаганини айтишни хоҳламади. Бироқ ёлгон ҳам гапиролмасди:

— Ромеш менга ҳаммасини айтмоқчи эди, — деди у, — аммо мен бунинг унчалик ахамияти йўқ, деб ўйладим.

«Бу унинг мағрурлигидан, — деб кўнглидан кечирди Жогендро. — Унинг табиати шунақа».

— Сен ҳеч нарсадан ташвиш қилма, Хем, унинг бундай йўл тутишига нима мажбур этганини шу бугуноқ аниқлайман.

Хемнолини паришонлик билан тиззасидаги китобни варақлаб:

— Мен, умуман хотиржамман, сиз уни савол-жавоб қилишингизни сира истамайман, — деб жавоб берди.

«Яна мағрурлик», — деб ўйлади Жогендро.

— Бу ёғи сенинг ишинг эмас, — деди у кетмоқчи бўлиб, аммо бирдан Хемнолини ўрнидан сапчиб турди.

— У билан ҳеч нарсани гаплашишнинг хожати йўқ, ака. Ромеш хақида сизлар нима деб ўйламанглар, барибир у мен учун хамиша пок.

Фақат шундагина Жогендро синглисининг сўзлари мутлако гурур ифодаси эмаслигини англади. Дархол унга меҳр-муҳаббат ва ҳамдардлик хисси билан тўлиб, ўзича кулимсираб, ўйлади: «Эҳ, бу отин қизлар!.. Турмуш хақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар. Нимани ўқиган бўлсалар, шуни биладилар, холос. Мана энди алдовга дуч келиб, ҳаётий тажрибасининг озлигидан нима қилишини билмайди».

Қизнинг бениҳоя вафодорлиги билан йигитнинг иккиюзла-малигини таққослаб, Жогендронинг Ромешга бўлган ғазоби янада ортди. Нима бўлса ҳам тўйни кечиктиришнинг сабабини билиш истаги юрагига маҳкам ўрнашиб олди. У яна кетишга таралдуд қилди, лекин Хемнолини унинг қўлидан маҳкам тутиб:

— Ака, сиз у билан бу масалада умуман гаплашмаслик хақида менга ваъда беринг, — деди.

— Кўрамиз.

— Йўқ, ака, «кўрамиз» эмас, менга ваъда беринг, йўқса, сизни ҳеч қаяққа юбормайман. Сизни ишонтириб айтаманки, бу ерда хавотирланадиган ҳеч гап йўқ. Хўп денг, хурматим учун шундай қилинг!

Хемнолинининг каттиқ туриб олганини кўргач, Жогендро, Ромеш албатта ҳамма гапни бунга айтган, деб ўйлади. Бирок, Хемга ўхшаган соддадил кизни алдашдан осони борми, ахир.

— Қулоқ сол, Хем, бу ерда гап гумонсирашда эмас. Қиз бола турмушга чиқаркан, унинг қавму қариндошлари зиммасида маълум бир вазифа туради. Эҳтимол сизлар бир-бирингизни яхши англагандирсиз, розидирсиз — бу ўз ишингиз. Аммо бугина кифоя қилмайди, куёв билан бизнинг орамизда ҳам ҳамма нарса очик-равшан бўлмоғи лозим. Тўғриси айтганда Хем, унинг изоҳларини эшитиш ҳозир сен учун эмас, биз учун зарур. Тўйдан кейин эса, сизлар билан гапимиз тамом бўлади.

Шу сўзларни айтиб, Жогендро шошилганича чиқиб кетди.

Мухаббат бир лахзада ўзини четдаги одамлар назаридан яшириб турган пардадан махрум бўлди. Севишганларнинг ўзаро муносабати кун сайин уларни бир-бирига яқинлаштириб, тезда улар учун махсус, уларнинг ўз оламини яратиши лозим эди. Ҳозир эса, ўзгаларнинг гумонсираши муҳаббатнинг бошига устма-уст зарба бўлиб тушмоқда. Бу кўнгилсизликлардан Хемнолини шундай азоб чекардики, ҳатто ўз қариндош ва дўстлари билан ҳам учрашгиси йўқ эди. Шунинг учун Жогендро кетганидан сўнг, у ўз хонасида ёлғиз қолишни афзал кўрди.

Уйдан чиқиб Жогендро Окхойга дуч келди.

— О, Жоген, келдингми! — деди у хитоб билан. — Сен албатта, барча воқеадан хабардорсан. Хўш, бу ҳақда қандай фикрдасан?

— Турлича тахмин қилиш мумкин. Бирок, беҳуда мунозара ва фол очишдан нима фойда? Ҳозир чой ича туриб, рухий таҳлил билан шуғулланишнинг вақти эмас.

— Ўзинг биласан, мен руҳшуносликми, фалсафами, шеърятми, ишқилиб ҳеч қандай сафсатабозлик тарафдори эмасман. Мен иш — ҳаракат кишисиман. Сенга худди мана шуни айтгани келдим.

— Жуда соз, ундай бўлса, кел ишдан гаплашайлик, — деди бетокатлик билан Жогендро. — Масалан, сен Ромеш қаёққа кетганини айта оласанми?

— Айта оламан.

— Ундай бўлса, айт-чи, у қаерда?

— Ҳозир сенга буни айтмайман, лекин бугун роса соат учда уни ўзинг кўрасан.

— Ахир ўзи нима гап? Барчангиз қандайдир жумбокнинг мужассам тимсолига айланибсиз. Келганимдан буён ён-атрофим сирли фалокатларга тўла! Йўқ, Окхой, бас энди сир сақлаш йўқ!

— Бу сўзларни сендан эшитганимдан жуда хурсандман. Аммо мен ҳеч қачон сир сақламаганим учун талай душманлар орттирдим. Синглингнинг мени кўргани кўзи йўқ, отанг эса, гумонсираганим

учун сўкиб берди. Ромеш-бабу ҳам мени кўрганида гул-гул очилиб кетади, деб бўлмайди. Битта сен колдинг. Аммо сен учун кўркаман, чунки сен бефойда муҳокамаларни ёкгирмайсан, табиатинг тўғридан-тўғри ҳаракат қилишни талаб этади. Мен эса заиф одамман, шу сабабдан азоб чекишингга тоқат қилолмайман.

— Қулоқ сол, Окхой, сен гапни кўп чувалаштираверма тушундингми? Сезиб турибман, сен бир нимани биласан. Сир саклашнинг нима кераги бор? Нима билсанг, тўғриси айт, гапни айлантираверма!

— Майли, ҳаммасини бир бошдан айтиб бераман. Диккат билан тингла, гапларимнинг кўпи сен учун янгилик!

XVIII БОБ

Доржипардаги уйнинг ижара муддати хали тугамаган эди, Ромеш уни вақтинча бирор кишига ижарага беришни ҳам эплолмади. Сўнгги бир неча ой давомида у қаердадир, турмушнинг икир-чикирларидан узоқда, пул ҳақида ўйлашнинг ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган ҳаёлот дунёсида яшарди.

Ромеш сахарлаб шу уйга келиб, хизматкорга хонани супуриб-сидиришга, палос тўшаб, кўрпа-ёстикларни йиғиштиришга ва баъзи масалликларни олиб келишни тайинлади.

Бугун Камола пансионатдан қайтиши керак эди.

Ҳамма тайёргарликлар аллақачон битган бўлса-да, ундан хануз дарак йўқ. Ромеш уни кутиб, ўрнида ёнбошлаганича, келажак ҳақида ҳаёл сура кетди. У ҳеч қачон Этойга бормаган бўлиб, ғарбий вилоятларнинг табиатини ўзинча тасаввур қиларди. Ромеш шаҳарнинг бир чеккасидан жой олади. Икки тарафига дарахтлар ўтказилган катта йўл унинг боғи ёнидан ўтади... Унинг нарёғида кўз илғамас далалар ястаниб ётарди. ҳар ер-ҳар ерда қудуклар, экин-тикинни қўриқлаш учун келган дехконларнинг қалалари кўринади: у ёқдан ҳўкиз қўшилган чиғирик ғилдиракларининг нотали ғижирлаши кун бўйи эшитилиб туради. Гоҳо бир извош чанг кўтариб келиб, юганларнинг қумуш садоси жазирама ҳавонинг тинчини бузади.

Ҳемнодинининг у ерда, ўз уйидан йироқда, жазирача ис-сикдан сакланиш учун бунгалого¹ қаматиб, кун бўйи танҳо ўстиришини ўйлаганида Ромешнинг юраги орқага тортиб кетарди. Ҳемнодинининг ёнида энг яқин дўтонаси борлигини тасаввур қилгандагина тинчланарди. Унинг тахминича, бу дўтона — Камола эди.

Ромеш ҳозирча Камолага бу ҳақда ҳеч нарса демасликка аҳд қилди. Назокатли Ҳемнодини тўйдан кейин қизни бағрига босиб, меҳрибонлик билан эхтиёткорона ҳақиқий воқеадан воқиф этади,

¹ Бунгалого — шаҳар ташқарисидаги ҳовли.



унинг хаётини чулғаб олган сирли тўрдан авайлаб халос этади. Кейин бошқа шароитда, ҳаяжонсиз, осойишта яшаб, Камола улар билан осонгина дўстлашади-да, хаётда ўз ўрнини топиб кетади.

Кун қиёмга келиб, кўчадаги шовқин-сурон тинди: хизмати бўлганлар ишга кетди, бекорчилар эса уйқуга толди. Кузнинг салқин ҳавосида яқинлашиб келаётган байрамнинг хушвакт тарадуди сезиларди.

Шу сокин чошгоҳда Ромеш хаёлида келажакнинг бахтиёр онларини имкон борича гўзал қилиб чизмоқда эди.

Эшик олдида тўхтаган извошнинг каттиқ тарақлаши унинг хаёлларини қочириб юборди. Ромеш Камоланинг келганини кўрди. У бесаранжом бўлиб қолди. Камолани қандай кутиб олиш, унинг олдида ўзини қандай тутиш, у билан нима ҳақда гаплашиш лозим, Камола бунга қандай муносабатда бўлади?

Икки хизматкор аллақачон пастда эди. Улар дастлаб Камоланинг жомадонини келтириб, айвонга қўйишди. Сўнгра кизнинг ўзи кўринди. У эшикка яқинлашиб, остонада тўхтади.

— Киравер, киравер, Камола, — деди Ромеш.

Киз қатъиятсизликни аранг енггандек, ниҳоят ичкарига кирди. Ромешнинг таътил пайтида уни мактабда қолдириш нияти кизнинг аччиқ кўз ёшларига сабаб бўлганди, бунинг устига, бир неча ойлик айрилик унда Ромешга нисбатан бир қадар беғоналик хиссини туғдирган эди. Шунинг учун у хонага киргач, Ромешга қарамай, четга ўгирилди-да, очик деразадан кўчани кузата бошлади.

Унинг қиёфаси Ромешни ҳайратга солди. Рўпарасида гўё мутлақо нотаниш бир киз тургандек эди. Бир неча ой унинг ичида Камола таажжубланарли даражада ўзгариб кетибди. Бўйи ўсиб, қомаги расо бўлибди. Ажабо, соғлом қишлоқ қизининг кўполроқ туюлган соддалиги қайда қолди? Илгариги кулча юзлари андак чўзилиб, ажиб бир латофат касб этибди; буғдойранг ёноқлари ҳам оқ атиргул тусига кирибди. Юриш-туришида, ўзини тутишида аввалги тангликдан асар ҳам йўқ. Нозиккина киз, бошини сал эгиб дераза ёнида тек турарди. Ромеш унга беихтиёр мафтунлик билан тикилиб қолди.

Кузги офтобнинг тушки нурлари кизнинг юзини ёритиб турарди. У бош яланг, қизил тасма билан танғиган сочларини орқасига ташлаб қўйган. Заъфарон рангли нафис сариси кизнинг гўзал қомагини чиппа ўраб олганди.

Сўнги вақтларда Камоланинг гўзаллиги хақида Ромешда заиф бир хотирагина қолганди. Ҳозир эса, бу гўзаллик бирдан порлаб, уни тамомила мафтун этди. У бундай бўлади, деб сира ўйламаган эди.

— Ўтир, Камола, — деди у.

Камола итоаткорлик билан юмшоқ курсига ўтирди.

— Хўш, мактабда ўқишларинг қалай?

— Яхши, — қисқагина жавоб берди киз.

Ромеш, яна нима ҳақда сўрасаммикин, деб роса ўйлади. Ниҳоят бошига кутилмаган бир фикр келиб:

— Қорнинг очгандир-а? Бу ерда сенга барча нарса муҳайё.

Бирор нарса келтирсинларми, буюрайми? — деди.

— Йўқ, мен бу ерга келишдан олдин овқатландим.

— Хеч нарса емайсанми? Ширинлик-чи? Мева бор: олма, анор, нок...

Камола индамай бош чайкади.

Ромеш унга яна тикилди. Қиз бошини андак ёнига эгиб, инглизча дарсликнинг суратларини томоша қиларди.

Фусункор чехра атрофни ўраб турган гўзалликка ҳам жон киргизади. Камоланинг чехраси кузги куёшнинг нурларига ҳам, бу сентябрь кунига ҳам гўё жон бағишлаб, бир шаклга солиб кўйди. Ҳар қандай марказ ўз атрофидаги нарсаларни идора этгани сингари, бу киз осмонни ҳам, шамолларни ҳам, ёруғликни ҳам — атрофидаги барча-барча нарсаларни, ўзига камраб олгандек туюларди, ҳолбуки ўзи буни сезмай, дарсликнинг суратларига термилганича жимгина ўтирарди.

Ромеш шошилганича ташқарига чикиб, шу заҳотиёқ патнисда нон, олма ва анор кўтариб кирди.

— Қарасам, сен хеч нарса емайдиганга ўхшайсан Камола, аммо мен роса оч колдим, ортик кута олмайман, — деди у.

Камола сал жилмайди, шу табассумнинг ўзиёқ уларнинг қалбидаги бегоналик ҳиссини тарқатиб юборди.

Ромеш пичоқ олиб олманинг пўстини арча бошлади. Аммо унинг уй ишларига укуви йўқ эди. Шунинг учун олмани арчишдаги ҳовлиқиши ва бесўнақай ҳаракатлари Камолага шу қадар қулгили кўриндики, охири у ўзини тутолмай, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Кувноқ қулгидан руҳланган Ромеш деди:

— Мева тозалашга укувсизлигимдан куляпсан шекилли-а? Ундай бўлса, уларни ўзинг тозала. Қани кўрай-чи, бу борада маҳоратинг қанчалик экан! — деди.

— Мева тозалайдиган пичоқ бўлганида бу ишни мен қилардим, бунақа пичоқ билан арчолмайман.

— Бу ерда ўткир пичоқ топилмайди, деб ўйлайсанми? — қулди Ромеш ва хизматкорини чақириб, мева тозалайдиган пичоқ борми, деб сўради.

— Бор, — деди хизматкор.

— Яхшилаб тозалаб, бу ёққа олиб кел.

Пичоқ топилгач, Камола туфлисини ечиб полга ўтирди-да, пичокни олиб, чаққонлик билан дастлаб олмани тозалаб, паррак-паррак қилиб кесди. Унинг олдига ўтириб олган Ромеш кесилган олмаларни ликопчага тера бошлади.

— Сен ҳам ейсанми? — деб сўради у киздан.

— Йўк.

— Ундай бўлса мен ҳам емайман.

Камола кўзини ердан узиб унга боқди.

— Яхши, фақат аввал сиз енг, кейин мен.

— Алдамайсанми?

— Йўк, йўк, алдамайман, — жиддий қиёфада ваъда килди

Камола.

Бу самимий ваъда билан тинчланган Ромеш бир паррак олма-ни кўлига олди.

Лекин сира қутилмаган бир ходиса рўй бериб, лукмаси кўлида қолди. Эшикнинг олдида Окхой билан Жогендро турарди.

— Бизни афв этинг, Ромеш, — деди Окхой. — Бу ерда ёлғиз бўлсангиз керак, деб ўйлаган эдик. Сен билан биз, Жоген, бировнинг уйига оғохлантирмай кириб келишимиз одобдан эмас-ди. Кел, пастга тушиб кута қолайлик.

Камола пичокни ташлаб, сапчиб ўрнидан турди ва эшикка қараб отилди. Аммо икки ноганиш унинг йўлини тўсиб турарди. Жогендро сал четга ўтди-ю, бироқ юзини четга буришни ўйлаб ҳам йўрмади, аксинча қизга синчиклаб разм солди.

Камола югурганича кўшни хонага кириб кетди.

ХИХ БОБ

— Бу киз ким? — деди Жогендро Ромешга.

— Менинг бир қариндошим.

— У сенинг авлодигдан эмаслиги аён, шунинг учун сизларни бир-бирларингизга боғланган муҳаббат эмас, деб ишонса бўладими? Сен менга ўзингнинг ҳамма яқинларингни айтиб берган эдинг, аммо бу киз ҳақида мен биринчи марта эшитаялман.

Шу ерда Окхой гапга аралашди.

— Бу гапинг маъқул эмас, Жоген. Наҳотки инсон дўстларидан сир сақлашга ҳақли бўлмаса?

— Ростдан ҳам сенда шундай сир борми, Ромеш? — деб сўради Жогендро.

— Ха, бор, — жаҳл билан жавоб берди Ромеш, — лекин сизлар билан бу киз ҳақида гаплашишни истамайман.

— Мени эса, бахтга қарши, худди шу ҳақда гаплашишга иштиёқим баланд, — деб туриб олди Жогендро. — Агар сен Хемнолинига муҳаббат изҳор қилмаганингда, амин бўлки, ким билан қариндош бўлишингни ҳеч ким суриштириб ўтирмасди. Унда нимани сир сақласанг, бу — сенинг ишинг эди.

— Сизларга фақат бир нарсани айтишим мумкин, — деди Ромеш. — Оламда бирор кимса йўкки, Хемнолини билан бўла-жак никоҳимга тўсқинлик қила олса.

— Сен учун балки шундайдир, — дея эътироз қилди Жогендро, — аммо Хемнолининг қариндошлари бу ерда жиддий монелик бор деб қарашга ҳақлидирлар. Мен сендан фақат бир нарсани сўрамоқчиман, — бировга бўлган кардошлик алоқангни, унинг қандай бўлишидан қатъи назар, сир тутишнинг нима зарурати бор эди?

— Ҳозир бунинг сабабини айтиш — сирни ошқора қилиш деган гап, — жавоб берди Ромеш, — ахир мени ёшлигимдан биласан-ку, сендан илтимос, хатти-ҳаракатимнинг боисини суриштирмай, сўзларимга ишон.

— Бу қизнинг исми Камолами?

— Ҳа.

— Сен уни хотиним деб юрасанми?

— Ҳа.

— Шу ахволда сенга ишонишни сўраяпсанми? Бизни, у менинг хотиним эмас, деб ишонтирмоқчи бўласан-у, қолганларга бунинг аксини айтасан. Сен қандай ўйласанг ўйлагин-у, аммо бу ҳақиқатга сира ҳам ўхшамайди.

— Сен бу хилдаги гаплар мантикий тафаккурнинг олий намунаси бўлиши даргумон демоқчисан-да? — деди Окхой, — бироқ, ҳурматли Жоген, турмушда шундай ҳолат ҳам рўй бериши мумкинки, бировга бир хил, иккинчи одамга бошқа хил гапиришга мажбур бўласан. Бориб-бориб бу икки гапнинг бири ҳақиқат бўлиб чиқади! Нега энди Ромеш-бабунинг айтганларини ҳақиқатнинг ўзи, деб бўлмасин?

— Мен сизларга бошқа ҳеч нарса айтолмайман. Фақат шуни айтишим мумкинки, Хемнолинига уйланиш виждонимга хилоф эмас. Сизларни Камола ҳақида хабардор қилмаганимга асосларим бор, акс ҳолда мен одобсизлик қилган бўлардим. Ҳатто сизлар гумонсирашдан воз кечмаган такдирингизда ҳам, мен сукут сақлашга мажбурман. Бу иш дилсиёхлигимга тааллуқли бўлганида, сизлардан ҳеч нарсани сир тутмас эдим. Бироқ орада бегона бир кимсанинг шаъни бор.

— Сен буни Хемнолинига айтдингми? — деб сўради Жогендро.

— Йўқ, мен унга тўйдан кейин айтмоқчи эдим. — Лекин у билишни истаса, ҳозироқ айтишга тайёрман.

— Камолага бир нечта савол берсак майлими?

— Йўқ, мумкин эмас! Агар мени айбдор санасангиз, ҳар қандай чорани қўллашингиз мумкин, аммо айби бўлмаган бир кизни сўроққа тутишингизга йўл қўймайман.

— Сўроқ қилиб ўтиришга энди ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Ўзимизга керакли гапларнинг барчасини билдик. Далиллар керагидан ҳам ортиқ. Энди сенга тўғриси айтмай: шунча ишдан сўнг бизникига боргудек бўлсанг, тахқирланишинг муқаррар.

Ромеш оқариб кетди, лекин ўзини босди.

— Яна, — давом этди Жогендро, — Хемга мактуб ёза кўрма. Сизларнинг орангизда ҳеч қандай алоқа бўлмаслиги керак, на ошкора, на яширинча. Мабодо мактуб ёзгудек бўлсанг, билиб қўй, зўр бериб яшириб юрган сиригни қўлимдаги далиллар билан батамом фош қиламан. Ҳозирча, нега тўй бўлмади, деган саволларга, мен бу никоҳга рози бўлмадим, деб жавоб бераман ва унинг асл сабабини ҳеч кимга айтмайман. Лекин шуни ёдингда тут, эҳтиётсизлигинг туфайли барчаси ошкор бўлиши мумкин. Сен осонгина қутулдинг Ромеш, аммо мени сендек тилёғлама ва фирибгарга ҳамдард бўляпти, деб ўйлама. Мени бу хилда муомала қилишга ундаган нарса, фақат синглим Хемнолинига бўлган мухаббатимдир. Энди сўнги сўзларимга кулок тут: ҳеч қачон ё бирор сўз ё бирор ишора билан Хемнолинига қандай муносабатда бўлганингни бировга билдирма, мен албатта, сени рост гапиради деб ўйламайман, чунки ёлғончининг тилидан, хатто ҳақиқат ҳам ишонарли чиқмайди. Бирок, агар сенда ҳали жиндек номус ва фош бўлишдан кўрқиш хисси қолган бўлса, менинг маслаҳатимга бепарво бўлма!

— Бас кила қолсанг-чи, Жоген! — деди Окхой. — Қара, Ромеш-бабу бу гапларни қандай мўминлик билан қабул қиляпти! Нахотки юрагингда заррача раҳм бўлмаса? Кетдик. Хавотир бўлманг Ромеш-бабу, биз ҳозир кетамиз.

Улар ниҳоят чиқиб кетишди. Ромеш турган жойида хайкал сингари қотиб қолди. Довдираш ҳолати ўтгач, уйдан чиқиб, бўлиб ўтган воқеани танҳликда ўйлаб кўрмоқчи бўлди. Бирок Камола ёдига тушди — уни бу ерда ёлғиз қолдириш мумкин эмас-ку!

Қўшни хонага кириб қараса, Камола кўча томонга қараган деразанинг чий пардасини кўтариб, узоқларга тикилганича жимгина ўтирибди. Ромешнинг кадам товушини эшитганида пардани тушириб, эшикка қаради. Ромеш полга ўтирди.

— Бу иккиси ким? — деб сўради киз. — Бугун эрталаб улар бизнинг мактабга ҳам боришган эди.

— Мактабга? — таажжубланиб сўради Ромеш.

— Ҳа, — деди киз. — Сиз билан нимани сўзлашдилар?

— Бу киз киминг бўлади, деб сўрашди.

Қайнотанинг уйида ўзини қандай тутишни, қайси ҳолатларда уятчанлик қилиш кераклигини Камолага ҳеч ким ўргатган эмасди. Аммо одоб унинг табиатига ёшлиқдан сингиб кетганди, шунинг учун Ромешнинг сўзини эшитиб хижолатдан кизариб кетди.

— Мен уларга, — дея давом этди йигит, — бу киз менга бегона деб жавоб бердим.

Камола, у аччиқ ҳазиллар билан жиғимга тегмоқчи шекилли, деб ўйлади.

— Қўйинг! — деди шиддат билан юзини четга буриб.

Ромеш унга бу гапларни қандай қилиб айтсаммикан деб ўйларди.

Бирдан қиз бесаранжом бўлиб қолди:

— Қаранг, қарғалар меваларингизни ташиб кетишяпти!

Қиз нариги хонага югуриб чиқиб, қарғаларни қувди-да, патнисни кўтариб келиб, Ромешнинг олдига қўйди.

— Жиндек енг, олинг энди.

Ромешнинг иштаҳаси тамоман бўғилган эди. Аммо қизнинг бу ғамхўрлиги унга таъсир қилганди.

— Ўзинг-чи?

— Аввал сиз олинг.

Албатта бу арзимас мулозамат эди. Лекин ҳозирги ҳолатда қизнинг соддалиги, самимийлиги йигитнинг кўнглини шундай ўртаб ўтдики, кўзларидаги ёшни аранг тийди. Бир оғиз сўз айтмай, ўзини таом ейишга мажбур қилди.

Нонуштадан сўнг Ромеш:

— Эртага уйга кетамиз, Камола, — деди.

Қиз ерга қараб, хафахон ҳолда жавоб берди:

— У жой менга ёкмайди.

— Демак, сен мактабда қолишни истайсан?

— Йўқ, йўқ, мени у ёққа юборманг. Қизлар фақат сиз ҳақингизда сўрашгани сўрашган, мен уяламан.

— Сен уларга нима деб жавоб бердинг?

— Ҳеч нима. Улар нима учун мени таътилда мактабда қолдирмоқчи бўлганингизни суриштиришди. Мен эса...

Камола гапини тугатолмади. Ўша таънали гапларни эслашнинг ўзиёқ ярасини янгилади.

— Нега менга бегона эканингни уларга айтмадинг?

Камола қаттиқ хафа бўлди. Ер остидан қараб:

— Боринг! — деди холос.

Нима қилиш керак, — Ромешнинг боши қотди. Оғир изтироб хисси вужудини қуртдек кемирарди. Жогендро Хемнолинига нима деди, экан? У Ромеш ҳақида қандай фикрда? Ҳақиқий аҳволни Хемнолинига қай йўсинда тушунтириш мумкин? У билан бўлган жудоликка чидай олармикан?.. Бу дилозор саволлар йигитнинг юрагини шундай эзардики, у ўз аҳволи ҳақида тузуккина ўйлай ҳам олмасди. Бир нарса аниқ эди: Калкуттада, дўст-душман орасида, унинг Камола билан алоқаси жиддий гап-сўзларга сабаб бўлган. Камола унинг хотини деган гийбат, эхтимол аллақачон шаҳарга овоза бўлгандир. Энди уларнинг бу ерда бир кун ҳам туришлари мумкин эмас.

Ромешнинг хаёлчан ва паришонлиги Камоланинг эътиборидан четда қолмади.

— Нега бунчалик паришон кўринасиз? — деб сўради қиз. —

Агар қишлоқда яшаш сизга маъқул бўлса, мен сиз билан кетишга розиман.

Камоланинг бу сўзлари унинг дардини янгилади. Энди нима қилиш керак? — деган савол унинг олдида юзинчи марта кўндаланг турарди. Ҳаёлга чўмган йигит қизнинг саволига жавоб қайтармай, унга хомуш қараб турарди.

Камола бирдан жиддий қиёфага кириб:

— Тўғриси айтинг, таътилда мактабда қолишни истамаганим учун мендан хафа бўлдингизми? — деди.

— Тўғриси айтсам, Камола, мен сендан эмас, ўзимдан хафаман.

Ромеш ўзининг чигал фикрларидан минг машаққат билан кутулиб, гапни бошқа мавзуга кўчиришга уринди.

— Камола, мактабда нималарни ўрганганинг ҳақида билмоқчи эдим.

Киз зўр иштиёқ билан билимини йигитнинг олдида намойиш қилишга киришди. Ромешни ҳайратда қолдиришига ишонган ҳолда, дастлаб ернинг куррасимон шаклда бўлишини тушунтира кетди. Йигит эса, жиддий қиёфада, ернинг куррасимон бўлишига шубҳа билдириб, шундай бўлиши мумкинмикан, деб сўради.

Камола кўзларини катта очиб:

— Ахир китобда шундай деб ёзилган, биз ўзимиз ўқидик, — деди.

— Нималар деяпсан, Камола? — таажжубланиб сўради Ромеш. — Ҳатто китобда ҳам шундай деб ёзилганми? У катта китобми ўзи?

Савол Камолани бир оз қийин аҳволга солиб қўйди. Лекин ўйлаб, ишонч билан жавоб берди.

— Китоб унча катта эмас-ку, лекин босма нусха. Унда, ҳатто суратлар ҳам бор.

Бундай жиддий далиллар олдида Ромешга чекинишдан бошқа чора қолмаган эди. Ўзининг мактабдаги машғулоти ҳақида барчасини айтиб берганидан кейин, Камола дугоналари, муаллимлари ва мактабда қандай яшаганлигини гапира кетди. Ҳаёлга берилган Ромеш аҳён-аҳёндагина унга жавоб қайтарарди, баъзан эса, айрим жумлаларнинг охиригина эшитиб, бутунлай бошқа саволларни берарди.

— Ахир сиз сўзимга кулоқ солмаяпсиз-ку! — деб хитоб қилди Камола ва ранжиган ҳолда ўрнидан турди.

— Қўй, хафа бўлма Камола, — деб юпатишга шошилди Ромеш. — Негадир бугун кайфиятим йўқроқ.

■ Буни эшитиб, Камола дарҳол унга ўгирилди.

— Нима бўлди? Бетобмисиз?

— Йўқ, бетоб эмасман. Умуман ташвиш қиладиган ҳеч нарса йўқ, гоҳида мен шунақа бўлиб тураман. Ҳадемай ўтиб кетади.

Шундан кейин Камола билимдонлиги билан Ромешни батамом хайратда қолдирмоқчи бўлди:

— География дарслигидан сизга суратлар кўрсатсам, майлими?

Ромеш жон деб рози бўлди. Киз дарров китобни келтириб, Ромешнинг олдида очди.

— Сиз ҳозир кўриб турган икки курра — аслида битта, — тушунтира бошлади киз. — Негаки, биз юмалоқ нарсанинг хар икки томонини бирдан кўролмаймиз.

Ромеш ўзини жуда боши котган ва ўйлаётгандек килиб кўрсатиб:

— Япалок нарсаларнинг ҳам хар икки томони бирдан кўринмайди-ку! — деди.

— Шунинг учун ҳам ушбу суратда Ер куррасининг икки палласи алоҳида кўрсатилган, — деб жиддий уқтирди Камола.

Улар бу оқшомни шу йўсинда ўтказишди.

XX БОБ

Оннода-бабу Жогендро хушхабар олиб келади-ю, шу билан жанжални бартараф этишга муваффақ бўламиз, деб умид қилган эди. Ўғли билан Окхой унинг хузурига кирганида, уларга хавотир билан қараб қўйди.

— Ромешнинг, бу аҳволга тушишига йўл қўярсиз деб ўйламаган эдик, ота! — деди Жогендро. — Унинг бундайлигини билганимда, у билан гаплашишингизга ҳам асло рози бўлмасдим!

— Бу тўйни ўзинг хавас қилган эдинг-ку, Жоген, — деди Оннода-бабу. — Ўзинг бу ҳақда менга бир неча маротаба гапирганинг. Сен илтимос қилмаганингда, мен...

— Буни ман этиш, умуман хаёлимга келмагани, албатта. Лекин...

— Кўрдингми, ана энди «лекин»га ўтиб олдинг. Шунақа ҳам бўладими? Ё рози, ё қарши бўлишинг керак, бу борада бетарафликка ўрин йўк!

— Лекин мен айтмоқчиманки, унинг бунчаликка боришига йўл қўймаслик керак эди.

— Кўп ишларга бир туртки кифоя, — деди кулиб Окхой, — кейин бунинг ўсиб боришида ҳеч кимнинг рағбатлантиришига муҳтож бўлмайди. Худди совун кўпиги то ёрилгунича шишгани каби. Энди ўтган ишга салавот, бехуда баҳснинг фойдаси йўк. Энди нима қиламиз, яхшиси — шуни ҳал этайлик. Бу гапларни безовталаниб эшитаётган Оннода-бабу, охири сўради:

— Сизлар Ромешни кўрдингларми?

— Кўрдик, жуда яқиндан кўрдик. Ўйлаганимиздан кўра яқинроқдан. Хатто, хотини билан ҳам танишдик.

Оннода-бабу лол бўлиб, уларга тикилиб қолди.

— Кимнинг хотини билан? — деб сўради у.

— Ромешнинг хотини билан, — дея такрорлади Жогендро.

— Нималар деяётганингни тушунмаяпман. Қайси Ромешнинг хотинини айтяпсан?

Ўзимизнинг Ромеш, ўшанинг хотини. Бир неча ой аввал ўз кишлоғига бориб, уйланиб келибди.

— У пайтда унинг отаси вафот этганди, ахир, ҳеч қандай тўйнинг бўлиши мумкин эмасди.

— Тўй, отасининг вафотидан сал олдинроқ бўлган.

Оннода-бабу қотиб қолди. Сўнг бир оз ўйлагач, боши қотиб, бўйинини қашиб туриб шундай деди:

— Энди унинг Хемнолинига уйланиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, дегин?

— Биз ҳам шуни гапиряпмиз-да.

— Шуни гапирётган бўлсанглар, нега тўйга тайёргарлик қўрилгани ҳақида ўйламадинглар? Тўй келгуси якшанба куни бўлади, деб ҳаммага хабар қилинган-ку! Демак, энди тўй умуман бўлмайди, деб мактуб ёзиш керак экан-да?

— Тўйни бутунлай тўхташга ҳожат йўқ, — деди Жоғен, — фақат озгина ўзгартириш киритсак бас, ишлар юришиб кетади.

— Бу билан нима демоқчисан?

— Бу осон ота. Албатта, зарур бўлган жойгагина ўзгартириш қиритилади. Никох маросими масаласида биргина чора бор, биз шуни қўллашимиз керак. Қисқаси, Ромешнинг ўрнига бошқа бир куёвни қўйсак, тўй шу якшанбада бўлиб ўтади. Акс холда, биз эл орасида шарманда бўламиз.

Жоғендро Окхойга маъноли қараб қўйди. Окхой эса камтарлик билан ерга қаради.

— Бундай қисқа вақт ичида куёвни қаердан топасан?

— Бу ҳақда ташвиш қилмасангиз ҳам бўлади.

— Бирок олдин Хемнинг розилигини олиш керак, ахир.

— Воқеадан хабардор бўлгач, унинг бунга қўнишига ишонаман.

— Ундай бўлса, билганингни қил. Лекин афсус: Ромешнинг давлати ҳам, шунга яраша ақли ҳам бор эди. Қара-я? Тунов куни биз у билан Этойяга кўчиб кетишга қарор қилгандик, у ўша ерда малака оширмакчи эди, тўсатдан... шундай бахтсизлик рўй берса бўладими!

— Нега сиз унинг ташвишини тортасиз? Унинг Этойяга кетишига ҳозир ҳам биров халақит бераётгани йўқ. Мен бориб Хемни чақирай, фурсатни қўлдан бермайлик.

Бир неча дақиқадан сўнг Жоғендро Хемнолини билан бирга қириб келди. Окхой хонанинг бир бурчагида, китоб жавонининг орқасида яшириниб ўтирарди.

— Ўтир, Хем, деди Жоғендро. — Бизнинг сенга айтадиган баъзи бир гапларимиз бор.

Хемнолини индамай курсига ўтирди. У оғир синовга бардош бериш кераклигини сезиб турарди.

Гапга даромад тарикасида Жоғендро шундай сўз бошлади:

— Ромешнинг хатти-ҳаракати сенда шубҳа уйғотмаяптими?

Хемнолини «йўк» дегандек бош чайкади.

— Унинг бизга айтолмайдиган сабаби нима экан?

— Бирон сабаби бордир-да, — ерга қараб жавоб берди Хемнолини.

— Тўғри. Сабаби бор. Мана шунинг ўзиёк сени эҳтиёт бўлишга ундамайдими?

Хемнолини яна индамай, «йўк» дегандек бош чайкади. Йўк, у бунақа гапни ўйлагани ҳам йўк.

Унинг ўз қариндошларидан кўра, кайсарлик билан Ромешга кўйроқ ишониши Жогендронинг жиғига тегди. Гапни узоқдан бошлаш бу ерда иш бермаслигини англаб етди. У кескин давом эттирди:

— Сен, албатта, Ромешнинг бир неча ой аввал отаси билан кишлокқа кетганини эсласанг керак? — Сўнгра — биз анча вақтгача ундан хат-хабар бўлмагани учун таажжубланиб юрдик. Одатда ҳар куни бизниқига икки маротаба кириб турадиган кўшнимиз Ромеш, Калкуттага қайтиб келгач бу ерда мутлақо қорасини кўрсатмай, шахарнинг бир бурчагига яширинди, бу ҳам ёдингдадир. Сизлар эса, шунга қарамай, унга аввалгидек ишониб, ҳатто уйга таклиф ҳам этдинглар! Агар бу ерда бўлганимда, бундай ҳол рўй бериши мумкинмиди?

Хемнолини хомуш ўтирарди.

— Бундай хатти-ҳаракатнинг маъносини англашга уришиб кўрдингизми? Нахотки унинг бу қилиғи сизларда заррача шубҳа туғдирмаган бўлса? Сизларнинг Ромешга бўлган ишончингиз бунчалик зўр бўлмаса!

Хемнолини илгаригидек мик этмай ўтирарди.

— Дуруст! Эҳтимол ўзларингиз тўғри бўлганингиз сабабли бошқалардан гумонсирай олмасиз. Ундай бўлса, табиий, сиз менга ҳам оз-моз ишонсангиз керак? Воқеа мана бундай рўй берди: шахсан ўзим мактабга бориб билдимки, Ромеш хотини Камолани ўқишга жойлаб қўйган, таътил пайтида уни уйига олиб келмаслик ҳақида ҳам келишиб қўйган. Бирок, бундан уч кун олдин тўсатдан мактаб мудирасидан мактуб олган, мактубда ундан Камолани байрамда уйга олиб кетиш талаб этилган. Бугун таътилнинг бошланиши, мактаб извошчиси Камолани Ромешнинг Доржипардаги эски уйига элтиб қўйди. Мен ўша уйга бордим. Биз кирганда Камола олма артар, Ромеш эса унинг рўпарасида ўтириб олма еяётган экан. Мен, бу нимаси десам, Ромеш ҳозир ҳеч нарса айтолмайман, деб жавоб берди. Агар у ёлғондан Камола менинг хотиним эмас деганида, биз унинг сўзига ишониб, ўзимизда пайдо бўлган гумонни йўқотишга тиришардик. Лекин у аниқ бир жавоб беришни истамади. Хўш, буни қандай тушуна бўлади? Шунча гапни эшитганингиздан кейин ҳам унга ишонасизми?

Жогендро Хемнолинига тикилганича, жавоб кутарди.

Кизнинг юзлари оқариб кетди. У ўзини тутишга уришиб, бутун вужуди билан курсининг суянчиғига ёпишди, лекин бир дақика ўтмай, бошини олдинга эгиб, беҳуш ҳолда полга йиқилди.

Даҳшатга тушган Оннода-бабу икки қўллаб қизининг бошини кўксига босди-да, қайта-қайта сўради:

— Кизгинам, нима бўлди сенга, нима бўлди? Уларга ишонма, бу гапларнинг бари ёлғон!

Жогендро отасини четлаб, синглисини диванга ётқизди-да, ёнида турган кўзачадан юзига сув сепди. Окхой, зўр бериб уни елпигич билан елпий бошлади.

Хемнолини бир оздан сўнг кўзларини очиб, бир сесканди-да:

— Ота, Окхой-бабу бу ердан тез кетсин! — деди ингрок товуш билан.

Окхой елпигичини қўйиб хонадан чиқди-ю, эшикнинг орқасида тўхтади. Оннода-бабу Хемнолинининг ёнига ўтирди-да, чуқур ух тортиб, унинг бошини силай бошлади:

— Нима бўлди кизгинам, бас! Тинчлан!

Хемнолинининг кўзларига бирдан ёш келди. Титраб-какшаб хўнраганидан унинг кўкраги кўтарилиб-кўтарилиб кетарди. Оғир қайғу-алам турғинини енгиллашга уришиб, у отасининг тиззасига бош қўйди.

— Жон кизим, тинчлан, бас қил, — такрорларди Оннода-бабу кўз ёшларини тиёлмай, бўғик товуш билан. — Мен Ромешни яхши биламан. У ҳеч қачон бундай виждонсизлик қилмайди. Жоген, албатта янглишган.

Аламзада бўлган Жогендро чидаб туролмади:

— Уни бекорга умидвор қилманг, ота? Хемни ҳозир тинчлантирганингиз билан келажакда бундан-да, оғирроқ мусибатга гирифтор қиласиз. Унга вақт беринг. Ўзи хар томонлама ўйлаб кўрсин.

Хемнолини ўнгланиб олди-да, акасига тикилиб туриб қатъият билан деди:

— Менга нима керак бўлса, ҳаммасини ўйлаб қўйдим. Билиб қўйинг, барча воқеани унинг ўзидан эшитмагунимча, ҳеч нарсага ишонмайман.

Шундай дея у ўрнидан турди.

— Йиқилиб кетма, тагин, — деди хавотир билан Оннода-бабу кизни суяб.

Отасининг қўлларига таяниб, Хемнолини ўз ётоғига кириб кетди.

— Ота, мени ёлғиз қўйинг, — дея илтимос қилди у, — бир оз ором олишга ҳаракат қиламан.

— Хорини чақирай, сени елпиб турсин.

— Йўқ, йўқ, менга ҳеч нарса керакмас, ота.

Оннода-бабу қўшни хонага чиқди. У ҳозир, кизчаси жуда ёш бўлган пайтда вафот этган рафиқасини ўйлай кетди. Рафиқасининг

фидокорона садокати, вазминлиги, муттасил қувноклиги ёдига тушди. У кизини тарбиялаб вояга етказди, киз эса онасининг тирик тимсолига айланди. Хемнолинининг изтироб чекаётганини ўйлаганида Оннода-бабунинг юраги кон бўларди. Унинг ётоғи ёнида ўтириб, ота шўрлик хаёлида кизига мурожаат қиларди:

— Жоним қизим, бошингга ғам тушмасин, бахтиёр бўл! Менинг фикру ёдим, у дунёда онанг билан қовушмай туриб, севган кишинг уйдан бошпана топиб, қувнок ва хушбахт бўлишингни кўрмоқдир.

У нам кўзларини этагининг учи билан артди.

Жогендро илгари ҳам аёлларнинг акли киска деб юрарди, энди эса, бунга тамоман ишонди. Одамлар рад этиб бўлмайдиган далилларга ҳам ишонишмаса, дардингни кимга айтасан! Уларнинг бошқалар нима дейишидан катъи назар, ўйламай-нетмай, икки карра икки тўрт эмас, деб туриб олишлари ҳеч гап эмас, оқилона далиллар қорани қора деб тасдиқлайди, аммо муҳаббат қорани оқ деб туриб олса борми, ҳар қандай далилга қарши ҳужум қилаверади. Мана шундай аёллар дастидан дунёнинг остин-устун бўлиб кетмаганига ҳайрон коласан, киши.

Нихоят, хаёлларини бўлиб, Жогендро Окхойни чақирди. У тусмолланиб ёни билан юриб хонага кирди.

— Сен, албатта, ҳамма гапни эшитдинг. Хўш, энди нима қилишимиз керак? — деб сўради Жогендро.

— Мени бу ишларга бекор аралаштиряпсан, дўстим. Мени бу ишларда ҳеч қандай иштироким йўқ эди, сен келдинг-у, мени ҳам шу кўнгилсиз воқеаларга қотиштирдинг!

— Бўлди! Арз-холингни кейин қиласан. Энди биз учун биргина чора қолди. У ҳам бўлса Ромешни кўндириш: у ҳамма воқеани Хемнолинига ўзи гапириб бериши керак.

— Тентакмисан! Одам ҳеч замонда ўз айбига иқроп бўлармиди!

Бўлмаса, яхшиси хат ёзсин. Бу иш билан сен ҳозироқ шуғулланишинг керак. Бироқ шуни унутма, вақтни қўлдан бой бериш мумкин эмас.

— Дуруст. Нима қилиш кераклигини ўйлаб кўрай-чи?!

XXI БОБ

Кеч соат тўққизда Ромеш Камолани олиб Шиялдохо вокзалига қараб йўл олди. Улар айланма йўл билан кетишди — извошчига тор кўча орқали ҳайдаш буюрилган эди. Извош Колутолдаги бизга таниш уйлардан бирининг рўпарасига келиб тўхтаганида, Ромеш извошнинг эшикчасидан бошини чиқариб, суқлагани уйга қаради. Бу ерда ҳеч нарса ўзгармаган, ҳаммаси аввалгидек эди. У шундай бир оғир хўрсиндики, мизғий бошлаган Камолани уйротиб юборди.

— Сизга нима бўлди? — деб сўради киз.

— Хеч нарса бўлгани йўк, — деб жавоб берди Ромеш ва яхшироқ жойлашиб, бутун йўл давомида хомуш кетди.

Камола курсига суяниб, дархол ухлаб қолди. Колутолдан ўтиб бораётган вақтда Камоланинг хамроҳлиги Ромешга бирдан жуда оғир ботди.

Улар станцияга вақтида келиб, Ромеш олдиндан букюриб қўйган иккинчи тоифа вагон купесига чиқишди. Диванлардан бирига Камолага жой солиб, чирокнинг абажурини пастлатди:

— Камола, сен аллақачон ухлашинг керак эди.

— Поезд юриши билан ётаман. Хозирча менга рухсат берсангиз, бир оз деразанинг олдида ўтирсам, — деб илтимос қилди Камола.

Ромеш рози бўлди. Шунда Камола бошига рўмолини ёпиб, диваннинг бир четига, деразанинг олдида ўтирди ва станция саҳнида тўлиб турган оломонга қарай бошлади. Ромеш эса курсининг ўртасидан жой олиб, паришонлик билан хар тарафга назар соларди. Поезд аста юра бошлагач, у ўрнидан сапчиб турди — станциянинг саҳнида югуриб юрган киши унга танишдек кўринди.

Бу одамни Камола ҳам кўрди ва хандон уриб кулиб юборди.

Кечиккан йўловчи темир йўл хизматчисининг норозилигига карамай, шарфини унинг қўлида қолдириб, юриб кетаётган вагонга сакради, сўнг шарфини олиш учун вагоннинг деразасидан қўлини чўзди. Шунда Ромеш нотаниш кишини таниди — у Окхой эди.

Камола шарф можаросини эслаб анчагача қаҳ-қаҳ уриб қолди.

— Соат ўн ярим, — деди Ромеш, — поезд жўнаганига хийла бўлди, ётиб ухласанг бўларди.

Киз итоаткорлик билан ёнбошлади-ю, уйқу элтгунча кулиб ётди.

Аммо Ромешнинг таъби хира эди. У Окхойнинг калкутталиқ эканини, кишлоқда ҳеч қандай қариндош-уруғи йўқлигини биларди. Шундай экан, хозир у қаерга шошиляпти, айниқса бутун кечаси? Муқаррарки, у Ромешни таъкиб этмоқда.

Окхойнинг кишлокка бориб гап таркатиши, бунинг дўст-душманлар орасида паст-баланд гапларга сабаб бўлишини ўйлашнинг ўзиёқ, йигитнинг юрагига рулғула соларди. Кейинги воқеалар жуда хунук тус олиши мумкин эди. Калкутта сингари катта шаҳарда доимо кўздан ғойиб бўлиш, одамлар уммонида фарқ бўлиб кетиш мумкин, бироқ кичкина кишлокча саёз дарёдек, энгил бир турткидан ҳам тўлқинланиб кетиши мумкин. Ромеш бу ҳақда қанча ўйласа, юраги шунча сиқиларди...

Ромеш Баракпур бекатида деразадан қараб, Окхойнинг бу ерда тушиб қолмаганига ишонч ҳосил қилди. Нойхотида кўплаб йўловчилар поездга ўтириб, анчаси тушиб ҳам қолди. Аммо Окхой уларнинг орасида йўк эди. Ромеш Богул бекатида ҳам деразадан бош чиқариб қаради. Окхой ҳеч ерда кўринмас эди.

Афтидан, уни кейинги бекатда тушиб қолар, деб умид қилиш ҳам бемаънилик эди.

Йигит алламаҳалгача ўзини тетик тутиб, охири ухлаб қолди. Эрта билан поезд Гойялондо вокзалида тўхтаганида, Ромеш, шарфга ўралиб, қўлида жомадони билан шошилганича кемага қараб кетган Окхойни кўриб қолди.

Ромеш тушадиган кеманинг жўнашига бир оз вақт бор эди. Аммо иккинчи бандаргоҳ ёнида жўнашга шайланиб яна бир кема турарди.

— Бу кема қаерга боради? — деб сўради Ромеш.

— Фарбга.

— Қаергача?

— Агар дарё саёзлик қилмаса, Банорасгача.

Ромеш кема саҳнига чикиб, Камолани кеманинг хос бўлмаларидан бирига жойлади-да, шошилганича сут, гуруч ва банан сотиб олгани кетди.

Бу пайтда Окхой бошқа йўловчиларнинг орасидан ўтиб, биринчи кемага чикиб олганди.

У кўриб қолмасинлар деб, эҳтиёткорлик билан шундай бир жойни танлаган эдики, у ердан туриб кемага чиққанларнинг барчасини кузатиб турса бўларди. Аммо йўловчилар унчалик шошилишмасди. Кема кечикиб жўнайдиган бўлди, бундан фойдаланган одамлар ювинишар, чўмилишар, баъзилари эса, хатто соҳилда таом ҳам пишириб ейишарди. Окхой, Ромеш Камолани бирор ошхонага нонуштага олиб кетгандир деб ўйлади, бироқ у Гойялондонинг баланд-пастини мутлако билмагани учун уларни кидирмади.

Гудоклар янграб, кема ҳадемай жўнашга тайёр, аммо Ромешдан хануз дарак йўқ эди. Лапанглаб турган тахта кўприкдан йўловчилар шошилиб кемага чиқа бошлашди. Кеманинг тўхтовсиз гудоклари барчани шошилишга ундар, оломон тобора кўпаярди. Лекин на кемага чиққанларнинг орасида, на чикиб келаётганларнинг ичида Ромеш кўринмасди.

Нихоят йўловчиларнинг окими тинди. Кўприкчани тортиб олишди, кема дарғаси лангарни кўтаришга буйруқ берди.

— Менга рухсат этинг, тушаман! — деб кичкирди изтиробга тушган Окхой. Бироқ матрослар унга заррача ҳам эътибор беришмади. Соҳил билан кема оралиғи ҳали унча кенг эмасди, Окхой кемадан кирғоққа сакради.

Бироқ у соҳилда ҳам Ромешнинг изини тополмади. Бир неча дақиқа илгари поезд Калкуттага жўнаганини билиб, «кеча бекатда темир йўл хизматчиси билан жанжаллашганимда, Ромеш мени кўриб қолган ва ниятимни пайқаб, қишлоғига боришнинг ўрнига, эрталабки поезд билан Калкуттага қайтиб кетган», деб тахмин қилди. У ерда яшириниш ниятида бўлган одамни қидириб топиш ҳазил гап эмас.

XXII БОБ

Окхой кун бўйи Гойялондо бекатида санғиб, ниҳоят, кечкурун поездга чикиб Калкуттага кетди. Эрта билан поезддан тушиб, тўғри Ромешнинг Доржипардаги уйига қараб юрди, аммо уйнинг эшиклари берк бўлиб, бу ерга ҳеч ким қайтиб келмагани аниқ эди.

У Ромешнинг Колутолдаги уйига ҳам борди, лекин бу ер ҳам бўм-бўш эди. Шунда Оннода-бабунинг уйига келиб, Жогендрога «Ромеш қочиб кетди, уни ушлаб қолиш менга насиб бўлмади», деб айтди.

— Қандай қилиб қочди? — деб сўради Жогендро.

Окхой ўз сафари тарихини батафсил хикоя қилиб берди.

Окхойнинг пайдо бўлиши, Ромеш билан Камоланинг қочиб кетиши Жогендронинг гумонини янада кучайтирди.

— Лекин бу далиллар бизга иш бермайди, — деди Жогендро, — Хемнолинигина эмас, ҳатто отам ҳам шу аҳмокона гапни такрорламоқда: у бу гапларни Ромешнинг ўз оғзидан эшитмагунича, унга бўлган ишончини йўқотмас эмиш. Иш шу даражага бориб етдики, агар Ромеш келиб ҳозирча сабабини айтолмайман деса, отам ўйлаб-нетиб ўтирмай, унинг Хемнолинига уйланишига рози бўлади. Мен оғир аҳволда қолдим. Отам қизининг изтироб чекишига йўл қўймайди. Хем бўлса, инжиқлик билан: «Барибир Ромешга тегаман, хотини бўлса ҳам майли» дейишга тайёрдек. Қизини ранжитмаслик учун отамнинг шунга ҳам рози бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Энди ўзинг кўриб турибсан, биз учун биргина йўл қолди: қандай бўлмасин, тезроқ Ромешни топиш зарур. Сен, Окхой, сира бўш келмаслигинг керак. Мен ҳам бу ишга аралашган бўлардим-у, бироқ улар билан уришишдан бошқа бирор найранг ақлимга келмаяпти. Энди Окхой, сен аввал бориб ювин, бу афт-башаранг билан чойга ўтира кўрма.

Ювинганидан сўнг Окхой ўтириб ўйга толди. Шу пайтда хонага қизини бошлаб Оннода-бабу кирди. Бироқ Окхойни кўриб, Хемнолини дарров қайтиб чикиб кетди.

— Хем яхши иш қилмади, — деди асабийлашиб Жогендро. — Сиз унинг бундай дағаллигига йўл қўймаслигингиз керак, ота айтинг, қайтсин. Хем! Хем!

Бироқ Хемнолини аллақачон болохонага чиқиб кетганди.

— Жоген! Сен менинг режаларимни бузаяпсан, ҳолос, — деди Окхой. — Унга мен ҳақимда оғиз очма. Вақт — энг улур даводир. Зўрлик барча ишни барбод қилиши мумкин.

Шу сўзларни айтгач, Окхой чойини ичиб чиқиб кетди.

Окхойни бесабрликда айблаш мумкин эмасди. У, ҳатто вазият йўл бермаганида ҳам, барибир ўйлаганини амалга оширарди. Қизиққонлик унинг табиатига ёт эди. Бунинг устига у ўзини

аклли кўрсатиб, олий туйғулар хақида сафсатага берилувчи мутакаббирлардан эмас эди. Ҳа, у ҳеч қандай ҳақорат ва қудурат олдида довдирамасди. Ҳақиқатан ҳам сабрли одам, унга қандай муомала қилишмасин, барига бардош беради.

Окхой кетгач, Оннода-бабу Хемнолинини яна чойга бошлаб келди. Қизнинг юзлари оқарган, ковоқлари кўқарган эди.

У ерга қараганича хонага кириб келди, Жогендрога бош кўтариб қарай олмади, чунки акасининг Ромешдан ҳам, синглисидан ҳам қаттиқ хафа эканини, иккаласини ҳам қоралаётганини биларди.

Мухаббат Хемнолинида ишончини ушлаб турса-да, ақлнинг овози қаршисида заифлик килди. Тунов куни Жогендронинг олдида Ромешга бўлган қаттиқ ишончини изҳор қилиб, сўнг қоронғи кечада ётовида танҳо фикр қилгач, аввалги хотиржамлигини йўқотди.

Дастлаб Ромешнинг хатти-ҳаракатида шубҳа қиларли бирор нарса йўқ эди, қиз унинг ваъдаларига ишониб, қалбида ҳеч қандай гумонга йўл қўймади. Шунга қарамай гумонлар зўрайиб, уни енгиб борарди.

Она, боласини ўлим хавфидан химоя қилиб, уни икки қўллаб бағрига босгандек, Хемнолини ҳам Ромешга бўлган ишончини қалбида сақлашга, уни рақиблар ғийбатидан эҳтиёт қилишга уринар эди. Таажжуб, баъзан ирода ҳам бардош беролмай қоларкан.

Шу кечани Оннода-бабу Хемнолинининг ётоқхонаси ёнидаги хонада ўтказди. У кизининг ухламай, у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилаётганини сезар, ахён-ахёнда эшикни очиб унга қарарди.

— Уйқунг келмаяптими, қизим? — деган саволига доим бирдек:

— Ўзингиз нега ухламаяпсиз, ота? Кўзларим юмилиб боряпти, мана ҳозир ухлаб қоламан! — деган жавобни оларди.

Тонготарда Хемнолини томга чиқди. Ромеш яшаган уйнинг барча эшик ва деразалари ёпиқ эди.

Шарқдан, оппоқ тоғ чўққиларининг ортидан куёш охиста кўтарилиб келарди. Бу янгидан порлаб чиқаётган кун қизга тўсатдан шундай нурсиз ва умидсиз туюлдики, у томнинг бир четига ўтириб, икки қўли билан юзини бекитганича, алам билан хўнграб юборди. Энди ҳамиша чой вақтида уни йўқлаб келадиган кишиси йўқ. Энг яқин инсоним ёнимда, қўшни уйда деган тушунча энди барбод бўлганди.

— Хем! Хем!

Хемнолини шошилганича кўз ёшларини артди.

— Нима дейсиз, ота? — деб овоз берди қиз.

Оннода-бабу кизнинг ёнига келиб, эркалаб бошини силади:

— Бугун кечроқ уйғондим, — деди.

Оннода-бабу туни бўйи Хемнолини учун хавотир бўлиб, кўзига уйқу келмади, тонгга яқин андақ мизғиб олди. Аммо оф-

тоб шуъласи кўзларига тушгани хамон, дарров ўрнидан туриб ювинди, кизини кўргани чикди. Қизи хонасида йўқ экан. Томга чикди. Хемнолинининг танхо холда маъюс ўтириши, Оннода-бабунинг юрагини эзиб юборди.

— Юр, чой ичамиз, — деди у.

Қиз чой вақтида Жогендронинг рўпарасида ўтиришни истамасди. Аммо у одатдаги тартибнинг бузилиши, отасини ранжитишини биларди. Чунки ҳар куни отасига ўз кўли билан чой кўйиб берар, хозир ҳам бу юмушдан маҳрум бўлишни истамасди.

Шунинг учун эрта билан Оннода-бабу уни чойга таклиф этганида, у отасининг қўлларига таянганича меҳмонхонага кириб келди.

Пастга тушиб, эшикнинг олдида келиб тўхтаганида Жогендронинг аллаким билан гаплашиб турганини эшитди-ю, юраги шиф этди, Ромеш бўлса керак, деб ўйлади — ундан бошқа ким ҳам келарди сахарлаб!

У гангиб колгандек ичкарига кирди, аммо уйда Окхойни кўрди-ю, ўзини туюлмади чикиб кетди.

Оннода-бабу уни яна меҳмонхонага бошлаб келди. Шунда у отасининг ёнида ўтириб, бошини қуйи солган холда чой дамлаш билан машғул бўлди.

Хемнолинининг хатти-харакати Жогендронинг жахлини чиқарди. У синглизининг Ромеш туфайли изтироб чекишига бепарво қараб туролмасди. Бироқ Оннода-бабунинг кизига ҳамдардлиги, Хемнолинининг эса ота меҳри кўланкасида яширинишга ҳаракат қилаётганини кўргач, Жогендронинг газаби янада авж олди.

«Гўёки ҳаммамиз жиноятчилармиз! — деб ўйлади у. — Ҳолбуки биз уни яхши кўрганимиздан келажакда бахтли бўлиши учун жон куйдирапмиз!.. Унда эса миннатдорчиликдан учкун ҳам йўқ, яна бизни айбдор деб билади. Отам эса, бунақа ишларнинг фарқига бормайди. Тасалли бериш билан овора бўлмай, кескин зарба беришнинг вақти келди; отам бўлса, Хемга раҳми келиб, кўнгилсиз ҳақиқатни унга яқинлаштирмасликка урингани уринган».

— Ота, воқеадан хабарингиз борми? — деб сўради Жогендро.

— Йўқ, нима бўлди? — кўркиб сўради Оннода-бабу.

— Кеча Ромеш Гойялондо поездида хотини билан кишлоғига жўнабди, энг кизиги, шу поездга Окхойнинг чиққанини кўриб, Калкуттага қайтиб кетибди.

Хемнолинининг қўллари қалтираб, чой тўкилиб кетди. Қиз жойида ўтириб қолди.

Кўз кири билан синглизига қараб кўйиб, Жогендро сўзида давом этди:

— Тушунолмаяпман, нега у қочди экан? Ахир, Окхойга илгари ҳам ҳамма нарса аён эди-ку. Ромешнинг аввалги хатти-

харакатини яхши деб бўлмайди, биров мана бундай қўрқоқлик — ўғридек яшириниши, менимча, жуда ҳам хунук иш. Хемнолини бу ҳақда нима деб ўйларкин, билмайман, аммо унинг қочиши — айбдорлигини тўлиқ тасдиқлайди.

Бутун вужуди титраб, Хемнолини ўрнидан турди.

— Менга ҳеч қандай далил керак эмас, ака! Уни қораламоқчи бўлсангиз — бу сизнинг ишингиз... мен эса унга ҳакам эмасман, — деди у.

— Сен турмушга чиқмоқчи бўлган кишига биз беларво бўлишимиз керакми? — деб сўради Жогендро.

— Энди тўй ҳақида гапиришнинг нима ҳожати бор!

Сиз тўйга каршилиқ қилишга уриняпсиз, агар сизга шу маъқул бўлса, монелик қилаверинг, аммо мени фикримдан қайтаришга беҳуда уринманг!

Қиз ортик бардош беролмай, хўнграб юборди.

Оннода-бабу ўрнидан сакраб туриб, кизининг кўз ёшлари оқиб турган юзини бағрига босиб:

— Юр, юқорига чиқамиз, Хем! — деди.

XXIII БОБ

Кема йўлга тушди. Биринчи ва иккинчи тоифаларда йўловчилар умуман йўқ эди. Ромеш кеманинг хос бўлмасидан бирига жой солди. Эрта билан Камола сут ичди-да, бўлма эшигини катта очиб, дарёни ва югуриб кетаётгандек кўринган сохилни томоша қила бошлади.

— Қаёққа кетаётганимизни биласанми, Камола? — деб сўради Ромеш.

— Сизнинг юртингизга.

— Қишлоқ сенга ёқмайди-ку, шунинг учун у ерга бормаймиз.

— Мени деб қишлоққа бормайдиган бўлдингизми?

— Албатта, фақат сени деб.

— Нега бундай қилдингиз? — дея жиддий сўради киз. — Мен нима десам, сиз хаммасини жиддий деб ўйлайсизми! Шу арзимаган нарсага ҳам хафа бўлибсиз-да.

— Хафа бўлиш хаёлимга ҳам келгани йўқ, — деб жилмайди Ромеш. — ўз қишлоғимга боргим келмаяпти.

— Ундай бўлса, биз қаёққа қараб йўл олдик, — деб яна сўради Камола.

— Фарбга.

«Фарб» сўзини эшитиб, Камола кўзларини катта-катта очди. Фарб!.. Бу сўзни эшитганда, уйини ҳеч қачон тарк этмаган кишининг кўз олдига нималар келмайди!

Фарбда — муқаддас жойлар, шифобахш ҳаво, дилбар табиат манзаралари, шаҳарлар, мамлакат ва шохларнинг ўтмишдаги улуғворликлари, афсонавий ибодатхоналар! Қадимий афсоналар,

турли-туман қахрамонликлар ҳақида канчадан-канча ривоятлар. Шаву завкка тўлган қиз, ҳадеб сўрай берди:

— Қайси шаҳарга борамиз?

— Хозирча аниқ эмас. Биз Мунгер, Патна, Данапур, Боксар, Гажипур, Банорас шаҳарларини босиб ўтишимиз керак — шулардан бирига тушамиз.

Ўзига маълум ва номаълум шаҳарларнинг номларини эшитгач, Камоланинг қизиқиши янада ортди.

— Бу жуда қизиқ! — дея чапак чалди қиз.

— Қизиғи кейин бўлади! Мана шу бир неча кун ичида биз нима еймиз? Сен, кема ошхонасида матрослар пиширган таомни, эхтимол емасан?

— Йўғ-э, ҳеч ҳам! — деб хитоб қилди Камола кошени чимириб, — албатта йўқ.

— Сенингча, нима қилиш керак?

— Ўзим пишираман.

— Эплай олармикинсан?

— Вой, сиз мени ким деб ўйлаяпсиз! Нахотки эплай олмасам? Ёш бола эмасман-ку, тоғамнинг уйида бутун қозон-товоқ менинг бўйнимда эди.

Ромеш пушаймон бўлиб деди:

— Саволим ростдан ҳам ўринсиз бўлди. Кел, бўлмаса ўчоқ кураимиз. Нима дейсан?

У дарров бориб қичкина темир печка келтирди. Кемада қаястха¹ тоифасига мансуб Умеш деган бир бола бор эди, ўшани ҳам бошлаб келди, бола бир оз хизмат ҳақи эвазига Банорасгача сув ташиши, идиш-товоқ ювиши ва бошқа хизматларни бажариши керак эди.

— Камола, — деди Ромеш, — бугун қандай таом пишираимиз?

— Қўп нарса олиб келдингизми? — деди Камола. — Фақат гуручу ловия. Ундай бўлса, ловияни гуруч билан димлаб пишира қоламиз.

Ромеш масалликларни матрослардан олган эди. Қиз унинг рўзгор ишидаги тажрибасизлигини кўриб, самимий кулди.

— Ажаб! Шил-нор² бўлмаса буни нима билан туяман?

Қизнинг сўзларига итоаткорлик сифатида, Ромеш шил-нор қидириб кетди. Уни топа олмай, матрослардан чўян келича сўрашига тўғри келди.

Қиз келичада резавор туйишни билмасди, шунинг учун андак довдираб қолди.

— Кел, бу ишни битта-яримтадан илтимос қиламиз, — деди Ромеш, бироқ қиздан ҳеч қандай садо чиқмади. Камоланинг ўзи бу ишга астойдил киришганди.

¹ *Қаястха* — олий тоифаларнинг бири, мирзолар тоифаси.

² *Шил-нор* — резавор янчадиган япалоқ тош.

Одатланмаган ускуна билан муомала қилиш, гўё унга бир нави ҳаловат бағишларди. Дон келичадан сачраб, ҳар томонга сочилар, қиз эса ўзини қулгидан тиёлмас, Ромеш ҳам унга караб қуларди.

Резавор туйиш хангомаси тугагач, Камола сарисининг этагини белига боғлаб, таом пиширишга киришди. Таомни пиширишда Қалкуттадан олиб келинаётган қандолат идишидан фойдаланишга тўғри келди. Уни ўтга қўйиб, қиз Ромешга мурожаат қилди.

— Дарров бориб ювиниб келинг, ҳозир ҳаммаси тайёр бўлади.

Ромеш қайтиб келганида, таом тайёр бўлганди. Бирок, нимага солиб ейиш керак? Товоқ дегани йўқ эди.

— Матрослардан сопол товоқ сўраб кўрсак-чи! — дея хайиқиброк сўради Ромеш.

Бундай ноҳўя таклифдан Камола дахшатга тушди. Ромеш хижолат тортиб, илгарини ҳам шу хил гуноҳ¹ қилганини айтди.

— Ўтган ишга салават, — деди Камола. — Бу бошқа такрорланмайди, деган ниятдаман, менинг бундай ишларга тоқатим йўқ.

Сўнгра у қандолат идишининг қопқоғини олди-да, яхшилаб ювиб, Ромешга узатди:

— Бугун шунда ейсиз, кейин бир гап бўлар.

Кема сатҳининг бир қисми тоза ювилиб, кечки емакка жой тайёрлангач, Ромеш мамнунлик билан овқатлана бошлади. У таомдан бир оз тотиб кўриб, ғоятда лаззатли бўлганини айтди.

— Мени калака қилмай қўя қолинг, — деди уялинқираб Камола.

— Калака қилаётганим йўқ, ҳозир ўзинг ҳам бунга амин бўласан.

У таомни бир онда еб бўлиб, тагин сўради. Қиз бу сафар таомдан мўлгина солиб берди.

— Хой, нима қиялсан? Ўзингга ҳеч нарса қолдирмадинг, шекилли!

— Ҳали кўп, ташвиш қилманг, — деди Камола.

Ўзининг пазандалигига бўлган бундай эътибор қизга жуда ёқди.

— Сен нимада ейсан? — деб сўради Ромеш.

— Ўша қопқокнинг ўзида.

— Йўқ, бунақаси кетмайди, — деди ташвишланиб Ромеш.

— Нега?

— Йўқ, йўқ, сира мумкинмас!

— Мен нима қилаётганимни жуда яхши биламан, — дея эътироз қилди қиз. — Умеш, сен нимада ейсан?

¹ Хиндларнинг одатига кўра, олий табақа кишилари паст табақага мансуб кишилар ё бошқа диндаги одамларнинг идиш-товокларидан фойдаланса, ўзини мурдор қилган, булғанган бўлади.

— У ерда кандолат сотишяпти. Мен кандолатфурушдан шало дарахтининг япроғини оламан.

— Менга кара, Камола, — деди Ромеш, — ростдан ҳам шу копкоғда таом емокчи бўлсанг, менга бер, уни яхшилаб ювай!

— Акддан озибсиз! — деди қиз жахли чикиб. Бир оз туриб эса, бундай деди:

— Мен сизга пон¹ тайёрлаб беролмайман, бунинг учун ҳеч нарса олиб келмабсиз.

— Пастда биров пон сотяпти, — деди Ромеш.

Шу зайлда, ортикча қийинчиликларсиз рўзворга ҳам асос солинди. Бирок Ромешнинг юраги нотинч эди: у Камоланинг аёл сифатида қилаётган ғамхўрликларидан қай йўсинда қутулиш тўғрисида ўйларди.

Камола уй бекасининг вазифасини бажаришда ёрдамга ҳам, маслаҳатга ҳам муҳтож эмас эди. Бир неча йил давомида у тоғаси учун таом пиширди, болаларга қаради, уйдаги барча ишларни ўзи бажарди. Ромеш кизнинг чакконлиги, ғайрати ва меҳнатсеварлигига мафтун эди. Айни вақтда келажакда унга қандай муносабатда бўлишини ўйларди. «Мен уни ўз уйимда қолдиришни истамайман, — дер эди у, — бироқ ташлаб ҳам кетолмайман. У билан муомалам қай даражада бўлиши керак?» Агар Хемнолини бўлганида, барча муаммолар ижобий ҳал бўларди. Аммо нима бўлганда ҳам ҳозирча бу умидни чеккага суриб туришга тўғри келади. Бу муаммони Камола билан юзма-юз туриб ҳал этиш эса, ғоят даражада мушкул. Ниҳоят Ромеш, Камолага барча воқеани айтишим керак, деган узил-кесил қарорга келди — шу билан бекинмачок ўйинига абадий хотима берилади.

XXIV БОБ

Кечки пайтга бориб кема қумга тикилиб қолди. Кема гуруҳи қанчалик ҳаракат қилмасин, ўша кунни у ўрнидан силжимади.

Баланд қирғоқдан дарё томонга қиялаб, сув қушларининг оёқ излари қолган қумлоқ саёзлик чўзилиб ётарди. Кун ботишидан олдин, сўнгги марта сув олиш учун бу ерга қишлоқ аёллари келишди. Баъзилари дадил, очиқ юз билан, кўплари эса ҳайкиб чодра орқали кемага тикилишарди. Жарликнинг тепасида турган қишлоқ болалари, тумшуғи юқорига қараб кўтарилиб қолган бу учар кеманинг қийин аҳволга тушганидан қувониб, қийқириб ўйинга тушардилар.

Рўпарадаги қирғоқнинг чексиз қумлоқлари орқасида куёш ботди. Ромеш босиб келаётган ғира-ширада кема сахнининг

¹ Пон — бетел ўсимлигининг япроғи. Хиндистонда уни зирворга қўшиб чайнашади.

кабзасини ушлаганича, хали ёришиб турган ғарб уфкига қараб турарди. Камола у-бу билан тўсиб қўйилган ошхонасидан чиқиб, кема хос бўлмасининг эшиги олдида тўхтади.

Қандай қилиб Ромешнинг эйтиборини жалб этишни билмай секин йўталди, бироқ йигит қайрилиб қарамади. Шунда қиз бир шода калит билан эшикни тақиллата бошлади. Ромеш ортига ўгирилиб Камолани кўрди, унинг ёнига келиб сўради:

— Бу нима қилик? Одамни шунақа ҳам қақирадимми?

— Қандай қақирим керак?

— Ота-онам менга исм қўйгандир, ахир. Биров асло оғизга олмасин, демагандир? Сенга керак эканман, нега Ромеш деб қақирмайсан?

Яна ўша беъмани ҳазил!¹ Қиз кулоқларигача қизариб кетди, унинг арғувон ёноқларидан гўё шафак ҳам ловиллаб кетгандек бўлди. Камола бошини қуйи солиб:

— Ҳазилингизни қўйинг!.. Таом тайёр бўлди. Эрта билан тузуккина нонушта ҳам қилмадингиз, барвактроқ овқатланиб олинг, — деди.

Дарёнинг мусаффо ҳавоси Ромешнинг иштаҳасини очган бўлса-да, Камола масалликнинг озлигидан ташвишга тушмасин, деган андиша билан жим турган эди. Қизнинг қутилмаганда овқатга таклиф этиши Ромешни жуда қувонтирди. Аммо уни фақат вақтида тайёр бўлган таомгина қизиқтирмас эди. Йигитнинг миясига бирдан шундай фикр келди: унинг осойишталиги учун ғамхўрлик қилишни тақдир ўз зиммасига олибди. Ромешнинг тақдирга бўйсунмасликка ҳақи йўқ. Шунга қарамай, булар барибир хатоликнинг самараси, деган аламли фикр уни асло тарк этмасди. Ромеш оғир нафас олиб, бошини қуйи солганича кеманинг хос бўлмасига кирди.

Унинг ковоғи осилганини кўриб таажжубланган Камола:

— Назаримда, ҳеч нарса егингиз йўқ, шекилли? Майли, мен сизни мажбур қилмайман, — деди.

Ромеш ясама қувноқлик билан жавоб беришга ошиқди:

— Мени сен эмас, қорним мажбур этади. Эҳтиёт бўл, иккинчи марта калитларни тақиллатиб мени таомга қақирганингда, Мадхусудоннинг² ўзи кириб келмасин тағин! И-е, бу ерда ейишга бирор нарса кўринмайди-ку! — деб давом этди у аланглаб. — Мен жуда оч қолган бўлсам ҳам, бундай буюмларни ҳазм қила олмайман! — Ромеш хос бўлмадаги кўрпа-ёстиқ ва бошқа анжомларни кўрсатди. — Мени ёшлигимда бутунлай бошқа хил таомга ўргатганлар.

Камола хандон уриб кулиб юборди, анчагача ўзини тутолмай кулишда давом этди.

¹ Ҳиндларнинг эътиқодига кўра, эр бирор бахтсизликка дучор бўлмаслиги учун аёли унинг исмини айтиб қақирмаслиги керак.

² Мадхусудон — тангри Вишнунинг исмларидан бири.

— Ана холос, энди бир оз сабр хам қилолмайсиз! Осмонга караб туриб очликни хам, ташналикни хам сезмаган эдингиз, бу ерга чакирганим ҳамон очикқанингиз дарров эсингизга тушдими? Яхши, яхши, бир озгина сабр қилинг, ҳозир ҳаммасини олиб келаман.

— Ха, тезроқ бўл, йўкса келиб хос бўлмадаги кўрпа-ёстикни хам тополмай қоласан. Кейин мени койима.

Бу ҳазилнинг такрорланиши қизга беҳад хузур бағишлади. Қиз завк-шавкка тўлган ҳолда, хонани янгроқ кулги билан тўлдириб, эшикдан чиқиб кетди. Ромешнинг қалбаки қувноқлиги шу захотиёк сўнди.

Камола усти шало дарахтининг барглари билан ёпилган кажава саватни кўтариб, дарров хонага қайтиб келди.

Уни каравотга қўйиб, сарисининг этаги билан полни артди.

— Нима қиялпсан? — дея безовталиқ билан сўради Ромеш.

— Барибир ҳозир бошқа либос кияман-ку.

Шуларни айта туриб Камола шало япроқларини полга ёйиб, уларнинг устига лучи¹ ва сабзавотларни чакқонлик билан тера бошлади.

— Ох-хо, мўъжиза-ку! Лучини қаердан олдинг? — деб таажжубланди Ромеш.

Бирок қиз сирнинг осонлик билан ошкор бўлишини истамасди.

— Қани топинг-чи, қаердан олган бўлишим мумкин? — деди қиз, сирли киёфада.

Ромеш гўё жаовоб қайтаришга қийналгандек ўйланиб қолди.

— Кема гуруҳининг захирасидан олгандирсан-да?

— Сизга нима бўлди! Улардан олармидим! — деди Камола жаҳл қилиб.

Ромеш лучини ея туриб, уларни қаердан олингани хақида сира ақл бовар қилмайдиган гаплар билан Камоланинг жиғига тега берди. Ниҳоят у, араб эртақларининг қахрамони, сеҳрли чироқ эгаси Алоуддин буни Белужистондан ўз мухлисига ҳадя қилиб юборгандир, деди. Бу билан Ромеш қизнинг тамоман асабини бузди.

— Бас! Энди сизга ҳеч нарсани айтмайман! — деди қиз юзини ўгириб.

— Йўк, йўк! Мен енгилдим, яхши! — хитоб қилди Ромеш. — Албатта, дарёнинг ўртасида туриб лучининг қандай пиширилганини тасаввур қилиш қийин, аммо шунга қарамай жуда мазали бўлибди.

Сўнгра йигит иштаҳанинг зўрлиги бу сирни билишга бўлган ташналикни қандай енгганини исботлашга киришди.

Кема кумга тақилиб қолганида Камола Умешни масаллик олиб келгани кишлокка юборди. Ромеш Камолани мактабга топширганида берган пулдан ҳали бир оз бор эди. Қиз бу пулни сариеғ ва ун олишга сарф қилди.

¹ Лучи — қатлама ёки чалпак.

— Нима егинг келяпти, Умеш? — деб сўради Камола боладан.

— Сутфурушда-чи, опа, яхши сузма кўрдим. Бизда эса банан бор. Агар яна бир-икки пайсага¹ гуруч олинса, мен бугун ажойиб таом пиширардим, — деди бола.

Камоланинг ҳам шундай лаззатли таомлар егиси келарди.

— Сенда оз-моз пул қолганми, Умеш? — деб сўради у.

— Хеч нарса қолгани йўқ, опа.

Бу уни гоят кийин аҳволга солиб қўйди. Ромешга пул кераклигини қай йўсинда айтишни тасаввур ҳам этолмасди. Бир оз туриб, бундай деди:

— Бугун ширин таомга пулимиз етмайди, лекин сен ҳам ема, қатламамиз бор. Юр, хамир қорамиз.

— Опа, мен яхши сузма кўрдим деяпман, олмаймизми?

— Менга қара, Умеш, бугун хўжайин овқатлангани ўтирганида, сен ундан харажатга пул сўра.

Умеш уялиб, гарданини қашлаб унга яқинлашганида, Ромеш алақачон ўтириб овқатланмоқда эди. Ромеш унга назар ташлаганида, бола тутилиб-тутилиб гап бошлади:

— Опа... пул ҳақида... харажатга...

Шундагина йигит таом тайёрлаш учун Алоуддиннинг сеҳрли чироғи эмас, пул кераклигини тушунди.

— Ахир сенда бир чақа ҳам йўқ-ку, Камола, — деди у ташвишланиб. — Нега бу ҳақда мени огоҳлантирмадинг?

Қиз хомушлик билан айбини бўйнига олди.

Кечки емақдан кейин Ромеш унга бир қутича бериб:

— Бугундан эътиборан ҳамма қимматбаҳо буюмларинг билан пулларни мана шунга солиб қўй, — деди.

Энди рўзгор ташвишининг юки Камоланинг елкасига тушди деган фикр билан хотиржам бўлган Ромеш, кема сахнининг панжараси олдида гарбга кўз тикди, у томонда осмон гумбазининг бир қирғоғи қоронғиликка ботиб борарди.

Нихоят Умеш сузма, банан ва гуручдан ўзига таом пиширар, Камола эса боланинг олдида туриб, унинг турмуши ҳақида батафсил суриштирарди.

Уларнинг уйида ўғай она ҳукмронлик қилиб, бола жуда оғир аҳволда яшар экан. Умеш уйдан қочиб, ҳозир Банорасга, онасининг амакисиникига кетаётган экан.

— Агар мени ўзингиз билан олиб қолсангиз, опа, мен бошқа ҳеч қаерга бормайман, — деди у.

Етим боланинг бу илтимоси Камоланинг қалбида яширинган оналик туйғусини бирдан уйғотиб юборди:

— Жуда яхши Умеш, сен биз билан кетасан, — деди у меҳрибонлик билан.

¹ Пайса — Ҳиндистоннинг майда чақа пули.

XXV БОБ

Сохил бўйлаб туташиб кетган тим қора чакалакзор тун, гўё келинчакнинг шойи либосидаги хошиясидек тус олганди.

Қуёшнинг сўниб бораётган нурларида, кун бўйи кишлок атрофида донлаб юрган ёввойи ўрдаклар тунаш учун кўл томонга қараб учишарди. Ўз инларига кириб олган қарғаларнинг қариллаши ҳам тинди. Дарёда биронта ҳам қайиқ қолмади, фақат кимлардир катта елканли кемани аркон билан секин тортишарди, унинг қораси дарёнинг заррин-кўкиш сатҳида баралла кўринарди.

Ромеш тўкима курсини кеманинг янги ой нури тушиб турган тумшугига тортди. Ғарбда кечки шафақнинг сўнгги заррин шуъласи ғойиб бўлиб, кенг олам эриб, ойнинг сеҳрли оқ пардаси билан қопланганди.

«Хем! Хем! – хаёлида такрорларди Ромеш. Бу исми такрорлашдан, гўё қизнинг нозик бармоқларини ушлагандек бир нашъа ҳис этар, шунинг учун қиз унинг қалбидан нари кетмасди. Фақат шу сўзни айтиши биланок, аллақандай жафоқашнинг ғам соя солган чехраси, чексиз меҳрибонлик билан тўлган кўзлари унинг юзига тикилиб тургандек туюларди. Ромеш сесканиб кетиб, кўзларига ёш олди.

Сўнгги икки йиллик ҳаёти унинг кўз ўнгидан асов отдек югуриб ўтди. Хемнолини билан танишган илк кунни эслади. Ўша вақтда шу кун ўзининг тақдирида бундай муҳим ўрин тутишини билмаган экан. Жогендро уни биринчи марта уйларига бошлаб келганида, дастурхоннинг атрофида Хемнолинини кўриб, ўзини мудҳиш бир таҳлика остида қолгандек ҳис этганди. Лекин аста-секинлик билан унинг тортинчоклиги йўқолиб, улар бир-бирларига боғланиб қолишди, бу одат бора-бора мустаҳкамланиб, Ромеш қизга асир бўлиб қолди. Унга муҳаббат ҳақида ёзилган барча шеърлар фақат Хемнолинига бағишлангандек туюларди. Йигитнинг қалби ифтихорга тўлиб, ўз-ўзича «Мен ошиқман!» деб такрорлар эди. Курсдошлари имтихон арафасида муҳаббат ҳақидаги дostonларнинг сюжетини ёдлаб эслари кетар, Ромешга эса, бунинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ, чунки унинг ўзи чиндан ошиқ эди, шунинг учун ҳам у бу жихатдан дўстларидан устун турарди. Ҳозир Ромеш буларнинг ҳаммасини ёдга олиб, ўша пайтда нақ севгининг олтин дарвозаси олдида турганини англаб етди. Кутилмаганда Камола пайдо бўлиб, унинг ҳаётини чигаллаштириб юборди, унинг муҳаббати оғир синовлардан ўтиб, камол топди, жўш урди.

Ромеш бошини икки қўлига қўйиб, энгашган холда ўйга толди, назарида ноиложликнинг тўрига ўралашиб қолган одамнинг мушкул ҳаёти кўз олдида кўндаланг тургандек туюларди. Нахотки, бу тўрни йиртиб ташлашга унинг кучи етмаса?

Қалбида қатъият жўш уриб бошини кўтарган Ромеш, тўсатдан Камолани кўрди. У, нарироқдаги курсининг суянчигига суяниб турарди.

— Сиз ухламадингизми? Уйғотиб юбордим шекилли? — дея кўркиб сўради қиз.

Қизнинг қаттиқ афсусланиб, кетмоқчи бўлганини кўрган Ромеш дарров уни тўхтатиб:

— Йўк, Камола. Мен ухлаганим йўк. Ўтир, мен сенга эртак айтиб бермоқчиман, — деди.

Эртак сўзини эшитган қиз қувониб, шу ондаёқ курсисини Ромешга қараб яқинроқ тортиди. Ромеш, энди ҳамма нарсани очик айтишнинг вақти келди, деб ўйлаган эди. Бирок, қутилмаган бир пайтда Камоланинг қалбига бундай зарба беришга юраги дов бермай, унга эртак айтишни ваъда қилди.

— Қачонлардир бир жанжалкаш қабила яшаган экан, — деб бошлади у. — Бу қабила...

— Бу қабила қачон яшаган экан? Жуда қадим замондами?

— Ха. Жуда қадим замонда. У вақтда сен хали дунёга келмаган эдинг.

— Мен-ку дунёга келмаган эканман, ўзингиз-чи. Сиз ўша вақтда бормидингиз? Хўп кекса экансиз-да, бўлмаса? Хўш, кейин нима бўлибди?

— Бу қабила одамларининг қизиқ бир одати бор экан: ўзлари ҳеч қачон тўйда иштирок этмай, келинникига қиличларини юборишар экан. Қизни қиличга никоҳлаб куёвникига олиб келишиб, кейин ҳақиқий тўйни бошлашар экан.

— Вой тавба, бу қанақа никоҳ бўлди?

— Бу одат менга ҳам ёқмайди, бироқ уни ўзгартириш қўлимдан келмайди. Мен ҳикоя қилаётган баҳодирлар келиннинг уйига бориб никоҳ қилишни ўзларига ҳақорат деб билар эканлар. Ҳозир мен тавсифламоқчи бўлган рожа ҳам шу қабилага мансуб эди. У кунлардан бир кун...

— У қаернинг ҳокими эканлигини айтмадингиз-ку.

— У Мадур¹ мамлакатининг рожаси эди. Шундай қилиб кунлардан бир кун шу рожа...

— Аввал унинг исмини айтинг, ахир.

Қамола ҳамма нарсани батафсил билгиси келарди, шунинг учун барчасини, икир-чикиригача қолдирмай сўзлаш эҳтиёжи туғилди. Агар Ромеш буни олдиндан билганида, аввалдан бафуржа тайёрланган бўларди. Ҳозир у шуни англаб етди, ҳикоя Камолани қанчалик қизиқтирмасин, барибир у ёлғон ва мавҳум гапларни сира ҳазм қилолмасди.

Бундай қутилмаган савол устида бир оз ўйлаб, Ромеш ҳикоясини давом эттирди:

¹ *Мадур* — Панжоб музофотига қарашли бир жойнинг қадимий исми, Хиндистоннинг гарби-шимолида жойлашган.

— Ҳокимнинг исми Ранжит Сингх экан.

— Ранжит Сингх, Мадура ҳокими, — такрорлади киз. — Хўш, кейин нима бўлибди?

— Кейин мана бундай бўлибди: Ранжит Сингх сайёр бир хофиздан шу қабилاداги бошка рожанинг сохибжамол кизи борлигини эшитиб қолибди.

— У иккинчи рожанинг ўзи ким?

— Фараз қилайлик, у Канчи ҳокими экан.

— Нега энди фараз қиларканман? Ростдан ҳам у ҳоким эмасмиди?

— Ундай эмас. Ҳақиқатда ҳам у ҳоким эди. Эҳтимол, сен унинг исмини билмоқчидирсан? Унинг исми Амар Сингх эди.

— Ҳали, сиз менга кизнинг... анави сохибжамолнинг исмини айтганингиз йўқ.

— Ҳа, рост, унутибман! Қизнинг исми... унинг номи... Ҳа, ха, топдим! Унинг исми Чандра.

— Таажжуб, сиз хамиша шунақа нарсаларни эздан чикариб юрасиз. Бир марта, хатто менинг исмимни ҳам унутган эдингиз.

— Аудх¹ рожаси хофиздан эшитган ҳамон...

— Яна Аудх рожаси қаердан пайдо бўлди? Сиз Мадура ҳокими хақида ҳикоя қилаётган эдингиз-ку!

— Сен рожанинг қўл остида фақат биргина вилоят бор деб ўйлайсанми? У ҳам Мадурани, ҳам Аудхни идора қиларди.

— Бу вилоятлар бир-бирига ёндош бўлса керак?

— Ҳа, шундай бир-бирига тутшиб кетганди.

Шу тарзда, ҳар икки сўзда бир янглишиб, қарама-қарши фикрларга йўл қўйиб ҳамда Камоланинг саволлари билан уларни бир амаллаб тузатиб, ниҳоят Ромеш кизга қуйидагиларни ҳикоя қилди:

— Мадура ҳокими Ранжит Сингх Канчи ҳокимига чопар юбориб, кизини менга берсин деб илтимос қилибди. Канчи ҳокими Амар Сингх бу хабардан ғоятда хурсанд бўлиб, никоҳга розилик билдирибди.

Шунда куёвнинг укаси Индражит Сингх қўшин тортиб, байроқ кўтариб, карнай, сурнай, дўмбираю ноғораларнинг садоси остида Канчи хонлигига қараб йўл олибди ва шон-шавкат билан бориб сарой боғини қароргоҳ қилибди. Канчи шаҳрида байрам бошланибди. Подшоҳнинг мунажжимлари никоҳ учун хайрли кунни тайинлашибди. Никоҳ муддати ойнинг ўн иккинчи куни кечаси соат иккига белгиланибди.

Малика Чандранинг тўйи шарафига шу кечаси барча уйлар гулчамбарлар билан безатилиб, қандидлар ёкилибди.

Аммо малика ўзини кимга узатаётганларини билмас экан. Қизнинг туғилишидан аввал донишманд Парамананда Свами унинг

¹ Аудх — мамлакатнинг шарқи-шимолида, Ганг водийсидаги бир хонлик.

отасига: «Кизинг наҳс юлдузлар бириккан бир пайтда туғилади. Тўйда у эрининг исмини билмаслиги керак, шуни доимо ёдингда тут» деган экан.

Белгиланган вақтда қиз килич билан никоҳ маросимидан ўтибди.

Сингх Индражит кўрмана билан келиб акасининг хотинини табрикларди. Лакшман Рамга¹ қандай содик бўлса, у ҳам Ранжитга шундай садоқатли эди, бинобарин, у бирор маротаба Чандранинг чодра остида доларанг бўлган юзларига қарамай, фақат хина қўйилиб, кўнғироқчалар осилган мўъжазгина оёқларигагина боқарди.

Индражит тўйнинг эртасигаёқ келинни кимматбаҳо жавоҳирлар билан безатилган ёпик тахтиравонга ўтказиб қайтиб кетмоқчи бўлибди.

Мунажжимнинг наҳс юлдузлар ҳақидаги сўзларини эслаб юраги сиқилган Канчи рожаси кизининг бошига ўнг қўлини қўйиб фотиҳа берибди, онаси эса, Чандрани ўпиб кўзларига ёш олибди. Бахтсизликни қайтариш учун минглаб кохинлар барча ибодатхоналарда ҳамду сано ўқишибди.

Канчидан Мадурагача бўлган масофа жуда йироқ, қарийб бир ойлик йўл экан. Сафарнинг иккинчи кечаси қарвон Ветаси дарёси соҳилида қароргоҳ қуриб, аскарлар энди ухлашга ҳозирланганда, бирдан ўрмонда машъалалар шуъласи кўринибди. Индражит нима гап эканини билиш учун аскарларнинг бир қисмини ўрмонга юборибди.

Қайтиб келгач, аскарлардан бири шаҳзодага, улар ҳам шу қабиланинг кишилари бўлиб, бир гуруҳ қуролли йигитлар билан келинни куёвнинг уйига кузатиб бораётган эканлар, деб хабар қилди. Бу ерларда йўл хавфли бўлгани учун улар, шаҳзода бизни ўз химоясига олсин, деб илтимос қилишмоқда. Агар рози бўлсангиз, уларнинг қўшини йўлнинг бир қисмида ҳамроҳ бўлиб борар экан.

— Ҳомийликка муҳтож кишиларни химоя қилиш бизнинг бурчимиз, — деб жавоб берибди Индражит. — Уларни яхшилаб муҳофаза қилинглар!

Шу тариқа икки томон бирлашибди.

Учинчи ой шом еб, тим қоронғи бўладиган кечаларнинг сўнггиси эди. Қароргоҳнинг олдида унча баланд бўлмаган адирлар силсиласи чўзилиб ётар, ўрмон эса орқада экан.

Чигирткаларнинг чириллашидан, яқиндаги шалоланинг бир маромда шовуллашидан толиққан аскарлар каттиқ ухлаб қолишибди.

¹ Лакшман ва Рам — қадимий ҳинд достони «Рамаяна»нинг қаҳрамонлари. Рам рафикаси Сита билан бадарға қилинганда, укаси Лакшман улар билан бирга кетиб, муҳтожлик ва хавфу хатарларни бирга бошдан кечирган.

Хаммани тасодифий бир шовкин уйғотиб юборибди. Аскарлар Мадур қароргохидан бўшалган отларнинг арконларини узиб қутургандек чоғиб келатганини кўришибди. Афтидан, кимдир уларнинг йўлини тўсган эди; кўплаб чодирларни аланга чулғаб, оёқсиз тунни қизил шуъла билан ёритиб турарди.

Маълум бўлишича, қароргохга қароқчилар ҳужум қилган экан. Қиличбозлик бошланиб кетибди, бироқ бу жангда қоронғилик сабаб дўст-душманни ажратиш қийин бўлибди.

Саросималикдан фойдаланиб, қароқчилар ўлжани олиб, ўрмон билан қопланган адирнинг орқасига яширинибдилар.

Жанг тамом бўлгач, маликанинг ғойиб бўлгани маълум бўлибди. У ваҳимада қароргохдан қочиб, бир қанча қочоқларга қўшилган ва уларни ўз хамроҳлари деб ўйлаган экан.

Бироқ бу қочоқлар бошқа тўғри кузатиб борувчилар бўлиб, тўполонда қароқчилар уларнинг келинини ўғирлаб кетишган экан. Бу гуруҳнинг аскарлари эса, Чандрани ўзлари кузатиб бораётган келин деб ўйлабдилар-да, у билан бирга шошилишчи равишда ўз мамлакатларига қараб равона бўлишибди.

Улар камбағаллашиб қолган бир хонадоннинг аъзолари бўлиб, мулклари Калингада,¹ денгиз соҳилида экан. Ана шу ерда Чандра йўқолган келиннинг куёви билан учрашибди. Унинг исми Чет Сингх экан.

Чет Сингхнинг онаси келинига пешвоз чиқиб, уни уйга бошлаб кирибди. Қариндошлари келинни кўриб завқ-шавқ билан мактаб кетишибди, чунки улар бундай соҳибжамол кизни харгиз кўришмаган экан.

Бахтиёр Чет Сингх ўз оиласининг Лакшмисини кўриб, унга ғоятда катта ҳурмат изҳор этибди.

Хушфазилат аёлларнинг намунаси бўлмиш малика эса, Чет Сингхни ўзининг эри ҳисоблаб, бутун ҳаётини унга бағишлашга жазм қилибди.

Янги куёв билан келинчакнинг уятчанликлари биттунча орадан бир неча кун ўтибди. Шундан кейин, Чет Сингхнинг қиз билан бўлган суҳбатларидан маълум бўлибдики, у хотиним деб юрган қиз, аслида малика Чандра экан.

XXVI БОБ

— Ундан кейин нима бўлибди? — деб сабрсизлик билан сўради Камола. У Ромешнинг хикоясини миқ этмай эшитарди.

— Менинг билганим шу холос, — деб жавоб берди Ромеш. — Қолгани менга номаълум. Кейин нималар бўлганини энди сен айтиб бер.

¹ Калинга — Мадорас яқинида — Коромандел соҳилидаги бир вилоят.

— Йўк, йўк, бу яхши эмас! Сиз ўзингиз охиригача айтиб беришингиз керак!

— Ахир мен тўғриси айтяпман. Эртақ хали тўлиқ чоп этилгани йўк, охирги боби қачон чиқишини ҳеч ким билмайди.

— Қўйинг-эй, — дея қаттиқ ўпкалади Камола. — Сиз жуда ёмон, ноинсоф киши экансиз.

— Яхшиси, сен бу китобни ёзган кишини койигин. Аммо нима бўлганда ҳам, мен сендан бир нарсани сўрамоқчиман: сенингча, Чет Сингх Чандрага қандай муносабатда бўлиши керак?

Камола индамай дарёга қаради, ниҳоят бир оздан сўнг:

— Унинг кизга қандай муносабатда бўлишини билмайман! Бошимга ҳеч қандай фикр келмаяпти, — деди.

— Балки у бутун воқеани Чандрага очик айтиб бериши лозимдир? — деб охиста сўради Ромеш.

— Худди шундай. Сиз яхши ўйлабсиз. Борди-ю, бу сирни очмаса, охир-окибат қаттиқ жанжал чиқиши мумкин. Унда ёмон бўлади! Яхшиси — ҳақиқатни айтиш!

— Ха, энг яхшиси ҳақиқат, — деб беихтиёр такрорлади Ромеш. — Менга қара, Камола, — деди у яна бир оздан кейин, — борди-ю...

— Борди-ю, нима?

— Бир тасаввур килгин-а, борди-ю, мен Чет Сингх бўлиб, сен Чандра бўлганигда...

— Қўйинг шунақа гапларни! — деди Камола. — Бундай гаплар менга сира ёқмайди.

— Йўк, сен жавоб беравер-чи! Хўш, мабодо шундай ахвол рўй берганида, мен нима қилишим лозим бўлар эди-ю, сен нима қилмоғинг керак эди?

Киз индамай, ўрнидан сапчиб турди-да, қочиб кетди.

Уларнинг хос бўлмаси ёнида дарёдан кўз узмай Умеш ўтирар эди.

— Сен ҳеч ажинани кўрганмисан, Умеш? — деб сўради Камола.

— Кўрганман, опа.

Камола нарироқдаги тўкима курсини судраб келиб ўтирди.

— Айт-чи, қанақа экан?

Ромеш қочиб кетган Камолани бошқа чақирмади.

Янги ой қуюк бамбукзор орқасига яшириниб кўздан ғойиб бўлди. Кема саҳнидаги чироқларни пасайтирдилар, матрослар ва кема дарғаси кечки овқатни еб, ухлаш учун кеманинг остки қаватига тушиб кетди. На биринчи, на иккинчи тоифа хос бўлмаларида бошқа йўловчилар йўк эди. Учинчи тоифада кетаётган йўловчиларнинг деярли барчаси соҳилга тушиб, ўзларига таом пиширишарди. Соҳилдаги қорайиб турган чакалакзор орасидан дўконларнинг чироқлари милтираб кўринарди. Тўлиб оқаётган дарёнинг қудратли оқими лангар занжирларини тарақлатар,

азим ва муқаддас Гангнинг оташин нафаси кемани ўқтин-ўқтин ларзага келтирарди.

Кўз ўнгида ястаниб ётган нотаниш тун манзарасининг хайратли мўъжизаларига, унинг ғира-шира кўзга чалинган интихосиз қоронғи бўшлиқларига маҳлиё бўлиб боқаркан, Ромеш ўзини қийнаётган муаммони хал қилиш учун тинмай бош котиради: у нима бўлганда ҳам ё Хемнолини ё Камола билан ажрашиши кераклигини биларди. Иккаласини сақлаб қолиш — бундай муроса ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас! Хемнолинида хали қандайдир имконият бор: у Ромешни унутиб, бошқа бирор одамга турмушга чиқиши мумкин. Аммо Камола... Бу шўрликнинг дунёда ҳеч кими ҳатто бошпанаси ҳам йўқ, шундай бўлганидан кейин уни ташлаб кетиб бўладими?

Бирок эркакларнинг худбинлиги чегара билмайди. Хемнолинининг Ромешни унутиши мумкинлиги, унга ғамхўрлик қиладиган бошқа инсонларнинг борлиги, қиз учун у бирдан-бир ҳомий эмаслиги ҳақидаги фикр йигитга тинчлик бермасди. Аксинча, бу фикр унинг ташвишларини кучайтирди, холос. У гўё ёнида Хемнолинини элас-элас кўргандек бўларди. Қиз сўзсиз илтижо билан унга қўлларини чўзар, шу заҳотиёқ бирдан ғойиб бўлар, йигит эса унга бир умр яқинлаша олмайдигандек эди, гўё.

Ромеш оғир хаёллар билан чарчаб бошини қафтларига қўйди.

Каердадир, узоқларда қашқирлар увиллар, қишлоқнинг сергак итлари ақиллаб уларга жавоб қайтарар эди.

Бу товушлардан сергак тортган Ромеш бошини кўтариб, кимсасиз қоронғи кеманинг саҳнида панжарани ушлаб турган Камолани кўрди.

Йигит ўрнидан туриб қизнинг олдига борди.

— Нега ханузгача ухламадинг, Камола? Вақт алламаҳал бўлди-ку...

— Сиз ухламоқчи эмасмисиз? — деб сўради қиз.

— Мен ҳозир ухлайман. Сенга ўнг тарафдаги хос бўлмага жой солинган. Мени кутма, бор тезрок.

Камола бошқа бирор сўз демай, охиста ўзининг хос бўлмасига қараб кетди. У Ромешга ажиналар ҳақида хикоя эшитиб, ваҳима босаётганини, хос бўлма эса бўм-бўш эканини айтолмади.

Оёғи тортмай, аста қадам босишидан Ромеш қизнинг қўрқаётганини кўриб, юраги эзилди.

— Сен қўрқма, Камола, — деди у. — Хонам сеники билан ёнма-ён, мен орадаги эшикни очик қолдираман.

Камола кескин суръатда бош силкиб:

— Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман! — деб жавоб берди.

Ромеш ўз бўлмасига қирбоқ чирокни ўчириб ётди.

«Камолани ташлаш асло мумкин эмас, — дея фикрлашда давом этди у. — Демак, алвидо, Хемнолини! Гапнинг лўндаси шу. Энди ортга қайтишга ва иккиланишга ўрин йўқ!»

Шу билан бир вақтда, йигит Хемнолинидан ажралиш унга ўлим билан баравар эканини ҳис этарди. Жойида ётолмай, ўрнидан туриб яна кеманинг саҳнига чиқди. Тун қоронғисида ёлғиз тураркан, қалбидаги ҳаяжону изтироблари чексиз замон ва фазони бутунлай қоплай олмаслигини англаб етди. Осмон гумбазини тўлдирган юлдузлар осойишта милтирарди, улар учун Ромеш билан Хемнолини воқеаси аҳамиятсиз бир нарсасдек, коинотга заррача таъсир қилмайдигандек эди. Яна қанчадан-қанча шундай фусункор куз кечалари бўлади-ю, бу дарё эса, саёз кумлоқлар, шитирлаб турган қамишлар, дарахтларнинг соялари ва осуда ором олаётган кишлоқлар бўйлаб шовиллаб оқишдан асло тинмайди. Ромеш ҳаётидаги барча машаққатлари билан дафн гулханида бир ховуч кулга айланиб, мангу ерга қоришиб абадий йўқ бўлганида ҳам, бу дарё оқа беради!

XXVII БОБ

Камола уйғонганида, ҳали тонг ёришмаган эди. Атрофга қараб ёнида ҳеч ким йўқлигини кўриб, кемада тунаганини эслади. Кейин эшикни қия очиб, ташқарига назар солди. Сокин сув устини ҳарир пардадек шаффоф туман қоплаб олган, қоронғилик лаҳза сайин кулранг тусга кириб, уфқнинг шарқ томонидаги ўрмон орқасида шафақ гулдек очилмоқда; дарёнинг пўлат рангли сатҳи балиқчи қайиқларнинг елканлари билан ранг-баранг манзара касб этарди.

Камолани қандайдир диккинафаслик чулғаб олганди. Нега кузги шафақ бугун очик чехрасини кўрсатмай, гўё кўз ёшидан парда тутгандек намоён бўлди? Нега беомон кўз ёшлари чарх уриб, фарёд қилгинг келади? Кечагина у, қайногаси, қайнонаси, танишлари ва дугоналари йўқлигини ўйламасди. Эндиликда қандай ходиса рўй бердики, бирдан, ҳатто Ромешда ҳам пушту паноҳни кўрмай, ўзининг танҳолиги ҳақида ўйлаб қолди? Нега ожизлиги ва кўз ўнгида ястанган коинотнинг улуғворлиги ҳақида ўйлаб қолди?

Камола эшик олдида анчагача хомуш туриб қолди. Сув заррин тусга кириб, эритилган олтин оқимига ўхшарди. Матрослар ишга киришдилар. Машиналарнинг гулдурлагани эшитилди. Лангар занжирларининг жаранглаши, машиналарнинг гулдурлашидан барвақт уйғонган бир гала кишлоқ болалари соҳилга югуриб келишиди.

Бу шовқиндан Ромеш ҳам уйғониб, Камола ётган бўлмага кирди. Қиз сесканиб кетди-да, худди Ромешдан яширинишга урингандек кўрпага яхшироқ ўраниб олди.

— Камола ювиндингми?

Бу сўрок учун нега бирдан Ромешдан ранжиб қолганининг сабабини, эхтимол, қиз айтолмасди, бироқ у ростдан ҳам ранжиганди, шунинг учун юзини ўгириб, йўқ дегандек бош чайкади.

— Ҳадемай ҳамма ўрнидан туради, сен бўлсанг хануз таранмабсан, — дея давом этди Ромеш.

Камола лом-мим демай, курсидан тоза сари билан сочик олиб, Ромешнинг ёнидан ўтиб ювингани кетди.

Ромешнинг сахардаги ташрифи ва баъзи ғамхўрликларини Камола кераксиз ҳисобларди, деб айтиш мумкин эмас, бироқ бу мулозамат қандайдир ҳақоратомуз бўлиб туюлди, киз, Ромеш у билан муносабатда белгиланган чегарадан хатлаб ўтишни истамаслигини англади. Камола ҳали қайнотанинг уйида яшамаган, мухтарам қариндошлар унга тортинчоқликни ўргатишмаган, у қандай ҳолларда юзини яшириш лозимлигини билмасди. Аммо Ромешни ўз ҳузурида кўргани ҳамон уятдан ер ёрилса кириб кетгудек бўлди. Камола ювинди, сўнг ўз бўлмасига қайтиб, одатдаги рўзғор ишлари билан машғул бўлди. Сарисининг елкада осилиб турадиган учидан калитларни олиб, либослари солиб қўйилган жомадонни очди ва шунда пул соладиган қутичага кўзи тушди. Кеча бу қутича унинг қувонч манбаи, ишонч ва мустақиллик ҳисларининг даракчисидек эди. Қутичани беркитиб, авайлаб кийимларининг орасига солиб қўйганди. Бироқ бугун уни қўлга олишдан заррача ҳузур қилмади. Энди бу нарса гўё уники эмас, Ромешники эди. Шунинг учун у ўзини илгаригидек эркин сезмай қолди. Аксинча, бу тухфа Камолани Ромешга яна ҳам муте қилиб қўйди.

— Нима, сен бу қутичада бирор нарса топдингми? — деб сўради Ромеш бўлмага кира туриб. — Нега бундай хомуш бўлиб қолдинг?

— Олинг, бу сизники, — деди киз унга қутичани узатиб.

— Мен уни нима қиламан?

— Бирор нарса керак бўлиб қолса, пул берарсиз. Мен харид қилиб келаман.

— Ахир ўзингга ҳеч нарса керак эмасми?

Камола елкасини қисиб:

— Мен пулни нима қиламан? — деб жавоб берди.

— Бу сўзларни самимият билан такрорлай оладиган одамлар жуда оз топилади, — деди қулиб Ромеш. — Аммо Камола, агар бу нарса сенга ёқмаса, бирор кишига тақдим эт, бунинг менга кераги йўқ.

Камола жимгина қутичани полга қўйди.

— Менга қара, Камола, — деди Ромеш, — тўғриси айт, хикояни охиригача айтмаганим учун мендан хафа бўлдингми?

— Мени хафа бўляпти деб ким айтди сизга? — деди киз бошини қуйи солиб.

— Агар хафа бўлмасанг, қутичани олиб қўй. Шунда тўғри гапирганингга ишонаман.

Фараз қилайлик, мен хафа эмасман. Бироқ нега уни ўзимда колдиришим керак? Ахир бу қутича сизники, ўзингиз асранг.

— Йўқ, бу менинг нарсам эмас! Ҳадя этилган буюмни қайтариб олган киши, ўлганидан сўнг ажинага айланади.

Ромешнинг ажинага айланаман, деб хавфсираши Камоланинг қах-қах уриб қулишига сабаб бўлди.

— Нахотки ҳадя этилган нарсани қайтариб олган кишилар ажинага айланса, — деди киз ҳамон қулиб туриб. — Бу ҳақда сира эшитмаган эканман.

Унинг қутилмаганда қулиб юбориши муросанинг бошланиши бўлди.

— Бундай нарсаларни сен кимдан ҳам эшита олардинг? — деб сўради Ромеш. — Мана энди ажинани кўриб қолгудек бўлсанг, ундан шу гап тўғрими ё йўқми, албатта сўра.

Кизикқанидан Камола, хатто ўрнидан туриб кетди.

— Йўқ, ростдан ҳам сиз ҳақиқий ажинани кўрганмисиз?

— Ҳақиқийсини кўрганим йўқ, аммо сохталари жуда кўп. Дунёда, умуман бирор ҳақиқий нарсани топиш жуда мушкул иш.

— Нега энди? Мана, Умеш айтадики...

— Умеш, ким бўлди тагин?

— Анави биз билан бирга кетаётган бола-чи. У ажинани ўз кўзи билан кўрибди.

У ҳолда, мен бундай масалаларда Умеш билан баҳслаша олмаман, унинг фикрларига қўшилмай иложим йўқ.

Бу орада кўп ҳаракат ва ғайрат билан кема гуруҳи кемани қумлоқдан чиқаришга муваффақ бўлди. У сал жилиши ҳамон, соҳилда бошида кажава сават кўтарган бир киши пайдо бўлди. У соҳил бўйлаб чопиб, қўл силқиб, кемани тўхтатишни сўрарди. Бироқ кема дарғаси кечиккан йўловчининг маъюсона илтимосига заррача эътибор бермади. Шунда йўловчи ёлвориб Ромешга мурожаат қилди.

— Бабу, бабу!

«У мени бошлик деб ўйлади шекилли» қўнглидан кечирди Ромеш ва кемани тўхтатишга менинг ҳақим йўқ, дегандек ишора қилди.

— Бу Умеш-ку! — дея кичкирди Камола! — Йўқ, йўқ, уни ташлаб кетманг, уни олиб кетайлик!

— Ахир, мен айтганим билан барибир кемани тўхтатишмайди-ку! — деди Ромеш.

Камолани ғам босди.

— Айтинг, кемани тўхтатишсин, илтимос қилинг, ахир соҳилга яқинмиз-ку.

Шунда Ромеш кемани тўхтатишни сўраб кема дарғасига мурожаат қилди.

— Бу коидага хилоф, жаноб, — деб жавоб берди кема дарғаси.

Бунинг устига Камола ҳам келиб қолди:

— Уни ташлаб кетиш мумкин эмас. Лоакал бир дақиқага тўхтатинг! Вой шўрлик Умешим!

Ромеш конунларни бартараф этиш, кийинчиликларни енгишнинг энг оддий ва ишончли усулини қўллашга мажбур бўлди. Пора билан тинчланган кема дарғаси кемани тўхтатди, бироқ Умеш кемага чиқиши билан уни ҳақоратга қўмиб ташлашди. Бола бунга парво ҳам қилмади: у ҳеч нарса бўлмагандек кажавани Камоланинг оёғи остига қўйиб, қувонч билан кулди.

Камола бўлиб ўтган воқеадан хануз ўзига келолмасди.

— Нега куляпсан? — деб уришиб берди у. — Кема тўхтамасанима килардинг?

Жавоб бериш ўрнига Умеш кажавани ағдарди, ундан кема сахнига бир неча бош ғўр банан, турли хил сабзавотлар, ошқовоқ ва бақлажонлар тушди.

— Бунча нарсани қаердан олдинг? — деди Камола қўлларини ёйиб.

Умешнинг бу масалликларни қандай қилиб қўлга киритгани ҳақидаги гапларини маъмурлар сира ҳам қаноатланарли деб билишмасди. У кеча сузмага борганида, табиатнинг бу ажойиб неъматлари қишлоқда кимларнинг боғида ўсаётганини кўриб келган эди. Бугун сахарда, кема кетишидан сал олдинроқ, соҳилга тушиб, хўжайинларнинг рухсатини кутиб ўтирмай, кўзига нима кўринса, ўшани юлиб келди. Ромеш қаттиқ дарғазаб бўлди.

— Хали сен буларни бировларнинг боғидан ўғирлаб келдингми! — деб кичқирди у.

— Нахотки шу ҳам ўғирлик бўлса? — дея вазминлик билан эътироз қилди Умеш. — У ерда бунақа нарсалар шунчалик кўпки, мен озгина олдим холос, бундан ким ҳам зарар кўрарди?

— Оз олиш — ўғирлик эмас, деб ўйлайсанми?! Сен жинойтчисан, буларни олиб, кўзимга кўринма.

Умеш ёлворгандек Камолага қаради:

— Опа, мана буни бизда пиринг деб аташади, унинг димлангани жуда мазали бўлади, мана буниси эса бето¹.

Ромешнинг баттар жахли чиқди.

— Йўқол, пирингларинг билан бирга! Йўқса, ҳаммасини дарёга иргитиб юбораман.

Бола яна қандай фармон бўларкин, деб Камолага қараб қўйди. Қиз кетавер, деб ишора қилди. Умеш бу ҳаракатда хайрихоҳлик ва яширин меҳр борлигини сездди. Сабзавотларни кажавага солиб итоаткорлик билан туриб кетди.

— Бу жуда ёмон нарса, — деб Камолага мурожаат қилди Ромеш, — ёш болани бундай эркалатиш яхши эмас!

¹ Пиринг ва бето — таомга солинадиган қўқатлар.

У мактуб ёзиш учун хос бўлмага кириб кетди. Камола атрофга диққат билан қараб Умешни кўрди. У иккинчи тоифа кема сахнининг оркасида, машина бўлими олдида ўзига таом пишириш учун ажратилган жойда ўтирган эди.

Иккинчи тоифада йўловчилар йўк эди, Камола яхшилаб ўраниб, боланинг олдига чиқди.

— Наҳотки, ҳаммасини ташлаб юборган бўлсанг? — деб сўради у.

— Йўк, нега ташлайин. Барини анаву кавакка тикиб қўйдим. Камола жаҳли чиққандек кўринишга уринди.

— Аммо сен жуда ёмон иш қилдинг, Умеш. Энди ҳеч қачон бундай қила кўрма, эшитдингми? Мабодо кема кетиб қолганида нима бўларди!

Сўнгра Камола омборга кириб, Умешни чақирди.

— Дарров пичокни олиб кел!

Умеш пичокни берди. Камола у олиб келган сабзавотларни чаккон-чаккон тўғрай бошлади.

— Бу таомга жиндек туйилган мурч бўлса, роса маза бўларди, опа, — деди Умеш.

— Бўлмаса мурч тайёрла, — деб буюрди киз жаҳли чиқиб.

Умеш, мени рағбатлантиряпти, деб ўйламасин деган хавф билан у жўрттага шундай оҳангда гапирди ва жиддий киёфада таом тайёрлай бошлади.

Камоладек бир киз ўз уйидан маҳрум бўлган етим боланинг химоясидан воз кеча оладими, ахир? У сабзавот ўғирлашдек жиноятнинг оғирлигини тўла англаб етмаган бўлса-да, бу етим боланинг меҳр-муҳаббатга ташналиги қанчалик кучли эканини яхши биларди. Ахир бола уни, Камолани, хурсанд қиламан деб кемадан қочиб сабзавот ўғирлаб келди, кема кетиб қолар деб ўйламади ҳам. Бу нарса унда шафқат хиссини кўзламай кўядими?

— Менга қара, Умеш, сенга кечаги сузмадан қолдирган эдим, олиб егин, аммо шуни ёдингда тут, ҳеч қачон боягидек иш билан шуғулланма!

— Нега кеча ўзингиз емадингиз, опа?

— Мен сузмани сенчалик яхши кўрмайман, — деб жавоб берди Камола. — Ҳа, Умеш, энди бизда балиқдан бошқа ҳамма нарса бор, балиқни қаердан оламиз?

— Мен балиқни топардим-а, опа, лекин уни шундоқ беришмайди-да.

Камола яна унга тушунтириш учун қалам қошларини чимириб сўз бошлади:

— Ҳеч қачон сендек гап укмас болани кўрмаган эдим, Умеш. Наҳотки мен сени, бирор нарсани текинга топиб кел, деб мажбур қилсам?

Умеш, аллақачон, Камола Ромешдан пул сўрашни енгил иш деб билмас экан, деган хулосага келган эди. Бундан ташқари, Ромеш

унга умуман ёкмасди. Шунинг учун Умеш уни каторга қўшмасди, боланинг барча муғамбирона режалари Камола билан ўзинигина офир вазиятдан олиб чиқишга қаратилган эди. Бақлажон ва банан важхидан у энди хотиржам, аммо балиқ топиш унинг қўлидан келмайдиган кўринади. Бу дунёда биргина беғараз эхтиром билан, бир култум сут ёки бир парча балиқ этини қўлга киритиб бўлмайди — ҳаммаси пул талаб қилади. Бинобарин, Камоланинг йўқсил мухлисига бу олам жуда бадфеъл бўлиб кўринди.

— Опа, агар сиз Ромеш-бабудан бир амаллаб бир пайса олганингизда, мен сизга катта зогора балиқ олиб келардим, — деди бола айбдордек бошини эгиб.

— Йўк, йўк, сенга энди кемадан тушишга рухсат бермайман. Агар яна соҳилда қолсанг, кема сени кутиб турмайди!

— Йўк, кемадан тушишга эхтиёж йўк. Бугун эрталаб бизнинг матрослар тўр билан каттакон балиқ тутишди. Менимча, улар ҳеч бўлмаса ярмини сотишади.

Буни эшитган Камола дарров бир рупия¹ келтириб Умешга берди.

— Қолганини менга қайтариб олиб кел, — деди Камола.

Умеш балиқни олиб келди, лекин матрослар зогора балиқни бир рупиядан камга беришни истамадилар, деб пулнинг қолганини қайтариб бермади. Камола унинг ёлғон гапирётганини билса-да, табассум билан:

— Бундан кейин кема тўхтаганида, пулни майдалаб олишга тўғри келади, — деди.

Умеш ҳам совуққонлик билан бу фикрни тасдиқлаб:

— Ҳа, албатта шундай қилиш керак, бутун рупияни кўрсатгач, қолганини қайтариб беришига умид қилиш бефойда, — деб қўя қолди.

Шу куни Ромеш овқат еб туриб завқ билан хитоб қилди:

— Жуда лаззатли таом! Сен бунча масалликни қаердан топдинг? Мана бу зогора балиқнинг бошими? — У балиқни қўлга олиб баланд кўтарди. — Бу на туш, на сароб ва на тасаввурнинг ўйини — бу ҳақиқатдан балиқнинг бош қисми бўлиб, уни *surginus rohita* — кизил зогора балиқ, деб аташади.

Шу тариқа тушки емак охиригача сиз-биз билан ўтди. Кейин Ромеш истироҳат учун кема саҳнига чиқиб ўтирди. Камола эса Умешга таом берди. Димланган балиқ унга шу қадар ёқдики, еган сари иштаҳаси ортарди.

— Бўлар дейман, Умеш, — деди ниҳоят бесаранжом бўлган Камола. — Мен сенга кечга ҳам қолдирдим.

Камола рўзвор ишлари, қувноқ хазиллар билан банд бўлиб, эрталабки хафаконлиги қандай тарқаб кетганини сезмай ҳам қолди.

¹ Рупия — Хиндистоннинг асосий пул бирлиги.

Кеч кирди. Ботаётган куёшнинг қия шуъласи ғарб тарафдан кема сахнининг соябонлари остига кириб олди. Дириллаб сузаётган кемада офтобнинг кечки нурлари ўйнаб турарди. Сохилнинг икки тарафида, кузги яшил экинзорлар орасидан чўзилиб кетган тор сўкмоқ йўлдан аёллар кечки тахоратга сув олиш учун дарёга қараб келишарди.

Қамола кечки таомни тайёрлаб, ювиниб, тараниб, либосларини алмаштирганида, куёш аллақачон бамбукзорлар ортига яширинган эди. Худди кечагидек тунаш учун кема аллақайси бир бандаргоҳда лангар ташлади.

Эрталаб тўғралган сабзавотлардан бир қисми қолгани учун кечки овқатни тайёрлаш Қамоланинг кўп ҳам вақтини олмади. Шу пайт Ромеш унинг олдига келиб, эрта билан яхши овқатлангани учун кечқурун таом егиси йўқлигини айтди.

— Ҳеч нарса емайсизми? — деб сўради Қамола. — Балки озгина қовурилган балиқ ерсиз?

— Йўқ, — деди Ромеш бўлмасига қира туриб.

Шунда қовурилган, димланган нимаики бўлса, ҳаммасини Қамола Умешнинг товоғига солди.

— Нега ўзингизга ҳеч нарса қолдирмадингиз, опа? — деб сўради Умеш.

— Мен еб бўлдим.

Ой нури ерни сутдек оқартиб, сувда акс этди. Яқин-атрофда қишлоқ йўқ; қимсасиз, кенг, кўм-кўк шопипоялар устида, гўё дилдорига мунтазирдек, сокин, шаффоф тун бедор эди.

Сохилда тепаси тунука билан ёпилган кичик идорада нимжон бир хизматчи чирокнинг ёруғида аллангани санарди. Идоранинг очик эшигидан Ромеш уни жуда яхши кўриб турарди. «Агар тақдир менга шундай содда, оддий ҳаёт насиб этганида, қандай бахтиёр бўлардим, — оғир тин олиб ўйлади йигит, — идорада мирзалик қилиб, ўз вазифангни адо этсанг, ҳисобкитобда янглишганинг учун хўжайиндан дашном еб, кечқурун уйга кетсанг!»

Ниҳоят идоранинг чироғи ўчди. Хизматчи эшикни беркитди. Тунги салқиндан хавфсираб бўлса керак, шарфига яхшигина ўраниб, секин йўлга тушди.

Ромеш, Қамоланинг анча вақт панжарани ушлаб, орқасида турганини сезмади. Қиз кечқурун мени чақирар деб умид қилгани, Ромеш эса уни чақирмади. Шунда Қамоланинг ўзи охистагина кема сахнига чиқди. Охири ўрнидан қимирлашга мажоли етмай, гандирақлаб кетди. Ойнинг ёркин нури Ромешнинг юзига тушиб турарди. Унинг юз ифодасидан ҳозир у узокда, жуда узокда эканини, фикрларида Қамолага ўрин йўқлигини уқиш мумкин эди. Гўё ўйга ботган Ромеш билан бу танҳо қизнинг орасида, бармоғини лабларига қўйиб, жим тур, дегандек ой нурига чўмилган тун посбонлик қиларди.

Ромеш бошини кафтларига қўйиб, столга энгашганида, Камола астагина ўз бўлмасига қараб юрди. У излаб чиққанимни сезиб қолмасин, деган хавф билан жуда охиста кадам босарди.

Бўлманинг ичи бўм-бўш, қоронғи. Қиз остонага қадам қўйиши билан чўчиб кетди. У ўзини ёлғиз ва ташландик ҳис этди, торгина бўлма эса унинг кўз ўнгида қандайдир номаълум ва қонхўр махлукнинг комидек қорайиб турарди. Бирок қаёққа кочиш керак?

У эркингина бош суқиб, кўзларини юмиб «Мен ўз уйимдан» дейдиган бир бурчак бормикан? Камола бўлманинг ичига қаради-ю, шу ондаёқ ортига тисланаётиб бирдан Ромешнинг шамсиясини туртиб юборди, шамсия тарақлаганича темир билан қопланган сандикка қулаб тушди. Бу товушдан сапчиб тушган Ромеш бошини кўтариб ўрнидан турганида, ётоқхонанинг олдида турган Камолани кўриб қолди.

— Нима гап, Камола? — деб сўради у. — Мен сени аллақачон ухлаб қолгандирсан деб ўйлаган эдим. Балки кўрқаётгандирсан? Ундай бўлса мен ҳозир ухлагани кирман, бўлмамиз орасидаги эшикни очиб қўйишим мумкин.

— Кўрқаётгандирсан дедингизми? Йўғ-э, — таҳқирлангандек эътироз билдирди Камола ва шошилиб қоронғи хонага кириб, Ромеш очган эшикни ёпиб қўйди. Кейин ўзини кўрпага ташлаб бошини чойшаб билан ўради. Бу дунёда унинг ҳеч кими йўқ! У изтиробда ўзининг яккаю ёлғизлигини ҳис этиб, юрагида норозилик туғён урди: на химоя, на эркинлик бўлмагач, нима учун яшаш керак?

Тун жонга тегадиган даражада чўзилди. Қўшни бўлмада Ромеш аллақачон ухлаб қолганди. Бирок Камола ухлолмади. У аста қадам босиб кема саҳнига чиқди ва панжарани ушлаб, соҳилга тикилди. Атроф жимжит. Ой бота бошлаган, экинзорлар орасидан чўзилиб кетган сўқмоқ йўлларни энди кўз илгамас эди. Қанчадан-қанча аёллар кўзаларини сувга тўлдириб, бу сўқмоқлардан уйларига қайтадилар. Уй! Бу сўзни эслаганида, унинг юраги кўкрак кафасидан чиқиб кетишга тайёрдек туюларди. Қани энди бир кулба бўлса! Шу ҳам йўқ! Уфқдан уфққа чўзилиб, узокларда кимсасиз соҳиллар ғойиб бўлмоқда, осмон сас-садосиз қотиб қолганди, гўё. Нобакор осмон, фойдасиз ер! Бу чексиз бўшлиқларнинг ожиз қиз учун қандай фойдаси бор! Унинг кичкина бир уйи ҳам йўқ, ахир!

Камола бирдан чўчиб кетди: у ёнида биров турганини пайқади.

— Кўркманг, опа! Бу мен, Умеш. Вақт алламаҳал бўлди, нега ухламаяпсиз?

Бутун бу азобли тун давомида унинг кўзларига ёш келмаганди, ammo энди бирдан кўз ёшлари оқа бошлади. Кўз ёшини тийишга қурби етмади, кўздаги ёш катта катраларга айланиб тўхтовсиз оқарди. У бошини қуйи солиб, Умешдан юзини ўгирди.

Оғирлашган булутлар осмонда мақсадсиз сузиб юради, аммо ўзларига ўхшаш маконсиз елга дуч келгач, уларнинг сув юклари бир онда қуйилиб кетади. Шунингдек, Камола ҳам бахтсиз, етим боланинг меҳрибонлик билан айтган сўзларини эшитиб, юрагида оғир юк бўлиб ётган кўз ёшларини тутиб туролмади. У нимадир айтмоқчи бўлди-ю, лекин йиғиси томоғига тикилгандек, овоз чиқаролмади.

Умешнинг жуда раҳми келди, лекин Камолани қандай юпатишни билмасди. Нихоят, узок хомушлиқдан сўнг, бирдан:

— Опа, сиз берган рупиядан етти анн қолганди, — деди.

Бу вақтда Камоланинг кўз ёшлари оқиб битганди, Умешнинг кутилмаган хабаридан енгил бир табассум чеҳрасини ёритиб юборди.

— Яхши, ўзингга қолсин, — деди эркалаб. — Энди тез бориб ухла.

Ой дарахтлар ортида ғойиб бўлди. Камола бўлмасига қайтиб келиб ётди. Бу сафар унинг ҳорғин кўзларини дарров уйқу элтди. Эрта билан куёш унинг эшигини коққанида, у маст уйқуда эди.

XXVIII БОБ

Эртасига Камола ўзини сал лоҳасроқ хис этди. Бугун унга ҳамма нарса: куёшнинг нури ҳам, дарё сатҳи ҳам сўлғин, хирадек кўринди. Ҳатто соҳил яқинидаги ўрмонлар ҳам узок йўл босган йўловчи сингари ҳорғин тус олганди.

Рўзгор ишларига қарашай деб Умеш етиб келганида, Камола ҳорғинлик билан:

— Нарн тур, Умеш, бугун мени безовта қилма, — деди.

Бироқ Умешнинг бундай дилхасталикка майли йўқ эди.

— Сизга нима бўлди, опа, — деди у, — мен безовта қилгани эмас, мурч туйгани келдим.

Ромеш ҳам эрталаб қизнинг сўлғин юзини кўриб:

— Бетоб эмасмисан, Камола? — деб сўради.

Камола бош силтади-да, жавоб қайтармай, ошхонага кириб кетди.

Ромеш аҳволнинг кун сайин мураккаблашиб бораётганини, тезроқ узил-кесил бир қарорга келиш зарурлигини биларди. У, Хемнолинига ҳамма нарсани очиқ айтсам, ҳақиқий бурчим нимадан иборат эканини англаш енгил бўлади, деган хулосага келди.

Кўп ўйлагандан кейин у Хемнолинига мактуб ёза бошлади. У битта хат ёзиб, ёқтирмай, эндигина йиртиб ташлаган ҳам эдики, бирдан:

— Исмингизни айтсангиз, жаноб? — деган товушни эшитиб, чўчиб бошини кўтарди.

Қаршисида мўйсафид бир киши турарди. Унинг мўйловлари ок, тепа сочи сийраклашиб, боши ялтираб колганди. Бу киши берилиб хат ёзаётган Ромешни чалғитгани учун бир оз хижолат тортаётган эди.

Сўнгра у яна гап бошлади:

— Сиз брахманмисиз?¹ Ассалому алайкум. Исмингиз Ромешбабу, мен буни биламан. Бизда танишганда кишининг исмини сўраш одати бор, бу одоб ва назокатнинг бир жилваси, албатта. Тўғри, бундай одат ҳозир кўпларга ёкмайди. Агар ранжиган бўлсангиз мендан ҳам исминни сўранг, ўз исминни, отамнинг, ҳатто бобомнинг ҳам исми шарифларидан сизни хабардор қила оламан.

— Менинг қазабим унчалик каттиқ эмас, — деб кулди Ромеш, — бинобарин ўз исмингизни билиш билан қаноатланаман.

— Менинг исмим Тройлоқя Чокроборти. Аммо бу ерда, ғарбда ҳаммага «амаки» сифатида машхурман. Албатта, сиз тарихдан хабардорсиз. Бхарата қадимий Хиндистоннинг ҳокими бўлиб, исми рожа Чокроборти эди. Шунга ўхшаш мен ҳам бутун ғарбий вилоятнинг «Чокроборти амаки»си бўламан. Агар ғарбда саёҳат қилгудек бўлсангиз, менинг доврўғимни албатта эшитасиз. Дарвоқе, сиз қаерга кетаяпсиз?

— Қаерда тўхташимиз борасида хануз аниқ бир қарорга келганим йўқ.

— Қаерга тушиш ҳақида бемалол ўйлашингиз мумкин, фақат кемага чиқиш пайтидагина ҳаяллаб бўлмайди.

— Бир куни Гойялондода поезддан тушиб қарасам, кема жўнаш арафасида турибди. Қарасам, мен ўйлаб ўйимга етгунимча кема сузиб кетади. Шундай қилиб, вазият талаб этган жойда шошилишч равишда бир қарорга кела олдим.

— Сизга ўхшаш кишиларга юрагингда эхтиром ҳис этасан?² киши. Мен эса, сизнинг тамоман аксингизман. Мен ҳаммасини аввалдан ҳал этиб, сўнгра кемага ўтираман. Бунинг сабаби шуки, мен табиатан жуда қовшош инсонман. Сафарга чиқишга аҳд қилибсиз-у, лекин қаерга бораётганингизни ўзингиз ҳам билмайсиз. Бу ҳазил эмас, ахир! Айтгандек, рафикангиз билан биргамисиз?

Ромеш бу саволга қандай жавоб қайтаришни билмай, ўйланиб қолди. Буни кўриб Чокробортининг ўзи гап бошлади:

— Кечирасиз, сиз албатта, рафикангиз билан кетаяпсиз, буни мен аллақачон, гоёта ишонарли манбалардан билиб олганман. Рафикангиз ху анави хужрада таом тайёрламоқда. Иштаханинг зўри билан ошхона излаб юриб, у ерга тасодифан кириб қолдим. «Кўркманг, она қизим, — дедим унга, — мен шунчаки ғарбий вилоятнинг Чокроборти амакисиман, холос».

¹ Брахман — кохинлар тоифаси. Хиндистондаги тўрт олий тоифанинг бири.

Мен гўё Оннопурнани¹ кўргандек бўлдим. «Ошхона сизнинг хукмингизда, менга емак бермасангиз халок бўламан», — дедим рафикангизга. У меҳрибонлик билан жилмайиб қўйди, шунинг учун мен ортик ташвиш тортмасам ҳам бўлади, деб ўйладим. Мен сафарга чиқишдан аввал, ҳамиша таквимга қараб хайрли бир кунни танлайман, аммо ҳеч қачон ишим шу сафаргидек ўнгидан келмаган эди. Сиз ишлаётган экансиз, мен ҳалақит бермайин, агар ижозат берсангиз, бориб рафикангизга қарашсам. Биз турганда, у нозик бармоқларини қорайтириб нима қилади? Йўк, йўк, сиз ёзаверинг, безовталанишга асло ҳожат йўк. У билан қандай танишишни ўзим биламан.

Шу сўзларни айтиб, Чокроборти амаки Ромеш билан хайрлашиб ошхонага қараб кетди.

— Бу ердан ажойиб таомнинг хиди таралмоқда, — деди у кира туриб, — димланган балиқ эканини татиб кўрмасданок сезиш мумкин. Мен эса, сизга тамаринд² шарбати тайёрлайман. Жазирама ғарбда яшамаган киши уни ҳеч вақт яхшилаб тайёрлай олмайди. Эхтимол сиз, чол гапиради кўяди-да, бу ерда тамаринд йўк-ку, у нимадан шарбат тайёрлайди, деб ўйларсиз. Йўк, мен шу ерда эканман, тамаринд йўк, деб ташвиш тортманг! Фақат сабр қилинг, мен ҳаммасини топаман.

У тамаринд ивитилган хурмачани газетага ўраб олиб келди.

— Мана бу шарбатдан бугун ўзингизга қанча керак бўлса олинг, қолганини олиб қўйинг, яна икки-уч кун кўпирсин. Кейин татиб кўриб: «Амаким мақтанчоқ бўлса ҳам, ҳар ҳолда шарбатни қойил қиларкан», дейсиз.

— Она қизим, бориб ювининг, — деди амаки. Таомни эса, ўзим пишираман. Сиз кўркманг. бу борада андак тажрибам бор. Рафиқам доимо хаста. Мен иштаҳаси очилсин деб, ҳамиша унга тамаринд шарбати тайёрлайман, кўриб турибман, чолнинг устидан куляпсиз, бироқ бу гапларнинг ҳаммаси чин, мен ҳазил қилаётганим йўк.

— Ундай бўлса, менга шарбат тайёрлашни ўргатиб қўясиз, — деди Камола.

— Шошманг, бесабр экансиз-ку! — Ахир билимни енгиллик билан эгаллаб бўладими? Агар ҳаммасини бир кунда ўргатсам, кизиғи бўлмайди, тангри Сарасвати ҳам мендан норози бўлади. Аввал бир неча кун чолни парвариш қилишингиз керак! Кўнглимни қандай овлаш борасида сизни кўп ҳам ўйлантириб қўймайман — барчасини ўзим айтиб бераман; мен ҳаммасидан кўра понни яхши кўриб ейман, бироқ янчилмаган мағиз чиқиб қолса ёқтирмайман. Кўриб турибсизки, менга ёқиш осон эмас,

¹ *Оннопурна* — Дурга тангрисининг бир сифати. Диний эътиқодларга кўра, Дурга-Оннопурна бутун оламга ризқ улашармиш.

² *Тамаринд* — дуккакли ўсимликлар оиласидан; мевасидан шарбат тайёрланади.

аммо сиз, жилмайиб турган чехрангиз билан аллақачон бунга эришдингиз. Мана бу ким? Сенинг исминг нима?

Умеш мик этмади. Бола Камоланинг кўнглини овлашда чолни ўзига ракиб ҳисоблаб, жаҳли чикиб турганди. Унинг учун киз жавоб берди:

— Унинг исми Умеш.

— Жуда ёкимтой бола экан. У ичимдагини топ, деб турадиганлардан шекилли. Лекин хали кўрасиз, биз у билан иноклашиб кетамиз. Боринг, фурсатни бой берманг, она кизим, мен таом тайёрлаб улгуришим керак.

Кариянинг дилкашлиги Камоланинг қалбидаги ғашликларга бархам бергандек бўлди, у пайдо бўлиши билан Ромеш ҳам қандайдир енгиллик ҳис этди.

Ромеш Камолани рафикам деб юрган илк ойларда улар жуда тотув эдилар. Йигитнинг у вақтдаги муносабати билан ҳозирги феъл-атворини сира солиштириб бўлмасди. Бу ўзгариш қизнинг қалбига қайғу солмаслиги мумкин эмасди. Эндиликда бўлса, Чокроборти амаки келиши билан, Ромешда бир умид пайдо бўлди, қария Камолани бир оз овутади-ю, юрагимдаги дардларга малҳам топаман, деб ўйлади у.

Қамола Ромешнинг бўлмаси олдига келиб тўхтади. У нафасни қайтарувчи бу фурсатни Чокроборти амаки билан суҳбатлашиб ўтказмоқчи эди, лекин чол уни кўриб хитоб қилди:

— Йўк, йўк, она қизим! Бу яхши эмас, бундай юриш ярамайди!

Қиз чолга нима ёқмаганини тушунмай, хайрон бўлиб, сабабини билмоқ истади.

— Мана бу пойабзални айтяпман, — деди амаки. — Бу албатта, сизнинг ишингиз, Ромеш-бабу, нима десангиз денг, аммо нотўғри қиялсиз. Чармнинг ерга тегишидан она еримиз ранжийди. Сизнингча, агар Рам Ситага чарм пойабзал кийдирганида, Лакшман у билан ўн тўрт йил ҳамсуҳбат бўла олармиди? Сира! Ромеш-бабу сўзларимни эшитиб куляпти, дилида мендан норози. Бирок мен очик айтаман: сиз нотўғри қиялсиз, ҳаммаси нотўғри Ромеш-бабу! Шундай бўлмаса, киши қаёққа боришини ўйлай туриб, кеманинг гудоги қулоққа чалинганида сафарга отиладими, ахир?

— Амаки, бизнинг тушадиган маконни ўзлари белгилаб берганлари маъқулроқ эмасми? — деб кулди Ромеш. — Маслаҳатингиз бизга кеманинг кўнғироғидан ҳам яхшироқ таъсир қилган бўларди.

— Кўриб турибманки, ақлу мулоҳазангиз ҳар лаҳза ошиб бормоқда. Лекин сиз мени аранг танийсиз-ку! Ха, хўп, Гажипурда туша қолинглар. Қизим, Гажипурда тушишни истайсизми? У ерда гуллар кўп, бу қадрдон отангиз ҳам ўша ерда истикомат қилади.

Ромеш Камолага савол назари билан қаради, у дархол бошини кимирлатиб, розилик билдирди.

Шундан кейин Чокроборти амаки билан Умеш, Камоланинг бўлмасида маслаҳат қилишди. Ромеш оғир уҳ тортганича ташқарида қолди. Кун қиёмга келган пайт эди. Офтобда кизиби кетган кема тўлқинларда енгил чайқаларди. Куз қуёшида ялтираб турган сокин табиат манзаралари Ромешнинг кўз ўнгидан худди туш каби оқиб ўтарди: гоҳ шопипоялар, гоҳ қайик боғлаб қўйилган қирғоқлар, гоҳ кумлоқ саёзликлар, гоҳ кишлокнинг яккам-дуккам уйлари. Бир жойда тунукали дўконнинг томи қуёшда ярқираса, бошқа жойда банян¹ дарахтининг соясида кемани кутиб ўтирган йўловчилар кўринарди.

Куз уни ёқимли, жимжит. Ахён-ахёнда Ромешнинг қулоғига қўшни хонадан Камоланинг қувноқ кулгиси эшитилиб турарди. Бу кулгидан йигитнинг қалби орзикиб кетарди. Атрофда ҳамма нарса гўзал, лекин барчаси Ромешнинг калбидан узоқ! Мудҳиш бир зарба унинг вайрон кўнглини бу гўзалликлардан маҳрум этди.

XXIX БОБ

Камола ёш эди, шунинг учун хавф, гумон ва ғусса унинг юрагида юк бўлиб узоқ туролмасди.

Сўнги бир неча кун давомида Ромешнинг хатти-ҳаракати ҳақида ўйлашга унинг вақти ҳам бўлмади. Сел тўсиққа учраганида, яна ҳам зўр куч билан оққанидек, Камоланинг ўй-хаёллари ҳам тўсатдан Ромешнинг тундлигига дуч келиб, гирдобга тушгандек айланиб қолди. Чокроборти амакининг пайдо бўлиши, қизик ҳазил-мутойибалар, рўзғор юмушлари — барча-барчаси изтиробларни енгил учун Камоланинг калбига мадад бўлди. Бесаранжом фикрлар шиддат билан ўтиб кетди, Камола ортик ўйлаб ўтирмади.

Чақнаб турган бу кузнинг кунида дарёнинг манзараси, айниқса латофатли кўринарди. Олтин рангида товланиб турган сув юзида қувноқ рўзғор юмушларига фарқ бўлган кунлар чақиндек ўтиб борарди.

Кунлар бир зайлда, одатдаги ташвишлар билан бошланарди. Умеш энди доим тўла сават билан ҳаялламай кемага қайтиб келарди. Бу эса кичкина ошхонада ҳамма вақт қувноқ суҳбатларга сабаб бўларди.

— Бу нима, нахотки ошқовоқ бўлса! Тавба, у бунча ловияни қаердан олди экан! Қаранг, қаранг, амаки, мана бу ачитилган қизилчами? Шундай узоқ жойда ҳам топилар экан-да!

¹ Банян — Ҳиндистонда ўсадиган дарахтнинг бир тури.

Кажава саватнинг пайдо бўлиши ҳар куни мана шундай тасаннолар билан қарши олинарди. Бу уйғунлик, негадир Ромеш келиши билан бузиларди: у доим болани ўғрилиқда гумонсирарди.

Шундай пайтларда ғазоби келган Камола:

— Бўлмаган гап. Пулни ўзим санаб бердим-ку, — дер эди.

— Сен бу билан унинг икки томонлама манфаатдор бўлишига имкон беряпсан: ҳам пулни ёнига уради, ҳам сабзавот ўғирлайди, — дер эди Ромеш. Кейин Умешга қараб дўк қиларди: — Қани ҳисобла-чи, қанча сарф қилдинг?

Аммо Умеш қанча ҳисобламасин, рақамлари ҳар хил чиқараверарди, борди-ю, тўғри ҳисоблаганда ҳам, унинг харажати берилган пулдан ошиб кетарди.

Аммо Умеш бунга парво ҳам қилмасди.

— Тўғри ҳисоблашни билганимда шундай ахволга тушиб қолармидим? — дерди у. — Солиқ тўпловчи бўлиб кетардим, тўғрими, бобо?

Чокроборти амаки бундай пайтларда сўроқни тушки овқатдан кейин ўтказинг, шунда ҳаммасини синчиклаб текшириш мумкин, деб Ромешга маслаҳат берарди.

— Ана энди мен бу абжир болани мактамай иложим йўқ, — дер эди у, — бир нарсани йўқдан бор қилмоқ, азизим Ромеш, чакана санъат эмас. Бунга ҳамма уринади, лекин баъзиларгина удалай олади. Мен бундан оз-моз хабардорман, Ромеш-бабу. Масалан, ҳозир ловия пишиғи эмас. Шундай вақтда сахарлаб, ўзи танимаган жойдан ловия топиб келадиган болалар кам топилади. Ҳамма ҳам гумонсирай олади — лекин мақсадга эришиш, мингдан бир кишининггина кўлидан келади.

— Нима бўлганда ҳам, бу яхши иш эмас амаки, сиз уни оқлаб тўғри йўл тутмаяпсиз! — дея қайсарлик қилиб туриб олди Ромеш.

— Шундоқ ҳам бола қобилият эгаси эмас, агар рағбатлантирмасак, бори ҳам барбод бўлса, жуда алам қилади, айниқса кемада бирга кетаётган чоғимизда. Менга кара, Умеш, эртага менга ним дарахтининг¹ баргини топиб кел, аммо шуни ёдингда тутки, баргни дарахтнинг нечоғлик учидан узсанг шунча яхши бўлади. Бизнинг Яжураведада², суктуни³ жуда зарур нарса дейлади. Хўп, Яжураведани кўя турайлик. Шундоқ ҳам ҳаяллаб қолдик. Қани, Умеш, сабзавотларни яхшилаб ювиб, дарров бу ёкка олиб кел!

Ромеш боладан гумонсираб, қанчалик ғазабланса, Умешнинг Камолага бўлган меҳри шунчалик ортиб борарди, Чокроборги амаки келиши билан Камоланинг гуруҳи Ромешга қарам бўлмай қолди. Ромеш ўзининг совуқ мулоҳазалари билан бир томон,

¹ Ним дарахтининг барглари дори бўлади.

² Яжураведа — тиббиёт илмига доир қадимий асар.

³ Сукту — аччик доривор.

бакамти ғамхўрлик, ўйин-кулги ва бир-бирларига эҳтиром билан боғланган Камола, Умеш ва Чокроборти амаки иккинчи томон бўлиб қолдилар. Чокроборти амакининг ҳам Камолага ҳурмати ортиб борарди. Бу Ромешни қизга янгича қарашга мажбур этди, шундай бўлса ҳам, у Камоланинг гуруҳига қўшилолмасди. Ромеш, саёз соҳилга яқин келолмай, нарироқда лангар ташлаб, манзилга узокдан тикилиб туришга мажбур бўлган катта кемага ўхшарди. У балиқчининг кичик қайиғидек қирғоққа бемалол ёндоша олмасди.

Ойнинг тўлишига оз колганди. Саёхатчилар бир куни эрта билан туриб қарашса, осмонни қора булут коплаб олибди; шамол гоҳ у тарафдан, гоҳ бу тарафдан кўтариларди. Бир неча марта ёмғир қуйиб, кейин тинар, офтобнинг ҳуркак шуълалари қайтадан пайдо бўларди. Дарёнинг ўртасида бирорта кема колмаган, хали соҳилга етиб олмаганлари эса хавф-хатар остида колганди. Дарё бўйига сув олгани келган қизлар соҳилда узок турмай, тезда қайтиб кетишарди. Булутларни тешиб ўтган чакмок ахён-ахёнда дарё сатҳини ярқиратиб, кишини ваҳимага солар, азим Ганг дарёсининг тўлқинлари шовиллаганча қирғоққа уриларди.

Кема ўз йўлида давом этарди.

Бундай ноқулай об-ҳавода Камоланинг рўзғор ишлари бир оз кийинлашарди.

— Кечкурун овора бўлиб юрмаслик учун ҳамма нарсани ҳозир тайёрлаб қўйишга тўғри келади, она кизим, — деди Чокроборти амаки осмонга қараб, — сиз сабзавотни димланг, мен хамир қораман.

Таом тайёрлаш бугун кўп вақтни олди, шамол борган сари кучайиб, бўронга айланиш хавфи бор эди. Жўшқин дарё барок тўлқинлар билан колланди. Булутлар ортида қуёшнинг ботган-ботмаганини фарқлаш мушкул эди. Кема одатдагидан барвақтрок лангар ташлади.

Кош қорайди. Баъзи-баъзидагина булутлар орасидан ойнинг сўлгин табассуми кўзга ташланарди. Шамол шиддат билан хайкира бошлади. Ниҳоят ёмғир шиббалаб, бўрон кўзгалди. Камола бир марта кема ҳалокатини бошидан кечиргани учун, ҳозир табиатнинг бундай қутуришидан даҳшатга тушиб қалтирай бошлади. Кечкурун Ромеш Камоланинг олдига кириб уни юпатишга уринди.

— Сен кемадан хавотир қилмай, бемалол ухлайвер Камола, — деди у. — Мен кўшни хонадаман, хали-бери ётмайман.

Шу пайтда эшикнинг олдига Чокроборти амаки келди.

— Қўрқманг, қизим, — деди у, — бўрон бобо сизга ҳеч нарса қилолмайди.

Бўрон бобонинг қудрати қанчалик зўр эканини айтиш кийин; лекин табиатнинг нималарга қодир эканини Камола яхши би-

ларди. Шунинг учун югурганича эшикнинг олдига келиб ёлвора бошлади:

— Амакижон, мен билан бир оз ўтиринг.

— Ухлайдиган вақтингиз бўлгандир, ахир, — деди Чокроборти амаки хижолат тортиб.

Бирок хонага кириб қараса, Ромеш йўқ.

— Ромеш-бабу қаёқда? — деди у таажжубланиб. — Ахир у сабзавот ўғирлагани кетмагандир, бу унинг табиатига тўғри келмайди-ку!

— Сизмисиз, амаки? — деган овоз эшитилди. — Мен кўшни хонадаман.

Амаки у ёққа қараб, Ромешнинг ёнбошлаб китоб ўқиётганини кўрди.

— Нега рафиқангизни ёлғиз қўйиб, ўзингиз у ерда ўтирибсиз? Кўрмаяпсизми, боёқиш кўрқяпти, ахир? Барибир китоб билан бўронни кўрқита олмайсиз, яхшиси бу ёққа келинг.

Камола ҳаяжондан ўзини йўқотиб, амакининг қўлидан ушлаганича титроқ овоз билан ёлворди:

— Йўқ, йўқ, жон амаки, кераги йўқ, кераги йўқ!

Бўронда Ромеш бу сўзларни эшитмади, аммо Чокроборти амаки ҳайрон бўлиб унга қараб қолди.

Ромеш китобни ёпиб, Камоланинг олдига кираркан сўради:

— Нима гап, Чокроборти амаки? Назаримда, Камола сизни...

— Йўқ, йўқ. Мен у кишини бир оз гаплашайлик деб чакирттирдим, — деди Камола унга қарамай.

Унга ҳеч ким эътироз билдиргани йўқ, унинг «йўқ» сўзини такрорлашига нима мажбур қилганини эҳтимол ўзи ҳам айтолмас. Бу «йўқ» билан у гўё: «Мени овутиш керак деб ўйлама, бунга мухтож эмасман; менга биров керак деб ўйлама — асло ундай эмас!» демоқчи бўларди.

Сўнгра Камола амакига қараб:

— Вақт алламаҳал бўлди, амаки, — деди, — бориб ухланг. Умешдан ҳам хабар олинг, эҳтимол у ҳам кўрқаятгандир.

— Мен ҳеч нарсадан кўрқмайман, опа, — деди бола ташқаридан.

У Камоланинг эшиги тагида кийимига ўраниб титраб ўтирган экан.

Унга раҳми келган Камола ташқарига қаради:

— Вой шўрим, Умеш, нега ёмғирда ўтирибсан. Тезда амакинг билан ичкарига кир. Ха, бола-я...

Ўз садоқаги эвазига бундай меҳрибонликдан қувонган бола, итоаткорлик билан Чокроборти амакига эргашиб ичкарига кириб кетди.

— Уйқунг келгунича бирон хикоя айтиб берайми? — деди Ромеш қизга.

— Йўқ, уйқум келяпти, — деб жавоб берди Камола.

Ромеш Камоланинг кайфиятини сезмади, деб айтиш мумкин эмасди, аммо ортик сўз айтмади, қизнинг юзида таҳқирланган ғурур ифодасини кўриб, аста чикиб кетди.

Камола шундай хаяжонда эдики, унинг бу ҳолда ётиб, ухлай олиши мумкин эмасди, бироқ шундай бўлса ҳам ёнбошлади. Бўрон кутурар, тўлкинлар тобора баландроқ кўтариларди. Бутун кема жамоаси ҳаракатда, машина бўлимидан кўнғирокнинг овози эшитилар, кема дарғаси буйруқ берарди. Бўроннинг шиддатли таъйиқда кеманинг фақат лангар билангина туриши мушкул эканлигидан, паррақлар ҳам гувиллаб ишлаб турарди.

Камола ўрнидан туриб кема сахнига чиқди. Ёмғирнинг шашти бир оз пасайган, лекин шамол яраланган йирткичдек ўкириб, ўзини у ёқдан-бу ёққа урарди. Осмонни қуюқ булут қоплаганига қарамай, баъзан ой ўзининг хазин чехрасини кўрсатиб, ерни ёритарди. Қирғоқлар аранг кўзга чалинар, дарё эса зулмат денгизда ғарк бўлганди. Еру кўк, яқин ва йирок, кўринар-кўринмас барча нарсалар мудхиш бир гирдобга қўшилиб, гўё ўлим тангриси Яманинг қора кўтоси шохларини эгиб, бошини силкиб, ғазаб билан кутуриб ҳамла қилаётгандек туюларди.

Бу кутурган мудхиш тунни ва беқарор осмонни кўргач, Камоланинг бутун вужудини калтироқ босди, бу кўрқув ёхуд қувончданми — номаълум эди. Табиатнинг бебош гулгуласида тенгсиз қудрат, чексиз эркинлик бўлиб, бу қизнинг қалбида алланимани уйғотди. Табиатнинг ҳамма нарсани камраб олган бу исёни Камоланинг ҳам туйғуларини жунбишга келтирди. Табиат нимага қарши ғалаён кўтармоқда? Бироқ бўроннинг бундай гувиллаб туришида жавобни эшитиб бўладими? Табиатдаги бу ҳайкирикларнинг сабаби, қизнинг қалбидаги хаяжон каби Камолага номаълум эди. Қиз фақат бир нарсани англаб етганди: ер билан осмон зулматнинг кўзга кўринмас, тутқич бермас тўридан, ёлғон ва алдовдан қутулиш учун исён кўтариб, ғазаб билан ҳайкирмоқда. Қаёқдандир, чексиз фазодан шамол туриб, қоронғи кечада «йў-ў-қ!» дегандек гувиллар эди.

Шамолнинг шовкинидан Камола фақат «йўқ» деган қаттиқ норизоликнигина эшитарди, бироқ нимадан норизо эканини айтиш қийин, аммо гап шу: йўқ, йўқ, асло!

XXX БОБ

Эртасига шамол пасая бошлади, аммо дарё ҳамон мавж урарди. Шунинг учун кема дарғасининг лангарни кўтаришга юраги бетламай, хавотирланиб осмонга қараб-қараб кўярди.

Эрта билан Чокроборти амаки кирганида Ромеш хануз ўрнида ётган эди. Аммо амаки келиши билан у дарров ўрнидан туришга

мажбур бўлди. Ромешни hozир хонада кўриб, окшомдаги воқеаларни эслади-да, ниҳоят сўрашга жазм қилди:

— Ростдан ҳам бу кеча шу ерда ётдингизми?

— Об-ҳаво жуда ёмон бўлди-а, — деди Ромеш гапни чалғитиб, — хўш, бугун ўзлари қандай ётдилар?

— Ромеш-бабу, назаримда мени ахмоқ ҳисоблаб, сўзларимни эътиборга лойиқ эмас, деб ўйлайсиз шекилли. Бирок шундай бўлса ҳам, сизга айтмоқчиманки, умримда кўплаб муаммолар устида бош қотиришга тўғри келган ва уларнинг аксариятини ҳал этганман, аммо сизни Ромеш-бабу, ўзим учун энг қийин жумбоқ деб ҳисоблайман.

Ромеш бир оз довдираб қолди, лекин дарҳол ўзини ўнглаб, табассум билан жавоб берди:

— Жумбоқ бўлиш жинойт эмас-ку! Борди-ю, сиз билан биз ёшлик чоғимиздан телугу тилини ўрганганимизда ҳам, барибир у биз учун қийин тил бўлиб қолаверарди, холбуки телугулик бола у тилни сувдек биледи. Демак, номаълум нарсанинг устида муҳокама юриштининг ҳожати йўқ. Англаб бўлмайдиган бир ишора устида кечалари билан ухламай бош қотирсам, уни албатта ҳал этар эканман, деб ўйламай кўя қолинг.

— Авф этасиз, Ромеш-бабу, — деди Чокроборти амаки, — борди-ю, мен ўзимга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бир одамнинг сиридан воқиф бўлишга уринсам, ҳаддан ташқари манманликка йўл қўйган бўлардим. Бирок дунёда, баъзан шундай одамлар учрайдики, илк кўришдаёқ ўзинга яқин оласан. Мисол учун рафикангизни олайлик: мана бу серсоқол кема дарғасидан сўранг, у Камолага ўз қизидек меҳр қўйган; агар дарға шу фикримни тасдиқламаса, мен уни мусулмон деб билмасдим. Албатта, бирданига телугу тилига ўхшаш бир жумбоққа дуч келсанг, жуда қийин бўларкан. Жаҳлингиз чикмасин Ромеш-бабу, аввал гапимни бир оз ўйлаб кўринг!

— Мен аллақачон ўйлаб кўрдим, — деб жавоб берди Ромеш, — жаҳл қилишнинг бефойда эканини ҳам билиб турибман. Бирок жаҳлим чиқадими, йўқми, сизни ранжитиб қўяманми, йўқми — барибир телугу тили тушуниб бўлмайдиган тил бўлиб қола беради — табиатнинг шафқатсиз қонунилари шундай. — Ромеш оғир ух торти.

Энди у Ганжипурга боришга ҳам иккиланиб қолди. Дастлаб бегона шахарда ўрнашиб олиш учун қария билан танишганлик ёрдам берар деб ўйлаган эди. Аммо энди, бунда ўзига хос ўн-ғайсизликлар борлигини англади. Унинг Камолага муносабати ҳақидаги суриштиришлар, пасту баланд гаплар қизнинг обрўсини яқсон қилиши мумкин. Яхшиси шундай жойга тушиши керакки, у ерда унинг ҳеч бир таниш-билиши бўлмасин, шунда бирон кимса савол ҳам бермайди.

Ғажипурга келишдан бир кун олдин Ромеш амакига деди:

— Амаки, менинг касбимдагилар учун Гажипур муносиб жой бўлмаса керак, шунинг учун Банорасга боришни маъкул кўряпман.

Кария Ромешнинг оҳангидаги қатъиятни сезиб, қулиб кўйди:

— Хар сонияда режани ўзгартириш ярамайди, бу — ўта кетган қатъиятсизлик-ку, ахир! Хўш, бу ёғи нима бўлди: энди Банорасга бориш истагингизни узил-кесил деса бўладими?

— Ха, — деди Ромеш киска қилиб.

Кария ортик гапирмай ўз хонасига кирди-да, буюмларини йиғиштира бошлади.

— Амаки, бугун хафа кўринасиз? — деб сўради Камола унинг хонасига кираркан.

— Кунига камид а икки марта бахслашамиз, бироқ ҳеч бири-да голиб чиқмадим, — деди амаки.

— Нега эрталабдан бери биздан ўзингизни олиб қочяпсиз?

— Она кизим, ўзларингиз мендан узокрокка қочмокчи бўлиб турганингизда нега мени қочок деб атайсиз?

Камола гапнинг тагига етолмай қарияга тикилиб қолди.

— Ҳали Ромеш-бабу сизга ҳеч нарса айтгани йўқми? — деб сўради Чокроборти амаки. — Сизлар Банорасга борар эмиш-сизлар-ку!

Камола бу хабарни хомушлик билан қарши олди.

— Амаки, ижозат беринг, буюмларингизни жомадонга жойлаб берай, — деди Камола бир оз жимликдан сўнг.

Гапларига бепарво қарагани учун амаки киздан қаттиқ ранжиди. «Ха, шундай бўлгани ҳам маъкул, менинг ёшимда бировга меҳр кўйишга нима хожат бор!» — деб ўйлади у дили сиёҳ бўлиб.

Шу пайтда Ромеш кириб келди. У Камолага Банорасга боришни айтгани кирган эди.

— Сени қидираётган эдим, — деди у кизга.

Камола амакининг буюмларини саранжомлашда давом этарди.

— Биз энди Гажипурга бормаймиз, Камола, — деди Ромеш, — мен амалиётни Банорасда ўтказишга аҳд қилдим. Бунга сен нима дейсан?

— Мен Гажипурга бораман, — деди Камола амакининг жомадонидан кўзини узмай, — аллақачон нарсаларимни ҳам йиғиштириб қўйдим.

— Нима, ёлғиз ўзинг борасанми? — унинг қатъиятидан хайрат-да қолиб сўради Ромеш.

— Нега, у ерда амаким бор, — деди Камола, меҳр билан қарияга назар солиб.

Буни эшитиб, амаки саросимага тушди.

— Сиз менга шундай илтифот қияпсизки она кизим, бундан Ромеш-бабу менга олайиб қарамас, деган умиддаман.

Бироқ киз ўз гапини такрорлади:

— Мен Гажипурга бораман.

Камоланинг бошқалар билан ҳисоблашмай, бундай эркин гапириши — биринчи марта эди.

— Майли амаки, Гажиपुरга борсак бора қолайлик, — деди ниҳоят Ромеш ҳам.

Бўрондан кейин тун сутдек ойдin эди. Ромеш кема сахнидаги тўқима курсида ўтириб узок ўйлади: энди ҳаётнинг бундай давом этиши мумкин эмас.

Камола жунбишга келган, бу бир оз вақт ўтиши билан ҳаётимни захарга айлантириши мумкин. Бирга яшаб, бир-биримизга бегона бўлишимиз ниҳоятда қийин. Бунга барҳам бериш зарур. Камола ҳақиқатан ҳам менинг рафиқам-ку; мен уни ўз хотинимдек қабул қилдим. Одат бўлиб қолган расм-русумлар адо этилмаган, деб андишага тушиш аҳмоқлик бўлади. Ўшанда ўлим тангриси Яманнинг ўзи уни қумлоқ сохилда олдимга келтириб, бизни ниҳок билан бир-биримизга боғлаб қўйди. Дунёда ундан ҳам қудратлироғи борми, ахир?

Ромеш билан Хемнолинининг ўртасида бир ҳарб майдони турарди. Тўсиқларни, хўрликларни, ишончсизликларни енгиб Ромеш қолиб чикса, Хемнолинининг олдида бош кўтара олади. Аммо бу жангларни ўйлаганида, у даҳшатга тушарди, унда ғалабага ишонч йўқ эди. Ўзининг ҳақли эканини қандай исботлайди? Агар у буни исбот қилганда ҳам, бу воқеа ўзгаларга жуда қабих кўринар ва Камолага қаттиқ зарба бўларди.

Демак, қатъиятсизлик ва иккиланишларга хотима бериб, Камолани ўз хотини деб ҳисоблаши керак, энг тўғри йўл мана шу. Тўғри, Хемнолини ундан нафратланади, аммо бундай нафратланиш Хемнолинининг бошқа бир муносиб кимсага эътибор беришига ёрдам беради. Шуларни ўйлаб, Ромеш анча енгил тортди: у ўзининг Хемнолини билан бирга бўлиши ҳақидаги барча орзу-истакларини дафн этганди.

XXXI БОБ

— Хўш, бу нимаси? Сен қаёққа кетяпсан? — деб сўради Ромеш.

— Опам билан, — деб жавоб берди Умеш.

— Сенга Банорасгача чипта олиб бердим, бу ер эса Ганжипур бандаргоҳи. Биз Банорасга бормаймиз.

— Мен ҳам бормайман.

Умешнинг улар билан қолиши Ромешнинг ҳаёлига ҳам келмагани, боланинг қатъияти уни хайратга солди:

— Умешни ҳам олиб кетамизми? — деб сўради Камоладан.

— У қаёққа боради бўлмаса? — деди Камола. — Бола биз билан кетмоқчи. Юр, Умеш, амакиндан орқада қолма. Нотаниш жой, тагин оломоннинг орасида адашиб қолма.

Гўё Ромешга итоаткорона бўйсунуш даври тугагандек, қаёққа бориш, кимни бирга олиб юриш, ҳамма-хаммасини энди Камоланинг ўзи ҳал этарди. Шунинг учун ҳозир Умеш унинг ёнида, кийим-кечаклари солинган бир бўғчани бағрига босиб, викор билан қадам ташлар, бу ҳол энди ҳеч кимни таажжублантирмасди.

Амакининг унча катта бўлмаган бежиримгина уйи шаҳар билан оврўпаликлар маҳалласи ўртасида эди. Уйнинг орқасида манго дарахтлари ўсган боғ, олдида ховуз, нарироқда, атрофи панжара билан ўралган булоқда сугориладиган экинзор бўлиб, унда бир неча марзага қарам ва бетел экилганди.

Дастлаб Камола билан Ромеш шу уйга жойлашишди. Чокроборти амаки рафикаси Харибхобинининг бетоблиги ҳақида ҳаммага гапириб юришни яхши кўрарди, аммо одамлар унда бетоблик асарини кўрмасдилар. Кўринишидан аёл хийла ёшга борган эса-да, юзлари тиник, ўзи тетик, чакка сочларигагина сал-пал оқ оралаган: гўё кексалик ҳукмини чиқарган-у, лекин ҳали унинг ижросига журъат қилолмай тургандек эди.

Ҳақиқий аҳвол мана бундай: ҳали ёшлигидаёқ Харибхобини безгак хасталигидан кўп жафо чекди. Икклими ўзгартириш унга шифо бағишлар, деб Чокроборти амаки у билан бирга Гажиपुरга кўчиб келди ва маҳаллий мактабга муаллим бўлиб ишга кирди. Ана шундан бери рафикаси тамомила соғайиб кетган бўлишига қарамай, унинг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилишдан тўхтамас эди.

Меҳмонларни меҳмонхонада қолдириб, ўзи ичкарига кириб, хотинини чақирди.

Харибхобини атрофи ўралган майдончада эндигина буғдойни туйиб бўлиб, кўза ва идиш-товокларни офтобга чиқариб қўйган эди.

Чокроборти амаки кириб оқ хитоб қилди:

— Ана холос, ахир ҳозир совуқ-ку! Елканга бирор нарса ташлаб олсанг бўлмасмиди?

— Хўп ғалатисиз-да! — деди Харибхобини. — Ҳозир совуқ қаерда — офтоб елкани куйдирыпти-ку!

— Бу иссиқдан наф йўқ, соябон эса унчалик қиммат эмас.

— Яхши, соябон сотиб оламиз, энди айтинг-чи, нега ўзингиз бундай узоқ ушланиб қолдингиз?

— Бу узоқ хангома. Ташқарида меҳмонлар бор. Бориб улар билан кўриш. — Сўнгра у рафикасига янги танишлари ҳақида сўзлаб берди.

Чокроборти амакининг уйига қутилмаганда узоқ жойлардан меҳмонлар тез-тез келиб туришар, бироқ ҳозир эр-хотиннинг меҳмон қутишга ҳеч қандай тайёргарлиги йўқ эди.

— Вой тавба, уларни қаерга жойлаштирмақчисиз? — деди у.

— Олдин бориб кўриш, жойлашни кейин гаплашармиз. Бизнинг Шойла қаерда?

— Боласини чўмилтиряпти.

Чокроборти амаки дарров Камолани ичкарига бошлаб кирди. Қиз яқинроқ келиб Харибхобинига эҳтиром билан таъзим килди, у эса қизнинг иягига қўлини тегизиб, унга маҳдиё бўлганини ифода этиш учун бармоқларининг учини ўпиб қўйди.

— Қаранг, бу қиз бизнинг Бидхага жудаям ўхшаркан, — деди у эрига.

Бидха уларнинг катта қизи бўлиб, Оллохободда эрининг уйида турарди. Бу таққослашдан Чокроборти амаки ўзича кулимсираб қўйди: Камоланинг Бидхага ҳеч қандай ўхшашлиги йўқ эди, аммо Харибхобини бегона бир қизнинг ҳусн ва латофатда ёки фазлу назокатда ўз қизидан устун бўлишини тан олгиси келмасди. Шойложа ҳам шу ерда бўлиб, у Камоланинг ҳусни олдига мағлуб бўлиши мумкин эди, шунинг учун Харибхобини меҳмонни бу ерда бўлмаган катта қизи билан таққослаб, шу тарика ғалаба байроғини ўз уйида сақлаб қолди.

— Ташрифингиз учун ғоятда мамнунман, — деди уй бекаси, — бироқ янги уйимиз ҳали битгани йўқ, ўзимиз ҳам ҳозирча мана шу бурчакни бошпана қилиб ўтирибмиз, шунинг учун сизларга бамайлихотир яйраб яшайдиган жой кўрсатолмайман.

Ростдан ҳам Чокроборти амакининг бозор бошида бир уйи бор эди. Уни ҳозир таъмирлашаётганди, унда бир дўконча жойлашганидан, ҳали у ерда бемалол яшаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди.

Бу важни рад этмай, Чокроборти амаки кулимсираб:

— Агар Камоланинг қийинчиликларга бардош беришига ишонмаганимда, уларни бу ерга бошлаб келмаган бўлардим, — деди.

Хотинига, кузги офтоб зарарли, шунинг учун уйга кирганинг маъқул деб уқтиргач, Ромешнинг олдига чикди.

Шунда Харибхобини Камола билан тузукроқ танишишга аҳд килди.

— Эшитишимча, хўжайинингиз адвокат эмиш, тўғрими? Қачондан бери бу хизматда? Маоши қанча? Нима? Ҳали иш бошлагани йўқми? Ундай бўлса, қандай тирикчилик қиялпсизлар? Балки қайнотангиз жуда бадавлатдир? Билмайсиз? Вой, тавба... Қанақа ғалати қизсиз! Қайнотангизнинг уйини билмайсиз? Сарф-харажатлар учун эрингиз сизга бир ойга қанча пул беради? Қайнота-қайнонангиз бўлмагач, рўзгорни тебратиш зиммангизга тушса керак, ахир! Майли, ҳечкиси йўқ, бироқ сиз жудаям ёш эмассиз! Тўнғич қизимнинг эри бутун маошини унинг қўлига топширади.

Харибхобини шунга ўхшаш сўроқ ва танбехлар оркали Камоланинг ҳаётини ишлардан беҳабарлигини дарров исбот килди.

Эри Ромешнинг ўтмиши ва ишлари ҳақида ҳеч нарса билмаслиги одамларга қанчалик ғалати ва ғайритабиий бўлиб туюлиши-

ни қиз хозир, Харибхобинининг сўроқлар дўли остида қолган-дагина тушунди. У хозирга қадар эри билан бирор марта очилиб гаплашиш имконияти бўлмаганини эслади. Камола унинг рафиқаси бўла туриб, эри ҳақида ҳеч нарса билмайди! Хозир бу ҳолат унинг ўзига ҳам ғайритабиий кўриниб, шунчалик беҳабарлиги роса алам қилди.

— Қани, билагузукларингизни кўрсатинг-чи! — дея яна гап бошлади Харибхобини. — Унча тоза олтин эмас. Отангиз билагузуклар олиб бермадими? Отангиз йўқ? Лекин шундай бўлса ҳам, безак-тақинчоксиз юриш яхши эмас! Наҳотки эрингиз ҳеч нарса олиб бермаса? Катта куёвим ҳар икки ойда Бидхага, албатта бирор нарса кўтариб келади.

Суҳбат шу зайлда қизиқ турган пайтда, икки ёшли қизчасини етаклаб, Шойложа кириб келди. Бу буғдойранг, юзлари кичик, пешанаси каттароқ, қўзларидан ақл-идроқ барқ уриб турган ёшгина жувон экан. Бир қарашдаёқ унинг оқила ва вазмин аёл эканини пайқаш қийин эмасди.

Шойложанинг қизчаси Камолага бир оз тикилиб тургач, уни хола деб атай бошлади. Бирок унинг Бидхага ўхшаганини кўриб эмас, албатта, у ўзига ёқиб қолган маълум бир ёшдаги барча аёлларни шундай деб атар эди. Камола дарров қизчани қўлига олди.

Харибхобини уни қизига таништирди.

— Бу аёлнинг эри адвокат, у вилоятда амалиёт ўтамоқчи экан, отанг йўлда уларни учратиб, Гажиपुरга олиб келибди.

Шойложа билан Камола бир-бирларига қараб олишди, шу қарашнинг ўзиёқ уларни мустаҳкам дўстлик риштаси билан бир-бирларига боғлаб қўйди. Харибхобини меҳмонларга жой тайёрлаш учун ташқарига чиққанида, Шойложа Камоланинг қўлидан ушлаб:

— Юринг, синглим, бизникига кирамиз, — деди.

Бир неча дақиқадан кейин улар бамайлихотир суҳбатлашишарди. Иккала жувон ёш жихатдан деярли фарқ қилмасди. Шойложа вазмин кўринар, Камола эса унинг тамоман акси. Камола онг ва билимда ёшидан ўзиб кетганди. Тўйдан сўнг қайнотанинг ҳукмронлиги остида бўлмаганиданми ёхуд бошқа бирор сабаб биланми, ҳар нечук, Камола жуда тез ўсди. Эркинлик, ҳатто унинг чехрасида ҳам намоён эди. Ҳар бир янги кўрган нарсаси унда билиш истагини қўзғарди, у ҳар қандай саволга жавоб топмагунича тинчимас эди. У хозиргача: «Товушингни ўчир! Сенга буюрилган ишни қил! Хотин киши «йўқ» деб айтмаслиги керак!» каби бақиришларни эшитмаган, шунинг учун ўзини эркин ҳис этар, самимийлик унга куч бағишларди.

Бу икки дугона шундай гапга берилиб кетишдики, Шойложанинг кизи Умининг бу икки аёлнинг диққатини жалб этаман, деб қилган барча уринишлари зое кетди. Суҳбат асносида Камола шахсий

хаётининг нечоғлик маънавий қашшоклиги ҳамда рангсизлигини англаб етди. Шойложа ўз турмушидан кўп нарсани айтиб бериши мумкин эди, Камола эса, ҳеч нарса! Оилавий турмуш унинг хаёти лавҳасида рангсиз, нурсиз қаламнинг бир изи эди, холос. Хозирга қадар Камола ўз хаётининг маъносизлиги ҳақида ўйлаб кўрмаган экан. У қандайдир қаноатсизлик хис этар, юрагида ахён-ахёнда норозилик туғён урар, аммо киз бунинг сабаби ҳақида бош қотириб кўрмаганди. Танишувнинг илк дақиқаларидан бошлаб Шойложа эри ҳақида гапира кетди. Гўёки унинг қалб ториға салгина черғиш билан мусиқа садоси жаранглагудек эди. Камола эса, қалбидаги бу торларнинг унсиз эканини тушунди: у эри ҳақида нимани ҳам ҳикоя қилсин, бунинг нима хожати бор? Камоланинг у ҳақда гапиришга заррача хоҳиши йўқ эди.

Шойложанинг киссагўй қайиғи бахт юкини ортиб оқим бўйлаб енгил сузар, Камоланинг бўш, ожиз қайиқчаси эса соҳилдаги саёзликка тикилиб қолганди.

Чокроборти амакининг фақат икки кизи бўлиб, каттаси қайно-тасиникида яшарди, ота кичик кизидан ажралишни истамаганидан камбағал бир йигитни ичкүёв қилиб олди ва обрў-эътиборидан фойдаланиб, уни Гажиपुरдаги бир идорага ишга жойлаб қўйди. Шундай қилиб Шойложанинг эри Бипин, Чокроборти амакининг уйда, улар билан бирга яшаб қолди.

Бирдан Шойложа ўз хикоясини тўхтатиб:

— Сиз бир нафас ўтириб туринг синглим, мен хозир келаман, — деди ва шу ондаёқ жилмайиб изоҳ берди. — Хўжайиним чўмилиб келдилар, тушки емакдан сўнг ишга борадилар.

— Сиз унинг келганини қандай билдингиз? — дея таажжуб билан сўради Камола.

— Ҳазиллашяпсизми? Одамлар қандай билишса, мен ҳам шундай биламан. Гўё, сиз эрингизнинг қадам босишини билмагандек! — Шу сўзлар билан Шойложа кулиб, Камоланинг иягидан астагина чимдиб, латиф бир ҳаракат билан сарисининг қалитлар боғланган бўш учини елкасига ташлади-да, кизини кўтариб хонадан чиқиб кетди.

Камола қадам босишнинг тилини ўрганиш бунчалик осонлигини хозиргача билмаган экан. У деразага қараб хаёлга чўмди. Деразанинг тагидаги гуава дарахти гуллаган, асаларилар эса гул косачаларига дам қўнар, дам учишарди.

XXXII БОБ

Ромеш Ганг дарёси соҳилидаги овлок жойда турган бир уйни сотиб олиш учун келишиб қўйди. Энди Гажиपुर судига ишга кириш ва буюмларини олиб келиш учун Калкуттага бориши зарур эди. Аммо бунга юраги бетламасди. Калкуттадаги таниш

махаллани эслаши билан юраги оркага тортарди. Хозир ҳам муҳаббат риштаси узилганича йўқ эди, бироқ эндиликда у Камолани ўз хотини деб хисоблаши керак, буни ортик пайсалга солиш мумкин эмас. Ана шундай қатъиятсизлик ҳолатида у Калкуттага боришни ҳамон оркага сурмоқда эди.

Камола Чокроборти амакининг ичкари хонасига жойлашди. Уй кичик бўлганидан Ромеш мехмонхонада ётишга мажбур бўлиб, Камола билан учрашолмасди.

Бир куни Шойложа Камолага улар орасидаги айрилиқдан қайғураётганини айтди.

— Опа, сиз нимага бунча ташвиш қиласиз? — дея таажжубланди Камола. — Бунда қайғурадиган ҳеч нарса йўқ!

— Шундайми, — кулди Шойложа. — Гўё сизда юрак эмас, тош денг? Майли, лекин мени алдай олмайсиз. Мен қалбингиздан нималар кечаётганини жуда яхши билиб турибман.

— Опа, ростини айтинг, агар Бипин-бабу сизни икки кун кўрмаса, у ҳам шундай...

— Нимасини айтасиз. Агар у мени икки кун кўрмаса тоқат килолмайди, — деди ғурур билан Шойложа унинг гапини бўлиб.

Шунда у эрининг ўзига бўлган муҳаббатини сўзлай кетди. У, илк даврда катталарнинг кўзини шамғалат қилиб, қизи — қаллиғи билан учрашиш учун Бипиннинг қандай хийлалар ишлатганини гапирди. У баъзан кизнинг олдига киришга муваффақ бўлган, гоҳ қўлга тушган; кундузги учрашишларни тўхтатишга тўғри келганида, катталарнинг қатъиян ман қилишларига қарамай, Бипин тушки емакка келганида ойнада кўз уриштириб олганларини эслади. Ўтган кунларнинг бундай ёрқин ва қувончли дамларини хотирлаганида, Шойложанинг чехраси бахтиёр табассум билан гул-гул очиларди. Сўнгра у Бипиннинг ҳарбий хизматга бориш вақти келганида, икковларининг қандай изтироб чекканларини ва йигитнинг неча марта хизматдан қочиб уйга келганини батафсил ҳикоя қилди. Бир вақтлар Бипинга қайнотасининг иши билан бир неча кунга Патнага бориши керак бўлиб қолади. Шойложа ундан менсиз яшай оласанми, деб сўрайди. Бипин, кўп ўйламай, сенсиз ҳам яшай оламан, деб жавоб беради, шунда Шойложанинг ғурури баланд келиб, эрининг кетиши олдидан қайғураётганини сира ҳам билдирмасликка қасам ичади. Аммо бу қасам унинг кўз ёшларида фарқ бўлиб кетади, эртасига сафар жабдуғи тайёр бўлганида, бирдан Бипин шундай бош оғриққа йўликадики, унинг касаллиги туфайли сафарни тўхтатишга тўғри келади, доктор дори юборади, улар эса дорини аста ариққа тўкишади, сўнгра Бипин соғайиб кетади.

Шойложа ўз хотираларига қаттиқ берилиб, вақтнинг қандай ўтганини ҳам сезмай коларди, бироқ узоқдан, ҳовли эшиги олдида қадам товушлари эшитилиши билан:

— Бипин-бабу ишдан келдилар, — деб сапчиб ўрнидан турарди.

Ўзи, оилавий ҳаётидаги кизик воқеаларни сўзлаб турганида, унинг муҳаббатга тўла қалби ташналик билан йўлда, ҳовли эшиги олдида қадам товушларига кулоқ солиб тургандек эди.

Бундай хислар Камолага тамомила бегона деб айтиб бўлмайди. Ромеш билан яшай бошлаган илк ойларида унинг қалбида ҳам шунга ўхшаш бир куй эшитила бошлаган эди. Сўнгра у мактабдан кутулиб, Ромешнинг олдига кайтганида, гўё аллақандай ғайритабиий ҳамда эшитилмас мусиқа садолари остида рақсга тушгандек, юраги калтирайдиган бўлди. Худди ҳозир Шойложанинг хикояларини тинглаётганида ана шу туйғулар қалбидан ўта бошлади. Бирок махфий учрашувлар, кўнгил овлашлар йўқ эди. Чегарадан ўтиш эса унга ман этилганди. У билан Ромешнинг ўртасида, Шойложа билан Бипинни бир-бирларига боғлаган муҳаббат ришталари бор-микан? Мана улар бир неча кундан буён кўришишмайди. Бирок, у бундан ортикча изтироб чеккани йўқ. Шунингдек Ромешнинг ҳам ташқарида ўтириб, кизни кўриш учун бирор хийла ишлатишига асло ақл бовар қилмайди.

Якшанба куни Шойложа жуда кийин аҳволга тушиб қолди. Янги дугонасини узок вақт ёлғиз қолдирганига роса хижолат бўлди. Бирок шу билан бирга, дам олиш кунига ёр васлидан маҳрум бўлишга ҳам унча майли йўқ эди. Иккинчи томондан, Ромеш ёнгинасида туриб, Камола у билан учрашиш имконидан маҳрум эканлигидан, ўзининг ҳам кўнгли тўлмаслигини яхши биларди. Ундай бўлса, барибир дам олиш куни ўз латофатини йўқотади. Қани энди, уларни учраштиришга бир илож топилса!

Бунақа ишларда, одатда катталардан маслаҳат сўралмайди. Бирок амаки маслаҳат сўрашларини кутиб ўтирадиганлардан эмасди. У зарур бир иш билан кечгача бир ёққа кетмокчи эканини айтди. Ромешга эса бугун меҳмон кутмасликларини ва кетаётиб ҳовлининг эшигини беркитиб кетажagini айтиб, уй сизнинг ихтиёрингизда, дегандек қилди. Шуни кизига англатишга, айниқса зўр берди, чунки кизи хар қандай ишоранинг маъносини дарҳол англашини яхши биларди.

Камола ювиниб чикканидан кейин Шойложа унга:

— Қани, синглим, тезроқ сочларингизни қуритинг-чи, — деди.

— Бундай шошилишнинг важи борми?

— Буни кейин биласиз, ҳозир эса келинг, сочларингизни тараб қўяй. — Шойложа унинг сочларини тараб, қирк кокил қилиб ўриб қўйди. Кейин қандай сари кийиш кераклиги ҳақида кизнинг мунозара бўлди. Шойложа унинг турфа рангга бой сари кийишини истарди. Камола эса бунинг сабабини билолмай хайрон эди, бирок охири Шойложанинг кўнглига караб, унга ён берди.

Чошгоҳдан кейин Шойложа эрини бир чеккага чакириб, ниманидир пичирлади. Шундан кейин у Камолани меҳмонхонага чиқишига ундаб, каттиқ туриб олди.

Илгари Ромеш билан учрашганида, Камола асло уялмасди, зеро бунга яраша бирор тасодиф ҳам рўй бермаганди. Ромеш эса илк учрашувларидан бошлаб ҳар қандай урф-одатни йиғиштириб қўйганди: кизнинг урф-одатдан ташқари бирор ҳаракатни кўриб куладиган дугоналари ҳам йўқ эди-да.

Бирок бугун Шойложанинг хоҳишини адо этишнинг имкони йўқдек эди. Камола Шойложанинг ўз эрига қанчалик ҳадди сифишини кўриб ўзининг Ромешга бунчалик ҳукмрон эмаслигини яхши англаб, бинобарин унинг олдига тиланчидек боришни истамасди.

Шойложа Камолани эрининг олдига чиқишга кўндиролмай, охири Ромешдан хафа бўлса керак, деган қарорга келди. «Албатта, у хафа бўлса арзийди, — деб ўйлади аёл. — Бир-бирларини кўрмаганларига неча кун бўлди-ю, бирор марта хотинини кўриш учун уринмади ҳам».

Тушки емакдан сўнг Харибхобини ҳордиқ олиш учун чиқиб кетди. Шунда Шойложа Бипиндан:

— Ромеш-бабунинг олдига чиқиб, рафикаси номидан ичкарига таклиф қилинг. Бундан отам хафа бўлмайди, онам эса билмайди ҳам, — деб илтимос қилди.

Бипиндек ювош, одобли йигит учун бу топшириқ унчалик маъқул бўлмаса-да, хотинининг илтимосини рад қилгиси келмади.

Бу вақтда Ромеш полга гиламча тўшаб, китоб ўқиб ўтирганди. Китоб ўқишдан зерикиб журналлардаги эълонларни кўрмокчи бўлиб турганида, Бипинни кўриб, севиниб кетди. Гарчи Бипин дилкаш суҳбатдош бўлмаса-да, Ромеш у билан вақт ўтказишни маъқул кўриб хушмуомалалик билан:

— Кириг, Бипин-бабу, марҳамат қилинг! — деди. Бирок Бипин ўтирмай, бўйнини қашиб туриб гапирди:

— У киши сизни ҳузурларига чақирмокдалар.

— Ким, Камолами?

— Ҳа.

Ромеш бир оз таажжубланди. Тўғри, у Камолани ўз хотини деб ҳисоблашга аллақачон қарор қилганди, лекин қатъиятсизлиги туфайли у бу ишни пайсалга солиб келарди. У Камолани уй бекаси сифатида кўриб, келгуси бахт-саодат ҳақидаги фикрлар билан ўзига далда беришга ҳам уринарди, аммо ўзингизга маълумки илк қадам ташлаш ҳамиша кийин кечади. У анчайин узокқа қўзилган бегонасирашни бир кунда енга олишини, ҳатто тасаввур ҳам этолмас, шунинг учун уй сотиб олишга ҳам ортикча шопилмас эди.

Камоланинг қақираётганини эшитиб, бирор иши бўлса керак, деб ўйлади. Тахминининг тўғрилигига ишонса-да, таклиф уни ҳаяжонга солганди.

Ромеш журнални бир четга қўйиб, ичкарига қараб юрди. Асариларнинг гўнғиллашигина бузиб турган кузнинг толиқтирувчи жимлигида, у ўзини дийдор кўришгани шошилиб бораётган ошиқдек ҳис қилди. Бипин узоқдан унга уйнинг эшигини кўрсатиб, ўзи ғойиб бўлди.

Камола, Шойложа уни Ромеш билан учрашишга кўндириш ниятидан воз кечиб, Бипиннинг олдига кетди, деб ўйлаганди. Шунинг учун у очик эшикнинг остонасида ўтириб, боғни томоша қилмоқда эди.

Шойложа ўзи сезмаган ҳолда, Камолани лирик бир ҳолатга келтириб қўйганди. Шабаданинг енгил шарпасидан боғда дарахтнинг новдалари тебранар, япроқларнинг майин шитирлаши эса кизнинг қалбига ҳаяжон соларди.

Шу маҳал Ромеш кирди-да, орқадан туриб:

— Камола! — деди.

Қиз ўрнидан сапчиб турди. Унинг юраги телбаларча ура бошлаганди. Авваллари Ромешнинг хузурида ийманмаган Камола, энди бошини кўтариб унга қаролмасди. Камола уялганидан кулоқларигача кизариб кетди.

Ясаниб, чехраси хандон урган киз Ромешга қандайдир бошқача кўринди, бу янги Камола уни ҳайратда қолдириб, мафтун этганди. У кизнинг олдига аста бориб, бир лаҳза хомушлиқдан сўнг мулойимлик билан сўради:

— Камола, мени чақирдингми?

Қиз ҳайратда қолди.

— Йўк, йўк, чақирганим йўк, нега сизни чақирайин? — деб одатдан ташқари кизикконлик билан хитоб қилди у.

— Борди-ю, чақирган бўлсанг, бу жиноят эмас-ку!

— Йўк, мен сизни чақирганим йўк! — деди қиз янада таъқидлаб.

— Яхши! Сен чақирмабсан, мен ўзим келдим. Нахотки шундан жаҳлинг чиқиб, мени қувсанг?

— Бу ерга кирганингизни кўпчилик билса, норозилик қўпаяди, яхшиси чиқиб кетинг! Мен сизни чақирганим йўк.

— Хўп, яхши, — деди Ромеш унинг қўлидан ушлаб. — Мехмонхонага борамиз, у ерда ҳеч ким йўк.

Вужуди қалтираб кетган Камола қўлини тортиб олиб, қўшни хонага қочиб кирди-да, эшикни беркитди.

Ромеш бунга аёлларнинг инжиқлигига йўйди ва ҳаяжон ичида мехмонхонага чиқиб кетди. Яна гиламчага ёнбошлаб, қўлига журнал олиб, эълонларни кўздан кечирмокчи бўлди, аммо қўзига ҳеч нарса кўринмасди: унинг қалбидаги қарама-қарши ҳислар қўқда шамол қувиб юрган булутлар сингари елиб юрарди.

Шойложа берк эшикни тақиллатди, лекин уни ҳеч ким очмади. Шунда у дарпардани кўтариб, қўлини сукиб, эшикни очди.

Кириб караса, Камола полда мункайган ҳолда қўллари билан юзини ёпганича йиғлаётган экан.

Ёш жувон ҳайратда қолди. У Камоланинг нега бунчалик ранжиганидан мутлақо беҳабар эди. Унинг ёнига ўтириб, мулойимлик билан сўради:

— Нима бўлди, нега йиғлайсиз, азизам?

— Бундай қилишнинг нима ҳождати бор эди, нега уни чақирдингиз? — гина қилиб гапирди Камола.

Кўкқисдан пайдо бўлган бундай кучли дард-аламнинг сабабини бошқалар тугул, Камоланинг ўзи ҳам билмасди. Яширин қайғу кўпдан буён унинг қалбини эзаётганини ким билибди. Камола бугун кечгача орзулар оламида кезиб юрганди. Агар Ромеш бу оламга оҳиста кириб келганида эди, олам гулистон бўларди. Бирок унинг ҳузурига етаклаб келганларини билгач, ширин орзулари барбод бўлди. Ромешнинг байрамда уни мактабда қолдиришга уриниши ҳамда сафар чоғидаги лоқайдлиги хотирасидан ўчаётган бўлса-да, ҳозир булар қайтадан жонланиб, дилига озор бера бошлади. Ўз ихтиёри билан дилдорини кўргани келиш бошқа-ю, чақирганда келиш бошқа гап эканини, Камола Гажиपुरга келганидан кейин тезда англаб етди.

Бирок буларнинг фаркига бориш Шойложа учун жуда қийин кечди. У Ромеш билан Камоланинг ўртасида жиддий ғов борлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Шойложа меҳрибонлик билан Камоланинг бошини бағрига босиб сўради:

— Синглим, эхтимол Ромеш-бабу сизга бирор дағал сўз айтгандир? Ёки у эрим чақириб келгани учун ранжидими? Нега айбдор эканимни айтмадингиз?

— Йўқ, йўқ, у ҳеч нарса дегани йўқ. Бирок нега сиз уни чақирдингиз?

— Кечиринг синглим, мен яхши иш қилмабман, — деди Шойложа кўнгли бузилиб.

Камола туриб уни маҳкам кучоқлади.

— Боринг, жоним, — деди у, — тез боринг, йўкса Бипин-бабу хафа бўладилар.

Ромеш ёлғиз ҳолда, ҳеч нарсага тушунмаса ҳам журнал сатрларига узоқ қараб ўтирди, охири журнални ҳам бир четга иритди.

Сўнгра ўрнидан туриб қатъият билан ўзига гапирди:

— Бас, ортиқ бундай чўзиб юришга ҳожат йўқ. Эртагаёқ Калкуттага жўнаб, барча ишларни тўғрилайман. Ниҳоят, мен Камолани хотиним деб ҳисоблашим керак, ахир. Энди бу ишни ортиқ пайсалга солиб бўлмайди. Мен яхши иш қилмабман.

Ўз бурчини англаш Ромешда бирдан шундай куч пайдо қилдики, у барча гумон ва иккиланишларни бирдан енггандек бўлди.

XXXIII БОБ

Ромеш Калкуттадаги барча ишларини ўз ўрнига қўйиб, Колутолга кирмай қайтиб келишга аҳд қилди. У Доржипарда жойлашди. Ишлари тез кунда тугаб, қолган вақтларда нима қилишини билмай қолди. Ўзининг илгариги танишлари билан учрашишни истамасди, улардан бирортасини кўча-қўйда учратиб қолмасликка ҳаракат қиларди.

Аммо Ромеш Калкуттага келиши билан ўзгариб қолди. Кенг табиат қўйнида, оғир жимлик оғушида дуркун ва ёш Камола унга ниҳоятда сулув кўринганди, аммо бу ерда, шаҳарда, унинг жозибаси тутундек тарқалиб кетди. Ромеш Доржипарда ўтириб, унинг қиёфасини хаёлида гавдалантирар, унга муҳаббат кўзлари билан қарашга уринар, лекин бунинг бари беҳуда эди, чунки бу ҳаракатда қалби иштирок этмасди, Камола унга содда, нодон киздек кўрина бошлади.

Сипоҳгарчиликка зўр берсанг ҳам бўлмас экан. Йигит Хемнолинини калбимдан қувиб чиқараман деб қанчалик уринмасин, киз кечаю кундуз кўз ўнгидан нари кетмасди. Хемнолинини унутиш учун қилган барча ҳаракатлари, қизнинг сиймосини хотирасида янада мустаҳкамлашига ёрдам берди, холос.

Агар Ромеш андак шошилганида, у аллақачон ишларини битириб, Гажипурга қайтган бўларди. Бироқ ҳар қандай иш ҳам, агар сусткашлик қилинса, ваҳимали бўлиб кўринади. Ниҳоят, Ромеш барча ишларини битказди.

Ромеш, аввало Оллохободга тушиб, у ердан Гажипурга кетмокчи бўлди. Бироқ шунча сабр-тоқати эвазига бир мукофот ҳам керак-да. Гажипурга кетишдан олдин Колутолга бир кириб ўтса нима зарари бор.

У ёкка боришдан аввал ўтириб бир мактуб ёзди. Унда Камолага бўлган муносабатининг тарихини батафсил баён этди. Гажипурга қайтганидан кейин Камолани ўз рафиқам, деб ҳисоблашдан бошқа чора қолмаганини хабар қилди. Шундай қилиб, Хемнолини билан абадий хайрлашишдан олдин, мактубида унга бутун ҳақиқатни баён қилди.

Мактубни хатжилдга солди-ю, унга қизнинг манзилини ҳам, исминини ҳам ёзмади. Ромеш Оннода-бабунинг хизматкорлари уни яхши кўришини биларди. Чунки Ромеш Хемнолинининг атрофидаги инсонларга ҳурмат ва эътибор билан қарар, хизматкорларга пул ёхуд кийим ҳадя қилишни қанда қилмасди. Қош қорайганда Ромеш Колутолдаги уйга бориб, Хемнолинини ҳеч бўлмаганда узокдан бир кўриб, сўнгра хизматкорларнинг биридан мактубни унга бериб қўйишни илтимос қилмокчи бўлди. Шу тарика аввалги муҳаббат риштасини абадий узиб ташлашга аҳд қилди.

Оқшом пайти, ҳаяжондан нафаси сиқилиб, таниш тор кўчага юраги бетламайроқ кириб борди. Уйга яқинлашганида қараса,

эшик берк, деразалар ҳам маҳкам ёпилган. Уй бўм-бўш, коп-қоронғи. Шундай бўлса ҳам эшикни тақиллатди. Хизматкор чикди.

— Сукхонмисан? — деб сўради Ромеш.

— Ҳа, мен, жаноб, — деган жавоб эшитилди.

— Хўжайининг қаерда?

— Улар бегим билан тоза ҳавода сайр этиш учун Фарбга жўнаб кетишди.

— Қайси шаҳарга?

— Билмадим, жаноб.

— Улар билан яна бирор киши кетдими?

— Нолинакха-бабу уларга ҳамроҳ бўлди.

— Нолинакха-бабу деганинг ким бўлди?

— Билмадим.

Савол-жавоблардан, Нолинакха-бабу деган ёш йигит сўнгги пайтларда бу уйга тез-тез келиб туриш маълум бўлди. Гарчи Ромеш-бабу Хемнолинининг муҳаббатидан умидини узган бўлса-да, мана шу Нолинакха-бабу деган одамга негадир унча хайрихоҳ бўлмади.

— Бекангизнинг саломатликлари яхшими?

— О, у киши ўзларини жуда бардам ҳис этмоқдалар. Хизматкор Сукхон бу ёкимли хабар Ромешни тинчлантиради, қувонтиради деб ўйлаган эди. Аммо бу фикрнинг нақадар хато эканлиги фақат Яратганнинг ўзига аён.

— Мен болохонага чикмоқчи эдим, — деди Ромеш.

Хизматкор тутаб турган хира чирокни олиб, уни нарвон ёрдамида тепага бошлаб чикди. Ромеш худди арвоҳ сингари хоналарда айланар, баъзан таниш диван ёки курсида андак ўтириб оларди. Нарсалар, анжомлар барчаси илгаригидек ўз жойида, бироқ бу ерда пайдо бўлган Нолинакха-бабу ким бўлди экан? Табиатда бўш ўрин бўлмайди. Мана ўша дераза тоқчаси, бир вақтлар шу ерда Ромеш билан Хемнолини ёнма-ён туриб, икки қалб сўзсиз бир-бирига қўшилган ҳолда, ботаётган куз офтобигина кузатиб турганди. У бундан кейин ҳам шу деразага назар солиб туради. Аммо борди-ю, биров шу ҳолатни қайтадан тиклашни истаб Хемнолини билан дераза олдида турадиган бўлса, нахотки ўтмиш уларнинг орасида девордек қад кўтариб, лабларига панжа босиб, уларни айириб юбормаса? Ромешнинг қалбида аламзадалик пайдо бўлди. Эртасига у Оллоҳободга ҳам тушмай, тўғри Гажипурга қараб кетди.

XXXIV БОБ

Ромеш Калкуттада бир ойга яқин юрди. Камола учун бунча танҳолик ҳазил гап эмасди. Бу вақт оралиғида унинг ҳаётида жуда кўп ўзгаришлар рўй берди. Тонг илк сахар қуёшининг

ўткир нурлари билан бир лаҳзада ёришиб кетгандек, шу қисқа муддатда Камоланинг ҳам уйқудан уйғонган латофати барқ уриб очилиб кетди. Муҳаббатнинг нури ва ҳарорати билан Камоланинг қалбини илитган Шойложанинг дўст-лиги бўлмаганда, бу латофатнинг барқ уришини узоқ кутишга тўғри келарди.

Бу орада Ромешнинг ҳаяллаётганини кўриб ҳамда Шойложанинг илтимосини рад этолмай, Чокроборти амаки Ромеш ва Камола учун Ганг дарёсининг бўйидан бир уйни ижарага олиб қўйди. Уйнинг шинамрок кўриниши учун баъзи жиҳозларни ҳам кўчириб келди, ховлини тартибга солиш мақсадида бир хизматкор ҳам ёллади.

Узоқ вақт гойиб бўлиб кетганидан кейин, Ромеш Гажиपुरга қайтиб келди, энди унда Камола билан амакининг уйида яшашига эҳтиёж йўқ эди. Шу кундан бошлаб Камола ўз рўзғорига ўзи қарайдиган бўлди.

Уларнинг уйи атрофида бир боғ қилиш учун етарли ер ҳам бор эди. Уйга баланд шису дарахтларининг сояси тушиб турган хиёбондан ўтиб бориларди. Қиш фаслида суви қамайган Ганг дарёси сохилдан анча нарида оқар, шунинг учун уй билан дарё ўртасида зах ер пайдо бўлганди. Дехқонлар бу ерга буғдой сепишар, баъзан жойларини қовун, тарвуз полизига ҳам айлан-тиришарди. Уйнинг дарёга қараган жануб томонида, азим ним дарахтининг тагига омонатгина қилиб айвон ҳам қурилганди.

Уй узоқ вақт бўш турган, ҳовли бутунлай қаровсиз қолган, боғда тузукрок дарахт ҳам йўқ, хоналар ахлатга тўла эди. Аммо бу ташландик жой Камолага жуда ёқиб қолди. Ниҳоят, ўз уйининг бекаси бўлиш завқи билан тўлиб-тошган Камолага ундаги барча нарса гўзал бўлиб кўринарди. У қайси хонада нималар жойлашишини, ховлига қандай дарахтлар ўтқозишни аллақачон ўйлаб қўйганди.

Амаки билан маслаҳатлашиб, ховлининг бир қарич ерини ҳам зое кетмайдиган қилиб режа тузди. Ошхонадаги ўчоқнинг қурилишини ўзи кузатиб, қурилишга керакли тузатишлар киритди. Унинг шодлиги булоқдек қайнарди. Кун бўйи уйда супуриб-сидириш, ювиш, йиғиштиришдан бўшамди.

Аёл кишининг гўзаллиги фақат уй ишидагина очилиб намоён бўлади. Ромеш Камоланинг ҳаракатларини кузатаркан, назарида у, гўё қафасдан озод этилган қушдек эди. Ромеш ҳайрат ва завққа тўлиб, унинг ёруғ чехраси билан лобар ҳаракатларига маҳлиё бўлди. У ҳозирга қадар Камолани бу ҳолатда кўрмаганди, қизнинг янги мавкеи, унинг уй бекаси бўлиши, гўзаллигига қандайдир улуғворлик бағишлаганди.

— Сен нима қиляпсан Камола? Чарчаб коласан, ахир! — деди Ромеш унга яқинлашиб.

Камола бир лаҳзага ишини тўхтатиб, бошини кўтарди-да, Ромешга нафис табассум қилиб:

— Наҳотки шунга ҳам чарчасам, ҳеч нарса қилмайди! — деди.

Ромешнинг ғамхўрлигини ўз иши учун мактов деб билиб, шу ондаёқ зўр ғайрат билан яна ишга киришиб кетди.

Юраги ҳаприққан Ромеш унга яқинлашиш учун яна баҳона топди.

— Бирор нарса едингми Камола? — деди у кизга.

— Ҳа, бўлмасам-чи! Аллақачон нонушта қилганман.

Ромешнинг бундан хабари бор эди, шундай бўлса-да бирор йўл билан унга ўз илтифотини ифода қилишга ҳаракат қилаётганди. Ҳа, бундай саволлар Камолага ёкмасди деб бўлмасди.

Гапнинг индаллосини қўлдан чиқармаслик учун Ромеш яна унга мурожаат қилди:

— Нега ҳамма ишни ўзинг қиялсан? Кел, мен ҳам ёрдамлашиб юборай!

Ишчан одамларда бир нуқсон бўлади: улар ҳамиша ўзгаларнинг қудратига унчалик ишонишмайди. Бошқа биров уларнинг ишига аралашса, албатта ҳамма ишни бузади, деб хайкириб туришади. Шунинг учун Камола кулиб:

— Йўқ, бу сизбоп иш эмас, — деди.

— Биз эркаклар жуда сабрлимиз, — деб жавоб берди Ромеш, — шунинг учун аёлларнинг ҳар қандай камситишларига тоқат қилиб, жим тураверамиз. Мабодо бирор аёл шундай аҳволга тушиб қолгудек бўлса борми, бутун оламини бошига кўтаради. Хўп, ундай бўлса нега амакининг ёрдамини рад қилмадинг, наҳотки бир менгина шундай қобилиятсиз бўлсам?

— Буни сизга тушунтириб беролмайман, лекин ошхонада курум супуришингизни тасаввур қилсам, қулгим келаверади. Бу ерда турманг, қаранг чанг тўзғиб кетди.

Ромеш гапни давом эттиришга уринди:

— Ахир чанг одамларни фарқламайди-ку, у сенга ҳам, менга ҳам ўтира беради-да.

— Мен-ку, ишлаяпман, сизга бекордан-бекорга чанг ютишининг нима хожати бор?

Ромеш хизматкорлар эшитмасин, деб овозини пасайтирди:

— Мен меҳнатни ҳам, бошқа ҳамма нарсани ҳам сен билан бахам кўрсам, дейман, — деди у мулойимлик билан.

Камола лоладек қизариб, жавоб бермасдан нари кетди.

— Мана бу ерга яна бир кўза сув сеп, — деди у Умешга, — кўрмаяпсанми, ахлат тўлиб кетибди! Супургини олиб бер! — деб яна жадалроқ ишга киришди.

Камоланинг ер супуришини кўриб, Ромеш бесаранжомлик билан яна гап қотди:

— Менга қара Камола, шу ишни қўйсанг-чи?

Бирданига ордидан овоз эшитилди:

— Бу ишнинг нимаси ёмон экан, Ромеш-бабу? Сиз инглизча одатга ўрганиб қолгансиз, тенглик ҳақида тинмай сафсата сотишга

тайёрсиз. Агар уй супуриш тубанлик хисобланса, у холда нега хизматкорларнинг бу иш билан шуғулланишига йўл қўйилади? Мен, эхтимол тентакдирман, бироқ бу борада фикримни сўранг-чи, мен сизга жавоб берай: ғайратли кизнинг қўлидаги супургининг хар бир новдаси, назаримда гўзаллик ва поклик тимсолидир. Ховлингдаги ахлатхонани тозалаб бўлаёздим, она кизим, — деб давом этди Чокроборти амаки, — энди менга қаерга, қандай сабзавотлар экишимни кўрсатишинг керак.

— Андак сабр қилинг, амаки, — деди Камола, — мен шу хонани супуриб бўлай.

Уйни супуриб бўлгач, Камола сарисининг бир четини бошига ташлаб, амаки билан бирга бокка чикди. Уйчан киёфада туриб, қаерга сабзавот экиш тўғрисида мулоҳаза юрита бошлади.

Иш-ташвиш билан бўлиб, дарров кеч хам кирди, бироқ уй хали тўла тартибга келтирилмаганди. У узок вақт хувиллаб ётган, эшиклари така-тақ беркитиб ташланганди. Шунинг учун кўчиб киришдан аввал бир неча кунгача ювиб, тозалаб, хонани шамоллатиш зарур эди.

Кечқурун улар яна амакининг уйига қайтиб келишди. Бугунги кун Ромешни жуда хафа қилди. У, кечқурун ўша сокин уйда, чирокнинг ёруғида ўтириб, хаё билан жилмайиб турувчи Камолага мухаббат изҳор қиламан деб кун бўйи хаёл сурган эди. Энди бўлса, кўчиб келишнинг яна бир неча кунга сурилишини кўриб, судга ишга кириш учун Оллохободга жўнади.

XXXV БОБ

Эртаси куни Камола Шойложани ўзининг янги уйига меҳмонга таклиф қилди. Ёш жувон Бипиннинг қорнини тўйдириб ишга жўнатгач, дугонасининг уйига кетди. Камола қистайвергач, амаки хам йўк деёлмай мактабда болаларни озод қилиб, бугун ишдан барвақт бўшади. Аёллар ним дарахтининг остида масалликларни ёйиб, Умешнинг ёрдами билан таом тайёрлай бошлашди.

Таом тайёр бўлиб, ҳамма еб бўлгач, амаки жиндек мизғиб олиш учун уйга кириб кетди. Дугоналар эса салқинда ўтириб, ўзларининг гапларини давом эттирдилар.

Қишнинг қуёшли кунида дарё бўйида, салқин жойда давом этган ширин суҳбат Камолага шундай ором бахшида этдики, унинг барча ташвишлари, гўё фазода парвоз этиб булутсиз тиниқ осмонда нуқтадеккина бўлиб кўринган қузғун сингари узок-узокларга учиб кетди.

Хали кеч кирмай туриб, Шойложа бирдан бесаранжом бўлиб, уйга кетишга ҳозирлана бошлади — эри ишдан қайтиши керак эди.

— Опа, нахотки бир кунга одатингизни тарк этолмасангиз? — деб сўради Камола.

Шойложа жавоб бермади, сал жилмайиб, кўлини Камоланинг иягига теккизди-да, йўқ дегандек бош чайқади. Сўнгра уйга кириб отасини уйғотиб, уйга кетяпман, деди.

— Юринг, бирга кетамиз, азизам, — деди амаки Камолага қараб.

— Йўқ, — деди Камола, — мен бу ердаги баъзи ишларни саранжомлаб, кечроқ бораман.

Амаки Камоланинг олдида эски хизматкори билан Умешни қолдирди-да, ўзи эса Шойложага ҳамроҳ бўлди. Унинг ҳам бу ерда баъзи ишлари бор эди, шунинг учун тезда қайтиб келишга ваъда берди.

Камола барча юмушларини кун ботмасданок битириб қўйди. Сўнгра қалин рўмолга яхшилаб ўранди-да, боққа чикиб азим бир дарахтнинг тагига ўтирди. Узоқларда, ғарб томонда, қора ёғоч устунларини кўкка қаратган елканли кемалар сузар, баланд кирғоқлар ортида қуёш ботиб борарди.

Умеш астагина Камоланинг ёнига келди.

— Опа, кўпдан бери пон чайнаганингиз йўқ. Амакимникидан чиқишда жиндек олган эдим, — деб қоғозга ўралган понни Камолага узатди.

Камола, ниҳоят ўзига келиб атрофга қараса, қош қорайиб қолибди. У дарров ўрнидан турди.

— Опа, Чокроборти амаки сизга извош юборибдилар, — деди Умеш.

Ҳамма нарса саранжом бўлдими, йўқми деб, Камола кетиш олдидан яна уйга кириб хоналарни айланиб чиқди.

Катта меҳмонхонага ҳар эҳтимолга қарши печка қурилганди. Печка устидаги тош тахтада чироқ ёниқ турарди. Камола пон ўралган қоғозни шу тахтага қўйиб, кетиш олдидан хонага яна бир кўз югуртирди. Бирдан қоғозда Ромешнинг кўли билан ёзилган ўз исмини кўриб қолди.

— Сен бу қоғозни қаердан олдинг? — деди у Умешга.

— Ромеш-бабу ётган хонанинг бир бурчагида гижимланиб ётган экан, уйни супураётганимда топиб олдим.

Камола бирор сўзни қолдирмасликка тиришиб, ўқий бошлади. Бу Ромешнинг Хемнолинига ёзган хати эди. У бу хатни паришонхотирлик билан тушириб қолдириб, батамом унутиб юборганди. Камола хатни охиригача ўқиб чиқди.

— Нега жим бўлиб қолдингиз, опа, — деди Умеш. — Ахир қоронғи тушиб қолди-ку!

Жавоб бўлмади.

Умеш Камоланинг юзига қараб чўчиб кетди.

— Эшитяпсизми, опа? Уйга кетамиз, аллақачон қоронғи бўлди.

Бирок киз қимир этмади. Охири, амакининг хизматкори келиб, извош кўпдан кутиб турибди, кетадиган вақт бўлди, деб оғохлантирганидан кейингина ўрнидан турди.

XXXVI БОБ

— Бетобмисиз, синглим? Бошингиз оғрияптими? — деб сўради Шойложа.

— Йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ, — деб жавоб берди Камола. — Нега амаким кўринмайдилар?

— Мактабда таътил, онам уни опамни кўриб келгани Олдохободга юборди, опам бир неча кундан бери бетоб.

— Улар қачон қайтадилар?

— У ерда бир ҳафтадан ортик турмасалар керак. Сиз уй билан овора бўлиб, жуда чарчабсиз, чоғи. Юзингиздан сезилиб турибди. Тезроқ овқатланиб, барвактроқ ётиб ухланг.

Энг яхшиси ҳаммасини Шойложага айтиб бериш эди, бироқ Камола бунга ботинмади. Бошқа кимга бўлса ҳам майли, лекин Шойложага эмас; шунча вақтдан буён эрим деб юрган кишиси, ҳақиқатда бегона бўлиб чикқанини дугонасига айтишга зарурат йўқдек эди.

Ётоқхонанинг эшигини беркитиб, чирокнинг ёруғида хатни яна қайтадан ўқиди. Хатда исм ва манзил бўлмаса-да, Ромеш уйланмокчи бўлган кизга ёзилгани ва Камола туфайли ундан ажралгани аниқ эди. Ромеш у қизни бутун қалбидан севганини яширмагани, бироқ бахтсиз бир ходиса туфайли унга учраган ёлғиз кизга шафқат юзасидан, бошқа илож тополмай, севгилисидан абадий воз кечишга жазм этганди.

Камола Ромешнинг дарё соҳилидаги учрашувдан бошлаб, Гажи-пурда бўлган муомалаларининг маъносини энди англаб етганди.

Шу вақтгача Ромеш уни ўз хотини ҳисобламай, у билан қандай муносабатда бўлишни билмай юрган. Камола эса, унга ўз эридек муносабатда бўлиб, ҳеч гумонсирамай, у билан рўзгор қилишга интилган. Хозир шу ҳақда ўйларкан, номус ўзининг оташин найзасини унинг баданига санчгандек бўлди, бирга яшаган даврларидаги турли хил воқеалар ёдига тушганида, ер ёрилса ерга киргудек эди. Бу номус унинг қалбига доғ солди, бу доғни ювишнинг имкони йўқ эди!

Камола кескин бир ҳаракат билан эшикни очиб бокка чикди. Зим-зиё киш кечаси, ҳаво сарин ва мусаффо, осмонда юлдузлар чарақлаб турибди.

Манго дарахтлари қорайиб, ваҳимали кўринарди. Камоланинг фикрлари чувалашиб кетди. У майсазорда хайкалдек қотиб ўтирарди. Кўзларида бирор томчи ёш йўқ.

Шу аҳволда қанча ўтиргани маълум эмас, аммо бирдан бутун вужудига совук таъсир этганини сезиб, сесканди.

Вакт алламаҳал бўлиб, ярим ойнинг заиф нури хомуш пальмира¹ ўрмони тепасидаги қоронғи осмонни ёритганида, Камола базўр ўрнидан туриб, ётоқхонасига қараб юрди.

Камола эрта билан кўзини очганида, ёнида Шойложани кўрди. Кун тиккага келибди шекилли деб, хижолатда туриб ўтириб олди.

— Турманг синглим, яна жиндек ухлаб олинг. Тобингиз қочганга ўхшайди? Қаранг, юзларингиз сўниб, кўзларингиз киртайиб қолибди. Ё бирор ходиса рўй бердими? Нега менга айтмайсиз? — Шойложа кўрпага ўтириб, Камоланинг бўйнидан қучди.

Қиз титраб-қақшаганидан кўкраги кўтарилиб-кўтарилиб турарди; охири ўзини тутолмай юзини Шойложанинг кифтига кўйганида, кўзларидан шашкатор ёш қуйилди. Шойложа бир оғиз сўз айтмай, дугонасини маҳкам қучоқлаб олди. Бир оздан сўнг Камола унинг бағридан чиқди. Ўрнидан туриб, кўзларини артди-да, зўрма-зўраки кулди.

— Кўйинг кулгини, — деди Шойложа, — мен кўп қизларни кўрганман, аммо бунақа сир бермасни учратган эмасман. Мендан бирор сирни яшираман, деб ўйламанг. Индамаслик билан мени алдай олмайсиз! Ҳаммасини ўзим айтиб берайми? Ромеш-бабу Оллоҳободдан сизга бирорта мактуб ёзмади, мана шундан диққатсиз! Аммо билиб қўйингки, у иш билан кетган, икки кундан кейин қайтиб келади. Нега энди бекордан-бекор хафа бўласиз, ахир вақтни қискартиш унинг ихтиёрида эмас-ку! Бас қилинг! Мен-ку, синглим, ҳозир сизга шунчалик оқилона маслаҳатлар бериб турибман, аммо ўрнингизда бўлсам, ўзим ҳам худди шундай бўлардим! Ахир, биз аёллар доим беҳудага йиғлайвераимиз. Мана қаранг, кўз ёшларингиз қуриди, кулдингиз ҳам. Келинг бу ҳақда энди ўйламанг!

Шойложа Камолани ўзига тортиб, яна сўради:

— Тўғриси айтинг, ҳозир уни сира кечирмайман деб ўйлаяпсиз, шундайми?

— Шундай, шундай, топдингиз.

— Ҳа, албатта, мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Хўп, буёғи нима бўларкин, кўрамиз!

Камола билан суҳбатлашиб бўлгач, Шойложа дарров отасига мактуб ёзди.

«Камола Ромеш-бабудан мактуб олмани учун жуда қайғурмоқда, боёқиш бегона шаҳарда ёлғиз, у эса доим сафарда, бунинг устига мактуб ҳам ёзмайди, бу Камола учун қанчалик оғирлигини бир ўйлаб кўринг! Нахотки Оллоҳободда унинг ишлари хануз битмаган бўлса? Албатта, иш кўп вақтни талаб этади, бироқ бир-иккита мактуб ёзиш учун озгина вақт ажратиш нахотки шунчалар қийин бўлса!»

¹ *Пальмира* — пальма дарахтининг бир тури.

Амаки Ромешни учратиб, унга Шойложанинг мактубидан бир неча жумлани ўкиб, яхшигина койиб берди.

Ромеш Камолага каттиқ кўнгил қўйганди, бу эса унинг бекарорлигини янада оширди; ана шу бекарорлик унинг Оллоҳободдан жўнашини ҳам пайсалга солишга мажбур этганди, бунинг устига амаки унга Шойложанинг мактубини ўкиб берди.

У Камоланинг жуда зерикканини, лекин бу ҳақда ёзишга уялётганини фахмлади.

Камоланинг севишини билиб, Ромеш иккиланишдан тўхтади. Энди у фақат ўзини эмас, кизнинг ҳам бахт-саодатини ўйлаши керак эди. Парвардигори олам дарё ўртасидаги қумлоқ оролчада уларни шунчаки учраштирамай, балки қалбларини ҳам бирлаштирган экан. Ромеш шу ҳақда ўйлаб, дарҳол Камолага мактуб ёзишга ўтирди.

«Севгилим! Бу хил мурожаатни мактубларга хос сўзамоллик, деб ўйлама. Агар сени чиндан ҳам қалбим билан севганимни ҳис этмаганимда, бундай деб атамаган бўлардим. Агар қачонлардир мендан гумонсираган бўлсанг ёхуд дилингга озор етказган бўлсам, энди сидкидилдан севгилим деб аташим шубҳаларингни таркатиб, изтиробдан халос этгай.

Дарвоқе, бу ҳақда ёзишга арзирмикан. Хозирга қадар кўплаб қилмишларим сени ранжитган эди. Агар яна мени койсанг, ўзимни оқлаб ўтирмай, энди сен мен учун севимлисан, дунёда сендан қимматлироқ бошқа ҳеч кимим йўқ, деб айтаман, холос. Агар бу сўзлар мендан кўрган ноҳақ озор ва ғуссаларингни нутишга ёрдам беролмаса, у ҳолда менга сира тасалли йўқ.

Камола, сени севгилим деб аташ орқали шубҳалар билан хиралашган ўтмишимизга абадий чек қўйиб, келажакда фақат сени севишга аҳд қилдим. Бир нарсани ўтинаман: ишон, сен менга ҳар нарсадан азиз ва мўътабарсан. Агар бунга чин юракдан ишонсанг, у ҳолда мендан суриштириб, шубҳаланиб юрмайсан! Муҳаббатингга сазоворманми, деб сўрашга асло ботинолмайман. Ҳа, бунга сўрашга ҳам хожат йўқ, зеро бир кун келиб икки қалбдан ҳамоҳанг садо чиқишига аминман. Бунга сенга бўлган меҳрим айтиб турибди. Мен ўзига бино қўядиганлардан эмасманки, муҳаббатингга муносибман десам, наҳотки бу ёлворишларим жавобсиз қолса? Биламан, бу хат сенга галати туюлиши мумкин — ўқувчи боланинг иншосига ўхшайди — истасанг уни йиртиб ташла. Қалбимга ёзилганини қоғозга кўчириб бўлмайди. Ахир ковушмоқ — икки қалбнинг иши, бир киши ёлғиз ўтириб ёзганида, истаган фикрини баён қилолмайди, тўғриси оҳангни топиш ҳам қийин кечади.

Ўргамизда тўлиқ ҳамжиҳатлик ва ишонч ҳосил бўлгандагина, сенга ҳақиқий мактуб ёза оламан. Барча эшиклар ланг очиб қўйилгандагина, шамол тўсикка учрамай уйдан ғир-ғир ўтиб туради. Камола, азизам, қачон юрагингнинг қулфини оча оламан?

Буларнинг барчаси аста-секин, вақти-соати билан амалга ошади, ховлиқиш — ҳамма ишни барбод қилиши мумкин. Мен, бу хатни олган кунинг эртасига етиб бораман. Мени янги уйимизда кутиб олишингни истардим.

Биз узоқ вақт бошпанасиз яшадик, мен ортик кута олмайман. Бу сафар ўз уйимга бораман, қалбимнинг султони шу уйнинг эгаси бўлсайди, дейман. Бу бизнинг иккинчи «назари-бахайр»имиз бўлади.

Биринчиси ёдингдами — ойдin кеча, дарё соҳили, кимсасиз қумлоқ... На том, на девор, на хешу ақрабо, на ёру дўстлар, биз уйдан анча йироқда эдик. Шунда бу тушдек, саробдек кўринган эди. Шунинг учун чинакам «назари-бахайр»имизнинг роҳатбахш бир тонгда, ўз хонадонимизда бўлишига муштоқман.

Уйимизнинг остонасида, тонгги қуёшнинг шуъласида майин жилмайиб турганингни кўрсам, сени бир умр қалбимда асрар эдим. Ана шу онни зўр эхтирос ва сабрсизлик билан кутаман.

Севгилим! Қалбинг дарвозаси олдида меҳмон каби мунтазирман, мени қувмагин!

Мархаматинг умидида — Ромеш».

XXXVII БОБ

Шойложа Камоланинг бир оз ғамгин кўнглини кўтариш учун сўради:

- Сиз бугун уйингизга бормайсизми?
- Йўқ, энди у ерга боришнинг хожати йўқ.
- Уйни йиғиштириб бўлдингизми?
- Ҳа, опа, ҳаммаси битди.

Бир оздан сўнг Шойложа яна унинг ёнига кирди:

- Сизга бир нарса берсам, суюнчисига нима оламан?
- Менда ҳеч нарса йўқ, опа.
- Ҳеч нарса-я?
- Ҳа.

Шойложа кизнинг юзига охиста уриб қўйди.

— Ҳа, ҳа, биламан, сиз бор-йўғингизни бир инсонга бағишлагансиз, шундайми? Йўқса, мана бунга нима дейсиз? — У чўнтагидан мактуб олди.

Конвертда Ромешнинг имзосини кўриб Камола сурпдек оқариб, юзини ўгирди.

— Мағрурлик шунча-да, сиз уни роса намоиш қилдингиз! Билиб турибман, қандай қилиб мактубни қўлимдан тезроқ юлиб олишни ўйлаяпсиз. Бироқ бир жилмайиб қўймасангиз уни ҳечам бермайман! Қараб туринг, шу сўзимнинг уддасидан чикмасам!

Шу пайтда совуннинг қутичасини илга боғлаб, судраганча «Хола! Хола!» — деб кичкириб Уми югуриб келди.

Камола дарров уни кўтариб, ўпиб, ётоғига олиб кириб кетди. Кутилмаганда аравачасидан ажралган Уми каттик кичкирди, бироқ Камола уни кўйиб юбормай, юпатиш учун гапга солиб эркалата бошлади.

— Таслим бўлдим, таслим бўлдим, сиз ютдингиз, — деди Шойложа унинг кетидан уйга кириб. — Хўп токатингиз бор экан-да! Мен бунча узоқ кутиб туролмасдим. Мана синглим, олинг, нега мен ўзимни лаънатга колдиришим керак! — Шундай дея у мактубни кўрпага ташлаб, Умини Камоланинг кўлидан олиб, чиқиб кетди.

Камола хатжилдни кўлида анча айлантириб, ниҳоят очишга аҳд килди. Бир неча сатрини кўздан кечирини билан бирданига юзлари кизариб, мактубни ирғитиб юборди. Сўнгра нафратининг дастлабки тугёни пасайгач, мактубни ердан олиб, бошдан охиригача ўкиб чиқди. Мактубдаги баён унга равшанмиди, йўкми — билмайман, аммо кўлида аллақандай харом нарсани ушлаб тургандек туюлди. Ахир, бу бегона бир киши билан рўзгор қуришга чақирик эди! Ромеш буларнинг ҳаммасини аллақачон биларди, энди эса уни таҳқир қиляпти. Гажиपुरга кўчиб келганидан кейин Камола унга шунча меҳрибонлик кўрсатганида, нахотки у бунга эри бўлганим учун эмас, Ромеш бўлганим учун деб ўйладийкин? Эҳтимол у шу фикрдадир, шунинг учун «етим киз»га раҳм қилиб ошикона нома юборган. Бироқ қандай қилиб киз унинг янглишаётганини исбот қила олади? Қайси ёзиқлари учун у бундай номусга қолиб, бадбахт бўлди? Ахир у хаётида ҳеч кимга озор бермаганди-ку! Ромешнинг Ганг бўйидаги уйи, энди кизни ўз қомига тортишга уринаётган аждаҳо эди. Нажот борми! Икки кун аввал Ромешнинг унга бу хил даҳшат солиши қизнинг тушига ҳам кирмаган эди!

Шу пайтда эшикнинг олдида Умеш пайдо бўлиб, охиста йўталиб кўйди. Камоланинг кўрмаганини билиб:

— Опа! — деди секин.

Камола қайрилиб қарагач, Умеш бўйинини қашиб туриб гапирди:

— Сидху-бабу кизининг тўйига Калкуттадан созаңдалар олиб келибди.

— Яхши-ку Умеш, — деди Камола. — Бор, кўриб кела қол.

— Эрта билан сизга гул олиб келайми, опа?

— Йўқ, йўқ, гул керак эмас.

— Умеш, сен томошага боряпсан, мана сенга беш рупия!

Умеш ҳайратда қолди. У беш рупиянинг томошага нима дахли борлигини сира тушунмасди.

— Опа, ё бозордан сизга бирор нарса олиб келайми?

— Йўқ, менга ҳеч нарса керак эмас. Пул ўзингда қолсин, бир кунингга яраб қолади.

Хижолатда қолган Умеш эшик томон йўл олганида, Камола уни яна тўхтатди:

— Умеш, томошага шу кийимда борсанг, одамлар нима дейди?

Умеш, одамлар ундан кўп нарса кутиб, пардозидаги нуксондан кулишини ўйламаган экан, шунинг учун у дхўтисининг¹ кирлигидан ташвиш тортмаган, кўйлакнинг йўқлиги эса парвойига ҳам келмаганди. Камоланинг сўзини эшитиб кулимсираб кўйди.

Камола иккита дхўти чиқариб, Умешга узатди.

— Мана, кийиб ол.

Чиройли ва сербар матони кўриб, Умешнинг калби завкка тўлди, ўзининг беҳад миннатдорлигини ифодалаш учун Камоланинг оёқларига йиқилди; кейин ҳаддан зиёд севинганини яширишга уриниб, юзини буриб чиқиб кетди. У кетганидан сўнг Камола кўз ёшини артиб, деразанинг олдида хомуш туриб колди.

Хонага Шойложа кириб колди.

— Менга мактубни кўрсатасизми, синглим? — деб сўради у. У Камоладан ҳеч нарсани сир тутмасди, шунинг учун Камоладан ҳам сир сақламасликни талаб этишга ҳақли эди.

— Ана, — деди Камола полда ётган мактубни кўрсатиб. «Хали ҳам жаҳл қилиб турса-я» деб ўйлади Шойложа. Кейин мактубни ердан олиб ўқиди. Унда муҳаббат ҳақида кўп гапирилган, бироқ у қандайдир ғалати эди. Эр ҳам хотинига шундай нома ёзадими! Йўқ, жуда ғалати мактуб!

— Эрингиз, эхтимол, роман ёзаётгандир? — деди у Камолага.

«Эр» сўзини эшитган Камоланинг юраги орқага тортди.

— Билмайман.

— Демак, бугун уйингизга борасиз? — деб сўради Шойложа.

Камола ҳа, дегандек бошини қимирлатиб кўйди.

— Мен ҳам сиз билан бориб кечгача ўтириб келмоқчи эдим. Бироқ тўғриси айтсам, ўзим ҳам нима қилишни билмай турибман — бугун бизниқига Норсинха-бабунинг хотини келмоқчи; балки онам сиз билан борар.

— Йўқ, йўқ, — шошилиб гапирди Камола. — У кишини овора қилманг, безовта бўлмасинлар. Хизматкорлар бор-ку.

— Ҳа, яна шахсий соқчингиз, Умеш, — деди кулиб Шойложа. — Демак, кўрқадиган жойингиз йўқ.

Шу вақтда Уми қалам топиб олиб, кўзига кўринган нарсани таталаб, ўзича алланималар деб бидирлади, афтидан, «Мен ўқияпман» деди шекилли. Камола уни бу машқлардан ажратиб кўлига олганида, қизча норозилик билдириб, каттик кичкирди.

— Юр, мен сенга чиройли бир нарса бераман, — деди Камола.

У қизчани уйга олиб кириб, жойига ўтказди-да, меҳр билан эркалата бошлади. Уми ваъда қилинган совғани сўраганида, Камола қутидан бир жуфт олтин билагузук чиқарди. Бундай қимматбаҳо ўйинчокни олиб, Уми беҳад севинди. Камола безакларни

¹ Дхўти — эркак ва аёлларнинг енгил уст кийими.

унинг жажжи билакларига такиб қўйди, қизча жарангловчи билагузуклар билан безалган қўлларини олдинга чўзиб, совгани онасига кўрсатгани югурди. Аммо Шойложа шу захотиёқ совгани тортиб олиб:

– Камоланинг ғалати одатлари бор! Нега ёш болага бунака нарсаларни беради-я! – деди.

Бу адолатсизликка қарши Умининг норозилиги кўкларга етди. Шунда Камола кириб келди.

– Мен бу билагузукларни Умига хадя қилган эдим, опа, – деди у.

– Эсингизни еб қўймадингизми? – деди таажжуб билан Шойложа.

– Йўк, йўк, совгани қайтариб беришингиз яхшимас. Уларни эритиб, Умига маржон ясаттиринг.

– Худо хақи, сиздек исрофгар одамни хали кўрган эмасман, – деб жувон Камолани кучоқлаб олди.

– Энди мен сизларникидан кетаман, опажон, – дея секин гап бошлади Камола. – Мен бу ерда жуда-жуда бахтли яшадим, умримда сира бундай бахтли бўлган эмасдим, – қизнинг кўзларидан ёш оқди.

– Сиз гўё йирок бир ерга кетаётгандек гапиряпсиз, синглим, – деди Шойложа кўз ёшларини аранг тийиб. – Сиз бизникида унчалик хам яйраб яшаганингиз йўк. Аммо, эндиликда барча қийинчиликлар ортда қолиб, ниҳоят, ўз уйингизда энг бахтли бека бўласиз. Мабодо бизлар бориб қолгудек бўлсак, «Булар тезроқ кетсайди!» деб ўйлайдиган бўласиз.

Камола эхтиром билан таъзим қилганидан кейин, Шойложа: – Мен эртага киёмдан кейин сизларникига бораман, – деди.

Камола ҳеч қандай жавоб қайтармади. Ўз уйига келиб, бу ерда Умешни кўрди.

– Сен шу ердамисан? Нега томошага бормадинг? – деб сўради.

– Ахир, сиз бу ерга келмоқчи эдингиз, шунинг учун мен...

– Бу ҳақда ташвиш қилмасанг хам бўлади! Бор, томоша қил, бу ерда Бишон бор-ку.

– Опа, томошанинг вақти ўтди.

– Барибир, тўй доим қизик бўлади. Бор, ажойиб нарсаларни кўрасан.

Умешга узок ялинишнинг кераги йўк эди. У кетишга хозирланганда, бирдан Камола уни тўхтатди:

– Менга қара, амаки қайтса, сен... – У гапини қандай тамомлашни билмай қолди. Умеш оғзини очиб қараб турарди. Бир оз фикрини тўплаб, Камола давом этди: – Эсингда тут, амаки сени яхши кўради. Агар сенга бирор нарса керак бўлса, ўшанинг олдига бориб, мен учун эхтиром билан таъзим қил, хоҳлаган нарсангни сўра, у сенга йўқ демайди. Факат унга эхтиром билан таъзим қилишни унутма.

Умеш нега унга бундай маслаҳат берилаётганини фаҳмламай:
— Сиз айтгандек қиламан опа, — деб чикиб кетди. Бишон чошгоҳда Камолани кўриб:

— Йўл бўлсин, хоним? — деб сўради.

— Ганг дарёсига чўмилгани кетяпман, — деди Камола.

— Кузатиб қўяйми?

— Йўк, уйда қол, — дея Камола унга бир рупия бериб, Ганг дарёсига қараб кетди.

XXXVIII БОБ

Бир кун чошгоҳдан кейин, Оннода-бабу Хемнолини билан чой ичиш учун болохонага чикди. Аммо қиз мехмонхонада ҳам, ётоқхонада ҳам йўк эди. Хизматкордан суриштириб билса, Хемнолини уйдан ҳеч қаякка чикмаган экан. У хавотирланиб томга чикди. Сўниб борувчи киш қуёшининг заиф нурлари узок-узокларга чўзилиб, ажойиб бир тарзда кўриниб турган шаҳар томларини ёритарди. Енгил шабада таъбига тўғри келган жойда шўхлик қилар, Хемнолини эса томда қад кўтарган минорачанинг соясида жимгина ўтирарди.

У, Оннода-бабунинг қандай келиб қолганини ҳам сезмади. Отаси аста келиб елкасини ушлагандагина, чўчиб хижолатдан қизаринди. Қиз ўрнидан туришга улгурмай, Оннода-бабу унинг ёнига ўтирди. Чол бир неча дақиқа хомуш ўтиргач, ниҳоят, оғир бир сўлиш олиб:

— Қани энди ҳозир онанг тирик бўлганида эди, Хем! Мен сенга ҳеч тасалли беролмаяпман, ахир! — деди.

Мехрибонлик билан айтилган бу сўзларни эшитиб, Хемнолини гўё қаттиқ уйкудан уйғонгандек бўлди. У отасига қараб, унинг юзларида чексиз меҳр, ҳамдардлик ва ҳасрат кўланкасини кўрди. Ота боёқиш қисқа муддатда жуда ўзгарган эди! Хемнолинининг кўнглидаги бўрон шиддатига ёлғиз шу ота кўкрак кериб дош бермоқда; қизнинг дардга тўла қалбини даволаш учун жон куйдирмоқда! Қизини юпатиш учун қилган барча ҳаракатларининг беҳуда кетаётганини кўриб, у Хемнолинининг онасини эслади ва ўз меҳрининг наф бермаётганини ўйлаганида, қайғуга тўлган юрагидан оғир бир «ох» отилиб чикди. Мана шуларнинг барчаси гўё яшин шуъласида ёришгандек, Хемнолинининг кўз ўнгида намоён бўлди. Виждон таъналари бир онда уни чуқур ҳаёлот асирлигидан юлиб олди. Гўё зулматда ғойиб бўлган олам янгидан ўзини намоён этди. Хемнолини ўз хатти-ҳаракатидан уялди. У сўнгги пайтда ўзини тамомила чулғаб олган хотиралардан базўр қутулиб, сўради:

— Соғлигингиз дурустми, ота?

Соғлик! Оннода-бабунинг саломатлиги ҳақида қачон гапиришганини кўпдан унутган эди.

— Мен-ку бардамман кизим, бироқ сени холинг мени ташвишга солмоқда.

— Мени ёшимга кирган кишиларга ҳеч нарса бўлмайди. Сени ёшингда тақдирнинг зарбалари саломатликни қақшатиши мумкин. У кизининг елкасини оҳиста силаб қўйди.

— Ота, онам вафот этганларида неча ёшда эдим? — деб сўради Хемнолини.

— Уч яшар эдинг қизим, тўхтовсиз гапирардинг. «Онам қани?» деб сўраганларингни жуда яхши эслайман. Сен бобонгни билмасдинг, у туғилмасингдан аввал вафот этган, шунинг учун мен, онанг отасиникига кетди, деганимда ҳеч нарса тушунмасдинг. Менга фақат ғамгин боқардинг-да, қўлимдан ушлаб, онангни бўш ётоғига етаклардинг. У ердан онангни топиб беришимга ишонардинг, чоғи. Сен отангнинг катта ва кучли эканини билардинг, лекин шу кучли отангнинг ҳаётда ёш боладек тажрибасиз ва ожиз эканини тасаввур ҳам қилолмасдинг. Бугун ҳам шуларни эслаб туриб, ҳаёлимга бир гап келди: бизлар нақадар ожизми! Парвардигори олам ота қалбига меҳр солган бўлса-да, унинг қўли калта — тақдирни ўзгартира олмайди, — Оннода-бабу қўлини кизининг бошига қўйди.

Хемнолини отасининг қалтираб турган қўлларини оҳиста силаб:

— Мен онамни аранг эслайман, — деди. — Хотирамда қолгани, у чошгоҳдан кейин жойида ётиб китоб ўқирди, менга бу сира ҳам ёқмасди, қўлидан китобни тортиб олишга уринардим.

Ота ва киз ўтмиш ҳақидаги хотираларга: Хемнолинининг онаси қанақа эди, у нималарни яхши кўрарди, у вақтда тирикчилик қандай эди каби гапларга берилиб, хатто қуёш ботиб, осмон кечки шафақда арғувон ранг касб этганини ҳам сезмай қолишди. Олағовур Қалкуттанинг ўртасидаги томлардан бирида икки киши — бир чол билан киз ўтирарди, уларни абадий муҳаббат, ота-бола меҳри бир-бирига боғлаган эди. Улар сўниб борувчи кечки осмон шабнам ёшларини тўккунича суҳбатлашиб ўтиришди.

Шу маҳал нарвондан чиқаётган Жогендронинг шарпаси кўринди. Ширин суҳбат шу захоти тўхтаб, икковлари шошилиб ўрниларидан туришди.

— Бу нимаси, Хем бугун одамларни томда кутади? — деб хитоб қилди Жогендро, уларга тикилганича.

Жогендро ҳаяжонда эди. Бу уйни кечаю кундуз тарк этмаётган қайғу-хасрат йигитнинг тоқатини тоқ қилганди. Синглисининг тўйи тўхтаб қолганини изоҳлаганда, у ўртоқларининг орасида тез-тез ўнғайсиз аҳволга тушар, шунинг учун ҳеч қаерда кўрингиси келмасди.

— Хемнолинининг хатти-ҳаракати чегарадан ўтиб кетди, — деди у. — Бу англиз романларига муккасидан кетган кизларга хос жиҳат. «Ромеш мени ташлаб кетди, — деб ўйлайди Хем, —

демак, менинг дилим вайрон бўлиши керак!» Мана шунга ҳаммани ишонтириш учун жон-жаҳди билан уринмоқда. Дарҳақиқат, муҳаббатдан кўнгил қолишини бошдан кечириш каби ғоятда мудхиш ҳолат роман ўқиганларнинг баъзиларигагина насиб этади!

Қизини Жогендронинг аччиқ истехзоларидан химоя қилишга уриниб, Оннода-бабу шошилиб гап бошлади:

— Биз бу ерда Хем билан баъзи нарсаларни гаплашиб олдик, — деди у, гўё кизни гаплашиш учун томга ўзи бошлаб чик-кандек.

— Наҳотки чой ичиб туриб гаплашиб бўлмаса? Сиз ҳар нарсада унинг тарафини оласиз, ота. Агар шундай давом қила берса, мен уйдан чиқиб кетишга мажбур бўламан, — дея шикоят қилди Жогендро.

Шунда Хемнолини бирдан хатосини англаб:

— Ота, сиз ҳали ҳам чой ичганингиз йўқми?

— Ахир чой шоирнинг илҳоми эмаски, ботаётган қуёш нурлари билан бирга кела қолса. Модомики сен томда ўтирар экансан, пиёланинг ўз-ўзидан тўлиб қолмаслигини эслатишга ҳожат йўқ, — истехзо билан танбех берди акаси.

Хемнолини ўзини айбдор ҳисобламасин деб, Оннода-бабу шошиб изоҳ берди:

— Мен бугун чой ичмайман.

— Сизлар нима, таркидунё қилдингларми? — деб сўради Жогендро. — Ундай бўлса, мен нима қилишим керак? Мен ҳаво билан тўймайман-ку!

— Йўқ, таркидунёчиликнинг бунга дахли йўқ. Мен бугун яхши ухломдим, шунинг учун чой ичмаганим маъқул, деб ўйлайман.

Ҳақиқатда эса, Хемнолини билан суҳбат чоғида лиммо-лим чой қуйилган пиёла бир неча бор Оннода-бабунинг хаёлини тортганди, аммо у бирданига туриб кетолмади. Шунча кундан кейин, ниҳоят Хемнолини у билан очилиб-ёзилиб дардлашди; у илгари бугунгидек томда ўтириб самимий ва жиддий суҳбат қилган эмасди. Ҳозир бу суҳбат узилиб қолса, кейин уни давом эттиролмайсан: у хурккан кийикдек қочиб кетади. Шунинг учун Оннода-бабу бугун ўз нафсига бўйсунмади.

Хемнолини отасининг уйқусизлиқни чой ичмаслик билан даволаш ниятида эканига ишонмади.

— Юринг ота, чой ичамиз, — деб таклиф қилди у.

Оннода-бабу дарров уйқусизлигини унутиб, илдам қадам ташлаб чой ичгани кетди.

Оннода-бабу хонага киргани ҳамон Окхойни кўрди-ю, яна бесаранжом бўлди: «Эндигина Хем бир оз тинчигандек бўлганди, Окхойни кўриб яна диққати ошади, — деб ўйлади у. — Аммо энди нима ҳам қилиб бўлади». Унинг кетидан Хемнолини ҳам кириб келди. Уни кўриб Окхой сапчиб ўрнидан турди.

— Жоген, мен кетаман, — деди у.

Хемнолини уни тўхтатди:

— Йўл бўлсин Окхой-бабу, нахотки зарур ишингиз бўлса? Биз билан бир пиёла чой ичинг.

Хемнолинининг бундай мурувватидан барча таажжубда қолди. Окхой қайта ўтираркан:

— Мен яқиндагина икки пиёла чой ичиб олгандим, агар илтифот қилсангиз, бажонидил яна ичаман, — деди.

— Гап чой ичишга келганда, сизга сира ҳам ялинишга тўғри келмаганди, — дея қулди Хемнолини.

— Парвардигор мени шундай қилиб яратган, агар бирор зарурат бўлмаса, яхши нарсани асло рад қилмайман.

— Ундай бўлса дуо қилай, яхши нарсалар ҳам сендан сабаб-сиз юз ўгирмасин, — деди Жоген.

Нихоят, Оннода-бабунинг уйида яна бамайлихотир суҳбат бошланди. Одатда Хемнолини секин қуларди, аммо бугун унинг хандон уриши баъзан суҳбатдошларининг овозларини босиб кетди.

— Окхой-бабу бевафолик қилди ота, — деди Хемнолини тегишиб, — у кўпдан буён сиз берган хаб дориларни ичмай қўйди, аммо шунга қарамай анча бардам. Ҳеч бўлмаса сизга ҳурмат юзасидан унинг боши оғриши керак эди.

Оннода-бабу хоҳолаб қулди. Яқин кишилари унинг дори қутчасига қизиқишларини, оилада осойишталик тикланишининг нишонаси ҳисоблаб, юрагини босиб турган оғирлик йўқолгандек бўлди.

— Билиб турибман, сизлар у кишининг матонатини синдирмоқчи бўляпсизлар, — деди у, — дориларимга талабгор биргина Окхой эди, уни ҳам мендан тортиб олмоқчи бўляпсизлар!

— Хотиржам бўлинг, Оннода-бабу, — деди Окхой, — мени ўзгартириш жуда қийин.

— Демак, сен худди сохта пулга ўхшайсан, уни майдалашни истаган киши, албатта полицияга тушали, — деб қўшиб қўйди Жоген.

Оннода-бабунинг уйида бўлган бу қувноқ суҳбат, сўнгги қунлардаги дилсиёхликни тарқатиб юборди.

Агар Хемнолини сочини тарашни бахона қилиб, кетишга уринмаганида, бурунги чойхўрлик узоқ чўзилган бўларди. Окхой ҳам қандайдир зарур бир ишни эслаб, шошилиб чиқиб кетди.

— Ота, — деди шунда Жогендро, — тезда Хемнолинининг тўйини бошлаб юборинг.

Оннода-бабу таажжуб билан унга қаради.

— Биласизми, — деб давом этди Жогендро, — жамоат орасида унинг Ромеш билан тўйи бўлмаганига доир ғийбатлар юрибди, шу сабабдан мен кўпчилик билан жанжаллашиб қоляпман. Уларга бутун ҳақиқатни очиқ айтолганимда, низолашишга ҳожат ҳам

қолмасди. Бирок, Хем туфайли мен оғиз очолмаяпман — бинобарин муштлашишга тўғри келяпти. Бир куни Окхолнинг бўлмағур гап тарқатиб юрганини эшитиб, унинг таъзирини бериб қўйишга тўғри келди. Агар Хем турмушга чикса, ғийбатлар тўхтаб, мен эртадан кечгача енг шимариб, ҳамма билан муштлашиб юрмаган бўлардим. Менинг сўзларимга хўп денг, ортиқ хаялламанг.

— Аммо уни кимга узатамиз, Жоген?

— Бизда фақат биргина киши бор. Шунча воқеа, бунча гапу сўзлардан кейин Хемга яхши куёв топиш қийин масала. Биргина Окхой қолди, уни ҳеч бир йўл билан эсанкиратиб бўлмайди: унга ҳаб дорини ют десангиз ютади, уйлан деб таклиф қилсангиз, уйланади!

— Эсингни еб қўйибсан, Жоген. Ахир Хем унга тегишга рози бўладими?

— Агар менга халақит бермасангиз, ундан розилик олишни ўз зиммамга оламан.

— Йўк, йўк, Жоген. — кўрқиб хитоб қилди Оннода-бабу. — Сен Хемни билмайсан. Кўрқитиш, мажбур қилиш билан унинг фақат кўнглини қолдирасан, холос. Яна бир неча кун қўйиб бер, бир оз ўзига келсин. У боёқиш анча изтироб чекди. Тўй бўлса қочмас.

— Мен уни ранжитмайман, унга озор бермай, эҳтиёт қилиб, осонлик билан барча ишни ўз ўрнига қўйишим мумкин. Нахотки, сиз мени фақат уришади деб гумон қилсангиз?

Жогендро бесабр одам эди. Ўша куни кечкурун Хемнолини эндигина сочларини ўриб, хонасидан чиқиши билан у кизни чакириб:

— Хем, биз гаплашиб олишимиз керак, — деди.

Хемнолинининг юраги «шув» этди. Қиз акасининг кетидан меҳмонхонага кириб, курсига ўтирди.

— Отамизнинг саломатлиги ёмонлашиб бораётганини сезяпсанми, Хем? — деб гап бошлади Жогендро.

Хемнолинининг юзига бесаранжомлик соя солса-да, лекин ҳеч нима демади.

— Мен демокчиманки, агар тезроқ бир чора кўрмасак, отам оғир бетоб бўлиб қолиши мумкин.

Хемнолини отасининг бетоблиги учун масъулият ўзининг зиммасига тушишини биларди. У бошини эгиб, сарисининг этагини бураб ўтирди.

— Энди ўтган ишга салават, — давом этди Жоген. — Сен ўтмишни қанчалик кўп қўмсаганг — бизга шунча оғир. Агар отам хотиржам бўлсин десанг, бу кўнгилсиз воқеа ҳақидаги хотираларга тезроқ барҳам беришинг керак. — Шу гапларни айтиб Жогендро Хемнолинига қаради.

— Хотиржам бўлинг, мен ҳеч қачон отамга бу ҳақда гапирмайман, — деди Хемнолини хижолатомуз.

– Сен-ку, албатта гапирмайсан-а, бироқ элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди.

– Мен нима қила оламан?

– Гап-сўзларни тўхтатишнинг фақат биргина чораси бор.

Жогендронинг ниятини пайкаб, Хемнолини шошиб қолди:

– Отамни маълум бир вақтга ғарбга олиб кетсак яхши бўларди. Биз қайтиб келгунимизча гап-сўзлар ҳам тўхтайти.

– Бу ҳам қутилган натижани бермайди. Сенинг мусибатдан батамом қутулганингга тўла ишонч ҳосил қилмай, отамнинг кўнгли таскин топмайди.

Хемнолинининг кўзлари жикқа ёшга тўлди, лекин у дарров кўзини артиб, сўради:

– Ундай бўлса, айтинг-чи, мен қандай йўл тутишим керак?

– Сенга эшитиш қанчалик оғир бўлмасин, агар ҳамманинг бахтли бўлишини истасанг, фурсатни бой бермай турмушга чиқишинг керак.

Хемнолини хайкалдек қотиб қолди. Аммо Жогендро жавоб қутишни ҳам истамай, хитоб қилди:

– Сиз кизлар, ўз хаёлингизда зумраддан сарой қуришни яхши кўрасиз. Бир сенда эмас, кўп кизларнинг тўйида шундай кўнгилисизликлар рўй беради. Бироқ охири ҳаммаси ўз жойига тушиб кетади. Агар ҳар бир уйда китобдан олинган воқеаларга қараб иш тугилганида, ҳаётда тоқат қилиб бўлмай қоларди! Муносиб бир кишига турмушга чиқиб, бу масхарабозликка тезроқ чек қўй. Эҳтимол, сен кишилар олдида: «Мен таркидунё килдим, энди томда ўтириб само ҳақида мушоҳада қиламан, бу юзсиз хиёнаткорни эслаб, кўнглим меҳробига кўтараман, уни табаррук санаб хурмат билан ёдга оламан!» — деб айтишга уялмассан, биз эса номусдан ўлсак ҳам майли.

Хемнолини бу «масхарабозлик» кишиларга қанчалик ғалати туюлишини жуда яхши биларди, шунинг учун Жогендронинг пичинги унга қаттиқ таъсир қилди.

– Ака, — деди у, — ахир мен таркидунё қилиб, ҳеч қачон турмушга чикмайман, деганим йўқ-ку.

– Агар бундай дейишни истамаган бўлсанг, турмушга чик. Албатта, агар сен самолар ҳукмрони тангри Индрадан бошқа ҳеч қимни севолмайман дейдиган бўлсанг, у ҳолда сенга таркидунё қилишдан ўзга илож йўқ. Дунёда инсон ўзига ёқадиган нарсани жуда оз учратади, нарсалар қандай бўлса, уларни шундайлигича кўра билиш лозим. Менимча, олийжаноблик ҳам шундан иборат.

Қоқ юрагидан яраланган Хемнолини зўрға гапирди:

– Нега менга бундай захархандалик қиялпсиз, ахир сизга муҳаббат ҳақида бирор нарса дедимми?

– Тўғри, гапирганинг йўқ. Бироқ, сенга самимий кўнгили қўйган баъзи дўстларга бесабаб ва адолатсизлик билан унда кўнглим йўқ, деб айтишдан заррача тортинмайсан. Шунга қойил

колишинг керакки, сен учратган кишилар орасида фақат бир одам бор, ана шу хурсандчиликда ҳам, ғам-ғуссада ҳам, ҳурматда ҳам, хўрликда ҳам ҳамиша сенга содик бўлади. Шунинг учун мен уни жуда ҳурмат қиламан. Агар сен учун ўз ҳаётини бағишлагга тайёр эрни хоҳласанг, уни қидириб юришга ҳожат йўқ, борди-ю, сен ҳавойи, баландпарвоз гапларнинг шайдоси бўлсанг...

Хемнолини бирдан туриб кетди.

— Мен билан бу зайлда гаплашишингиз яхши эмас. Отам менга нима амр қилса, кимга турмушга берса — мен унинг хоҳишини бажо келтираман. Агар итоатдан бош тортсам, унда менга «ҳавойи, баландпарвоз гапларнинг шайдоси» деб айтишингиз мумкин.

Жогендро дарҳол юмшади.

— Мени қойима, Хем! Ўзинг биласан, мен ҳаяжонда ўзимни тутолмайман, оғзимга келган гапни гапиравераман. Ахир, биз бирга ўсдик, сенинг қандай одобли эканингни ва отамни қанчалик яхши кўришингни биламан.

Шу сўзларни айтиб, Жогендро Оннода-бабунинг олдида чиқиб кетди. Оннода-бабу ўз хонасида эди. Жогендро Хемнолинига қаттиқ озор бериши мумкин, деган фикр унинг юрагини эзмокда эди; энди бориб ака-сингилнинг суҳбатини тўхтатаман деб турганида, Жогендро пайдо бўлди. Оннода-бабу бир нарса кутгандек унга қаради.

— Хем турмушга чиқишга рози, ота, — деди Жогендро, — эҳтимол, сиз зўрлаб рози қилгандир деб ўйларсиз — асло ундай эмас! Энди сиз унга ўз истагингизни айтинг, у Окхой билан турмуш қуришга қаршилик қилмайди.

— Унга бу ҳақда мен айтишим керакми?

— Унинг ўзи келиб: «Мен Окхойга тегаман» дейдими? Яхши, агар сиз ботинмасангиз, истагингизни унга ўзим етказаман!

— Йўқ, йўқ! — кичкириб юборди Оннода-бабу. — Унга ҳаммасини ўзим айтаман. Бирок, нима учун бунчалик сабрсизлик! Назаримда, яна бир неча кун сабр қилиш керак.

— Йўқ, ота, бу ишни орқага суриш турли хил муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай пайсалга солиш яхши эмас.

Уйда ҳеч ким Жогендронинг матонатига дош беролмасди: у бирор нарсага ёпишса, айтганини қилмагунча қўймайди. Оннода-бабу ичида ундан хайикиб юрарди. Гапни тўхтатиш учун:

— Яхши, мен айтаман, — деб жавоб берди.

— Ҳозир бунинг учун энг қулай вақт, ота. Хем фикрингизни билишни истаб, кутиб ўтирибди. Тезроқ ишни хал этинг.

Оннода-бабу ўйланиб қолди.

— Бунинг ўйланадиган жойи йўқ, — деди Жогендро, — ҳозир Хемнинг олдида чиқинг.

— Сен шу ера қол, Жоген, — деб илтимос қилди Оннода-бабу, — унинг олдида ўзим чиқаман.

— Яхши, мен шу ерда бўламан.

Қоронғи меҳмонхонага кириб, Оннода-бабу кимнингдир шиддат билан курсидан турганини эшитди. Хемнолини йиғламсираган овоз билан:

— Чирок ўчиб қолди ота, мен hozир хизматкорга айтаман, ёкиб келади, — деди.

Оннода-бабу чирокнинг ўчиб қолиш сабабини фаҳмлаб:

— Безовта бўлма она қизим, бизга чирокнинг нима ҳожати бор?

У пайпаслаб, Хемнолининг ёнига бориб ўтирди.

— Сиз саломатлигингиз хақида ўйламай кўйдингиз, ота.

— Бунинг сабаби бор, она қизим! Ўзимни яхши ҳис қилаётганим учун бу ҳақда ташвишланаётганим йўқ. Сен ўзингга эътибор берсанг яхши бўларди, Хем.

Шунда азобланган Хемнолини ортиқ бардош беролмай хайкириб юборди:

— Нега ҳаммангиз бир гапни такрорлайсиз! Бу шафқатсизликку, ота! Мен ҳам бошқаларга ўхшаган одамман. Айтинг-чи, менинг соғлигимга эътиборсизлигим нимадан иборат? Агар сизлар шифо топиш учун қандайдир чора кўришимни зарур деб ҳисоблар экансиз, нега буни рўйи рост айтмайсиз? Бирор марта раъйингизга қарши чикдимми, ота?

Фигон уни ларзага келтирди.

— Хеч қачон, жон қизим, хеч қачон, — деди қизининг ахволидан безовталаниб таъби хира бўлган Оннода-бабу, — сен хеч қачон измимдан чиққан эмассан; ахир, сен она қизим, юрагимда нима бўлса ҳаммасини билиб, ҳамиша хоҳишимга қараб иш тутгансан. Агар дуоларим Парвардигори оламнинг даргоҳида қабул бўлса, у сени бир умрга бахтиёр этажак.

— Мени ҳамиша ўзингиз билан бирга қолишимни хохламай-сизми, ота? — деб сўради Хемнолини.

— Ким айтди хохламайди, деб?

— Акам уйланиб, келин олиб келмагунича, мен сиз билан шу уйда қоламан. Бўлмаса, сизга ким қарайди, ота?

— Бундай дема қизим. Мени парвариш қилинглар деб, сизларни ўзимга боғлаб қўяйми! Мен бунга арзимайман!

— Хона жуда қоронғи, ота, — деди Хем. — Мен чирок олиб келай.

У кўшни хонадан чирок кўтариб чикди:

— Бу дилсиёхликлар сабаб, кўпдан бери кечалари сизга газета ҳам ўқий олмадим, hozир ўқиб берайми?

— Майли қизим, Оннода-бабу ўрнидан туриб, — сен ўтира тур, мен hozир келаман, — деб у Жогендронинг олдига чикди. Ўғлига, бу ҳақда гапиролмадим, бироқ Жогендро: «Хўш, ота? Тўйни гапирдингизми? Нима бўлди?» деб сўраганида, шошилиб: «Ҳа, гапирдим» деб жавоб берди. Оннода-бабу, Жогендро

яна Хемнолинининг кўнглига фулгула солиб қўймасин, деб кўркарди.

— Рози бўлгандир, албатта?

— Ҳа, тахминан.

— Ундай бўлса, мен бориб Окхойга хабар қиламан!

— Йўк, йўк, ҳозир унга ҳеч нарса дема, — кичкирди Оннода-бабу. — Билиб қўй Жоген, бундай ҳаракат ишни бузади. Ҳозир бировга гапиришнинг ҳожати йўк. Эҳтимол биз Ғарбга кетармиз, қайтиб келгач барчасини ўз ўрнига қўямиз.

Жогендро ҳеч нарса демай чикиб кетди. У шарфга ўраниб, шу захотиёк Окхойникига жўнади. Окхой бу вақтда ҳисобга оид бир инглизча китобни берилиб ўқимокда эди.

Жогендро унинг кўлидан китобни тортиб олиб, бир чеккага улоқтирди.

— Буларга ҳали улгурасан, — деди у, — ҳозир, эса тўй куни-ни тайин қил!

— Нималар деяпсан Жоген! — деб хитоб қилди Окхой.

XXXIX БОБ

Эртасига Хемнолини хонасидан чикиб қараса, Оннода-бабу ётоқхонасининг деразаси олдида, оромкурсида хомуш ўтирибди. Унинг хонасидаги жихозлар унчалик кўп эмасди: битта каравот, бурчакда шкаф, деворда марҳума рафикасининг рамкага солинган ранги ўчган сурати, иккинчисида у, ипакдан тўкиган гиламча осиб қўйилган. Шкафда рафикаси ҳаётлик чоғида қутичага солиб қўйган турли хил майда-чўйда ва безакли буюмлари турарди.

Отасининг орқасида тўхтаган Хемнолини, унинг оқарган сочларини қидиргандек бошини мулойимгина силаб:

— Юринг ота, бугун чойни барвактрок ичиб, кейин хонангизга кирамиз, менга ўтмиш хақида ҳикоялар айтиб берасиз. Ҳикояларингизни жуда яхши кўраман ота, — деди.

Сўнги пайтларда Оннода-бабу кизининг кайфиятини дарров илғайдиган бўлиб қолди, ҳозир ҳам Хемнолинининг нима учун чой ичишга ошиқаётганини дарҳол сезди. Ҳадемай чой вақтида Окхой пайдо бўлиши керак, ана шу учрашувдан кочиш учун Хемнолини наридан-бери чой ичиб, отасининг хилват хонасига яширинмокчи. Қиз хибсдаги кийикдек хуркак бўлиб қолди, деган фикр отани кўп кийнар эди.

Пастга тушиб, ҳали чой тайёр бўлмаганини кўргач, у хизматкорига қаҳрини сочди. Хизматкор бугун одатдагидан эртарок чой сўраб қолишди, деб изох беришга беҳуда уринарди. Оннода-бабунинг наздида, барча хизматкорлар ўзларини хўжайиндек тасаввур қилишади, уларни вақтида уйғотиш учун яна махсус одам ёллаш керак.

Бирок хизматкор чойни жуда тез тайёрлаб келди. Одатда Оннода-бабу чойнинг хар бир култумидан лаззатланиб, Хемнолини билан гаплашиб, шошилмай ичарди. Аммо бугун шошма-шошарлик билан пиёласини бўшатиб, чойхўрликни тезроқ тугатишга уринди.

— Бирор жойга шошпасизми, ота? — дея таажжубланиб сўради Хемнолини.

— Йўк, йўк, ўзим шундай, совуқда иссиқ чойни тез-тез ичсанг, яхшигина терлаб, кейин роҳатбахш бардамлик хис этасан. Аммо Оннода-бабу терлашга улгурмай, Жогендро билан Окхой кириб келишди. Бугун Окхойнинг ўзига зўр бир эътибор билан оро бергани сезилиб турарди, кўкракни соатнинг занжири безаган, ўнг кўлида кумуш туткичли хасса, чап кўлида эса кора коғозга ўралган қандайдир китоб. Бугун у одатдаги жойида ўтирмай, курсини Хемнолини томонга суриб, жилмайди:

— Афтидан, соатингиз шошилаётган кўринади?

Хемнолини у томонга қайрилиб ҳам қарамади, саволига жавоб ҳам бермади.

— Хем, она кизим, юр, юқорига чиқамиз, — деди Оннода-бабу. — Қишки кийимларимни офтобга ёйиш керак.

Ахир, офтоб қочмайди-ку, ота, — деди Жогендро, — бунча шошмасангиз? Хем, Окхойга бир пиёла чой куй-чи. Менга ҳам. Албатта, аввал мехмонга.

Окхой кулиб юборди.

— Сизлар бундай фидойиликни ҳеч кўрганмисизлар? Худди жаноб Филипп Сиднейнинг¹ ўзи-я.

Хемнолини унинг сўзига заррача эътибор бермай, икки пиёла чой куйиб, бирини Жогендрога узатди, иккинчисини эса, зарда билан Окхой тарафга суриб қўйиб отасига қаради.

— Хаво исиб кетса, ишлаш кийин бўлади; юр, бора қолайлик, Хем!

— Кийимларни бошка кун курутсангиз ҳам бўлар! — деб кичкирди Жогендро. — Ахир, Окхой келди...

Мана шунда Оннода-бабунинг жиғибийрони чикди:

— Сиз фақат мажбур килишни биласиз! Ўз мақсадингизга эришиш учун одамларни зўрлашнигина ўйлайсиз, оқибатда уларнинг қандай оғир мусибатларга дучор бўлиши билан ишингиз йўк. Мен кўпдан буён индамай, ҳаммасига чидаб келдим, аммо энди — бас! Хем, она кизим, эртадан бошлаб биз юқорида, менинг хонамда чой ичамиз.

Оннода-бабу Хемнолини билан чикиб кетай деб турганида, киз хотиржамлик билан деди:

— Бир оз ўтиринг, ота, ахир мириқиб чой ичганингиз йўк. Окхой-бабу, коғозга ўралган бу сирли нарса нима экан?

¹ *Филипп Сидней* — инглиз шоири (1554–1586), нидерландларнинг мустақиллиги йўлидаги қурашда ҳалок бўлган.

— Бажонидил, бу сирдан вокиф бўлишингиз мумкин, — деб жавоб берди Окхой ва ўралган нарсани Хемнолинига узатди.

Қиз уни очиб, Теннисон шеърларининг чарм муковали тўпламини кўрди. Қизнинг ранги ўчиб кетди. Шундай бир китобни, айнан шундай муковада илгари ҳам ҳады тарикасида олганди. У ҳозир ҳам ётоғидаги ёзув столининг кутиларидан бирида авайлаб сакланмоқда.

Жогендро сал илжайди.

— Сир ҳали батамом очилгани йўқ, — деди у ва китобнинг биринчи саҳифасини очди. Унда: «Шримоти Хемнолинига хурмат нишонаси, Окхойдан» деб ёзилган эди.

Китоб қизнинг қўлидан сирганиб полга тушди. Хемнолини унга қайрилиб ҳам қарамай, Оннода-бабуга мурожаат қилди:

— Кетдик, отажон.

Улар биргалашиб чиқиб кетишди. Жогендронинг кўзлари яшиндек чакнаб:

— Мен бу ерда ортик яшолмайман, бошим окқан томонга кетиб, муаллимлик қиламан, — деди.

— Сен бекорга хафа бўляпсан, дўстим. Мен ўшандаёқ сени хато қилди, деб ўйлаган эдим. Мени хамиша умидвор қилиб юрганинг учун ғоят мутаассирман. Аммо сенга очиғини айтсам, Хемнолини менга ҳеч қачон илтифот қилмайди. Яхшиси, кел дўстим, бу хомтамаликни йиғиштирайлик. Ҳозирги асосий ишинг — уни Ромешни унутишга мажбур этиш.

— Айтишга осон, бироқ қандай қилиб, мана шуни билмоқчиман.

— Гўё дунёда мендан бошқа муносиб йигит йўқдек! Биламан, агар синглингнинг ўрнида бўлганингда, менинг қариндошларимга қачон бўйдоқликдан қутуларкин деб қақшаб, кунларни санаб юришга тўғри келмасди! Нима бўлганда ҳам яхши куёв топмоқ керак, куёв шундай бўлсинки, қиз уни кўрганида, офтобга кийим ёйиш истагида ёниб, қочиб кетмасин.

— Куёвни буюртма билан тайёрлаб бўлмайди.

— Нега дарров қўлингни ювиб қўлтиғингга суртяпсан? Мен куёв топаман, лекин сен ошиқма, йўкса, барча ишни барбод қиласан. Ҳаммадан ҳам, тўй ҳақида гапириб, иккала ёшни чўчитиб қўймаслик керак. Аввало, уларни ўз холига қўй, бир-бирларини яхшилаб ўрганишсин, тўй кунини кечроқ тайинлаш ҳам мумкин.

— Сенинг фикринг жуда ажойиб, бироқ бу куёв ким ўзи?

— Сен у билан таниш эмассан, аммо кўришгансан. Доктор Нолинакха.

— Нолинакха!

— Нега таажжубланыпсан? Унинг «Брахмо Самаж» билан боғлиқ ғийбатларга умуман дахли йўқ. Наҳотки, шундай куёвни кўлдан чиқарсанг?

— Мен куёвларни рад эта олганимда, ҳеч нарсадан ғам емасдим. Бироқ Нолинакха уйланишга рози бўлармикан?

— У бугунок рози бўлади, деб кафиллик беролмайман албатта, лекин кейинчалик нега розилик бермасин? Менга қара Жоген, эртага Нолинакха маъруза ўқийди, сен Хемнолини билан ўша маърузага бор. У зўр нотик, гоьтда сўзамол, хотин-қизнинг кўнглини олиш учун шунинг ўзи кифоя! Аёлларда ақл йўк! Улар гапга аста кулок тутувчи эрнинг нотиклик килувчи эрдан канчалик афзаллигини билишмайди.

— Аммо мен Нолинакха хақида кўп нарса билишни истардим, — деди Жогендро.

— Жоген, агар ундан заррача нуксон топсанг, бу сени безовта қилмасин. Сезилар-сезилмас бир доғ, кучинг етмайдиган қиммат нарсанинг нархини тушириб, қўлинг етадиган қилиб қўяди. Бинобарин, менимча, бу қайтага яхши.

Окхойнинг Нолинакха хақида Жогендрога хикоя қилиб бергани қуйидагича эди:

Нолинакханинг отаси Ражоболлобха Фаридпур вилоятида кичик ер эгаси эди. У ўттиз ёшида «Брахмо Самаж»га киради. Бирок унинг аёли бу динни қабул қилмайди ва эридан мустақил холда ўзининг диний вазифаларини пухталиқ билан бажаришда давом этади. Ражоболлобха бундан завқланмасди, дейиш ортиқча, албатта. Унинг катта йигит бўлиб қолган ўғли Нолинакха ўзининг диний билими ва сўзамоллиги туфайли «Брахмо Самаж»да кўзга кўринарли жойни эгаллади.

Хизмат вазифаси юзасидан бутун Банголияни кезган доктор Нолинакха, ўзининг хулқ-атвори, ишнинг кўзини билиши ва саховатпешалиги билан шуҳрат қозонди.

Кутилмаганда ақлга сиғмайдиган бир ҳодиса рўй берди. Ражоболлобха гўё ақлдан озди-ю, бир бева аёлга уйланмоқчи бўлди. Ҳеч ким уни фикридан қайтаролмади. «Менинг рафикам — аслида менга хотин саналиши мумкин эмас, негаки, у менинг диний эътиқодларимни қўллаб-қувватламайди; шунинг учун мен билан бир дин, бир эътиқодда, бир маслакда бўлган ҳамда кўнглимга ёққан бир аёлга уйланмаслик — беъманилик» дер эди Ражоболлобха ва кўпчиликнинг қаршилигига қарамай, бир бева аёлга уйланди. Шундан кейин Нолинакханинг онаси бу уйни тарк этиб, Банорасга кетишга ҳозирлик кўраётганида, Нолинакха Рангпурда докторлик амалиётини тўхтатиб, у билан бирга қетмоқчи эканини маълум қилди.

— Ўғлим, — дея йиғлаб жавоб берди онаси, — бизнинг динимиз турлича. Нега сен ўзингга ташвиш орттирмоқчисан!

— Орамизда ҳеч қандай ихтилоф бўлмайди, она, — деб жавоб берди Нолинакха. У отаси томонидан рад этилган, ҳақоратланган онасини бахтиёр қилишга аҳд қилиб, у билан бирга Банорасга кетади.

Кунлардан бир кун онаси Нолинакхадан нега уйланмайсан деб сўраганида, у хижолат тортиб:

— Нима ҳожати бор? Бусиз ҳам яхши яшайман-ку, — деб жавоб берди.

Шунда онаси, ўғли у туфайли кўп қурбонликларга рози бўлганини, лекин «Брахмо Самаж» доирасидан четдаги қизга уйланишга хали тайёр эмаслигини англади.

— Мени деб зоҳид бўлишингни асло хохламайман, болам, — деб ҳасрат қилди у Нолинакхага. — Дидингга мос келадиган кизни танла, мен эътироз қилмайман.

Нолинакха бу ҳақда бир неча кун ўйлаб, кейин онасига мурожаат қилди:

— Мен сизга маъқул келадиган бир киз олиб келаман, она. У хамиша хизматингизда бўлиб, амрингиздан бўйин товламайди. Шунни билиб қўйингки, номаъқул ва сизни ранжитадиган одамни мен бу уйга бошлаб келмайман.

Шундан сўнг Нолинакха қаллик қидириб, Банголияга жўнаб кетади.

Мана шу ўринда тарихнинг олтин занжири узилиб қолади. Баъзилар, у бир қишлокка бориб, қандайдир бир етим қизга уйланган, лекин киз тўйдан сўнг дарров вафот этганмиш дейишади, бошқалар эса, бу гапнинг ростлигига гумондалар. Окхой бўлса, Нолинакха тўйнинг охириги дақиқаларида қочиб кетган, деган фикрни илгари суради.

Нима бўлганда ҳам, Окхой бундай деб ўйларди: агар ҳозир Нолинакха ўзи ёқтирган бир қизга уйланишни истаса, онасининг унга монелик қилиши у ёқда турсин, балки қувонади.

Нолинакха Хемнолинидек яхши қалликни қаердан топади? Бунинг устига Хемнолини хушмуомала, агар йигитнинг онасига иззат-эҳтиром кўрсатса, у ҳам ўз навбатида қизга ҳеч ҳам озор бермайди. Буларнинг барини идрок этиш учун Нолинакханинг Хемнолини билан икки кунлик ошналиги кифоя. Бинобарин, Окхой уларни албатта таништириш лозим, деб ҳисоблайди.

XL БОБ

Окхой кетиши билан Жогендро болохонага чиқди. Оннода-бабу билан Хемнолини меҳмонхонада ўтириб суҳбатлашишарди. Жогендро пайдо бўлиши билан Оннода-бабу бир оз уялинқиради. Бугун чой асносида у ўзининг одатдаги мулойимлигини йўқотиб, озгина кизишди, мана шу унга тинчлик бермаётган эди. Шунинг учун у ҳозир ўзгача бир меҳрибонлик билан ўғлига мурожаат қилди:

— Қир, қира қол Жоген, қани биз билан ўтир!

— Сиз уйдан чикмай қолдингиз, ота, — деди Жогендро. — Икки кишининг кун бўйи уйда ўтиришида қандай ҳосият бор?

— Ҳа, биз кўпдан бери уйдан чикмас бўлиб қолдик. Хемнолини бирор жойга боргундек бўлса, дарҳол боши оғрий бошлайди.

— Нега мени айблайсиз, ота? — деди Хемнолини. — Ахир, ўзингиз мени бирон жойга олиб боришни хоҳламайсиз-ку.

Хемнолини кайғу синдиrolмаслигини, атрофидаги барча нарсаларга жуда қизиқиб қарашини исботлашга уринарди.

— Эртага маъруза бор ота, Хемнолини билан ўша маърузага борсангиз бўлмайдими? — деди Жогендро.

Оннода-бабу Хемнолинининг тикилинч, олағовур мажлисларни ёқтирмалигини яхши биларди, шунинг учун жавоб бермай, савол назари билан қизига қаради. Бирок бу гал Хемнолини кутилмаган бир ҳаяжон билан хитоб қилди:

— Маъруза? Ким ўқир экан?

— Доктор Нолинакха, — деди Жогендро.

— Нолинакха? — қайта сўради Оннода-бабу.

— У ажойиб нотик, — давом этди Жогендро. — Бунинг устига унинг ҳаёт тарихини эшитиб, фақат ҳайратда қолиш мумкин. Ана фидойилик! Ана ирода! Бундай одамлар жуда кам учрайди!

Холбуки, икки соат аввал Жогендрога Нолинакха ҳақида маъхум гап-сўзлардан бошқа ҳеч нарса маълум эмасди.

— Жуда соз! Бориб эшитамиз ота, — деди Хемнолини завк билан.

Оннода-бабу қизининг хайрихоҳлигига ишонмади, аммо хурсанд бўлди.

«Агар Хем, гарчи ўз хоҳишига қарши бўлса ҳам, одамларга аралашиб юрса, — деб ўйлади у, — балки тезроқ таскин топар. Кишиларга аралашиб юриш — кайғуга энг яхши малҳамдир».

— Яхши, Жоген, — деди у ўғлига, — эртага биз маъруза тинглагани борамиз. Бирок бизга гапириб бер-чи, Нолинакха ҳақида нималарни биласан? Одамлар орасида у ҳақда турли хил гаплар юради.

Жогендро кўп жаврайдиган кишиларга қарши ғазаб билан гапира бошлади:

— Динни ўзлари учун шунчаки бир одат деб билганлар, яқин кишиларни адолатсизлик билан айблаб, бадном қилиш учун Худо уларни махсус яратган, деб ишонадилар. Дунёда диннинг номидан савдо қилувчилардан кўра, разилроқ ғийбатчини қидириб тополмайсан, — деди у, борган сари алангаланиб.

— Тўғри, Жоген, тўғри, — такрорларди Оннода-бабу ўғлининг жаҳлини тушириш учун. — Яқинларининг нуқсон ва хатоларини муҳокама қилган кишиларнинг акли паст, хулқи расво, юраги тош бўлади.

— Сиз мени кўзда тутяпсизми, ота? — деб сўради Жогендро. — Бирок менда диёнат унча ҳам қаттиқ эмас, ҳозир бировни ҳақорат қилсам, бир ордан сўнг мактайман, агар керак бўлса, ишни мушт билан ҳал қиламан.

— Сенга нима бўлди, Жоген, — ҳаяжонланиб гапирди Оннода-бабу, — нима ақлдан оздингми! Сен ҳақингда гапиряпмиз деб ким айтди? Ахир, мен сени яхши биламан-ку!

Шунда Жогендро Нолинакха хакида, уни кўкларга кўтариб батафсил ҳикоя килди.

— Онасини бахтиёр қилиш учун ўзининг шахсий майлларидан воз кечиб, Банорасга кўчиб келди. Шунинг учун ҳам кўплар у ҳақда ғийбат қилишга тайёрлар. Аммо мен, худди шунинг учун Нолинакхани ҳурмат қиламан. Бунга сен нима дейсан, Хем?

— Фикрингизга тамомила кўшиламан.

— Хем унинг хатти-харакатини маъқуллайди, деб ишонган эдим. Унинг ўзи ҳам отасининг бахти учун ҳар қандай кўргиликка рози бўлишини жуда яхши биламан! — Оннода-бабу меҳр тўла табассум билан кизига қараб қўйди. Хемнолини хижолатдан кизариб, ерга кўз тикди.

ХЛІ БОБ

Хали окшом тушганича йўқ эди, Оннода-бабу билан Хемнолини маърузадан уйга қайтиб келишди.

— Ҳа, мен бугун жуда хузур килдим, — деди Оннода-бабу чойга ўтириб. У бошқа бир оғиз ҳам гапирмай, чуқур ўйга толди.

Қария чойдан кейин Хемнолинининг охиста туриб, хонадан чиқиб кетганини ҳам сезмай қолди.

Бугун мажлисда нутқ сўзлаган Нолинакха ажаб ёш ва гўзал кўринди. Унинг чеҳраси ҳали ҳам ўсмирларникидек лоларанг, шу билан бир вақтда, бутун қиёфасидан чуқур донишмандлик акс этиб турарди.

Нолинакха маърузасининг мавзуси — «Маҳрумият» эди. У дедик, агар биров маҳрумлик жафосини бошдан ўтказмаган экан, демак у бирор нарсага эга ҳам бўлмаган. Риёзат чекмай туриб, маънавий камолотга эришиб бўлмайди; фақат маҳрумлик эвазига топган нарсамизгина қалбимизнинг гавҳари бўла олади. Дунёвий бойлик бизнинг кўз ўнгимизда кулга айланиши мумкин, уни йўқотган одам бахтсиз; бироқ унинг учун йўқотиш — қимматроқ бир нарсани топиш имкониятидир.

Борди-ю, биз бирор нарсадан маҳрум бўлиб, бош эгиб, қўл қовуштириб, итоаткорлик билан: бу инъом — фидойилик инъоми, қайғу ва кўз ёшларим инъоми дея олсак — унда ўткинчи нарсалар абадийлик тусини олади, биз учун одатдаги нарса санамга айланиб, юрагимиз ибодатхонасининг хазинасида абадий сақланиб қолади.

Унинг нутқи Хемнолинига қаттиқ таъсир қилди. Қиз томда, юлдузли осмоннинг гумбази остида қимир этмай ўтирарди. Унинг кўнгли таскин топиб, наздида осмон ҳамда бутун олам қандайдир маъно қасб этгандек эди.

Маърузадан қайтиб келаркан, Жогендро шеригига:

— Зап қуёв топибсан-да, Окхой, бай, бай, бай! — деди. — Аллақандай зоҳид-ку! Гапирганларининг ярмини ҳам тушунганим йўқ.

— Касалига қараб дори ёзиш керак. Хемнолини Ромешнинг ақлу идрокига мафтун. Бу зоҳид ҳам ақли расо йигит, йўкса, у биздек одамларни лол қолдирилмасди. У гапириб турганида Хемнолинининг юз ифодасини кўрдингми?

— Бўлмаса-чи! Албатта! Маърузанинг унга манзур бўлгани аниқ. Бирок, бу кизни нотикка никохлаш осон бўлади, деган гап эмас.

— Сен шу маърузани биздан бирортамиз ўқисак унга ёқарди, деб ўйлайсанми? Наҳотки сен, аёлларни зоҳидларга мойил эканини билмасанг, Жоген? Ҳатто Калидаса¹ ҳам ўз достонида бир зоҳидни деб Уманинг таркидунё қилганини тасвирлаган². Сенга шуни айтиб қўяй, Хемнолинига қандай куёвни топиб келма, у доим уни Ромеш билан таққослаб кўради, бундай қиёсга эса, ҳар ким ҳам бардош беравермайди. Нолинакха бўлса, бошқалардек эмас, уни биров билан таққослаш Хемнолинининг хаёлига ҳам келмайди. Агар сен бирор йигитни Хемнолинининг олдига бошлаб келсанг, у дарров ниятингни билиб, бунга тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатади. Аммо ишонарли бир баҳона билан Нолинакхани бу ерга олиб келолсанг, Хемнолинида ҳеч қандай шубҳа пайдо бўлмайди. Ундан кейин оддий эхтиромдан бир-бирларига гулчамбар тақишларигача — бир қадам.

— Муғамбирликни сира эплолмайман, энг яхшиси ҳамма гапни бирийўла айтиб қўя қолиш. Аммо нима деб айтма, барибир бу куёв менга ёкмади.

— Менга қара, Жоген! Сен ўз хатти-харакатинг билан ҳеч нарсага эришолмайсан. Хамиша қулай шароит бўлавермайди. Эҳ, билмадим, яна қандай йўл билан Хемнолинининг юрагидан Ромешни чиқариш мумкин экан. Бунга зўрлик билан эриша оламан, деб ўйлама. Агар маслаҳатимга кулок тутсанг, ҳаммаси ўз йўлига тушиб кетади.

— Гап шундаки, мен Нолинакхангни тушунмадим, бу хил одамлар билан алоқада бўлишдан чўчийман. Ёмғирдан қутулиб, корга тутилмайлик тагин.

— Дўстим, ҳар ҳолда бир марта куйганингиз учун ўзингиз айбдорсизлар, энди бўлса, соянгдан кўркадиган бўлиб қолибсан. Ахир, Ромеш масаласида сизлар бошдан болалардек соддалик қилдинглар: гўё ёлғончилик унга бегона, шастрни³ билишда у оз бўлмаса иккинчи Шанкарачаря⁴, адабиётда бўлса гўё XIX аср модасида эркакча кийиниб олган Сарасватининг ўзи — Ромеш илк кўришдаёқ менга ёкмаганди. Мен умримда бундай олий

¹ Калидаса — V асрда яшаган машҳур ҳинд шоири ва драматурги.

² Бу ерда Калидасанинг «Кумара Самбхава» («Уруш тангрисининг туғилиши») достони кўзда тутилган.

³ Шастрлар — фалсафа ва бошқа илмларга оид қадимий асарлар.

⁴ Шанкарачаря — (VIII—IX асрлар) — фалсафий асарларни талқин этган машҳур олим.

мақсадли инсонларни кўп кўрганман, бироқ оғиз очишим мумкин эмасди. Сизлар мендек номуносиб, бачкана одам факат улуф кишиларга ҳасад қилишгагина қобил деб ҳисобладингиз. Ҳар нечук, кейин фахмладингизки, улуф кишиларни, яхшиси узоқдан ҳурмат қилмоқ лозим, ўз синглингни ундай кишига турмушга бериш эса хатардан холи эмас. Зеро: «аччикни аччиқ кесади», деган мақолни эслатишга ҳожат бўлмаса керак.

— Менга кара Окхой, минг марта такрорласанг ҳам барибир, Ромешнинг қандай одам эканини илк кўришдаёқ билиб олганингга ишонмайман. Ҳақиқатан, сен уни ёмон кўрардинг. Шунинг учун у нимаики қилса, унга ўқрайиб қарайсан, мен буни сенинг хаддан ташқари зийраклигинг натижаси, деб ҳисоблай олмайман. Гап бундай: қаерда муғамбирлик лозим бўлса, ўзингга ишон, ундай жойда мендан фойда чиқмайди. Умуман, Нолинакха менга сира ҳам ёқмади.

Жогендро билан Окхой Оннода-бабунинг меҳмонхонасига кирганларида, Хемнолинининг бошқа эшикдан чиқиб кетганини кўришди. Улар кўчада келаётганларида киз деразадан қараб турганини Окхой кўрган эди. У кулимсираб, Оннода-бабунинг «пинжига» кирмоқчи бўлиб:

— Нолинакха чин дилдан гапиреди, шунинг учун унинг сўзлари ҳар бир кишининг қалбига тез етиб боради, — деди у ўзига чой қуя туриб.

— Ҳа, истеъдодли одам, — деб қўйди Оннода-бабу.

— У факат истеъдодлигина эмас, — хитоб қилди Окхой, — бунақа олийжаноб одам камдан-кам учрайди.

Гарчи Жогендро у билан тил бириктирган бўлса-да, шу ерга келганда чидаб туролмади.

— Сен олийжанобликдан гапирма, — деди у, — унақа авлиёлардан Худо сақласин!

Ҳолбуки, кечагина у Нолинакханинг олийжаноблигини ошириб мақтаган ва ғийбатчилар билан унинг душманларини ҳақорат қилган эди!

— Уялмайсанми шунақа нарсаларни гапиргани, Жоген! — деди Оннода-бабу. — Майли, баъзан янглишсам ҳам, илк қарашдаёқ яхши кўринган одамлар аслида ҳам шундай деган фикрга тезроқ ишонгим келади. Бироқ, норасо аклимнинг ҳимояси деб, олийжаноб бир кишидан гумонсирашга ҳақим йўқ! Нолинакха-бабу бошқаларнинг сўзини такрорламади, ўз тажрибасидан келиб чиқиб гапирди, бу гаплар менга ҳақиқатдек туюлди. Мунофиқ ҳақиқат нималигини қаёқдан билсин! Ҳақиқат — олтинга ўхшайди, уни сунъий йўл билан яратиш мумкин эмас. Шахсан менинг Нолинакха-бабуга ташаккур изҳор қилгим бор!

— Мен унинг саломатлигидан хавотирдаман, — деди Окхой.

— Қандай, наҳотки касал бўлса?

— Йўк, гап унда эмас: у кечаю кундуз шастр ўқиш ва ибодат қилиш билан ўзига мутлако карамай қўйган.

— Бу жуда ёмон, — деди Оннода-бабу. — Ўз аъзойи баданимизни ҳалок қилишга ҳакимиз йўк, чунки уни биз яратган эмасмиз. Агар у билан кўришиш насиб этса, уни шубҳасиз қувватлантирган бўлардим, негаки, саломатликни асраш учун бир қанча оддий қоидаларга риоя қилиш зарур: биринчидан...

Жоғендронинг тоқати тоқ бўлди:

— Ота, нега сиз бунга бош оғритяпсиз? — Мен бугун Нолинакха-бабуни кўрганимда, саломатлик учун айни мана шу такводор турмуш фойдалироқ экан, деган фикрга келдим! Ҳатто буни ўзимда синаб кўрмоқчиман. Кўрай-чи, нима чиқаркин!

— Йўк, йўк, Жоғен, Окхойнинг айтган гапида жон бор. Қанчадан-қанча машҳур одамлар ёшлигида ҳалок бўлади. Улар ўз саломатликларига эътиборсизлик қилиб, ватанга хавф солишади. Бу сафар ҳам шундай бўлишига йўл қўймаслик керак. Нолинакха сен ўйлагандек эмас, Жоғен. Бу виждонли одам! У ўзини эҳтиёт қилиши керак.

— Мен уни хузурингизга олиб келаман, — деб ваъда қилди Окхой. — Буларнинг барчасини унга тушунтирсангиз жуда яхши бўлади. Имтиҳонлар вақтида менга аллақандай илдизнинг шарбатини берганингиз ёдимда, кишини жуда бардам тутаркан. Ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар учун ундан яхши дорини ўйлаб тополмайсан. Агар Нолинакха-бабуга ҳам ўшандан берсангиз...

Жоғендро ўрнидан сапчиб турди.

— Окхой, мен кетдим! Сен одамни ақлдан оздиришинг мумкин! Қуюшқондан чиқиб кетдинг! — деганича тезда чиқиб кетди.

ХЛН БОБ

Илгари бақувват вақтларида Оннода-бабу ҳам оврўпача, ҳам хиנדча турли хил дориларни ичиб кўрарди, бироқ энди ҳар қандай доридан ихлоси қайтганди. Ҳозир, соғлигининг мазаси бўлмаганида, сиҳатдан гапириш у ёқда турсин, хатто ўзининг касалини яширишга уринарди.

Бугун ўтирган жойида мизғиб қолди. Нарвонда кадам товушларини эшитган Хемнолини тиззасидан каштасини олиб қўйиб, акасидан шовқин солмасликни илтимос қилиш учун эшикка қараб юрди. Қараса, бу ерда Жоғеннинг ёлғиз ўзи эмасди: у билан бирга Нолинакха-бабу ҳам келган эди. Қиз бошқа хонага чиқиб кетмоқчи бўлганида, Жоғен уни тўхтатиб:

— Хем, Нолинакха-бабу келдилар, мен сени таништирмоқчи эдим, — деди.

Хемнолини тўхтаб қолди. Нолинакха унга яқинроқ келиб, бошини қуйи солиб кўришди.

Шу вақтда уйғониб кетган Оннода-бабу:

— Хем! — деб чақирди, қиз унинг олдига бориб, пичирлаб Нолинакха келганини айтди.

Жогендро меҳмон билан хонага кириши хамон, Оннода-бабу шошилиб уларнинг истикболига турди.

— Сизни ўз уйимда кўриш мен учун катта бахтдир, — деди у. — Хем, она кизим, сен қаёқка кетяпсан, ўтир. Нолинакха-бабу, бу менинг кизим Хемнолини. Кеча биз у билан маърузангизни эшитиб, хузур қилдик. Сиз айтгандек: «Нимаики ҳақиқатда бизники бўлса, уни йўқотишимиз мумкин эмас. Нимаики аслида бизники бўлмаса, факат шундангина жуда бўлишимиз мумкин», — ахир бу сўзларда чуқур маъно бор, тўғрими Хем? «Бирор нарса қўлдан чиққанидан кейингина, у бизники ёки бизники эмаслиги равшан бўлади». Сизга бир илтимосим бор, Нолинакха-бабу. Агар тез-тез бизникига кириб суҳбатлашиб турсангиз, жуда миннатдор бўлар эдик. Биз деярли ҳеч қаерга бормаймиз. Шунинг учун қачон келсангиз ҳам, хамиша мени ва кизимни уйдан топасиз.

— Мажлисида турли хил қарашларни гапирганим учун мени жиддий одам деб ўйламанг, — дея жавоб берди Нолинакха уялинқираб турган Хемнолинига қараб. — Талабалар чиқиб сўзланг деб туриб олишди, мен эса одамларнинг илтимосларини сира рад этолмайман. Бирок энди аминманки, улар иккинчи марта маъруза ўқишимни илтимос қилишмайди. Талабалар нутқимнинг тўртдан уч қисмини тушунмаганликларини очиқдан-очиқ айтишди. Сиз ҳам ўша ерда эдингиз, Жоген-бабу. Сабрингиз туғаб, соатга қарашингиз кайфиятимга таъсир қилмади, деб ўйламанг.

— Агар мен бир нарсани тушунмаган бўлсам, бунга норасо ақлим айбдор, бинобарин сиз бундан ташвиш тортмасангиз ҳам бўлади.

— Маълум ёшга боргандагина барча нарсани тушуниш мумкин бўлади, Жоген, — деди Оннода-бабу.

— Менимча, барча нарсани билишга умуман ҳожат йўқ, — деб қўйди Нолинакха.

— Шундай бўлса ҳам Нолинакха-бабу, сизга баъзи нарсаларни айтгим келади, — деди йигитга Оннода-бабу. — Парвардигор маълум бир вазифани адо қилиш учун сиздек кишиларни яратган экан, уларнинг ўз саломатликларига бепарво қарашлари яхши эмас. Бинобарин, ўз бойликларини бировларга бахшида этишга даъват қилинган кимсаларга, агар маблағдан ажралсалар, эҳсон қилиш имкони ҳам йўқолади, деб эслатиб қўйиш керак эди.

— Қачонлардир, мени яхшироқ билиб олгач, мен умуман дунёда ҳеч нарсага лоқайд қарамаслигимга ишонасиз, — деб жавоб берди Нолинакха. — Дунёга бир абгор гадодек қурук қўл билан келдим. Кўп машаққатлар билан бир қанча инсонларнинг

олийжаноблиги сабаб, аста-секин жисмим котди, ақлим ўсди. Бирор нарсага бепарво қарасам ортиқча манманлик қилган бўлардим. Кишининг ўзи ярата олмаган нарсани вайрон қилишга ҳақи йўқ.

— Жуда тўғри. Сиз кеча ўз нутқингизда ҳам шу нарса ҳақида гапирган эдингиз.

— Бўпти, сизлар қолинглар, мени эса ишим бор, кетаман, — деди охири Жогендро.

— Мени афв этинг, Жоген-бабу, — деди Нолинакха, — мен одамларнинг жонига тегадиганлардан эмасман, бунга амин бўлинг. Мен ҳам кетаман. Юринг, мен сизга ҳамроҳ бўлай.

— Йўқ, йўқ, менга эътибор қилманг, шунчаки бир жойда узоқ ўтиролмайман.

Жогендро кетганидан кейин, Оннода-бабу Нолинакхадан қаерда туришини сўради. Нолинакха қулиб юборди.

— Муқим бир жойим бор, деб айтолмайман. Танишларим бисёр, ҳар бири уйига таклиф қилади. Шу тарика бирдан иккинчисига кўчиб юраман. Бу менга ёқади, аммо баъзан, ёлғиз яшашга эҳтиёж ҳам туғилади. Шунинг учун Жоген-бабу, худди сизга қўшни уйни мен учун ижарага олди. Бу маҳалла чиндан ҳам жуда осойишта кўринади.

Оннода-бабу бу хабардан ғоятда қувонганини айтди, бироқ агар у зийракроқ бўлганида, буни эшитган Хемнолинининг юзлари дарддан бир лахзада қандай ўзгарганини сезарди. Ахир бу ерда илгари Ромеш яшаган эди.

Бу орада чой тайёр бўлганини айтишгач, ҳаммалари меҳмонхонага тушишди.

— Хем, она қизим, — деди Оннода-бабу, — Нолинакха-бабуга бир пиёла чой қуй.

— Оннода-бабу, — деди Нолинакха, — мен чой ичмайман.

— Йўғ-э, қўйсангиз-чи Нолинакха-бабу, чой бўлмаса ширинликдан еб ўтиринг.

— Афв этасиз, ичолмайман.

— Ўзингиз шифокорсиз, мен айтмасам ҳам биласизки, тушки таомдан сўнг уч-тўрт соат ўтгач, чойнинг баҳонасида андак иссик сув ичиш ошқозон учун фойдалидир. Албатта, агар одатланмаган бўлсангиз, у ҳолда суюкроқ чой дамлатиш мумкин.

Нолинакха иккиланиб Хемнолинига қаради. Унинг юз ифодасидан чойимиздан ҳазар қияпти деб дарғазаб бўлаётганини фаҳмлади. Шунда, у кизга тикка бокиб, гапира кетди:

— Бу мутлақо сиз ўйлагандек эмас. Мени дастурхонимиздан ҳазар қияпти, деб ўйламанг. Илгари мен доим чой ичардим, ҳа, ҳозир ҳам унинг исини яхши кўраман: чой ичишларингизни кўриб ҳавасим келяпти. Бироқ сизлар, эҳтимол билмассизлар, онам диний урф-одатларга қаттиқ риоя қилади, уни мenden бошқа ҳеч кими йўқ, мен бўлсам имкон борича унга яқин бўлишни истаيمان, шунинг учун чой ичмайман. Аммо сизларнинг

хозир чой ичишдан олаётган ҳузурингизга шерикман, бинобарин меҳмондўстлигингиздан фойдаланяпман.

Дастлабки вақтда Нолинакханинг сўзлари Хемнолинига малол келди. Унга, Нолинакха уларнинг олдида ўзининг ҳақиқий юзини очмай, фақат сўзамоллик пардасига яширинишга уринаётгандек туюлди. Хемнолини бир нарсани тушунмади: илктанишишда Нолинакхага ўз тортинчоклигини енгил анча қийин бўлди, шунинг учун у тез-тез жиддийлашар, бу унинг табиатига мос келмасди. Баъзан у чиндан ҳам ўзи ўйлаган бирор нарса ҳақида сўзлай бошлаганида, гапининг оҳангида қандайдир ғайритабиийлик сезилиб турар, буни унинг ўзи ҳам сезарди. Мана шунинг учун Жогендро токат килолмай кетишга отланганида, у ўзининг сўзларида виждон азобини хис этиб, қочишга уриниб кўрди.

Бироқ Нолинакха онаси ҳақида гапириши билан Хемнолини унга эҳтиром билан қарай бошлади. Она сўзини тилга олиш билан йигитнинг чеҳраси чуқур ва самимий меҳрибонлик оғушида ёришиб кетди. Қизнинг Нолинакха билан яна унинг онаси ҳақида сўзлашгиси келди-ю, бироқ уялди.

— Бундок денг! — деди Оннода-бабу Нолинакханинг изоҳига жавоб беришга шошилиб. — Буни илгарирок билганимда, сизга чой таклиф қилмаган бўлардим. Марҳамат қилиб мени авфу этинг!

— Чой ичмаганим учун мени илтифотингиздан маҳрум қилманг-да, — деди Нолинакха жилмайиб.

Нолинакха кетганидан кейин Хемнолини отаси билан меҳмонхонага чиқди. Қиз унга бангол журналидан бир мақолани ўқий бошлади, бироқ отаси дарров ухлаб қолди. Анчадан бери шундай заифлик аломати унда одатга айланиб қолганди.

XLIII БОБ

Нолинакханинг Оннода-бабу ва унинг кизи билан муносабати қиска муддатда ҳақиқий дўстлик даражасига кўтарилди. Хемнолини авваллари Нолинакха билан фақат чуқур назарий масалалар тўғрисидагина гаплашиш мумкин деб ўйлаб, оддий одамлар сингари ҳаётий мавзуларда суҳбатлашиш мумкинлигини тахмин ҳам қилмаганди. Шундай бўлса-да, хазил-мутойибалар ва қувноқ суҳбатлар вақтида Нолинакха доим қандайдир бегонасираб ўтирарди.

Бир кун Нолинакха Оннода-бабу ва Хемнолини билан суҳбатлашиб ўтирганида, Жоген кириб, хаяжонланиб гапира кетди:

— Ота, «Брахмо Самаж» аъзолари бизни ҳозир Нолинакха-бабунинг шогирдлари, деб атай бошлаганмиш. Шу сабабдан бугун мен Пореш билан жанжаллашиб қолдим.

— Бироқ бунда бизлар учун аттанг дейдиган ҳеч нарса йўқ чамамда, — кулимсираб жавоб берди Оннода-бабу, — агар мен битта ҳам шогирди йўқ, фақат устозлардан иборат бир жамиятда

бўлсам, номус қилардим. Унда насихатгўйларнинг шовқинидан бирор нарса ўрганиш мумкин бўлмай қоларди.

— Мен фикрингизга қўшиламан, Оннода-бабу, — деб қувватлади Нолинакха. — Келинг, шогирдлар жамияти тузиб, билим олиш мумкин бўлган жойни излаймиз.

— Бас, бунда кулгилик ҳеч нарса йўқ, — дея сабрсизланиб гапирди Жогендро. — Сизнинг шогирдингиз деб аталмай, Нолинакха-бабу, ҳеч ким сизга дўст ёки қариндош бўлолмайди. Бундай лақабдан ҳазил билан қутулиб бўлмайди. Бунақа ишларни бас қилинг.

— Тушунтиринг-чи, сиз нимани назарда тутяпсиз? — деб сўради Нолинакха.

— Мен, сиз йога таълимотига амал қилиб, бурнингиз билан нафас олишингизни, кўёшнинг чиқишини тафаккур қилишингизни, турли хил дуо, ибодатларни адо этмай туриб таом емаслигингизни, мана шулар сабаб, сиз одамларнинг гапига қараганда, «филофдан тушиб қолганлар» тоифасидан эканлигингизни эшитдим.

Акасининг кескин ва ножўя қилигидан номус қилиб, Хемнолини бошини эгди. Нолинакха бўлса кулимсираб:

— Албатта, жамиятда филофини йўқотиш жиноят саналади, — деди. Бироқ қилич ҳам, одам ҳам доимо филофнинг ичида туравермайди-ку? Қиличнинг филоф ичида қоладиган қисми хамиша бир хил, фақат дастасигина устанинг хохиши ва санъатига мувофик зийнатланган бўлади. Кишилиқ жамияти филофининг ташқарисида шахснинг ўзига хос фазилатларини зухур этиши учун бир оз ўрин қолиши зарурлигини инкор қилмасиз, ахир! Бироқ мени, ҳаммадан яшириб қилган бу қадар беозор ҳаракатларимни одамларнинг қаердан билишлари ажаблантиради.

— Нахотки билмасангиз, Нолинакха-бабу, оламнинг тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олганлар, бошқаларнинг уйларида нималар содир бўлаётганини аниқлашни ўзларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблашади; улар, ҳатто чала маълумотларни тўлдириш қобилиятига ҳам эгадирлар. Бунингсиз олам камолга эмас, заволга қараб кетган бўларди. Бундан ташқари, Нолинакха-бабу, агар сиз бошқаларга одат бўлмаган бирор ишни қилгудек бўлсангиз уни қанча яширманг, барибир кўришади, холбуки одатий машғулотга ҳеч ким эътибор бермайди. Мана сизга бир мисол: гарчи, у тарбиянгиз ҳақида ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олмаган бўлса-да, сизнинг томдаги машкингизга Хемнолинининг кўзи тушиб, бу ҳақда отамга айтибди.

Хемнолини ғазабдан ёниб, бир нарса демоқчи бўлиб турганида, Нолинакха уни тўхтатди:

— Асло хижолат бўлманг. Сиз, тоза ҳаво олиш учун томга чиқиб, мени тонгги ибодат устида кўргансиз, бунинг учун айбдор эмасиз. Кўзингиз бўлгани учун уялишга ҳожат йўқ. Бу нуқсон ҳаммамизда бор.

— Бунинг устига, — деди Оннода-бабу, — Хем машқларингизга заррача норозилик билдирган эмас, аксинча эхтиром билан сиз адо этаётган ибодатлар ҳақида мендан сўраб, билиб олди.

— Мен буни мутлако тушунмайман! — деди Жогендро. — Мен оддий ҳаёт ва унинг одатдаги ахлокий меъёрларидан юз ўгирмайман, қандайдир махфий диний маросимларни адо этмок афзаллик бағишлайди, деб ҳисобламайман, аксинча бундан инсоннинг руҳи ўз осойишталигини йўқотиб, чегараланиб қолади. Аммо бу сўзлар учун мендан ранжиманг, чунки мен оддий бир одамман, ерда жиндек ўрним бор, холос. Юқорида ўтирганларга тош отишдан ўзга йўл билан етолмайман. Менга ўхшаганларнинг сон-саногни йўқ, бинобарин сиз чексиз юксакликка кўтарилган экансиз, у ҳолда нишон бўлишингиз турган гап.

— Ахир, тош ҳам ҳар хил бўлади: бири нишонга тегади, бошқаси из қолдиради. Агар одам ҳақида, у ақлини еб кўйибди ёки болалик қияпти дейилса, бундан ҳеч ким хафа бўлмайди; аммо бир кишини диёнат йўлига кирибди, насихатгўйлик қияпти, ўз атрофига шогирдлар тўплашга уринмоқда деб айблалса, ҳазил билан қутулиш учун кулгининг ўзи етмай қолади.

— Сиздан яна бир бор илтимос қиламан, мендан хафа бўлманг. Томга чиқиб, хоҳлаган ишингиз билан шуғулланаверинг? Мен фақат шуни айтмоқчиманки, агар бу машқларингиз умум-қабул қилинган чегарадан чиқмаса, у ҳолда гап-сўз ҳам тўхтайти. Мен учун эл қатори иш кўриш маъқулроқ. Чегарадан бир қадам ўтдингми — оломон тўпланади, улар сени ҳақорат қиладими ёхуд сажда қиладими — барибир эмасми? Ҳар ҳолда бу оломоннинг диққат марказида бўлиш, ниҳоятда қўнғилсиз нарса!

— Сиз ўзингизга қарши чикяпсиз, — деди Нолинакха. — Сиз-ку, мени томдан пастга — оддий ҳаётга зўрлаб тушириш тарафдорисиз, хўш, нечун ўзингиз у ердан қочмок истайсиз?

— Менга бугун шуниси ҳам кифоя. Етар! Мен бир айланиб келай! — деди Жогендро.

У кетганидан кейин Хемнолини бошини қуйи солиб, нима учундир дастурхоннинг попуқларига тикилиб қолди. Диққат билан қаралса, унинг киприкларида ёш томчилари титраб турганини кўриш мумкин эди.

Ҳар куни Нолинакха билан суҳбатлашиб юриб, киз ўз маънавий оламининг кашшоқлигини англади, Нолинакханинг йўлидан бориш истагида ёна бошлади. Каттиқ изтироб чекиб юрган даврида на атрофдагилардан, на ўз қалбидан таскин топмай турганида, Нолинакха унинг кўз олдида янги бир дунёни очди. Шундай қилиб уни ҳам такводорлик, ҳам барча диний ибодатларни тўлиқ адо этиш гоёси чулғаб олди. Унга фақат шу йўл билангина ақл мустаҳкам таянчга эга бўладигандек эди. Бундан ташқари, дард-алам фақат руҳий ҳолат бўлиб қололмайди: у ўзини бирор фидокорона риёзатда намоён қилишга ташна

бўлади. Ҳозиргача одамларнинг гап-сўзларидан кўриб, Хемнолини буни қилолмасди, ўз ёғида ўзи ковурилиб юрарди. Эндиликда Нолинакханинг тартиб-интизомларига риоя қилиб, гўштлик таомлардан тийилгач, Хемнолинининг танаси ва рухи ором топди. У ўз ётоғидан барча гилам ва палосларни чиқариб ташлади, ётадиган жойига парда тутди, қолган буюмлар хонадан олиб чиқилди. Ҳар куни унинг ўзи пол ювиб, хонада озгина гул қолдирарди. Ювинганидан кейин ок сари кийиб полда ўтирар, ланг очилган дераза ва эшиклардан офтоб шуъласи хонага бемалол қуюлиб кирар, осмон, шабада ва қуёш нури таъсирида у ўзини гўё янги туғилгандек ҳис этарди. Гарчи Оннода-бабу Хемнолинига гўла қўшилмаси-да, унинг юз ифодасидан, бу хатти-харакатлар кизига қандай руҳий қаноат бағишлаётганини кўриб, жуда хушвақт эди. Энди қачон Нолинакха келса, учовлон Хемнолинининг ётоғида, полга ўтиришиб суҳбатлашишарди.

Буни кўриб Жогендронинг жиғибийрони чиқди:

— Бу нимаси? Сизлар уйни қандайдир ибодатхонага айлантирибсизлар. Менга ўхшаган гунохкор банда учун бу ерда оёқ қўйгудек жой ҳам йўқ.

Агар бу илгари бўлганида Жогендронинг бундай ҳазили Хемнолинининг жаҳлини чиқарарди, Оннода-бабу эса ҳозир ҳам унинг сўзларидан гоҳ-гоҳ қизишиб кетарди, аммо Хемнолини билан Нолинакха йигитга фақат меҳрибон ва самимий табассум билан жавоб беришарди. Қиз ишончли ва мустаҳкам таянч топган бўлиб, ундан уялишни заифлик деб ҳисобларди. Одамлар унинг хатти-харакатидан ярашмаган қилиқ, деб қулишларини Хемнолини биларди. Бироқ Нолинакхага бўлган эхтиром ва ишонч уни бутун оламдан химоя қилар ва одамлар уни ортик ғазаблантирмасди.

Бир куни эрталабки таҳоратдан сўнг, у ибодат қилиб бўлиб, хонасининг деразаси олдида ҳаракатсиз ўтирганида, Оннода-бабу билан Нолинакха кириб келишди. Бу пайтда Хемнолинининг қалбида осойишталик ҳукм сурарди. У аввал Нолинакхага, кейин отасига тиз чўкиб таъзим қилди ва ҳокипойларини кўзига суртди. Нолинакха саросимага тушиб қолди.

— Ҳаяжонланманг, Нолинакха-бабу, — деди Оннода-бабу, — Хем фақат ўз бурчини адо қиляпти, холос.

Нолинакха унинг олдига ҳеч қачон бундай барвақт келмагани, Хемнолини унга савол назари билан боқди.

— Мен Банорасдан ҳабар олдим, онам каттик бетоблар, — деди Нолинакха, — бугун кечки поезд билан уйга кетмоқчиман. Кундузи ишларим кўн бўлгани сабабли, ҳозир сиз билан хайрлашиш учун келдим.

— Нима қилардик, иложимиз йўқ. Худованди карим волидан-гизга шифо берсин, — деди Оннода-бабу, — сўнгги вақтларда бизни шунчалик қўллаганингиз учун сиздан тоабат қарздоримиз.

— Шунга амин бўлингки, мен сизлардан ҳам кўпроқ бахра олдим. Сизлар қўшничилик ҳақи учун лозим бўлган барча ғамхўрликни қилдингиз. Бундан ташқари, сиздаги ишончинг теранлиги, мени узоқ вақтдан бери ўйлантириб келган муҳим масалаларни янгичасига ёритиб берди. Мен ҳаётингизни кузатдим, ана шу кузатиш тафаккур ва ибодатларимнинг бир камсадга йўналишига катта ёрдам берди. Яқин кишиларнинг ҳусну таважжухлари шарофати билан қанчалик тез ва осон муваффақият қозониш мумкинлигини англаб етдим.

— Бу ерда энг ҳайратланарлиси шуки, биз ҳамиша ўзимизга нимадир етишмаётганини хис этиб юрардик, бироқ бизлар учрашмагунча унинг нималигини билмасдик. Энди билсак, бизга сиз етишмаётган экансиз. Ахир, биз деярли уйдан чиқмаймиз, жамоат орасида камдан-кам бўламиз, мажлисларга ҳам ишқибоз эмасмиз. Мен-ку, баъзи-баъзида кўчага чиқиб тураман, Хем-нолинини бўлса, бу ердан бирор ёққа судраб чиқиш жуда мушкул. Аммо ўшанда одатдан ташқари нимадир рўй берди: Жогендан нутқ ирод қилишингизни эшитиб, ўйлаб-нетиб ўтирмай мажлисга қараб равона бўлдик; бундай ҳодиса асло бўлмаган эди десам, ишонаверинг, Нолинакха-бабу! Шундан ўзингиз хулоса чиқарсангиз бўладики, сиз бизга зарур эдингиз, йўқса бундай воқеа рўй бермасди. Тақдирнинг ўзи бизни сизга қарздор қилиб қўйди.

— Мен сизлардан ўзга ҳеч кимсага шахсий ҳаётим ҳақида сўзламаганимни билиб қўйишингизни истардим. Софдилликнинг энг юқори чўққиси — ҳақиқатни очмоқликдан иборатдир. Фақат сизнинг шарофатингиз билан ўз фикрларимни етказа олиш каби муҳим жиҳатимни ривожлантира олдим. Бинобарин шуни унутмангки, мен ҳам сизларга мухтож эдим.

Хемнолини бир оғиз сўз айтмади. У деразадан уйнинг полига тушиб турган қуёш нурларига кўз тикиб, хомуш ўтирарди. Нолинакха кетишга ҳозирланганида, қиз унга:

— Онангизнинг саломатликлари ҳақида бизларни ҳам хабардор қилиб турунг, — деди.

Нолинакха ўрнидан қўзғалгани ҳамон, Хемнолини яна унга эгилиб таъзим қилди.

XLIV БОБ

Сўнги пайтларда Окхой Оннода-бабунинг уйида кўринмай қолганди. Аммо Нолинакха Банорасга кетган куни, у Жогендро билан яна чой вақтида пайдо бўлди. У ўзича, уни, Окхойни кўриш билан Хемнолинининг асабийлашишига қараб, унинг Ромешни қанчалик эслашини белгилаш мумкин бўлади, деб ўйларди. Бугун Окхой Хемнолинининг мутлақо хотиржам эканини кўрди. Окхой кириб келганида қизнинг чехрасида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади.

— Нега сиз кўндан бери кўринмайсиз? — дея меҳрибонлик билан сўради киз.

— Нахотки, мен хар кунни кўришга муносиб одам бўлсам? — деб кўйди Окхой.

— Агар нолойиклар меҳмонга бориш ҳуқуқидан маҳрум бўлганида, аксариятимизга уйдан чикмасликка тўғри келарди, — деди Хемнолини.

— Окхой биргина камтарлик билан эътиборга сазовор бўламан деб ўйлаганди, — гапга қўшилди Жогендро, — Хем бўлса, ундан ҳам ошириб, камтарлик умуман барча одамларга хос эканини кўрсатди. Мен ҳам шу ҳақда баъзи нарсаларни айтиб ўтмоқчиман. Бизга ўхшаш оддий одамлар билан хар кунни кўришиб туриш мумкин, лекин улуф одамлар билан камроқ учрашган маъқул, кўп бўлса хазм қилиш қийин. Шунинг учун улар ўрмон, тоғ ва ёрларда овораи жaxon бўлиб кезиб юрадилар, агар улар инсонлар орасида маскан қуришганида, биз билан Окхойга ўхшаган хокисор одамларга ўрмон ва тоғларга қараб қочишга тўғри келарди.

Хемнолини Жогендро кимни нишонга олганини англади, аммо жавоб қайтармади. У учта пиёлага чой қуйиб, отаси, Окхой ва Жогендронинг олдига қўйди.

— Узинг-чи, чой ичмайсанми? — деб сўради Жогендро. Хемнолини ҳозир дағал гаплар эшитишини биларди. Шундай бўлса ҳам бамайлихотир:

— Йўқ, мен чой ичишни ташладим, — деб жавоб берди.

— Ха, кўриб турибман, бу ерда хақиқий таркидунёчилик бошланган! Эҳтимол, чой япроқларида қувваи зоҳидлик етарли миқдорда эмасдир, зеро бу фақат миробаландагина¹ бўлади. Қандай бахтсизлик! Хем, бас қил бу ишларингни. Бир пиёла чой тақводорлигингни бузса ҳеч нарса қилмайди! Бу оилада чегаралаш узокқа бормайди, ўз кишиларимиз орасида бундай беҳуда ишларга зеб беришнинг ҳожати йўқ.

Шу сўзлар билан Жогендро ўрнидан турди ва бир пиёла чой қуйиб, Хемнолинининг олдига қўйди. Киз пиёлага қўл урмай:

— Нега сиз чой ичмаяпсиз ота, ҳеч нарса емадингиз ҳам? — деди.

Оннода-бабу жавоб бераркан қўллари ва овози қалтирар эди:

— Тўғриси айтганда, она қизим, бугун томоғимдан ҳеч нарса ўтмаяпти. Жогеннинг ножўя қилиқларига индамай сабр қилишга хўп уриндим. Соғлигим шундай бир аҳволдаки, гап бошласам ўзимни тўхтата олмайман, бор гапни айтиб қўяман-да, кейин пушаймон бўламан.

— Жаҳлингиз чиқмасин ота, — деди Хемнолини унинг курсисига яқинлашиб, — акам мени чой билан сийламокчи. Майли, бу мени заррача ранжитмайди. Сиз бирор нарса ейишингиз керак. Мен биламан, қуруқ чой ичган кезларингизда ўзингизни ёмон ҳис

¹ Миробалан — Хиндистонда ўсадиган дарахтнинг меваси.

этасиз. — Хемнолини ликобчани отасининг олдига суриб қўйди. Оннода-бабу истар-истамас таомга қўл урди.

Ўзининг жойига қайтиб келган Хемнолини Жоген куйган чойни ичмоқчи бўлиб турганида, бирдан Окхой сапчиб туриб:

— Афв этасиз, шу пиёлани мен олсам майлими? — деб сўради. — Ўзимникини ичиб бўлдим.

Жогендро Хемнолинининг олдига келиб, қўлидан пиёлани оларкан, Оннода-бабуга мурожаат қилди:

— Мен нотўғри иш қилдим, кечиринг ота.

Оннода-бабу ҳеч нима демади, аммо кўзларидан ёш томди.

Жогендро билан Окхой жимгина чикиб кетишди. Оннода-бабу чойни ичиб, ўрнидан турди-да, Хемнолинининг ёрдами билан оғир кадам ташлаб юкорига чиқди.

Худди шу кечаси Оннода-бабуни каттиқ оғрик тутди. Чакиртирилган доктор уни кўриб, жигари хаста, лекин хавфли эмас, бир йил ёки бир неча ой Фарбда бўлинса, яхши иқлим унинг саломатлигини батамом тиклайди, деди.

Оғрик пасайиб, доктор кетганидан сўнг Оннода-бабу:

— Кизим, қисқа муддатга Банорасга кетамиз, — деди.

Хемнолини ҳам шундай фикрга келган эди. Нолинакха кетганидан сўнг, киз ибодатларни бажаришда аввалги иштиёқининг анча сусайганини хис этди. Нолинакханинг бу ерда бўлиши унга кундалик ибодатларни адо этишда қатъият бағишлагандек эди.

Нолинакханинг юзи қатъий ишонч, вазминлик, осойишталик туйғуси билан ёришиб, Хемнолинини мудом рухлантирарди. Нолинакханинг йўқлигида эса, унинг ғайрати сусаярди. Шунинг учун у ҳозир Нолинакханинг йўл-йўриқларига матонат билан амал қилиб, ибодатларни жуда пухталиқ билан адо этарди. Бироқ оқибатда уни осойишталик ўрнига шундай ноумидлик чулғаб олдики, у кўз ёшларини тийиб туrolмади. Чой вақтида меҳмондўст бўлиб кўринишга уринса-да, юраги сиқилиб кетаварарди. Ўтмиш ҳақидаги хотиралар унинг бутун вужудини чирмаб, қалби нотавон ёлғизликдан дард-алам чекар эди. Шунинг учун Оннода-бабу Банорасга боришни таклиф қилганида, киз шошилиб жавоб берди:

— Жуда яхши бўларди, ота.

Эртасига ота билан қизнинг хатти-ҳаракатини кўриб, Жогендро нима гап, деб сўради.

— Биз Фарбга кетамиз, — деб жавоб берди Оннода-бабу.

— Масалан қаерга?

— Аввал саёҳат қиламиз, кейин қайси жой маъқул келса, ўша ерда дам оламиз.

Жогендрога тўғридан-тўғри, биз Банорасга кетяпмиз, дейишга унинг тили бормади.

— Афсуски, сизлар билан боролмайман, — деди Жогендро. — Мен бош муаллимлик лавозимини сўраб ариза жўнатдим, шунинг жавобини қутяпман.

XLV БОБ

Эртаси куни тонгда Ромеш Оллоҳободдан Гажиपुरга кайтиб келди. Йўлда йўловчилар кам учрарди. Йўл бўйидаги дарахтларнинг япроклари кишининг совуғидан тўнгиб қолгандек жунжикиб турарди. Шахар четида хурпайиб ухлаган оққуш сингари қуюқ туман ястаниб ётарди. Ромеш иссиқ кийимга ўраниб, кимсасиз йўлдан бораркан, бутун йўл бўйи юраги тез-тез уриб турарди.

У извошни уйнинг олдида тўхташиб, ирғиб ерга тушди. Эхтимол, Камола извош келганини эшитиб, айвонга чиққандир, деб ўйлади. Ромеш Оллоҳободдан кимматбаҳо маржон сотиб олган, уни Камоланинг бўйнига ўз қўли билан тақиб қўймоқчи эди. У маржон солинган қутичани пальтосининг ички чўнтагидан чиқарди.

Уйга яқинроқ келиб қараса, Бишон айвонда жимгина ухлаб ётибди, эшиклар берк. Ромешнинг юзиде умидсизлик акс этди.

— Бишон! — деб қаттиқ чақирди у, ичкаридан ҳам бирор кишини уйғотиш умидида. Бирон кишининг уйғонишини узок қутушга тўғри келгани Ромешга малол келди, ахир унинг ўзи ҳам тун бўйи деярли ухламаган эди.

Иккинчи, учинчи чақиришда Бишон уйғонмади. Охири уни туртиб уйғотишга тўғри келди.

— Хоним уйдаими? — деб сўради Ромеш маъносиз назар билан тикилган хизматкордан.

Бишон дастлаб тушунмагандек бўлди, кейин ўзига келиб:

— Ха, ха, у киши уйдлар, — деди мудраб.

Ромешнинг турткисидан эшик ланг очилиб кетди. У кириб, барча хоналарни айланиб чиқди — ҳеч қаерда, ҳеч ким йўқ эди!

— Камола! — деб чақирди у. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. У боққа ҳам кириб, ним дарахтигача бориб келди, ошхона, хизматкорларнинг хонаси, отхонани ҳам қаради, аммо Камолани ҳеч қаердан топмади.

Шу палла қуёш чиқиб, қарғалар қағиллади; бошларига кўза кўтарган бир қанча қизлар кўринди, улар уйнинг ёнидаги тош ховуздан сув олиш учун шошилиб келишарди. Рўпарадан ўз кулбаларида ёрма гуяётган аёлларнинг қўшиқлари эшитиларди.

Ромеш уйга келиб қараса, Бишон боягидек донг қотиб ухлаб ётибди. У эгилиб, бор кучи билан уни силтаб уйғота бошлади. Шундагина Ромеш хизматкордан пальма виносининг хиди келаётганини пайқади.

Бишон зўрға ўзига келиб, бир амаллаб ўрнидан турди.

— Хоним қаерда? — деб сўради Ромеш.

— Ха, уйда йўқмилар? — пўнғиллади Бишон.

— Сен қайси уйни айтяпсан?

— Кеча у киши шу ерга келган эдилар-ку!

— Кейин бирор ёққа кетганмиди?

Бишон оғзини очиб, анқайганича Ромешга тикилиб қолди.

Шу махал эгнига янги кийим кийган, кўзлари кизарган Умеш кўйлагини хилпиратиб келиб қолди.

— Опанг қаерда, Умеш?

— Кеча оқшом шу ерда эдилар.

— Сен қаерда эдинг?

— Кеча кечқурун опам мени Сидху-бабуникига тўйга юборгандилар.

Шу пайт извошчи Ромешга ҳали ҳам кира ҳақини тўламаганини эслатди.

Ромеш яна шу извошга ўтириб дархол амакининг уйига жўнади. Ҳовлига кириб, уйда кий-чув бўлаётганини кўрди. Камола оғриб-нетиб қолмадимикан, деб ўйлади. Аммо кейин билса, кеча қош қорайганидан сўнг Уми бирдан қаттиқ йиғлай бошлаган, жажжи юзлари кўкариб, қўл ва оёқчалари совий бошлаган, бу барчани қаттиқ кўркитиб юборган экан. Ҳамма безовта бўлиб, тун бўйи ҳеч ким мижду қокмабди.

Ромеш Уми оғриб қолгани учун кеча Камола бу ерга қайтиб келган бўлса керак, деб тахмин қилганди. У Бипинга мурожаат қилди:

— Камола, эхтимол қизча туфайли қаттиқ хавотирдадир?

Камоланинг кечқурун келган-келмаганини Бипин ҳам аниқ айтолмади. У ҳам Ромешнинг саволига мужмал жавоб қилди.

— Ҳа, нимасини айтасиз, у Умини жудаям яхши кўради, ахир. Бирок докторнинг айтишича, хавотир қилмаса ҳам бўлади.

Ана шу тўсиқлар туфайли қувноқ антикишлар, ширин хаёллар Ромешни бутунлай тарк этди. Назарида уларнинг учрашувига тақдирнинг ўзи ғов бўлаётгандек эди.

Бу орада Умеш келиб қолди. У Шойложага маъқул келгани учун ичкарига бемалол кира оларди.

Хонага кириб келаётган болани кўргач, Умини уйғотиб юбормасин деб, Шойложа у билан ташқарига чиқди.

— Опам қаерда, хоним?

— «Қаерда» деганинг нимаси, кеча ўзинг у билан нариги уйда қолган эдинг-ку! — деб жавоб берди Шойложа таажжубланиб. — Мен кечроқ бўлса-да, унинг олдига Лочминияни юбормоқчи эдим, бола бетоб бўлиб қолгани учун юборолмадим.

Умешнинг юзидан табассум қочди.

— Мен уларни уйдан тополмадим, — деди у.

— Нималар деяпсан? — ваҳима билан қичқирди Шойложа. — Бу кеча ўзинг қаерда эдинг?

— Опам уйда қолишимга ижозат бермадилар. Сидху-бабуникига томошага юбордилар.

— Ҳа, сен гапга қирадиган боласан! Бишон қаерда эди?

— Бишон ҳам ҳеч нарса билмайди, у кеча жуда кўп ичиб қўйибди.

— Югур, дарров ҳўжайинни чақир!

Бипиннинг ранги ўчиб кетди.

Бипин кириши билан Шойложа унга ташланди:

– Бахтсизлик рўй берибди, хабарингиз борми?

– Йўқ, нима гап? – ҳаяжон билан сўради у.

– Камола кеча кечқурун уйига кетганди, бугун у ерда йўқ эмиш.

– У кеча кечқурун бу ёққа келгани йўқми?

– Йўқ! Уми оғриганида мен унга одам юбормоқчи эдим, ҳеч кимни тополмадим. Ромеш-бабу келдимми?

– Ха, у Камолани тополмай, эхтимол бу ердадир деб, бизникига келибди.

– Дарров у билан бирга Камолани кидириш учун жўнанг! Уми ухляпти, у анча соғайиб қолди.

Ромешнинг извошига ўтириб, йигитлар яна нариги уйга қайтиб боришди. Кўп кидириб-суриштиргандан сўнг, қуйидагиларни аниқлашди: кеча кечқурун Камола ёлғиз ўзи Гаиғ бўйига қараб кетган экан. Бишон уни кузатиб қўймоқчи бўлганида, қиз унамай, унга бир рупия бериб, уйга қайтарибди. Бишон боғ эшигининг олдига ўтирганида кўзада пальма vinosини кўтариб майфурӯш келибди. Бундан кейин оламда нималар содир бўлганидан Бишон мутлақо беҳабар. У Камоланинг қайси йўлдан кетганини кўрсата оларди, холос.

Ромеш, Бипин ва Умеш далалар оралаб чўзилиб кетган, шудрингдан ҳўл сўқмоқ йўл бўйлаб Камолани кидириб кетишди. Умеш боласи ўғирланган йиртқич хайвондек чор атрофга бесаранжом аланглар эди. Дарё бўйидаги қумлоққа чикиб бирдан тўхташди. Бу ерда ҳам ҳеч кимни учратишмади. Чикиб келаётган куёшнинг заррин нурларида кулранг шағаллар ялтираб кўринарди. Аммо бирор жон эгаси йўқ эди!

– Опа, қаердасиз, опа?! – дея ҳуноб бўлиб кичкирди Умеш, бироқ қаршидаги соҳилдан акс садогина эшитилди, холос!

Умеш кидиришни давом эттириб, узокдаги саёзликда бир ок шарпани кўриб қолди. Югуриб бориб сув бўйида, дастрўмолга ўралган калитларни топиб олди. «Нима экан?» деб кичкирганича, унинг олдига Ромеш ҳам югуриб келди, келди-ю, Камоланинг калитларини дарров таниди. Калитлар ташлаб қўйилган қумлоқда кичкина оёқнинг чуқур излари қолган эди. Излар дарё бўйига бориб ғойиб бўлганди. Умешнинг ўткир кўзлари саёз сувда ярқираб турган аллақандай букумни кўриб қолди. Бола уни дархол сувдан олди. Қарашса, жажжигина олтин тўғноғич – бу Ромешнинг совғаси эди!

Барча излар дарёга олиб борарди. Умеш ўзини тутолмай, «Опа, опажон!» дея фарёд қилиб, ўзини сувга ташлади. Бу ер саёз эди. У девонадек, қўл-оёғи билан типирчилаб сувни лойқалатиб юборди.

Ромеш донг қотиб турарди.

— Нима қиялпсан, Умеш! — деб жеркиб берди Бипин. — Чик сувдан!

Аммо Умеш яна бошини сувга тикиб қичқирди:

— Мен кетмайман, бу ердан кетмайман! Опажон, мени ташлаб кетмас эдингиз-ку!

Бипин қаттиқ кўрқиб кетди. Бирок Умеш балиқдек сузар, унинг чўкиб кетиши қийин эди. У узок вақт сувни шониллатиб, ниҳоят холдан тойди, қирғоққа чиқиб йиқилди-да, қумда юмалаб йиғлаб бошлади.

— Кетамиз, Ромеш-бабу, — деди Бипин донг қотиб турган Ромешнинг елкасига қўлини тегизиб. — Бу ерда туришдан фойда йўқ. — Уни излаш учун полицияга хабар бериш керак.

Шу куни Шойложанинг уйида таом ҳам ейилмади, туни билан уйқу ҳам бўлмади. Уйни йиғи-сиги босиб кетди. Балиқчилар қайиқда дарёнинг узок ерларигача кезиб чиқишди. Полиция ҳам қидира бошлади. Станциядан олинган маълумотларга кўра, кеча бирорта ҳам бангол аёли поездга чиқмаган.

Кечки пайт Чокроборти амаки келди. Камоланинг охириги бир неча кунги хатти-харакати хақидаги хикояни диққат билан эшитганидан сўнг, қизнинг ўзини дарёга ташлаганига ишонди-қўйди.

— Шунинг учун кеча Уми кўп йиғлабди, сезган экан-да, гўдак, — деди Лочминия. — Боладан жинларни қокиб ташлаш керак.

Ромешнинг юраги тошдек қотди, хатто кўзларида ёш ҳам йўқ эди.

«Мен Камолани Гангдан топган эдим, Пужа байрамида Гангга ҳада қилиб келтирилган тоза чечакдек яна дарёда ғойиб бўлди», деб ўйлади у.

Куёш ботгач, Ромеш яна дарё бўйига келди. Қалит шодаси ётган жойда тўхтаб, қумдаги оёқ изларига назар солди, сўнгра кавушини ечиб, дхўтисининг этакларини кўтариб сувга кирди. Сотиб олган маржонини ғилофдан чиқариб, дарёнинг ўртасига улоқтириб юборди.

Ромешнинг Гажипурдан қачон кетганини амакининг уйида ҳеч ким сезмай қолди.

XI.VI БОБ

Ромешнинг назарида, энди унга на иш, на муқим турадиган жой қолганди.

У Хемнолинини буткул ўйламай қўйди деб айтиш мумкин эмасди, аммо у ҳақдаги фикрларни хаёлидан қувар эди. «Қўқисдан ёпирилган зарба мени бу дунё учун бутунлай нолойиқ қилиб қўйди, — деб ўйлади у. — Яшин қулатган дарахтга яшнаб турган бўстонда ўрин йўқ!»

Ромеш бирон ерда бир кундан ортиқ туrolмай, саёхат кила бошлади. Қайикда сузиб, Банорас соҳилларининг кўркам манзараларига махлиё бўлди; Дехлида Қутб минорасига чикди. Ойдин кечада Аградаги Тож Маҳални бориб томоша килди. Амритсардаги олтин ибодатхонага зиёратга борди. Бу ердан Ражпутандаги Абу тоғи чўккисига қурилган ибодатхонани кўришга жўнади. Шундай қилиб, унинг на танида, на жонида фароғат бор эди.

Нихоят сафарлардан хорган йигитнинг кўнгли уйни каттик кўмсай бошлади. Ўтмишда уйларида кечирган осойишта ҳаёт ва мустақил рўзгор қуриш ҳақидаги ширин хаёллар уни сира тарк этмасди. Шу тариқа ўз мусибатларини унутиш учун бошлаган сайр-саёхатлари бирдан тамом бўлди: чуқур хўрсиниш олиб энгил торгач, Калкуттага чипта олиб поездга ўтирди.

Калкуттага келиб, дарров таниш тор кўчага киришга юраги бетламади, у ерда уни нима кутаётгани номаълум эди! Жиддий бир ўзгариш бўлиш хавфи унга каттик азоб берарди. Бир куни у тор кўча бурчагига келиб яна ортига қайтди. Эртасига кечкурун дадиллик билан таниш уйга яқинлашди. Эшик ва деразалар берк эди, — хўжайинларнинг уйда эканини билдирувчи ҳеч бир аломат кўринмади. Нима бўлганда ҳам Сукхон уйни пойлаб тургандир, деган умид билан хизматкорни чакириб, эшикни тақиллатди, — ҳеч ким жавоб бермади.

Чондромохон деган кўшни, уйининг олдида чубук тортиб ўтирган экан. У Ромешни кўриб шошиб қолди:

— Кўзларимга ишонмайман! Нахотки Ромеш? Хўш, аҳволларингиз қалай? Оннода-бабунинг уйда ҳозир ҳеч ким йўқ.

— Сиз уларнинг қаёққа кетишганини билмайсизми?

— Аниқ айтолмайман, эшитишимча, Фарбга кетишган.

— Кимлар кетишди?

— Оннода-бабу қизи билан.

— Улар билан бошқа ҳеч ким йўқлигини яхши биласизми?

— Албатта! Мен уларни кетаётган вақтларида кўрдим.

Шунда Ромеш ўзини тийиб туrolмади:

— Бир дўстим менга, улар билан Нолинакха-бабу деган бир жаноб ҳам кетди, деб айтди-ку.

— Сизга нотўғри маълумот беришибди. Тўғри, Нолинакха-бабу бир муддат сизнинг уйингизда яшади, бироқ Оннода-бабу сафарга чиқишдан икки-уч кун муқаддам у Банорасга жўнаб кетди.

Шунда Ромеш Чондромохондан Нолинакха-бабу ҳақида суриштира бошлади. Унинг тўлиқ исми Нолинакха Чоттопадхайя экан. У илгари Рангпурда ишлаган, ҳозир эса онаси билан Банорасда тураркан, дейишади. Бир оз хомушликдан сўнг Ромеш Чондромохондан Жогеннинг ҳозир қаерда эканини сўради.

Чондромохон, Жогендро Майменсингда бир ер эгаси томонидан очилган мактабда бош муаллимлик лавозимига тайинланиб, Бишайпурга кетганини хабар қилди.

— Негадир сиз кўпдан буён кўринмайсиз, Ромеш-бабу, — деб ўз навбатида Чондромохон ҳам суриштира бошлади, — бу орада қаерларда бўлдингиз?

Ромешга энди сир сақлашнинг ҳожати йўқ эди, шунинг учун Гажипурда ишладим деб жавоб берди.

— Ҳозир яна ўша ёкка кетмоқчимисиз?

— Йўқ, мен у ерда озгина яшадим. Энди қаёкка бориш хақида аниқ бир фикрга келганим йўқ.

Ромеш кетгач, бир оздан кейин Окхой келди. Жоген кетиш олдидан ундан, уйни яхши пойласинлар, текшириб тур, деб илтимос қилганди. Окхой ўзига топширилган вазифага ҳеч қачон бепарво қарамас эди, шунинг учун у, Оннода-бабу қолдириб кетган икки қоровул жойидами, йўқми деб вақт-вақти билан бу ерга келиб турарди.

— Ҳозиргина Ромеш-бабу шу ерда эди, — деб хабар берди Окхойга Чондромохон.

— Йўғ-э?! Нега келибди?

— Билмайман, лекин у Оннода-бабуни хўп суриштирди. Ўзини анча олдириб қўйибди, ҳадеганда таниш ҳам қийин. Агар хизматкорни чақирмаганида, уни танимасдим.

— У ҳозир қаерда экан, сўрамадингизми?

— Гажипурда экан, ҳозир у ердан кетибди, аммо қаерга жойлашишини ҳал этгани йўқ.

Окхой бир нималарни гўнғиллаб, яна ўз ишларига шўнғиб кетди.

«Тақдир шунчалик ҳам мудҳиш ҳазил қилиши мумкин экан! — деб ўйлади Ромеш уйига қайтиб. — Бир томондан Камолага дуч келишим, иккинчи томондан — Хемнолинининг Нолинакха билан учрашуви, — буларнинг барчаси романга ўхшайди, ғоятда расво ёзилган роман. Бунчалик чалқаш воқеани ўйлашга тақдир каби довюрак романчигина қодир. Ҳаётда шундай ғайритабиий воқеалар рўй берадики, юраксиз ёзувчи уни, ҳатто ҳаёлий роман тарзида ҳам тасаввур қилолмайди».

Аммо Ромеш ўз ҳаётини чигаллаштирган муаммолар занжиридан умрбод озод бўлганига ва тақдир бу мураккаб романнинг сўнгги бобида унга унчалик шафқатсиз бўлмаслигига ишонарди.

Жогендро Бишайпурда маҳаллий ер эгасининг идорасига яқин бир жойдан қичкина уй олиб, ўша ерда яшарди. Бир куни эрталаб газета ўқиб ўтирганида, бир киши унга мактуб бериб кетди. Хатжиллдаги имзони кўриб, Жогендро таажжубдан донг қотиб қолди. У мактубни очди, — дарҳақиқат бу мактуб Ромешга тегишли эди. У мактубда Жогендрони Бишайпурдаги

бокқоллик дўқонида кутиб турганини, у билан муҳим бир масала ҳақида гаплашиб олмоқчилигини ёзганди.

Жогендро салчиб ўрнидан турди. Рост, у бир марта Ромешга дағаллик қилган эди, бироқ у болалик чоғидан буён унинг дўсти-ку, Жогендронинг ўзи ҳам бу узок жойда қўлдан бери ёру дўстлар суҳбатидан маҳрум. У Ромешнинг илтимосини рад қилолмасди. Дўстини кўриш қувончидан ташқари, янгиликларни билиш ҳам қизик. Энг муҳими — бу ерда Хемнолини йўқ, бинобарин Ромешнинг келиши ҳеч қандай ҳавф туғдирмасди.

Ҳат ташувчига қўшилиб, Жогендро Ромешни қидириб кетди. У Ромешни керосин идишининг устида ўтирган ҳолда кўрди. Дўқондор брахманлар учун махсус сақлаган чубуғини Ромешга таклиф қилди, бироқ кўзойнакли жанобнинг чекмаслигини эшитиб, уни шаҳарда кам учрайдиганлар тоифасига қўшди. Шундан кейин суҳбатни давом эттиришга ҳар икки томон ҳам уринмай қўйди.

Жогендро дўқонга ўқдек отилиб кириб, Ромешнинг қўлидан ушлади.

— Хўп феълинг бор-да! — гапира кетди у. — Сени нима қилса бўлади-а. Ҳалиям ўша қатъиятсизлик. Тўппа-тўғри меникига бормаيسانми ахир, ярим йўлда, бокқоллик дўқонида ковурилган гуручнинг хушбўй хидига масту аласт бўлиб ўтирибсан-а!

Довдираб қолган Ромеш сал жилмайиб қўйди, холос. Жогендро йўл-йўлакай тўхтовсиз жаврарди.

— Худованди каримнинг хоҳишини билиб бўлмайди! — деди у. — Парвардигор қамоли марҳамати ила мени шаҳарлик қилиб яратибди, наҳотки энди, у мени умримнинг охириги кунларигача шу мудхиш қишлоқчада кўмиб юборса.

— Нега, бу ёмон жой эмас-ку, — деди Ромеш теваракка назар солиб.

— Сен бу билан нима демоқчисан?

— Бу ерда одам кам...

— Худди шунинг учун ҳам бу ерни яна бир одамдан, яъни ўзимдан халос этиб, уни янада холироқ қилиш истаги менга ором бермаяпти.

— Ҳар нечук, агар гап рухий ором ҳақида бўлса...

— Илтимос, шу ҳақда гапирма! Бир вақтлар мен бу ерда «рухий оромдан» бўғилиб ўлаёздим, бу оромни бузиш учун бирор тасодифни қўлдан чиқармасликка бор кучим билан уринаман. Мана энди заминдорнинг мирзаси билан можаро бошланди. Мен жаноб заминдорни ўз хулким билан шундай яхши таништирдимки, энди у менга ўз таъсирини ўтказишга эҳтиёт бўлар, деб ўйлайман. Уни инглиз газеталарида макташимни истарди, аммо мен унга жуда очик ва равшан қилиб, бу ҳақда мустақил фикрим бор дедим. Бу ерда ҳозирча қилмишларимга чидаб туришибди, лекин бу менинг хизматим эмас, албатта. Мен

бу ерлик судьяга маъкул келиб қолдим — ўшандан ҳайкиб, заминдор мени ишдан бўшатмай турибди. Бир кун келиб судьяни бошқа жойга тайинлашса, муаллимлик куёшимнинг Бишайпур уфқида ботгани шу бўлади. Ҳозирча бирдан-бир суҳбатдошим Панч деган ит. Бошқаларнинг кўз қарашларини эса илтифот, деб аташга ҳожат ҳам йўқ.

Ниҳоят улар Жогендронинг уйига етиб келишди, Ромеш курсига ўтирди.

— Йўқ-йўқ, шошма, — деди Жоген. — Мен эрталаб таҳорат қиладиган бемаза одатинг борлигини биламан. Бор ювиниб кел. Унгача мен чой қайнатиб қўяман. Шу бахонада мен ҳам иккинчи марта чой ичиб оламан.

Емак, суҳбат ва ҳордик билан кеч кирди, бутун кун давомида Жогендро Ромешга унинг бу ерга келишига сабаб бўлган муҳим иш тўғрисида оғиз очиргани кўймади. Қош қорайганида, кечки овқатдан сўнг, улар чирок ёритиб турган столга яқинроқ ўтиришди. қаердадир чиябўри улий бошлади, ташқарида чигирткалар тинмай чириллар эди. Ниҳоят Ромеш гап бошлади:

— Жоген, сенга нимани гапириб бериш ниятида келганимни биласанми? Бир куни менга бир савол бергандинг, аммо у пайтда саволга жавоб қайтаришга эрта эди, ҳозир бунга ҳеч қандай тўсиқ қолмади.

Шу сўзларни айтиб, Ромеш бир нафас жим ўтирди. Кейин бутун воқеани бир бошдан баён қила бошлади. Унинг товуши гоҳ қалтирар, гоҳ узилиб қолар, баъзан у бир неча дақиқа индамай ўтирарди. Жогендро ҳам мик этмай кулоқ соларди.

Қиссагўйлик тугагач, Жогендро оғир нафас олди.

— Агар буларнинг барчасини менга илгарироқ айтганингда, ҳеч ҳам ишонмасдим, — деди у охири.

— Ҳозир ҳам менда фақат ўша вақтдаги далиллар бор, холос. Бинобарин сендан илтимос, мен уйланган қишлоққа, ундан сўнг Камоланинг тоғасиникига бирга борайлик.

— Бир қадам ҳам жилмайман! Шу ердан қўзғалмаёқ хар бир сўзингга ишониб турибман. Мен аллақачон гапларингга ишонишга ўрганиб қолганман, ўшада ҳаётимда илк марта бу қондани бузганим учун сендан узр сўрайман.

Шу сўзлар билан у ўрнидан туриб Ромешга яқинлашди. Ромеш ҳам турди, эски кадрдонлар бир-бирларига қучоқ очдилар.

Ромеш ўзини тутиб олиб, гапирди:

— Тақдир мени шундай бир тўрга чулғаб ташладики, бўйсунушдан бошқа имкон тополмадим, энди бу тўрдан ҳалос бўлдим. Ҳеч кимдан сир сақлашим шарт эмас, ниҳоят эркин нафас оляпман. Бироқ Камоланинг ўзини ҳалок этишига нима мажбур қилганини ҳануз тушунолмапман, — бунга ҳеч қачон идрок этолмасам керак; ҳаётимизни боғлаб турган тугунни ўлим

киркмаганида, иккимизнинг ҳам мудхиш ахволга тушишимизга шубҳа йўқ эди. Бу ҳақда ўйлаганимда сесканиб кетаман. Жумбок кутилмаганда ўлим комидан пайдо бўлиб, яна шу йўсинда унинг комида ғойиб бўлди.

— Сенинг ўрнингда бўлсам, Камоланинг чиндан ҳам халок бўлганига бунчалик қаттиқ ишонмаган бўлардим, — деди Жоген. — Бирок нима бўлганда ҳам, бу ишда сенинг мутлақо айбинг йўқ. Энди сенга Нолинакха ҳақида гапирмоқчиман.

Шунда Жогендро Нолинакхага хужум қила кетди.

— Мен бундай одамларни ҳеч тушунолмайман, — деб бошлади у, — тушунмаганимдан ёктирмайман ҳам. Аммо кўпчилик бу борада бошқача фикрда эканлигини биламан: уларнинг наздида, гўёки тушунилмаган нарсалар одамни кўпроқ ўзига тортади. Ана шу сабаб, мен Хем учун хавотирдаман! Унинг чой ичмай, гўшт ва балик емай қўйганини, кўз ёши ўрнига мулойим табассум билан жавоб беришини кўриб, фаҳмладимки, иш чаток! Сенинг кўмагинг билан уни тезда бу тахликадан қутқарамиз, деб ишонман. Шунинг учун сен тайёр бўл, икковлашиб ўша зоҳидага қарши жангга борамиз.

Ромеш кулиб юборди.

— Яхши. Гарчи жасур жангчи бўлмасам ҳам, мен тайёрман.

— Жуда соз, фақат кишки таътилимгача сабр қиласан.

— Узок кутишга тўғри келади-ку. Ҳозирча ўзим уриниб кўрсам бўлмайдими?

— Йўқ, йўқ бўлмайди. Мен тўйларингизга халакит бергандим, энди хаммасини ўзим тўғрилайман. Мендан олдин кетиб, мени бу кизик машғулотдан маҳрум этишингга йўл қўймайман. Ахир таътилга бор-йўғи ўн кун колди, холос!

— Нима бўлганда ҳам бу фурсатда мен аллақачон...

— Йўқ, бу гапингни қўй. Бу ўн кун давомида меникида яшайсан. Мен бу ердаги одамлар билан жанжаллашиб олдим, энди вазиятни ўзгартириш учун менга дўст — насиҳатгўй керак. Кўриб турибсан, ҳозирги вазиятда кутулиб кетишингга умид йўқ! Оқшомлари фақат чиябўрининг увиллашини эшитиб, шундай зада бўлдимки, сенинг овозинг менга, ҳатто вина¹ садосидан ҳам ёкимлироқ эшитилмоқда.

XLVII БОБ

Чондромахоннинг гаплари Окхойни ўйлантириб қўйди.

«Ўзи нима гап? Ромеш Гажипурда ишлаган ва ҳозиргача буни қойиллатиб яшириб келган. Нима бўлди, нега энди у ишини ташлаб яна Колутол кўчасида пайдо бўлиб колди? Бир

¹ Вина — торли мусиқа асбоби.

кун Ромеш Оннода-бабуниг оиласи Банорасда эканидан хабар топиб, у ерга боришни истаб қолса-я».

Бу ҳол рўй бермасидан аввал Окхой Гажиपुरга бориб Ромеш хақида суриштирмоқчи, кейин Банорасга бориб Оннода-бабу билан кўришмоқчи бўлди.

Шундай қилиб, қиш кунларининг бирида Окхой қўлида тугуни билан Гажиपुरда пайдо бўлди. У дастлаб бозорга бориб, ҳаммадан Ромеш-бабу исмли банголлик адвокат қаерда туради, деб суриштира бошлади. Афсуски, банголлик адвокат Ромеш-бабуни ҳеч ким танимас экан. Шунда Окхой суд идорасига борди, бироқ ўша куни суд идораси ҳам берк эди. Қандайдир бир адвокатнинг ўз извошига ўтираётганини кўриб, Окхой ундан сўради:

Жаноб, яқинда Гажиपुरга келган Ромеш Чондро Чоудхури исмли банголлик адвокатни билмайсизми?

— Ромеш шу кунгача Чокроборти амакиникида яшарди.

У ҳозир ўша ердами, йўқми — аниқ билмайман. Унинг рафикаси ғойиб бўлди. У фарк бўлган деб фараз қилишмоқда, — деб жавоб берди нотаниш киши Окхойга.

Окхой шошиб-пишиб амакининг уйига қараб йўл олди.

«Бу сафар ҳам Ромешнинг найрангини сезиб қолдим, — деб ўйлади у йўлда, — унинг аёли вафот этибди. У бўлса виждонсизлик қилиб, Хемнолинига ҳеч қачон рафикаси бўлмаганини исботлашга уринди. Ҳозирги дилшикасталик онларида Хемнолини унинг ҳар бир сўзига ишонишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади».

Ўзини ахлоқий ва эзгу фазилатларнинг жўшқин хомийси қилиб кўрсатувчилар аслида жуда хавфли одам бўлиб чиқади, деган эътиқод билан Окхой юрагида хотиржамлик ҳис этди.

Амакининг уйида у Ромеш билан Камола хақида суриштира бошлади. Амаки ғам-кулфатга чидолмай, кўзларига ёш олди.

— Ромешнинг яқин дўсти экансиз, — деди у, албатта Камолани ҳам яхши билсангиз керак. Сизни ишонтириб айтаманки, Камола билан танишганимиздан сўнг, бир неча кун мобайнида у билан кизим орасида тафовут қолмади. У мисли Лакшми эди, қиска муддатда шундай қаттиқ севиб қолган кишига оғир зарба бериб, ташлаб кетишини қаердан билай!

Бутун қиёфаси билан қайғу ва хайрихоҳликни ифодалаб:

— Тушунолмадим, — деди Окхой, — бу қандай содир бўлди? Эҳтимол, Ромеш кизга яхши муносабатда бўлмагандир?

— Сиз мендан хафа бўлманг, — деди амаки, — бироқ Ромешингизнинг хулқига хануз тушунолмаяпман. У кўринишдан жуда ёқимли, аммо юрагида нималар борлигини билиш ниҳоятда мушкул. Камоладек аёлни севмаганига ишониш жуда қийин! Ахир Камола Лакшмининг ўзи-ку! У қизимни ўз опасидек кўрарди, бироқ унга ҳеч қачон эридан шикоят қилган эмас. Баъзан кизим унинг юрагидаги дардини сезмаса-да, бироқ сўнгги дақиқаларгача

Камоланинг бирор марта ёрилиб сўзлаганини эшитишга муяссар бўлмади. Ёш кизнинг бундай ишга жасорат қилмоғи учун не-не изтиробларни бошдан кечиришга тўғри келганини ўйлаганимда, юрагим тарс ёрилиб кетай дейди, буни ўзингиз ҳам тушунсангиз керак. Бахтга қарши мен ўша вақтда Оллохободга кетган эдим. Агар шу ерда бўлганимда, мени ташлаб кетишга Камоланинг кўзи киймасди.

Эртасига Окхой, амаки билан Ромешнинг уйига ва Ганг киргоғига борди. Уйга қайтиб келганида, Окхой амакига қараб:

– Кулоқ солинг амаки, – деди, – Камола Гангда фарқ бўлган деган фикрга қўшилмайман.

– Сиз нима деб тахмин қиляпсиз? – деб сўради амаки.

– Назаримда, у шунчаки уйдан кочиб кетган. Уни тузукрок қидиришга тўғри келади.

– Ҳақ гап! – сапчиб турди амаки бу фикрдан рухланиб. – Айтганингиз ҳақиқатдан узоқ эмас!

– Бу ердан унча узоқ бўлмаган ерда, Банорасда бизнинг ажойиб дўстларимиз яшашади. Эҳтимол, Камола ўша ердан бошпана топгандир?!

– Ромеш-бабу улар ҳақида сира гапирмаган эди, – деди амаки яна умидвор бўлиб. – Мен буни билганимда, уни қидирмасмидим?

– Ундай бўлса, ҳозир бирга Банорасга кетамиз, – деб таклиф қилди Окхой. – Бу ҳудуднинг фарбий қисми сизга яхши таниш бўлса керак, сиз Камолани у ердан осонлик билан топасиз.

Амаки бу таклифни қувонч билан қабул қилди. Окхой, Хемнолини унинг сўзларига ишонмаслигини яхши биларди, шунинг учун у гувоҳ тариқасида амакини ўзи билан Банорасга олиб кетди.

XLVIII БОБ

Оннода-бабу билан Хемнолини Банорасга келиб шаҳардан ташқарида, жуда хилват, аммо баҳаво ерга жойлашдилар. Улар Нолинакханинг онаси Хемонкорининг зотилжам касали билан оғриганини билишди. Касал бўлганидан буён, йўтал ва иситмага қарамай, Хемонкори эрталаб Гангда чўмилиш одатини, ҳатто ҳаво совуқ кунлари ҳам қанда қилмасди. Оқибатда унинг аҳволи анча оғирлашиб қолди.

Хемнолинининг сўнги бир неча кун давомида ғамхўрлик қилиши натижасида оғрик анча енгиллашди. Аммо Хемонкори ҳали жуда дармонсиз эди. У ўз тоифасининг одатига каттик амал қилганидан, «Брахмо Самаж»га мансуб Хемнолинининг қўлидан дори ва таом қабул қилишга рози бўлмади. Оғриб қолгунича барча ишни ўзи бажарарди. Эндиликда бўлса, унга Нолинакха таом пиширади, дори беради, ҳар қандай хизматига қарашади.

Мана шундай пайтда она доимо ғамгинлик билан:

— Сизларни бунча ташвишга солгандан кўра ўлганим афзал эди, нега Парвардигор мендан ўз омонатини олиб кўя колмайди-я, — деб шикоят қиларди.

Хемонкорида риёзатга майл кучли бўлса-да, теварагидаги барча нарсанинг дид билан чиройли қилиб безатилишини хуш кўрарди. Нолинакхадан буни эшитган Хемнолини уйда озодалик ва тартибни синчиклаб кузатиб борарди. Хамиша Хемонкорининг олдида боришдан аввал, либосини яхшилаб назардан ўтказарди. Оннода-бабу ҳар кун борадан гул келтирар, Хемнолини эса бемор ётган хонани шу гул билан безар эди.

Нолинакха онасини хизматчи ёллашга қўндириш учун кўп уринди, аммо онаси кўнмади. Тўғри, оғир ишлар учун уйда хизматкорлар бор, бироқ Хемонкори ёлланган хизматкорларнинг шахсан ўзи учун хизмат қилишига йўл қўймасди.

Энагаси ўлганидан бери Хемонкори, ҳатто оғир касал бўлган чорларида ҳам чўриларга елпиғич тутдирмади, дармонсиз баданини укалашга ҳам ижозат бермади.

У чиройли болалар ва гўзал чеҳраларни яхши кўрарди. Эргалаб таҳорат қилиб қайтаркан, йўл-йўлакай Шиванинг¹ барча хайкалу суратларини гул билан безаб, Ганг сувидан сепиб кўярди. Баъзи-баъзида йўлда ўзига қараб турган чиройли дехқон боласини ёки бирор хушрўй брахман қизчани уйига етаклаб келарди. У ўйинчоқ, майда пул ва ширинликлар бериб, қўшинларининг истараси иссиқ болаларини ўзига ром қилиб олганди. Улар гоҳо аёлнинг олдида ўйнагани келиб, уйда тўполок кўтаришганида, у роса хузур қиларди. Хемонкорининг яна бир одати бор эди. Бирор чиройли нарсани кўрдими, уни сотиб олмагунича қўнгли тинчимасди. Аммо буни ўзи учун олмасди. Унинг учун кадрига етадиган кишига совға юборишдан зўр қувонч йўқ эди. Узок қариндошлари, таниш-билишлари почта оркали номаълум кимсадан ажойиб совғалар олиб хайратда қолишарди. Хемонкорининг қора ёғочдан ясалган сандиги бўлиб, унда жуда кўп фойдасиз, аммо чиройли ва кимматбаҳо буюмлар, шойи кийимлар сақланарди. Хемонкори ўзича, уйга Нолинакханинг қаллиғи келганида, буларнинг барчаси ўшаники бўлади, деб юрарди. Хемонкорининг тасавурида бўлажак келин соҳибжамол ва ёш бўлиб, унинг келиши уйни бахт нури билан ёритиши лозим эди. Хемонкори эса, унинг сарполари ва зеби-зийнатларига ғамхўрлик қилади. Мана шундай ширин хаёллар билан у анча вақтни ўтказди.

Хемонкори зоҳидона ҳаёт кечирарди. У бутун кунни тоатибодат ва бошқа диний маросимларни адо этиш билан ўтказарди. У кунига бир марта тамадди қилар, емаги эса бир оз сут билан мева-чевадан иборат эди.

¹ Шива — хинд динидаги учта бош худонинг бири.

Гарчи диний расм-русумларга каттик риоя қилиб, матонат билан адо этса-да, ўғлининг риёзатга майлини маъқулламас эди.

— Нега эркаклар беҳудага ўзларини кийнайдилар? — дер эди у тез-тез.

Эркаклар унга катта ёшдаги болалардек эди. У эрларнинг таом бобидаги тўзимсизлик ва бефарқликларини ҳам осонлик билан авф этарди.

— Улар ўзларини таомдан тийиб нима ҳам қилишарди? — дер эди у.

Дин ақидаларига ҳамма риоя қилиши керак албатта, аммо унинг эътиқодига кўра, эрларнинг ахлоқ меъёрларига ҳаддан ортик риоя қилишлари шарт эмас. Агар Нолинакха бошқа эркаклар сингари андак енгилтаклик ва худбинликка майл кўрсатса, у хатто хурсанд ҳам бўларди, она ибодат ёки бошқа диний маросимларни адо этаётганида халакит бермаса бас.

Хемонкори тузалгач Нолинакхага ёлғиз Хемнолинигина содик мурид бўлиб қолмай, қария Оннода-бабу ҳам ўғлининг сўзларини донишманд устознинг ўғитларидек чуқур ҳурмат ва муҳаббат билан тинглашини англаб етди. Бу Хемонкорига жуда ғалати туюларди.

Бир кун у Хемнолинини ҳузурига чақириб, кулиб деди:

— Қизим, назаримда сен ва отанг Нолинакхани бекорга рағбатлантиряпсизлар. Унинг телбаларча айтаётган нутқларини қандай тинглайсизлар-а? Сенинг ёшингда Худога ибодат қилишни ўйламай, сарпони ўйлаш, кўпроқ ўйнаб-кулиш, қувнок ҳаёт кечириш керак. Нега ўзингиз шундай қилмайсиз дерсан. Менинг ота-онам такводор бўлишган. Ака ва сингилларим билан болаликдан художўй бўлиб тарбияланганмиз. Агар ҳозир ёшлигимиздан одатланган барча нарсани тарк этсак, бошқа нимадан тасалли топамиз? Сенинг йўригинг бўлак. Сени қандай тарбия қилганларини яхши биламан. Ўзингга жабр қилишдан қандай маъно бор, қизим? Мен ҳар кимса ўз майли ҳамда тарбиясига мувофиқ яшаши керак, деб ўйлайман. Йўк, йўк... Бундай ўзингга жабр қилиш сенга асло ярашмайди. Нолинакханинг қачон ҳақиқий устоз бўлишини ким билади дейсан. Яқингача у фақат ўзи қизиккан нарсалар билан шуғулланиб, шастрдан бирор сўз эшитишга тоқати йўқ эди. Бу ишларни мени хурсанд қилиш учун бажараяпти. Бирок бора-бора у ҳақиқий санниасига¹ айланади, деб кўркаман. «Ёшлигингда нимага ўргатган бўлсалар шунга содик бўл, — деб доим гапираман, — бу гуноҳ эмас, бу мен учун ёқимли». Нолинакха бўлса, жавоб беришнинг ўрнига кулади, холос. Унинг феъли шунақа: нима десанг жим туриб қулоқ солади, хатто оғиз ҳам очмайди.

Бу суҳбат кечқурун, нуроний она Хемнолинининг сочларини тараётган вақтда бўлган эди. Қизнинг сочларини оддийгина қилиб орқасига тугиб қўйиши Хемонкорига ёқмади.

¹ Санниаси — зохид, дарвиш, таркидунё қилган киши.

— Эхтимол, мени хозирги модалардан хабарсиз деб ўйларсан, — деб давом этди у. — Аммо мен хилма-хил соч ўришларни биламанки, бунчасини сен билмайсан. Бир вақтлар мен жуда дилкаш бир инглиз аёли билан дугона эдим. У уйга келиб менга каштадўзликни ўргатарди. Ўша аёлдан мен турли хил соч ўришларни ўргандим. Аммо ҳар сафар у кетганидан кейин, менга чўмилиб бошқа либос кийишга тўғри келарди. Бу поклик — диннинг талаби. Бу яхшими, ёмонми — билмайман, лекин шундай йўл тутмасам кўнглим тинчимайди. Сизлар билан бундай муомалада бўлаётганим учун хафа бўлма. Қалбимда жирканиш йўқ, бу фақат одат. Эримнинг оиласи хинднинг тўғри эътиқодидан қайтганида, мен каттик жафо чекдим. Аммо шикоят қилмадим. Мен уларга «Сиз яхшилаб ўйлаб кўринг, мен нодон аёлман, аммо ўз динимдан қайтмайман» — дедим, холос.

Ҳал шу ерга етганида, Хемонкори сарисининг учи билан кўзларига келган ёшни артди. Хемнолинининг узун сочларини ёзиб, қайтадан ўриш Хемонкорига жуда ёкарди. Гоҳо у ўзининг мукаддас ёғоч сандиғидан ярқираган сарполар олиб Хемнолинини ясантирарди. Бу унга зўр ҳаловат бағишларди. Хемнолини деярли ҳар куни кашта олиб келар ва Хемонкори унга турли хил усуллар билан кашта тикишни ўргатарди. Икковлон окшомларни шундай ўтказишарди.

Хемонкори бангол журналлари, роман ва хикояларни ўқишни севарди, Хемнолини ўзининг барча китоб ва журналларини унга тақдим этди. Ўқилган китоб ва мақолалар ҳақида ўзининг ажойиб фикрлари билан кизни лол қолдирарди. Ҳозиргача Хемнолини бундай кенг дунёқараш фақат инглизча маълумот олган кишилардагина бўлади, деб ўйларди. Аммо тез фурсатда ўзининг соғлом ақли ва ботавфик ҳаёти билан Нолинакханинг онаси унга ажойиб аёл бўлиб кўрина бошлади.

XLIX БОБ

Бир оз вақт ўтгач Хемонкорининг безгаги яна хуруж қила бошлади. Аммо бу сафар у узоққа чўзилмади.

Эрта билан Нолинакха унинг хонасига кирди. Таъзим қилиб онаси билан саломлашгач, оёқларига охиста кўл тегизиб:

— Она, бетоб бўлганингиз учун парҳезга риоя қилишингиз лозим: дармонсиз аъзолар бунчалик азобга бардош беролмайди, — деди.

— Қара-я! — деди она. — Мен бемордек парҳез тутай, сен бўлсанг зоҳидона ҳаёт кечир! Нолинакха, бу ҳолнинг узоққа чўзилиши мумкин эмас. Мен уйланишингни талаб қиламан.

Нолинакха жим турарди.

— Ўйлаб кўр ўғлим, — деб давом этди Хемонкори, — мен дунёга устун бўлолмайман. Кўзимнинг очиклигида бошингни иккита қилиб қўйсам, тинчгина оёқ узатардим. Сен уйимга ке-

лин бошлаб келарсан деб, орзу қилган вақтларим бор эди. Унда мен унинг тарбияси-ю, сарполари билан шуғулланиб, ғоятда бахтиёр бўлардим. Аммо касаллик вақтимда худолар менинг ақл чироғимни ёритдилар. Яна қанча умрим бор, буни айтиш қийин. Ёш хотин билан сен анча қийналасан. Шунинг учун ўз тенгқуринг бўлган қизлардан қаллик кидир. Бу фикрлар менга анчадан буён тинчлик бермаяпти. Биламан, бу менинг сўнги бурчим, факат мана шуни адо этиш учун яшайман, йўкса менга ором йўк.

— Ахир менга тегадиган кизни каердан топаман? — деб сўради Нолинакха.

— Бундан хотиржам бўл, — деди Хемонкори. — Ўзим ҳаммасини тўғрилаб, сенга хабар қиламан.

Хозиргача Хемонкори Оннода-бабу билан учрашмаган эди. Аммо бугун Оннода-бабу одатдагидек кечки пайт сайр этиб юриб, Нолинакханинг уйига кириши билан уни хузурига чакиртирди.

— Қизингиз ажойиб инсон, — деб гап бошлади Хемонкори, — мен уни жуда яхши кўраман. Сиз ўғлимни яхши биласиз. У жуда хушфеъл, бундан ташқари энг яхши шифокор ҳам саналади. Қизингиз учун ундан кўра маъқул йўлдош топиш қийин.

— Нимасини айтасиз! — тўлқинланиб хитоб қилди Оннода-бабу. — Мен бундай бўлар, деб умид қилишга ботинмаган эдим. Агар кизимни Нолинакха никоҳига олса, мен ҳаммадан бахтли бўлардим! Бироқ у...

— Нолинакха қаршилиқ қилмайди, — деб гапни бўлди Хемонкори. — У ҳозирги ёшларга ўхшамайди, ҳар бир ишда сўзимга қулоқ солади. Эҳтимол уни мажбур этишга тўғри келмас. Хемнолинидек бир кизни севмаслик мумкинми, ахир? Мен бу ишни имкон қадар тезроқ ҳал бўлишини истардим, чунки узок умр кўраман, деб айтолмайман.

Шу окшом Оннода-бабу уйига хурсанд ҳолда қайтди. Шу заҳотиёқ Хемнолинини хузурига чакирди.

— Қизим, мен инсоннинг саломатлиги заволга юз тутадиган бир ёшга кирдим. Бироқ сен уй-жойлик бўлмагунингча кўнглим тинчимайди. Хем, сен билан очиқчасига гаплашмоқчиман. Онанг йўк, бахтли бўлишинг учун ғамхўрлик қилиш менинг зиммамда.

Хемнолини отасига хавотирланиб қаради.

— Қизим, бўлажак тўйинг муносабати билан қувончимни яширолмайман. Бирор нарса бунга халакит бермасайди, деб кўркаман. Бугун Нолинакханинг онаси мени чақириб, ўғлини сенга уйлантириш ҳақида гапирди.

Хемнолини кизариб, тўхтаб-тўхтаб гапирди:

— Нималар деяпсиз, ота! Йўк, йўк! Мумкин эмас!

Хемнолини Нолинакхага турмушга чиқишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Кутилмаганда буни отасидан эшитиб, қайғуга ботди.

— Нега мумкин эмас! — деб таажжубланди Оннода-бабу.

— Нолинакха-бабу! — хитоб қилди Хемнолини. — Ахир, кандай қилиб...

Хемнолинининг жавоби унчалик ишонарли бўлмаса-да, норозилиги сезилиб турарди.

Қиз жимгина ортига ўгирилиб, айвонга чиқди.

Оннода-бабу маъюс бўлиб қолди. У қизининг бу тахлитда қаршилиқ қилишини кутмаганди. У, Хемнолини бу таклифдан қувонади, деб ўйлаганди.

Ғамгин ва авзойи бузилган қария ҳаракатсиз, чирокка тикилиб ўтириб, аёлларнинг ғалати табиати ҳақида фикр юритарди. У ҳозир ёнида Хемнолинининг онаси йўқлигини чуқур хис этди.

Хемнолини қоронғи айвонда узок туриб қолди. Охири у отасига қараб, унинг юзидан дили ғашлигини кўриб хижолат бўлди. Дарров туриб хонага кирди-да, Оннода-бабунинг ёнига келиб бошини охиаста силаб туриб гапирди:

— Юринг, ота. Кечки емак аллақачон тайёр бўлганди, совиб қолгандир.

Оннода-бабу бехос ўрнидан туриб, ошхонага қараб юрди, аммо томоғидан ҳеч нарса ўтмади. У Хемнолинидан қайғулар ариди, деб умид қилганди. Бироқ унга берилган ҳозирги зарба ота шўрликни яна синдирди.

«Кўриниб турибдики, Хем ханузгача Ромешни унутолмаган» деб ўйлади у хасрат билан ух тортиб.

Одатда кечки емакдан сўнг Оннода-бабу ухлагани кетарди, бугун айвонда, тўқима курсида ўтириб, боғ ортидаги кимсасиз кўчага қараб чуқур ўйга ботди.

Хемнолини жилмайиб, меҳрибонлик билан:

— Ота, салқин тушди, бориб ухланг, — деди.

— Сен ухлайвер, мен яна бир оз ўтириб, кейин бораман, — деб жавоб берди Оннода-бабу.

Хемнолини ҳеч нарса демади, отасининг ёнида тураверди. Бир оз жимликдан сўнг яна гапирди:

— Отажон, шамоллаб қоласиз. Ҳеч бўлмаса меҳмонхонага кириг.

Оннода-бабу ўрнидан туриб, жимгина ётовига кетди. Хемнолини ўз бурчини адо эта туриб, Ромеш ҳақидаги фикрларини юрагидан қувиб чиқаришга уринганида изтироб чекмади. Тўғри, бунинг учун қарама-қарши ҳисларнинг узок ва қаттиқ курашига бардош беришга тўғри келди. Аммо ташқаридан берилган озгина бир туртки, эски жароҳатнинг янгидан зирқираб оғриши учун кифоя эди. Ҳозиргача Хемнолини келажакда ўз ҳаётининг қандай бўлишини аниқ тасаввур қилолмасди. Худди шунинг учун ҳам у мустаҳкам бир таянч қидириб, охири Нолинакхани ўзининг пири деб билган ва унинг таълимотини давом эттирувчи ихлосманд мухлис бўлишга тайёр эди. Энди эса унга бу йигитнинг никоҳида

бўлишни таклиф қилишди, қиз қалбининг хазиначидан эски муҳаббатини юлиб олмокчи бўлганида, бу занжирларнинг ғоятда мустаҳкам эканини англаб етди. Уларни узиб ташлашга уриниш қалбини янада қаттиқроқ ҳаяжонга солар, қиз ўша занжирларга яна ҳам маҳкамроқ тирмашар эди.

Л БОБ

Ўша окшом Хемонкори ўғлини хузурига чақирди.

— Мен сенга қаллиқ топдим, ҳаммасини келишиб ҳам қўйдик, — деди у.

Нолинакха сал жилмайди.

— Келишиб ҳам қўйдик, денг?

— Бўлмаса-чи? — Хемонкорининг жаҳли чикди. — Нима, мен дунёга устун бўламанми? Гапимга қулоқ сол. Мен Хемнолинига кўнгил қўйганман. Хозир бундай қизларни камдан-кам учратасан. Тўғри, юзининг ранги...

— Шафқат қилинг, она! — деб сўзни бўлди Нолинакха, — мен юзининг рангини ўйлаганим йўқ. Мен унга қандай қилиб уйланаман? Қайси йўсинда?

— Бўлмаган гап! Бунга ҳеч қандай монелик йўқ.

Нолинакханинг онасига бирон аниқроқ жавоб бериши кийин эди. У, мен Хемнолинига фақат устозман, унга тўсатдан менга турмушга чиқ, дейиш ҳақорат бўлади деб тушунтирмоқчи эди, лекин гапирмади, Хемонкори эса давом этди:

— Бу сафар эътирозларингга қулоқ солмайман. Мени деб бу ёшда таркидунё қилишингга асло рози эмасман. Қулай пайт келиши билан тўйни бошлаб юбораман.

Бир оз хомушлиқдан кейин Нолинакха сўз бошлади:

— Она, мен сизга бир воқеани хикоя қилмоқчиман. Аммо ўтинаман, фақат ҳаяжонланманг. Бу воқеанинг юз берганига ўн ой бўлди. Фёлингизни яхши биламан онажон, бахтсизлик аллақачон ўтиб кетган бўлса ҳам, қакшайверадиган одатингиз бор. Шунинг учун буни сизга айтишга ҳанузгача ботинмай юргандим. Мен шўрликка ёруғ истикбол тилаб истаганча тоат-ибодат қилинг, лекин қалбингизни бекорга изтиробга солманг.

Хемонкорини беҳад ҳаяжон босди.

— Нимани гапиришингни мен қаердан билай, ўғлим. Аммо бундай муқаддимадан сўнг мен ташвишланмай қолмайман. Шунча умр кўриб, ўзимни қўлга олишни ўргана олмадим. Бу дунёнинг ғам-ташвишларидан холи бўлишни истардим! Бироқ бахтсизликни қидиришмайди, унинг ўзи келади. Яхшими, ёмонми айтавер, қулоғим сенда.

— Қиш кунларининг охири эди, — деб Нолинакха ўз хикоясини бошлади. — Мен Рангпурда барча анжомларимни со-

тиб, уй ва боғни ижарага қўйиб, Калкуттага қайтдим. Санрага келгач, поезддан тушиб, сув йўли билан бормокчи бўлдим. Санрада катта қайикни кира қилиб йўлга тушдим.

Икки кунлик йўлни босиб ўтгач, қумлок бир сохилда тўхтадик, мен чўмила бошладим. Қарасам — қўлида ов милтиғи билан сохил бўйлаб бизнинг Бхупен келяпти. Мени кўриб, қувонганидан кичкириб юборди: «Касалнинг тузалгиси келса, табибнинг ўзи келади». У шу ерда суд ранси бўлиб, ўзига қарашли ҳудудни тафтиш қилиб юрган экан. Биз у билан анчадан буён кўришмаган эдик, у мени қўйиб юборишга асло қўнмади, шунинг учун йўлнинг қолган қисмида у хамроҳимиз бўлди.

Бир кунги биз кичкина Дхўбапукур кишловида тунамокчи бўлиб тўхтадик. Кечкурун сайрга чиқдик. Кенг даланинг четида усти қамиш билан ёпилган, атрофи девор билан ихота қилинган бир уй турарди. Биз шу уйга кирдик. Уйнинг эгаси биз учун ховлига иккита тўкима курси олиб чиқди. Шу пайтда айвондаги мактабда дарс бўлаётган эди. Мактаб муаллими стулда, болалар эса ерда ўтириб, кичкириб дарсларини ёдламоқда эдилар.

Хўжайиннинг исми Тарини Чатужо экан. У Бхупендан мен ҳақимда батафсил суриштира кетди. Қайтиб келганимизда, Бхупен:

— Омадинг келди. Сенга каллик чиқиб қолди чамамда, — деди.

— Қандай қилиб? — деб таажжубландим мен.

— Тарини Чатужо — судхўр, дунёда буидан кўра разилрок одамни кидириб тополмайсан. Бу ерга янги судья келса, у ўзининг инсонпарварлиги ҳақида мактанмай туropolмайди. Шунинг учун ҳам уйига мактаб очишга руҳсат берган. Ҳақиқатда эса, муаллим бу ерда еган таоми учун кеч соат ўнгача ўтириб, унинг фойда-зиёнини ҳисоблайди. Маошини у давлат ҳамда мактабдан олади. Таринининг сингилларидан бири эридан жудо бўлибди. Шўрлик бошпана тополмай, акасиникига келибди. У хомиладор экан. Тиббий ёрдам кўрсатилмаганидан, туғаётиб вафот этган, ундан бир кизча қолган.

Таринининг иккинчи бева синглиси уй ишларини ўзи бажариб, уни чўри ёллашдан қутқаради. Ана шу аёл халиги кизчага она мақомида бўлиб қолган.

Бу ҳоласи ҳам вафот этганида, киз хали жуда ёш эди. Тоғаси ва янгаси учун чўридек ишлаб, улардан ҳар кун таъна ва ҳақорат эшитиб, кизча балоғатга етади. Ҳозир у вояга етган, бироқ етимча кизга куёв топиш жуда қийин эди. Бунинг устига унинг отасини бу ерда ҳеч ким билмасди. Қизча отасининг вафотидан кейин дунёга келган, қишлоқнинг ғийбатчи аёллари бу ҳақда ханузгача гап тарқатишарди. Тарини Чатужонинг жуда бадавлат эканини ҳамма биледи, бинобарин ундан кўпроқ қалин олиш мақсадида, атайин кизни бадном қилишга уринишади. Уни ўн ёшга тўлди деганларига мана тўрт йил бўлди, демак ҳозир у кам деганда ўн

тўртга кадам қўйди. Исми Камола¹, аммо турган-битгани хакикий Лакшмининг ўзгинаси. Мен бундай сохибжамол қизни ҳеч қаерда кўрган эмасман. Бу ерда битта-яримта ёш брахман пайдо бўлдим, Тарини дархол уни Камолага уйлантиришга уринарди. Мабодо йигит розилик берса, қишлоқ аҳолиси уни йўлдан уриб, тўйга халақит берарди. Энди навбат сенга келди.

— Биласизми онажон, мен ўшанда дилхасталик кайфиятида бўлганим учун ҳеч иккиланмай унга уйланаман, дедим. Бундан илгарироқ эса, сизга мақбул тортиқ бўлсин деб, хиндий динидаги бир ёш қизга уйланмоқчи эдим. «Брахмо Самаж»дан бир қизни бошлаб келсам, биздан ҳеч биримизга бахт келтирмаслигини билардим.

Бхупен таажжубланган эди.

— Шу гап ростми? — деб хитоб қилди у.

— Мени раъйимдан қайтарма. Масала ҳал, — дедим.

— Шошма, сен ўйлаб гапиряпсанми? — деб сўради Бхупен.

— Ҳа, — деб жавоб бердим.

Ўша куни кечқурун Тарини Чатужо хузуримизга келди. У кўлида брахманлик тасбеҳини ўгириб туриб:

— Сиз менга ёрдамлашишингиз керак, — деди. — Қизни кўринг. Агар ёкмаса, бошқа гап. Аммо менга ҳасад қилувчиларнинг сўзига қулоқ солманг.

— Уни кўришимга хожат йўқ. Тўй кунини тайинланг, — дедим.

— Эртадан кейин — хайрли кун. Тўйни бошлаб юборамиз, — деди Тарини.

Унинг бундай шошилишига сабаб, тўйда имкон қадар озроқ чикимдор бўлиш эди. Шу тарика, тўй бўлди.

Хемонкори сапчиб кетиб, такрорлади:

— Тўй бўлди! Нималар деяпсан, Нолинакха!

— Ҳа, тўй бўлди. Мен хотиним билан қайикка қайтдим. Кечқурун йўлга тушдик. Ўша куни, қуёш тез ботди. Тўсатдан, баҳор ойининг илк кунларида сира қутилмаган иссиқ қуюн кўтарилиб, бир лаҳзада қайиғимизни пардек учириб, ағдариб юборди.

— Ё раббий! — нидо қилди Хемонкори, гўё баданига бир-йўла минглаб игна санчилгандек.

— Бир оздан сўнг, — деб давом этди Нолинакха, — ўзимга келиб қарасам, сувни шапиллатиб юрибман. Яқин-атрофда на қайик, на ҳамроҳларим бор. Полицияга хабар қилдим. Қўп қидирдилар, лекин натижа чикмади.

Хемонкорининг ранги ўчиб, зўрға гапирди:

— Ўтган ишга салават. Бу воқеани бошқа ёдимга сола кўрма. Ўйласам, юрагим тарс ёрилади.

¹ Камола — хинд асотирларида бахт, давлат ва гўзаллик тангриси Лакшмининг иккинчи исми.

— Агар сени уйлантираман, деб туриб олмаганингизда, — деб жавоб берди Нолинакха, — мен буни сизга асло айтмаган бўлардим.

— Шу бахтсизлик туфайли энди уйланмай ўтасанми? — деб сўради Хемонкори.

— Йўк, бунинг учун эмас, онажон. Аммо борди-ю, қиз тирик бўлса-чи?

— Эсинг жойидами? Агар тирик бўлса, хабар қилишарди.

— У мен ҳақимда ҳеч нарса билмайди, ахир. Мен унга мутлақо нотанишман. Назаримда, у мени кўрган эмас. Банорасга келиб, манзилимни Тарини Чатужога юбордим, аммо у Камола ҳақида ҳеч қандай хабар йўк, деб жавоб қайтарди.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан?

— Мен — давом этди Нолинакха, — орадан бир йил ўтганидан кейингина уни ҳалок бўлган дея оламан.

— Сен ҳамиша, ҳар нарсада муболаға қиласан! — дея хитоб қилди Хемонкори. — Нега бир йил кутиш керак?

— Яқинда бир йил бўлади, онажон, — деди Нолинакха. — Ахир ҳозир магх¹ — никоҳ учун хайрли ой эмас. Ундан кейин яна икки ой... Шу билан вассалом.

— Хўп, майли, — рози бўлди Хемонкори. — Аммо сен бу даврда фотиҳа қилинган ҳисобланасан. Мен аллақачон барчасини Хемнолинининг отаси билан келишиб қўйганман.

— Инсон фақат таҳмин қила олади, холос. Муваффақиятнинг кимга боғлиқ бўлиши ёлғиз Яратганга аён, — деди Нолинакха.

— Майли, сен айтгандек бўлсин, ўғлим. Ҳикоянгни эсласам, калтираб кетяпман.

— Мен мана шундан хавфсираган эдим-да, онажон. Сиз бир ҳаяжонлансангиз, анчагача ўзингизга келолмайсиз. Шунинг учун бу воқеани сизга айтгим йўк эди.

— Яхши килдинг, ўғлим, — деди Хемонкори. — Мен бирор бахтсизликнинг учини эшитсам, ваҳимадан сира қутулолмайман. Баъзан бирор шум хабар чикмасин, деб мактуб очишга ҳам кўркаман. Сендан, кўнгилсиз воқеаларни менга сўзлама, деб илтимос қилгандим. Афтидан, бу дунёни тарк этмок фурсати етди чоғи. Ахир, тақдир менга бекордан-бекорга бунча зарба бермасди-ку!

LI БОБ

Камола Ганг соҳилига келганида, кишки офтоб хира осмоннинг гумбазидан уфқка тушганди. Қош қорайиб келаётганда, Камола ботаётган куёшни эхтиром билан олқишлади. У бошига Гангнинг сувидан сешиб, дарёга ибодат қилиш учун сохилга тушди: бир

¹ *Магх* — Банголия тақвимида ўнинчи ой; январь — февраль тўғри келади.

ховуч сув олиб, уни яна дарёга тўкди-да, мукаддас Гангга чечаклар ташлади.

Сувдан чикиб, киз ўзига меҳрибон бўлганларни ёд этиб, уларнинг ҳурматига ергача эгилиб таъзим қилди. Шу ерда у ҳурмат қилиши лозим бўлган яна бир кимсани хотирлади. У бор жойда киз бирор марта бошини кўтариб унинг юзига қараган эмасди. Иккиси ёлғиз қолган ўша оқшомда эса, Камола ерга кўз тикиб, унинг оёғига қарашга ҳам ботинмаган эди. Уларга никоҳ ўқилган хонада йигит бошқа кизлар билан бир неча оғиз сўзлашди, лекин Камолани андиша худди қора парда каби чулғаб олганидан, йигитнинг ўша бир неча сўзини ҳам эшита олмади. Ҳозир киз дарё бўйида туриб, унинг овозини хаёлида жонлаштиришга уринди-ю, аммо уддалай олмади.

Ўшанда туни бўйи давом этган тўй уни шу даража толиқтирган эдики, Камола қачон ва қаерда ухлаб қолганини сезмай қолди. У, азонда қўшни қизнинг уни елкасидан силкиб, кула-кула уйғотишга уринаётганини пайкади. Кўрпада, Камоланинг ёнида эса ҳеч ким йўқ эди.

Ҳозир, ҳаётининг сўнгги лаҳзасида ҳеч нарса унга ўз соҳибини эслата олмади. Киз унинг на чехрасини, на овозини хотирлай оларди, ҳеч нарса ёдида йўқ.

Куёвнинг сарполари қизил ип билан боғланган эди. Таринининг ташаббуси билан энг арзон сарполар сотиб олинганини Камола билмасди, бироқ ўшаларни ҳам у хотирасида саклаб қололмади.

Ромешнинг Хемнолинига ёзган мактубини Камола сарисининг учига тугиб, яшириб қўйганди. У қумлоққа ўтирди-да, хатни олиб, гира-ширада ўзининг эри ҳақидаги жойини ўқий бошлади. У ҳақда жуда кам гапирилганди, яъни унинг исми Нолинакха Чоттопадхайя, у Рангпурда шифокор бўлиб ишлаган, Ромеш уни у ердан тополмаган. Вассалом!

Камола мактубни диққат билан ўқиб чиқди, бироқ унда Нолинакха ҳақида бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ эди! Нолинакха! Бу исм унинг қалбини шу кунгача ҳис этилмаган қувонч сеҳри билан тўлдирди. Бу исм кўзга кўринмас бир киёфада мужассамлашиб, кизнинг бутун вужудини камраб олди.

Кизнинг кўзларидан беихтиёр ёш оқди. Бу кўз ёшлари унинг кўнглига бир оз ором бериб, тасаллисиз мусибатларини ювиб кетгандек бўлди. Кўнглида аллақандай бир овоз Камолага:

— Йўқ, ноумидлик энди йўқ! Қаршимда нур жилванмоқда! Биламан, энди мен ҳам ҳаётнинг бир заррасиман! — дер эди.

Камола ўзини унутиб хитоб қилди:

— Мен содик рафиқа сифатида унинг хокипойини кўзимга суртиш учун яшашим керак. Парвардигори олам бу йўлда менга ҳеч қачон моне бўлмайди! То тирик эканман, у билан албатта учрашаман! Тангрилар унинг хизматини қилиш учун мени халос этдилар!

У Ромеш уйнинг калитларини рўмолидан ечиб олиб улоқтирди. Сариси Ромеш совға қилган тўғноғич билан илиб қўйилганини эслаб, уни ҳам шошилганча олди-да, сувга ирғитди.

Сўнг, Камола Фарбга қайрилиб йўлга тушди. У қаерга боришини, нима қилишини ҳали яхши билмас эди. Аммо шуни яхши билардики, кетиши керак кетганда ҳам бирор дақиқа тўхтамай, дарҳол кетиши керак.

Совуқ окшом тобора қоронғилашиб, кун охири бутунлай сўнди. Гўё табиат чизган гўзал суратнинг бир қисмини кимдир ўчириб ташлагандек, кумлоқ соҳил тунда оқариб кўринарди. Ойсиз кечада қоронғи осмон сокин юлдузлар билан тўлиб, дарёнинг хилват соҳиллари устида енгил нафас оларди.

Камола кимсасиз қирғоқда қоронғиликдан бошка ҳеч нарсани кўрмас эди. Аммо у олға қараб юриши лозимлигини яхши биларди. Олдинда уни нималар кутаётганини ўйлашга мадори етмай, юришда давом этди.

У дарё ёқалаб кетмокчи бўлди. Чунки бунда ҳеч кимдан йўл сўраб юрмайди, мабодо унга хавфу хатар таҳдид солса, муқаддас Ганг тўлкинлари уни ўз оғушига олади.

Хаво мусаффо эди, тун Камолани яширса-да, унинг кўзларини хиралаштирмади. Тун. Арпа эқилган даладан кашқирларнинг увилаган овози эшитилиб турарди.

Камола анча йўл босганидан кейин, паст кумлоқ соҳил тугаб, тепаликлар бошланди. Дарё бўйида бир кишлок кўринди. Юраги дукиллаб турган Камола унга яқинлашганида, бутун кишлок қаттиқ уйқуда эди, киз хорғинлик сеза бошлади ва кўрқувдан қалтираб кишлокдан чиқди. Ниҳоят, тепаликнинг чўккисига етди, нариги тарафда йўл йўқ эди.

Мадори қуриган Камола, баҳайбат бир дарахтнинг остида холдан тойиб, қаттиқ ухлаб қолди.

Тонг отганида кўзини очиб, рўпарасида кексароқ бир аёлнинг турганини кўрди.

— Сен кимсан? — деб сўради аёл. — Нега дарахтнинг тагида тунадинг?

Камола кўркиб, сапчиб ўрнидан турди. Унинг кўзи соҳил яқинидаги икки қайикқа тушди.

Хамрохлари уйғонгунга қадар, таҳорат олиш илинжида кекса аёл барвақтроқ уйғонган эди.

— Сен банголлик кизга ўхшайсан, — деди у.

— Ҳа, мен банголликман, — деб секин жавоб берди Камола.

— Қандай қилиб бу ерга келиб қолдинг? — яна сўради аёл.

— Банорасга кетяпман. Уйқум келганди, шунинг учун шу ерда тунадим.

— Таажжуб! Яёв Банорасга! — деди аёл. — Майли, яхши. Бизнинг қайикқа ўтир. Мен хозир ювиниб қайтиб келаман.

Ювиниб келгач, таниша бошлашди. Кекса аёл Камолага, ўзи ва эри яқинда жуда дабдабали тўй қилган гажипурлик Шехедшор-бабунинг қариндошлари эканини батафсил сўзлаб берди. Унинг исми Нобинкали, эриники эса Муқундолал Дотто экан. Улар бир неча йилдан бери Банорасда истикомат қилишаркан. Қариндошларининг Гажипурда узоқроқ меҳмон бўлишлари ҳақидаги таклифларини рад этишибди, чунки кўпроқ туришганида, уларнинг уйида овқатланишга тўғри келаркан, ваҳоланки Нобинкалининг эри таом масаласида гоятда инжик экан. Шунинг учун улар қайик олиб уйга қайтишга аҳд қилишибди.

Улар кетаётганларида уй бекасининг таассуф билан айтган сўзларига жавобан, Нобинкали бундай дебди: «Биласизми ўртоқжон, менинг эрим касалманд. Ёшлигидан сигир сутига ўрганган, сутдан ёғ, ёғдан гхи, гхидан эса катлама пишириб ейишга одатланган. Сигирни наридан-бери боқиб бўлмайди...» ва хоказо.

Ўзи ва эри ҳақида батафсил гапириб бўлгач, Нобинкали Камоланинг кимлигини суриштира бошлади:

- Исминг нима?
- Камола.
- Қўлингга билагузуклар тақибсан. Эринг хам борми?
- Тўйдан сўнг иккинчи куни ғойиб бўлди, — деди Камола секин.
- Буни қара-я! Ўн беш ёшдан ошмаган бўлсанг керак? — давом этди Нобинкали Камолага бошдан-оёқ разм солиб.
- Неча ёшга тўлганимни аниқ билмайман. Яқинда ўн бешга кирсам керак.
- Сен ростдан хам брахманмисан?
- Ҳа.
- Қариндош-уруғларинг каерда яшайди?
- Мен эримнинг қариндошлариникида ҳеч қачон бўлмаганман.

Отамнинг юрти эса — Бишукхали.

- Сенинг ота-оналаринг...
- Менинг на отам, на онам бор, — деб Камола унинг сўзини бўлди.
- Ох улуғ Хари!¹ Энди нима қилмоқчисан?
- Банорасда бирор яхши оилага чўри бўлиб киришга уринаман. Пазандаликни биламан.

Нобинкали арзон брахман ошпазининг қўлга киришидан хурсанд бўлса-да, кизни ўсмоқчилагандек, деди:

- Бизга ошпаз керак эмас. Брахман-хизматкорларимиз етарли, шунинг учун биз яна бир чўри ёллай олмаймиз. Бунинг устига, хўжайинга яхши таом пишира олишингга ким кафил бўлади. Брахман-хизматкорга ойига ўн тўрт рупия тўлашга тўғри келади, бундан ташқари, емаги, кийими. Бироқ сен, брахман тоифасига

¹ Хари — бош худо Вишнунинг исми.

мансуб киз оғир ахволга тушиб қолибсан. Майли, бизникида яшай бер. Биз жуда кўп одамларни боққанмиз, қанчадан-қанча маҳсулотларни ташлаб юборишга тўғри келган, яна бир кишини боқиш бизга оғирлик қилмайди. Сенга кўп меҳнат қилишга тўғри келмайди. Уйда ҳозир эрим билан мен, холос. Қизларимни турмушга берганман. Улар жуда бадавлат хонадонларга тушишган. Бир ўғлимиз бор. Ҳозир у Шерадхгонжда судья бўлиб ишлайди. Икки ой олдин, мен унинг тайинланиши ҳақида ўқиб эримга айтдим: «Бизнинг Ното ҳеч нарсага муҳтож эмас. У ёққа бориб нима қилади? Албатта, ҳар ким ҳам судья бўлолмайди. Бирок унинг бунчалик узокқа кетишига на ҳожат?» Эрим бўлса: «Гап бунда эмас, — деди, — сен хотин кишисан, ҳеч нарсани тушунмайсан. Мен уни маош учун ишлатаётганим йўқ. Биз у қадар қашшоқ эмасмиз! Бирок аниқ иш бўлмаганида, унинг нима билан машғул бўлишини ким билади. Ахир у жуда ёш!..»

Орқадан шамол эсиб, Камола ўзининг янги танишлари билан Банорасга ҳам етиб келди.

Нобинкалининг шаҳар четида икки қаватли уйи ва кичик боғчаси бор эди. Ойига ўн тўрт рупия маош оладиган брахман-хизматкорлардан ном-нишон ҳам йўқ. Рост, ориссалик бир брахман-ошпаз бор эди, аммо Камола пайдо бўлгач, Нобинкали ошпазга ҳақ тўламай, ҳайдаб юборди. Бу вақтда ўн тўрт рупия маошга ошпаз топиш кийин бўлганидан, ошхонанинг барча юмушлари Камоланинг гарданига тушди.

Нобинкали тез-тез Камолага насиҳат қиларди.

— Қулоқ сол, болагинам, Банорас сенга ўхшаган ёш қизлар учун хавфли жой. Ўзинг ёлғиз уйдан чиқа кўрма. Гангга ювингани ёхуд Шивага ибодат қилгани борганимда, сени ўзим билан бирга олиб юраман.

Камоланинг қўлдан чиқиб кетишидан хавфсираб, Нобинкали уни доим кузатиб юрарди. Хатто тенгқур бангол қизлари билан гаплашишга ҳам қўймасди.

Камола кун бўйи ўчоқ бошидан кетмасди. Кечқурунлари бўлса, Нобинкали унга ўзининг бебаҳо безакларини, олтин, қумуш уй анжомларини ва шойи, бахмал қопланган қимматли жиҳозларини Банорасга олиб келишига фақат ўғрилардан хавфсираётгани ҳақида узундан-узок жавраб ҳикоя қиларди.

— Эрим кўп вақтгача мис идишга ўрганолмади, — дер эди у. — Дастлаб у пўнғиллаб юрди: «Идишларнинг бир қисмини ўғирласалар ҳам майли, янгисини сотиб олармиз» — дер эди. Лекин беҳудага зарар кўришга тоқатим йўқ. Ундан кўра идишсиз яшай қолайлик... Сен бошқа хаёлга борма, бизнинг данғиллама уйимиз, бир тўда хизматкорларимиз бор. Лекин уларнинг ҳаммасини бу ерга кўчириб келолмаймиз, ахир. Эрим, бу ерда катта бир уйни ижарага оламиз, деб туриб олди, аммо

бунга токатим йўқ, тинч яшашни истайман, дедим. Уй одамлар билан тўлиб турса, ташвишу безовталикнинг чеки бўладими!..

Гап хамиша шу зайлда бошланиб, охири кўринмасди.

III БОБ

Камола Нобинкалининг уйида сассик кўлмакка тушиб қолган балиқдек яшарди. У, қочиб кетиши ҳам мумкин эди-ю, лекин қаёққа боради? Ўша мудҳиш кечада оламнинг нақадар хатарли ва бевафолиги ҳануз Камоланинг ёдида. Шунинг учун иккинчи марта бундай таваккал қилишга унинг юраги дов бермасди.

Нобинкали қизга анча ўрганиб қолди, бироқ бу кўникишда меҳр ва туйғу йўқ эди. У Камолани оғир бир пайтда қўллаб-қувватлади, аммо қизнинг бунга миннатдорлик ҳис этиши қийин эди. Камола Нобинкалининг суҳбатини тинглашдан кўра рўзғор ишларига югуриб-елишни афзал кўрарди.

Бир кун эрта билан Нобинкали Камолани чақириб, шундай деди:

— Гап бундай азизам, бугун хўжайиннинг тоби йўғроқ. Одатдаги гуручнинг ўрнига унга нон ёпгин. Аммо ёғни исроф қилма. Биламан, сен яхши пазандасан, лекин шунча сариёғ қаёққа кетаётганини тушунолмаёпман. Бу борада ориссалик брахман кўп яхши эди. Албатта, у ҳам ёғда пиширарди, лекин унинг таомларидан ёғнинг хиди келарди, холос.

Камола бундай таъналарга сира жавоб қайтармас, гўё эшитмагандек, ишини давом эттираверарди. Бугун ҳам у ўринсиз таъналарни ичига ютиб, хомушлик билан сабзавот тозалашга киришди. Қиз бу дунёнинг ғам-ғуссалари, ўз қисматига тушган мусибатларни ўйларди. Бирдан уй бекасининг сўзларини эшитиб бутун вужуди сесканиб кетди:

— Тулси, — деди бека, — дарров шахарга бориб, доктор Нолинакхани чақириб кел. Хўжайин оғир касал ётибди, деб айт.

«Доктор Нолинакха!» Гўё олтин торларга қўққисдан тегиб кетгандек, Камоланинг кўз ўнгида куёш нурлари титраб силкинди.

У сабзавотларни ташлаб, ошхона эшигига келди. Тулси таъзим қилиб ошхонага кирганида, Камола ундан сўради:

— Қаёққа кетяпсан, Тулси?

— Доктор Нолинакхани чақириб келаман.

— У ким?

— Шу ернинг энг яхши табиби!

— Қаерда туради?

— Шахарла, бу ердан бир миля нарида.

Камола уй эгасининг дастурхонидан эҳтиёт қилиб ололган нимаики емак бўлса, хизматкорлар билан бахам кўрарди. Уй бекаси уларга ҳеч қачон тўйгулик таом бермасди. Лекин беканинг кўпол ҳақоратлари Камолани бу раъйдан қайтаролмасди. Хиз-

маткорларга хўжайинлар таом еб бўлгандан кейингина овқатланишга рухсат бериларди. Баъзан хизматкорлардан бирортаси Камоладан таом сўраб келса, у сира йўқ демасди. Шунинг учун, киз тез фурсатда уларнинг меҳрини қозонди.

— Сен у ерда ким билан гап согаясан? — деган хайкирик эшитилди юкоридан. — Мени ҳеч нарсани кўрмайди, деб ўйлайсан-а?! Нима, ошхонага кирмасанг, шаҳарга йўл тополмайсанми? Шунча нарсанинг йўқолаётгани бежиз эмас экан-да. Унутма хоним, мен сени йўлдан топиб олганман, раҳмим келиб бошпана бердим. Окибат шуми хали!

Нобинкали, ҳамма менинг нарсаларимни ўғирлашга уринади деб, гумонсирагани-гумонсираган эди. Гарчи ҳеч қандай далил бўлмаса ҳам, барчани ўғри деб биларди. У қоронғида лой отсам ҳам, шубҳасиз мўлжалга бориб тегади, деб ишонарди. Хизматкорлар эса билиб қўйишлари керак, унинг қулоғи хамиша динг, уни алдаб бўлмайди. Бирок бу сафар Нобинкалининг пичинглари Камолага малол келмади. У тинмай ишласа-да, фикрлари аллақаерларда парвоз этарди. Қиз пастда, ошхона эшигида туриб, Тулсининг қайтишини кутди. Ниҳоят у қайтиб келди, лекин бир ўзи эди.

— Доктор келмадими, Тулси?

— Йўқ, келмади.

— Нега?

— Онаси касал экан.

— Онаси касал? — деб такрорлади Камола. — Нима, уйда бошка ҳеч кими йўқ эканми?

— Йўқ, доктор уйланган эмас.

— Уйланмаганини сен қаердан биласан?

— Хизматкоридан эшитганман.

— Эҳтимол аёли ўлгандир?

— Эҳтимол, лекин хизматкор Брож, у Рангпурда шифокор бўлиб ишлаганида ҳам хотини йўқ эди, дейди.

— Тулси! — деб бақирди бека юкоридан.

Камола дарров ошхонага кириб кетди, Тулси эса юкорига қараб югурди.

Нолинакха!.. Рангпурда шифокорлик қилган!.. Камоланинг ортик шубҳаси қолмади.

Тулси пастга тушганида Камола яна гап очди:

— Менга қара, бир қариндошим бор эди, унинг исми ҳам Нолинакха. Айт-чи, у чиндан браҳманми?

— Ҳа, у браҳман, фамилияси — Чотужо.

Уй бекасининг газабидан кўркқан Тулси киз билан гапни давом эттиришга ботинмай тезда ғойиб бўлди. Камола эса Нобинкалининг олдига бориб:

— Мен ишларимни тугатдим, энди Дошашомедх-Гхабга бориб чўмилиб келсам майлими, — деди.

— Жуда ғалатисан-а! — жавраб кетди Нобинкали. — Хўжайин касал, унга бирор нарса керак бўлиб колса, сенсиз нима киламиз?

— Мен бир кариндошимнинг Банорасда эканини билдим, у билан кўришсам дегандим, — деб туриб олди Камола.

— Бунинг оқибати яхши бўлмайди! — деб жеркиди Нобинкали. — Мен ёш бола эмасман, хаммасига аклим етади. Сенга кариндошинг хақида ким хабар келтирди? Тулсидир-да, бу болани уйимда сақлаб бекор қилган эканман. Ёдингда тут хоним, уйимда экансан, ўзинг ёлғиз чўмилгани хам, шаҳарга кариндошингни кидиргани хам бормайсан!

Дарбонга дархол Тулсини хайдаб юбориш ва уни бошка уйга йўлатмаслик хақида буйруқ берилди, бошка хизматкорларга эса, Камола билан ҳар қандай алоқада бўлиш қатъиян ман этилди.

Нолинакханинг тирик эканига ишонгунча Камола итоаткор эди. Бироқ энди унинг итоаткор бўлиши қийин. Шу шаҳарда унинг эри яшайди, шундай экан, бегона бир уйда яшаш унинг учун оғир, у бунга токат қилолмайди! Қиз энди илгаригидек ғайрат билан ишлолмасди, уй бекасининг эса борган сари ундан норозилиги ортиб борарди.

— Айтиб қўяй хоним, — дер эди у, — сўнги пайтларда феъл-атворинг менга ёқмай колди. Иблис йўлдан оздирдими, нима бўлди ўзи сенга? Овқат емасанг ихтиёр ўзингда, аммо бизни оч колдиришингга қўймайман. Бугунги пиширган таомингни оғизга олиб бўлмайди.

— Энди мен сизларда ишлолмайман! — деди Камола. — Сабрим тугади! Менга жавоб беринг!

Нобинкалининг жиғибийрони чиқиб, қизни талаб кетди:

— Хақиқатан, ҳеч кимдан яхшилик қайтмайди ўзи! Мен бўлсам, яна бунга раҳм қилиб, бошпана бериб ўтирибман! Неча йиллар хизмат қилган шундай зўр бир брахман-ошпазни бўшатиб юбордим-а. Ҳатто, брахманлигини тузук-қуруқ суриштириб ўтирмадим. «Менга жавоб беринг!» эмиш. Қочишга уринадиган бўлсанг, полицияга тутиб бераман! Менинг ўғлим судья! Унинг амри билан қанчадан-қанча одамлар осилиб кетди! Мен билан ҳазиллаша кўрма! Годуни эшитганмисан? У хўжайинга дағаллик қилиб, қилмишига яраша жазосини тортди. Ҳозиргача камоқда ўтирибди! Мени алдай олмайсан!

Беканинг сўзлари ёлғон эмасди. Хақиқатан хам бека билан унинг эри Годуни соат ўғирлашда айблаб, каматиб юборишганди.

Камола ноилож эди. Бахт-саодат шундай яқин келганида, қўлларинг боғланган бўлишидан кўра оғирроқ мусибат борми! Бешафқатлик билан янчилган асиранинг ҳаёти чидаб бўлмайдиган бир ҳолга келди. Шомдан кейин қиз ҳамма ишларини битириб, иссиқ рўмолга ўраниб, боққа чикди. Деворга суяниб, шаҳарга

борадиган йўлга узок қараб қолди. Қизнинг ёш қалби эрига сидқидил билан хизмат қилиш истаги-ла тўлиб, ўз муҳаббатини изхор қилишга ташна эди! Бу шоми ғарибонда кимсасиз йўлларга, ҳамон ўзи учун азиз бўлган уйга қараб термилиб турарди. У гўё котиб қолгандек узок турди. Кейин ўша ёкка қараб, эгилиб таъзим қилди-да, ўз хонасига қайтди.

Бироқ Камола озгина эркинликдан, жиндек бахтдан фойдалана олмади. Бир куни шомдан кейин Нобинкали Камолани чакириб келишни буюрди. Хизматкорлар келиб, уни ҳеч қаердан тополмадик, дейишди.

— Наҳотки қочиб кетган бўлса? — деди Нобинкали безовта-ланиб ва ўзи чироқ кўтариб, хонама-хона Камолани қидира бошлади. Уни тополмай, эрининг олдига борди. Хўжайин кўзларини юмиб, хукка¹ чекарди.

— Гапга кулоқ солинг, брахман қиз қочганга ўхшайди!

Хатто бу хабар ҳам Мукундо-бабуни безовта қилишга кодир эмасди.

— Унга кўп ҳам ишонма деб огоҳлантирган эдим, — эринчоқлик билан чўзиб гапирди у. — Бирор нарса йўқолдимми?

— Йўқ, ўраб юрсин деб берган рўмолим кетди, холос — деди бека. — Яна нималар йўқ, билмайман.

— Полицияга хабар қилиш керак, — деди хўжайин совуқ-қонлик билан.

Хизматкорлардан бирини полицияга юборишди. Шу пайтда Камола қайтиб келиб қараса, Нобинкали нимаси йўқолганини билиш учун бутун уйни ағдар-тўнтар қилиб юборибди.

— Бу нима қилик! — деб кичкирди Камолани кўриб. — Қаерда эдинг?

— Ишларимни саранжомлаб, боққа чикқандим, — деди Камола.

Нобинкалининг ичига оқ ит кириб, қора ит чикди. У оғзига келганини қайтармади. Ҳайкириғига хизматкорлар югуриб чиқиб, ошхона теварагида уймалашиб қолишди.

Нобинкалининг ҳақоратлари Камолани йиғлашга мажбур этолмаган эди. Ҳозир ҳам у қаттиқ ҳақоратларни эшитиб, хомуш турарди.

Нобинкалининг талвасаси андак сусайгач:

— Мендан норозимисиз? Жавоб беринг, кетай! — деди Камола.

— Жавоб берармишман-а! — деб яна бақирди Нобинкали. — Мени сенга ўхшаган нонқўр махлукни боқиб кийинтиради, деб ўйлама! Хайрлашишдан олдин сенга кимнинг совунида кир ювганини кўрсатиб қўяман!

¹ Хукка — чилимнинг бир тури.

Бундай можародан кейин яна қайтиб бокка чиқишга Камоланинг юраги бетламади. У хонасида беркиниб, ўз-ўзига тасалли берарди:

«Бунчалик азоб чеккан кимсага Яратганнинг раҳми келиши керак-ку!»

Бир куни Муқундо-бабу икки хизматкори билан сайрга чиқиб кетди. Улар кетганидан кейин дарвозага тамба қўйилди. Қош қорая бошлагач, эшикнинг ортидан аллакимнинг овози эшитилди.

– Муқундо-бабу уйдами?

Нобинкали саросимага тушиб қолди.

– И-я, бу доктор Нолинакха-ку! Будхия! Будхия! — чақирди хизматкорни. Аммо Будхиядан дарак йўқ эди.

– Югур дарров эшикни оч! — деб Камолага буюрди. — Докторга хўжайин сайрга чиқиб кетганди, ҳозир келади, деб айт. Доктор уни бир оз кутсин.

Камола чирокни олиб пастга тушди. Оёқлари қалтирар, юраги тез-тез урар, қўллари муздек эди.

У каттиқ ҳаяжонланганидан Нолинакхага яхшилаб қарай олмайман, деб қўрқарди.

Қиз тамбани бир тарафга тортиб, юзига чодрасини туширди-да, эшикнинг ортига ўтиб турди.

– Хўжайин уйдадилар? — деб сўради Нолинакха.

– Йўқ, марҳамат қилиб ичкарига кириңг, — аранг гапирди Камола. Нолинакха меҳмонхонага кирди. Бу орада Будхияни кидириб топишди. У келиб Нолинакхага бекасининг сўзларини етказди:

– Хўжайин бир оз сайр қилгани чиқиб кетган эди. У ҳозир келади. Андак сабр қилиңг.

Ҳаяжондан Камоланинг кўкси оғир-оғир қалқиб тушарди. У Нолинакхани яхшироқ кўриш учун қоронғи айвонга ўтди. Қиз ҳаяжондан зўрға оёқда турарди, каттиқ уриб турган юрагига бир оз ором бериш учун полга ўтирди. Бетоқатлик ва салқин оқшомдан Камоланинг бутун вужуди қалтираб кетди.

Чирокнинг хира ёруғида Нолинакха ўйга ботиб ўтирарди. Камоланинг нигоҳи унга қадалганди. Кўзларидан ёш қалқди. У Нолинакханинг сиймосини қалбига абадий кўчиришга урингандек, ёниб турган кўзларини ундан узмасди. Милтиллаган чирокнинг шуъласида ёришиб турган бу кенг пешанали хаёлчан чехрага бокиб, донг қотган қиз теварақдан бўлак ҳеч нарсани кўрмаётгандек эди. Ҳозир унинг учун оламда бу чехрадан бошқа, гўё ҳеч нарса йўқдек. Унинг учун бутун борлиқнинг мужассам тимсоли шу эди.

Камоланинг бу ўйчанлик, тўғриси ҳушсизлик ҳолатида яна қанча вақт ўтиргани маълум эмас. У бирдан ўзига келиб қараса, Нолинакха курсидан кўзғалиб, Муқундо-бабу билан гаплашмоқда эди.

Уларнинг кўриб қолишларидан кўрқиб, киз пастга, ошхонага тушди. Ошхона кўча томондаги ховлида эди, Нолинакха шу ердан ўтади. Камола интизорлик билан уни кутиб турди.

— Мен, аячли аёл, қандай қилиб бундай одамга рафика бўла оламан! Унинг ақлли, ёруғ, гўзал чехрасида илохийлик бор! Эй қалбимнинг султони, мен бекордан-бекорга азоб чекмаган эканман! — деб илтижо қилди киз.

Нарвонда кадам товуши эшитилди. Камола дарров эшикнинг ёнига ўтиб олди. Биринчи бўлиб чирок кўтариб Будхия ўтди. Унинг кетидан Нолинакха пайдо бўлди.

«Эй қалбимнинг султони, содик чўринг бегона уйда қул бўлишга мажбур. Сен унинг ёнидан ўтиб, ҳатто сезмадинг» — деб фикран унга мурожаат қилди Камола.

Муқундо-бабу кечки емак вақтида хотинининг хонасига кирганида, Камола астагина меҳмонхонага ўтди. У Нолинакха ўтирган курсининг олдида тиз чўқди, пешанасини полга тегизиб, эрининг изини ўпди. Ғам-ғуссадан юраги эзилган қизнинг Нолинакхага ўз садоқатини, муҳаббатини ифода қилиш учун бошқа имконият йўқ эди.

Эртасига Камола, доктор хўжайинга саломатлигини яхшилаш учун иклимни ўзгартириб, Банорасдан анча йироққа, Фарбдаги биронта курортга боришни маслаҳат берганини билди. Уйда сафарга ҳозирлик бошланди.

— Мен Банорасдан кетолмайман, — деди Камола Нобинкалининг олдига келиб.

— Биз кета оладиган жойга бу киши кетолмасмиш! Хўш, нима сабабдан бирданига бундай такводор бўлиб қолдинг!

— Нима десангиз денг, мен шу ерда қоламан.

— Яхши! Кўрамиз, қандай қилиб қолар экансан.

— Сиздан илтимос қиламан, мени бу ердан олиб кетманг, — деб ёлворди Камола.

— Сен хавфли одам кўринасан! Жўнаш вақти келса-ю, сен ноз қилиб ўтирсанг! Биз ҳозир ўрнингга бошқа одам тополмаймиз. Сенинг вазифангни ким бажаради?

Қизнинг илтимос ва ялинишлари беҳуда кетди. Унинг ўз хонасида биқиниб олиб, Яратганга ёлвориб зор-зор йиғлашдан бўлак чораси йўқ эди.

ЛШ БОБ

Оннода-бабу Хемнолинини Нолинакхага никоҳлаш ҳақида кизи билан сўзлашганидан кейин эски дарди яна кўзгаб қолди. Кечаси каттик азоб тортди-ю, лекин сахарга бориб тузук бўлди.

Оннода-бабу боғда ўтириб, қишки офтобнинг ёқимли шуъласида исинарди. Ундан нарироқда Хемнолини чой дамламоқда эди.

Туни билан дард чеккан Оннода-бабунинг юзлари синик, хор-гин кўринар, кўзининг атрофи қорайган эди. Бу кеча у бирдан кексайиб қолгандек эди. Хемнолини ўзини гўё юрагига ханжар санчилгандек ҳис этди. Қариянинг Нолинакхага турмушга чиқиш ҳақидаги таклифини рад этиб, уни ранжитгани учун Хемнолини кўп азоб чекди. Унинг назарида, отасининг руҳан эзилишига юрагидаги дард-алам сабаб бўлганди.

«Уни тинчйтиш учун нима қилиш керак?» — деб ўйларди қиз, аммо аниқ бир фикрга келолмасди.

Кутилмаганда Окхой билан Чокроборти амаки кириб келди-ю, унинг ўйлари бўлинди. Қиз кетмоқчи бўлганди, Окхой уни тўхтатиб қолди.

— Кетманг, бу киши гажипурлик Чокроборти амаки бўлади. Бу киши фарбий вилоятларда жуда машҳур. Унинг сизда муҳим иши бор экан.

Боғда ярим вайрона шийпон бўлиб, Окхой билан амаки унинг зинасига ўтирдилар.

— Менга айтишдики, — деб сўз бошлади амаки, — Ромеш-бабу сизнинг яқин дўстингиз экан. Сиз унинг рафикаси ҳақида бирор нарса эшитмадингизми?

Таажжубдан Оннода-бабу оғиз очолмай қолди.

— Ромеш-бабунинг рафикаси? — деди у ниҳоят, ажабланиб. Хемнолини ерга қаради.

— Мени одобсиз дейсизми деб кўрқаман, — давом этди амаки, — Сабр қилиб, сўзларимни охиригача тингланг, шунда бу ерга келишимдан мақсад ўзгалар устидан ғийбат қилиш эмаслигига ишонасиз. Мен Ромеш-бабу ва унинг аёли билан кемада, Пужа байрами вақтида, улар Фарбга қараб кетишаётган пайтда танишдим. Сиз, албатта биласиз, кимки Камолани лоақал бир маротаба кўрса, уни бир умр унутолмайди. Мен кекса одамман, кўп мусибатларни бошдан кечириб кўнглим каттиқ бўлиб қолган, лекин ханузгача уни, ўша Лакшмимизни унутолмайман. — Чолнинг кўзлари жикка ёшга тўлди. — Ромеш-бабу қаёққа боришини билмай турарди. Аммо Камола икки кун ичида менга ўрганиб қолди ва Ромеш-бабунини Гажипурда қолишга кўндирди. Камола у ерда қизим Шойложа билан дўстлашиб кетди... Бундан кейин нималар содир бўлганини гапириш менга оғир... Нега у бизни ташлаб кетиб, ҳаммамизни азобга қўйганини ханузгача тушуна олмайман. Ўшандан бери Шойложанинг кўзларидан ёш аримайди.

Чол хўнграб юборди.

Оннода-бабу ғоятда хаяжонланган эди.

— Унга нима бўлди? У қаерга кетди? — деб сўради у.

— Окхой-бабу, — деб шеригига мурожаат қилди амаки, — сиз ҳаммасини биласиз, буларга тушунтириб беринг... Агар мен сўзлай бошласам, ғам-аламдан юрагим тарс ёрилади деб кўрқаман!

Окхой бўлиб ўтган воқеаларни батафсил гапириб берди. У ўздан ҳеч нарса қўшмади, лекин Окхой Ромешнинг феъл-атворини шу тарзда ифода қилдики, уни олийжаноб одам деб аташ сира мумкин эмасди.

— Бизнинг бу воқеалардан сира хабаримиз йўқ. Калкуттадан кетгач, Ромеш бирорта мактуб ёзмади, — деди Оннода-бабу зўрға гапирибди.

— Биз, ҳатто унинг Камолага уйланганини ҳам билганимиз йўқ, — деди Окхой. — Чокроборти амаки, Камола Ромешнинг хотини эканига аминмисиз, балки синглиси ёхуд қариндошидир?

— Сиз нималар деяпсиз, Окхой-бабу? — таажжубланди амаки. — Нега хотини бўлмасин? Камоладак садоқатли ва меҳрибон аёлни камдан-кам учратасиз!

— Таажжуб! Хотин қанча яхши бўлса, унга шунча ёмон муомала қилишади! — деди Окхой оғир нафас олиб. — Менимча, энг олийжаноб одамларнинг қисмати — кулфат экан, шекилли.

— Бу, ҳақиқатан катта бахтсизлик! — деди Оннода-бабу сийрақлашган сочларини силаб. — Аммо энди бир нарса қилиб бўлмайди. Қайғуришга ҳам ҳожат йўқ.

— Менинг баъзи гумонларим бор, — сўзида давом этди Окхой. — Камола ўзини сувга ташламай, уйдан қочиб кетган бўлса-чи? Мен Чокроборти амакини Банорасга уни қидириш учун олиб келдим. Лекин кўриниб турибдики, сизлар ҳам бу ҳақда ҳеч нарса билмас экансизлар. Биз бу ерда бир неча кун қолиб, Камолани қидириб кўрамиз.

— Ҳозир Ромеш қаерда? — деб сўради Оннода-бабу.

— У биз билан хайрлашмай кетиб қолди, — деди амаки.

— Мен уни кўрмадим. Лекин Калкуттага кетди деб эшитдим, — деди Окхой. — У Алипурда ишламоқчи, шекилли. Ромеш каби тажрибасиз йигит мусибатга узоқ бардош беролмайди. Юринг, Чокроборти амаки, Камолани қидириб кўрайлик.

— Сен бизникига яна кирасанми, Окхой? — деб сўради Оннода-бабу.

— Билмайман. Юрагим шундай ачишяптики, сиз буни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Ҳозирча Банорасда эканман, Камолани қидиришим керак. Олийжаноб қиз ноиложликдан уйдан қочган! Ҳозир у катта хавф остида! Албатта, бу Ромеш-бабу учун фарқсиз, аммо мен хотиржам бўлолмайман.

Шундан кейин Окхой билан амаки Оннода-бабунинг уйдан чиқиб кетишди.

Дили сиёҳ бўлган Оннода-бабу қизига синовчан қараб қўйди. Хемнолини, отасининг безовта бўлаётганини фаҳмлаб, ўзини зўрға гинчитди.

— Ота, сиз бугун шифокорга кўринишингиз керак, — деди у. — Арзимас нарсалар ҳам саломатлигингизга таъсир қилиши мумкин. Бир оз даволанишингиз керак.

Оннода-бабу енгил тортди. Хемнолини Ромеш хақида шунча гап-сўзни эшитгани ҳолда, отасининг саломатлиги хақида гап-хўрлик қияпти. Отанинг елкасидан тоғ ағдарилди. Бошқа вақтда у ўз соғлиги хақида гапириб ҳам ўтирмасди, аммо бугун:

— Ажойиб фикр! Шифокорга кўриниш керак. Сен нима дейсан, Нолинакхага киши юборсакмикан? — деди.

Нолинакхани эслатиш Хемнолинини яна безовта қилиб қўйди. Энди унга отаси ҳузурда Нолинакха билан аввалги табиийликни сақлаб қолиш қийин бўлса-да, у рози бўлди:

— Яхши, мен унга одам юбораман.

Хемнолинининг осойишталигини кўриб, Оннода-бабу дадил гапира бошлади:

— Хем, Бу Ромеш масаласи...

Хемнолини уни гапини тугатгани қўймади.

— Ота, ҳаво исиб кетди... Юринг... Юринг, уйга кирамиз, — деди ва унинг эътироз билдиришига қарамай, қўлтиклаб уйга олиб кирди. У ерда отасини курсига ўтказди-да, қўлига газета тутқазди. Кейин кўзойнагини филофидан чиқариб тақиб қўйди:

— Ўқиб туринг, ота. Мен ҳозир келаман, — деди.

Оннода-бабу итоаткор боладек Хемнолинининг айтганини бажаришга уринди, аммо кизи хақидаги ташвиш фикрни жамлашга ҳалақит берарди. Охири у газетани қўйиб, Хемнолинини қидира бошлади. Унинг хонасига яқинлашиб қараса, эшик кулф, ҳолбуки ҳали вақт эрта эди.

Оннода-бабу айвонда у ёқдан-бу ёққа хомуш бориб келарди. Бир оз туриб, у яна Хемнолини томонга қараб юрди, аммо бу сафар ҳам унинг хонаси берк эди. Хавотирланган Оннода-бабу айвонга қайтиб, тўқима курсига ўтирди ва асабийлашиб сочларини торта бошлади.

Кўп ўтмай Нолинакха келди. У касални кўриб, даволаниш тартибини тайинлади, сўнгра энди кириб келган Хемнолинига мурожаат қилди:

— Айтинг-чи, отангизнинг бирор нарсадан ташвиши борми?

Хемнолини «ха» деб жавоб қилди.

— Унга тўлиқ осойишталик зарур, — деди Нолинакха, — онам билан бўлиб, мен ҳам айни ҳолни бошдан кечирдим. Онамни майда-чуйда нарса ҳам ҳаяжонга солади, бу эса мадорни қуритади. Кеча у аллақандай арзимас нарса учун тун бўйи мижжа қокмай чиқди. Мен уни тинчлантиришга уринаман, лекин дунё шундай тузилганки, одамга тасалли беришга доим ҳам муваффақ бўлавермайсан.

— Бугун мазангиз йўқроқ кўринади, — деди Хемнолини.

— Йўқ, анча бардамман, — деб эътироз қилди Нолинакха. — Мен ҳеч қачон оғримайман. Аммо кеч ётдим. Шунинг учун, эҳтимол хорғинроқ кўринаётгандирман.

— Онангизнинг ёнида, унга қараб турадиган бир аёл бўлганида яхши бўларди. Сиз ёлғизсиз, ишингиз кўп. Шунинг учун уни кўнгилдагидек парвариш қилолмайсиз.

Хемнолини сўзини бамайлихотир давом эттирди. Унинг сўзлари ўринсиз эмасди, албатта. Аммо у, Нолинакха буни ишорага йўйиши мумкин деб ўйлаб, хижолатдан кизариб кетди.

Хемнолинининг хижолат тортишини кўриб, Нолинакха онаси билан бўлган суҳбатни эслади.

— Унинг ёнида доим бир жория турса яхши бўларди, — дея шошилиб изох берди киз.

— Мен онамни кўндиришга кўп уриндим, аммо у сира ҳам рози бўлмади, — деб жавоб берди Нолинакха. — Улар мазҳабий покликка катта эътибор берадилар. Унинг феъли шунақа: ўз ихтиёри билан қилинмаган хизматдан ҳаргиз истифода этмайди.

Бунга Хемнолини жавоб қайтармади. У бир оз туриб гапирди:

— Мен сиз берган насиҳатларга амал қилмоқчиман, аммо тўсиқларга дуч келиб чекинаётирман, ҳеч қачон руҳий қатъият ва осойишталикка эришолмайман деб кўрқаман. Айтинг-чи, тақдир мени ҳамиша шундай безовта қилаверадими?

Хемнолинининг сўзларидаги алам ва қайғу оҳанглари Нолинакхани ўйлантириб қўйди.

— Ноумид бўлманг, — деди у. — Ёдингизда бўлсин, ҳаёт йўлида учраган тўсиқлар кишидаги руҳий матонатга синовдир.

— Сиз эртага эрта билан бизниқига бир кириб кета оласизми? — деб сўради Хемнолини. — Сизнинг ёрдамингиз менга куч бағишлайди.

Нолинакханинг юзида ва овозида катта маънавий куч бор эди, Хемнолини ундан илхом оларди. Нолинакха кетганидан сўнг қизнинг кўнгли бир оз таскин топди. У хонаси олдидаги айвонда туриб, қишки офтоб нури билан тўлган атрофни кузатарди. Порлаб турган қуёш нурларида куч ва осойишталик, меҳнат ва фароғат билан тўлиб-тошган коинот унинг кўз олдида ястаниб ётар, бунда бебош орзулар ҳамда жиловланган истак уйғунлик касб этарди. У ўзининг азобланган қалби билан борликнинг улдуғворлигини хис этди. Қуёш нури ва чексиз осмон Хемнолинининг қалбида ҳаётга ташналик ва бу оламга миннатдорлик ҳиссини уйғотди.

У Нолинакханинг онаси ҳақида ўйлади. Қиз кекса аёлнинг ўтган кеча нега ухлолмаганини фаҳмлади. Нолинакхага турмушга чиқиш ҳақидаги таклиф туфайли пайдо бўлган илк ҳаяжон ва кўркув босилди. Хемнолинининг қалбида унга нисбатан чексиз меҳр ва миннатдорлик ҳисси уйғонди, аммо бу меҳрда на ҳақиқий ишқ азоби, на тугён бор эди. Ўз-ўзи билан бўлган йигитга аёлнинг муҳаббати керак эмасди, албатта; аммо унга бошқалар сингари, бир инсоннинг гамхўрлиги зарур. Унга ким гамхўрлик қилади? Онаси кекса ва заиф, ахир! Нолинакханинг

хаёти эса, бошқалар учун фойдадан холи эмасди! Унга хизмат қилмоқ, одамлар олдидаги бурчингни бажармоқ демақдир!

Эрталаб Ромеш хақида эшитганлари унинг ишққа тўла қалби учун оғир имтихон эди. Бу зарбага бардош бериш учун Хемнолинига бутун рухий қувватини бир ерга тўплашга тўғри келди: энди унга, Ромеш учун изтироб чекиш ҳақоратдек туюлди. У Ромешни ўйлашни ҳам, айблашни ҳам истамасди. Миллионлаб одамлар эзгулик ва ёвузлик қилганлари холда, ер тўхтовсиз айланиб туради. Шунинг учун Хемнолини ҳам ҳеч қимни айблаш фикрида эмасди. У Ромеш хақида ўйлашни истамасди. Баъзан ҳалок бўлган Камолани эслаб, уни ваҳима босарди. Мен билан ўзини ўлдирган бахтсиз аёл орасида қандай муносабат бор, деб ўз-ўзидан сўрарди. Бунда ғазаб ва ачиниш унинг юрагини сикарди. У қўлларини қовуштириб, муножот қилди:

— Эй Парвардигор, нечун мен бундай изтироб чекаяман? Гуноҳим нима? Эй Раҳмон, мени бу муҳаббатдан ҳалос эт! Менга ҳеч нарса керак эмас, фақат бу оламингда тинч яшасам, бас!

Оннода-бабу, Хемнолинининг Ромеш ва Камола хақидаги фикрини билишга ошиқарди, аммо ундан бу борада сўрашга ботинолмасди. Хемнолини айвонда кашта тикиб ўтирганида Оннода-бабу унинг олдига бир неча бор қирган бўлса-да, унинг ҳаёлчан юзини кўриб, гапиролмади.

Фақат кечкурун, Хемнолини унинг ёнида ўтириб, унга дори билан сут ичирганидан кейингина Оннода-бабу ўзини тутиб олди.

— Чирокни ўчир, — деб илтимос қилди қизидан.

Хонага қоронғилик чўккач, Оннода-бабу гап бошлади:

— Афтидан, ҳалиги чол яхши одамга ўхшайди...

Хемнолини жавоб қайтармади. Оннода-бабу бошқа сўз тополмай, тўғридан-тўғри мудлаога ўтди:

— Мен Ромешнинг қилиғидан хайронман. У ҳақда қўплаб гап-сўзлар бўлганди, лекин мен уларга нарво қилмаган эдим. Бирок...

— Ота, бу гапни қўяйлик, — рағминлик билан сўзини бўлди Хемнолини.

— Азизам, мен ҳам бу ҳақда гапиришни хохламайман! Лекин ўзинг ўйлаб кўр, Яратганнинг иродаси билан бизнинг қувонч ва қайғумиз шу одамга боғланиб қолди. Бинобарин, биз унинг қилмишларига лоқайд қаролмаймиз.

— Йўқ, йўқ! — дея шошилиб гапирди Хемнолини. — Нима учун биз ўз бахтимизни бирон одам билан боғлашимиз керак! Ота, мен хотиржамман. Сиз мени деб ташвиш тортаётганингиз учун виждон азобидаман.

— Она қизим, — деб гапида давом этди Оннода-бабу, — мен кексайиб қолдим, то уй-жойлик бўлмагунингча қўнглим тинчимайди. Зоҳида бўлишингни асло истамайман.

Хемнолини индамай турарди.

— Тушунгин ахир, она кизим, — дея уни кўндирмоқчи бўлди Оннода-бабу. — Албатта, сен каттик ноумид бўлдинг, бироқ нима бўлганда ҳам ҳаёт сенга бахш этган саодатни рад этиш яхши эмас. Ҳозир ўз қайғуларинг билан бўлиб, сени нима бахтли ва ҳаётга фойдали қилишини билмайсан. Мен бўлсам хамиша эсон-омонлигингни ўйлайман. Сенга нима бахт ва осойишталик келтиришини биламан, она кизим. Насихатларимга лоқайд бўлма!

Хемнолинининг кўзларига ёш келди.

— Бундай деманг, ота. Мен маслаҳатларингизни рад этмайман, чизган чизингиздан чиқмайман. Фақат қалбимни шубҳалардан холи қилиб, бу ишга тайёрлангунча фурсат беринг.

Оннода-бабу қоронғида қизининг ҳўл юзига тегиб, унинг бошини силади. Ўша окшом у бошка бир сўз ҳам айтмади.

Эртаси куни Оннода-бабу билан Хемнолини боғдаги бир дарахтнинг соясида чой ичиб ўтирганларида, Окхой келиб қолди. Оннода-бабунинг кўзларидан сўзсиз саволни ўқиб, Окхой бир пиёла чойни олиб ўтирди-да, гап бошлади:

— Ҳозирча ҳеч қандай хабар йўқ. Камола билан Ромешнинг баъзи буюмлари ханузгача Чокроборти амакининг уйида турибди, — деб секин давом этди у, — амаки бу буюмларни қаёққа жўнатишини билмаяпти. Ромеш-бабу манзилингизни билса, ҳаялламай етиб келади. У ҳолда сиз...

Кутилмаганда Оннода-бабу ғазаб билан унинг сўзини бўлди:

— Окхой, сен жуда бефаросатсан. Нега Ромеш бизниқига келади? Нима учун мен унинг буюмлари ҳақида ўйлашим керак?

— Эҳтимол, Ромеш-бабу ўз қилмишларига пушаймон бўлгандир, — ўзини оқлай бошлади Окхой. — Уни ёқлаш эски кадрдонларнинг бурчи эмасми? Уни шундай дақиқаларда ташлаб кетиш инсофданми?

— Окхой, — деди Оннода-бабу, — сени доим шу ҳақда гапиришинг бизга малол келмоқда. Марҳамат қилиб, бундай кейин олдимизда Ромеш ҳақида гапира кўрма!

— Қизишманг ота, — деди Хемнолини мулойимгина. — Сизга зарар қилади. Окхой-бабу кўнгли тилаган нарсани гапира берсин. Ҳечкиси йўқ.

— Йўқ, йўқ, мени афв этингиз, — деб уэр сўради Окхой. — Мен бунчалик бўлишини билмабман.

LIV БОБ

Мукундо-бабу Банорасдан Мирутга кетиш учун бутун оиласи билан тайёргарлик кўрди. Буюмлар аллақачон тугиб қўйилган, сафарга чиқиш сахарга тайинланган эди. Уларнинг жўнашига нимадир халакит берарди, Камола шифокор Нолинакха яна бир марта беморни кўргани келар деб, ҳамон умид қиларди. Аммо на униси, на буниси бўлди.

Нобинкали тўполонда Камоланинг қочиб кетишидан кўркиб, охирги кунларда уни ёнидан бир қадам ҳам жилгани кўймади. Буюмларни тугиш, боғлаш — барчаси киэнинг гарданида эди. Камола умидсизликка тушиб, сўнгги кеча қаттиқ бетоб бўлишни орзу қилди. У ҳолда Нобинкали, балки уни олиб кетмасди ёки унга машхур шифокорни чакиришарди. Қиз кўзларини юмиб, ўлими олдидан шифокорнинг хокипойини ўлиб жон беришини тасаввур қилди.

Сўнгги тунни Камола Нобинкалининг хонасида ўтказди. Эртаси куни бека билан бирга вокзалга қараб юрди, Муқундобабу иккинчи тоифа вагонга ўтирди, Нобинкали Камола билан аёлларнинг купесига жойлашди.

Ниҳоят поезд жўнади. Қутурган филнинг олд тишлари ваҳшийлик билан чирмовукни юлгандек, паровознинг ҳуштаги Камоланинг юрагини тилка-пора қилди. Қиз вагон деразасидан ортда қолиб бораётган шаҳарга ташналик билан тикиларди. Нобинкалининг овози эшитилди:

— Пон солинган кути қаерда? — Камола миқ этмай унга кутини узатди.

— Ўзим ҳам билувдим, — дея ғазаб билан бақирди Нобинкали. — Бетелга оҳак солишни унутибсан. Сени нима қилсам экан? Агар ўзим қарамасам, барча нарса расво бўлади. Ичингга шайтон кириб олганми, нима бало?! Жўрттага жаҳлимни чиқарасан. Бугун сабзавот тузсиз. Эртага ширғуручдан тупрокнинг хиди келади. Нима, найрангларимни билмайди, деб ўйлайсанми? Шошмай тур, Мирутга етиб олайлик, жойингни кўрсатиб қўяман!

Поезд кўприкдан ўтаётганида, Ганг соҳилида жойлашган Банорасга сўнгги марта қараш учун, Камола деразадан бошини чиқарди. У Нолинакханинг уйи қаерда эканини билмасди. Аммо поезднинг суръат билан юришида кўз олдидан милт-милт ўтиб турган соҳил, уйлар, эҳромга ўхшаган ибодатхоналар барча-барчаси Нолинакхани эслатар, ҳаммасидан унинг иси анқиб тургандек туюлар, улар бари Камоланинг юрагига яқин, беҳад дилкаш эди.

— Нега деразадан бошингни чиқарасан? — деб ўшқирди бека, — канотинг йўқ-ку! Барибир учолмайсан!

Банорас ортда қолгач, Камола ўз ўрнига қайтиб, осмонга хомуш кўз тикиб кетди. Поезд Мўғулсаройга келиб тўхтади. Камола гўё тушидагидек, на вокзал шовқинини, на оломоннинг гала-ғовурини эшитарди. У беҳосдан бошқа поездга чиққанини ҳам сезмай қолди.

Поезд жўнайдиган вақт етганида, тўсатдан таниш бир овозни эшитиб, сапчиб тушди.

— Опажон!

Камола кайрилиб, вокзал сахнига қаради ва Умешни кўриб қувончдан чехраси ёришди.

— Сенмисан, Умеш?

Умеш купе эшигини очди. Шу пайтда Камола ҳам вокзал сахнига тушди. Умеш эса эхтиром билан унга таъзим қилиб салом берди.

Умешнинг оғзи қулоғида эди. Шу пайтда назоратчи купе эшигини қаттиқ ёпди.

— Камола, нима қиялсан! — кутургандек кичкирди Нобинкали купедан, — поезд жўнайди, ахир! Тезрок чик! Тез!

Аммо Камола ҳеч нарсани эшитмади. Хуштак чалинди, паровоз пишиллаб, юриб кетди.

— Қаердан келялсан, Умеш? — деб сўради Камола.

— Гажипурдан.

— Ҳаммалари соғ-саломатми? Амаки бардамилар? — уни саволлар билан қўмиб юборди киз.

— У жуда бардам.

— Опамнинг аҳволи яхшими?

— У сизни ҳар эслаганида йиғлайвериб эси кетади, опажон.

Камоланинг ҳам кўзлари жикка ёшга тўлди.

— Уми қалай? У ҳалиям холасини эслайдими?

— Сиз берган билагузукларни тақиб қўймагунларича сираям сут ичмайди, — деди Умеш. Тақиб қўйишса, жажжи қўлларини силкитиб, кичкиради: «Холам кетди!..» Онаси унга қараб йиғлагани йиғлаган.

— Бу ерга қандай қилиб келдинг? — деб сўради Камола.

— Гажипурда зерикдим, шунга келавердим.

— Энди каёкка бормоқчисан?

— Сиз билан кетаман, опа.

— Лекин менда бир чака ҳам йўқ.

— Менда пул бор, — деди Умеш ҳаяжонланиб.

— Қаердан олдинг? — деб таажжубланди Камола.

— Сиз берган ўша беш рупияни асраб юргандим, — деб Умеш чўнтагидан тугунча чиқариб, Камолага кўрсатди.

— Ундай бўлса кетдик, Банорасга борамиз. Айт-чи, иккита чипта сотиб ололасанми?

— Бўлмаса-чи, — деб жавоб берди Умеш ва тезда чипта олиб келди.

Поезд кетиш арафасида турганида, Умеш Камолани аёлларнинг купесига жойлаштириб, ўзи қўшни бўлмада кетди.

Улар Банорасда поезддан тушганларида:

— Энди каёкка борамиз? — деб сўради Камола.

Бу ёғини менга қўйиб беринг опа, — деди Умеш. — Мен жуда яхши жойни биламан.

— Яхши жой? Сен бу ерда кимни биласан? — деб таажжубланди Камола.

— Мен бу ерда хаммани биламан. Ҳали ўзингиз кўрасиз!

Умеш шу сўзлар билан Камолани извошга ўтказди. Ўзи эса извошчининг ёнига ўтирди. Ниҳоят, извош манзилга етиб келганида, Умеш извошдан тушаётиб:

— Опа, етиб келдик, — деб кичкирди.

Извошдан тушиб, Камола Умешнинг ортидан юрди.

Улар бир ҳовлига киришди.

— Бобом уйдадилар? — деб кичкирди Умеш.

Ичкаридан шовкин эшитилди.

— И-е, Умеш-ку! Сен қаердан келдинг?

Шу пайтда кўлида чубуқ билан, эшик олдида Чокроборти амакининг ўзи пайдо бўлди. Умешнинг юзига табассум югурди, донг қотган Камола амакининг оёқларига йиқилиб, таъзим қилди. Чокроборти амаки оғиз очолмай қолди, у нима деб гапиришни ҳам, чубуқини қаерга қўйишни ҳам билмасди. Ниҳоят Камоланинг иягидан ушлаб, хижолат тортган юзини кўтариб деди:

— Она қизим, хуш келибсиз! Юринг, юринг юқорига. Шойла, Шойла! Қара, бизникига ким келибди!

Шойложа дарров нарвон билан айвонга тушди. Камола опасига таъзим қилиб, унинг хокипойини кўзига суртди. Шойложа қизни шиддат билан оғушига олди-да, бағрига босиб, манглайдан ўпди. Жувоннинг кўзлари жикка ёшга тўлганди.

— Вой ўртоқжоним-эй, сизга нима бўлдийкин деб, қайғура-қайғура эсимиз кетди.

— Бу ҳақда гапиришнинг ҳожати йўқ, — дея кизининг сўзини бўлди Чокроборти амаки. — Яхшиси дастурхон ёз.

Шу вақтда жажжи қўлчаларини чўзиб, «хола, хола» деб кичкирганча Уми югуриб келди. Камола уни дарров кўлига олиб, меҳр билан ўпиб-ўпиб бағрига босди.

Шойложа Камоланинг кир босган кийимларига кўз ёшисиз қаролмасди. У Камолани ювинтириб, ўзининг тоза кийимларини кийдирди.

— Кечаси яхши ухламаганга ўхшайсиз, — деди у Камола кийинганидан сўнг. — Кўзларингиз киртайиб қолибди. Хозирок бориб ухланг. Унғача мен бирор таом пишираман.

— Йўқ, опа, — деди Камола, — мен ҳам сиз билан ошхонага бораман.

Шойложа рози бўлди, дугоналар бирга кетишди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Окхойнинг маслаҳати билан Чокроборти амаки Банорасга кетишга ҳозирланаётганида, Шойложа унға:

— Ота, мен ҳам сиз билан бораман, — деди.

— Бироқ Бипинга ҳозир таътил беришмайди-ку, — деди амаки.

— Майли, ўзим ёлғиз бораман. Онам унға қараб турадилар. Бунғача Шойложа бирор марта ҳам эридан ажрамаган эди.

Амаки рози бўлди, улар Банорасга кетишди. Улар вокзал сахнида Умешини кўришди. У ҳам шу поезддан тушган эди. Чокроборти амаки ва кизи ҳайрон қолиб, ундан қаяққа кетаётганини сўрадилар. Улар қандай максатда йўлга чиққан бўлсалар, Умешнинг ҳам шу ният билан чиққани маълум бўлди. Унинг Гажиपुरда кераклигини, тўсатдан ғойиб бўлиб қолса, кампирнинг хафа бўлишини билиб Чокроборти амаки ва Шойложа уни қайтиб кетишга кўндиришганди.

Кейинги воқеалар ривож китобхонга маълум. Умеш Гажиपुरда Камоласиз туролмади. Кунлардан бир кун кампир унга пул бериб бозорга юборганида, у Ганг дарёсининг нариги соҳилига ўтиб, вокзалда Камолани учратди. Ўша куни Чокроборти амакининг рафикаси болани бекордан-бекорга кутиб, ич-этини еб ётганди.

LV БОБ

Орадан бир кун ўтгач, Окхой яна Чокроборти амакининг уйига келди. Амаки унга Камоланинг қайтиб келганини айтишни истамди. У, Окхой Ромешнинг дўсти эмаслигини аллақачон билган эди.

Нега уйдан кетиб қолгани ва бу орада қаерда яшагани хақида Камоладан ҳеч ким суриштириб ўтирмади. Афтидан, гўё у бир неча кун муқаддам бошқалар билан бирга Банорасга келгандек эди. Фақат Умининг энагаси Лочминиягина қизнинг таъзирини бермокчи бўлганида, амаки дарҳол уни қақириб, ортик бундай қилмаслигини қатъий тайинлади.

Кечаси Шойложа билан Камола бирга ётишди. Шойложа уни ўзига тортиб қучоқлади, бошини силаб, сўзсиз илтимос билан уни ғуссаларидан воқиф қилишга қақирди.

— Опа, ўшанда сизлар нима деб ўйладинглар? — деб сўради Камола. — Эҳтимол мени қойигандирсизлар?

— Наҳотки биз ҳеч нарсани тушунмасак! — деб жавоб берди Шойложа. — Сен иложсизликдан шундай қилдинг деб ўйладик. Сенга бунчалар кулфат юборгани учун биз Яратгандан нолидик. Нега у гуноҳ қилмаган кишиларга қақирини ёғдиради?

— Мен бошимдан ўтказганларимни айтсам, эшитишга тайёр-мисиз, опа?

— Албатта синглим, — деб жавоб берди Шойложа. Унинг товуши Камолага нисбатан муҳаббатга тўла эди.

— Буларни сизга илгари сўзлаб бермаганимга ўзим ҳам ҳайронман, — дея гап бошлади Камола. — Мен у вақтда ҳеч нарсани тафаккур қилолмасдим. Бир куни тасодифан яшин теккандек бўлдим, уятдан юзингизга қарашга ботинмадим. Менинг на отам, на онам бор. Сиз мен учун ҳам она, ҳам ота бўлдингиз. Шунинг учун ҳеч кимга айтмаган сиримни сизга айтаяпман.

Камолага ётиб гапириш кийин эди, у кўрпачага ўтириб олди. Шойложа эса унинг рўпарасига ўтирди. Шундай қилиб қоронғида, Камола унга тўйдан сўнг бошидан нелар кечганини сўзлаб берди.

Қизнинг тўйгача ва никоҳ кечаси бирор марта ҳам эрининг юзига қарай олмаганини эшитиб, Шойложа қойиб берди:

— Мен сизни бунчалар тентак, деб ўйламаган эдим. Турмушга чиққанимда, мен сиздан ҳам ёш бўлганман, аммо заррача уялганим йўқ, эримнинг юзига яхшилаб қараб олиш учун имконни қўлдан бермадим.

— Бу уялиш эмасди, опа. Ҳамма мени қари киз деб юрарди, бирдан тўй! Дугоналарим мени масхаралашарди. Ниҳоят эр топилиб, қувониб қолди демасинлар деган хавф билан, мен бирор марта ҳам куёвга қарамадим. Хатто юрагимда унга нисбатан аёллик ҳисси уйғонса ҳам менга ғалати туюлди. Энди бунинг жабрини тортиб юрибман.

Камола хомушлик билан яна гап бошлади:

— Тўйдан кейин биз Гангда ҳалокатга учраганимизни биласиз, қандай халос этилганимизни ҳам. Мен бу ҳақда сизга гапириб берган пайтимда, мени халос этиб, уйига олиб келган инсон эрим эмаслигини ҳали билмасдим.

Шойложа сапчиб туриб, Камолани бағрига босди.

— Ох, шўрликкинам! Энди мен ҳаммасини тушундим. Бу қандай бахтсизлик!

— Нимасини айтасиз, опажон. Энг ёмони, Парвардигор мени янги кулфатларга гирифтор қилиш учун қутқарди.

— Ромеш-бабу ҳам ҳеч нарсани пайқамабдимми?

— Бир қуни Калкуттада у мени Сушила деб чақирганида, нега уйда ҳамма мени шу исм билан атайти, ахир исмим Камола-ку, деган эдим. Энди мен, эхтимол у ўшанда ўз хатосини англагандир деб ўйлайман. У билан бирга ўтказган кунларимни эсласам, ўзимдан номус киламан.

Камола хомуш бўлиб қолди. Лекин Шойложа аста-секинлик билан унинг бутун тарихини билиб олди.

— Синглим, тақдирингиз жуда мудхиш экан! Шу билан бирга, қандай бахтки, Ромеш-бабунинг қўлига тушгансиз, — деди Шойложа. — Сиз нима десангиз денг-у, аммо мен унга ачинаман. Аммо ҳозир ётиб дам олинг, Камола. Вақт алламаҳал бўлди. Кўз ёши ва уйқусизликдан қорайиб кетибсиз, нима қилишни эртага ўйлашиб кўрамыз.

Эртасига Шойложа, Камоладан Ромешнинг мактубини олди, отасини хонасига чақириб, унга мактубни топширди. Чокроборти амаки кўзойнагини тақиб, мактубни диққат билан ўқиб чиқди. Сўнгра мактубни буклаб, кўзойнагини олди-да, кизига мурожаат қилди:

— Шундай... энди нима қилиш керак?

— Ота, Уми бир неча кундан буён шамоллаб йўталади. Жаноб Нолинакхани чақирмайсизми? Банорасда у билан онаси ҳақда кўп гапиришади, мен эса, уни бирор марта ҳам кўрганам йўқ.

Шифокор келди. Шойложа тезроқ уни кўришга ошикарди.

— Юринг, тезроқ юринг Камола, — деб шошилтирди у.

Нобинкалининг уйида Нолинакхани кўриш орзусида Камола ҳамма нарсани унутаёзган эди. Бу ерда эса довираб қолиб, ҳатто ўрнидан ҳам кимирлолмади.

— Менга қаранг, сизга ялиниб ўтирмайман, — деди Шойложа. — Бунга фурсат йўқ. Умининг касали фақат баҳона холос, шифокор узок турмайди. Сиз билан имиллаб ўтирсам, уни кўришга улгурмайман.

Шойложа Камолани Нолинакха турган хонанинг эшиги томон судради.

Нолинакха Умини кўриб, дори ёзиб кетди.

— Ана, кўрдингизми, Камола. Шунча мусибатлардан кейин, ниҳоят Тангри сизга қувонч ато этди, — деди Шойложа шифокор кетганидан сўнг. — Бир оз сабр қилинг. Тезда ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади. Ҳозирча биз жанобни Умини кўришга чақириб турамыз, шу баҳонада сиз уни тез-тез кўриб турасиз.

Бир неча кундан кейин Нолинакханинг йўқлигини пойлаб, амаки унинг уйига келди.

Хизматкорнинг, уйда йўқлар, деган сўзига жавобан:

— Хоним уйдалар-ку! Бориб айт, у кишини бир кекса браҳман кўрмоқчи, — деди.

Юкоридан Хемонкорининг таклиф товуши эшитилди.

— Она¹, сиз такводорлигингиз билан бутун Банорасга донг чиқаргансиз, — деди амаки бу мўътабар аёлга салом бериб. — Мен ҳам хузурингизга ҳурматимни шафе қилиб келдим. Менда бошқа мақсад йўқ. Набирам бетоб, ўғлингизни ўшанга таклиф қилиш ниятида келдим. Бирок у киши уйда йўқ эканлар. Шунда мен, сизни кўрмагунча кетмайман, деган фикрга келдим.

— Нолинакха ҳозир қайтади. Бир оз кутинг, — деди Хемонкори. — Вакт кеч бўлди, мен буюрай, сизга таом келтирсинлар.

— Сезиб турибман, мени зиёфат қилмагунча қўйиб юбормайдиган кўринасиз, — деди амаки. — Одамлар мени лаззатли таомлар ишқибози эканимни дарров сезишади. Мени билганлар бу нуксонимни кечиришади.

Хемонкори амакини мамнуният билан меҳмон қилди.

— Марҳамат қилиб, эртага тушки емакка ҳам келинг, — таклиф этди у. — Бугун сизни яхши зиёфат қилолмадим, чунки келишингизни кутмагандим.

¹ Она — хиндларда хотин-қизларга мурожаат қилишнинг бир шакли бўлиб, эхтиромни ифодалайди.

— Қачон лаззатли таомингиз бўлса, бу кекса брахманни унутманг, — деб ҳазиллашди амаки. — Дарвоқе, мен сизга яқин уйда тураман. Хоҳласангиз, хизматкорингизга уйимни кўрсатиб қўяман.

Амаки энди тез-тез Хемонкорини йўқлаб келадиган бўлди ва ҳадемай, унинг уйида кадрдон бўлиб қолди.

У шундай йўқлаб келган кунларнинг бирида Хемонкори ўғлини чакириб:

— Нолинакха, сен Чокроборти амакидан муолажа учун ҳақ олиб юрма, — деди.

— У онасининг хоҳишини адо этишга тайёр, — деб қулди амаки, — Ўғлингиз олийжаноб: одамни бир қарашдаёқ фарқлайди.

Бир неча кун давомида амаки қизи билан нима ҳақдадир пичирлашиб юрарди, ниҳоят бир куни эрталаб у Камолага:

— Бугун биз сен билан Дошашомедх-Ғахагга чўмилгани борамиз, — деди.

— Сиз-чи опа, сиз ҳам борасизми? — деб сўради Камола Шойложадан.

— Йўқ дугонажон, бугун Уми бетоброк.

Чўмилгандан кейин амаки Камолани бошқа йўл билан олиб кетди.

Бир оз юриб, улар кекса бир аёлга дуч келишди. У Ганг суви билан тўла кўзани кўтариб, секин ўтиб борарди.

— Азизам, шу аёл билан кўришгин, — деди амаки қизга ўгирилиб. — Бу киши шифокоримизнинг волидалари бўладилар.

Кутилмаган бу гапдан Камола сапчиб тушди. У чуқур эхтиром билан Нолинакха онасининг хокипойини кўзига суртди.

Хемонкори Камоланинг юзини ёпиб турган чодрани кўтариб, унинг уятчан юзига мафтун бўлиб:

— Бу қиз ким? Қандай соҳибжамол экан! Лакшмининг ўзгинаси-ку! Исминг нима, кизча? — деб сўради.

Камола жавоб беришга ҳозирланганида, амаки ундан олдин:

— Унинг исми Харидаси. Бу ўғай укамнинг қизи. Ятима, биз билан яшайди, — деди.

— Бизниқига бир зумга ташриф буюрмайсизми, жаноб? — деди Хемонкори. — Юринг, ҳозир бизниқига борамиз.

Хемонкорининг уйда амаки курсига, Камола эса полга ўтирди.

— Менинг жияним жуда бахтсиз, — деб гап бошлади амаки. — Унинг эри тўйнинг иккинчи куни таркидунё килиш фикрига тушиб, ташлаб кетди. Шундан сўнг қиз уни учратгани йўқ. Унинг бирдан-бир орзуси ҳаётини тоат-ибодатга бағишлаб, Банорасда қолишдир. Бирок мен бу ерда яшамайман, хизматдаман, ишлаб оиламни боқишим керак. Бу ерда қолишга имконим йўқ.

Агар сиз уни уйингизда олиб қолишга рози бўлсангиз, муш-кулимни осон қилган бўлардингиз. У сизга қиз мақомида бўлади. Агар кўнглингиз тўлмаёт қолса, истаган вақтингизда уни олдимга, Гажиपुरга юбораверасиз. Аммо мен аминман, икки кундан сўнг сиз унинг ҳақиқий гавҳар эканини билиб, ундан ажралишни истамай қоласиз.

— Майли, мен розиман, — деди Хемонкори, амакининг таклифи унга маъқул тушганди. — Шундай бир кизни уйимда олиб қолиш менга фақат қувонч бағишлайди. Кўчадан бирорта бегона қизни тарбиямга олиш учун кўп марта уриниб кўргандим. Бироқ улар менга кўника олишмади. Энди Харидасини олдим. Сиз ундан хотиржам бўлишингиз мумкин. Сиз, албатта ўғлим Нолинакха ҳақида кўп эшитгансиз. У ажойиб ўғил, ундан бўлак ҳеч кимим йўқ.

— Нолинакха-бабуни ҳамма билади, — деди амаки. — У сиз билан бирга эканлигидан роятда хурсандман. Хотини фарқ бўлгандан бери у дарвешона ҳаёт кечиради, деб эшитдим.

— Ўтган ишга салават, — деди Хемонкори. — Яхшиси у ҳақда ўйламайлик, ўйласам вужудимни қалтирок босади.

— Модомики, сиз рози экансиз, Харидасини қолдириб кетаман. Энди хайр-маъзур қилишга руҳсат этинг. Мен баъзан сизларни йўқлаб тураман. Харидасининг опаси бор, у сиз билан танишгани, албатта олдингизга келади.

Амаки кетганидан кейин, Хемонкори Камолани чақирди:

— Айланай, менга яқинроқ кел. Қани сенга бир қараб кўяйчи. Сен ҳали жуда ёшсан-ку. Шундоқ гўзал қизни ташлаш! Дунёда тош юраклар йўқ эмас-а! У қайтсин деб тақдирга ёлворганим бўлсин. Парвардигор сенга бунча ҳусну жамолни беҳуда йўқолиб кетсин, деб бермаган-ку!

Кекса аёл Камоланинг иягидан ушлаб, юзидан ўпди.

— Бу ерда тенгқурларинг йўқ, мен билан зерикиб қолмасмикансан? — деб сўради у.

Камола Хемонкорига беозор кўзлари билан боқиб:

— Йўқ, — деб жавоб берди.

— Кун бўйи сени нима билан банд қилишни ўйлаяпман, — гапида давом этди Хемонкори.

— Мен сизга хизмат қиламан.

— Вой қизгина-э! Менга хизмат қилармиш! Дунёда менинг биргина ўғлим бор, у ҳам худди дарвишдек ҳаёт кечиради. Қани энди у бирор марта: «Она, менга фалон, фалон нарса керак... Мен мана бундай таом ейишни истаيمان» ёхуд «мана бу менга ёқади» деса! Унда мен беҳад қувониб, ҳеч нарсани ундан дариг тутмасдим. У эса бирор марта бундай қилмади. Хизмат ҳақидан ўзига ҳеч нарса қолдирмайди, бева-бечораларга ёрдам қилаётганини ҳаммадан яширади. Жоним, сен кеча-кундуз ёнимда бўласан, ўғ-

лимни мактай бериб сени зериктириб қўяман, деб олдиндан огоҳлантириб қўймоқчиман. Аммо бунга қўникишга тўғри келади.

Камоланинг юраги қувонч билан уриб кетди, у ўз хаяжонини яшириш учун ерга қаради.

— Сенга қандай иш топиб берсам экан? — дея фикрга толди Хемонкори. — Чок тика оласанми?

— Унча яхши бўлмаса ҳам тикаман, онажон.

— Ха бўпти, мен сенга ўргатаман. Ўқий биласанми?

— Ха.

— Жуда соз! Мен кўзойнаксиз ҳеч нарсани кўрмайман. Овозингни чиқариб менга ўқиб берасан.

— Мен яна таом тайёрлашни ҳам биламан. — деди Камола.

— Юзингни, Дурганинг чеҳрасини кўрган ҳар бир киши, яхши пазанда бўлса керак, деб ўйлаши турган гап. Яқингача мен ўзим ва Нолинакха учун таом тайёрлардим. Касал бўлганимдан буён, бегона одамнинг қўлидан таом емаслигим учун, Нолинакханинг ўзи таом пиширади. Энди эса розилигиндан фойдаланиб, унинг ошпазлигига чек қўяман. Каттиқ бетоб бўлган чоғимда, мен учун ҳам таом пиширишингга эътироз қилмайман. Менга бирон жўнроқ таом пиширсанг бўлди. Юр, азизам, сенга ошхона билан омборни кўрсатай.

Хемонкори кизни ўзининг унча катта бўлмаган хўжалиги билан таништиргани олиб кетди. Улар ошхонага киргач, Камола тушки емакка ҳозирлик кўришга ижозат сўраш учун энг қулай пайт топди. Қизнинг илтимосини эшитиб, Хемонкори табассум қилди.

— Уй бекасининг салтанати — унинг ошхонаси-ю, омбори, — деди у. — Ҳаётда менга кўп нарсдан воз кечишга тўғри келган. Факат шугина қолган эди. Ха, майли, бугун сен таом пишира қол. Бора-бора мен бутун хўжаликни кўлингга топшириб, ҳаётимни батамом Яратганга хизмат қилишга бағишлайман. Бироқ уй ишларидан дарҳол кечиб бўлмайди. Ошхона — уйнинг муҳим қисми саналади.

Хемонкори Камолага нима ва қандай пиширишни тушунтириб, ибодатхонага кетди. Шундай қилиб, Хемонкорининг уйида Камоланинг ҳаёти ошпазлик санъатини имтиҳон қилишдан бошланди.

Қиз пухталиқ билан ишга киришди: сарисининг учларини беллига тугиб, сочларини турмаклаб танғиб қўйди.

Нолинакха уйга қайган захоти, ҳамиша, аввал онасини кўргани кирарди. Унинг соғлиги ҳақидаги ташвиш ўғилни асло тарк этмасди. Мана бугун ҳам у уйга келиб, ошхонадан чиққан товушни эшитди, пишаётган таомнинг иси димоғига урилди. Ошхонада онасининг борлигига ишониб, шошганича шу тарафга қайрилди.

Қадам товушларини эшитиб, Камола ортига ўгирилганида, кўзлари Нолинакханинг нигоҳи билан тўқнашди. Сарисининг учи беллига боғланганини унутиб, у билан бошини ёпишга беҳуда уринди.

Нихоят, бир амаллаб юзини беркитди. Ханг-манг бўлган Нолинакха жимгина ошхонадан чикиб кетди. Қиз тушиб кетган қошиқни ердан олди, унинг қўллари қалтирар эди.

Хемонкори ибодатини тугатиб ошхонага кирганида, тушки таом аллақачон тайёр бўлганди. Камола бутун уйни супуриб-сидириб ювиб чиқди, уй ёғ тўкилса ялагудек бўлди, ҳеч каерда чала ёнган тараша ёки сабзавот пўчоғи сочилиб ётмасди.

— Сен, азизам, ҳақиқий брахман қиз экансан! — деди Хемонкори мамнун бўлиб.

Тушлик вақтида Нолинакха онасининг рўпарасида ўтирди. Безовталанган Камола эса, ҳамма сўзларни эшитишга уриниб, эшик ортига яширинди. У кимишлашга кўрқар, таом қандай бўлибди деган ваҳима билан қотиб қолганди.

— Нолинакха, бугунги таом қалай чикибди, сенга ёқдими? — деб сўради Хемонкори.

Нолинакха ҳеч қачон овқат танламасди, онаси ҳам илгари ҳеч вақт бу хил савол бермаганди. Лекин у ҳозир онасининг товушида алоҳида синчковлик сезди.

Сирли бир йўсинда ошхонада пайдо бўлган нотаниш кизни Нолинакха аллақачон кўрганини Хемонкори ҳали билмасди. Онаси оғриб қолганидан буён Нолинакха бир ошпаз аёл олишга кўндираман, деб кўп уринди. Аммо Хемонкори рози бўлмади. Шунинг учун ошхонада ўзга одамни кўриб Нолинакха қувонганди. Ўз-ўзидан маълумки, у ҳали таом мазасининг фарқига ҳам бормаганди. Шундай бўлса ҳам завқ билан жавоб берди:

— Жуда лаззатли таом, она.

Бундай мактов эшик орқасида ҳам эшитилган эди. Бундан ортик туришга мадори етмаган Камола қўлларини оғир-оғир дукиллаб турган кўкрагига босиб, қўшни хонага чикиб кетди.

Тушки емакдан кейин Нолинакха одатдагидек танҳо ўтириб, тафаккурга берилмок учун хонасига кириб кетди.

Кечкурун Хемонкори Камолани ҳузурига чакириб, унинг сочини ўриш билан машғул бўлди. Унинг соч фарқини кизил рангга бўяб, бошини гоҳ у ёндан, гоҳ бу ёндан ўтиб кўрди.

«Қани энди шундай келиним бўлса!» деб хўрсиниб қўйди Хемонкори ўзича.

Шу кеча кекса аёлни яна иситма тутди, Нолинакха бундан каттик хавотирга тушди.

— Она, сиз вақтинча Банорасдан кетишингиз керак, бу ерда шифо топмайсиз, — деди у.

— Йўқ, ўғлим, — деди Хемонкори. — Сафар ҳаётимни бир неча кунга чўзганида ҳам Банорасдан кетмайман. — Сен ҳали ҳам эшикнинг ортидамисан, азизам? — деб Камолага мурожаат қилди у. — Бор ухла. Тун бўйи оёқда туриб бўлмайди. Мен ҳали кўп оғрийман, мени парвариш қилишга улгурасан ҳали. Агар

кечалари ухлмасанг, ҳолинг нима кечади? Сен ҳам ўз хонангта бор, Нолинакха.

Нолинакха кетганидан кейин Камола Хемонкорининг кўрпасига ўтириб, унинг оёқларини укалай бошлади.

— Эҳтимол, сен ўз туғилишларингнинг¹ бирида менга она бўлгандирсан. Йўкса, менга бунчалик ғамхўрлик қилмасдинг. Бегона одамнинг ғамхўрлик қилишига йўл қўймаслик менга одат бўлиб қолган эди. Аммо кўлинг менга ором бахшида этмоқда. Таажжуб, назаримда сени кўпдан бери билгандекман, шунинг учун бегонасирамайман. Энди бориб ухла, ҳеч нарсадан ташвиш тортма. Нолинакха қўшни хонада бўлади. Оғригим кучайса, бировнинг менга қараб туришига йўл қўймайди — ҳаммасини ўзи қилади. Мен у билан роса тортишдим, бироқ уни кўндириб бўладими! Нолинакханинг ажойиб фазилати бор: у тун бўйи ухламай ўтира олади, унга уйқусизлик ҳеч қандай таъсир ўтказмади. Эҳтимол, бу унинг вазминлигидандир. Мен эса, бутунлай бошқа оламман. Сен, кизим, яна Нолинакхадан гап бошлади, бу ҳали замон тугамайди деб эҳтимол, ичингда меңдан кулаётгандирсан. Бироқ онада ёлғиз бола бўлгач, ҳамиша шундай бўлади. Меникига ўхшаш бола эса, ҳар кимда ҳам бўлавермайди! Ростини айтганда, мен баъзан Нолинакха менга отадек қарайди, деб ўйлаб қоламан. Унинг бунчалик меҳрибонлиги учун қандай миннатдорчилик билдиришни билмайман! Мен яна Нолинакха ҳақида гапираётиман! Йўқ, йўқ, бу яхши эмас, бугунга шуниси етарли... Сен бор... Агар бу ерда қолсанг, мен ухлай олмайман. Кексалар ҳамиша шундай. Агар бирор кимса ёнида бўлса гапирмасдан туролмайди, кекса одам.

Эртаси куни хўжаликнинг ҳамма ташвишларини Камола ўз зиммасига олди.

Нолинакха айвоннинг бир қисмини ихота қилиб, уни мрамр рангга бўятди, шу тарика унда бир нав хона бунёдга келди. У одатда бу ерга чошгоҳдан кейин кириб, куннинг иккинчи ярмини тафаккур билан ўтказарди.

Эрта билан чўмилиб келгач, Нолинакха хонага кириб хайратда қолди. Хона обдан ювилиб, саранжом-саришта қилинган эди, хушбўй пуркаш учун ясалган махсус бронза чилим гўё олтиндек ярқиради; токчалардаги чанглар артилиб, китоблар батартиб териб қўйилган; эшикдан куйилиб кирувчи тонгги куёш нурида ярқираб турган озода хона Нолинакханинг қалбини меҳр, қувонч хислари билан тўлдирди.

Камола эрта саҳарда Ганг соҳилига бориб, Хемонкорининг ётган жойига бир кўза тўла сув олиб келди.

— Сен Гангга ёлғиз бордингми? — деб нолиди Хемонкори Камоланинг эндигина ювилган юзини кўриб. — Мен бўлсам

¹ Ҳиндларнинг диний эътиқодига кўра, одам ўлганида, унинг жони бошқа кимсага ёки нарсаларга кўчиб ўтади.

уйғониб, сени ким билан ювингани юборсам экан деб ўйловдим, негаки ўзим бетобман. Сен ёшсан, ёлғиз боришинг...

— Она, амакимнинг хизматкорларидан бири мени соғиниб, кечқурун кўргани келган эди, мен ўша билан бордим, — деди Камола.

— Кўриниб турибди, холанг сен учун хавотир олмоқда. Яхши, майли у хизматкор бизникада қолсин, рўзғор ишларида сенга қарашиб туради. У қаерда? Чақир бу ёкка.

Камола Умешни бошлаб келди, бола кекса аёлга эгилиб таъзим қилди.

— Исминг нима? — деб сўради Хемонкори.

Умеш шунчаки илжайиб қўйди.

— Исмин Умеш.

Хемонкори ҳам кулиб юборди.

— Сенга бундай чиройли дхўтини ким берди?

— Опам бердилар, — деди Умеш Камолани кўрсатиб.

— Мен бўлсам, Умеш уни қайнонасида совғага олгандир-да, деб ўйлабман, — хазиллашди Хемонкори қизга қараб.

Умеш шу зайлда Хемонкорининг муҳаббатини қозониб, унинг уйида яшай бошлади.

Умешнинг кўмаги билан Камола кундузги юмушларни тезда саранжомлаб, кейин Нолинакханинг ётоғига кирарди. Уйни супуриб-сидириб, йиғиштирди-да, кўрпаларни офтобга чиқариб ёйди. Бурчакда кир кийимлар ётарди. Камола уларни ювиб, дазмоллаб, кийим жавонига илиб қўйди. Уйдаги буюмлар топ-тоза бўлса-да, латта билан бир неча марталаб артиб чиқилди. Қиз қаравотнинг бош тарафида тураркан кийим жавонини очиб кўрди, бўм-бўш, фақат пастки тоқчасида бир жуфт ёғоч сандал бор эди, холос. Қиз сандални қўлига олиб, юзини унга маҳкам босди. Сўнгра худди гўдакдек кўкрагига тутиб, сарисининг учи билан чангини артди.

Кундузи Камола Хемонкорининг ёнида ўтириб, унинг оёқларини укалаб турганида, қўлида бир даста гул билан Хемнолини кириб, Хемонкорига таъзим қилди.

— Бу ёкка кел Хем, ўтир, — деди Хемонкори ўрнидан қўзғалиб. — Оннода-бабунинг соғлиги қалай?

— Оқшом бетоб бўлганларидан ҳузурингизга келолмадилар, — деб жавоб берди Хемнолини. — Аммо сахарга яқин анча тузук бўлиб қолдилар.

— Мана бунга боқ, азизам, — деди Хемонкори Камолани кўрсатиб. — Онам ёшлигимда вафот этганди, лекин энди у яна олдимга қайтиб келди — мен уни кеча йўлда учратдим. Онамининг исми Харибхабани эди, ҳозир уни Харидаси деб аташади. Айтчи, Хем, шундай сохибжамол қизни ҳеч кўрганмисан?

Камола хижолатдан ерга қаради, аммо бора-бора ўзини тутиб олди.

— Қалай, тузукмисиз? — деб сўради Хемнолини кекса аёлдан.

— Мен, шундай ёшдаманки, соғликни сўрашга ҳам ҳожат йўқ. Бугун тирик эканман — шунисига шукр. Ошимни ошаб, ёшимни яшаб бўлганман. Шундай бўлса-да, соғлигимни сўраганингдан хурсандман. Кўпдан буён сен билан гаплашмоқчи эдим, аммо фурсат бўлмади. Тунда, иситма тутган пайтда, бу ишни пайсалга солиб бўлмайди, деган тўхтамга келдим. Кичкина кизлигимда, биров мен билан турмушга чиқиш ҳақида сўзлашгундек бўлса, уялганимдан ёниб кетардим, аммо ҳозирги кизлар бизга ўхшамайди. Сизлар маълумотли ва мустакилсизлар, сизлар билан тортинмай гаплашиш мумкин. Мен ҳам сен билан рўй-рост гаплашмоқчиман. Мендан уялишингга ҳожат йўқ. Айт-чи жоним, отанг сенга бизнинг гапларимиз ҳақида бир нима дедими?

Хемнолини ерга қаради.

— Ҳа, гапирди.

— Демак, сен рози эмассан? — давом этди Хемонкори. — Агар таклифни қабул қилганингда, дарҳол олдимга келган бўлардинг. Афтидан, Нолинакха дарвишона ҳаёт кечиргани сабабли, сен унга турмуш чиқишга ҳайиқиб турибсан. Гарчи у ўғлим бўлса-да, мен холис бўлишга тиришаман. Четдан қараганда, у ҳақиқий муҳаббатга қобилиятсиздек кўринади. Бироқ сизлар ҳам хато қиласиз. Мен Нолинакханинг ҳаётини биламан, бу жиҳатдан менга ишонса бўлади. У шундай қаттиқ севиши мумкинки, бундан ҳатто ўзи ҳам кўрқиб, туйғуларига эрк бермай юради. Кимки унинг соҳидлик қобиғини синдириб, қалбига йўл топса, унинг назокат ва муҳаббат билан тўла эканини кўради. Бунга сен ишонавер. Хем, жоним, ахир сен бола эмас, балоғатга етган маълумотли қизсан. Ўғлим Нолинакханинг шогирдисан. Унга ҳамхона бўлганингни кўрганимдан сўнг хотиржам кўзимни юмишим мумкин. Мен бир нарсага аниқ ишонаман, ўлганимдан кейин у хотин олмайди. Ўйлашга ҳам кўрқаман, у ҳолда унинг аҳволи нима кечади! Барчаси барбод бўлади. Мен биламан, жоним, сен Нолинакхага ҳурмат билан қарайсан. Бас, нега энди уни рад этасан?

— Она, агар сиз мени ўғлингизга лойиқ деб топган бўлсангиз, мен эътироз қила олмайман, — деди Хемнолини ерга қараб.

Хемонкори уни ўзига тортиб, энсасидан ўпди. Улар бу ҳақда ортиқ гаплашишмади.

— Харидаси, бу гуллар... — Хемонкори гап бошлаган эди, бироқ қайрилиб қараса, Харидаси йўқ, суҳбат вақтида у хонадан оҳиста чиқиб кетган эди.

Хемнолини бўлиб ўтган гаплардан хижолатда эди. Хемонкори эса чарчаганди. Қиз ортиқ ўтиришни истамади.

— Она, мен бугун барвақтроқ кетишим керак. Отамнинг тоби йўқроқ, — деди у хайрлаша туриб.

— Тез-тез келиб тур, жоним, — деди Хемонкори кизнинг бошини силаб.

Хемнолини кетди, Хемонкори бўлса Нолинакхани чақириш учун одам юборди.

— Нолинакха, мен ортик кутмоқчи эмасман, — деди у.

— Нима бўлди? — деб сўради Нолинакха.

— Мен ҳозир Хемнолини билан сўзлашдим. У рози. Энди бахоналарингга қулоқ солиб ўтирмайман. Соғлигимнинг қандайлигини ўзинг яхши биласан. Сизларни фотиҳа қилиб қўймасам, қўнглим тинчимайди. Ўтган кеча шу ҳақда ташвиш чекиб, деярли ухлолмадим.

— Яхши она, энди безовталанмай, тинч ухланг. Ҳаммаси сиз айтгандек бўлади.

Нолинакха кетганидан сўнг, Хемонкори Харидасини чакирди. Киз унинг хузурига қўшни хонадан чикиб келди. Аллақачон кош қорайган эди. Окшом ғира-ширасида Камоланинг юзини кўриб бўлмасди.

Хемонкори ўзига бир дона атиргул олиб, гулдастани Камолага бераркан:

— Гулларни сувга солиб, хонани безатиб қўй, — деб буюрди.

Камола бир гулдонни гуллари билан Нолинакханинг хонасидаги ёзув столига, иккинчисини унинг ётоғига қўйди. Кейин жавонни очиб, қолган гулларни унинг сандали устига сочди-да, ҳўнграганча полга йиқилди. Дунёда унинг учун шу сандалдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди, бироқ тезла сифиниш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлади!

Шу вақтда хонага кимдир кирди. Камола сапчиб туриб, жавоннинг эшикчасини қаттиқ ёпди-да, ортига ўгирилди. Унинг қошида Нолинакха турарди. Киз қочишга кечикканди. Хиҷолатдан ёниб, окшом қоронғисига қўшилиб кетгиси келди.

Ўз хонасида Камолани кўриб Нолинакха дарҳол чикиб кетди. Киз эса, югуриб қўшни хонага кирди. Шунда Нолинакха ётоғига қайтди. Бу ғалати киз унинг жавонида нима қилди экан? Нега уни кўриб, шошилганича эшикчани бундай қаттиқ ёпди? Синчковлик ҳиссидан азобланган Нолинакха жавонни очиб, сандалининг янги узилган гуллар билан безагилганини кўрди. Жимгина эшикчани ёпиб, деразанинг олдига келди. У осмонга тикиларкан, окшом қоронғиси, ботаётган кишки қуёшнинг сўнги нурларини ютиб борарди.

LVI БОБ

Хемнолини Нолинакхага турмушга чиқишга розилик бериб, буни катта бахт эканлигига ўзини ишонтиришга уринарди.

«Эски алоқалар узилди», — деб минг маротаба такрорларди Хемнолини ўзича. — Ҳаётим осмонини қоплаб турган қора булут-

лар таркади. Энди мен озодман! — дея зўр бериб таъкидларди ўзига ўзи. — Ўтмиш билан алоқани абадий уздим!»

Нихоят, у дунёвий хаваслардан воз кечиш қувончини хис этди. Яқин кишисининг жасади қўйдирилган дафн гулхани сўнгач, одам вақтинча дунёнинг ғам-ташвишларидан кутулади, ҳаёт унга бир ўйиндек, яқиндаги орзулар эса — пуч бўлиб кўринади. Хемнолинида ҳам айти шу ҳолат юз берди. У узок мусибатлардан сўнг келадиган фароғатнинг хузур-халоватини, нашъасини сурарди.

Шу окшом уйга қайтиб киз ўйга толди:

«Онам тирик бўлганида, шу эркинлигим билан уни қувонтирган бўлардим. Бироқ буни отамга қандай айтай?»

Оннода-бабу мазам кочиб турибди, деб барвақт ётди, Хемнолини ҳам ўз хонасига ўтди. Кечаси у кундалик дафтарини очиб, анча вақтгача шу билан машғул бўлди.

«Мен дунёдан юз ўгираман. Унинг учун — мен йўқман, — деб ёзди у. — Парвардигор мени кишанлардан озод қилиб, қалбимга янги ҳаёт бағишлар деб ишонмасдим. Аммо бугун мен унинг босган изларига ихлос билан бош қўйдим, энди ўз бурчимни адо этиш йўлига киришга қатъий қарор қилдим. Мен тақдир ато этган бахтга муносиб эмасман. Эй Парвардигор, уни умримнинг сўнгги кунларига қадар сақлаш учун куч-қувват бер! Амминманки, тақдирини мен билан боғлаши лозим бўлган киши ҳаётимни мазмунли ва бахтиёр қилади. Фақат мен ҳам уни бахтиёр қила олсайдим, деб дуо қиламан».

Кундалик дафтарни ёпиб, Хемнолини бокка чиқди. Осмон тўла юлдуз, кеча осуда эди. Қиз шағал ёйилган йўлкада узок сайр қилди. Мусаффо осмон унинг кўз ёши билан ювилган қалбига оромбахш сўзларни пичирларди.

Эртасига Оннода-бабу қизи билан Нолинакханинг уйига боришга тайёрланиб турганида, унинг олдида бир извош келиб тўхтади. Извошдан Нолинакханинг хизматкорларидан бири тушиб, бекаси келганини хабар қилди. Оннода-бабу меҳмонларга пешвоз чиқишга шошилди. Хемонкори извошдан тушганида, у эшик олдида пайдо бўлди.

— Бугун биз беҳад бахтиёрмиз! — деб қутлади Оннода-бабу меҳмонни.

— Мен қизингизга фотиҳа бергани келдим, — деди Хемонкори уйга қира туриб.

Оннода-бабу уни меҳмонхонага олиб кириб, меҳрибонлик билан оромкурсига ўтказди:

— Марҳамат қилиб ўтирсинлар. Мен ҳозир Хемни чақираман.

Хемнолини меҳмонга боришга ҳозирланиб кийинаётган эди. Бироқ Хемонкорининг келганини эшитиб, шошилганича меҳмонхонага кўришгани чиқди.

— Умринг узок бўлсин, бахтли бўлгин! Қани қўлларингни менга бер, азизам, — деди Хемонкори ва унинг билакларига мокор¹ деган махлукнинг сурати солинган иккита катта билагузукни такиб қўйди.

Жарангловчи билагузуқлар кизнинг нозик билакларида осилиб турарди. Хемнолини ҳады учун бош эгиб таъзим қилди. Хемонкори унинг юзини икки кафти орасига олиб пешанасидан ўпди. Бу меҳрибонлик ва фотиҳадан Хемнолинининг кўнгли тўлиб, астойдил қувонди.

— Хурматли қуда, — деб мурожаат қилди Хемонкори Оннода-бабуга, — кизингиз билан эртага бизникида меҳмон бўлсангиз.

Эртасига Оннода-бабу билан Хемнолини одатдагидек, боғда чой ичиб ўтиришганди. Оннода-бабунинг хасталиқдан озиб кетган юзларига бир кечада қон югуриб, гўё бахтдан ёшаргандек эди. У ўқтин-ўқтин кизининг осойишта юзига боқар, мулойимлиги ва латофати билан уни мархума рафикасининг чехрасига ўхшатарди. Яқинда тўкилган кўз ёшлари кизнинг нигоҳида чақнаган қувончнинг порлашини юмшатганди, холос.

Меҳмонга борадиган вақт бўлди, кечикиш асло мумкин эмас — Оннода-бабунинг фикру ёди фақат шу билан банд эди. Қиз эса, ҳали вақт эрта, деб кечиктиришга уринарди. Чиндан ҳам вақт ҳали эрта, соат эндигина саккиз бўлганди.

— Йўк. Йўк... Отлангунча анча вақт кетади, — дея эътироз билдирди Оннода-бабу. — Ҳаяллагандан кўра барвақтроқ борган маъқул.

Шу пайтда боғнинг эшигига жомадонлар ортилган извош келиб тўхтади.

— Акам келди, — деб кичкирганича Хемнолини югуриб пастга тушди.

Извошдан жилмайиб Жогендро тушди.

— Салом, Хем! Ахволларинг қалай?

— Кимни бошлаб келдингиз! — деб сўради Хемнолини.

Жогендро кулди.

— Бу отамга янги йил совғаси.

Извошнинг пиллапоясидан Ромеш тушиб келди. У кўриниши билан Хемнолини ортига югуриб кетди.

— Хем, қочма, сўзимга қулоқ сол! — деб кичкирди Жогендро.

Аммо киз акасининг чақирганига қарамай, гўё алвастидан қўрққандек югурди.

Ромеш довдираб, бир неча дақиқагача кизни қувиб ушлашни ҳам, извошга қайтишни ҳам билмай қолди.

— Юр, Ромеш, отам шу ерда, боғдалар, — деди Жогендро ва унинг қўлидан ушлаб Оннода-бабунинг олдига бошлаб борди.

¹ Мокор — боши ва оёқлари охуга, гавдаси эса балиққа ўхшаган афсонавий махлук; хинд асотирларида ишқ тангриси Камадеванинг тимсоли.

У Ромешни узокдан таниди. Бу йигитнинг яна пайдо бўлиши уни қаттиқ хафа қилганди.

«Мана тагин янги гов» — деб ўйлади у қўли билан сочини силаб.

Ромеш таъзим қилди. Оннода-бабу уни имо билан ўтиришга таклиф этиб, ўғлига мурожаат қилди:

— Хўп вақтида келдинг, Жоген. Сенга ишончнома юбормоқчи бўлиб тургандим.

— Нега?

— Яқинда Хемнолини билан Нолинакханинг тўйи бўлади. Кеча унинг онаси синглингни фотиҳа қилиб кетди.

— Нега бунчалик шошилиб, ўйламай-нетмай тўйга розилик бердингиз, ота? Нахотки, мендан бир оғиз маслаҳат сўрамасангиз.

— Сенинг муддаонг нима эканини тушуниш кийин, Жоген, — деди Оннода-бабу. — Сен бу тўйнинг бўлиши учун жонжаҳднинг билан уринганигда, мен ҳали Нолинакха билан таниш эмасдим!

— Бўлса бордир. Буни эслашга ҳожат йўқ! Тўйни тўхтатиш учун ҳали ҳам фурсат бор! Аввал мен сизга кўп нарсаларни тушунтириб беришим керак. Гапларимни диққат билан эшитинг. Кейин билганингизни қиларсиз.

— Яхши, бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз. Ҳозир эса вақтим йўқ. Кетишим керак.

— Қаёққа?

— Нолинакханинг онаси иккимизни меҳмонга таклиф қилган. Сизлар тушки овқатни шу ерда ейишларингиз мумкин. Сен ҳам, Жоген ва...

— Йўқ, йўқ! Бизнинг ташвишимизни қилманг, — деб сўзни бўлди Жоген. — Мен ва Ромеш бирон меҳмонхонага бориб таом тайёрлармиз. Кечкурун қайтиб келарсиз, ахир? Ўшанда биз яна келамиз.

Оннода-бабунинг Ромеш билан ҳеч бўлмаса одоб юзасидан сўзлашишга тили бормади. У лоақал йигитга бир қараб қўйишни ҳам эп кўрмади. Ромеш ҳам мик этмади. Хайрлашиш вақти келганида у Оннода-бабуга хомуш таъзим қилди, холос.

LVII БОБ

— Мен Хемнолинини отаси билан эртага меҳмонга таклиф қилдим, — деди Хемонқори Камолага. — Қани яхшилаб ўйлаб кўр-чи, уларни нима билан меҳмон қиламиз. Қудани шундай зиёфат қилиш керакки, кизи бизникида оч қолмаслигига кўнгли тўқ бўлсин. Сен бунга нима дейсан, жоним? Биламан, сен ажойиб пазандасан, мени хижолатга қўймайсан. Ўғлим олдига қўйилган таом ҳақида бирор-бир фикр билдирганини эслолмайман, аммо

кеча сен пиширган таомни макташ учун сўз тополмади. Нега бундай ғамгин кўринасан, бетобмисан?

— Йўк, соппа-соғман она — деб жавоб берди Камола, ғамгин чехрасида табассумона бир ҳолатни кўрсатишга уриниб.

Хемонкори шубҳа билан бош чайқади.

— Назаримда сен бир нимадан хафасан. Бу табиий бир ҳол, уялиб ўтиришнинг кераги йўк. Менга бегона одам, деб карама. Ахир, сени ўз қизим деганман-ку. Нимадан хафасан, айтсанг-чи. Эхтимол, қариндошларингни кўргинг келаётгандир?

— Йўк, она — безовталанди Камола. — Сизга хизмат қилишдан ўзга ғамим йўк!

Аммо Хемонкори унинг нидосини эшитмагандек:

— Бир неча кун амакингнинг уйида меҳмон бўлмайсанми? — деб давом этди. — Кейин, агар хоҳласанг, яна қайтиб келарсан.

Бундай таклиф Камолани бесаранжом қилиб қўйди.

— Она! — деди қиз, — менга сиз билан бирга бўлишдан бошқа ҳеч нарса керак эмас! Агар бирор гуноҳ қилган бўлсам мени жазоланг, аммо ҳузурингиздан бир кунга ҳам бошқа ерга юборманг.

Хемонкори қизнинг юзларини силади.

— Шунинг учун ҳам, сен бошқа бир туғилишингда онам бўлсанг керак, деб айтаман. Бўлмаса биз илк кўришгандаёқ бир-биримизга мунчалик меҳр қўелмасдик. Энди бор, барвактроқ ётиб ухла. Куни бўйи бир дақиқа ҳам тинганинг йўк.

Ўз ётоғига кириб, Камола эшикни беркитди, чирокни ўчириб, қоронғида полга ўтирди. Шу ҳолда узоқ ўтириб, кўп нарсани ўйлаб чиқди.

«Такдирнинг хатоси билан мен унга бўлган барча ҳуқуқларимдан маҳрум бўлдим, — деб ўйлади у, — энди ўзимни ундан узоқда тутиб юришга мажбурман. Ҳатто, ҳамма нарсадан воз кечишга ҳам тайёр туришим керак. Агар баъзан унга хизмат қилишга тўғри келиб қолса, бунга бутун қувватимни сарф этиш менинг бурчимдир. Буни чин дилдан бажаришим учун парвардигор менга кўмаклашади. Мен жуда бахтсизман, борди-ю, чекимга тушган шу озгина хизматни очиқ чехра билан бажаришдан тўхтасам, ундан бутунлай маҳрум бўламан».

Камола ўз ахволи ҳақида пухта ўйлаб, аниқ бир фикрга келди. «Эртадан бошлаб юрагимда ғам-аламга ўрин йўк, юзимда қайғудан асар ҳам бўлмайди. Рўёбга чиқмаган орзуларим учун йиғлаб юрмайман, умр бўйи чўри бўлиб қоламан. Бошқа ҳеч нарса керакмас, керакмас!».

Камола ётди, лекин узоқ вақтгача у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб, ухлолмади. Кечаси бир неча марта уйғониб пичирлади:

— Менга бошқа ҳеч нарса керакмас, керакмас!..

Қиз азонда уйғониб, бутун кучини йиғиб муштларини сиқдида, яна бир марта такрорлади:

— Ўлгунимча чўринг бўламан. Бошка ҳеч нарса керакмас, керакмас.

Камола дарров ювиниб, кийиниб, Нолинакханинг хонасига кирди. Сарисининг учи билан у ердаги буюмларнинг чангини артди. Палосларни ёзди. Сўнгра югуриб Гангда чўмилгани кетди. Хемонкори Нолинакханинг доимий илтимосларига кулок солиб, тонгда куёш чикиши олдидан чўмилишни бас қилганди, эрталабки совуқда Камолани дарёга Умеш кузатиб борди.

Чўмилгандан кейин Камола Хемонкорининг ҳузурига келиб очик чеҳра билан унга салом берди. Кекса аёл эндигина дарёга бормоқчи бўлиб турганди.

— Нега дарёга бунчалик барвакт бординг? — деди у. Мен билан бирга борсанг бўларди-ку.

— Бугун иш кўп, она, — ўзини оклади Камола. — Кеча келтирилган сабзавотларни тозалаб, яна баъзи нарсалар сотиб олиш учун Умешни бозорга юборишим керак.

— Яхши ўйлабсан, жоним. Қуда келгунига қадар ҳамма нарса тайёр бўлиши керак.

Шу пайтда хонага Нолинакха кириб келди. Камола ҳали қуримаган бошига чодра ташлаб, шу заҳотиёк чиқиб кетди.

— Она, сиз чўмилгани бормоқчисиз шекилли? — деди Нолинакха. — Яхшиси, яна бир неча кун сабр қилсангиз бўларди.

— Нолинакха, шифокор эканингни унут. Гангда чўмилишдан воз кечган билан одам ўлмайдиган бўлиб қолмайди, — деб эътироз қилди Хемонкори. — Назаримда, қаёққадир кетмоқчисан чоғи? Бугун вақтлироқ қайт...

— Нега, она?

— Кеча айтишни унутибман, бугун Оннода-бабу сенга фотиҳа бергани келади.

— Фотиҳа бергани? — хайрон бўлди Нолинакха. — Бундай дабдабанинг нима хожати бор? Мен уни ҳар куни кўраман-ку.

— Мен кеча Хемнолинига иккита билагузук ҳадя қилиб, унга фотиҳа бердим, — деди Хемонкори. — Нега энди Оннода-бабу ҳам шундай қилмасин? Қисқаси, хаяллама. Улар тушки овқатда шу ерда бўладилар.

Шу билан суҳбатга чек қўйилди. Хемонкори чўмилгани, Нолинакха эса бошини қуйи солиб, фикрга чўмган ҳолда шаҳарга қараб жўнади.

LVIII БОБ

Ромешни кўриб, Хемнолини ўз ётоғига югуриб кетди, эшикни маҳкам ёпиб, кўрпачага ўтирди. Биринчи изтироб таскин топгач, уни андиша чулғаб олди.

«Нега мен Ромеш-бабуни уялмай, бемалол кутиб ололмадим? Ўз иродамга қарши бундай қочиб кетишга нима мажбур этди? —

деб сўради қиз ўз-ўзидан. — Демак, ўзимга ишонишим мумкин эмас экан-да? Йўк, мен иккиланишга йўл қўёлмайман!»

Хемнолини шиддат билан туриб, эшикни очиб ташқарига чиқди.

«Энди бу сафар қочмайман! Ўзимни тутиб олишим керак» — Ромеш билан кўришиш учун бокқа чиқаркан, ўз-ўзига ҳадеб насихат қиларди.

Кейин ниманидир эслаб, шошилганича ётоғига қайтди. Нолинакханинг онаси ҳада қилган билагузукларни қутидан чиқариб тақиб олди. Шу зайлда «қуролланиб», Хемнолини бошини тик кўтарганича яна бокқа чиқди.

— Қаёққа, Хем? — деб сўради Оннода-бабу уни кўриб.

— Ромеш-бабу билан акам каерда?

— Улар аллақачон кетишди.

Ўзининг дадиллигини синаб кўришга эҳтиёж йўклигини билиб, қиз енгил тортди.

— Ҳозир... — деб гап бошлади Оннода-бабу, лекин қизи гапни бўлди:

— Ҳа, ҳа, ота... Мен бир зумда тайёр бўламан, дарров ювиниб чиқаман, сиз извошга одам юбораверинг.

Хемонкорининг уйига боришдан олдин Хемнолинида пайдо бўлган бундай ғайрат кутилмаган ҳол бўлиб, унга сира ярашмасди. Шунинг учун унинг товушида янграган сунъий хушчакчаклик Оннода-бабуни алдай олмади. Қизи учун безовталаниш уни яна камраб олди.

Хемнолини тезда ювиниб, кийиниб, отасининг олдига чиқди.

— Извош келмадими? — сўради у.

— Йўк хали.

Извош кутиб, Хемнолини бокқа чиқди-да, хиёбонда айлана бошлади. Оннода-бабу бўлса равоқда ўтириб асабийлашар, қўли билан сочларини силайверарди.

Соат ўн яримдаёқ иккаласи Нолинакханинг уйида эдилар. Шифокор хали қайтганича йўқ, Хемонкорининг ўзига меҳмонлар билан суҳбатлашиб туришга тўғри келди. У суҳбат асносида гоҳ-гоҳ Хемнолинига қараб қўйиб Оннода-бабудан унинг саломатлиги ва оиладаги ишлари ҳақида суриштира кетди. Нега қизнинг юзида қувончдан ҳеч қандай нишона йўқ? У тақдирига битилган бундай саодатдан юлдуздек порлаши керак эди-ку. Бирок Хемнолинининг нигоҳини қувонч эмас, қайғу тумани богсан. Бу Хемнокорининг қалбига оғир жароҳат солди.

«Нолинакхага турмушга чиқишини билган бошқа ҳар қандай қиз, ўзини еттинчи осмонда деб ҳис этиши керак эди. Бу эса ўз маълумоти билан ҳаддан ташқари гердайиб, афтидан ўзини унга хайф деб санайди, чоғи... Йўқса, унинг паришонлигини яна нима билан изохлаш мумкин? — деб ўйлади Хемонкори, — ҳамма

айб ўзимда. Кексайганда бесабр бўлиб колдим, орзуларимнинг ушалишини сабр билан кутишни истамадим. Нолинакхани эслихушли бир қизга уйлантираман деб, уни тузуккина билиб олишга ҳам ҳаракат қилмадим! Тўғри, ўйлаб ўтириш учун фурсатим йўқ эди. Мен барча дунёвий ишларимни имкон қадар тезроқ битириб, бу фоний дунёдан боқий оламга рихлат қилишга ҳозирлик кўришим лозим».

Миясида чарх урган мана шу фикрлар, Хемонкорига Оннодабабу билан суҳбат давомида халакит бериб турди.

— Назаримда, тўйга ошиқмасак ҳам бўлади, — деди у. — Фарзандларимиз ёш эмас, улар барча муаммоларни ўзлари ҳал қила олишади. Уларни шошилтиришнинг кераги йўқ. Бунга Хемнолини қандай қарайди билмайман, аммо Нолинакхага келганда шунини айтишим мумкинки, у ҳали бу ишнинг тагига етгани йўқ.

Унинг сўзлари, асосан Хемнолинига қаратилган эди. Чунки қиз бўлғуси тўйга қувонаётганини изҳор қилмади, шунинг учун Хемонкори меҳмонларнинг «ўғли бўлажак никоҳга қувониб, терисига сифмаяпти» деб ўйлашларини истамасди.

Меҳмондорчиликка боришдан олдин Хемнолини хушвақт ва қувнок бўлиб кўриниш учун бутун кучини тўплаган эди-ю, аммо акси бўлиб чиқди, унинг бир дақиқалик қувончи чуқур қайғу билан алмашинди. Хемонкорининг уйига келиб, ўзини шубҳа чулғаётганини ҳис этди, у қадам қўймоқчи бўлган ҳаёт йўли эса оғир, машаққатли ва чексиздек туюла бошлади.

Катталар ўзаро лутфомузлик қилгунча, Хемнолини ўз иродаси билан курашди, бу эса унга қайтага дард бўлди. Хемонкори тўйни кечиктиришни таклиф этганида, қизнинг қалбида дарҳол қарама-қарши ҳислар кураши бошланди. Бир томондан, унга никоҳ қанча тез бўлса, у ўзининг барча иккиланиш ва шубҳаларидан шунча тез қутуладигандек эди. Аммо иккинчи томондан, никоҳнинг кечиктирилиши ҳақидаги хабар Хемнолинига беихтиёр енгиллик бахш этди.

Хемонкори сўзларининг қандай таъсир қилишини билиш ниятида қиздан кўз узмай ўтирди. Аммо қизнинг чеҳрасидаги осойишталикни кўриб, кекса аёл ундан аччиғланди. «Мен Нолинакхамни жуда арзон баҳолабман!» — деб ўйлади ва ўғлининг ҳаяллаганидан хурсанд бўлди.

— Нолинакханинг турган-битгани шу! — деди Хемонкори Хемнолинига назар ташлаб. — Бугун сизларнинг келишингизни жуда яхши биларди. Ўзи бўлса шу вақтгача йўқ. Ҳолбуки ишини барвақтроқ битириш ҳам мумкин эди. Борди-ю, мен оғриб қолгудек бўлсам, ҳамма ишини йиғиштириб уйда қолади.

Қарай-чи, таом тайёр бўлганмикан деган баҳона билан Хемонкори меҳмонларни холи қолдириб, ташқарига чиқди. У Хемнолинини Камолага таништириб, ўзи унинг отаси билан ёлғиз гаплашиш фикрида эди.

У ошхонага кирганида таомнинг тайёр бўлганини кўрди. Олов пастлатиб қўйилган. Камола эса бурчакда жимгина ўтирарди. Қиз шундай чукур хаёлга ботгандики, Хемонкорининг тўсатдан кириб келишидан чўчиб кетди ва довдираб ўрнидан ирғиб турди.

— Сен таом пиширишга роса берилиб кетибсан-ку, Харидаси! — деди Хемонкори.

— Ҳаммаси тайёр, она, — деб жавоб берди Камола.

— Ундай бўлса, нега бу ерда ёлғиз ўтирибсан? Оннода-бабу мўйсафид одам, ундан уялишингга ҳожат йўқ. Хемнолини ҳам шу ерда. Уни хонангга чакириб, гаплашиб ўтир. Уни мендек кампир билан зериктириб ўтиришнинг нима кераги бор.

Хемнолинининг бепарволигидан хафа бўлган онанинг Камолага бўлган меҳрибонлиги яна ҳам ошди.

— Аммо мен у билан нима ҳақда сўзлашаман? — деди хайиқиб Камола. — Ахир у ўқиган бўлса, мен эса ҳеч нарсани билмайман.

— Қара-я! — деб жеркиди Хемонкори. — Сенинг бошқа кизлардан ҳеч кам жойинг йўқ. Қўй, Хемнолини ўз билимдонлиги билан гердайиб юра берсин, аммо сендек латофатли кизлар кам. Ҳар қандай одам китоб ўқиб олим бўла олади, лекин сен каби гўзал бўлолмайди. Юр, Харидаси! Бу кийимларинг ярамайди, юр, мен сени тузукрок кийинтирай.

Хемонкори мағрур Хемнолинини камситиш истаги билан ёнади. У бу кеккайган кизнинг гўзаллиги, оддий бир кизнинг гўзаллиги олдида ҳеч нарсага арзимаслигини кўрсатишни истарди. Камоланинг қаршилигига қарамай, унга дид билан оч кўк шоҳи сари кийдирди ва сочини чиройли килиб турмаклар қўйди. Кейин уни хар томонга ўгириб, ўзининг ишига зехн солди ва завкланиб кизнинг пешанасидан ўпиб қўйди.

— Сен шунчалик гўзалсанки, рожанинг хотини бўлсанг арзийди!

— Она, улар у ерда ёлғиз ўтиришибди! — деди хижолатда Камола. — Бусиз ҳам улар узок кутиб қолишди.

— Ўтирса ўтирар! Мен сени кийинтирмагунимча бу ердан жилмайман.

Ниҳоят кизнинг ясан-тусани тобига келди.

— Қани энди кетдик, жоним! Кетдик! Энг муҳими довдирама, — деди Хемонкори. — Сени кўрганда коллежда ўқиган барча гўзаллар тилини тишлаб қолади! Уларнинг олдида бошингни тик кўтариб юришинг мумкин.

Хемонкори тайсаллаб турган Камолани Оннода-бабу билан кизи ўтирган меҳмонхонага бошлаб кирди. Нолинакха ҳам аллақачон келиб, улар билан гаплашиб ўтирган экан. Камола чиқиб кетишга уринганида, Хемонкори уни тутиб колди.

— Уялма, жоним, бу ерда ҳамма ўзимизники.

Аёл Камоланинг гўзаллиги ва либослари билан фахрланарди. У кизнинг гўзаллиги билан барчани хайратда қолдирмоқчи бўлди. Хемнолини ўғлига лоқайд қарагач, ғурури таҳқирланган Хемонкори кизни Нолинакханинг кўзи олдида пастга урмоқчи бўлди. Камоланинг хусни жамоли чиндан ҳам барчани лол қолдирди. Хемнолини Камолани илк марта кўрганида, у соддагина кийинган, довдир, кўзга кўринмасликка урингандек бўлиб туюлган эди. Бунинг устига ўша вақтда унга тузукроқ карашга Хемнолинининг вақти ҳам йўқ эди. Лекин бугун кизнинг хусни уни хайратда қолдирди. У ўрнидан туриб, ийманиб турган Камолани ёнига ўтқазди.

Хемонкори тантана қилди. Энди у, Камоладаги кўркамлик — худоларнинг марҳамати эканига ўтирганларнинг ҳаммаси қойил қолади, деб ишонарди.

— Хонангга бориб, Хемнолини билан гаплашиб ўтиришинг мумкин, — деди у. — Дастурхонни ўзим тузайман.

Камолани ҳаяжон чулғаб олганди. Тез кунларда Нолинакханинг хотини, шу уйнинг бекаси бўлмиш Хемнолинининг унга қандай муносабатда бўлишини билишни истарди. Унинг илтифоти киз учун катта аҳамиятга эга эди. Камола шу уйнинг бекаси бўлиши мумкинлигини сира тан олгиси келмас, ҳатто юрагига рашкнинг яширинча соя солишига ҳам йўл қўймасди. У ўзи учун ҳеч нарса талаб қилмасди.

— Онам сен ҳақингда кўп нарсани сўзлаб берган, — деди Хемнолини меҳрибонлик билан. — Сенга роса раҳмим келади. Энди сен менга ўз опангдек қарашинг керак. Сени опанг борми?

Камола Хемнолинидаги меҳрибонлик ва дўстлик охангидан рухланиб:

— Туғишган опам йўқ, амакимнинг қизи опам катори, — деб жавоб берди.

— Менинг ҳам синглим йўқ, — деди Хемнолини. — Онам жуда ёш бўлганимда вафот этганлар. Қувонган ёки ғам чеккан чоғларимда, қани энди ёнимда синглим бўлса, деб орзу қилардим. Болалигимдан барча қайғуларни хомуш ўтириб кечирдим, бу менга одат бўлиб қолди. Энди қарасам очилиб гапиришни ҳам унутибман, шунинг учун ҳамма мени мағрур ҳисоблайди. Аммо сен азизам, мен ҳақимда бундай ўйлама! Шунчаки, юрагим хомушликка ўрганган.

Камоланинг тортинчоқлиги батамом йўқолди.

— Сиз мени ҳурмат қиласизми, опа? — деб сўради у. — Сиз менинг тентаклигимни ҳали билмайсиз, ахир.

Хемнолини жилмайди.

— Мени тузукроқ билиб олганимда ишонарсан: мен ҳам тентакман. Китоблардан ўрганган озгина нарсадан бўлак ҳеч нимани билмайман. Сендан илтимос, уйингизга келганимда, мени

ёлғизлатиб қўйма. Рўзгор ташвиши бўйнимга тушишини ўйласам, ваҳима босади.

— Буларнинг барчасини менга қўйиб беринг, — гўдақлардек поклик билан хитоб қилди Камола. — Мен бу ишларни болалигимдан буён бажариб келаман, меҳнатдан сира қўрқмайман. Биз эгачи-сингиллардек рўзгорни бакамти тебратамиз. Сиз унинг бахти саодати учун ғамхўрлик қиласиз, мен эса иккингиизга хизмат қиламан.

— Жуда соз, азизам, — деди Хемнолини. — Сен эрингни тузуккина кўрмагансан чоғи? Эслолмайсанми, у канака эди?

Ҳақиқатдан қочиб, Камола бундай деди:

— Мен уни яна эшлашга тўғри келар деб ўйламагандим, опа. Аммо амакимнинг уйига келиб, унинг қизи Шойложа билан дўст тутиндим, унинг ўз эрини қанчалик садоқат билан севишини кўрдим. Шунда мен ўз бурчимни англадим. Сизга буни тушунтириш қийин... Гарчи эримни тузуккина кўрмаган бўлсам-да, уни севишни ўргандим. Парвардигор менга марҳамат қилди. Ҳозир қалбимда эримнинг ёрқин қиёфаси яшамоқда. Гарчи у менга уйланиб хотинлик бўлмаган эса-да, аммо у хамиша менинг қалбимда.

Камоланинг сўзларида эрга фидокорона муҳаббат садоси янграб, Хемнолинининг юрагини меҳр билан тўлдирди.

— Муддаонгни англаб турибман, — деди бир оз жим туриб Хемнолини. — Худди ўша сен ҳис этган нарса қалбнинг ҳақиқий мулкидир. Тамағирлик ортидан қўлга киритилган барча нарса — бебақо.

Хемнолинининг сўзларини Камола тушундими, йўқми — буни англаш мушкул. У Хемнолинига бир оз қараб туриб, яна гапида давом этди.

— Мен ўзимнинг хафа бўлишимга йўл қўймайман, шунинг учун ҳам бахтлиман. Мен фақат хизматимга яраша тақдирланганман.

Хемнолини Камоланинг иккала қўлини ушлади.

— Менинг устозим шундай дейди: «Йўқотиш билан топиш бирга қўшилса, шунинг ўзи ҳақиқий соҳибликдир». Ростини айтганда, сингилжон, агар мен ҳам сен каби ўзимдан воз кеча олганимда, чинакам бахтли бўлардим.

Бундай иқроп Камолани бир оз таажжублантирди.

— Нега бундай дейсиз, опа? — деб сўради у. — Сиз кўп нарсага муносибсиз, сизда ҳеч қачон, ҳеч нарсага муҳтожлик бўлмайди.

— Агар менга тегишли нарсанинг ўзигина ҳиссамга тушса, қувонган бўлардим! — деди Хемнолини. — Бундан ортигини олиш мен учун катта кулфат ва масъулиятдир. Сўзларим, албатта сенга ғалати эшитилар. Ҳа, мен ўз-ўзимдан таажжубдаман. Бугун юрагим жуда ғаш эди, аммо сен билан гаплашганимдан кейин енгиллашгандек бўлдим: энди ўзимни анча дадил ҳис этяпман. Эркин суҳбатлашдик. Бундай ҳолат илгари менда сира ҳам бўлмаган эди. Сен мени нима қилиб қўйдинг, синглим?

LVIX БОБ

Уйга келганида Хемнолини столда ўз номига ёзилган катта бир мактуб ётганини кўрди, дастхатдан унинг Ромешдан эканини дарров англади. Хатни олиб, юраги дукиллаган холда ётоғига кирди-да, эшикни қулфлаб, ўқишга киришди.

Хатда Ромеш Камола билан бўлган муносабати тарихини тўла ва рўй-рост баён қилиб, хулосада бундай ёзганди:

«Бизнинг ҳаётимизни бир-бирига боғлаган мустаҳкам занжирни вазият тилка-пора қилди. Энди сен бошқа бир инсонга кўн-гил кўйибсан. Бунинг учун сени айбламайман. Аммо сен ҳам мени қоралама. Камола бир кун ҳам хақикий хотиним бўлган эмас. Аммо унга бўлган майлим борган сари ошди, буни сендан яширмасликни бурчим тақозо этади! Хозир ҳам бу майлнинг бор-йўқлигини аниқ айтолмайман. Агар мендан воз кечмаганингда, муҳаббатингдан тасалли топган бўлардим. Худди мана шундай умид билан бағрим қон бўлиб, бугун уйингга келган эдим, аммо мендан қочишингни кўриб, нафратинг қанчалик қучли эканини англадим. Бошқа бир инсонга кўн-гил кўйганингни билганимда, қалбимдаги эски шубҳалар яна қўзғалди. Мен Камолани унута олмаслигимни англадим! Бироқ нима бўлганда ҳам мендан бошқа ҳеч ким азият чекмаслиги лозим. Аммо нега мен азият чекишим керак? Ҳаётимга маъно бағишлаган бу икки гўзал қизни ҳаргиз унута олмайман. Мен умр бўйи уларни қучли муҳаббат ва миннатдорлик билан хотирлаяжакман. Бугунги бир лаҳзалик учрашувимиз мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Дарҳол уйга қайтишим билан ўзимни дунёда энг бахтсиз кишидек ҳис этдим. Аммо ҳозир бунга рози бўлолмайман. Кўнглим тинч ва хушвақт бир кайфиятда сен билан хайрлашаман ҳамда сендан ўтиниб сўрайман: мени кечир. Ҳар иккингининг шарофатингиз ва Яратганнинг марҳамати билан бу ажралиш чоғида менда қайғу йўқ. Бахтли бўл! Толе ёр бўлсин! Мендан нафратланма — бунинг учун сенда ҳеч қандай асос йўқ».

Мактубни ўқиб Хемнолини отасининг олдига чиқди. Оннода-бабу оромкурсида ўтириб китоб ўқимоқда эди.

Қизининг афт-ангорини кўриб, безовталаниб сўради:

— Бирор еринг оғрияптими, Хем?

— Йўқ, — қисқа жавоб берди Хемнолини. — Мен Ромеш-бабудан мактуб олдим. Буни ўқиб, менга қайтариб беринг.

Хемнолини отасига мактубни бериб, чикиб кетди. Оннода-бабу кўзойнагини тақиб, Ромешнинг мактубини бир неча марта ўқиб чиқди. Сўнгра хизматқордан мактубни қизига юбориб, ўзи чуқур ўйга толди ва қуйидагича хулосага келди:

«Балки ҳаммаси яхшилиққадир. Куёвликка Нолинакха Ромешдан кўра афзал, бу айни муддао. Яхшиямки, Ромешнинг ўзи кетиб қолди.

Нолинакха келиб, отанинг фикри бўлинди. Уларнинг хайр-лашганларига хали ҳеч қанча вақт бўлмаган эди, шунинг учун унинг пайдо бўлиши Оннода-бабуни ташвишга солди.

«Нолинакха Хемга ошиқ бўлса керак» — деб ўзича кулимсираб кўйди чол.

У ёшларнинг учрашишларига бир бахона топиб, ўзи чиқиб кетиш ҳақида ўйлагунча бўлмай, Нолинакха деди:

— Ўзингизга маълум Оннода-бабу, мен билан кизингизнинг никоҳи мўлжалланибди. Аммо мен дастлаб сиз билан гаплашиб олмакчи эдим.

— Жуда соз! — хитоб этди Оннода-бабу. — Қулоғим сизда.

— Сиз бир нарсадан беҳабарсиз: мен олдин бир марта уйланганман.

— Бундан хабарим бор, лекин...

— Бу мен учун янгилик! Ундай бўлса, сиз рафикамни вафот этган деб ҳисобласангиз керак... Бироқ бунга батамом ишониш анча қийин. Шахсан мен, унинг тириклигига ишонаман.

— Илоҳо айтганингиздек бўлсин! — деди Оннода-бабу, кейин кизини чақирди: — Хем, Хем!

— Нима гап, ота? — сўради Хемнолини хонага кириб.

— Ромешнинг сенга ёзган мактубида...

— Нолинакха-бабу мактуб билан танишиши керак, — деди Хемнолини ва мактубни бериб, хонадан чиқиб кетди.

Мактубни ўқиб бўлгач, Нолинакханинг бирор сўз айтишга мажоли қолмади.

— Бундай ғайриоддий тасодифлар камдан-кам учрайди, — деб жимликни бузди Оннода-бабу. — Албатта, бу мактуб сизни хафа қилди. Бироқ буни сиздан сир тутиш биз томондан ноинсофлик бўларди.

Нолинакха хомуш тураверди. Бир оздан сўнг ўрнидан туриб хайрлашди. Оннода-бабунинг уйдан чиқиб, у шимол тарафдаги равоқда Хемнолинини кўриб қолди. Қиз ҳаракатсиз, жим турарди, шу билан бирга қалбида не-не ҳасратлар! Унинг нима ҳақда ўйлаётганини билиш қийин. Нолинакха ундан, ёрдамимга муҳтож эмасмисиз деб сўрагиси келди, аммо ботинмади. Қизнинг бу саволга жавоб қайтара олиши ҳам даргумон эди.

«Унга нима тасалли бера олади? Гоҳо одамлар орасида енгиб бўлмас тўсиқлар пайдо бўлади. Инсон қалби қанчалик танҳо!» — деб ўйлади Нолинакха.

У извош томонга йўналиб, Хемнолини турган равоқнинг ёнидан ўтиш учун жўрттага айланма йўл билан кетди. У Хемнолини чақирар, деб умид қилганди. Бироқ у ерга яқинлашганида, қиз аллақачон кетиб қолганди.

«Бировнинг кўнглини англаш осон эмас. Инсонлараро муносабат ғоят мураккаб» — ғамгин хўрсинди йигит извошга ўтира туриб.

У кетган захоти Жогендро пайдо бўлди.

— Ёлғизмисан, Жоген? — деб сўради Оннода-бабу.

— Қизик, яна кимни кутяпсиз? — дея савол билан жавоб килди ўғли.

— Кимни бўларди? Ромеш-чи?

— Ўзини ҳурмат киладиган киши учун бояги муомалангизнинг ўзи етарли. Бундан кейин Банорасда Ганга фарк бўлиб, рухи таҳкирланган жасаддан қутқариш — бирдан-бир чора! Мен уни қайтиб кўрмадим. Столимда бир парча коғоз ётган экан, унда: «Мен кетяпман, Ромеш» деб ёзилган экан, холос. Мен бу хил шеърятни ҳеч қачон тушунган эмасман. Шунинг учун бу ердан кетаман. Менинг бош муаллимлик касбимда ҳамма нарса равшан, аниқ ва гумонлардан холи.

— Бирок Хем ҳақида бирор фикрга келиш керак-ку, — дея гап қўшишга уриниб кўрди Оннода-бабу.

— Яна! — аччиғланиб унинг гапини бўлди Жогендро. — Мен нимани таклиф қилмай, сиз барчасини рад этасиз. Бу ўйин роса жонимга тегди. Энди мени бу ишларга аралаштирманг. Тушунмаган нарсага бурун суқишга асло тоқатим йўқ. Хемни эса бирдан англаб бўлмайдиган ҳолатга кириш одати бор. Бу мени гаранг қилиб қўяди. Эртага тонгги поезд билан жўнайман. Йўлда Банкипурга кириб ўтаман.

Оннода-бабу индамай, қўллари билан сочини силади. Унинг назарида, олам ҳал этилмаган муаммоларга тўла эди.

LX БОБ

Банорасдан кетишдан олдин Шойложа билан отаси Камолани йўқлаб келишди. Ёш жувон у билан қўшни хонага — хилватга кирди. У ерда улар узок пичирлашишди. Чокроборти амаки бу борада Хемонкори билан суҳбатлашди.

— Менинг таътилим тамоm бўлди, — деди у, — эртага Гажипурга кетаман. Агар Харидаси сизни зериктирган бўлса...

— Сиз яна эски гапни қўзғаяпсиз, Чокроборти жаноблари! — деб унинг сўзини бўлди Хемонкори. — Наҳотки, сиз чиндан ҳам шундай деб ўйласангиз? Ёки қизингизни мендан тортиб олиш учун ўйлаб топилган баҳонами?

— Мен ҳадяни қайтариб оладиганлардан эмасман, — деб жавоб берди амаки. — Бирок агар бу сизга ўнғайсизлик турдирса...

— Сизлар ниманидир яширмоқчи бўляпсиз, — деди Хемонкори. — Ўзингиз яхши биласизки, ёнингда Харидасидек лобар қиз бўлишидан кўра ёқимлироқ нарса йўқ. Аммо...

Чокроборти амаки унинг сўзини бўлди.

— Яхши, яхши, ортиқ бу ҳақда гаплашмаймиз! Мен Харидаси ҳақида яна бир марта мактовингизни эшитиш учун андек

хийла қилгандим. Мени бошқа нарса безовта қияпти. Жаноб Нолинакха уни ўз уйига тўсатдан бостириб келган ёвуз дев, деб ўйламасмикан? Менинг кизим жуда мағрур. Агар унинг бу ердалиги Нолинакха-бабуга оз бўлса-да малол келаётганини сезиб қолса, унга жуда қийин бўлади.

— О, Хари!.. кичкирди Хемонкори. — Нахотки, менинг Нолинакхамга малол келса! Йўк, йўк, унинг қўнгли дарёдек кенг!

— Жуда соз. Аммо менинг муддаомни тушунинг! Мен Харидасини ўз ҳаётимдан ортиқроқ севаман, — гапида давом этди амаки, — у ҳақда гап кетганида, озгина гап билан қаноатланмайман. Қизнинг унга халақит бермаслиги, йигитнинг эса, унга бепарво қараши мени асло қониқтирмайди. Нолинакха-бабу Харидасига яқин кишисидек қарамагунича қўнглим тинчимайди. Ахир, у уйдаги жиҳоз эмас, балки инсон. Агар уларнинг муносабати, фақат йигитнинг уни сезмаслик, у ҳақда ўйламасликка уринишидан иборат бўлса...

— Чокроборти жаноблари, — деб гапни бўлди Хемонкори. — Нахотки сиз Нолинакхам Харидасига қариндошларча муносабатда бўла олмайди, деб ўйласангиз? Ҳозирча менда аниқ далиллар йўк, аммо ўғлим бу қизнинг мен билан бахтли ва роҳат-фароғатда яшаши учун аллақачон ғам чека бошлагани эҳтимолдан холи эмас. Бу борада у баъзи бир ишларни ҳам қилган бўлиши мумкин.

— Энди қўнглим таскин топди, — деди амаки. — Аммо кетишдан олдин Нолинакха билан гаплашиб олмоқчи эдим. Бахтсиз аёлга ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига ола биладиган эрлар дунёда жуда кам учрайди. Нолинакхани эса Худо шу талабга мувофиқ сифатлар билан яратган. Қандайдир сохта хавф билан Харидасидан четлашмай, қизга эътиборли бўлиши, унга азиз кишисидек ғамхўрлик қилиши зарурлигини унга уқтирмоқчи эдим.

Чокроборти амакининг Нолинакхага бунчалик ихлос қўйиши Хемонкорига маъқул келди.

— Сизнинг норози бўлишингиздан чўчиб, мен Харидасини Нолинакхадан узокроқроқ тутгандим. Аммо ўғлимни яхши биламан, ундан гумон қилмасангиз ҳам бўлади.

— Сиз билан очикроқ гаплашаман, — деди Чокроборти амаки. — Нолинакха-бабу яқинда уйланармиш деган овозалар бор. Қелиннинг ёши ўтган, одатдан кўра кўпроқ ўкиган дейишади. Қани энди бизнинг Харидаси...

— Тушунаман! — унинг сўзини бўлди Хемонкори. — Хотиржам бўлишингиз мумкин, тўй бўлмайди.

— Нахотки фотиҳа бекор қилинган бўлса?

— Орада бекор қилгулик ҳеч нарса ҳам йўк эди, ўзи. Зеро, Нолинакха бу никоҳни ҳечам хоҳламагани, уни мажбур қилгандим. Бироқ зўрлик билан кишини бахтли қилиб бўлмас

экан. Парвардигор вокиф, ўғлимнинг тўйини кўрмай ўламан чоғи.

— Йўк, йўк, ундай деманг, — дея хитоб қилди Чокроборти амаки. — Биз-чи? Узим ҳам совчига тегишли зиёфату совғаларни сира рад этмайман.

— Оғзингиздан бол томади, Чокроборти жаноблари, — деб хўрсинди Хемонкори. — Менинг айбим билан Нолинакха шу ёшгача бола-чакалик бўлмагани жуда алам қилади. Шунинг учун бу борада тузук-курук ўйламай, фотиҳага шошилган эдим. Ўзингиз кўриб турибсиз, бу ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Энди бу иш билан сиз шуғулланинг: лекин тезроқ бўлинг, мен узоқ яшамайман.

— Кўйинг шу гапларни! — эътироз қилди амаки. — Сиз ҳали кўп яшайсиз, келинни ҳам кўрасиз. Сизга қанақа келин кераклигини мен биламан: жуда ёш бўлмаса-да, иззатингизни жойига қўйса ва ҳар ишда сизга итоаткор бўлса. Бошқаси бу хонадонга тўғри келмайди. Кўп ҳам безовта бўлаверманг, Худо хоҳласа, мен ҳаммасини ўз ўрнига қўяман. Энди, агар эътироз билдирмасангиз, мен Харидасининг олдига кириб, унга ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида бир оз насихат қилсам, сизга Шойложани юбораман. У сизни кўрганидан буён бошқалар ҳақида сўзлашни истамай қолди.

— Йўк, яхшиси — ҳаммангиз бирга суҳбатлашинг. Менинг баъзи бир ишларим бор.

— Сизнинг «ишингиз» бўлса, демак менинг пичоғим мой устиди! — деб кулди Чокроборти амаки. — Бир оз туриб ўша «ишингиз» билан танишишимизга шубҳам йўк. Иқроп бўлинг, сиз ўғлингизга қаллик топмоқчи бўлган бахтли браҳманга зиёфат тайёрлагани кетяпсиз.

Опа-сингил тутинганлар ўтирган хонага кириб Чокроборти амаки Камоланинг кўзлари ёшга тўлганини кўрди. У қизнинг ёнига ўтириб, унга савол назари билан қаради.

— Ота, мен Камолага, Нолинакха-бабуга ҳаммасини очик-ойдин айтиш вақти келди дедим, — тушунтирди Шойложа. — Сизнинг тентагингиз Харидаси эса, бу борада мен билан баҳслашиб ўтирибди.

— Йўк, опа, йўк, — дея эътироз қилди Камола, — сиздан ёлвориб сўрайман, ортиқ бу ҳақда гапирманг.

Бунинг ҳеч ҳам иложи йўк!

— Тентак! — ғазаб билан жеркиди Шойложа. — Сен жим юрасан. Нолинакха эса бу орада Хемнолинига уйланади. Тўй кунингдан бошлаб шунча азоб чекдинг, ўлишинга сал қолди. Нега энди ўзингни азобга қолдирар экансан?

— Мен ҳақимда ҳеч кимга гапирманг, опа! — деб илтимос қилди Камола, — Мен ҳар қандай мусибатга бардош бераман, лекин шармандаликка чидай олмайман. Мен ҳозир боридан

мамнунман ва умуман бахтсиз эмасман. Агар сиз ҳаммасини унга очик айтсангиз, мен қандай қилиб уйда қоламан? Қандай яшайман?

Шойложа унга нима дейишни ҳам билмай қолди. Аммо Нолинакханинг Хемнолинига уйланишига бепарво қараб туришни у йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат, деб ҳисобларди.

— Хали бу тўйнинг бўлиши маълум эмас, — деди амаки.

— Нахотки, ота? — таажжубланди Шойложа. — Нолинакханинг онаси Хемнолинига фотиҳа берган эди-ку!

— Парвардигорнинг лутф-марҳамати билан фотиҳа ўз кучини йўқотди, — деб хабар қилди амаки. — Хадиксирашни тўхтат, Камола, ҳақиқат сен томонда.

Камола амакининг нима деганини тушунмай, кўзларини катта очганича унга қараб қолди.

— Фотиҳа бекор қилинди! — уқтирди Чокроборти амаки. — Нолинакха-бабу бу никоҳга рози бўлмабди, онасига эса ақл кирибди.

— Халос бўлдик, ота! — деб қувонч билан қичқирди Шойложа. — Кеча фотиҳани эшитиб, туни бўйи мижжа қокмай чиқдим. Камола ўз оиласида қачонгача бегона бўлиб туради, ахир? Энди бу масала қачон ойдинлашади, ота?

— Шошилишнинг ҳожати йўқ, Шойложа, — деди Чокроборти амаки. — Хар нарсанинг ўз мавриди бор.

— Менга шуниси ҳам яхши-ку, — деди уларнинг суҳбатига аралашиб Камола, — бундан афзал бўлиши мумкин эмас. Ҳозир мен жуда бахтлиман. Менга ёрдам қилишга уришиб, амаки, сиз фақат аҳволни мураккаблаштиришингиз мумкин, холос. Оёқларингизга йиқилиб ёлвораман, мен ҳақимда ҳеч кимсага гапирманг. Мени шу пастқам бурчакда қолдириб, ўлик-тиригим ҳақида ўйлашни унутинглар. Мен шундоқ ҳам бахтлиман.

Унинг кўзлари жикка ёшга тўлди.

— Нега йиғлайсан, Камола? — бесаранжомлик билан сўради Чокроборти амаки. — Нима демокчи бўлганингни жуда яхши англадим. Биз сенинг осойишталигингни бузмаймиз. Тақдирнинг ўзи аста-секинлик билан ҳамма нарсани ўз жойига қўймоқда, бу ўринда, бирор ишни бузиш биз томондан телбалик бўлади. Қўрқма! Мен кекса бир одамман, қандай йўл тутишга ақлим етади.

Шу пайтда жилмайган ҳолда Умеш кириб келди.

— Хўш нима гап? — деб сўради ундан амаки.

— У ерда, пастда, Ромеш-бабу келиб шифокорни сўраяпти.

Камола оқариб кетди. Чокроборти амаки дарҳол туриб:

— Қўрқма, азизам, мен ҳаммасини ўз ўрнига қўяман, — деди.

У пастга тушиб, Ромешни қўлтиқлаб олди-да:

— Юринг, Ромеш-бабу, — деди, — сиз билан бир оз сайр асносида гаплашиб олишимиз керак.

— Сиз бу ерга қандай келиб қолдингиз? — деб таажжубланди Ромеш.

— Албатта, сизнинг шарофатингиз билан, — деди амаки. — Сизни кўрганим жуда яхши бўлди. Юринг, мен сизга баъзи нарсаларни айтишим лозим.

У Ромешни кўча томонга бошлаб кетди. Нолинакханинг уйдан чиққач:

— Нега бу ерга келдингиз, Ромеш-бабу? — деб сўради Чокроборти амаки.

— Мен жаноб Нолинакха билан гаплашмоқчи эдим. Унга Камола ҳақидаги ҳамма гапни айтиб бериш керак, деб ҳисоблайман. Кўнглим сезиб турибди: у тирик бўлиши керак.

— Фараз қилайлик, Камола чиндан ҳам қутулиб, Нолинакха билан учрашган бўлсин. Унга сиздан Камоланинг тарихини эшитиш ёқимли бўлармикан? — деб сўради амаки. — Унинг кекса онаси бор, агар у ҳаммасини батафсил билса, бундан Камолага яхшилик бўлиши даргумон.

— Одамлар бунга қандай қарайди, билмайман. Аммо жаноб Нолинакха Камола унинг олдида гуноҳқор эмаслигини билиши зарур. Агар у ростдан ҳам вафот этган бўлса, у холда Нолинакха унинг хотирасини эхтиром билан ёдга олиши лозим.

— Мен сизларни, ҳозирги замон ёшларини сира тушунмайман! — деб зарда қилди Чокроборти амаки, — агар Камола ўлган бўлса, унинг хотираси билан эрини безовта қилишда қандай маъно бор? Айниқса, бир кечалик эрни!.. Мана мен турган уй. Эртага бизниқига қиринг, мен ҳаммасини тушунтириб бераман. Аммо ваъда беринг, ҳозирча Нолинакха-бабу билан кўришмай турасиз.

— Яхши, — деб рози бўлди Ромеш.

У билан хайрлашиб, амаки Нолинакханинг уйига қайтди.

— Она кизим, эртага уйимга келишинг керак, — деди у Камолага. — Ўзинг ҳаммасини Ромешга тушунтириб беришингни истайман.

Камола бошини қуйи солди.

— Мен бундан бошқа чора йўқ деб ўйлайман, — давом этди Чокроборти амаки. — Бурч ҳақидаги тушунча ҳозирги асрнинг болаларида ўтмишдагиларга қараганда тамомила бошқача. Хавфсирашни қўй, азизам. Ҳозир ҳуқуқингни ҳеч ким ўзингдек химоя қилолмайди. Бу борада сен учун бирор тўхтамга келиш қўлимиздан келмайди.

Қизнинг боши янада қуйироқ эгилди.

— Биз сенга йўл очдик, — деб давом этди амаки. — Энди йўлингда қолган майда тўсиқларни дадиллик билан супуриб ташлашинг керак.

Қадам товушлари эшитилди. Камола бошини кўтарганида рўпарасида турган Нолинакхани кўрди. Уларнинг нигоҳлари тўқнашди.

Илгари Нолинакха доим шошилиб бошқа ёкка кўз ташларди, лекин бугун ундай қилмади. У Камолага бир лаҳзагина қараган бўлса-да, унинг боқишида бегоналик йўқ эди. Шойложани кўриб Нолинакха чиқиб кетмокчи бўлди-ю, лекин Чокроборти амаки уни ушлаб қолди.

— Кетманг, Нолинакха-бабу. Биз сизни ўзимизнинг энг яқин кишимиз деб биламиз. Бу қизим Шойложа, сиз унинг қизчасини даволаган эдингиз.

Шойложа Нолинакхага таъзим қилди.

— Қизчангизнинг саломатлиги яхшими? — деб сўради у, ўз навбатида Шойложага таъзим қилиб.

— У соппа-соғ, — деб жавоб берди Шойложа.

— Сиз ҳеч қачон суҳбатларингиздан хузур қилишга имқон бермайсиз, — деб гап бошлади Чокроборти амаки. — Энди илтифот қилиб кирибсиз, андак ўтиринг.

Амаки шифокорни ўтқазгунича Камола хонадан ғойиб бўлди. Нолинакханинг хадя этган бир лаҳзалик нигоҳи унинг қалбини хайрат ва қувонч билан лиммо-лим тўлдирган эди, у туйғуларини жиловлаб олиш учун хонасига чиқиб кетди.

— Мен сизни безовта қилмокчиман, Чокроборти жаноблари, — деди хонага кириб келган Хемонкори.

— Бизни ташлаб кетганингиздан бери, шу «безовталиқ»ни кутиб нукул эшикка қарайман, — деб ҳазиллашди Чокроборти амаки.

Меҳмондорчиликдан кейин, ҳамма меҳмонхонага қайтиб келгач, амаки:

— Сизлар ўтириб туринглар, мен ҳозир келаман, — деб ташқарига чиқди.

У Камоланинг қўлидан ушлаб, дархол қайтиб келди. Уларнинг кетидан Шойложа ҳам кирди.

— Нолинакха-бабу, — деб йигитга мурожаат қилди у, — сиз бизнинг Харидасига бегона кишидек бўлмаслигингиз керак. Мен бу бахтсиз кизни уйингизда қолдираман ва ҳар жиҳатдан сиз билан онангизга ишонаман. Унга сизга хизмат қилишдан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Тез фурсатда бунга ўзингиз амин бўласиз, у била туриб харгиз ноҳўя ҳаракат қилмайди.

Камола хижолатдан кизариб ерга қаради.

— Хотиржам бўлишингиз мумкин, Чокроборти жаноблари, — деди Хемонкори. — Харидаси бизга қиз бўлиб қолган. Ҳозиргача унга қанақа иш топшириш ҳақида ортиқча ўйлашга тўғри келгани йўқ. Бир вақтлар бу уйда ўзим танҳо ҳукмрон эдим. Энди бўлса, ҳеч ким бўлмай қолдим. Хизматкорлар энди мени уй бекаси, деб билмайдилар. Ўйлаб-ўйлаб ўйимга етолмайман: қандай қилиб мен илгариги ҳукмронлигимни йўқотдим? Хоналарнинг қалитлари ҳамиша менда турарди, аммо Харидаси абжирлик билан уларни ҳам қўлга киритди. Айтинг-чи, бу кичкина

қароқчингиз учун яна нимани хоҳлайсиз? Агар уни биздан тортиб олиш ниятида бўлсангиз, бу дунёда энг катта қароқчи сиз бўласиз.

— Шунга ишонишингиз мумкинки, агар мен унга бу ердан кетишни таклиф қилсам, у ўрнидан қимирламайди. Сиз уни шундай сеҳрлаб қўйгансизки, бу қиз дунёда бошқа инсонлар ҳам борлигини тамоман унутган. Узоқ вақт давомида у ниҳоятда бахтсиз эди, сизникида эса, ниҳоят тасалли топди. Худованди карим буни унга кўп кўрмасин ишқилиб, сизларнинг шафқат ва шафоатингиз доим унга ёр бўлсин. Мана менинг видолашиш олдидан берган оқ фотиҳам.

Чокроборти амакининг кўзлари жикқа ёшга тўлди. Бу суҳбат асносида Нолинакха бирор сўз демади. Меҳмонлар кетгач, у секин ўз хонасига қараб йўл олди.

Ботиб бораётган қуёш шуъласи унинг ётоғини келинчакнинг юзи сингари арғувон ранг билан тўлдирган эди. Қон сингари қизил нурлар гўё унинг вужудидаги хар бир заррага сингиб, қалбини алангалантирарди.

Эрта билан унинг дўстларидан бири саватда атиргул юборган эди, Хемонкори уйни гул билан безашни Камолага топширди. Қиз гулдасталардан бирини Нолинакханинг хонасига қўйганида, ҳаммаёкни хушбўй хид камраб олди. Сукунат, ботаётган қуёшнинг деразада алангаланиши, атиргулларнинг ифори, барча-барчаси — Нолинакхани тўлқинлантирарди. У узоқ вақт такво ҳамда риёзат оламида яшади. Мана ҳозир унга кутилмаганда, қаердадир ёнги-насида, торли чолғу сози жаранлагандек бўлди, осмон эса, кўзга кўринмас раққосанинг оёқларидаги қўнғирокчаларнинг ёқимли садолари билан тўлди.

Нолинакха деразадан кўзини олди. Унинг нигоҳи каравотнинг бош томонига қўйилган гулдастага тушди. Гуллар кимнингдир кўзи билан унга бокиб сўзсиз илтижоларини унинг қалбига етказмоқчи бўлгандек туюларди.

Нолинакха гулни аста қўлига олди. У ҳали очилмаган, олтин-симон, хушбўй гунча эди. У гулга қўл тегизганида, назарида, бунга жавобан қўлига кимнингдир бармоқлари мулоимгина теккандек бўлди. Бундан унинг бутун вужуди жимирлаб кетди. Нолинакха хушбўй, нозик гулни лабларига, кўзларига босди...

Ботаётган офтобнинг заррин нурлари қорайиб бораётган осмонда аста-секин сўниб борарди. Хонадан чикиб кетмоқчи бўлиб, Нолинакха каравотга яқинлашди ва чойшабни кўтариб, атиргулнинг гунчасини ёстиғига қўйди. Энди чикай деб турганида, бирдан каравотнинг иккинчи томонида полда ғужанак бўлиб, сарисининг чети билан юзини яшириб ётган гавдани кўриб қолди. Бу Камола эди! Қиз уялганидан нима қилишини билмасди!. Гулларни токчага қўйиб, Нолинакхага жой солиб, энди чикиб кетай деб турганида, йигитнинг кадам товушлари эшитилди-ю,

дарров каравотнинг оркасига яширинди. Энди унинг қочиши ҳам, яшириниши ҳам мумкин эмасди.

У хижолат тортмасин деб, Нолинакха дарров хонадан чиқди, аммо эшикнинг олдига келиб тўсатдан тўхтади. Кейин секин Камоланинг олдига келиб:

— Тур. Мендан уялма, — деди.

LXI БОБ

Эртасига Камола Чокроборти амакининг уйига келди. Шойложа билан ёлғиз қолгач, у дугонасини маҳкам кучоклаб олди. Шойложа унинг иягидан ушлаб сўради:

— Бугун мунча бахтлисан, синглим?

— Ўзим ҳам билмайман, опа, — деди Камола. — Аммо назаримда, энди менинг барча кулфатларим барҳам топгандек кўринади.

— Нега гапирмайсан? — деди ҳовликиб Шойложа. — Ахир, биз сен билан кеча окшомга қадар бирга бўлдик, ундан кейин қандай ҳодиса рўй берган бўлиши мумкин?

— Тўғри, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Аммо мен уни энди ўзимники, деб хис қиляпман. Парвардигорнинг менга раҳми келди.

— Айтганинг келсин. Лекин мендан ҳеч нарсани яширма.

— Мен яшираётганим йўқ, опа, — деди киз сидкидилдан. — Сизга нима дейишни ҳам билмайман. Кеча ўтди, эрта билан ўрнимдан турганимда, ҳаёт мен учун янги маъно касб этгандек бўлди. Мен шундай бахтиёр эдимки! Уй юмушлари ҳам шундай енгил кўриндики, асти қўяверинг! Менга бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Аммо мени бу бахтдан маҳрум этмасалар, деб кўрқаман. Бугундан эътиборан ҳаётимнинг ҳар бир куни шундай порлок бўлишига ишонгим келмайди.

— Бундан кейин тақдир сени алдамас деб ўйлайман, — деди Шойложа. — Сен, албатта бахтли бўласан, сен бунга муносибсан.

— Йўқ, йўқ! Бундай деманг, опа. Мен нимага муносиб бўлсам, барчасига аллақачон эришдим, ўз тақдиримдан миннатдорман. Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас.

Шу пайтда хонага Чокроборти амаки кириб келди.

— Азизам, сен Ромеш-бабунинг олдига чиқишинг керак, — деди Камолага амаки, — у шу ерда.

Бунгача Ромеш билан амаки ўртасида қуйидаги суҳбат бўлиб ўтганди:

— Камола билан қандай алоқангиз борлигини биламан, — деди амаки Ромешга. — Сизга янги ҳаёт бошлашни маслаҳат бераман. У билан боғлиқ бўлган барча воқеаларни унутинг. Агар ханузгача қизнинг муҳаббатидан қутулолмаган бўлсангиз,

буни Худонинг иродасига ҳавола қилинг-да, ўзингизни бошқа уринтириб юрманг.

— Камола ҳақида Нолинакхага гапирмагунимча, уни унута олмайман, — деб эътироз билдирди Ромеш. — Бу қайғули ходисани янгидан қўзғаш керакми, йўқми — билмайман, аммо Нолинакхани барча воқеалардан хабардор қилмасам, қўнглим таскин топмайди.

— Яхши. Шу ерда бир оз кутиб тулинг, мен тезда қайтаман, — деди амаки.

Ромеш паришонлик билан дераза ёнига келиб, кўчадан ўтаётган одамлар оқимини кузата бошлади. Қадам товушини эшитгач, ўгирилиб ортига караган эди, боши ерга теккунча эгилиб таъзим қилаётган кизни кўрди. Қиз қоматини кўтаргач, Ромеш «Камола!» деб кичкирганича унга ташланди.

Қиз миқ этмай турарди.

— Парвардигорнинг лутфу карами билан Камоланинг барча мусибатлари ортда қолди. Азоб-уқубатлар бахт-саодат билан алмашинди, — деди Камоланинг кетидан кириб келган амаки. — Унинг ҳаёти хавф остида қолган пайтда, гарчи бунинг учун ўзингизга кўп кулфат тортишга тўғри келган бўлса-да, сиз ундан ёрдамингизни аямадингиз. Узоқ вақт мобайнида унинг ҳаёти сизга боғлиқ эди, бинобарин Камола сиз билан хайрлашмай туриб ажралиб кетолмасди. У энди сиздан фотиҳа беришингизни сўраб келди.

Ромеш ҳеч нарса демади. Охири зўрға тилга кириб:

— Бахтли бўлгин, Камола, — мени кечир, — деди.

Қизнинг бирор сўз айтишга мажоли қолмай, деворга суяниб турарди.

— Айт, мен сенга яна ёрдам бера оламанми? — деб сўради Ромеш бир оз сукутдан сўнг. — Бирор кишига сен ҳақингда гапиришим керакми?

Камола ёлворгандек қўлини ковуштирди.

— Сиздан илтимос қиламан, мен ҳақимда ҳеч кимга гапирманг.

— Мен узоқ вақтгача ҳеч кимга ҳеч нарса деганим йўқ. Ҳатто, бу бошимга бахтсизлик келтирганида ҳам, бир нима демадим. Фақат бундан бир неча кун муқаддам, сенга зарар етмаслигига ишониб, бир оилани тақдирингдан хабардор қилдим. Ҳозир ҳам назаримда, бу нарса сенга зарардан кўра, кўпроқ фойда келтиради. Амаким, эхтимол Оннода-бабу ва унинг кизи тўғрисида эшитгандир...

— Мен Хемнолини билан танишман! — деди гапни бўлиб Чок-робороти амаки. — Демак, улар барча воқеалардан хабардор, денг?

— Ҳа, — деди Ромеш. — Агар уларга яна бирор нарсани хабар қилиш зарур бўлса, мен тайёрман. Шахсан ўзимга ҳеч нарса керак эмас. Кўп вақтим бекор кетди ва кўп нарса йўқотдим.

Энди озод бўлишим керак. Яна нима қолган бўлса, барчасини адо этиб, эркин бўлмоқчиман.

Амаки меҳрибонлик билан унинг қўлини сиқди.

— Йўқ, Ромеш-бабу, — деб йигитни тинчлантирди у. — Сиздан бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайди. Шундоқ ҳам кўп машаққат чекдингиз, энди озодсиз. Бахт сизга ёр бўлсин.

— Мен кетаман, — деди Ромеш Камолага қараб.

Қиз хомушлик билан ергача эгилиб, унга таъзим қилди.

Ромеш Чокроборти амакининг уйидан худди уйқусираган одам сингари чиқиб кетди.

«Хайриятки, Камолани учратдим, — деб ўйларди у. — Агар унинг тириклигини билмаганимда, бу воқеанинг яхшилик билан тугаши гумон эди. Аммо уни ўша кеча Гажипурдан қочиб кетишга нима мажбур қилганини ханузгача тушунолмаяман. Бир нарса аниқ: мен бу ерда ортиқчаман. На илож, энди ортимга қайрилиб карамай, янги ҳаёт бошлайман».

LXII БОБ

Камола уйга қайтиб, Хемонкорининг олдида Оннода-бабу билан Хемнолинини кўрди:

— Мана Харидасининг ўзи ҳам келди! — деди кизни кўриб Хемонкори. — Дугонангни хонанга олиб кир, азизам. Мен эса Оннода-бабуни чой билан меҳмон қиламан.

Қизлар хонага кирган заҳоти Хемнолини дарров Харидасини кучоқлаб олди:

— Камола!

Камола таажжубланмай сўради:

— Исминни қаердан билдингиз?

— Сен ҳақингда менга бир киши сўзлаб берди. Сабабини тушунтириш қийин, аммо мен ўша Камола сен эканлигингни англадим.

— Опа, менинг ҳақиқий исмим бирор кишига маълум бўлишини истамасдим, — деди киз. — Бу исм мен учун лаънат тамғаси бўлиб қолган.

— Аммо сен факат шу исм туфайлигина ўз ҳақингни ажратиб оласан.

Камола бош чайқади.

— Менга бунинг кераги йўқ. Менинг ҳеч қандай ҳақим йўқ, мен ҳеч нарсани тиклашни истамайман.

— Бирок нега ўз эрингдан ҳақиқатни яширасан? Нега тақдирингни унга ишониб топширмайсан? Ундан ҳеч нарсани яширмаслигинг керак.

Камоланинг ранги ўзгарди. У гўё жавоб излаб тополмаётгандек, Хемнолинига ожизона қараб қолди. Сўнгра охиста ўтириб, секин гапирди:

— Парвардигор мени ҳеч қандай жиноят қилмаганимни билди. Шундай экан, нега бунчалар эзилишим керак? Нима учун менга буңдай жазо! Унинг олдида мени ҳеч қандай гуноҳим йўқ, лекин қандай қилиб унга ҳамма воқеани айттайин!

— Ҳаммасини эрингга айтиш билан сен жазога эмас, фароғатга эришасан, — деб эътироз қилди Хемнолини. — То унга ҳақиқатни айтмагунигча, ёлғоннинг кишанидан қутулолмайсан. Дадиллик билан бу кишанинни пора-пора қил, Яратган зот, албатта сенга раҳм қилади.

— Барча нарсадан маҳрум бўлишни ўйласам, юрагимда қатъият қолмайди, — деб эътироф этди Камола. — Аммо сизнинг муддаонгизни тушунаман. Тақдир нимани ваъда қилмасин, мен ҳеч нарсани сир тутмаслигим керак. У мен ҳақимда ҳамма нарсадан хабардор бўлади!

Камола қўлларини маҳкам сиқди.

— Эҳтимол, буни бошқа бир киши бажаргани маъқулдир — меҳрибонлик билан сўради Хемнолини.

— Йўқ, йўқ! У бу воқеани бегона кишидан эшитиши мумкин эмас. Унга буни ўзим айтишим керак. Мен буни эплай оламан!

— Ҳаммадан яхшиси шу, — деб маъқуллади Хемнолини. — Биз сен билан яна учрашамизми, йўқми билмайман. Мен сенга кетаётганимизни айтгани келдим.

— Қаёққа?

— Қалкуттага. Сени кўп ҳам ушлаб туролмайман. Эрталаб талай ишларинг бор. Опангни унутма.

— Сиз менга мактуб ёзиб турасизми? — деб сўради Камола Хемнолинининг қўлини ушлаб.

— Албатта, ёзаман.

— Мактубда менга маслаҳатлар берасиз. Улар менга мадад бўлади.

— Бу борада безовта бўлишингга ўрин йўқ! Сени мендан яхшироқ маслаҳатчинг бор.

Камола бугун Хемнолинига ич-ичидан ачинди. Қизнинг сокин чехраси ғамгин бўлиб, унга қараган кўзга ёш келиши шубҳасиз эди. Шу билан бирга, Хемнолинида қандайдир димоғдорлик ҳам бор эди, бу Камолага гапини давом эттиришга ва қалбини очишга халақит берди. Гарчи у Хемнолинига бугун ўз дардини айтган бўлса-да, Хемнолини ўзини вазмин тутиб, гўё қалбини мангу зулмат чуллагандек, қайғуга ботиб, ўзлигидан воз кечгандек чиқиб кетди.

Камола кун бўйи иш устида унинг овозини эшитар, меҳрибон кўзларини кўриб турарди. Қиз Хемнолинининг Нолинакха билан фотиҳаси бузилганидан бошқа, унинг ҳаёти ҳақида ҳеч нимани билмасди.

Эрта билан Хемнолини ўз боғидан уларга бир қучок гул келтирганди. Чўмилгач, Камола ўтириб улардан гулчамбар ясади. Хемонкори келиб, унинг ёнига ўтирди.

— Эҳ, кизгинам! — деб оғир хўрсинди у. — Бугун Хемнолини мен билан хайрлашганида, кўнглимда қандай ҳислар кечганини ифодалаш учун сўз тополмайман. Нима бўлганда ҳам, у меҳрибон киз эди. Агар у менга келин бўлса, катта бахтга эришган бўлардик деб ўйлайман. Бироқ бўлар иш бўлди!.. Ўғлимнинг кўнглига мутлако тушуниб бўлмайди. Унинг аҳдини ўзгартиришга нима мажбур қилгани фақат ўзига аён.

Хемонкори тўйга аслида, унинг ўзи монелик қилганини тан олгиси келмасди.

Эшикнинг орқасида қадам товушини эшитиб, чақирди:

— Сенмисан, Нолинакха?

Камола шошилиб гулчамбар ва қолган гулларни сарисининг этагига солди-да, юзига чодрасини ташлаб олди.

Нолинакха кирди.

— Ҳозиргина Хемнолини билан унинг отаси шу ерда эдилар. Сен уларни кўрдингми? — деб сўради Хемонкори.

— Мен уларни ҳозир кузатиб қўйдим.

Нолинакха унга доим эътироз билдириб юргандек, Хемонкори нолиган бир оҳангда гапирди:

— Сен нима десанг ҳам майли, азизим, аммо Хемнолини сингари киз камдан-кам учрайди.

Ўғли фақат жилмайди, холос.

— Яна жилмаясан! Мен Хемнолинининг розилигини олдим, ҳатто унга фотиҳа бердим. Сен эса қаршилиқ қилиб, ҳамма ишни барбод қилдинг. Нима бунинг учун ачинмайсанми?

Нолинакха ҳадиксираб Камолага қаради. Қизнинг ишққа тўла нигоҳи унга кадалган эди. Нигоҳлар тўқнашгач, киз уялиб ерга қаради.

— Она, сиз ўғлингизни барча ҳавас билан қарайдиган куёв деб ўйлайсиз, чоғи. Ҳолбуки, менга ўхшаган хунук ва тунд одамни ёктириш жуда қийин.

Бу сўзлар асносида Камола яна Нолинакхага қиё бокиб, унинг кулимсираб турган кўзларини кўрди. Қиз ҳозир қутулишнинг бирдан-бир йўли кочиш, деб ўйлади.

— Яхшиси ўз хонангга бор. Сен бўлмағур гапларни гапириб, мени ранжитяпсан, Нолинакха, — деди Хемонкори.

Ўзи ёлғиз колгач, Камола Хемнолинининг гулларидан катта гулчамбар ясади, уни яна саватга солиб, сув пуркади-да, Нолинакханинг хонасига олиб кирди. Бу гуллар Хемнолинининг хайрлашиш олдидаги совғаси эканини ўйлаб, кўзлари ёшга тўлди.

— Қиз хонасига қайтиб кириб ўйга толди: ажабо. Нолинакханинг қарашларини нима деб тушунса бўлади? Нолинакха унинг қалб сирларини пайкагандек эди. Эндиликда бўлса, у оғир аҳволга тушиб қолди. Бу, балки Нолинакхадан ҳақиқатни яшириб юргани учун унга берилган жазодир.

«Эхтимол Нолинакха, онам бу Харидасини қаердан топди, деб ўйлар. Мен бундан кўра беҳаёроқ кимсани кўрган эмасман, дер... Агар у мен ҳақимда бир лаҳза шундай фикрга борса, бу — дахшат».

Камола уйқуга ётиб, эртага унга ҳамма сирни ошкор қилишга қатъий аҳд қилди. Ундан кейин нима бўлса ҳам майли.

Камола тонгда туриб чўмилгани кетди. У хар кун Гангдан кичик бир кўзада сув келтириб, ишга тушишдан аввал Нолинакханинг хонасини супурарди. Бутун ҳам одатдагидек, унинг хонасига кирди-ю, Нолинакхага дуч келди, илгари тонг сахарда у бу ерда кўринмасди. Ишга халақит берганлари учун нолигандек, киз охиста ортига қайтди. Аммо бир неча кадам юргач, бирдан тўхтаб, негадир ўйлаб қолди. Сўнгра секин ортига қайтиб, эшикнинг олдида қотиб қолди. Эшикнинг олдида, худди соя сингари қанча вақт турганини ўзи ҳам сезмади. У хондан чиқиб қутилмаганда, рўпарада тўхтаган Нолинакхани кўриб қолди. Шу онда Камола тиз чўкиб, унинг оёқларига бош қўйди, кизнинг ҳали қуриб улгурмаган нам сочлари Нолинакханинг оёқлари устида патила-патила бўлиб ётарди. Кейин киз ўрнидан туриб, унинг олдида хайкалдек қотиб қолди. Бошидан рўмоли тушиб кетганини ҳам сезмади, Нолинакханинг тикилиб турганини ҳам сезмади. Ундаги қўрқув йўқолган бўлиб, гўё вужудини илҳом нури ёритганди. Ниҳоят у қатъий, дадил овоз билан:

— Мен Камоламан, — деди.

Лекин овози ўзига худди тоғдаги акс-садодек эшитилди. Унинг қатъияти бирдан йўқолди. Бутун вужуди ларзага келиб, бошини қўйи солди. Унинг бутун қуввати «Мен — Камоламан» деб Нолинакханинг оёғига йикилишга сарфланган эди. У энди андишадан қаерга беркинишни билмай, фақат Нолинакханинг шафқатига умидвор эди.

Нолинакха секин унинг қўлларини ўз қўлига олди.

— Мен биламан — менинг Камоламсам. Юр, мен билан.

У қизни хонасига олиб кирди. Камола ўзи ясаган гулчамбарни бўйнига осаркан:

— Кел, ҳалокатдан омон қолганимиз учун Яратган эгамга шукрона келтирайлик, — деди Нолинакха.

Улар иккиси ёнма-ён тиз чўкиб, мрамардек оқ полда саждага бош қўйишганида, деразадан тонгги қуёш нурлари кириб, уларнинг эгик бошларини ёритиб гуларди.

Ибодатдан кейин, Камола яна Нолинакханинг хокипойини кўзига суртгач, энди андиша азобидан қутулганини хис этди. Унинг онгида ҳукмронлик қилган осойишталик тонгги саҳий қуёшнинг қувноқ, беғубор нурлари билан уйғунлашиб кетди. Унинг қалби улур муҳаббатга лиммо-лим тўлганди. Назарида, ўз бахтининг илиқ нурларидан бутун олам жилваланиб кетгандек эди.

Қизнинг кўзлари жикқа ёшга тўлиб, юзларидан оқиб тушди. Камола йиғлар, ўзини йиғидан тўхтатолмасди. Аммо бу кувонч ёшлари эди. Бу кўз ёшлари унинг хаётини қоплаган ғам булутларини ювиб кетди.

Нолинакха ортиқ бир сўз айтмади. Фақат меҳрибонлик билан унинг пешанасига тушиб турган бир тутам нам сочни тузатиб қўйиб, хонадан чиқди.

Камоланинг ўз муҳаббатини изҳор этишга ташналиги ҳали қонмаган эди. У қалби тўлиб-тошган илик туйғуларни ифода қилишга ошиқарди. Қиз ётоқхонага кириб, унинг сандалини гулчамбар билан ўради-да, сандалга бошини тегизиб, эҳтиёт билан жойига қўйди.

Бугун Камола зўр бир иштиёқ ва кувноқлик билан ишлади. Унинг назарида, кўринмас қанотлар уни кўкларга кўтариб чиққандек эди.

— Сенга бир нарса бўлдими, Харидаси? — деди Хемонкори. — Худди бир кунда уйни янгилаб қўймоқчи бўлгандек, мунча тиришқоқлик билан кириб-тозаламасанг!

Кечкурун Камола одатдагидек каштадўзликка ўтирмай, ўз хонасига кириб кетди. Бир даста сафсар гул кўтариб унинг олдига кирган Нолинакха, қизни полда ўтирган ҳолда учратди.

— Бу гулларни сувга солиб қўй, Камола, — деди у, — сўлиб қолмасин. Бугун кечкурун онамдан фотиҳа оламиз.

Камола ерга қаради.

— Бошимдан нималар ўтганини билмайсиз-ку...

— Менга гапиришининг ҳожати йўқ. Мен хаммасидан хабардорман.

Камола юзини қўллари билан беркитди.

— Бироқ онам... — дея бошлади у ва давом этишга мажбли етмай жим қолди.

Нолинакха унинг қўлларини юзидан олди.

— Онам ўз хаётида кўплаб хатоликлардан кўз юмган, шубҳасиз, сенинг ҳам қилмаган гуноҳингдан кўз юмади.

1902 йил

ХИЉОЈАД



ҲИСОБ-КИТОБ

Беш ўғилнинг отаси бўлмиш Рамшундор Митронинг оиласида, ниҳоят киз туғилганида, бахтиёр ота-она унга Нирупома¹ деб нафис исм қўйишди. Бундай ноёб исм шу вақтгача Рамшундорлар уруғида ҳеч учрамаганди. Улар фарзандларига кўпроқ Ганеша, Картик ёки Парвати каби худоларнинг исмларини қўйишарди-ю, лекин Нирупома деб аташмасди.

Вақти келиб, Нирупома ҳам балоғатга етди. Меҳрибон ота энди унга муносиб куёв танлашга киришди. Бирок анча вақтгача ҳеч ким унга манзур бўлмади. Ниҳоят, куёв топилди. Бу райбаҳадурнинг² ёлғиз ўғли бўлиб, сўнги вақтларда моддий аҳволи анча оғирлашиб қолган мўътабар оиладан эди.

Куёвнинг отаси киз томоннинг ўн минг рупия қалин беришини талаб қилди. Рамшундор, нима бўлса ҳам аслзода куёвни қўлдан чиқармаслик учун ишнинг оқибатини ўйламай-нетмай, бу шартга дарҳол рози бўлди. Бирок шунча пулни топиб бериш — айтишгагина осон.

Рамшундорни ғайратсизликда айблаш ноўрин: у бор имкониятдан фойдаланиб сотадиганини сотди, сотмайдиганини гаровга қўйди. Лекин барибир, ваъда қилинган муддат келганида, яна олти-етти минг рупия етмасди. Кунлар жуда тез ўтиб, ниҳоят тўй куни ҳам етиб келди.

Вақт тигизлигида, жуда катта фойда бериш шarti билан қарзга пул бериб турадиган киши ҳам топилди. Аммо нима бўлди-ю, Рамшундор бу пулни ололмай қолди.

Оқибатда, тўй куни дастурхон устида жанжал бошланди. Рамшундор райбаҳадурга қарзнинг муддатини чўзиш хақида бекорга ялиниб-ёлворди.

— Тўй ўз йўли билан ўтаверсин, — дер эди Рамшундор илтимос қилиб. — Қарзимни бўлса, сизга албатта тўлайман.

— Йўк! — дер эди райбаҳадур қайсарлик билан. — Пулни ҳаммасини олмагунча куёв, ҳатто столга ҳам ўтирмайди!

Шу вақтда ичкаридан кимнингдир аччик-аччик йиғлагани эшитилди. У ерда барча кўнгилсиз воқеаларнинг асосий сабабчиси бўлмиш киз, эгнига қизил шоҳи қўйлак кийиб, турли зебзийнатлар такиб, пешанасига сандал дарахти бўёғидан хол қўйиб, ўз тақдирининг ҳал бўлишини кутиб йиғлаб ўтирарди. Аммо юз бераётган бу воқеа, унинг қалбида бўлажак қариндошларига

¹ *Нирупома* — бекиёс, нодир.

² *Райбаҳадур* — фахрий унвон.

нисбатан нозик хис-туйғу ёхуд чуқур хурмат-этиром уйғотди деб айтиш, албатта мумкин эмасди.

Хайриятки, бахт-толен очилиб, бу можаро Рамшундорнинг фойдасига ҳал бўлди. Кутилмаганда куёв ўжар отасига бўйсуннишдан бош тортиб:

— Мен бу ерга савдолашгани келганим йўк. Уйланаман деб келдимми, вассалом, уйланаман! — деб туриб олди.

Ҳазабланган ота меҳмонларга арз-дод қила бошлади:

— Буни қаранглар! Мана, кўрдингларми, ҳозирги ёшларимизнинг қилаётган ишини!

— Бунинг ҳаммаси ёшларимизга шастлар ва ахлоқ қоидаларини ўқитмай қўйишганидан, — деди чоллардан бири унинг гапини маъқуллаб.

Ниҳоят ёшларга бериладиган ҳозирги таълим-тарбиянинг ғоятда захарли меваси райбахадурни қаттиқ ранжитиб, тўй кўнгилсизлик билан ўтди.

Рамшундор кизи билан хайрлашар экан, уни бағрига босди, кўз ёшларини тия олмади.

— Ота, улар менга уйга келиб-кетиб туришимга рухсат беришадими? — деб сўради Нирупома.

— Нега рухсат беришмасин? Ўзим ҳам келиб тураман, — деди отаси уни юпатиб.

Рамшундор кизидан тез-тез хабар олиб турди. Лекин уни қудалари унчалик хурмат қилишмасди. Ҳатто қуданинг эшигидаги хизматкорлар ҳам унга менсимай қарашарди. У Нирупома билан ҳар-ҳар замонда холи уйга кириб беш-ўн дақиқагина гаплаша оларди, холос. Кўпинча кизи билан кўриша олмас ҳам эди.

Мағрур Рамшундор қудасининг уйида кўрган хўрликларга ортик чидай олмади. «Ҳаммасининг бахридан кечсам ҳам, қарзимни тўлаганим бўлсин!» — деб аҳд қилди ва қаердан унса, шу ердан қарз ола бошлади. Ҳадемай шу қадар катта қарзга ботиб кетдики, бундан қутулишга ҳеч кўзи етмасди. Энди уй-рўзғор харажатларини қисқартиришга, қарз берганларнинг қўзига кўринмаслик учун найранглар ишлатишга мажбур эди.

Нирупоманинг аҳволи эса қайнотанинг уйида кундан-кунга оғирлашиб борарди. Агар у биронтасидан ота-онаси шаънига айтилган ҳақоратли сўзларни эшитиб қолса, уйига кириб, эшикни ичидан беркитиб оларди-да, аччиқ-аччиқ йиғларди. Лекин ҳаммадан кўра унга зolim қайнонаси кўпроқ ситам ўтказарди. Борди-ю, биронтаси Нирупома ҳақида:

— Бирам гўзалки, кўзингни узгинг келмайди, киши! — деб қолса борми, қайнонаси дарҳол ҳозир у нозир бўлиб, бетга сап-чирди:

— Гўзал эмиш! Сиз аввал унинг таг-зотини суриштирсангиз бўларди!

Нирупомага ҳеч ким ғамхўрлик қилмас эди. Агар биронта қўшни аёл унинг уст-боши эскириб қолгани ёки озиб-тўзиб кетгани ҳақида оғиз очса, қайнонаси дарҳол унинг сўзини бўлар, гўё қизга бўладиган ғамхўрлик, отасининг ўз қарзларини тўлашига боғлиқ, дегандек қилиб:

— Шундоқ ҳам олиб келган сепига қараганда кўпроқ оляпти! — дер эди.

— Этар шунча гирдикапалак бўлганимиз! — дейишарди уйдагилар. — У оиламизга хийла билан кириб олди.

Рамшундор қизининг қанчалик хўрланаётганини биларди. Ўйлаб-ўйлаб охири, уйини сотиб бўлса ҳам қарзидан қутулишга аҳд қилди.

«Янги хўжайинимдан ижарага уй оламан» — деб фикр қилди у. Аммо бу ниятини ҳеч кимга айтмади. Чамаси шундай устомонлик билан уй сотганимни умримнинг охиригача ўғилларимга билдирмайман, деб ўйлади шекилли.

Аммо ўғиллари буни билиб қолишиб, отани бу ишдан воз кечишга мажбур қилишди. Айниқса, хотин, бола-чакали бўлган учта катта ўғли унинг бу ишига қаттиқ норозилик билдиришди. Шундай қилиб, отанинг ўйлаб юрган режалари ўғилларининг шиддатли қаршилигига дуч келиб барҳам топди ва у, ниҳоят, уйни сотиш ҳақидаги фикридан воз кечишга мажбур бўлди.

Бироқ севимли қизининг тақдири ҳақидаги бесаранжом ўйлар, кекса Рамшундорни ҳамон таъкиб этар ва унга тинчлик бермас эди. У бу мушкул ишнинг чорасини ахтариб, кимни учратса, фоиз билан қайтариб бериш шарти билан яна қарз ола бошлади.

Оқибатда Рамшундорнинг уйида, ҳатто қозон осилмай қолган кунлар ҳам бўлди. Нирупома отаси билан учрашган кезларида, унинг қанчалик қийналаётганини ҳис этарди. Отасининг сўлғин юзлари, оқариб кетган сочлари ва маҳзун руҳи унинг ғоятда муҳтожлигидан, қаттиқ ташвиш тортаётганидан далолат бериб турарди. У доимо қизининг олдида ўзини гуноҳкор ҳис қилар ва йўл қўйган хатоларини идрок этиб, қайғу-ҳасратларини ундан яшира олмасди. Рамшундор қудаларининг руҳсати билан ахён-ахёнда Нирупомани кўргани келарди. У қизи билан гаплашар экан, унинг қанчалик оғир аҳволдалиги қайғули табассумидан ҳам яққол кўриниб турарди.

Нирупома отасининг уйида бўлишга, қандай бўлмасин унинг азоб чекаётган жонига оро киришга талпинар эди.

Бир куни у отасидан:

— Ота, мени ўзингиз билан бирга олиб кетинг! — деб илтимос қилиб қолди.

— Хўп, қизим, хўп, — деди отаси.

Бироқ у куёвининг уйида, қарзини тўламаганлиги учун ўзининг оталик ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум бўлган кишидек, ҳеч қандай

иззат-хурматга эга эмасди. Хатто ўз кизи билан шунчаки кўришиш учун ҳам, ҳар сафар рухсат олишга тўғри келарди. Қизи отасининг уйига боришни илтимос қилса-ю, ота қандай қилиб йўқ десин?

Рамшундорнинг бошидан кечирган хўрликларини, ҳақорат ва шармисорликларини батафсил баён қилмаган маъқул...

У уч минг рупия маблағ йиғди ва шундан кейингина райбахадурга ўз илтимосини айтмоқчи бўлди.

Рамшундор йиққан пулларини чадорининг¹ бир учига тугиб, қудасиникига қараб йўл олди. У истамайгина жилмайиб, шунчаки гап бошлаш мақсадида сўнгги янгиликлардан гапириб кетди. Хорекришноларнинг буди-шудигача ўғри кўтариб кетганини бир бошдан айтиб берди. Ака-ука Нобинмадхор билан Радҳамадхорларни бир-бирига таққослади. Улардан бирини мактаб, иккинчисини койиди. Қудасини шаҳарда тарқалган янги касаллик ҳақидаги миш-мишлардан ҳам хабардор қилди. Сўнгра чилимни бир четга суриб қўйди-да, гўё «ха, айтмоқчи» деган кабилида сўз бошлади:

— Дарвоқе, сал бўлмаса эсимдан чиқара ёзибман! Кўп гапириб, хаёлимдан мутлақо кўтарилиб кетибди. Ахир мен сиздан қарздорман-ку, мана бир қисмини олиб келгандим... Ҳа, куда, чамаси кексалик бўлса керак, хотирам ҳам заифлаша бошлабди...

Узундан-узоқ даромаддан кейин Рамшундор бир оз бепарволик билан ёнидан учта минг рупиялик қороз пул олиб узатди. Бу пулларни не-не машаққатлар билан топганини ҳисобга олганда, унга эҳтимол, ўзининг учта қовурғасини суғуриб олиб бериш осонроқ бўларди.

Аммо райбахадур бор-йўғи уч минг рупиягина пулни кўриб, истехзо билан кулиб қўйди.

— Қўйинг қуда, менга бу арзимайдиган пулингизнинг кераги йўқ, — деди у ва арзимаган нарса учун қўлимни булғаб нима қиламан, деган мазмундаги бангол мақоли билан гапини тамомлади.

Бу гаплардан кейин қудасидан, кизини оз мухлатга бўлса-да, уйига юборишини илтимос қилишга журъат этадиган ота икки дунёда ҳам топилмаса керак.

Рамшундор ичида: «Йўқ, ишнинг бу аҳволда давом этиши мумкин эмас!» — деб қўйди.

Райбахадурнинг бу муомаласидан қаттиқ ранжиган Рамшундор ўзининг арз-холини айтишга ботинмай, узок сукутга чўмди. Аммо райбахадур унинг хаёлини бузиб:

— Йўқ, мумкин эмас! — деди-да, ўз иши билан овора бўлиб кетди. Шундай қилиб, бу гал у қизига, хатто қорасини кўрсатишга ҳам журъат этолмай ортига қайтиб кетди. Аммо ўз-ўзига, қарзимни тўламагунимча, қудамдан қизимнинг лоақал ҳар за-

¹ Чадор — устки кийим сифатида ишлатиладиган мато.

монда бир марта уйимга келиб туришига рухсат беришини галаб қилишга эга бўлмагунимча, бу остонага кадам босганим бўлсин, деб онт ичди.

Орадан узок вақт ўтди... Нирупома отасининг келишини сўраб, бир неча марта одам юборди, аммо отаси келмади. Ниҳоят, унинг отасидан кўнгли қолди ва бу уринишларини қайтиб такрорламади. Рамшундорнинг ўзи ҳам бундан каттик алам тортса-да, кудасининг уйига шу-шу қайтиб йўламади.

Ашшин¹ ойининг байрам кунлари етиб келди. Рамшундор ўзига: «Майли, нима бўлса бўлар. Аммо Нирупома байрам кунлари уйимда бўлиши керак. Шундай қиламан дедимми, албатта бўлади!» – деб сўз берди.

У шу сўзларни айтиб, аянчли қасам ичди.

Ашшиннинг бешинчи ё олтинчи куни эди. Пулларни яна чадорига туғиб, энди кетаман, деб турганида, беш ёшли набираси олдига югуриб келиб:

– Бобо, менга аравача сотиб олгани кетяпсизми? – деб сўради.

Бола кўпдан буён кўчада аравача тортиб ўйнашни орзу қиларди. Унинг кетидан ундан атиги бир ёш катта қиз набираси чопкиллаб келиб:

– Йўқ, бобом менга янги кўйлак олиб келгани кетяптилар! Бўлмаса мен байрам кунлари меҳмонга нима кийиб бораман! – деб қолди.

Рамшундор учун бу гапларни эшитиш жуда оғир эди. У руҳан эзилиб, устма-уст чилим чекди. Келинлари райбаҳадурнинг уйига Пужа байрамида, гўё камбағаллар каби эгнига эски-гуски кийимлар кийиб, зеб-зийнатсиз боришга тўғри келишини ўйлаб, ҳасрат билан оҳ тортди. Аммо у ўйлаб ўйига етолмасди. Фақат пешанасидаги ажинларигина кўпайиб борарди, холос...

Маъюс тортган чол райбаҳадурнинг уйига келган вақтда ҳам, кулоқлари остида жажжи набираларининг йиғлаган товуши эшитилиб турарди.

Бу сафар у андиша қилиб ўтирмади. Ўзининг уйига келгандек кираверди, дарбон ва хизматкорларга кўзи тушганда ҳам, камситилган одам сингари ерга тикилмай, тик қараб ўтди. Аммо райбаҳадурнинг ўзи уйда йўқ экан, бир оз кутиб туришга тўғри келди.

Рамшундор хаяжонини боса олмай, қизининг уйига кирди. Қувончдан икковининг ҳам кўзида ёш қалқди. Ота йиғлади, қиз йиғлади, узок вақт бир-бирларига бир сўз ҳам айта олишмади. Ниҳоят, Рамшундор тилга кирди:

– Қизим, бугун сени уйга олиб кетаман. Энди ҳеч ким мени бу ниятимдан қайтара олмайди.

¹ Ашшин – сентябрь-октябрь ойларига тўғри келади.

Кутилмаганда эшик очилиб, Рамшундорнинг тўнғич ўғли билан халиги иккита жажжи набираси кириб келди.

— Ота, сизга нима бўлди, бизларни хонавайрон қилмокчимиз? — деди ўғли.

— Нахотки, мен ўз оиламга ёвузликни раво кўрсам! — деди ота ғазабланиб. — Ахир, қарзимни тўлашим керак-ку!

Маълум бўлишича, у ўғилларим билмасин деб анча эҳтиёткорлик билан, яна уйни сотишга ҳаракат бошлаган экан. Лекин ўғиллари қандайдир йўл билан буни билиб қолишди. Рамшундор қаҳр-ғазабдан тутаклиб кетди.

Шу орада набираси бобосининг оёғига ёпишиб олди-да, унга қараб ўқиб гапира бошлади:

— Бобо, ҳали менга аравача сотиб олганингиз йўқми?

Рамшундор бошини қуйи солди. Набира бобосининг жавобини кутмай, чопқиллаб Нирупоманинг олдига келди.

— Амма, менга аравача сотиб олиб беринг! — деди у ялиниб.

Гапнинг маънисини тушуниб етиш учун Нирупомага шунинг ўзи кифоя эди.

— Ота, — деди у, — агар қайнотага яна бир пайса берадиган бўлсангиз, мени қайтиб кўрмайсиз!

— Ундай дема, қизим, — деди Рамшундор эътироз билдириб. — Қарзимни тўламасам, менга ҳам, сенга ҳам уят бўлади!

— Аксинча, пул тўлашнинг ўзи уят! Ахир, мени ҳам ўзимга яраша ор-номусим бор! Қизингиз ҳамён эмаски, пул борида қадрланиб, йўғида кадр-қимматини йўқотса? Эрим ҳам ҳеч нарса талаб қилаётгани йўқ!

Шундай-ку, лекин улар сени уйга юборишмайди-да, қизим!

— Нима ҳам қилардик, юборишмаса юборишмас. Сиз ҳам уларга бошқа бу ҳақда гапирманг!

Рамшундор титроқ босган қўллари билан чадорининг пул тугилган учини елкасига ташлаб олди. Сўнгра, худди ўғрига ўхшаб, ўтган-кетганнинг кўзидан яшириниб, уйига қайтиб келди.

Аммо Рамшундорнинг пул олиб келгани-ю, қизининг эътирози билан қайтиб олиб кетгани тез орада ошкор бўлди. Узун кулок чўри хотин бу гапларнинг ҳаммасини эшикнинг ортида туриб эшитган, хўжайини келганида оқизмай-томизмай айтиб берганди. Буни эшитган райбахадурнинг қаҳр-ғазаби ҳаддан ошди!

Шу кундан эътиборан қайнота-қайнонанинг уйи Нирупома учун зиндонга айланди. Ёш келиннинг ҳаловатсиз турмуши эрининг тўйдан кейин кўп ўтмай судьянинг муовини лавозимига тайинланиб, бошқа ерга жўнаб кетганлиги сабабли, тагин ҳам оғирлашди. Отаси ва қариндош-уруғлари билан кўришиш эса мутлақо ман қилинганди: «У ерга бориб бемаъни одатлар орттириб келишга ҳеч қандай ҳожат йўқ!» — деб ўйлашарди, улар.

Орадан кўп ўтмай Нирупома оғир касал бўлиб қолди. Бирок айбни фақат қайнотага юклаб бўлмайди. Қиз ҳам ўз гамини

емай, саломатлигига эътибор бермай кўйганди. Картик¹ ойининг совуқ кунларида ёстигини эшик томонга кўйиб ётди, кечалари усти очик қолди, киш кунлари юпун кийиниб юрди. Егуликнинг ҳам мазаси йўқ эди. Оксоч қизлар таом келтиришни унутишса, у ҳеч қачон уларнинг эсига солмасди. Нирупома, мен бу ерда фақат қайнота-қайнонамга қараб қолган сиғиндиман холос, деган ўйга кўникиб қолганди.

Бироқ келиннинг бу хулқ-атвори мижров қайнонанинг жинига тўғри келмасди. У Нирупоманинг ҳафсаласизлик билан таом чайнаётганини кўрса, захархандалик билан таъна қиларди:

— Қаранг-а, бойваччани! Кўрдингларми, бизларга ўхшаган камбағалларнинг таоми у кишининг томоқларидан ўтмаяпти...

Пайт келди, дегунча қайнонаси унга ичи қоралик қиларди:

— Аҳволига қаранглар уни, пайраҳадек котиб, чўпдек озиб кетибди!

Нирупоманинг соғлиги кундан-кунга ёмонлашиб борарди. Аммо қайнонаси бунга шунчаки бемаънилик деб қарарди.

Нихоят куни етиб, Нирупома қайнонасига ўтинчини айтди:

— Онажон, ўлимим олдидан сўнгги марта отам билан акаларимни бир кўриб келишимга ижозат беринг?..

— Бекорларни айтибсан! — деган жавоб эшитди у. — Шунчаки, бориб отангни кўриб келгинг келаётгандир.

Ким, нима демасин, қайнонанинг ҳеч нарсага ишонгиси келмасди. Кечга бориб Нирупома оламдан ўтди... Доктор уни илк марта фақат ўша куни келиб кўрди, уни қайтиб чақиришга тўғри келмади.

Аммо мотам маросими катта дабдаба билан ўтди. Ахир мархума тўнғич ўғилнинг рафикаси эди-да! Фақат сандал дарахтининг шох-шаббаларидан уйиб ёкилган бу қадар катта гулханни, ҳали вилоятда ҳеч ким кўрмаган эди.

Нирупомани дафн этиш маросими шу қадар зўр дабдаба ва серҳашамлик билан ўтдики, райбаҳадурнинг хотамтойлиги ҳаммаёққа овоза бўлди. Энди унинг бу шуҳратига райчоудхурининг уйида бўладиган ва сувга санам ташлаш маросимларидаги шон-шуҳратларнигина тенглаштириш мумкин эди. Бунчалик иззат-икром райбаҳадурнинг оиласидан чиқадиган марҳумларгагина насиб этиши мумкин...

Миш-мишларга қараганда, райбаҳадур дафн маросими ўтказаман, деб ҳатто қарзга ҳам ботган эмиш.

Рамшундорга кизининг дабдаба билан куйдирилганини бир-бирларига гал бермай гапиришарди. Лекин бу гаплар уни тинчлантира олиши даргумон эди.

Бу орада судьянинг муовинидан хат келди.

¹ Картик — октябрь-ноябрь ойларига тўғри келади.

«Мен янги жойга ўрнашдим, — деб ёзган эди у ота-онасига. — Тезлик билан рафикамни олдимга юборинглар!»

Райбаҳадурнинг хотини ўғлига шундай деб жавоб ёзиб юборди:

«Ўғлим, биз сенга бошқа қаллиқ излаяпмиз. Шунинг учун таътил олиб, тезлик билан етиб кел».

Бу сафар райбаҳадур қиз томондан йигирма минг рупия қалин беришларини талаб қилди. Яна: «Пулни тўйдан олдин берасизлар!» — деб шарт ҳам қўйди.

1891 йил

ПОЧТА МУДИРИ

У Улапур кишлоғида почта мудирлари эди. Унинг иш фаолияти шундан бошланган. Кишлоқ жуда кичик бўлса-да, унинг яқинида бўёқ фабрикаси қурилгани, шу фабрика хўжайинининг талабига мувофиқ, бу ерда почтаҳона очилгани.

Асли калкутталик бўлган почта мудирлари бу хилват кишлоқда ўзини сувсиз қолган балиқдек ҳис этарди. Унинг идораси, буталар ғовлаб ўсган қўлнинг бўйида, похол билан ёпилган қоронғи хужрада жойлашган эди. Фабрика ишчиларининг бўш вақти йўқлиги, бунинг устига уларнинг бамаъни одамга муносиб улфат бўлолмаганликлари сабабли, почта мудирлари ёлғиз яшарди. Калкутталик йигитимиз ҳам одамга дарров эл бўлиб, дўстона суҳбат қуришга укувсиз эди. Бегоналарнинг суҳбагида гоҳ димоғдор, гоҳ тортинчок. Шундай қилиб, почта мудирининг на ош-наси, на дўсти бор, бунинг устига иши ҳам унчалик қўл эмасди.

Баъзан у шеър ёзишга ҳам уриниб кўрар, шеърларида, агар одам кун бўйи япроқларнинг шитирлашини тинглаб, осмондаги булутларга қараб юрса бахтли бўлади, деган фикрни баён қилишга интиларди. Аммо араб асотирларидаги девлардан биронтаси ер юзидаги барча ўсимлик ва дарахтларни бир кечада тош қўчага, қордек оппоқ булутларни тўсадиган баланд гиштин иморатларга айлантурса борми, ўшанда бу шўрлик почта мудирининг нақадар қувонишини Худонинг ўзи биларди.

Почта мудирининг маоши оз эди. Бинобарин, таомни ҳам ўзи тайёрлар ва унинг хизматини қилиб юрадиган шу ерлик етим қиз билан баҳам кўрарди. Қизчанинги исми Ротон бўлиб, ўн икки-ўн уч ёшга кирган бўлса-да, уни турмушга бериш ҳақида ўйлайдиган кишини йўқ эди.

Кечкурун молхоналар устида буғ қўтарилиб, ўт-ўлан ичида чигирткалар қирилганида, узок кишлоқлардан келган маст-аласт вишнупарастлар дўмбира чалиб, бор овозлари билан қўшиқ қуйлашганида, япроқларнинг шитирлаши ҳақида ҳаёл суриб ўтирган танҳо шоирнинг эти жимирлаб, хужранинг бурчагидаги хира чироқни ёқарди-да:

— Ротон! — деб қақирарди.

Қиз унинг қақирлашини пойлаб эшикнинг ортида ўтирарди-ю, аммо овозини эшитганида хонага дарров кириб бормасди.

— Мени қақирдингизми, бабу — деб сўрарди у.

— Нима қиялсан?

– Ўчокка ўт ёқмоқчи эдим.

– Ўтни кейин ёқарсан, ҳозир чубугимни тутатиб бер-чи, — дерди почта мудир.

Қиз унинг олдига югуриб борарди-да, лунжини шишириб, чубуғни пуфлай бошларди.

– Менга қара, Ротон, — дерди почта мудир унинг қўлидан чубукни олатуриб, — онангни эслай оласанми?

Бу ҳақда тинмай гапириш мумкин эди. Қизча баъзи нарсаларни эслар, баъзиларини унутганди. Отаси қизни онасидан кўра кўпроқ севарди, қиз буни билади, аммо отасини яхши эслолмасди. Отаси одатда ишдан кеч қайтарди. Шундай окшомларнинг баъзиларигина қизнинг хотирасида нақшланиб қолган. Бундай суҳбатлар чоғида Ротон ерда, почта мудирининг оёғи учига ўтириб оларди. У кичик укасини, бир вақтлар ҳаво айниган куни у билан кўприк чеккасида ўтириб, балик овлаганларини эсларди. Қармоқлари ҳам дарахтдан синдириб олинган бир гаврон эди. Шунга ўхшаш майда-чуйда ходисалар қизнинг хотирасида ҳаётидаги оғир дамлардан кўра равшанроқ из қолдирганди. Бу орада қоронғи тушиб, почта мудир таом пиширишга эринди. Шунда Ротон дарров ўрнидан туриб ўчокка ўт ёқиб, бир нечта чавати пиширди, нонуштадан ортган соус билан чавати иккаласига бемалол етди.

Баъзи окшомлари эса почта мудир кулбасининг бир бурчида ўтириб уйи, кичик укаси, онаси ва опасини ўйлар, мусофирчиликда ҳам уларнинг холи не кечди экан, деб ташвиш тортарди. Бу ўйлар унинг хаёлидан сира нари кетмасди, аммо фабрикада дардлашадиган бирор одам бўлмаганидан, у уялиб-нетмай, ҳасратини ҳеч нарсани тушунмайдиган ёш қизчага айтарди, қизча бора-бора унинг қариндошларини, худди ўзининг эски танишларидек, она, опа, ака деб атайдиган бўлди.

Дам олиш куни эди. Булутлар тарқалиб, ҳаво очилди. Майин, илиқ шабада эсарди; қуёшнинг иссиғида нам майса ва ўсимликларнинг хушбўй иси анқиб, чарчаган ернинг ҳароратли нафаси баданни куйдиргандек бўларди. Қандайдир хирароқ бир қуш эртадан кечгача бир хил ғамгин овоз билан сайраб, оламдан ҳасрат қиларди. Бу кун почта мудир бўш бўлгани учун ёмғирда ювилган тоза япроқларнинг шитирлашига, селдан енгилиб, офтоб нуридан арғувон тусга кирган булут парчаларига махлиё бўлиб боқарди. Боқарди-ю, ўйларди:

«Қани энди шундай пайтда ёнимда бир яқиним. кўнгил қўйган бир махбубам бўлса-ю, мен уни бағримга босолсам...» Йигитнинг назарида қушлар ҳам тинмай шу ҳақда сайраётгандек, дарахт япроқлари-да, бу кимсасиз салқин чошғоҳда фақат шу ҳасратда шивирлашаётгандек туюларди... Бундай кунда, бугунгидек жазирама сас-садосиз чошғоҳда, кичик қишлоқда, озгина маош

оладиган почта мудирининг бошида бу хил фикрлар пайдо бўлади, деб ким ҳам ўйлайди дейсиз?

У оғир сўлиш олиб:

— Рогон! — деб чакирди.

Қизча бир мева дарахтининг тагида ғўр мева еб турарди. Овозни эшитиб, югурганича кулбанинг эшигига етиб келди ва хансираб туриб:

— Бабу, чакирдингизми? — деб сўради.

— Сени бир оз ўқишга ўргатмоқчи эдим, — деди почта мудирди. У кун бўйи қизга алифбе ўргатди. Бир неча кундан сўнг қизча ҳарфларни бир-бирига уриштириб ўқийдиган бўлди.

Срабон¹ ойида ёмғир сира тинмайдигандек туюлади. Ариклар, чуқурлар сувга тўлиб ҳаммаёққа тошади. Кечаю кундуз сел шариллаб, бакалар сайрайди. Қишлоқ йўлидан юриш амримахол бўлиб қолади, бозорга қайиқда боришга тўғри келади.

Шундай ёмғирли кунларнинг бирида эрталабдан бери Ротон почта мудирининг чакиришини кутиб, эшикнинг ортида узоқ туриб қолди. Бирок илгаригидек таниш овоз эшитилмагач, саҳифалари титилиб кетган китобни олиб, секингина уйга кирди. Қараса, почта мудирди каравотда ётибди. Дам олиб ётган бўлса керак, деб астагина хонадан чиқиб кетмоқчи бўлиб турганида, йигит бирдан:

— Ротон! — деб чакириб қолди.

Қиз дарров ортига қайрилиб:

— Ухляяпсизми? — деб сўради.

— Тобим қочганга ўхшайди, пешанамни ушлаб кўр-чи, — деди почта мудирди заиф товуш билан.

Унинг ёлғизлик ва намгарчиликдан азоб чеккан вужуди бировнинг ғамхўрлигига ташна эди. У бир вақтлар билагузуклар тақилган нозик қўллар ёниб турган пешанасига текканини эслади. У шу қоронғи кулда ғамхўр аёлларни — онаси ва опасини ўз ёнида деб тасаввур этишни истарди... Қувғиндининг эхтиросли орзулари ижобат бўлди: Ротон энди илгариги ёш қизча эмасди, у беморга онаси сингари ғамхўрлик қиларди. Шифокорни чакирди, тайинланган вақтларда дори ичириб турди, кечалари миужа қокмай ёнида ўтирди, таом тайёрлади ва ҳар кун юз марталаб:

— Бабу, бир оз тузук бўлдингиз-а? — деб сўраб ҳам турди.

Ниҳоят, почта мудирди бир оз тузалиб, дармонсиз бўлса-да, ўрнидан турди.

«Йўқ, нима бўлса ҳам бу ердан кетиш керак» — деб аҳд қилди у. Қишлоқ хавосининг ёмонлигини баҳона қилиб, бошқа жойга ишга қўйишларини сўраб Калкуттага ариза юборди.

Ротон эса касалга қарашдан бўшаб, яна эшик ортидаги жойида ўтирарди. Почта мудирди энди уни чакирмайдиган бўлди. Қиз баъзан астагина уйга кириб қарар, уни стулда ўтириб бўшлиққа

¹ Срабон — июль-август ойларига тўғри келади.

бепарво тикилган холда учратар ёки каравотда ухлаб ётганини кўрарди. Ротон у чакириб қолмасмикан, деб қулоғини тикиб турган бу кунларда, почта мудирининг интизорлик билан ўз аризасига жавоб кутарди. Қиз эшик ортида ўтириб, эски дарсларини мингинчи марта такрорлар: бирдан чакириб қолса, дарсларни унутиб қўяман, деб кўрқарди.

Шу зайлда бир hafta ўтди. Ниҳоят, бир кун кечки пайт почта мудирининг уни чакириб қолди. Ротоннинг юраги ўйнаб, югурганича уйга кирди.

- Бабу, чакирингизми?
- Ротон, мен эртага кетаман, — деди почта мудирининг.
- Қаерга?
- Уйга.
- Қачон қайтиб келасиз?
- Энди қайтиб келмайман.

Ротон бошқа ҳеч нарса сўрамади. Почта мудирининг ўзи илтимоснома ёзгани, унга рад жавоби келгани, энди ишдан бўшаб уйга кетаётгани ҳақида сўзлаб берди. Улар анча вақтгача хомуш ўтиришди. Чирок хира нур сочар, ўртага қўйилган ёғоч товоққа шифтдан бир меъёрда чакка томиб турарди.

Бир оздан кейин Ротон аста ўрнидан туриб, нон ёпиш учун олов ёққани кетди. Аммо бу сафар унинг қўллари ишга қовушмади; бошидаги турли хил хаёллар унга ором бермасди. Овқатдан кейин қиз кўкқисдан сўраб қолди:

- Бабу, сиз мени бирга олиб кетмайсизми?

Почта мудирининг кулиб деди:

- Қандай қилиб?

Йигит уни нима учун олиб кетолмаслигини тушунтиришни лозим кўрмади, аммо Ротоннинг қулоқлари остида тун бўйи почта мудирининг истеҳзоли овози янгради: «Қандай қилиб?»

Эртасига почта мудирининг ўрнидан туриб қараса, ювиниш учун сув тайёрлаб қўйилган экан. У Калкутта одатига мувофиқ, уйда ювинарди. Қиз ундан қачон жўнайсиз деб сўрашга ботинмади, шунинг учун барча нарсани барвақт тайёрлаб қўйиш ниятида кечаси сув ташиб қўйганди. Ювиниб бўлгач, почта мудирининг Ротонни чакирди. Қиз секин кириб хўжайинининг фармонини жимгина кутиб турди.

— Ротон, — деди йигит, — ўрнимга келадиган кишига ҳолингдан хабар олиб туришни тайинлаб қўяман. Ҳеч нарсадан ташвиш тортма.

У бу гапни самимий, эркалатувчи оҳангда айтганига шубҳа йўқ эди. Бироқ аёл қалбини ким билсин? Қиз тез-тез хўжайинидан сўқиш эшитса ҳам лом-мим демай чидаб келарди, аммо ғамхўрлик билан айтилган бу мулоҳим сўзларга тоқат қилолмади.

— Йўқ-йўқ, мен ҳақимда ҳеч кимга ҳеч нарса деманг! Мен бу ерда қолишни истамайман, — деб хўнграб юборди қиз.

Почта мудире Ротонни хеч қачон бундай хаяжонда кўрмагани, кизнинг хозирги ҳолати уни лол қолдирди.

Янги почта мудире келди, қахрамонимиз ишни унга топшириб кетишга хозирлана бошлади. Жўнашдан олдин у кизни яна қақирди.

— Ротон, мен сенга бирор марта, бирор нарса билан ёрдам қила олмадим. Хозир сенга берадиган нарсам ҳам бир неча кунга етади, холос...

У чўнтагидан маошини чиқариб, ўзига йўл харажати учун андак олди-да, қолган пулни кизга узатди, аммо Ротон тиз чўкиб, унинг оёқларини кучоклаб кичкирди:

— Бабу, сиздан ёлвориб сўрайман, менга хеч нарса, хеч нарса керакмас. Мен ҳақимда биров ўйламасин ҳам, — деб уввос тортганича югуриб кетди.

Почта мудире оғир сўлиш олди; сўнгра ола-була жомадонини ҳаммолнинг бошига қўйиб, халтача ва соябонини олиб, аста бориб қайикка тушди.

Қайик сузиб кетди, ёмғир суви билан тошган дарёнинг тўлкинлари ер қаъридан отилиб чиққан кўз ёшидек жўш урганида, йигитнинг қалбида зўр ачиниш ҳисси пайдо бўлди. Унинг кўз ўнгида оддий дехқон кизининг изтиробдан бужмайган чехраси намоён бўлди, гўё бу чехрада бутун оламнинг ғам-аламлари акс этгандек туюларди. Почта мудире ортига қайтиб, шу тобда бутун олам воз кечган бу етимча кизни олиб кетай, деб ҳам ўйлади. Бирок шу чоғда ёмғир яна кучайиб, қаттиқ шамол елканларни суриб кетди. Тезда кишлок узоқда қолиб, дарё бўйида қабристон кўринди. Дарёнинг тез оқимида маҳлиё бўлган почта мудирининг лоқайд қалби шунда янги бир ҳақиқатни кашф этди: ҳаётда нима кўп — учрашув ва ўлим. Бас, қайтишнинг нима ҳожати бор? Бу дунёда хеч ким, хеч кимга тобе эмас.

Бирок Ротон бу фалсафа билан ўзига тасалли беролмади: хозир киз кўзларидан ёш тўкиб, почта идораси атрофида айланарди. Унинг юрагида ҳали ҳам умид учқунлари бўлиб, назарида хўжайини қайтиб келадигандек туюларди, шунинг учун уйдан сира нари кетолмасди.

Қани энди кўнгил ақлга бўйсунса! Йўк, у ўзича яшайди: хатосига иқрор бўлмайди, мантик қонунларига аранг бўйсунмайди, кучли далиллар билан ҳисоблашмай, сохта нарсаларга бекорга умид боғлайди. Вақти келиб бу умид кўнгил мулкни вайрон этиб, охири бизни тарк этади. Тушунча эса яна қайтиб ўз ўрнида қарор топади, аммо кўнгил яна қайта хато қилишдан қўрқади.

1891 йил

ТЕНТАК РАМКANAИ

Фақат ҳасадчилар, беҳудага овоза таркатишни касб қилганларгина, Гуручорон вафот этган пайтда унинг хотини ичкарида карта ўйнаш билан машғул эди, деб айтишлари мумкин. Йўқ, аслида бу вақтда у зўр иштаҳа билан зиравор сепилган совуқ шавла ва балиқ еб ўтирганди. Чақираётганларини эшитиб, чайнаб турганини тупурди-да, қолган шавлани бир четга суриб қўйиб, зарда билан:

— Икки ошам шавла егани ҳам вақт йўғ-а! — деб тўнғиллади.

Гуручорон жон бермоқда эди. Шифокор ҳам эндигина чиқиб кетганди. Гуручороннинг укаси Рамканаи беморнинг бош томонида туриб:

— Ака, агар хоҳласангиз, васиятингизни менга айтинг, ёзиб қўйай, — деди.

— Майли, ёз, — деди бемор заиф овоз чиқариб.

Рамканаи қоғоз, қалам тайёрлади.

— Бутун мол-мулкимни қонуний рафиқам Шримоти Бородашундорига васият қиламан, — деди Гуручорон.

Рамканаи қўли бормаса ҳам васиятномани ёзди, лекин у, фарзандсиз акаси мол-мулкни ўз жияни Нободипга васият қилиб қолдиради, деб ўйлаганди.

Ака-ука алоҳида яшасалар-да, Рамканаининг хотини қайноғасининг меросига катта умид боғлаган эди. У ҳатто, ўғлининг бирор ишга киришига ҳам розилик бермай, уни ёшгина уйлантириб қўйганди. Табиийки, никоҳ бесамар бўлмади: ёшлар фарзандлик бўлишди.

Мана васиятнома тайёр. Унга имзо чекиш учун Рамканаи акасига узатди. Жони узилаётган беморнинг қалтироқ қўл билан иланг-биланг қилиб қўйган имзосидан Гуручороннинг исмини ўқиш мушкул эди.

Хотини шавлани ташлаб югуриб чикканида, Гуручороннинг гапиришга мажоли йўқ, тилдан қолганди. Бородашундори йиғлай бошлади. Меросдан ноумид бўлганлар, бу — ёлғон кўз ёши, деб пичирлашдилар, аммо сиз бунга ишонманг!

Рамканаининг хотини васиятномани эшитгач, жанжал қўтарди.

— Чол ақлдан озибди! — деб жиғибийрони чикди унинг, — туппа-тузук жияни турганида...

Рамканаи хотинининг измидан чикмасди, унинг бу хислати шу даражада эдики, бошқалар буни қўрқоклик деб аташарди. Аммо бу ўринда у ҳам чиқолмади:

— Жоним, ахир сен аклдан озган эмассан-ку! Нега ўзингни тутолмайсан? Акам ўлган бўлса, мен ҳаётман, ахир. Бу ишларни кейинроқ гаплашамиз. Ҳозир бунақа гап-сўзнинг мавриди эмас.

Амакисининг касаллигини эшитиб, Нободип шошилинич равишда етиб келганида, Гуручорон вафот этганди.

— Кўрамиз, ким сенга урф-одатга мувофиқ дафн гулханини ёкаркан, — деб таҳдид килди у, жон берган амакисига қараб, — мен сени дафн килиб бўпман!

Мархум довдирроқ одам бўлиб, атрофидагилар билан унча ҳисоблашмасди. Шастрларда макрух саналган таомларни ейиш унга жуда ёкарди. Агар бунинг учун уни кофир деб атасалар, у:

— Агар кофир бўлсам, мол гўштини еганим бўлсин, — деб суҳбатдошининг баттар гашига тегар эди.

У умр бўйи ана шундай яшаб ўтди. Бинобарин, урф-одатга мувофиқ дафн этилмаганида ҳам, у нариги дунёда оч қолишдан кўркади, деб ўйлаш беҳуда. Аммо Нободип шундан бошқа йўл билан ундан ўч ололмас эди. «Токи тирик эканман, — деб ўйларди йигит, — амакимнинг меросисиз ҳам нонимни топиб ейман, қани у нариги дунёда бир тишлам нон топиб кўрсинчи...» Тирик одамларда имконият кўп-да!

Рамканаи Бородашундорига бундай деди:

— Кеннойи, акам барча мол-мулкни сизга қолдирди. Мана васиятнома. Уни темир сандиққа солиб, маҳкам беркитиб қўйинг.

Шу пайтда бева аёл узундан-узок ҳўнграб йиғлаб турганди. Унга чўрилар ҳам қўшилишди. Фиғону нола бутун кишлок ахлини лол қолдирди.

Юкорида зикр этилган бир парча қоғознинг пайдо бўлиши бу товушнинг оҳангдошлигини бузди, йиғи-сиғи тартибдан чиқди.

— Ох, бунча бахтсиз бўлмасам! — деб йиғлар эди Бородашундори. — Ака, — дерди у баъзан тўхтаб, — васиятнома кимнинг номига ёзилган? Сизнинг номингизга бўлса керак?.. Ох, энди менга ким қарайди? Энди холимдан ким хабар олади? Ҳаммангиз бирдан йиғламанглар. Тўхтаманглар, мен эшитай, — деб хайқирди бека ва яна давом этди:

— Нега мен олдинроқ ўлмадим, нима учун тирик қолдим...

Рамканаи ичида: «Ҳа, бу тақдирнинг совуқ қилиғи бўлса керак» — деб ух тортиб қўйди.

Уйда хотини Рамканаини буровга олди. Арава билан ариққа тушиб кетган ҳўкиз, аравакашдан калтак еб, мўлтираб турганидек, Рамканаи ҳам хотинининг таъналарини хомушлик билан эшитди.

Ниҳоят, у ғамгинлик билан гапирди:

— Ахир, айб мендами? Мен Гуручорон эмасман-ку!

Хотини яна бобиллай кетди:

— Ўзингизча одамоҳунлик қилгансиз-да. Акангиз «Ёз!» деса, ўйламай-нетмай ёза бергансиз. Ҳаммангиз бир гўрсиз... Эҳтимол, сиз ҳам унинг изидан борарсиз, ўлганимда бирорта бадбуруш

алвастини уйга етаклаб келиб, гулдек боламни кўчага хайдаб юборарсиз. Бундан умидингизни узиб кўя қолинг. Мен ҳали бери ўлмайман.

Аёл эрининг келажакда қилиши мумкин бўлган адолатсизликлари ҳақида сўзларкан, борган сари газаби ортиб борарди.

Бу ҳаёлий айбашларга қарши заррача эътироз билдирган тақдирда, баттар балога қолишини Рамканаи яхши биларди. У гўё чиндан хотини ўлиб, Нободипни меросдан маҳрум этиб, бутун мол-мулкини иккинчи хотинига васият қилган-у, энди ўзини оқлашга илож топмаган айбдордек хомуш ўтирарди.

Эр-хотин жанжаллашиб туришганида Нободип тажрибали дўстлари билан маслаҳат қилиб келиб, онасига бундай деди:

— Амакимнинг мол-дунёси, барибир меники бўлади, бекорга кайғураверманг, лекин отамни вақтинча бирор ерга қубориш керак. Бу ерда бўлсалар, ҳеч қандай иш чикмайди.

Нободипнинг онаси эрини тентак деб биларди. Шунинг учун ўғлининг айтганларини дарров маъқуллади.

Хотини бир баҳона топиб, ношуд, нодон ва гўл эрини ҳоли жонига қўймай, Банорасга жўнатди. Бу орада Нободип кеннойиси Бородашундорини сохта васиятнома тузишда айблаб, судга берди. Бородашундори ҳам жиянига нисбатан шундай йўл тутди. Нободип ўз номига ёзилган васиятномани кўрсатди, унда Гуручороннинг исми аниқ ёзилган эди; у яна бир нечта «халис» гувоҳлар ҳам топиб қўйди.

Бородашундорининг ягона гувоҳи Нободипнинг отаси эди. Ундаги васиятномада эса, васият қилувчининг имзосини аниқлаш ғоятда мушкул бўлди. Аёлга далда берадиган бирдан-бир киши унинг уйида яшаб турган ўғай укаси эди, холос.

— Ташвиш қилманг опа, судда сизни ўзим химоя қиламан, бошқа гувоҳлар ҳам топаман, — деди у.

Ҳамма нарса тайёр бўлгач, Нободипнинг онаси эрини Банорасдан чақирди. Қўлида соябони, елкасида хуржуни билан бу қуёнжорак жаноб уйга кириб келди. У киши андак ҳазил-мутойиба қилмокчи бўлиб, қўл қовуштирди ва таъзим қила туриб:

— Камина қулваччалари келдилар. Хонимнинг қайдай амру фармонлари бор? — деб сўради. Аммо хотини жиддий оҳангда:

— Ҳазилга бало борми, бас, бўлди. Қаердаги баҳоналар билан Банорасда юриб-юриб, бирдан бизни эслаб қолибди, — деди.

Кейин эр-хотин бир-бирларини қандай иззат-хурмат қилишлари ҳақида яна узок гаплашиб, ниҳоят бошқа мавзуга ўтишди.

Хотини, эрларнинг аёлларига муносабатини мусулмонларнинг товуққа муносабати билан таққослади. Эри эса, аёлларнинг лаблари одамни мафтун этади, аммо юраклари ўткир устарага ўхшайди, деди.

Рамканаининг аёлларга бундай фасоҳат билан муомала қилиши қачон ўрганганини айтиш жуда мушкул эди.

Бу орада кутилмаганда Рамканаига чақирув қоғози келди: уни гувоҳ сифатида судга чақиришганди. Ташвишга тушган эр, бунинг тагида нима гап бор экан, деб беҳуда хаёл сурарди. Шу пайтда хотини келиб, бадбуруш алвасти овсини Нободипни меҳрибон амакисининг меросидан маҳрум қилибгина қолмай, бу ювонш, тилла болани яна каматишга ҳам уринаётганини йиғлаб туриб хабар қилди...

Нихоят, гап нима устида кетаётганини сезган Рамканаи:

— Яхши қилмабсизлар, бу хайрли иш эмас, — деди баланд овоз билан.

Шунда хотини ҳар қандай ясамаликка хотима бериб, дардини очди:

— Ахир, Нободипнинг нима гуноҳи бор? — деди у, — нахотки, у амакисининг мол-дунёсини ололмаса? Бир оғиз гап билан шунча нарсадан воз кечадими? Қани, марҳамат қилиб айтинг-чи, қаёқдандир бир ялмоғиз, эрининг қотили, мохов кизи билан учиб келиб уйни эгаллаб олса, ажойиб, гўзал, хушхулқ ворис нима қилмоғи керак? У аёл сеҳр-жоду билан амакани ўлим олдида йўлдан оздирди. Энди унинг ажойиб жияни бу англашилмовчиликни тузатишга уриняпти, холос. Ўйлаб кўринг, ахир бу адолат эмасми?

Шўрлик Рамканаи она-боланинг тили бир эканини билгач, пешанасига уриб, ух тортди. Боёқиш чол емоқ-ичмоқдан ҳам қолди.

Шу тариқа икки кун туз тотмади. Нихоят, суд бошланди. Нободип таҳдид ва ваъдалар қилиб, Бородашундорининг ўғай укасига шундай таъсир ўтказдики, у дарров Нободипнинг фойдасига гувоҳлик бера қолди.

Омад қуши Бородашундори қолдириб, иккинчи тарафга парвоз қилай деб турганида, суд Рамканаини гувоҳликка чақирди.

Очликдан мадори қуриган чол аранг ўрнидан туриб, гувоҳлар курсисининг орқа суянчиғига таянди. Унинг лаблари ва тили ташналикдан қуруқшаган эди.

Тажрибали адвокат ҳар тарафлама мураккаб саволлар беришга киришди. У узоқдан бошлади, масалага эҳтиёткорлик билан ёндашиб, унинг моҳиятига яқинлашди.

Рамканаи судга ўгирилиб, икки кафтини бир-бирига қўйдида, илтижо қилгандек:

— Жаноблар, мен мажоли қуриган бир чолман. Узоқ гапиролмайман, қисқача сўзлаб берай. Марҳум акам Гуручорон Чокроборти ўлими олдидан барча мол-мулкни хотини Бородашундори хонимга васият қилиб қолдирди. Бу васиятномани у айтиб турди, мен эса ёзиб олдим. Кейин имзо чекди. Ўғлим олиб келган васиятнома эса, сохта! — шу сўзларни айтгач, чолни қалтироқ босди ва ҳушидан кетиб йикилди.

Прокурорнинг ёнида ўтирган адвокат таажжуб билан кошларини чимириб, пичирлади:

— Иш тескарисига кетди-ку! Бу одам ўзини йўқотиб қўйди! Ўгай ука бўлса, севинганидан югурганича уйга кирди-да, ораси Бородашундорига:

— Чол ҳамма ишни расво қилди. Суд менинг гувоҳлигим туфайли, бизнинг фойдамизга ҳукм чиқарди, — деди.

— Ростдан ҳам, одамнинг ичидагини билиш қийин экан. Мен бу чолни ҳалол одам деб юрардим, — деди Бородашундори.

Қамокқа олинган Нободипнинг тажрибали дўстлари узоқ фикрлашиб, ишнинг бундай тескари кетишига фақат чолнинг қўрқоқлиги сабаб бўлди, чиндан ҳам у судда турганида ақлдан озган эди, бунақа аҳмоқ шаҳримизда бошқа топилмаса керак, деган хулосага келишди.

Рамканаининг иситмаси ошиб кетди. Бу тентак, бемаъни, бефойда ота жон бергунича алжираб, ўғлининг исмини тилдан қўймади. Қариндош-уруғларнинг баъзилари — мен уларнинг исmlарини айтишни истамайман — чолнинг вафотидан кейин:

— У шу сафарга бундан бир оз илгарироқ отланганида, жуда яхши бўларди, — дея олишди, холос.

1891 йил

МЕРОС

I

— Мен кетаман! — деди ғазаб билан Бриндабон Кундо.

— Оббо итвачча-эй, — деди отаси Жогонатх Кундо, — бола-лигингдан бери еган-кийганинг эсингдан чиқдими! Сен бу қарзингни ҳеч қачон узолмайсан, билиб қўй. Беҳаёликни қаранг-а!

Жогонатхнинг уйида емак ва кийимга кўп пул сарфланмас эди. Қадимги такводорлар озгина емак билан қаноатланишар, энг зарур кийимнигина кийишарди. Жогонатх ҳам уларнинг улуг одатларига риоя қилишга тиришарди. Тўғри, у бу қоидаларнинг ҳаммасини ўз ўрнига қўярди, деб айтиб бўлмасди. Чунки бир томони, ҳозирги замоннинг ўзига хос нуқсонлари, қолаверса одам нафсининг ҳаддан ортиқ талаблари ҳам бу қоидаларни тўла бажаришга йўл қўймасди.

Ўғли уйлангунича барча ишлар силиккина юришиб турганди. Тўйдан кейин ўғли отасининг емаги ва кийим-кечагига эътибор бермай қўйди. Хатти-ҳаракатларидан у диний ақидаларга амал қилиб азоб чекишдан кўра, моддий дунё роҳатларини афзал билиши маълум бўлди. Жогонатхнинг сарф-харажатлари кун сайин ортиб борарди.

Ота билан ўғилнинг ўртасида тез-тез жанжал чиқа бошлади. Охири Бриндабоннинг хотини каттиқ касал бўлиб қолганида, Жогонатх шифокорни қиммат дори ёзибсан, деб хайдаб юборди. У бу дорига шифокорнинг нодонлигини қўрсатувчи далил деб қаради. Бриндабон эса дастлаб ёлворди, кейин талаб қилди, аммо ҳеч қандай фойда бўлмади. Хотини ўлганидан кейин отасини унинг ўлимига сабабчи, деб айблади.

— Дори ичган одамлар ўлмабдими? А? — деб сўради Жогонатх ажаблангандек. — Агар қиммат дори ўлимдан қутқарса, подшолар нега ўлади? Хотиним ўлди деб, ғафво кўтариш керак эканми! Онанг билан бувингдан унинг қаери ортиқ?

Чиндан ҳам, Бриндабон қайғудан гаранг бўлмай, соғлом фикр юритганида анча тинчиб қоларди. Онаси ҳам, бувиси ҳам касал бўлганларида дори ичишмаганди.

Мен ҳикоя қилиб турган давр инглизларнинг Ҳиндистонга эндигина бостириб кирган даври эди, лекин ўша вақтдаёқ кексалар чубуқларини чека туриб, ёшларга қараб бошларини чайкашарди.

Шундай қилиб, ўша даврнинг илғор кишиси Бриндабон қоқот отаси Жогонатх билан жанжаллашиб қолди.

— Мен кетаман!

Отаси унинг кетишига дарҳол рози бўлди, лекин агар бирон вақт сенга бир чақа берсам, ҳамма мени сигирнинг¹ конини тўккан деб ҳисобласин — дея қасам ҳам ичди. Бриндабон ҳам, агар отамнинг меросига қўз тиксам, онамни ўлдирганим билан тенг бўлсин, деб қасамёд қилди. Шундан кейин ота-бола ажралиб кетишди.

Кишлоқ аҳолиси ўз ҳаётидаги урфни бузган бу кичик ходисадан хурсанд эди. Айниқса, ўғлини меросдан маҳрум қилганини билганидан кейин, кишлоқ аҳолиси Жогонатхга қўлдан келганича тасалли бера бошлади. Ҳозирги давр болалари қаёқдаги каллик туфайли отаси билан уришадиган бўлди, деб жаврашарди.

Улар аввало, келин ўлса бирмунча вақт ўтгач бошқасини топиш мумкин, лекин ота ўлса уни бошқа тополмайсан, деган фикрни алоҳида таъкидлашарди. Шубҳасиз бу дадил жуда асосли эди, аммо менимча Бриндабон каби ўғлини бу қайтага хурсанд қиларди.

Бриндабон кетганидан кейин ота ортиқ қайғурди, деб бўлмайди. Биринчидан, ўғли кетиши билан харажатлари камайди, иккинчидан, Жогонатх мени заҳарлаб ўлдирадилар, деган хавфдан қутулди. Келини ўлганидан сўнг бу қўрқув бирмунча камайганди, ўғли кетганидан кейин эса Жогонатх бутунлай хотиржам бўлди.

Уни фақат бир нарса қийнади: ўғли билан бирга тўрт яшар набираси Гокулчондро ҳам кетди. Гокулчондронинг емак ва кийимига кетадиган харажат жуда оз эди, шунинг учун Жогонатх набирасини яхши кўрарди. Шундай бўлса-да, ота икки нонхўрнинг кетиши билан харажатнинг қанча камайганини, ойига қанча пул ёнга қолишини дарров ҳисоблаб чиқди.

Аммо ҳувиллаб қолган уйда яшаш анча қийин эди, Гокулчондронинг ҳар кунги: ибодат вақтида халакит берадиган, унинг олдидаги таомни олиб қочадиган, харажатларни ҳисоблашга ўтирганида сиёҳдонини яшириб қўядиган шўхликлари энди йўқ. Бу осойишталик Жогонатхнинг жонига шу даражада тегдики, тинч ўтириб емоқ, хотиржам ювинмоқ унга озордек туюларди.

Назарида бундай беташвиш, сокин ҳаёт, инсон ўлганидан кейингина бўладиган осойишталикка ўхшарди. Набираси тешган кўрпани ёки ўша «рассом»нинг чипта қопга сиёҳ тўқиб доғ туширган жойларини кўрганида, чол оғир ух тортиб қўярди. Бобоси бу тинмагур болани икки йилда бир дхўти йиртгани учун кўп сўкарди, энди бўлса Гокулчондро ётиб юрган уйда ташлаб қўйилган ифлос латтани кўриб, кўзларига ёш келди. У бу латтадан илгаригидек чироққа пилик қилмади, бошқа нарсага ҳам ишлатмади, эҳтиёткорлик билан сандикка яшириб қўйди, агар

¹ Сигир ҳиндларда мукаддас ҳайвон бўлиб, унинг конини тўқиш катта гуноҳ ҳисобланади.

Гокулчондро қайтиб келиб йилига битта дхўти йиртса ҳам майли, унга таъна қилмайман, деб ўзига сўз берди.

Лекин набираси қайтиб келмади. Жогонатх борган сари кексайиб, бўм-бўш уйдаги хаёт унга янада маъносиздек туюла бошлади.

Жогонатх энди уйда тинч ўтиролмайдиган бўлиб қолди. Хатто кун қиёмга келиб, ҳамма мўътабар кишилар дам олиб ётган кезларда ҳам Жогонатх чубугини кўлига олиб, кишлоқнинг у четидан-бу четига қараб юрарди. Унинг тушки таомдан сўнгги бу юришларини кўрган болалар, ўйинларини тўхтатиб, ўзларини бир четга олиб, шу ерли бир шоирнинг унинг хасислиги хақида ёзган шеърини баланд овоз билан ўқиб, чолнинг ғашига тегишарди. Одамлар оч қолишдан кўркиб¹, унинг исмини айтишга журъат этишмасди, катталар Жогонаш, болалар эса «кўршапалак» деб аташарди. Унга нега бундай лақаб қўйганлари маълум эмас. Балки унинг озгин, консиз яғрини бир жихатдан, уларга шу жониворни эслатгандир.

II

Бир куни туш пайтида йўл бўйлаб ўсган манго дарахлари соясида айланиб юриб Жогонатх, нотаниш бир болани кўриб қолди. Афтидан бу бола кишлоқ болаларига ўйин ўргатаётган эди. Ўйинга берилиб, ҳалиги боланинг топқирлиги, чакконлигига маҳлиё бўлган болалар унга тамомила бўйсунардилар.

Болалар чолни кўрган ҳамон ўйинларини ташлашди. Нотаниш бола эса дадиллик билан Жогонатхнинг олдига келиб, кийимининг этагидан тортди. Шу онда бир калтакесак чолнинг кийимидан сакраб тушди-да, гавдаси бўйлаб пастга ўрмалаб тушиб, чакалақлар орасида ғойиб бўлди. Чолни совуқ тер босди. Болалар қувонганларидан шовкин солиб юборишди. Бир дақиқа ҳам ўтмай Жогонатхнинг елкасидаги рўмол ғойиб бўлиб, нотаниш боланинг бошига салла бўлиб ўралди.

Жогонатх бу нотаниш бола билан ошна бўлгани учун жуда хурсанд эди. Кўпдан буён у ҳеч бир болада бундай такаллуфсизликни кўрмаган эди. Жогонатх у билан гаплашиб, баъзи ваъдаларни берди, уни ўзига ром қилиб олди.

- Исминг нима?
- Нитай Пал.
- Қаерда турасан?
- Айтмайман.
- Отангнинг исми нима?
- Айтмайман.
- Нега айтмайсан?

¹ Банголликларнинг эътиқодича, хасиснинг исмини тилга олган киши кун бўйи таом емаслиги керак.

— Мен уйдан қочганман.

— Нега?

— Отам мени мактабга бермоқчи бўлгани учун.

Бу сўзларни эшитган Жогонатх: «Шундай болани мактабга бериш — пулни ҳавога созуриш ахир, бу фақат отасининг аҳмоқлигини исбот қилувчи далил-ку!» — деб ўйлади.

— Меникига бориб яшайманми?

Бола ноз қилмай, рози бўлиб қўя қолди, чолнинг уйига бориб, гўё йўл бўйидаги дарахтнинг остидан жой олгандек, бемалол жойлашди. Емак ва кийим-кечак бобида, худди олдиндан пулини тўлаб қўйгандек фармон бера бошлади. Бу масалада у, уй эгаси билан тез-тез жанжал ҳам қиладиган бўлди. Ўз болангни хайдаб юбориш осон, мана энди Жогонатх етти ёт бир боланинг талабларига бўйсунушга мажбур.

III

Нитай Палнинг Жогонатх уйида хўжайинлик қилиб юрганни кўрган қишлоқ аҳолиси хайратда қолганди. Чолнинг паймонаси тўлиб қолгани, унинг бутун мол-мулки етти ёт бир бегона болага қолиши аниқ эди.

Ҳамма болага ҳасад қиларди, баъзилар қандай бўлмасин унга зарар етказишни ўйлашарди. Аммо чол уни кўз қорачиғидек эҳтиёт қиларди.

Бола ахён-ахёнда кетаман деб дўқ қилар, лекин Жогонатх унга насиҳат қилиб, олиб қоларди.

— Қўзичоғим — дерди у. — Менинг куним тугаб бормоқда, яқинда ўлиб-нетиб қолсам, бутун молу давлатим сенга қолади.

Бола ҳали ёш бўлса-да, бундай ваъданинг қадрига етарди.

Бу ҳолни кўрган қишлоқ аҳолиси боланинг отасини қидиришга киришди.

— Бечора ота билан онага қанча қулфат-а! — дейишарди улар. — Бунга боланинг ўзи айбдор-да!

Улар дарғазаб бўлиб болани тинмай ҳақоратлашарди. Лекин бунда ғазабдан ҳам кўра ҳасад туйғуси кучли эди.

Бир куни чол бир йўловчидан Дамодар Пал деган одам уйдан қочиб кетган ўғлини қидириб юрганмиш, у тезда шу қишлоққа келармиш деган гапни эшитди. Бундан хабардор бўлган Нитай ховлиқиб қолди. У келажакдаги мол-мулкни ташлаб қочишга отланди, лекин Жогонатх унга, мен сени шундай яшираманки, ҳатто қишлоқ аҳолиси ҳам топа олмайди, деб ваъда берди.

— Қаерга яширасиз, кўрсатинг-чи?

— Ҳозир сенга бу жойни кўрсатсам, ҳамма билиб қолади. У ерга тунда борамиз.

Нитай янги ўйиндан жуда қувонди. У отам мени тополмай қайтиб кетганидан кейин, албатта болалар билан шу ерда «яшин

тополок» ўйнайман, деб аҳд килди. У ерда уни ҳеч ким тополмайди. Қандай яхши-я! Отаси ҳам чор атрофни кидириб овора бўлади! Жуда қизик-а!

Туш пайтида Жогонатх болани уйга камаб, қаёкқадир кетди. У қайтиб келганида Нитай унга шу қадар кўп савол бердики, чолнинг тинкаси қуриди.

Хали кеч киргунича бўлмай, бола бирдан:

— Кетамиз, — деб қолди.

— Хали эрта, — деди Жогонатх.

— Амаки, аллақачон кеч кирди ахир. кетамиз, — деб илтимос килди Нитай.

— Қишлоқда хали ҳеч ким ухлагани йўқ.

Нитай бир оз кутиб, яна ўз илтимосини такрорлади:

— Энди кетсак бўлади.

Кеч кирди. Нитайнинг уйқуси келди, у уйқуни қочириш учун хар қанча ҳаракат қилмасин, иложи бўлмади, ўтирган ерида кўзлари юмилиб, мизғий бошлади. Ярим кечаси Жогонатх Нитайни етаклаб, ухлаётган қишлоқнинг қоронғи кўчасига чиқди.

Атроф жимжиг. Баъзи-баъзида итлар хуриб қўяди. Товушдан ҳуркиган тун қушлари чирқираб учиб кетишади. Қўрқувдан қалтираб кетаётган Нитай Жогонатхнинг қўлларини маҳкам ушлаб олганди.

Улар кенг далани кесиб ўтиб, чакалакзордаги бўш бир ибодатхонага етиб келишди.

Нитай умидсизланиб сўради:

— Шу ердами?

Бу ер у кутганидек қизик эмасди. Бунинг ҳеч қандай қизиғи йўқ! Уйдан қочганидан кейин унинг шундай хароба ибодатхоналарда ётишига тўғри келганди. Тўғри, бу жой бекинмачоқ ўйнаш учун яхши, лекин бу ердан уни ҳеч ким тополмайди, деб бўладими?

Жогонатх ердаги катта бир тошни четрокка сурди. Нитай пастга қараб, қорачирик ёниб турган хонага кўзи тушди. Қизик... У хайрон қолди, шу билан бирга уни қўрқув босди. Жогонатх нарвон келтириб пастга тушди. Нитай ҳам қўрқувдан титраган ҳолда унга эргашди.

У атрофга қараб, теваракда турган мис кўзаларни, ўртадаги курсида қизғиш сандал ёғочидан ясалган чўп, гулчамбар ва ибодатга оид бошка нарсаларни кўрди. Бола қизикиб кўзалардан бирига назар солди, унинг ичи рупия ва олтин тангаларга тўла эди.

— Нитай, мен бутун мол-мулкимни сенга қолдираман, дегандим. Бутун давлатим мана шу бир неча кўзада жамланган. Бугун ҳаммасини сенга бераман.

– Ҳаммасини! — бола қувониб сакрарди. — Ўзингиз бир рупия ҳам олмайсизми?

– Агар бир рупия олсам, қўлим шол бўлсин. Лекин мен бир шарт қўяман: агар набирам Гокулкондро ёки унинг ўғли, ўғлининг ўғли, ё набираси, ё бўлмаса унинг авлодидан бирортаси келса, сен буларнинг ҳаммасини ўшанга берасан.

Бола чол жинни бўлди шекилли деб ўйлаб, дарҳол жавоб берди:

– Яхши.

– Ундай бўлса, бу ёкка ўтир.

– Нега?

– Ибодат қиламиз.

– Нима учун?

– Шундай қилишимиз керак.

Нитай ўтирди. Жогонатх сандалнинг ёғочидан ясалган чўнда унинг пешанасига шиндур¹ билан хол қўйди, бўйнига гулчамбар осди, ўзи унинг қаршисига ўтирди-да, гўнғиллаб алланималарни айта бошлади.

Бола санамдек қаққайиб ўтирар, ибодатни кўриб сесканиб-сесканиб кетарди.

– Амаки! — деди у.

Жогонатх жавоб бермай, минғиллаб калима ўгиришда давом этди. Охири ғоятда қийинлик билан кўзаларни болага битта-битта узатиб, қуйидаги сўзларни такрорлади:

– Мен буларнинг ҳаммасини Гокулчондрога ёки унинг не-вара-чевара, эварасига ёхуд шу авлоддан дунёга келган бирор кишига бераётирманки, унинг отаси Бриндабон Кундо, унинг отаси Жогонатх Кундо, унинг отаси Пороманандо Кундо, унинг отаси Пранкришна Кундо, унинг отаси Гудахора Кундо, унинг отаси эса Жудхиштира Кундодир.

Чолнинг кетидан бу исмларни тўхтовсиз такрорлаш натижасида боланинг аҳволи ёмонлашди. Унинг тили тутила бошлади. Рухий таъсир этиш маросими тугаганида, бу кичкина ғорни қорачирокнинг тутунидан ва икки кишининг нафас олишидан туман қоплангандек эди. Боланинг боши айланиб, қўл-оёқлари ёниб, нафаси сиқилди. Қорачирокнинг шуъласи заифлашиб, бирдан ўчди. Бола коронғида Жогонатхнинг нарвондан юқорига кўтарилаётганини пайқади.

– Амаки қаёққа кетяпсиз? — деб кичқирди у хаяжон билан.

– Мен кетдим, — деди Жогонатх, — сен шу ерда қол, сени ҳеч ким тополмайди. Лекин унутма: Гокулчондро — Бриндабоннинг ўғли, Бриндабон эса, Жогонатх ўғли...

Чол юқорига чиқиб, нарвонни тортиб олди. Бола нафаси сиқилиб, бор кучини тўплаб, бўғиқ товуш билан кичқирди:

¹ Шиндур — кизғиш бўёк.

— Амаки, мен отамнинг олдига кетаман.

Жогонатх тошни горнинг овзига суриб кўйгач, кулоқларини ерга кўйиб, Нитайнинг яна бир марта бўғик овоз билан чақирганини эшитди:

— Ота!

Шундан сўнг бир нарса гурс этди-ю, сукунат чўкди.

Шундай қилиб мол-дунёни, хазиналарни асрагувчи рух Жокхга топшириб, Жогонатх тошнинг устига тупрок сепи бошлади. Устидан ибодатхонада сочилиб ётган вишт ва шағалларни тўкди. Кейин буларнинг устидан чим ётқизиб, ўрмондан юлиб келган бир кўчатни ўтказди. Тонг отаётган эди, лекин у бу ердан сира ҳам кета олмасди. Ахён-ахёнда кулоғини ерга кўйиб тингларди. Унинг назарида узоқдан, гўё ернинг қаъридан йиғи овози келаётгандек эди. Унга тунги осмон шундай овоз билан тўлиб, ер юзидаги бутун кишиларни уйғотган-у, бу одамлар тўшакларида ўтириб кулоқ солаётгандек туюларди.

Чол шошилиб тупрокнинг устидан тупрок сочиб, дамбалар эди. У гўё ер юзини беркитмоқни истарди.

Бирдан кимдир уни:

— Ота! — деб чақирди.

Чол ер тепиб:

— Жим! Биров эшитади! — деди.

Яна — «Ота!». Энди у куёш чикканини сезди. Чол кўркув билан ибодатхонадан майдонга чиқди. Яна кимдир уни:

— Ота! — деб чақирди.

Жогонатх кўркиб орқасига ўгирилган эди — рўпарасида турган Бриндабонни кўрди!

— Ота, эшитишимча, ўғлим уйингизда яшириниб юрган экан. Уни менга қайтариб беринг.

Чол кўзларини қисиб, юзларини буриштириб Бриндабонга эгилиб сўради:

— Сенинг ўғлинг?

— Ҳа, Гокулчондро, энди уни Нетай Пал деб аташмоқда, мен эса Дамодорман, сиз шундай «шуҳрат» қозондигизки, биз исмимизни ўзгартиришга мажбур бўлдик.

Чол кўлларини олдинга чўзиб, бармоқларини ёзиб, гўё ҳавога таянмоқчи бўлди, аммо ерга қулаб тушди.

Жогонатх ўзига келганидан кейин, Бриндабонни ибодатхонага бошлаб келиб, сўради:

— Эшитяпсанми, биров йиғлаяпти?

— Йўқ.

— Кулоғингни ерга кўй. Эшитяпсанми, «ота» деб чақиряпти?

— Йўқ.

Чол, гўё бир оз тинчланди.

У шундан буён ҳаммадан:

— Кимдир йиғлаяпти, эшитяпсизми? — деб сўрайдиган бўлиб қолди.

Ҳамма бу тентак чолни масхаралаб кулишарди.

Тўрт йилга яқин вақт ўтди. Ажал чолнинг гирибонидан тугди, кўзлари кўрмай, нафас олиши қийинлашаётганида жони узилаётган чол бирдан куч билан бошини кўтарди. Икки қўли билан ҳавони ушлагандек бўлиб, алаҳсираб чақирди:

— Нитай, кимдир нарвонимни олиб кетибди.

Бу нурсиз ва ҳавосиз ғордан чикмоқ учун нарвон топилмай, у ўрнига гурс этиб йиқилди. Ҳаёт билан ўлим ўртасидаги бекинмачоқ ўйини тугаб, Жогонатх ҳеч ким тополмайдиган маконга равона бўлди.

1891 йил

ШУБХА

I

Кизчага Шубхашини (ширинзабон) деб исм кўйганларида, унинг соков бўлишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз? Унинг икки опасига Шукешини (зулфизар) ва Шухашини (хуш табассум) деб исм кўйишганди; бинобарин, отаси охангдошлик учун кичигига Шубхашини деб исм кўйганди. Уни қискартириб Шубха деб чақиришарди.

Катта қизларини одат бўйича катта тайёргарлик ва харажатлар билан турмушга бердилар-у, кичик қизнинг тақдири эса ота-онани каттиқ ташвишга солиб қўйди. Одамлар, гапиролмаган инсонда хис-туйғу ҳам бўлмайди деб, Шубханинг тақдири ҳақидаги ўй-фикрларини унинг олдида рўй-рост сўзлай беришарди.

Кизча, дунёга келиши оиласининг бошига ёнгилан лаънат бўлганини болалигиданоқ сезганди. Шунинг учун одамлардан ўзини четга олиб, доим ёлғизликка интиларди. Ҳамма уни тезда эсдан чиқарса, унга анча енгил бўларди, чоғи. Бироқ инсон ўз мусибатини унута оладими? Кизчанинг ота-онаси бу ҳақда кўп ўйлашарди. Айниқса, онаси ҳаммадан кўра кўпроқ изтироб чекарди. У қизига қараб ўзидан номус қиларди: қиз дегани, онага ўғилдан кўра ҳамиша яқин бўлади-да. Қиз она вужудининг бир қисми, ундаги ҳар қандай нуқсон онани номусга қўяди. Шубханинг отаси Баниконтха қизлари ичида кенжасини яхши кўрарди, онаси эса аксинча, унга унча рўйхуш бермасди.

Шубха тилдан маҳрум бўлса-да, аммо кўзлари қора, шахло, киприклари узун, лаблари қизнинг қалбида туғён урган хисларни акс эттириб, гулнинг баргидек титраб турарди.

Фикримизни бировга баён қилиш учун қанчадан-қанча ури-намиз. Агар етарли даражада етказа олмасак, фикримизни нотўғри тушунишади. Аммо қизнинг шахло кўзлари сўзга мухтож эмасди; улар худди қалбнинг дил розини ифода этарди: туйғулар унинг кўзларида гоҳ алангаланар, гоҳ заифгина милтиллар, гоҳ ёлқинланиб кетиб хорғин сўнар, баъзан ботаётган ойдек осуда боқиб, осмоннинг гумбазини ёритиб ўтган чакмоқдек порларди. Кимки соков бўлиб туғилса, ундаги тил вазифасини лаблар билан кўзлар бажарар экан. Кўз тилининг ифодаси чексиз; бу ифода денгиздек улкан ва чуқур, осмондек тиник; у, тонг отар билан кун ботар чоғи сокин ерда ёғду ва соялар алмашувигача акс эттираркан.

Соковларда, худди табиатдагидек танҳоликнинг салобати бўлади, шунинг учун болалар Шубхадан ҳайқишар ва у билан

ҳеч қачон ўйнамасдилар. У кимсасиз, жазирама пешин чоғидек унсиз ва танҳо эди...

II

Шубха Чондипур деган қишлоқда турарди. Банголиянинг кўп жойлари каби бу ердан ҳам кичкинагина дарё оқиб ўтар, бу дарё ўрта табақага мансуб қизлардек одоб сақлаб, ўзининг тор қирғоқларидан сира тошмасди.

Бу ҳимматли дарё қишлоқ оилаларининг тенг ҳуқуқли аъзоси сингари, ўз қирғоқларидаги қишлоқларга астойдил ғамхўрлик қиларди. Унинг икки соҳили бўйлаб уйлар, ям-яшил дарахтлар тизилган, гўё дарё тангриси ўз қароргоҳидан тушиб, саховат билан бу ерларга барака ва нусрат уруғини сепган эди.

Баниконтханинг ховлиси дарёнинг қирғоғига туташган бўлиб, ёнидан сузиб ўтаётган қайиқчаларга похол ёпилган сарой, молхона, омбор, тамаринд дарахтлари ва буталар билан ихоталанган боғ бемалол кўриниб турарди. Лекин бу тўқис рўзғорда соқов қизнинг борлигини бировлар билишадими, йўқми, буни айта олмайман.

Шубха ишларини битириб, дарҳол дарё қирғоғига борарди. Бу ерда табиат бахтсиз қизнинг яримта кўнглига малҳам бўлар, у билан гўё суҳбат қуради. Сувнинг шариллаши, одамларнинг овози, қайиқчиларнинг кўшиғи, қушларнинг сайраши, дарахт япроқларининг шитирлаши бир-бирига қўшилиб, Шубханинг қалбидаги севинчга қўйилиб, қизнинг ҳаяжонли, аммо соқин қалбига тўлқинлар садосидек кириб борар, табиатнинг бу бўғик сурони ҳамда ҳаракати соқов қизнинг тили эди; япроқларида чигирткалар чириллаб турган дарахтдан тортиб, то осмондаги сас-садосиз юлдузларгача — барча-барчаси унинг киприклари соя ташлаган шахло кўзларида акс этарди. Шубха учун бутун атроф сирли имо-ишоралар, ҳаракат, қўшиқ, кўз ёши ва нидолар билан тўлганди.

Чошгоҳда кемалар тўхтаб, қайиқчи ва балиқчилар овқатга кетиб, дехқонлар соя-салқинда ётиб ухлаганида, қушларнинг нағмаси тиниб, нотинч олам оромга толганида, кенг дунё кимсасиз уйдек хувиллаб сукунат чўкканида, жазирама осмон гумбази остида тилсиз табиат, дарахтнинг соясида ўтирган соқов қиз билан юзма-юз учрашарди.

Шубханинг дўстлари йўқ эмас. Молхонада Шорбоши ва Пангули деган икки сигир бор. Улар қизнинг оғзидан ўз лақабларини бирор марта эшитишмаган бўлишса-да, унинг қадам ташлашини шарпасидан билишарди. Қиз гапиролмасди, лекин унинг шивирлаши ва маъносиз овозини жониворлар ҳар қандай сўздан яхшироқ тушунишарди. Улар Шубханинг эркалатишларини ҳам, қойишларини ҳам англашарди; агар қиз молхонага кириб Шорбошининг бўйнидан қучокласа, у юзларини унинг юзларига сўрқар,

Пангули бўлса беозор кўзлари билан ёш дўстига тикилиб, юзларини яларди. Шубха молхонага кунига уч марта кириши лозим бўлса-да, у бу ерга кўпроқ қатнарди, айниқса уйда хафа қилганларида дархол индамас дўстларининг олдига кириб борарди. Хайвонлар итоаткор, мулойим, хайрихоҳ кўзлари ва қандайдир номаълум бир хиссиёт билан кизнинг қалбидаги дардни англаб, унга яқинлашиб, шохларини Шубханинг қўлларига аста суркаб, бесўнақай ҳаракатлари орқали сўзсиз тасалли беришга уринишарди. Булардан бошқа яна эчки билан мушук ҳам бор бўлиб, Шубха уларга унчалик меҳр қўймаганди, шунга карамай, улар ҳам Шубхага меҳрибон эдилар. Мушукча кизнинг юмшоқ тиззасига чиқиб ўтиришни, у нозик бармоқлари билан бўйни ва орқасини силаганида, хуриллаб ётишни жуда яхши кўрарди.

III

Яратилганларнинг орасида Шубханинг яна бир ўртоғи ҳам бор эди. Уларни бир-бирига нима боғлаганлигини айтиш кийин, чунки унга дўст бўлган ўғил боланинг тили бор эди. Бу эса уларнинг умумий тил топишларига халақит берарди.

Гоншайннинг кичик ўғли Протап жуда ялқов бола эди, отонаси унга бирор хунар ўргатамиз деб жуда кўп уринишса-да, ҳеч қандай натижа чиқмади, охири ноумид бўлиб, бўлмаганча бўлишма мақомида ўз холига қўйиб беришди. Аммо бекорчи хўжаларнинг бир хислати бор: уйдагилар уларни қанча уриб-сўкса ҳам, ўзгалар уларни албатта ёқтириб қолади. Ялқовлар ҳеч қандай иш билан боғлиқ бўлмаганлари учун, гўё жамоатнинг мулкига айланишади. Ҳар бир шахарда сайлгоҳ бўлганидек, ҳар бир кишлоқ ҳам битта-иккита такасалтангдан холи эмас. Улар ё ўйин-кулги ишқибозларининг хизматида ёки ялқовларнинг суҳбатида банд бўлишади.

Протапнинг асосий машғулоти балиқ овлаш эди. Бу ишга у жуда кўп вақт сарф этар, уни ҳамиша дарёнинг бўйидан топса бўларди. У Шубха билан худди мана шу ерда учрашиб турарди. Протапга ҳар қандай ишда кўнгилли бир шерик керак. Балиқ овида эса, тилсиз шерикдан яхшиси борми. Шунинг учун Протап Шубхани қадрлар эди. Кўпчилик қизни Шубха деб аташса, бола унга жуда яқин эканини кўрсатиш мақсадида содда қилиб Шу дерди.

Одатда Шубха тамаринд дарахтининг тагида ўтирар, Протап эса сал нарироқда балиқ овларди. Протапнинг бетел чайнаш одати ҳам бор эди. Қизча ўртоғи учун бу нарсани ўзи тайёрлаб берарди. У Протапни узок кузатиб, унга бирор нарса билан кўмаклашишни чин кўнгилдан истар, унинг ажойиб бир иш қилиб, йигитчани, бу қиз ҳам ер юзида ортиқча эмас экан-ку, деб ўйлашга мажбур этмоқчи бўларди. Бирок Шубха ҳеч нарса ўйлаб

тополмади. Шунда у Тангридан дўстини таажжубда колдирадиган биронта каттароқ иш қилиш учун ўзига куч-қувват тилади, токи Протап хайрат билан: «Қаранг-а, Шубханинг қўлидан бунақа ишлар ҳам келар экан!» деб юборадиган бўлсин, деб илтижо килди.

Қани энди Шубха сув парисига айланиб қолса! Ўшанда у охиста сувдан чиқиб, Протапга илонлар шохининг бошидаги тождан қимматбаҳо тош олиб келар, Протап билан дарёнинг тубига тушиб кетарди. Сувости салтанатига тушганида эса, кумуш саройдаги олтин тахт устида қимни кўрарди деб ўйлайсиз? Албатта шу тилсиз Шуни-да, Баниконтханинг қизи, бизнинг Шуни, яъни бу нурафшон ва осойишта сувости оламининг ягона қизини кўрган бўларди. Афсуски, бунинг иложи йўқ! Бу, умуман дунёда мумкин бўлмаган бирор иш йўқлигидан ҳам эмас, бунинг сабаби шундаки, Шубхашини подшоҳ оиласида эмас, балки Баниконтха оиласида туғилган, бинобарин, Гоншайннинг ўғли Протални хайратда колдиришга унинг кучи ҳам етмасди.

IV

Шубха балоғатга етаётганди; ўз туйғуларини англай бошлади, чоғи. Юрагида ойдин тунлар денгизда мавж урадиган тўлқинлардек зўр, жозибадор, янги ва ғалати фикрлар пайдо бўла бошлади. Унинг миясида сон-саноксиз саволлар уймалашар, лекин қиз уларга жавоб тополмасди.

Бир ойдин кечада Шубха астагина эшикни очиб, қўрқа-писа ташқарига бош суқиб, теваракка аланглаб қаради. Шубханинг ўзидек ёлғиз тўлин ой ухлаётган ерга боқарди. Қизнинг вужудида ёшлик мавж урар, қувонч ва қайғу унинг борлигини қамраб олганди: қалбида ёлғизлик дарди поёнига етиб, қиз ўзи сезмаган ҳолда танҳоликнинг чегарасидан хатлаб ўтди. Мана энди аста тўлқинланиб турган она табиат билан хаяжонга тўла тилсиз қиз яна яккама-якка учрашдилар...

Бу вақтда қизни турмушга бериш муаммоси ота-онага тинчлик бермаётганди. Баниконтха бадавлат бўлиб, унинг оиласида кунига икки марта балиқ ва гуручли таом ейилишига ҳасад қиладиганлар кўп эди; шундан бўлса керак, қўшнилари булар қизини турмушга беролмайди, деб доим ғийбат ва маломат қилишарди.

Баниконтха оиласи билан маслаҳатлашиб, бир неча кундан сўнг қаёққадири кетди.

Нихоят қайтиб келиб:

— Калкуттага борамиз, — деб қолди.

Бегона шаҳарга сафарга тайёрлана бошлашди.

Аламдан юраги сиқилган Шубхага кўз ёшлари ёрдам беролмасди. Бир неча кундан буён уни номаълум бир хавф-хатар қийнар ва у тилсиз бир жонивордек гоҳ онаси, гоҳ отасининг

кетидан юрарди. Қиз шахло кўзларини катта очиб, бирор нарсани билиш ниятида ҳаяжон билан тикилса-да, ота-онаси унга бир оғиз сўз айтишмасди.

Нима бўлди-ю, бир куни тушда одатдагидек қармоғини сувга ташлаб ўтирган Протап кулиб туриб гап бошлади:

— Шу, сенга эр топишибди! Энди сен у ерга бориб турмушга чиқасан. Аммо бизни ҳам эсдан чиқарма.

У ортиқ ҳеч нарса демай, яна балиқ ови билан машғул бўлди.

Ўқ еб, ўлим олдида ётган кийик сайёдга қандай тикилса, Шубха ҳам Протапга шундай қаради. Унинг маҳзун, сассиз нигоҳи: «Мен сенга нима ёмонлик қилдим?» деб сўраётгандек эди. Ўша-ўша Шубха бу дарахтнинг соясида ўтирмайдиган бўлди.

Баниконтха энди уйғониб, папирос чекиб турганида, бирдан Шубха югуриб кирди-да, унинг оёқларига йиқилиб зор-зор йиғлай бошлади. Ота унга тасалли беришга уринди-ю, лекин кўз ёшларини тўхтатолмади.

Эртасига Калкуттага кетишлари лозим эди. Шубха вафодор дўстлари билан хайрлашиш учун молхонага кирди. Ҳайвонларга хашак солди, бўйинларидан кучоқлади, алланималар деб шивирлади, уларга эркалатувчи нигоҳ ташлади. Унинг кўз ёшлари шашкатор бўлиб юзларидан оқиб тушарди.

Қиз ойдин кечада ташқарига чиқиб, ўзини кўпдан бери кадрдонига айланган дарё бўйидаги хушбўй кўкатларнинг устига ташлади. У башариятнинг қудрати ва хотиржам онаси — ерни кучоқлаб: «О, она, мени кўйиб юборма! Мен сени кучгандек, сен ҳам мени маҳкам кучоқла!» деб илтижо қилди.

Улар Калкуттага келгач, онаси Шубхани яхшилаб кийинтирди. Сочларини турмаклаб лента боғлади, қимматбаҳо тақинчоқлар билан беади, бошқача айтганда, қизнинг табиий чиройини суваб ташлади. Шубханнинг кўзларидан ёш аримасди. Буни кўрган она, кўзлари қизариб, ковоқлари шишиб кетади, деган хавотир билан шўрлик қизни койиди, аммо ҳеч қандай таҳдид унинг кўз ёшини тўхтатолмасди.

Нихоят, бир дўстини бошлаб келинни кўргани куёв келди. Қизнинг ота-онаси, гўё осмондан Тангрининг ўзи тушиб келаётгандек, ташвиш ва ҳаяжонда қолишди. Она, ундай қил, бундай қил, деб қизни шундай ахволга олиб келдики, шўрликнинг фигони фаллакка чикди, уни куёвга ҳам худди мана шу ҳолатда рўбарў қилишди.

— Дуруст, — деди куёв унга қараб.

Тўхтовсиз кўз ёшларини кўрган йигит, ота-она билан жудоликка шунча изтироб чеккан қиз эрига янада мулоғим, янада меҳрибон бўлади, деб ўйлади-да:

— Гавхар садафнинг қимматини оширганидек, қизнинг кўз ёшлари ҳам унинг қадрини оширади, — деб қўйди.

У бошқа бирон нарса демади.

Ўзаро келишиб, тўй учун хайрли бир кунни тайинлашди. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Соқов кизни йигитга топшириб, ота-она уйга қайтди: уларнинг авлоди беобрў бўлиш хавфидан батамом кутулганди.

Шубханинг эри Фарбада ишлагани учун тез орада уни ҳам олиб кетди. Аммо бир hafta ўтмай, келиннинг соқов эканини ҳамма билди. Борди-ю, битта-яримтаси буни пайқамаган бўлса, бу кизнинг айби эмас. Қиз бирор одамни алдайман, деб ўйламаганди. У кўзлари билан бутун ҳақиқатни айтиб турар, лекин ҳеч ким унинг кўнглидагини англамасди. Шубха атрофга назар солиб ёшлиқдан таниш бирор одамни кўрмадики, у билан тил топиб ҳасратлашса. Ана шунда соқов кизнинг қалбида тутиб бўлмас, гайриинсоний бир фарёд кўзгалди, афсуски, бу алам, фарёдни ҳам Парвардигордан бошқа эшиттувчи бўлмади. Шубханинг эри бўлса, иккинчи марта анча эътибор билан фақат кўзини эмас, кулоқларини ҳам ишга солиб, бошқа — гапира оладиган бир кизга ўйланди.

1892 йил

МОХАМАЙЯ

I

Мохамайя билан Ражиблочон дарё бўйидаги кўхна ибодатхона харобаларида учрашишди.

Мохамайя бир сўз демасдан Ражиблочоннинг юзига тикилиб турарди. «Мени бемахалда бу ерга чақириб келишга қандай журъат этдинг? – деб койигандек боқарди, унинг кўзлари. – Шу пайтгача ҳамма гапингга қулок солиб келдим, бироқ сен хаддингдан ошиб кетдинг!»

Бу боқишдан хижолатда қолган Ражиблочон Мохамайянинг олдига ҳадиксираброқ яқинлашди. Бугун у Мохамайяга бир неча сўз айтиш ниятида эди, шу ерга келиб ниятидан қайтди. Аммо, нима учун ибодатхонанинг олдига чақирганини Мохамайяга тушунтириши керак, шунинг учун шошиб-пишиб деди:

– Кел, қочиб кетамиз-да, турмуш қурамиз!

Ражиблочон муддаосини айтгани, бироқ дилининг тубига яшириб қўйган муқаддимаси ҳақида бир сўз айтмади. Шунинг учун гапи курук, дағал ва ғалати эшитилди. Бу гапни у тутила-тутила, худди ўзи учун гапиргандек пўнғиллаб айтди, ортик ҳеч нарса дея олмади.

Тентак Ражиблочон! Чошгоҳ пайтида Мохамайяни дарё бўйидаги ибодатхона харобаларига олиб келса-ю, «Кел, турмуш қурайлик!»дан бошқа тузукроқ гап тополмаса!

Мохамайя бир вақтлар мўътабар ҳисобланган оиладан чиққан қиз. Ёши йигирма тўртга тўлиб, чиройи ниҳоятда очилган вақти. Унга қараган одам, худди куз қуёши каби ёрқин, майин шуъла сочиб турувчи олтин хайкал дейди. Чиройли, латиф кўзлари очик ва дадил боқарди.

Мохамайянинг отаси йўқ, Бхобаничорон Чотгопадхая деган катта акасигина бор эди. Ака-сингил бир-бирига жуда ўхшарди: иккаласи ҳам камгап, аммо нигоҳлари ниҳоятда ўткир, қараганда худди чошгоҳ офтоби сингари ёндириб юборгудек бўларди.

Ражиблочон бу ерлик эмас эди. Отаси фабрикада хизмат қилгани учун, йигитни бу ерга маҳаллий ипак фабрикасининг бошқарувчиси олиб келганди. Отаси вафот этганидан кейин боланинг тарбиясини бошқарувчи ўз зиммасига олди ва бола бир оз улғайгач, Бамонхатирдаги фабрикага олиб келди. Бола меҳрибон холаси билан бирга турарди. Улар Бхобаничоронларга қўшни бўлишди, шундай қилиб Мохамайя ёшлигидан Ражиблочон билан ўртоқ тутинди. Ражиблочоннинг холаси билан Мохамайя ҳам бир-бирларига меҳр қўйишганди.

Ражиблочон улгая борди. Ёши ўн тўққизга тўлган бўлса-да, холасининг талай насиҳатларига қарамай, уйланишни рад этиб келарди. Банголлик йигитнинг бу қадар акллилигини кўрган бўйдоқ бошқарувчи: «Йигитча ўз ҳаёт йўлида мендан ибрат олибди» дея ўйлаб, хурсанд эди.

Бу орада Ражиблочоннинг холаси вафот этиб, ёлғиз ўзи қолди.

Шунингдек, Мохамайяга ҳам ўзи тенги юқори табақадан қуёв топилмас, бундан ташқари, тўй ҳам катта чиқимни талаб этарди.

Қизлик даври эса ўтиб борарди.

Никоҳ — илохий иш эканлигини ўқувчига айтиб ўтириш ортикча. Аммо никоҳ тангриси бу икки қалбга шу пайтгача бепарво қараб келган бўлса, ишк-мухаббат тангриси қўл қовуштириб ўтирмас эди. Кекса Пражапати¹ пинакка кетганида, навқирон Кандарпа² хамиша хушёр туради.

Ишк-мухаббат тангриси Кандарпанинг амри турли инсонларнинг устида турлича ифода топади. Шу тангри томонидан рағбатланган Ражиблочон Мохамайяга бир-икки оғиз ширин сўз айтиш учун қулай пайт пойлаб юрди, бироқ бунга Мохамайя йўл қўймади: унинг жиддий боқувчи кўзлари Ражиблочоннинг талпиниб турган қалбига титроқ соларди.

Охири бугун Ражиблочон Мохамайя билан ибодатхона харобаларининг олдида учрашмоқчи бўлди. Бугун у ё бир умрга бахт топаман, ё ўлим деб, дилидагини очишга аҳд қилганди. Ражиблочон ўзининг шу улуг айём кўнида «турмуш қурайлик»дан бошқа гап тополмай, худди дарсини унутган ўқувчидек, дами ичига тушиб тураверди.

Мохамайя Ражиблочондан бундай таклифни қутмаган эди. У бир неча дақиқа индамай турди.

Чошғоҳда ҳавони тўлдирган гира-шира шарпалар сукунатни бузиб турарди. Ибодатхонанинг бузук эшиги шамолдан гоҳ очилиб, гоҳ ёпилиб, аллақандай мунгли овоз билан ғижирлар, ибодатхона деразаларида қаптарлар ғув-ғувлар, кизилиштон тут дарахтини бир оҳангда тақиллатиб тешарди; уқулиб ётган ҳазоннинг орасидан қуриган барглари шитирлатиб қалтакесак ўрмалаб ўтиб кетди; дала томондан эсган шабада дарахт баргларини ўйнатар, шамол уйғотган дарёнинг суви аста-секин тўлқинланиб, ўпирилиб ётган зинага келиб уриларди. Тасодифий ва маъносиз бу товушларга ҳамоҳанг тарзда олисдан чўпон сибизғасининг майин ноласи ҳам эшитилиб турарди.

Ражиблочон Мохамайянинг юзига қарашга ботинолмай, ибодатхонанинг деворига суяниб, мудроқ дарёнинг бетига тикилган эди.

Бир оздан кейин қайрилиб, Мохамайяга илтижолик билан боқди. Мохамайя бош силтади:

— Йўқ, бунинг сира ҳам иложи йўқ.

¹ *Пражапати* — ҳинд асотирларида никоҳ тангриси саналади.

² *Кандарпа* — ишк тангриси.

Ражиблочоннинг бутун орзу-умидларининг кўкка совурилиши учун шу гапнинг ўзи кифоя эди. Бу бош силташнинг нима эканлигини Ражиблочон яхши биларди: Мохамайяни айтганидан ҳеч нарса қайтара олмасди. Мохамайялар оиласида ўз зотидан ғурурланиш хисси асрлар давомида ривож топиб келган эди. Шундай экан, Мохамайядек бир қиз оддий браҳманга турмушга чиқишга рози бўлиши мумкинми? Ишк-мухаббат ўз йўлига, никоҳ эса, бутунлай бошқа нарса. Мохамайя ўзининг ўйламай қилган иши Ражиблочонга бунчалик жўрват бағишлашини сира ўйламаганди. Қиз дарҳол кетмокчи бўлди.

Ражиблочон унинг кетмокчи эканлигини кўриб, шошиб деди:
— Мен эртага жўнаб кетяпман.

Аввал Мохамайя ўзини бу хабардан таъсирланмаган қилиб кўрсатмокчи бўлди-ю, аммо бунга ожизлик қилди. У кетмокчи бўлиб турган жойидан кимириллолмади. Шундай бўлса-да, ўзини лоқайдликка солиб:

— Нега? — деб сўради.

— Хўжайинимни Шонапурдаги фабрикага кўчиришяпти, мени ҳам ўзи билан бирга олиб кетяпти, — деди Ражиблочон.

Бир муддат Мохамайя индамай турди. «Инсонларнинг хаёт йўли турлича бўлар экан, — деб ўйлади у, — бир одамни ёнингда узок тутиб туриб бўлмайди». Сўнгра чуқур нафас олди-да, лабларини сал очиб: «Яхши» деди. Шу сўзнигина айтиб, кетмокчи бўлганди, Ражиблочон бирдан:

— Жаноби Чаттержи! — деб юборди.

Мохамайя ибодатхонага қараб келаётган Бхобаничоронни кўриб, уни кидириб юрганини фахмлади.

Мохамайянинг таҳдид остида колганини кўрган Ражиблочон ибодатхонанинг бузук деворидан ошиб кетмокчи бўлганди, қиз унинг қўлидан маҳкам ушлаб қолди.

Бхобаничорон ибодатхонага қираётиб, иккаласига индамай қараб қўйди.

Мохамайя Ражиблочонга дадил тикилди-да:

— Ражиблочон, мен уйингга бораман, мени албатта кут! — деди.

Бхобаничорон бир сўз демасдан ибодатхонадан чиқиб кетди, Мохамайя ҳам бир сўз демай унинг ортидан эргашди; эсанкираб қолган Ражиблочон, гўё ўлимга ҳукм этилган одамдек, турган жойида кимирилмай қолди.

II

Шу кун кечкурун Бхобаничорон қизил сари олиб келди-да, Мохамайяга:

— Буни кийиб ол! — деди.

Мохамайя кийиниб тайёр бўлгач, юр мен билан, деди. Бхобаничороннинг буйруғига эмас, хатто биргина ишорасига ҳам ҳеч

ким саркашлик қила олмасди. Мохамайя ҳам ортиқ қаршилик кўрсатмади.

Улар дарёнинг лабига, ўликлар куйдириладиган жойга қараб йўл олишди. Жасад куйдириладиган жой уйларига яқин эди. Уша ерда, зиёратчилар учун қурилган кулбада кекса бир брахман ўлим талвасасида ётарди. Ака-сингил брахманнинг тепасига келишди. Кулбанинг бир бурчагида бош кохин турарди. Бхобаничорон унга бир ишора қилганди, кохин тезда маросимга тайёргарлик кўра бошлади. Мохамайя, ўзини ўлим тўшагида ётган одамга никохлаш-моқчи эканини тушунди. Икки дафн гулхани ва мантр¹ сатрлари билан жон берувчи кишининг талвасаси эшитилиб турган чала ёритилган кулбада никоҳ маросими ўтказилди.

Тўйнинг эртасига Мохамайя бева қолди. Бу мусибат уни қайғуга солмади. Мохамайянинг қутилмаганда никоҳланганидан эсанкираб қолган Ражиблочон ҳам унинг бева қолганини билгач, севинди.

Бирок унинг севинчи узокқа чўзилмади. Ражиблочонни янги мусибат йиқитди. Ўликлар куйдириладиган жойда шовқин-сурон бошланди. Мохамайя учун гулхан хозирлашмоқда, деган гапни эшитиб қолди.

Ражиблочон даставвал ҳамма гапни бошқарувчига айтиб, унинг ёрдами билан бу дахшатли маросимни тўхтатмоқчи бўлди. Бирок хўжайинининг, айнан бугун Шонапурга кетгани эсига тушди. Ражиблочонни ҳам бирга олиб кетмоқчи бўлганида, у бир муддатга рухсат сўраб шу ерда қолганди.

Хозирча у бир ойга жавоб олди, агар керак бўлса икки ойга ҳам, уч ойга ҳам жавоб олиши мумкин, хатто ишни бутунлай ташлаб гадойга айланса ҳам майли, аммо умр бўйи Мохамайяни кутади.

Ражиблочон телба каби ўзини ҳар ёнга ташлаб, нима қилишини билмай, гоҳ ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлиб, гоҳ Мохамайяни қутқариш учун бирон чора топишга уриниб юраркан, кеч кириб қаттиқ шамол турди, жала куя бошлади. Шамол шу қадар кучли эдики, Ражиблочоннинг назарида, худди том тарс этиб ёрилиб кетадигандек. Қутурган табиат, гўё унинг қалбидаги бўронга жўр бўлгандек йигитни бир оз тинчлантирди. Назарида, унинг қўлидан келмаган ишни табиат қилаётгандек эди.

Тўсатдан эшик қаттиқ тақиллади. Ражиблочон югуриб бориб эшикни очди. Уйга уст-боши шалоббо, юзига чодра тутган бир аёл кириб келди. Ражиблочон уни дархол таниди: бу Мохамайя эди.

— Мохамайя! — дея қичкириб юборди ҳаяжондан нафаси бўғилган Ражиблочон. — Мотам гулханидан қочдингми?

— Ҳа, келаман деган эдим, мана келдим. Мен ваъдамни бажараман. Аммо Ражиблочон, мен ўзгарганман, аввалги Мохамайя

¹ Мантр — шундай маросимларда ўқиладиган муқаддас китоб.

эмасман. Ёлғиз дилимгина ўша-ўша. Мени гулханга қайтариб юборишга ҳақинг бор. Аммо чодрамни очмасликка ва юзимга қарамасликка сўз берсанг, мен қоламан.

Бундан бир неча дақиқа олдин Ражиблочон ўлимни афзал қўрган бўлса, энди унинг учун ҳаёт яна ажойиб маъно касб этганди.

— Майли, айтганинг бўлсин, — дея шошиб рози бўлди у. — Аммо ташлаб кетсанг, мен ортик чидай олмайман.

— Бўлмаса бу ердан кетайлик. Хўжайинингни топишимиз керак.

Ражиблочон билан Мохамайя бутун уй жихозларини ташлаб, кўчага чиқишди. Бўрон шу қалар қутурар эдики, одам оёқда туrolмасди. Шамол учираётган майда тошлар баданга санчиларди. Улар, тагин бирорта дарахт қулаб тушмасин деб, очик жойлардан юришди. Бўрон ўқтин-ўқтин орқадан итариб, худди бу икки кишини одамлар орасидан улоктириб, ер билан яксон килмоқчидек қутурарди.

III

Бу хикояни ўқувчи уйдирма деб ўйламасин. Шахмаран¹ одати ҳукм сурган даврда, бундай ходисалар содир бўлиб турарди, дейишади.

Мохамайянинг қўл-оёқларини боғлаб гулханга ётқизишди ва белгиланган вақтда ўт қўйишди. Аланга гувиллаб ёниб, осмонга қўтарилди, бироқ шу онда қаттиқ шамол туриб, ёмғир ёға бошлади. Гулханнинг тепасида турган барча зиёратчилар кулбаларига кириб кетишди. Ёмғир гулханни ўчирди, шунингдек, Мохамайянинг қўлидаги арқон ҳам ёниб бўлганди. Куйган жойларининг ниҳоятда қаттиқ оғришига қарамай, Мохамайя амаллаб ўрнидан турди-да, оёқларини арқондан бўшатди. Кейин оловдан бутун қолган кийимлари билан танасини ёпиб, деярли яланғоч бир ҳолда гулхандан пастга тушди.

Мохамайя олдин ўз уйига келди. Бироқ уйдан ҳеч кимни топмади. Ҳамма дафн маросимига кетганди. Қиз чирокни ёқди-да, кўйлак кийиб, қўлига ойна олди ва шу ондаёқ даҳшат ичида ойнани ерга ирғитди. Кейин юзига чодра ёпиб, Ражиблочоннинг уйига қараб йўл олди.

Бундан кейинги воқеа ўқувчига маълум.

Энди Мохамайя Ражиблочон билан бирга яшарди. Аммо бу Ражиблочонга бахт келтирмади, уларнинг ўртасини тўсиб турган парда худди ўлимдек, ўлимдан ҳам баттар, мангулик, чексиз бир девор эди. Агар тушкунлик вақт ўтиши билан жудоликнинг

¹ *Шахмаран* — бу одагга биноан, ўлган эри ёндирилган гулханда бева ҳам ўзини ёндириши керак.

азобини боса олса, шу парда ортидаги умид учқуни ҳар куни, ҳар сония Ражиблочонни шафқатсиз суръатда қийнар, азобларди.

Мохамайя табиатан камгап, одамови эди, эндиликда юзини ҳамиша чодра билан беркитиб юрганлиги туфайли янада одамовироқ бўлиб қолди. Бу бир даҳшат эди. Моҳамайя гўё ўлимнинг кучоғида яшарди, бу ҳолат Ражиблочоннинг ҳаётини бўғиб, йўқ қилиб юборгудек эди.

Йигит ўзининг аввалги Моҳамайясидадан жудо бўлган эди. Ёшлиқ чоғидан бери асраб келган ажойиб бир сиймо тобора йўқолиб борар, унинг ўрнини чодрага ўралган бир вужуд эгаллаганди. «Тангри яратилганларнинг ўзига яраша парда бахш этган, деб ўйларди Ражиблочон. — Моҳамайя бўлса асотирларда тасвирланган ва онадан совут билан туғилган Карнага¹ менгзай. Дунёга бир чодрада келган Моҳамайя худди қайта туғилиб, бошқа чодра касб этганга ўхшайди».

Моҳамайя Ражиблочоннинг ёнидан ҳеч ҳам силжимасди, шу билан бирга ундан жуда олисда эди. Ражиблочоннинг азобда қолган қалби, худди тун қоронғисини сўнмас кўзлари билан ёритмоқчи бўлган юлдузлар каби сирнинг тағига етишга интиларди.

Бир-бири билан боғланмаган бу икки кишининг қалби шу тарзда уриб турарди.

Бир куни кечаси, ёгингарчилик мавсумида тўлин ой илк марта булутларни ёриб, юзини кўрсатиб қолди. Оламнинг ширин уйқусини ойдин кеча сокинлик билан кўриқлаб турарди.

Бу кеча Ражиблочоннинг кўзига уйқу келмади. У очик деразанинг тағида ўтирар эди. Жазирама иссиқдан ҳориган ўрмондан гулларнинг хушбўй иси таралиб турар, чигирткалар чирилларди. Қорайиб турган ўрмон ёқасидан, худди топ-тоза қилиб ювилган қумушдек кўл кўриниб турарди. Бундай пайтда инсоннинг бошига қандай савдолар тушишини айтиш анчайин мушқул, аммо унинг қалби ва вужуди худди хушбўй исга тўлган ўрмон, чигиртканинг чириллашлари билан тўла тун каби бир истак билан тўлиб-тошган эди.

Ражиблочон нималарни ўйлаб ўтирганини билмайман, бироқ унинг назарида шу бугун барча тўсиқлар олиб ташланадигандек эди. Бугун ой туннинг юзидан булут пардаларини юлиб ташлаб, худди илгари Моҳамайя каби гўзал кўриниш касб этганди. Ражиблочон бутун вужуди билан хотинига интилди.

Ражиблочон ўрнидан туриб, худди ақлдан озгандек Моҳамайя ётган уйга қараб юрди. Моҳамайя уйқуда эди. Ражиблочон унинг тепасига келди-да, энгашди, Моҳамайянинг юзига ойнинг шуъласи тушди. Эй вох! Қани азалдан кўриб келган чехра?

Мотам гулханининг алангаси Моҳамайя чехрасининг бутун гўзаллигини ялаб, ўзининг очкўзлик тамғасини босган эди.

¹ Карна — хинд асотирларида қуёш тангрисининг ўғли.

Ражиблочон ўрнидан ирғиб туриб, инграб юборишдан ўзини базўр тутиб қолди. Мохамайя бирдан уйғониб, Ражиблочонни кўрди. Шу ондаёк юзига чодрасини тутди-ю, ўрнидан турди.

Йигит гўё телбалардек қотиб қолганди. Кейин Мохамайянинг оёғига йиқилди:

— Мени кечир!

Мохамайя индамади, ортига қарамай, уйдан чиқиб кетди. Бошқа қайтиб келмади. Ражиблочон уни ҳар қанча кидирмасин, барибир тополмади.

Афв сўзлари айтилмаган абадий жудоликнинг ғазаб алангаси, Ражиблочоннинг қолган бутун умрида ўчмас из қолдириб кетди.

1892 йил

ДАФТАРЧА

Ума хат ёзишни ўрганди-ю, бошга битган бало бўлди. Уйнинг деворларига қинғир-қийшиқ қилиб «сув оқади», «барг титрайди» деб кўмир билан ёзиб чиқибди.

Келинойисининг ёстиғи тагидан «Хоридашнинг сирлари» китобини топиб олиб, қалам билан ҳар бир саҳифасига «қора сув, кизил гул» деб ёзиб қўйибди.

Уйдаги янги таквимнинг ҳамма юлдузларига чизиб ташлабди.

Отасининг ҳисоб-китоб дафтаригадаги ҳужжатларга ҳам «ўқиш-ёзишни билган киши извошда юради» деб ёзиб қўйибди.

Вақти-соати етгунча унинг ижодига ҳеч ким ҳалақит бермагани, аммо бир куни Уманинг ҳаётида кўнгилсизлик юз берди.

Уманинг Гобиндолал деган кўримсизгина бир акаси бўлиб, газеталарга мақолалар ёзиб турарди. У билан гаплашган қариндош ва таниш-билишлари, унинг фикр юрита оладиган одам эканини ҳаёлларига ҳам келтиришмасди. Дарҳақиқат, у бундай гуноҳкор эмасди. Аммо ёзганлари, аксарият банголлик газетхонларнинг фикрига ҳамоҳанг эди.

Бир куни Оврўпа олимларининг анатомияга оид китобларида жиддий хато борлигини билиб қолиб, Гобиндолал ҳеч қандай мантқа таянмай бир мақола ёзиб, ўша олимларни ҳўб савалади.

Ўша куни туш пайтида, Ума уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ўша мақоланинг устига сиёҳ билан: «Гопал жуда яхши бола, унга нимаики беришса еяверади» деб ёзиб қўйибди.

Мен Уманинг Гопал деб Гобиндолалнинг ўқувчиларига ишора қилганига ишонмайман, бироқ акаси сингисининг бу ишидан беҳад ғазабланди. У олдин Умани роса дўшослади, кейин ёзув қуролларини — не-не машаққатлар билан қўлга киритилган арзимас, чайналган қаламча билан сиёҳга беланган арзон ручкани тортиб олди. Қизча нега бунчалик исканжага олинганини тушунмай, уйнинг бир бурчагига ўтириб олиб, ҳўнг-ҳўнг йиғларди.

Жахлидан тушгач, Гобиндолал тортиб олган нарсаларини Умага қайтариб берди. Бундан ташқари, у қилган ишидан пушаймон бўлиб, сингисини овутиш мақсадида унга битта яхши йўл-йўл дафтар тақдим этди.

Ўшанда Ума етти ёшда эди. Шундан бери бу дафтарни асраб-авайлайди. Кечалари ёстиғининг тагига, кундузлари эса темир қутичага солиб қўяди.

Қўлга зўрға илинадиган сочларини ўриб, хизматкор аёл билан қишлоқ мактабига кетаётганларида, баъзи тенгқурлари Уманинг хат билганига ҳавас қилишса, баъзилари хайрон бўлар, баъзилари эса ҳасад қилишарди.

Биринчи йили Ума дафтарчасига тиришқоқлик билан: «Барча қушлар чуғурлашар, тун тамом бўлди» деб ёзиб қўярди.

Ума ётоқхонадаги стол устида ўтириб, дафтарчани қўллари билан беркитиб алланималар ёзарди, ёзганларини оҳанг билан ўқирди. Шу тарзда бу дафтарчада анча шеър ва насрнинг намуналари тўпланиб қолди.

Иккинчи йили дафтарча саҳифаларида турли мавзудаги асарлар ҳам пайдо бўлди. Улар қиска-қиска бўлиб, на боши ва на охири бор эди. Булардан намуна келтирса бўлади.

Йўлбарс ва қўқ қўтон хикоясидан сўнг бир жумла ёзилган. Бу жумлани на Котхамалда¹, на ҳозирги бангол адабиётида учратасиз.

«Мен Жошини жуда яхши кўраман».

Бирор кимса мени муҳаббат қиссасини хикоя қиляпти, деб ўйламанин. Жоши ўн бир ёки ўн икки ёшли бола эмас. У анча кексаийн қолган хизматкор аёл. Унинг тўлик исми Жошода.

Бироқ шу биргина жумлага асосланиб, қизчанинг Жошига бўлган муносабатига баҳо бериб бўлмайди. Агар кимдир бу ҳақда аниқроқ бир нарса ёзмокчи бўлса, дафтарчани икки бет вараклагач, юкоридаги жумлага мутлақо қарама-қарши сўзларни учратади.

Гап фақат бундагина эмас! Уманинг ёзганларида бундай қарама-қаршилиқлар кўп учрайди. Масалан, дафтарнинг бир ерида шундай деб ёзилганди: «Мен Хоши билан уришдим. Энди умрбод гаплашмайман» (Хорихорон билан эмас, мактабдош дугонаси Хоридаш билан). Лекин сал нарироқдаги сўзларга қараганда оламда Хоридан вафоли дўст йўқ.

Икки йилдан кейин қиз тўққиз ёшга кирганида, бир куни уйда най чалина бошлади: Умага тўй келганди.

Қуёвнинг исми Перимоҳон бўлиб, у Гобиндолалнинг адабий ишлардаги ёрдамчиси эди. У ёшлиги ва унча-мунча ўқиганлигига қарамай, мияси янги ғояларни қабул қилмасди. Шунинг учун кишлоқдагилар Перимоҳонни ҳадеб макташгани-макташган. Гобиндолал унга тақлид қилмокчи бўлар, бироқ бундан ҳеч қандай иш чиқмасди.

Умага банорас сари кийгизиб, жажжи юзига чодра ёпиб, кўз ёшларини оқизиб қайнотаникига олиб боришди.

— Болагинам, қайнонангнинг гапидан чиқма, — деб насиҳат қилди онаси, — рўзғор юмушларидан қочма. Энг муҳими ўқима, ёзма!

Гобиндолал унга қўшимча қилиб:

— Тагин деворларга чизиб юрмагин. Борадиган жойинг ундай ер эмас. Перимхоннинг қоғозларига ҳам қалам теккиза қўрма, — деди.

¹ Котхамал — бошланғич ўқиш китобларидан бири.

Бу гаплардан қизнинг юраги сикилди. Бораётган уйда ҳеч ким унинг хатоларини кечирмаслигини, у ерда нимани хато-ю, нимани гуноҳ санашларини тушуниб олгунича канча вақт ўтишини англади.

Ўша куни кечкурун яна най чалинди. Лекин банорас сари кийган, зеб-зийнат тақиб, юзига чодра тутган бу қизнинг гуп-гуп ураётган юрагида нималар кечаётганини бирор кимса тушунганига шубҳаланаман.

Жоши ҳам Ума билан бирга кетди. У ҳам қизча билан бир неча кун қайнотаникида туриб келиши керак эди.

Меҳрибон Жоши ўйлаб-ўйлаб дафтарчани ҳам ўзи билан бирга олди. Бу дафтарча Ума учун ота мулкининг бир қисми бўлиб, ўз уйда ўтказган қисқа вақтнинг қувончли хотиралари, ота-онаси уни эркалаб ўстирган ўша кунларнинг қисқача тарихи эди. Бу дафтар Ума турмушга чиққан дастлабки кунларда унинг болаларга хос эркинлигининг кичик бир бўлаги ҳисобланарди.

Кувёникига келгач, илк кунлари Уманинг вақти бўлмаганидан дафтарга ҳеч нарса ёзмади. Бир неча кундан кейин Жоши ҳам қайтиб кетди.

Ўша куни Ума ётоқхонанинг эшигини беркитиб, тунука қутчадан дафтарчани олди-ю, йиғлай-йиғлай шундай деб ёзди: «Жоши уйга кетиб қолди, мен ҳам ойимнинг олдига кетаман».

Энди Уманинг ўқиш китобларидан ҳикоялар кўчириб ўтиришга вақти йўқ эди. Назаримда, бу унинг юрагига ҳам сиғмасди. Шунинг учун қисқа-қисқа жумлалар бир-бирига уланиб кетди. Юқорида келтирилган жумладан сўнг мана буниси ёзилди: «Агар акам мени уйга қайтариб олиб кетсалар, бошқа қоғозларига чизмасдим».

Уманинг отаси, қизининг вақти-вақти билан келиб меҳмон бўлиб туришини истарди. Аммо айтишларига қараганда, Гобиндолал ва Перимоҳон бунга қарши эдилар.

Гобиндолал, Ума эрини ҳурмат қилишга ўрганиши керак, агар уни ҳадеб қайнотасиникидан олиб келиб, ота-онасининг эркалашлари эсига солинса, унга бу халақит беради, дерди. Гобиндолал бу ҳақда зўр иштиёқ ва турли хил ҳазиллар билан шундай бир чиройли мақола ёздики, ҳамфикр ўқувчилардан ҳеч ким мақоланинг донолик билан ёзилганига шубҳа қилмади. Ума одамлардан буни эшитиб, дафтарига шундай деб ёзиб қўйди: «Жон акажон, оёқларингизга йиқилиб сўрайман, мени уйимизга олиб кетинг, энди ҳеч қачон жаҳлингизни чиқармайман».

Бир куни Ума эшикни ичкаридан беркитиб олиб, ўз хонасида дафтарига аллақандай содда, маъносиз сўзларни ёзиб ўтирганида, унинг синчков қайнсинглиси Тилокомонжори, боудиди¹ нега эшикни ёпиб олди экан? Ичкарида нималар қияпти? — деб ўйлади.

¹ Боудиди — келиноийи.

У эшикнинг тиркишидан Уманинг нималарнидир коралаб ўтирганини кўриб, хайрон бўлди. Чунки уларнинг уйига хали фан ва санъат тангриси Сарасвати кирганича йўқ эди.

Унинг синглизиси Конокомонжори ҳам келиб тиркишдан мўралай бошлади. Уни кўриб энг кичик синглизиси Ононкомонжори ҳам югуриб келди. У оёқ учида турган ҳолда бўйинини чўзиб, зўрға тиркишдан қараганди, жуда кизик бир нарсани кўрди!

Ума ёзиб ўтирганди, бирдан эшикнинг ортидан учта таниш овознинг пичир-пичири ва кулгиси эшитилди. Ума воқеани тушуниб, дафтарни тезда тунука қутичага солиб қўйди. Ўзи эса кўрқканидан ва уялганидан кўрпага ташланиб юзини яширди.

Перимохон бу воқеани эшитгач, жиддий ўйга толди. Аёл киши ўқиш-ёзишни билдими, Худо урди! Аввал қисса, кейин роман яратилади. Рўзғор юмушларини ким қилади? У анча ўйлаганидан кейин ибратли бир хулосага келди. Муқаддас эрхотинлик иттифоқи эркак билан аёлнинг кучи қўшилувидан вужудга келади. Агар билим аёл кишининг кучини сусайтирса, аёлда эркаклик қуввати ошиб боради; сўнгра икки эркак кучининг тўқнашуви шундай бир ҳалокатга олиб келадики, пировардида эрхотиннинг муқаддас кучи ер билан яксон бўлиб, аёл бева қолади.

Шу вақтгача бундан ҳам антикароқ назарияни ҳеч ким ўйлаб топган эмас.

Кечкурун Перимохон келиб бечора Уманинг роса таъзирини бериб, масҳара қилди.

— Энди битта шамла¹ буюртиришинг қолибди. Кейин хотинчамиз қаламни қулоқларига кистириб идорага жўнаб қоладилар!

Бечора Ума гап нима ҳақда кетаётганлигини тушунмади. У Перимохоннинг мақолаларини ўқимаган эди. Шунинг учун ҳам ҳажвга фаҳми етмасди. Каттик хафа бўлди. Шундан кейин анчагача ҳеч нарса ёзмади.

Бир куни куз пайти, эрталаб тиланчи аёл деразанинг тагига келиб Агомона кўшиғини² айтди. Ума дераза панжарасига юзини қўйганича индамай тинглади. У ёлғиз эди, куз офтоби чарақлаб турарди, шунда унинг болалик чоғлари эсига тушди. Бунинг устига, Агомона кўшиғини эшитгач, ўзини тутиб туролмади.

Ума қўшиқ айтишни билмасди. Аммо ўқиш-ёзишни ўрганганидан кейин эшитган кўшиғини дарҳол ёзиб оладиган бўлди. Чунки ёзиб олса, қўшиқ айтолмагани унча алам қилмасди.

Тиланчи аёл деразанинг тагида куйларди:

*Ўткинчи дер: «Хой, онаи зор,
Сен йўқотган юлдуз — ҳў ана ўзи»
Қиролича она севинганидан
Хушин йўқотишга сал қолган эди.*

¹ Шамла — тантанали маросимларда кийиладиган бош кийим.

² Агомона кўшиғи — Шиванинг хотини Парватининг ўз ота-онаси ёнига қайтиб боришига бағишланган қўшиқ.

«Қайдасан, каерда Умажон, қани?» —
 Дейди қиролрича йиғлаганича:
 «Кела қол, Умажон, кела қол Ума!
 Кел менинг тиззамга ўтир, қизгинам!»

Қизалоқ чўзади онага қўлин,
 Онаси бўйнидан қучиб олади.
 Ва ўпка аралаш дейди пичирлаб:
 «Қачон мени уйга олиб кетасиз?»

Уманинг ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш келди. У тиланчи аёлнинг секин уйга олиб кириб эшикни беркитди-да, дафтарчасига кўшикни ёзиб ола бошлади.

Аммо синчков Тилокомонжори, Конокомонжори, Ононкомонжори эшикнинг тиркишидан мўралаб хаммасини кўриб туришганди. Улар чапак чалиб юборишди.

— Боудиди, нима қилиб ўтирганингизни кўриб турибмиз!

Ума югуриб чиқиб, уларга ёлвора бошлади:

— Оёқларингизга йиқилиб сўрайман, ҳеч кимга айта кўрманглар! Энди ҳеч қачон бундай қилмайман! Бундан кейин сира ёзмайман.

Ума қараса, Тилокомонжори дафтарни олмоқчи бўлиб қўл чўзаяпти. Шунда у дафтарни бағрига маҳкам босиб қочиб кетди.

Бадқирдор қайсингиллар ҳарчанд уринишмасин, дафтарни олишолмади. Сўнг ақлли акаларини чакириб келишга мажбур бўлишди. Перимохон гердайиб келиб каравотга ўтирди-да:

— Дафтарни бер, — деди дўк қилиб. Бирок буйруғи бажарилмаганини кўргач, янада қаттиқрок дўк қила бошлади:

— Сенга айтяпман, дафтарни бу ёкка бер!

Қизча дафтарчасини бағрига босганича мўлтиллаб эрига қараб турарди. Перимохоннинг дафтарчани тортиб олиш учун ўрнидан тураётганини кўриб, қизча дафтарни ташлаб юборди-да, қўллари билан юзини яширганича ерга йиқилди.

Перимохон дафтарни олиб, товуш чиқариб ўқий бошлади. Ўқиган сари бечора Ума ерга кириб кетгудек бўларди. Буни тинглаб турган синчков қизлар эса хохолаб кулишарди.

Бечора Ума дафтарини бошқа кўрмади.

Перимохоннинг ҳам захарханда сўзлар ёзилган дафтари бор эди. Афсуски уни олиб, йиртиб ташлайдиган кимса топилмасди.

1892 йил

МРИНМОЙИ

I

Опурбакришна коллежни битириб, Калкуттадан уйига қайтиб келмоқда эди.

Мана, кичкина сойга ҳам етиб келди. Ёмғирлар тинганида бу сой роса серсув бўларди, бироқ hozир, срабон ойининг охири бўлса-да, унинг суви кўтарилиб, кишлок деворлари ва бамбукзорлар этагигача ёйилиб ётарди.

Алчадан буён қовоғи осилиб турган хаво бугун очилиб, илк марта офтоб кўринди. Агар биз шу вақтда қайикда ўтирган Опурбакришнанинг қалбига назар сола олганимизда, унда ҳам офтоб нуруларида чарақлаб, шабадада тебраниб, тошқин дарё каби оққан ёшлик хаёлларини пайкаган бўлардик.

Қайик кишлок бандаргоҳига келиб тўхтади. Шу қирғоқдан, дарахт япроқлари орасидан, киндик қони тўкилган уйининг томи кўриниб турарди. Унинг келишидан оиласи ҳали беҳабар, шунинг учун бандаргоҳда кутиб олувчилар ҳам йўқ. Қайикчи Опурбакришнанинг жомадонини кўтармоқчи бўлганида, йигит узр айтиб, ўзи кўтариб олди-да, қувонганидан шошилганича қайикдан сакради. Сохилнинг худди шу ери тойғоқ лой эди, Опурбакришна сакраб тушган ҳамон сирганиб кетиб, жомадони билан лойга йиқилди. Шу пайт қаёқдандир шундай шўх қахқаха эшитилдики, бу овоздан хатто атрофдаги дарахтлардан қушлар ҳам ҳуркиб учиб кетди. Хижолагда қолган Опурбакришна дарҳол у ёқ-бу ёғини тозалаб, атрофга қаради. Нарироқда савдогарнинг қайиғи ёнида гишт уюлиб ётарди. Йигитнинг нигоҳи ана шу гишт устида ўтириб, ичаги узилгудек бўлиб қулаётган бир қизга тушди.

Опурбакришна уни таниди, у янги қўшнилариининг кизи Мринмойи эди. Илгари бу қизнинг оиласи узокда, азим бир дарё соҳилида яшарди. Тошқиндан кейин у ердан кўчишга мажбур бўлдилар. Мана энди икки-уч йилдан буён шу кишлокда туришади.

Бу қиз ҳақида ғалати гаплар таркаган эди. Эркаклар оккўнгиллик билан уни эркатой бўлиб ўсган қиз дейишса, аёллар уни хаддидан ошган ўзбошимча, деб маломат қилардилар. У кишлокдаги барча ўғил болалар билан инок, аммо ўз тенги қизларни ўлгудек ёмон кўрарди. Мринмойи болалар оламининг кичкина зўравони эди.

Отасининг эркатойи бўлганиданми ё бошқа бирор сабабданми, ишқилиб Мринмойи жуда ўжар эди. Онаси ўз яқинларига, қизимни роса эркалатиб юборган, деб эридан тез-тез шикоят қилиб турарди. Аммо отанинг қизига бўлган чексиз муҳаббатини, Мрин-

мойнининг кўз ёшлари унга канчалик қаттиқ таъсир қилишини билиб, эри йўқлигида ҳам қизни хафа қилгиси келмасди.

Мринмойи, калтагина жингалак сочлари ҳамиша елкасига тушиб турадиган қорачагина қиз эди. Унинг юз-тузилиши ўғил болани эслатарди: қора шахло кўзларида на нозу қарашма, на тортиниш, на кўрқув аломати бор; у баланд бўйли, қомаги келишган, соғлом ва кучга тўлган пайти эди. Аммо унинг неча ёшга кирганини ҳеч ким ўйламасди ҳам. Борди-ю, бу ҳақда гап очилгудек бўлса, одамлар унинг ота-онасини, шу пайтгача қизни эрга беришмабди, деб айблай бошлашлари турган гап эди.

Қишлоқ бандаргоҳига бирорта нотаниш заминдорнинг қайиғи келиб гўхтагудек бўлса, дехқонларни ваҳима босар, аёллар эса юзларини чодра билан беркитардилар, Мринмойи бўлса тўзғиган сочини йиғиштирмай, битта-яримтанинг яланғоч боласини кўтариб олиб, дарё соҳилига қараб югурарди. У хавф-хатарсиз жойда ўсган оҳуга ўхшарди, сира хадиқсирамай, нотаниш келгиндига обдон зехн солиб, кейин дугоналарига унинг юриш-туриши, афт-ангорини батафсил таърифлаб берарди.

Опурбакришна таътил пайтларида келиб, бу қизни бир неча бор кўрганди. Бўш вақтларида, баъзан эса машғулот устида ҳам шу қизни ўйлагани ўйлаган эди.

Хар куни сон-саноксиз одамларнинг чеҳрасига кўзимиз тушади, аммо уларнинг баъзи бирларигина кўнглимизга сўзсиз ўрнашиб қолади. Бу уларнинг соҳибжамол бўлгани учун эмас, балки қандайдир ўзларигагина хос бўлган фазилатлар туфайли юз беради. Назаримда, бу — хар бир шахсдаги ўзига хосликнинг ифодаси бўлса керак. Қўпинча одамнинг хулқини бир қарашда билиб бўлмайди. Аммо инсоннинг ички оламини ёритиб турган чеҳрани минглаб одамлар орасидан ажратиш мумкин ва у хотирамизда нақшланиб қолади. Худди ёввойи кийикдек бу шаддо қизнинг кўзларида, бутун киёфасида чексиз латофат барқ уриб турарди. Бинобарин, бу сержилва чеҳрани бир кўргач, ёддан чиқариш мумкин эмасди.

Мринмойининг кулгиси канчалик ёқимли бўлмасин, унинг Опурбакришнага малол келганини ўқувчиларга уқдиришнинг ҳожати бўлмаса керак. У шошилганича буюмларини қайикчига тутқазди-да, хижолатдан қизарган холда, уйига қараб тез-тез юриб кетди.

Бу воқеа рўй берган жойнинг манзараси жуда гўзал эди: дарахтлар соя солган сой қирғоғи, қушчаларнинг чуғур-чуғури, аста бош кўтараётган қуёш ва йигирма яшар навкирон! Фишлар бу манзарага бир даража нуқс бўлиб кўринса-да, унда ўтирган жонон бу қаттиқ, ўнғайсиз оромкурисга ажойиб ҳусн бағишлаб турарди...

Биров бу гўзаллик оламига илк қадам қўйганида нозик хислар кулгига айлантирилса — бундан ортиқ шафқатсизлик бўлармикин?

II

Опурбакришна кийимлари лой, дарахтлар панасига яшириниб, кўлида нарсалари ва шарфини ушлаганича уйига стиб келганида ҳам, қулоқлари остида бояги қувнок кулги эшитилиб турарди.

Ёлғиз она ўғлининг кутилмаганда келишидан беҳад қувониб кетди. Хизматкорлар ўша заҳотиёқ сут, нон ва балиққа югурдилар, кўшни уйларда ҳам ташвиш, таралдуд бошланди.

Тушки овқат маҳалида она тўйдан гап очди. Опурбакришна бу хил суҳбатга тайёр эди: уни аллақачон бир киз билан унаштириб қўйишмоқчи эди-ю, лекин давр рухига содиқ йигит, санъат бакалаври унвонини олмагунча уйланмайман, деб туриб олганди. Онаси бу кунни жуда узок кутди, энди турли бахоналар фойдасиз эди.

— Аввал келин топилсин, кейин бир гап бўлар, — деди йигит.

— Бунинг ташвишини қилма, келин тайёр, — деди онаси.

Опурбакришнанинг ўзи ҳам иш шу даражага етганини фаҳмлаб:

— Ахир, кизни кўрмасдан туриб уйланиб бўлмайди-ку! — деди.

Она умрида бундай гапларни сира ҳам эшитмаганини кўнглидан ўтказди-ю, лекин ўғлига эътироз қилмади.

Кечаси Опурбакришна чирокни ўчириб, ёлғиз ётоғида узок вақтгача ухлолмади. Ёмғирли туш сукунатида унинг қулоқларига узокдан ўша қувнок кулги эшитилгандек бўларди. У эрталабки воқеанинг оғир таассуротини бир илож қилиб ўзгартириш пайида эди.

«Мени узок вақт Калкуттада яшаган, кўп нарсани биладиган Опурбакришна эканлигимни бу киз билмасди-да, ахир, — деди йигит ўз-ўзига, — тасодифан тойиб кетиб лойга йиқилган бўлсам-да, бундай масхарали кулгига лойик бир қишлоки бола эмаслигимни билмагандир-да».

Опурбакришна эртасига келин кўргани бориши лозим эди. Йўл узок эмас, киз шу маҳалладан. Йигит ўзига оро бериб кийинди. Дхўти ва чадорни ечиб, ипак кашта тикилган қўйлагини кийди, кўк салла ўради, янги туфли кийиб, кўлида шоҳи соябон билан эрталаб йўлга тушди.

Бўлажак қайнота эшик олдида уни зўр тантана билан кутиб олди. Ниҳоят, келинни куёвнинг ҳузурига олиб чиқиш пайти ҳам келди. Упа-элик, зеб-зийнатлар билан оро берилган киз энгил, гулдор либосларга ўралиб, ийманибгина чиқиб келди. У бурчакда сиқилиб, бошини тиззасигача эгиб, сас-садосиз ўтираверди. Унинг орқасида ёш хонимга далда бериш учун кекса хизматкор аёл тик турарди. Бу орада келиннинг ўсмир укаси ўзларига қариндош бўлишни хоҳлаган жанобнинг салласига, со-

атининг занжирига ва энди сабза урган мўйловига махлиё бўлиб қараб қолганди.

Опурбакришна анча вақтгача мўйловини силаб, охири жиддий охангда келиндан сўради:

— Нималар ўқияпсиз?

Қат-қат кийимларга бурканиб ўтирган уятчанг келиндан ҳеч қандай жавоб бўлмади. Бироқ савол бир неча марта такрорлангач, яна орқадан рағбатлантириш турткиларидан кейин қиз биратўла шариллатиб санаб кетди:

— «Чарупатх»нинг¹ иккинчи қисмини, грамматиканинг биринчи қисмини, географияни, ҳисобни, Ҳиндистон тарихини ўқияпман.

Шу пайт кўчада шошқин қадам товушлари эшитилди, бир ордан сўнг, сочлари тўзиб елкасига тушган, ҳансираган Мринмойи кириб келди. У Опурбакришнага заррача ҳам эътибор қилмай, келиннинг укаси ёнига бориб, унинг енгидан тортди. Куёвга махлиё бўлиб ўтирган Ракхал ўрнидан туришга ҳеч ҳам кўнмади. Хизматкор аёл овозини имкон қадар мулойимрок қилиб Мринмойини уришиб берди. Опурбакришна бор қучи билан жиддий ва сипо бўлишга уринарди, тўёна салласи остида пешанасининг бирон жойи кимир этмади, қўллари эса чўнтак соатининг занжирини тортарди. Мринмойи шеригини олиб чиқишга кўзи етмагач, унинг елкасига қарсиллатиб туширди-ю, келиннинг юзидан пардани шартта тортиб олиб, уйдан ўқдек чиқиб кетди. Хизматкорлар саросимада кий-чув кўтардилар. Ракхал бўлса опасининг юзи очилиб қолгани учун хандон уриб қулиб юборди.

Мринмойи елкасига қаттиқ уриб қочса-да, Ракхал хафа бўлмади, чунки бу хил эркалатишлар улар орасида одат тусига кириб қолганди. Чунончи, Мринмойининг ҳам соч ўрими унинг айби билан тез-тез бузилиб, сочлари елкасида тўзиб юрарди. Мана шу бола бир кун қизнинг орқасида яшириниб, қайчи билан унинг бир тутам сочини кесиб ҳам ташлаган. Ўшанда Мринмойининг қаттиқ жаҳли чиқиб, унинг қўлидан қайчини тортиб олиб, қолган сочини ҳам ўзи қирқиб ташлаган, турмакланган соч узилган узумнинг бошидек ерга сочилиб кетганди... улар бу хил ҳазилларга ўрганиб қолишган.

Мринмойи кетгач, келин кўриш маросими чала қолди. Гужанак бўлиб ўтирган келинни бир амаллаб ўнгладилар, кейин у хизматкорлар билан бирга ичкарига кириб кетди.

Опурбакришна фавқулудда жиддий тусга кириб, эндигина сабза урган мўйловини чимдиб-чимдиб ўрнидан турди-да, эшикка қараб юрди. Бироқ эшикнинг олдига келиб, ипак баҳя тикилган янги оёқ кийимини тополмади. Барча уринишлар беҳуда кетди — оёқ кийим ҳеч қаерда йўқ эди. Мезбонлар ниҳоятда ўнғайсиз ҳолатда қолдилар, фараз этилган айбдор (Мринмойи) ҳақорат

¹ «Чарупатх» — Окхой Кумар Дотто (1820—1866) асари, унда тиббиёт асослари баён этилган.

ва таъналар остида колди. Узок кидиришлардан кейин Оपुरбакришнага уй эгасининг эски, йиртиқ сандалини кийиб кетишдан ўзга чора колмади. Шу ахволда, устига қимматбаҳо сарполар, бошида салла, оёғига йиртиқ сандал кийиб, кишлоқнинг лой кўчаларидан эхтиёткорлик билан юриб, ховуз бўйига етганида қаттиқ масхараомуз кулги садоси эшитилди. Гўё дарахт шохларида яширишиб ўтирган ўрмон париси, бу ғалати туфлини кўриб ўзини тутолмай хандон урмоқда эди.

Оपुरбакришна беихтиёр тўхтаб колди, хадиқсираб атрофга қаради. Шу пайтда буталар орасидан халиги шаддод масхарабоз пайдо бўлиб, Оपुरбакришнанинг олдига унинг янги оёқ кийимини кўйиб, ўзи қочмоқчи бўлди. Аммо йигит унинг кетидан қувиб, билагидан ушлаб олди. Мринмойи қочиб қутуламан деб бекорга уринарди. Унинг кулгидан гул-гул очилган, сочлари тўзғиб елкасига тушган шўх чехрасига бирдан ярк этиб қуёш шуъласи тушди. Оपुरбакришна ҳам қайнаб турган булоққа тикилиб унинг тубини кўришга интилган йўловчидек, Мринмойининг дуркун юзига ва тиниқ кўзларига тикилар эди. Кейин ўз муродига етгандек, истар-истамас кизнинг қўлларини бўшатиб, асирасини кўйиб юборди. Борди-ю, Оपुरбакришна жахл устида уни урганида ҳам, қиз ҳеч ҳам таажжубланмас эди. Бироқ у, кимсасиз сўқмоқдаги бу ғалати — сўзсиз жазонинг моҳиятини англай олмади. Ёқимли кулги билагузук жаранги каби ҳавони тўлдирди. Хаёлга чўмган Оपुरбакришна эса аста-секин уйига қараб юриб кетди.

III

Оपुरбакришна онаси билан учрашмаслик учун турли баҳоналар топиб, куни билан ичкарига кирмади. У ҳатто кечки емакни ҳам қўшнилариникида еб, уйга жуда кеч қайтди.

Оपुरбакришнадек оқил, олим бир кимсага нодон бир кизча олдида ўз табиатидаги олийжаноблик ва яширин ғурурни очиш, нега бунчалик зарур бўлиб қолганини тушуниш анча қийин эди. Ахир, қандайдир бир кишлоқи қиз уни оддий одамлардан бири деб ўйласа, нима қилибди? Мринмойи қисқа бир вақт ичида уни масхаралаб, кейин батамом унутган ва Ракхал деган нодон бир болага қизикиб қолган бўлса, бунинг Оपुरбакришнага нима дахли бор? Оपुरбакришнанинг «Жаҳон машъали» деган ойлик журналга узундан-узун тақризлар ёзиб туришини ёхуд унинг жомадонида атир, туфли, рангли қоғоз ва «Фисгармония чалиш қоидалари» китоби билан бирга, ярим кечада тонгни қутгандек бурчакка яшириниб ўз тантанасини кутаётган, бир дафтарга зич қилиб ёзилган асари ҳам борлигини бу қизчага тушунтириб ўтириш шарт эканми? Бироқ кўнгилни кўндириш қийин, ҳурматли санъат бакалаври Оपुरбакришна Рай, бу шўх кизалок олдидаги мағлубиятини сира тан олгиси келмасди.

Кош корайиб, Опурбакришна ичкарига кирганида, онаси:

— Хўш, киз калай экан, ўғлим? Сенга ёқдимиз? — деб сўради.

— Мен бир нечта кизни кўрдим, она, — деди хижолат тортиб Опурбакришна, — шулардан бири менга ёқди.

— Шошма, сен у ерда яна кимни кўрдинг? — деб хайрон бўлиб сўради онаси.

Кўп шаъмаю ишоралардан сўнг, она ўғлига қўшнилари Шоротнинг кизи Мринмойи ёқиб қолганини тушуниб етди. Уқимишли ўғилнинг дидига қойил!

Опурбакришна даставвал бир оз хайкиброк турди, аммо онасининг қатъий норозилигини кўргач, унинг тортинчоқлигидан асар ҳам қолмади. У Мринмойидан бошка ҳеч кимга уйланмайдиган, деб оёқ тираб олди. Ҳалиги бошқасини, кўғирчоқдек қимир этмай ўтирадиган кизни ўз қиллиги деб кўз олдига келтиргани ҳамон, калбида никоҳга қарши зўр нафрат уйғонар эди. Кейин икки-уч кун жанжал, айтишиш билан ўтди. Йигит бир неча бор таомдан воз кечиб, ухламай, ниҳоят онасини кўндирди.

Шундан сўнг она ўзига бундай тасалли бера бошлади: Мринмойи ҳали ёш бола, онаси уни ўқитишга, тарбия беришга қодир эмас, шунинг учун тўйдан кейин киз эриникига қўчиб келади. Ана ўшанда у қайнонанинг қўлига тушиб, тез кунда хулқи ҳам ўзгаради.

Аста-секин у Мринмойи чиройли киз деган фикрга ҳам ўзини кўниктира бошлади. Аммо келиннинг пахмоқ сочларини кўз олдига келтирганида, юраги яна қайғу-ҳасратга тўларди. Лекин бу сочларга яхшилаб ёғ суркаб, тасма билан маҳкам тортиб боғланса, бориб-бориб бу нуқсон ҳам йўқолади, деб умид қиларди.

Опурбакришнанинг бу майлини барча қўшнилари ўткинчи ҳавас, деб ҳисоблардилар. Тентак Мринмойи кўпларга маъқул бўлса-да, ҳеч ким уни ўз ўғлига муносиб қаллик деб ўйламас эди.

Тўй ҳақида Мринмойининг отаси Ишанчондро Мажумдарга хабар қилдилар. У бир кемачилик корхонасида хизмат қилар, узок бандаргоҳдаги тунука томли каталак бир хонада юк жўнатиш ва чипта сотиш билан банд эди.

Кизининг турмушга чиқишини эшитиб Ишанчондро хўнграб йиғлаб юборди. Бу кўз ёшлари аламданми, қувончданми — буни ҳеч ким аниқ билмас эди.

Ишанчондро, Мринмойининг тўйи муносабати билан хўжайинига ариза бериб таътил сўради. Аммо соҳиб буни арзимаган ваз экан, деб илтимосини рад этди. Бу ҳам бўлмагач, Ишанчондро тўйни Пужа байрамигача кечиктиринглар, шундагина мен боришим мумкин деб уйига мактуб ёзди. Бирок Опурбакришнанинг онаси, шу ойда хайрлик кун бор, биз тўйни сира ҳам кечиктира олмаймиз, деб туриб олди.

Илтимос иккинчи маротаба ҳам рад этилгач, Ишанчондро эътирозни бас қилиб, қалбидаги алам билан юк жўнатиш ва чипта сотишда давом этди.

Бу орада Мринмойининг онаси ва кишлокнинг барча кекса аёллари, кизга бундан кейин ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида минг хил панду насихат қила бошладилар: энди ўйинни унут, югуриб юрма, қаттик кулма, ўғил болалар билан лақиллашма, ширинтомкликни эсингдан чиқар, деган маслаҳатлари билан унга оилавий ҳаётни даҳшатли бир нарсадек кўрсатиб қўйдилар. Бу насихатлардан довдираб, чўчиб қолган Мринмойига гўё ёшлиги зиндонга қамалгандек, ўзига эса ўлим ҳукми ўқилгандек бўлиб туюлди. У саркаш тойчоқдек бошини эгиб, ортига тисарилди-ю, дадиллик билан:

— Эрга тегмайман! — деди.

IV

Шунга қарамай, уни турмушга узатдилар. Кейин тарбиясига киришдилар. Мринмойининг назарида, у яйраб юрган олам бир кунда қайнонасининг бағрида тутқун бўлди-қолди.

Қайнона келинини қайтадан тарбия қилишга астойдил киришган эди. У жиддий қиёфага кириб, бундай деди:

— Қизим, эсингда тут, сен энди ёш бола эмассан. Бизнинг оилада одобни бузиш расм бўлган эмас!

Мринмойи бу насихатга бошқача маъно берди. Унинг фикрича, эрининг уйида барча нарса тақиқланган бўлса-да, бошқа жойда бунга амал қилинмайди. Кечки пайт у ҳовлидан ғойиб бўлди. Дарров қидира бошладилар: у каерда, каёкка кетди? Ниҳоят, Ракхал сотқинлик қилиб, қизни яширинган жойидан судраб чиқди: кейин билишса, киз тушмагур нон дарахти соясида Радхаканта Тхокурнинг бузилиб ётган араваси остига яширинган экан. Бу воқеадан сўнг қайнона, она ва бошқа хайрихо аёллар Мринмойига нималар дейишганини ўқувчилар тасаввур қила олсалар керак.

Кечга яқин осмонни булут қоплаб, жала қуя бошлади.

Опурбакришна Мринмойига яқинроқ келиб, қулоғига оҳиста шивирлади:

— Сен мени яхши кўрасанми, Мринмойи?

— Йўқ! — деди қизишиб қиз. — Мен сизни ҳеч қачон, ҳеч қачон яхши кўрмайман!

У шу вақтгача эшитган барча таъналари учун бутун қаҳр-ғазабини Опурбакришнага тўкиб солди.

— Нима учун, ахир? Сенга нима гуноҳ қилдим? — деб сўради қўнгли озор топган йигит.

— Нима учун менга уйландингиз? — деб қичқирди Мринмойи.

Бундай айбни рад этиш кийин эди. Бирок Опурбакришна бу кайсар кизни қандай қилиб бўлса-да, ўзига ром қилишга аҳд қилди.

Эртасига Мринмойининг авзойи бузук эканини кўриб, кайнонаси уни уйга қамаб, эшикка қулф илиб қўйди. Қиз аввал кафасга тушган қушдек ўзини ҳар томонга уриб кўрди. Охири, қочишнинг иложи йўқлигини англаб, ғазабдан нима қиларини билмай, ўринга ёзилган чойшабни тортиб олди-да, пора-пора қилиб йиртиб ташлади; кейин полга мукка тушиб: «Ота, отажон!» деб ҳўнграб йиғлай бошлади.

Шу пайт кимдир секингина унинг ёнига келиб ўтирди-да, пешанасига тушиб турган чанг сочларини аста силаб, тузатмоқчи бўлди. Аммо Мринмойи жаҳл билан бошқа ёққа ўгирилиб, унинг қўлини силтаб ташлади. Шунда Опурбакришна эгилиб унинг қулоғига шивирлади:

— Мен секин эшикни очиб қўйдим. Юр, уйнинг ортидаги бокка қочамиз.

Қиз кўз ёшларини тўхтата олмай, бош силкиб:

— Йўк! — деди.

— Сен бир кара-чи, ким келибди экан! — деди Опурбакришна ва унинг иягидан ушлаб, бошини кўтаришга уринди. Эшик олдида Ракхал турарди. У полда ўтирган Мринмойига безовталик билан тикилар эди. Бирок киз бошини кўтармай, Опурбакришнани туртиб юборди.

— Ракхал сени деб келибди, у билан ўйнагани чикмайсанми? — деди йигит.

— Йўк, — деди қиз кескинлик билан.

Ракхал ортиқ бу ерда туриш ўнғайсизлигини англаб, ёни билан хонадан чиқди-ю, енгил нафас олди. Опурбакришна бўлса миқ этмай, Мринмойининг ёнида ўтириб қолди. Йиғлаб чарчаган киз мудраб қолганида, у оёқ учида юриб уйдан чиқди-да, секингина эшикни ёпиб қўйди.

Эртасига Мринмойи отасидан мактуб олди. Ота, азиз кизининг тўйига келолмагани учун таассуф билдириб, келин билан куёвга оқ фотиҳа йўллаган эди.

Мринмойи мактуб ўқиганидан кейин кайнонасига:

— Мен отамнинг олдига бораман, — деб қолди.

Аммо кайнона бу қутилмаган илтимосни эшитиб, унга танбех бера бошлади:

— Гапини қаранг-а! — деди у. — Отасининг қаерда экани маълум эмас, ҳатто манзили ҳам йўк! Бу бўлса: «Отамнинг олдига бораман» дейди! Жуда ғалати нозу фирок-ку!

Қиз индамай ўз уйига кириб, эшикни беркитиб олди.

— Отажон, мени бу ердан олиб кетинг! Мен ёлғизман, агар бу ерда қолсам — ўламан! — деб ёлворарди Мринмойи.

Фақат изтиробга тушган одамларгина Худога шу зайлда муножат қиладилар.

Ярим кечада эри ухлаб қолганидан кейин, Мринмойи аста эшикни очиб, уйдан чиқди. Осмонда пардадек юпка булутлар сузиб юрар, лекин ой йўлини ёритиб турарди. Отасининг олдига бориш учун қайси томонга юриш кераклигини Мринмойи билмасди. Аммо у, тез юрар хат ташувчилар қатнайдиغان йўл билан борилса, ер юзидаги ҳар қандай жойни топиш мумкин деб қаттиқ ишонарди. Шунинг учун қиз, почтага борадиган сўқмок билан юриб кетди. У узок йўл юрди, чарчаб қолганини сезди. Тонг яқинлашмоқда эди. Дарахтзорда сахархез қушлар уйғониб қанот қоқдилар, сайрашга ҳам тарадуд қилдилар-у, лекин ҳали барвақт эканини билиб, яна жим бўлдилар...

Мринмойи дарё бўйига келиб, қатта бозор майдонига ўхшаш бир ялангликка чиқиб қолди. Энди қаёққа юриш керак, деб ўй сурганича бўлмай, таниш қадам товушлари эшитилди. Бу — елкасида хат соладиган оғир халтаси билан тез-тез юриб хансираган хат ташувчи эди.

Мринмойи дарров унинг олдига келиб, ёлворган оҳангда зўрға гапирди:

— Мен Қушигонжга, отамнинг олдига бораман. Мени ўзингиз билан бирга олиб кетинг.

— Мен Қушигонж қаёқдалигини билмайман, — деб жавоб берди хат ташувчи.

Сўнгра ухлаб қолган эшқакчини гуртиб уйғотди-да, шу билан қайиқ соҳилдан сузиб кетди. Унинг қизга ачинишга ҳам, ундан ҳол-аҳвол сўрашга ҳам вақти йўқ эди, чоғи.

Бу орада бандаргоҳда ҳам, майдонда ҳам одамлар кўпая бошлади. Мринмойи соҳилга тушиб, қайиқчилардан бирига:

— Мени Қушигонжга обориб қўймайсизми? — деб қичқирди.

Бу одам жавоб қилишга улгурмай, ёнидаги қайиқдан бошқа биров овоз берди:

— Ҳой, ким бу? И-е, Ману, сен қандай қилиб бу ерга келиб қолдинг?

Мринмойининг хаяжондан нафаси текилиб қолди.

— Менга қаранг Бономали, мен Қушигонжга, отамнинг олдига кетяпман. Қайиғингизда мени ўша ерга элтиб қўйсангиз-чи.

Бономали шу қиплоқлик эшқакчи эди. Бу ўзбошимча қизни жуда яхши билгани учун у:

— Отамнинг олдида кетяпман, дегин? Жуда соз, ундай бўлса ўтир, обориб қўя қолай, — деди.

Мринмойи қайиққа ўтирди. Эшқакчи қайиқни сувга тушириб, йўлга равона бўлдилар. Бироқ қутилмаганда осмонни булут қоплаб, ҳақиқий жала бошланди. Дарёнинг суви куздаги сингари тошиб, тўлқинланиб, қайиқни тебрата бошлади. Мринмойини мудроқ босди. У кийимининг пешини остига солиб, қайиқ тубида ёнбошлаган эди. Дарёнинг аллалаши билан табиатнинг бу эрка, ўжар қизи бирпасда ширин уйқуга толди.

Бир маҳал киз кўзини очиб қараса, эрининг уйида ётибди. Хизматкор аёл унинг уйғонганини кўриб кимнидир чақирди. Бу овозга Опурбакришнанинг онаси кириб, Мринмойини қарғай кетди. Киз кўзларини катта-катта очиб, қайнонасига жимгина қараб турарди. Кампир келинини қўйиб қудасига ёпишганида, уни нодон деб таъна қила бошлаганида, Мринмойи қўшни хонага кочиб чиқди-да, эшикни ёпиб олди.

Шунда Опурбакришна онасининг олдига келиб:

— Онажон, келинингизни бир неча кунга отасининг олдига юборсак нима қилади? — деб сўради.

Она ўғлини ҳам «дардисар» деб атади ва кишлоқда шунча киз туриб, шу тирмизакни хотин қилиб олгани учун уни ҳам роса уришди.

V

Кун бўйи хавонинг ҳам, Мринмойининг ҳам ковоғи очилмади. Ярим кечада Опурбакришна Мринмойини аста уйғотиб:

— Отангинг олдига борасанми? — деб сўради.

— Бораман, — деди киз қувониб ва Опурбакришнанинг қўлидан ушлаб, ўрнидан туриб ўтирди.

— Ундай бўлса, тур, секин қочамиз, — деб шивирлади йигит, — мен қайиқ топиб қўйганман.

Шунда Мринмойи самимий миннатдорлик билан эрига назар солди. Кейин тез ўрнидан туриб кийинди. У бирпасда тайёр бўлди. Опурбакришна онасини хотиржам қилиш учун мактуб ёзиб қолдирди, шундан сўнг иккаласи уйдан чиқишди. Бу сокин кечада, кишлоқнинг бўм-бўш кўчасида, Мринмойи илк марта эрининг қўлига ишонч билан суяниб олди, ана шунда йигит ҳам майин қўллар ҳароратидан юрагининг қувонч билан уришини сезиб борарди.

Улар шу кечасиёқ қайиқда йўлга тушдилар. Қайфияти чоғ бўлишига қарамай, Мринмойи дарров ухлаб қолди. Янги кун уни эркин ва бахтиёр ҳолда кутиб олди. Дарёнинг икки соҳилида қанчадан-қанча кишлоқлар! Ялангликлар, майсазорлар, яйловларнинг поёни кўринмайди. Қайиқлар-чи, қайиқлар! Улар ҳам сонсаноксиз, барчаси ёнларидан сузиб ўтмоқда. Ҳар қандай арзимас нарсаси ҳам Мринмойининг кўнглида юзлаб савол туғдирар эди: «Бу қайиқда нима бор? Бу одамлар қаерлик? Бу жойнинг номи нима? Албатта, бундай саволларга Опурбакришна ҳам жавоб топиб беролмас, Қалкуттада орттирган тажрибаси ҳам бу масалаларни ҳал қила олмасди». Бу хил сўроқлардан унинг дўстлари хижолат тортишлари мумкин эди, лекин у, баъзилари ҳақиқатга тўғри келмаса ҳам, ҳар бир саволга жавоб беришга уринди. Бинобарин, у тортиниб ўтирмай, кунжутни зигир, Панҷбер шаҳарчасини — Райногор, суд идорасини заминдорнинг ховлиси деб тушунти-

ра берди. Лекин бу хатолар олийҳиммат суҳбатдошининг унга бўлган эътиқодини заррача камайтиргани йўк.

Иккинчи кун кечки пайт қайик Кушигонжга етиб келди. Ишанчондро тунука томли, товукнинг катагидек хонада, новдадан тўкилган курсида ўтирган эди. У чирок ёруғида, идора дафтарлари қалашиб ётган кичкина столга энгашиб, ҳисоб-китобларни тўғриламақда эди. Шу вақт остонада ёш қаллиқлар пайдо бўлишди.

— Ота! — деб кичкирди Мринмойи.

Бу уйчада ҳеч қачон бундай овоз эшитилган эмас. Ишанчондронинг кўзларига тирқираб ёш келди, юзларидан оқиб тушиди. У саросимада нима қилишини, нима дейишини билмай қолди. Унга куёви шахзода-ю, қизи маликадек туюлди. Фикрлари чувалашиб, керак-нокерак бўюмлар уюлиб ётган хонада уларга қай тариқа тахт қуришни билмасди. Кейин таом масаласи ҳақида ҳам ўйлашга тўғри келди. Шўрлик чол ўзи шоли оқлаб, ўзи пишириб ер эди. Ҳозир, бу ғамхонага қувонч олиб келган мўътабар меҳмонларни нима билан сийлаш мумкин?

Чол шу андишада экан, Мринмойи:

— Бугун ҳаммамиз биргалашиб таом пиширамыз, — деб қолди. Опурбакришна бу таклифни мамнуният билан маъқуллади. Уйда хизматкорларга ўрин етишмасди. Аммо чашма суви кичик тешиқдан икки чандон куч билан отилиб чиққанидек, бу ерда ҳам кашшоқликнинг хира чехрасида қувонч нури яна ҳам равшанроқ кўринар эди.

Шу тариқа уч кун ўтди. Одатда, ҳар кун соат иккида кема келар, ундаги одамлар у ёқдан-бу ёққа югуришиб бу ернинг тинчлигини бузардилар. Кечки пайтга бориб соҳил бўшаб қоларди. Шунда... шунда улар ўзларини чинакам эркин ҳис этардилар! Улар учовлашиб масаллик олиб келишар, таом пиширамыз деб неча бор бузишар, охири амал-тақал қилиб бир нима пиширишарди. Кейин Мринмойининг билагузуклар жаранглаган меҳрибон қўллари билан сузиб келтирилган таомни, ота билан куёв ўтириб ейишарди. Рўзгорнинг кўп нуксонларидан ҳаммадан аввал тадбиркор Мринмойи куларди, аммо ундаги бу қадар қувонч ва болаларча ғурурнинг сабаби ҳам, худди шу нуксонлар эди.

Кунлар шу тариқа ўтаверди. Ниҳоят Опурбакришна, энди кетмасак бўлмайди, деб қолди. Мринмойи, ҳеч бўлмаса яна бир кун турайлик, деб илтимос қилди, аммо отаси, кетганларингиз маъқул деб маслаҳат берди.

Хайрлашиш кун Ишанчондро қизини бағрига босиб, бошини силаб туриб насиҳат қилди:

— Қизим, сен Лакшмидек қайнонанг уйига бахт олиб киришинг керак. Ўзингни шундай тутки, ҳеч ким сенга таъна қилолмасин!

Миринмойи йиғлаб-сиктаб жўнади. Ишанчондро бўлса, янада файзсиз бўлиб қолган тор кулбасида, илгаригидек кунлар ва ойлари юк тортиш билан ўтказиш учун қолди.

VI

Гуноҳкор эру хотин уйга қайтиб келишганида, Оपुरбақришнанинг онаси қовоқларидан қор ёғиб, уларни хомушлик билан кутиб олди: у шундай жазо беришни билардики, бундан қочиб қутулишнинг сира иложи йўқ. Бу сўзсиз таъна, бу тилсиз жазо бутун ховлини захар-заққумга тўлдирди. Токати ток бўлган Оपुरбақришна бир куни:

— Ойи, яқинда коллежда ўқиш бошланади. Мен бориб ҳуқук фанини ўрганишим керак, — деди.

— Хотинингни нима қилмоқчисан? — деб совуққина сўради онаси.

— Келинингиз шу ерда қолади.

— Йўқ жаноб, бунақаси кетмайди. Уни ўзингиз билан бирга олиб кетинг! — деди кампир кесатиб. Ҳолбуки, у ўғлига одатда «сен»лаб гапирарди.

— Яхши, — деди ранжиган Оपुरбақришна.

Қалқуттага кетиш тайёргарлиги ўз ниҳоясига етди. Охирги куни кечаси Оपुरбақришна ўрнига келиб қараса, Мринмойи йиғлапти. Унинг юраги шув этиб кетди.

— Мен билан бирга Қалқуттага боришни хоҳлайсанми, Мринмойи? — деб сўради йигит хафахол.

— Йўқ, — деди киз.

— Мени яхши кўрмайсанми?

Кўпинча бундай саволга жавоб бериш жуда осон бўлади, бироқ ҳозирги вазиятда бу қийин эди.

— Ракхалдан ажраш оғир туюляптими? — деб сўради йигит.

— Ҳа, — деди киз соддадиллик билан.

Муштдек болага бўлган рашк, ўқимишли ёш бакалаврнинг юрагига, худди игна сингари санчилди.

— Мен узоқ вақт уйга келолмайман, — дея гапирди Оपुरбақришна, — эхтимол икки йилгача, балки ундан ҳам кўпроқ.

— Уйга қайтганингизда Ракхалга, албатта уч тиглик қаламтарош олиб келинг, — деб талаб қўйди Мринмойи.

Оपुरбақришна ётган жойида бир оз кўтарилиб, хотинига қаради:

— Нима қиласан, сен шу уйда қоласанми?

— Мен онаникида қоламан, — деди Мринмойи.

— Яхши, — деди Оपुरбақришна хўрсиниб, — аммо шуни билиб қўйки, то келинг деб хат ёзмагунингча қайтиб келмайман. Энди кўнглинг жойига тушдими?

Мринмойи бунга жавоб қайтаришни ортиқча деб билди шекилли, ухлаб қолди. Аммо Оपुरбақришна ухлолмади. У узоқ вақтгача ёстикқа тирсақларини тираб ўтирди.

Кечаси алламаҳал бўлганида ой чикиб, бехосдан унинг ёғдуси булар ётган ўринга тушди. Опурбакришна Мринмойига узоқ тикилиб қолди. Назарида, бу киз — кимнингдир кумуш таёқчаси тегиб сеҳрланган маликадек туюла бошлади. Эндиликда факат олтин таёқчаси бўлган кимсагина уйқудаги бу дилбарни уйғотиб, унга никоҳ гулчамбарини ила оларди.

Кумуш таёқча — кулги, олтин таёқча — қўз ёши.

Субхидамда Опурбакришна Мринмойини уйғотди.

— Мен ҳозир кетишим керак, — деди у. — Юр, сени уйинг-гача кузатиб қўяй.

Қиз турганидан сўнг, Опурбакришна унинг қўлларини ушлаб туриб сўз бошлади:

— Сенга бир илтимосим бор. Мен бир неча бор сени оғир ахволдан қутқардим, энди хайрлашиш чоғида сендан кичик бир мукофот сўрайман.

— Қандай мукофот? — деди киз.

— Ўзинг мени ўп, токи севишингни ҳис қилиб кетай.

Бундай ғалати илтимосни эшитгач, Опурбакришнанинг жиддий қиёфасини кўриб, киз хандон уриб кулди. Ниҳоят ўзини тутиб олиб, жиддий тусга кирди-да, эрини ўпишга ҳаракат қилиб, юзини унга яқинроқ олиб борди, аммо яна ўзини тутолмай қаҳқаҳ уриб кулиб юборди. Охири, икки марта муваффақиятсиз уринишдан кейин, ҳамон кулишда давом этиб, чойшабга ўралиб олди. Йигит унинг кулоқларидан тортиб жазо берган бўлди.

Опурбакришна ўз олдига оғир вазифа қўйганди. У мажбурлашни, тортиб олишни ўзига муносиб кўрмасди. Худди тангрилардек ҳеч қандай ташаббус кўрсатмас, факат ихтиёрий қурбонликнигина талаб этиб, ўз қўли билан бирор нарса олишни хоҳламас эди.

Мринмойи кулишдан тўхтади.

Опурбакришна тонгда жимжит кўчалар орқали кизни ўз уйига кузатиб қўйди-да, онасининг ҳузурига қайтди.

— Мен ўйлаб-ўйлаб шу фикрга келдим: агар хотинимни Калкуттага олиб борсам, қийналиб қоламан, — деди у. — Бунинг устига, у ерда унинг танишлари ҳам йўқ. Сиз бўлса, уни ёнингизда бўлишини истамайсиз, шунинг учун Мринмойини онасининг олдига элтиб қўйдим.

Она-бола бир-бирларидан қаттиқ ранжиган ҳолда хайрлашдилар.

VII

Мринмойи уйига қайтиб келди, бироқ бу ерда унга ҳеч нарса қувонч бера олмади. Гўё уйда ҳамма нарса ўзгаргандек эди. Вақт бир жойда тўхтаб қолгандек. Қиз нима қиларини, қаерга борарини билмасди, ҳеч кимни кўришни истамасди.

Унга уйда, хатто бутун кишлоқда ҳам ҳеч ким йўқдек туюла бошлади. Ўзига ҳам номаълум сабаб билан, бирдан Калкуттага кетгиси келиб қолди. Холбуки, ўтган куни кечаси бу фикр унинг хаёлида ҳам йўқ эди! Қандайдир сабаб билан, кечагина жонига теккан ҳаётга қараши бирданига ўзгариб қолди. Ўтмиш, гўё қузғи сўлғин япроқ каби енгил, сездирмай учиб кетди.

Ривоятларга қараганда, шундай мохир усталар бўлармиши, улар ясаган ўткир қилич билан тана иккига бўлинса ҳам одам сезмасмиш, фақат қўл билан теккандагина жасад икки бўлак бўлиб ерга тушармиш. Парвардигорнинг қиличи ҳам шундай: у Мринмойининг болалик ёшини балоғат ёшидан ажратгани, қиз буни ўзи ҳам сезмай қолди. Фақат энди, бу ўзгаришни бошидан кечиргач, у надомат ва хайрат билан кўрдики, бола — Мринмойи орқада қолиб кетибди. Ота-она уйдаги ётоғи ҳам ўзига бегона туюлди, чунки илгари бу хонада ётиб юрган Мринмойи энди йўқ. Унинг юрагига бошқа уйнинг, бошқа ётоқнинг нақши тушган, у бошқа ўринни қўмсарди...

Энди Мринмойи уйдан ташқарига чиқмасди, хандон уриб кулмасди. Ракхал дугонасидан кўркиб қолди, ўйин-кулги эса қизнинг хаёлига ҳам келмасди...

— Она, ўғлингизнинг олдига боришга рухсат беринг, — деди бир куни Мринмойи.

Бу пайтда Оपुरбакришнанинг онаси ўғлининг хайрлашиш чоғидаги маънос чехрасини эслаб, юраги эзилмоқда эди. Айниқса, жаҳл устида келинининг кетиб қолишига йўл қўйгани унга тинчлик бермасди.

Қайнона мана шу кайфиятда экан, бир куни Мринмойи чодрага ўралиб уйга кириб келди-да, унга эхтиром билан таъзим қилди. Қайнона кўзларига ёш олиб, шошганича келинини бағрига босди. Шу захотиёқ улар ярашиб, опок-чапоқ бўлиб кетишди. Келинига назар солиб, Оपुरбакришнанинг онаси тамоман хайратда қолди: бу аввалги Мринмойига сира ўхшамас эди. Оддий одамнинг бу зайлда, кишини хайратда қолдирадиган даражада тез ўзгариши мумкин эмас, ахир ўз-ўзингни ўзгартириш учун кучли ирода керак.

Қайнона Мринмойи хулқидаги нуқсонларни аста-секин ўзгартирмоқчи эди. Бироқ қандайдир, кўзга кўринмас мураббий жуда тез таъсир қилувчи бир воситани ишга солиб, бу қизни гўёки қайтадан яратибди.

Энди Мринмойи ҳам қайнонанинг кўнглини яхши билар, у ҳам ўз навбатида келинининг гапларини яхшироқ англайдиган бўлди. Бутун рўзгор ишларини икковлашиб юриштирар, худди дарахт билан шохдек бир-бирларидан ажралмас бўлиб қолишди.

Мринмойининг чехрасида аёллик латофати билан салобат барқ уриб, бутун борлигини қамраб турарди-ю, бироқ ёш жувон нимадандир изтироб чекаётгандек эди. Кишини йиғлатадиган аччиқ

бир алам, худди ашарх¹ ойидаги қора булутлар сингари, унинг юрагига чўкиб қолганди. Бу алам, унинг узун қора киприклари соясини яна ҳам қуюклаштиргандек эди.

— Мен-ку тентак эдим, лекин нега сиз тушунмадингиз, — деб фикран эрига мурожаат қиларди Мринмойи. — Нега менга ўргатмадингиз? Нега мени кулоқ солишга мажбур этмадингиз? Мен ярамас «йўқ» деганимда, нима учун зўрлаб Калкуттага олиб кетмадингиз? Нега гапимга кирдингиз, нима учун нозу эр-каликларимга тоқат қилдингиз?

Кейин у ўша куни эрталаб кўл бўйидаги сўкмоқда Оपुरбакришна уни ушлаб олганини, бир оғиз гапирмай, юзига тикилганини эслади. Мринмойи ўша кўлни, унинг ёнидаги дарахтни, эрталабки қуёш нурларини, Оपुरбакришнанинг юракка қадалувчи нигоҳини кўз олдига келтириб, бу қарашнинг маъносини энди тушуниб етди.

Мринмойи ўйлаб кетди: агар у ўшанда ўзини бошқача тутса, унинг биргина саволига бошқача жавоб қайтарса, у ҳолда нималар юз берган бўларди?

Илгари Оपुरбакришна, Мринмойи мени сира ҳам тушунмайди, деб диққат бўларди. Энди Мринмойи ёлғиз қолиб, Оपुरбакришна мен ҳақимда нима деб ўйлайди, мени ким деб билади, деб ўйлагани ўйлаган эди. Эри уни оташин бўсалар билан мухаббат ташналигини кондиришга ноқобил, тантик, ўжар, тутуриксиз ва аҳмоқ киз деган фикрда эканини ўйлаганида, унга қаттиқ алам қилар, хижолатдан ер ёрилса ерга киргудек бўлар эди. Нима қиларини билмай, Оपुरбакришнанинг ёстиғига ҳарорат ва эҳтирос тўла бўсалар бағишларди.

Шу тарика анча вақт ўтди.

Оपुरбакришна Мринмойидан мактуб олмагунча уйга қайтмайман деган эди. Мана шуни эслаб, у бир куни эрига мактуб ёзишга киришди. Мринмойи эри бериб кетган зарҳал хошияли рангдор қоғозни олиб ўйга толди. Кейин қунт билан, лекин илангбиланг қилиб қоғозга чизди-да, бармоғини сиёҳга ботириб, турли ҳажмдаги ҳарфлар билан, ҳеч қандай мурожаатсиз, ёзди: «Нега менга хат ёзмайсиз? Аҳволингиз қалай, уйга келинг. Яна нималарни ёзиш кераклигини билмайман». У ёзмокчи бўлган гап шу билан тугаган эди, бироқ жамиятда ўйлаган нарсангдан ташқари яна нима ҳақидадир гапириш одати бор. Мринмойи бунни аниқ биларди. Шунинг учун у бир оз ўйлаб, яна бир неча сўз қўшиб қўйди: «Энди марҳамат қилиб, сиз менга мактуб ёзинг. Аҳволингиз қандай, шу ҳақда ёзиб, уйга қайтинг. Онам соф-саломат, кишлоқдаги қизлар ва болалар ҳам саломат. Бизнинг қора сигиримиз кеча туғди». Шу билан у ўз мактубини тугатди. Кейин уни хатжилдга солиб, ҳар ҳарфига кўз ёшлари-

¹ Ашарх — хинд тақвимининг учинчи ойи.

ни тўкиб, меҳр билан ёзди: «Опурбакришна Рай жанобларига». Унинг муҳаббати канчалик чексиз бўлмасин, барибир ҳарфларни тўғри ва чиройли чиқаролмади. Хатжилдга исмдан ташқари яна манзилни ҳам ёзиш кераклигини Мринмойи билмасди. Мактубга қайнонаси ёхуд бошка бирор кишининг кўзи тушишидан қўриқиб, ишончли хизматкордан почтага юборди.

Бу мактубдан ҳеч қандай натижа чикмаганини сўзлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки у Опурбакришнага етиб бормаган эди.

VIII

Онаси қараса, таътил ўтиб кетса ҳам Опурбакришна уйга қайтмабди. У ўғлим ҳали ҳам хафа, деб ўйларди. Мринмойи эса, у мендан ранжиган деб ўзи ёзган мактубдан андиша қилиб, ер ёрилса ерга киргудек бўлиб юрарди. Ростдан ҳам мактуб жуда аянчли эди. Унда бирорга бамаъни сўз йўқ, у бу мактубда ҳатто ўзи ўйлаган сўзларни ҳам ифода этолмаган эди. Опурбакришна уни ўкиб, Мринмойини яна ёш бола деб, янада нодонроқ ҳисоблайди, деган фикр шўрлик қизнинг қалбини ўк теккандек яралар эди.

— Сен мактубни почтага олиб борганмидинг? — деб қайта-қайта сўрарди Мринмойи хизматкор аёлдан.

— Бўлмасам-чи, мен уни ўз қўлим билан почта қутисига ташладим, — деб ишонтирарди хизматкор. — Эҳтимол, жаноб уни аллақачон олгандирлар.

Бир кун Опурбакришнанинг онаси Мринмойини чакириб:

— Она қизим, Опурбакришна анчадан буён уйга келмай қўйдим, мен уни кўргани Калкуттага бормоқчиман. Сен ҳам бормаи-санми? — деб сўради.

Мринмойи маъқуллаб бош силкиб қўйди. Маъқуллади-ю, югурганича уйига кириб эшикни ёпиб олди, ўзини каравотга ташлаб, ёстикни қучоқлади-да, қувончи ичига сиғмай хандон уриб кулиб юборди. Анчадан сўнг кулгидан тўхтади-ю, бирдан турди хил хавфларни ўйлаб, кўнгли тўлиб йиғлади.

Ўзларининг боришларидан Опурбакришнани хабардор ҳам қилмай, гуноҳкор қайнона-келин ундан узр сўраш учун Калкуттага жўнашди. Калкуттада қайнона куёвининг уйига тушди.

Бу орада Опурбакришна Мринмойидан мактуб келишини кутмай, ўз аҳдини бузиб, бир кун кечаси ўтириб мактуб ёза бошлади. Бироқ у ҳеч қандай муносиб таъбир тополмади. Йигит ҳам муҳаббат, ҳам алам акс этадиган мурожаат шаклини кидирарди. Аммо муносиб ифода тополмаганидан она тилига бўлган ҳурматсизлиги яна ҳам кучайди. Шу пайтда унга поччасидан мактуб келтиришди, унда онаси келганлиги хабар қилиниб, уни тушки таомга етиб келиши сўралган эди. Мактубнинг охирида уйда

тинчлик деб айтилган бўлса-да, Опурбакришнанинг кўнглидан турли хаёллар ўтиб, таъби хира тортди. У дарров синглисиникига караб жўнади.

— Уйлар тинчми, она? — деб сўради онасини кўрган хамон.

— Уйдагиларнинг хаммаси сихат-саломат, болам, — деди она, — кўпдан буён уйда бўлмаганинг, таътилда ҳам бормаганинг учун сени олиб кетгани келдим.

— Бекорга овора бўлибсиз, — деди Опурбакришна, — мен ҳуқуқдан имтиҳонга тайёрланишим лозим...

Емак устида синглиси Опурбакришнага караб:

— Ака, нега келинойимни олиб келмадингиз? — деб сўради. Йигит жиддий кифада гап бошлади:

— Ҳуқуқ фани билан шуғулланиш...

— Бўлмагур гапни кўйиб, тўғрисини айтаверинг, — деб кулди поччаси, — уни бизга кўрсатишга кўрқяпсиз.

— Ростдан ҳам эҳтиёт бўлиш керак, — унинг сўзини бўлди хотини, — агар ёш боланинг кўзи сизга тушса, албатта кўрқади-да.

Сухбат шундай хазилкашлик билан давом этса-да, Опурбакришнанинг ковоғи очилмади. Ҳазиллар қайтага уни асабийлаштирарди. Агар истаса Мринмойи ҳам келарди, деб кўнглидан кечирди у. Эҳтимол онам уни олиб келишга уриниб ҳам кўргандир, лекин у кўнмаган бўлса керак, деб ўйларди. Минг хил хаёлларга бориб турган бўлса-да, онасидан сўраб-суриштиришга ботинмади. Инсон ҳаёти ва бутун борлиқ унга нукул ёлғондан иборатдек кўринди.

Кечки таом тугай деганда, кучли шамол қўзғалиб, жала қуя бошлади.

— Ака, бугун бизникида қолинг, — деб илтимос қилди синглиси Опурбакришнага.

— Йўқ, уйга кетишим керак, ишим кўп, — деди йигит.

— Кечаси қандай иш бўларди? — деб эътироз билдирди поччаси, — ахир бизникида ётиб колганингиз учун бировга ҳисоб бермайсиз-ку. Ниманинг ташвишини қияпсиз?

Узоқ мунозарадан кейин Опурбакришна, ноилож шу ерда тунашга рози бўлди.

— Жуда чарчаган кўринасиз ака, бориб ётганингиз маъқул — деди синглиси.

Бу таклиф Опурбакришнанинг кўнглидагидек бўлди. У, қоронғи уйда танҳо қолсам ташвишларим бир оз камаяр, деган умидда эди... Сухбатга қўшилишни истамасди.

— Чирокни шамол ўчирибди, ёкиб берайми? — деб сўради синглиси.

— Йўқ, керак эмас, — деди Опурбакришна, — мен ёруғда ухлолмайман.

Синглиси кетди, Опурбакришна астагина ўрнига яқинлашди. Энди ётай деб турганида, бирдан билагузукларнинг жаранглага-

ни эшитилди, икки нозик қўл уни ушлаб маҳкам бағрига босди, кимнингдир гул баргларини эслатувчи лаблари бехос унинг юзларига тегди, кўз ёшлари аралаш ҳароратли бўсалар йигитга ўз хайратини баён қилишга ҳалақит берарди.

Опурбақришна дастлаб ханг-манг бўлиб қолди, кейин фаҳм-ласа: бир вақт қулги ҳалақит берган илтимоснинг бажарилишига бугун кўз ёшлари ёрдам берибди.

1893 йил

ЕЧИЛГАН ЖУМБОҚ

I

Жиракотлик Кришногопал Шоркар заминдорликни ва оила бошлиғи вазифасини катта ўғлига топшириб, ўзи Банорасга кетди.

Вилоятнинг камбағаллари ҳасрат-надоматда қолдилар. Бизнинг давримизда, бундай олийҳиммат ва одил бир зотни топиш анча мушкул.

Янги заминдор — Кришногопалнинг ўғли Бипинбихари эса, ҳозирги замон кишиси. У ўқимишли, илмий унвони бор, соқол қўйган, кўзойнак такади. Одамларга унча-мунча қўшилмайди. Хулқи ўзгаларга ибрат бўларлик — чекмайди, кимор ўйнамайди. Кўриниши ёқимтой. Бироқ жуда каттикқўл. Унинг бу феълени ижарачилар ҳам сезиб қолдилар. Эски хўжайин уларга анча меҳрибон эди. Янгиси эса, вақтида тўланмаган бир пайсани кечмайди, бунинг устига, у тўланмаган қарзга бир қун ҳам муҳлат беришга рози эмас.

Бипинбихари хўжалик ишларида анчагина нуқсонларни топди. Отаси браҳманларга ер бериб, улардан солиқ олмабди. Кўп деҳқонлар ижара ҳақини қисман тўлашибди, холос.

«Отам жуда қўнгилчан эди,» — деб ўйлади Бипинбихари. — Ундан нимани сўрашса бераверган. Мен бунга чек қўяман. Биринчидан, — дер эди у ишонч билан, — ердан келган даромад билан қун кечириб, ҳеч иш қилмайдиган бу бекорчилар қимга керак? Уларга раҳм қилиш — ялқовлик ва такасалтангларни рағбатлантиришдан бошқа нарса эмас. Иккинчидан, ҳозир илгаригига қараганда ҳамма нарса қиммат, қун кечириш оғир; одамшаванда кишиларга эса янада каттароқ талаблар қўйилган. Ҳозир ўз обрўйинини сақлаш учун уч-тўрт марта ортиқроқ сарф-харажат қилишга тўғри келади, пулни ҳовучлаб сочиш, сармояни совуриш ярамайди. Илгари бой берилган ҳамма нарсани аста-секин йиғиб олишга ҳаракат қилиш зарур. Бу менинг бурчим».

Бипин иккиланмай ўз бурчини адо этишга киришди. У ижарачилардан отаси ҳада қилган мол-мулкни тортиб олди, тез фурсатда уларда деярли ҳеч нарса қолмади.

Деҳқонлар оғир аҳволларидан шикоят қилиб, бирин-кетин Банорасга мактуб юбора бошладилар. Баъзилари Кришногопалнинг оёқларига йиқилиб арз-дод қилиш учун Банорасга бордилар.

Собиқ хўжайин, хўжаликни бу тарзда бошқариш ярамайди, деб ўғлига мактуб ёзди. Ўғли бунга эътироз билдирди. «Илгари, — деб ёзди у отасига, — даромад турли манбалардан келгани учун заминдорлар билан ижарачилар бир-бирига ён берардилар. Янги

конун бўйича эса, заминдорга фақат солиқ тўплаш ҳукуки ва унинг ягона даромад манбаи бўлган ижара ҳақини тўла-тўқис йиғиб олиш қолган, холос. Мен бундан ортиқ ҳеч нарсани талаб қилмайман. Ижара ҳақидан ўзга даромадимиз йўқ, агар биз хайр-саховатга зеб берсак — хонавайрон бўламиз. У ҳолда мол-мулкимиз қўлдан кетиб, обрўйимиз ер билан яқсон бўлади».

Замон руҳига мос келадиган бу зайлдаги жиддий ўзгаришлар, дастлаб Кришногопални ташвишга солиб қўйди. Аммо у кейинчалик, ҳозирги замонда қандай иш юритишни биздан кўра шу замона ёшлари яхши билади, эҳтимол илгариги иш услуби ҳозирга тўғри келмас, деган фикрга келди. «Агар мен узоқдан туриб ҳар нарсага аралаша берсам, — деб ўйларди у, — ўғлим: «Ундок бўлса бу ишни ўзингиз қилинг» деб қолиши мумкин. Мен эса ҳозир бундай ишлар билан шуғулланишга қодир эмасман».

Шу фикрга келгач, чол қолган умрини тоат-ибодат билан ўтказишга қарор қилди.

II

Бу орада Бипинбихари кўпчилик билан судлашиб, даъвода устун чиқиб, барча ишни ўз фойдасига ҳал қилди. Ижарачиларнинг аксарияти кўрқиб, бўйсунушга мажбур бўлди. Фақат бир киши, Мирзо Бирининг ўғли Озимуддин Бишшашгина ўжарлик қилиб туриб олди.

Бипинбихарининг ҳаммадан кўпроқ ана шунга ғазаби келарди. Агар унинг отаси бирор брахманни ер солиғидан озод қилса буниси бир нав, аммо қандайдир бир мусулмоннинг ҳеч қанақа солиқ тўламай, ҳосилдор ердан фойдаланиб келишига сира тушуниб бўлмайди.

Қишлоқ мактабида жамоатнинг пулига ўқиган бу мусулмон боласи афтидан ўзини бахтиёр санаб, ҳеч ким билан ҳисоблашмай қўйибди.

Бишшаш оиласи қўлдан буён эски хўжайиннинг илтифотидан фойдаланиб келарди. Буни Бипин собик хизматкорлардан билиб олди. Лекин улар ҳам бунинг сабабини аниқ билишмасди.

Эҳтимол бева кампирнинг йиғлаб-сиқташларини кўриб, кекса хўжайиннинг раҳми келгандир. Бироқ мусулмон фарзандига бундай имтиёз бериш Бипинга сира маъқул бўлмади. Чунки Бипин уларнинг ўтмишда камбағал ва муҳтожликда яшаганларини кўрмаган, у фақат бу оиланинг фаровонлигини-ю, сабаби номаълум ғурурини кўрган холос. Унга, мусулмонлар раҳмдил отасини виждонсизларча алдаб, мол-мулкнинг бир қисмини ўғирлагандек туюларди.

Бироқ Озимуддин ҳам бўш келмайдиган йигитлардан эди.

— Мен ўлишга розиман, — деди у, — лекин ўз ҳуқуқимдан заррача чекинмайман!

У билан Бипин орасида каттик кураш бошланди. Озимуддиннинг онаси заминдор билан олишиб юрма, деб насихат қиларди.

— Ўшанинг илтифоти билан биз кўпдан буён яхши яшаб келдик, — дерди у, — бизнинг вазифамиз итоаткорлик. Унга бир оз ён бера қол, болам.

— Она, сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз, — деб эътироз қилди ўғли.

Ҳамма даъволар унинг зарарига ҳал бўлди, бироқ бу мағлубият унинг қайсарлигини оширди, ҳолос. Озимуддин ўз мол-мулкини сақлаб қолиш учун ҳамма чораларни кўрди.

Онаси Мирзо-биби бўлса, бир куни мева-чева, совға-салом олиб, яширин равишда Бипин-бабунинг ҳузурига келди.

Кампир Бипинга маънос назар солди-да, енгига астагина қўл тегизиб, илтижо этди:

— Бипин-бабу, сиз бизнинг отамизсиз, Аллоҳ таоло сизни ҳаргиз кам қилмасин. Озимуддинимни ҳалок қилманг. Бу иш сизга муносиб эмас. Мен ўғлимнинг тақдирини сизга топшираман. Унга ҳали эс қирмаган, ёрдамга муҳтож, акалик қилинг. Шундай катта давлатингизнинг бир заррасига эгалик қилгани хафа бўлишингизга арзимайди.

Бу кампир, Бипиннинг оиласига суқилиб киришга уринаётгандек туюлди. Аёлнинг юзсизларча ҳаракати унинг қазабини янада оширди.

— Сиз аёл кишисиз, ҳеч нарсани тушунмайсиз, — деди Бипин, — агар бирор нарса ҳақида сўзлашиш лозим бўлса, олдимга ўғлингизни юборинг.

Шундай қилиб Мирзо-биби ўғлидан ҳам, бегона кишидан ҳам бир хил гап эшитди: «Сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз». Энди унга кўз ёшларини артиб, Яратгандан мадад тилаб, уйга қайтишдан ўзга чора қолмаган эди.

III

Иш жинойий суддан округ судига, ундан олий судга ўтди. Судлашиш бир ярим йил давом этди. Ниҳоят, Озимуддин кулоқларигача қарзга ботгач, шикоятлар суди ишни қисман унинг фойдасига ҳал қилди.

Бироқ у эндигина йўлбарс — заминдор чангалидан ҳалос бўлганида, унга тимсоҳлар — пулдорлар ҳужум бошлади, яъни пайт пойлаб турган судхўрлар векселларини пеш қилиб, пул талаб қилдилар.

Қарзларни тўлашга қодир бўлмаган Озимуддиннинг мол-мулкини кимошди қилиб сотиш бозор кунига — душанбага тайинланди.

Бозор дарё соҳилида эди. Ёмғирлар мавсуми бўлгани учун дарё тўлиб-тошиб оқарди. Савдогарлар ҳамма жойда — кирғоқда,

сувда, қайиқда савдо қилардилар. Хаммаёқни шовкин-сурон тутганди. Дехконлар бу ойда бозорга жуда кўп ёнғоқ ва балик келтирган эдилар.

Хавони булут қоплаган. Савдогарлар ёмғирдан кўркиб, бамбук ёғочларидан айвончалар ясаб олишган.

Озимуддин ҳам озиқ-овқат олиш учун бозорга келди. Аммо бир пайса ҳам пули бўлмаганлиги учун унга ҳеч ким қарзга мол бермади. У болта билан мис товоқ олиб келган, уларни гаровга кўйиб, бир оз пул олмоқчи эди.

Бипин-бабу кечки пайтда сайр-томошага чиқди. Бир неча мухофизлар калтак ушлаб, уни кўриқлаб борардилар. Оломоннинг ғала-ғовури заминдорнинг диққатини жалб этди. У бозор дарвозаси олдида тўхтаб, қоровулдан хол-ахвол сўради.

Ўз душманини кўрган Озимуддин болта кўтариб Бипинга ташланди. Уни шу ондаёқ қуролсизлантириб, полицияга топширдилар. Бозорда эса савдо-сотик давом этарди.

Бипин-бабу бу ҳодисадан қувонмади деб айтиш мумкин эмасди. Ахлоқ ва одобга зид бўлган бу хатти-ҳаракат учун жазо берилиши керак. Энди у, ўз килмишига яраша жазосини тортади.

Бипиннинг ичкари ҳовлисидаги аёлларнинг қаҳр-ғазаби чексиз эди.

— Бу ҳаромзоданинг килмишига қаранг-а, — дейишарди улар. Аёллар ҳам энди Озимуддин хўп жазосини тортади-ку, деб ўзларига тасалли берардилар.

Бева аёлнинг хувиллаб қолган уйи тим қоронғи эди. Унинг емоққа ҳеч нарчаси йўқ. Ўғлининг камалиши унинг учун дунёдаги энг мудҳиш ҳодиса эди. Бошқалар бу ҳодисани аллақачон унутиб, биров таом ер, биров ухлар, биров дам оларди. Бутун оламда унинг ўғлини ҳимоя қилгудек бирор кимса йўқ эди.

Озиб-тўзиб қолган кампир қоронғи кулбада танҳо ўтирар, умидсизликка тушган бу шўрлик ўз додини кимга айтишни билмасди.

IV

Бир неча кун ўтди. Ниҳоят, суд муовини иш кўриладиган кунни тайинлади. Бипин гувоҳлик бериши лозим эди. Илгари заминдорлар ҳеч қачон гувоҳлик бермаганлар. Аммо Бипин гувоҳ сифатида иштирок этишга рози бўлди.

Суд бўладиган кун ҳам келди. Бипин тахтиравонда етиб келди. Бошида салла, кўкрак чўнтагида узун занжирли соат.

Суд раиси унга алоҳида ҳурмат кўрсатиб, ёнидан жой кўрсатди. Суд биноси одамга лик тўла эди: кўпдан буён бундай лабдабали суд бўлмаганди.

Суд бошланишидан олдин ҳимоячиларидан бири келиб Бипин-бабунинг қулоғига ниманидир шивирлади. Ташвишга тушган Бипин: «Мен ҳозир келаман», деганича кўчага чиқиб кетди.

Банан дарахти соясида ялангоёк ва ярим яланғоч кекса отаси кутиб турган эди. У қўлида тасбех ушлаб, тангри Вишну исмини такрорлар, озиб кетган баданидан нур чикиб тургандек эди, нуроний юзларида осойишталик, олийжаноблик барқ урарди.

Тор тоза кийимлар кийган Бипин унга зўрға эгилиб таъзим қилди. Унинг салласи бурни устига келиб, соати чўнтагидан тушди. У дарҳол ўзини тартибга солиб, отасидан шу ердаги адвокатлар хонасига киришини сўради.

Кришногопал қўнмай:

— Мен ўз бурчимни шу ерда адо этаман, — деди.

Бипиннинг хизматкорлари тўпланган одамларни нари сурдилар.

— Озимуддин озод этилиб, ундан тортиб олинган барча мол-мулк қайтарилиб берилиши лозим, — деди Кришногопал.

Бипин хайратда қолди:

— Сиз шуни деб Банорасдан атайин келдингизми? Нега улар учун бунчалик ташвишланаяпсиз? — деб сўради.

— Ўғлим, бу суриштиришлардан нима фойда бор? — саволга савол билан жавоб берди чол.

Бипин мағлубиятни бўйнига олишни истамади.

— Ота, мен қанчадан-қанча масъулиятсиз кишиларни олган нарсаларини қайтаришга мажбур қилдим, сиз уларга аралашмадингиз. Нега энди, бу мусулмон боласига бунчалар ғамхўрлик қиласиз? Ахир, вақт ўтди. Агар Озимуддин озод этилиб, ҳамма нарсаларини қайтариб олса, одамлар нима дейди?

Кришногопал бир оз жим қолди. Сўнгра қалтираб турган бармоқлари билан тез-тез тасбех ўгириб туриб, майин овоз билан гапирди.

— Агар лозим бўлса, мен эл олдида ҳаммасини очиб айтаман. Озимуддин сенинг уканг, менинг ўғлим.

— Мусулмон-а?

— Шундай, ўғлим.

Бипин анчагача ўзига келолмади. Ниҳоят, тилга кириб:

— Бу ҳақда кейин гаплашамиз, ҳозирча марҳамат қилиб, мана бу хонага кириб туринг, — деди у.

— Йўқ, — деди Кришногопал, — мен ҳозир қайтиб кетаман. Аммо сен ўз бурчингни адо этасан, деб умид қиламан.

У ўғлининг ҳақиға дуойи хайр қилиб, бутун вужуди қалтираган ҳолда, кўз ёшларини аранг тутиб, йўлга тушди.

Бипин хайрон қолди, судга нима дейишини билмай хаёлга ботди. «Такводор одамларнинг холи мана шу-да, — деб ўйлади у. — Булар ҳаммаси диний ақидаларга эътиборсизликнинг оқибати». Заминдор ўйлаб-ўйлаб, феълү атворда ҳам отамдан юқориман, деган қарорга келди.

У суд биносига қайтиб, ориқлаб мажоли кетган, ранглари бўздек оқарган, кўзлари ёниб турган Озимуддинни кўрди. У

йиртик ва ифлос кийимда, куролли соқчилар куршовида турарди. Мана шу — унинг укаси!

Судьянинг муовини Бипиннинг дўсти эди. Дабдабали суд тўхтатилди. Озимуддинга ҳамма нарсалари қайтариб берилди. Ишнинг бу зайлда тугашидан барча лолу хайрон эди. Хеч ким, хеч нарса тушунолмади.

Кришногопалнинг қисқа муддатли келиб-кетиши ҳақидаги хабар, тез орада ҳаммаёққа тарқалди. Ғийбатчиларнинг лаби лабига тегмасди.

Қилни қирққа ёрадиган адвокатлар бунинг тагига етишди. Бу иш билан адвокат Рамтарон, айниқса кўпроқ қизиққанди. У Кришногопалнинг ҳисобига ўқиган бўлиб, бу ишдан гумондор эди. «Агар шу тарика синчиклаб текширилса, ҳар бир авлиёнинг олийжаноблиги замирида бир сир борлиги аниқланади. Майли, ўша авлиёлар хоҳлаганча тасбеҳ ўгира берсинлар, барибир улар ҳам мендек аблаҳ одамлар. Фақат фарқи шундаки, авлиёлар — риёкор, менга ўхшаганлар — очикчасига иш кўради», деб ўйларди у.

Кришногопалнинг барчага аён олийжаноблиги — риёкорлик деган хулосага келиб, Рамтарон қийин бир муаммони ечгандек бўлди.

Бу хулоса мантиққа тўғри келадими, йўқми, ҳар ҳолда Рамтарон ўзига малол келиб юрган миннатдорлик юқини бир даража енгиллаштирди. У хотиржамлик ҳиссини туйди.

1893 йил

СУДЬЯ

I

Кхироданинг узок дарбадарликдан кейин толган одами уни, худди кераксиз матоҳдек ташлаб кетди.

Бир бурда нон билан бошпана деб янги бир хомий кидириши кераклиги, анча ёшга бориб қолган Кхироданинг қалбида чуқур нафрат хиссини уйғотди.

Ёшлиқ ўтиши билан ҳаётда худди куз қуёши сингари вазмин ва осойишта, ажойиб бир палла бошланадики, бу пайтда ҳаёт боғининг мевалари етилиб пишган бўлади. Ёшлиқнинг эҳтиросли телбалликлари ярашмайди, ўринсиз, бачканадек туюлади. Бебаҳо ҳаётимиз гўё интиҳосига етади. Бу даврда барча кўрган-кечирганларимиз, яхши ва ёмон, қувончли ёки ғамгин воқеалар – барчаси онгимизни ўзгартириб юборган бўлади. Сехрли орзуларимиз оламининг чалкашликларидан воз кечиб, қурбимиз етганича ўз ҳаётимизни қуришга тиришамиз. Янги маъшуканинг фусункор, оловли нигоҳи бизни ўзига мафтун этмайди; эски кадронларимизнинг дўстликларини кадрлай бошлаймиз. Ёшлиқнинг ғунчалари сўлади, узок вақт бирга яшагандан кейин юз ва кўзларимиз ифодасида инсоннинг ҳамиша навқирон қалби тобора равшанроқ кўрина бошлайди. Овоз, жилмайиш, ногоҳ – одамнинг ички табиатига мослашади. Орзу қилиб эришмаган нарсаларимизни амалга ошириш умидидан воз кечамиз, бизни тарқ этган яқин инсонларимизни ёд этмай қўямиз, алдаб кетганларнинг гуноҳидан ўтамиз. Шундан сўнг ўзини бизга яқин тутган, ўз севгисини изҳор қилган, ҳаётдаги барча қийинчиликлардан, аччиқ жудоликлардан кейин ҳам содиқ қолган инсонга қалбимизни инъом қиламиз. Кейин, аллақачон синалган содиқ дўстларимиз даврасида қолганимизда, қалбимизнинг осойишта ураётгани ва қаноат ҳосил қилганини ҳис этамиз. Айниқса, бировга янгидан кўнгил бағишлаб бирор нарса орттираман, деб тараддуд қилишга мажбур бўлган, ҳордик олишга бирор жойи йўқ, кечқурун уйига қайтганида чирок ёқувчиси бўлмаган кишининг шўри қурийди.

Кхирода эрталаб уйқудан уйғониб қараса, жазмани унинг барча безаклари ва бор-йўқ пулини олиб, қочиб кетибди. Уйнинг ижара ҳақини тўлашга ҳам, уч ёшлиқ ўғилчасига сут олиб беришга ҳам пули қолмабди. Шу пайтда ўзининг ўттиз саккиз ёшга кирганини, оламда бирорта ҳам кўнглига яқин одами, ҳатто ўлганда кўмадиган кишиси ҳам йўқлигини эслади; бугун

яна кўз ёшини артиб, лаби ва қошларини бўяб, минг хил оҳангга түшиб, кексалигини яшириши, хандон кулиб сабр-тоқат билан янги жазман топиши ва уни овламоқ учун нозу ишва домини қўйиши кераклигини хотирасидан ўтказаркан, эшикни ичидан кулфлаб олди-да, ўзини ерга ташлаб, бошини полга ура бошлади.

Кун бўйи ҳеч нима емай, ўликдек чўзилиб ётди. Кеч ҳам кирди. Хонанинг ичи қоронғилашиб қолди. Эски жазманларидан бири тасодифан келиб қолиб, унинг эшигини гақиллатди.

— Кхиро! — кичкирди у, — Кхиро, эшикни оч!

Кхирода эшикни ланг очди-да, йўлбарсдек бўкириб, супургини кўтариб, чикиб келди. Ошиқ йигит дарров жуфтакни ростлаб қолди.

Бу шовқин-сурон болани уйғотиб юборди. У очликдан кун бўйи йиғлаб каравотчасида ухлаб қолганди.

— Ойи! — деб кичкирди бола, — ойи дейман! Ойи...

Кхирода йиғлаб турган боласини қўлига олиб, бағрига босганича кўчага отилди ва ўзини қудукка ташлади.

Шовқин-суронни эшитиб, фонус кўтарган қўни-қўшнилари югуриб келишди. Кхирода билан болани тезда қудукдан тортиб олишди. Она беҳуш эди. Бола эса аллақачон ўлганди...

Касалхонада шифокорлар Кхиродани даволашди. Бемор тузалиб оёқ босганида, судья уни болани ўлдирганликда айблаб, жавобгарликка тортди.

II

Судья Мохитмоҳон Датт кўзга кўринган ҳукумат амалдорларидан бири эди. У суд ишини қатъий қонунлар асосида олиб борарди. Кхиродани ошишга ҳукм қилишди. Адвокатлар зир-зир югуриб, бечоранинг кулфатини айтиб, уни қутқариб қолишга кўп уринишди, лекин ҳеч қандай натижа чиқмади. Судья ўз ҳукмини юмшатишга бирон-бир асос топмади.

Судьянинг бундай йўл тутишига алоҳида сабаблар бор эди. У ҳинд аёлларини тангрилар деб атаса-да, ичида уларга ишонмасди. Барча аёлларда оиладаги ахлоқни бузишга мойиллик бўлади, деб ҳисобларди.

Унинг фикрича, назоратни сал бўшаштирсанг, жамиятда бирор-бир оғирлик аёл қолмайди.

Судьянинг бундай эътиқоди тасодифан туғилган эмасди. Унинг нега бундай фикрда эканлигини билмоқ учун, ёшлигида бошидан ўтказган воқеаларидан баъзиларини айтиб беришга тўғри келади.

Мохитмоҳон Датт коллежнинг иккинчи курсида ўқиб юрган вақтида бутунлай бошқа бир одам эди. Ҳозир унинг боши ял-

тирок, энсасини бир тутам соч безаб турибди. Ўткир устара, ҳар куни эрталаб юзидаги бирорта ҳам мўйни омон қолдирмай кириб ташлайди. У маҳалларда-чи... тилла гардишли кўзойнак, сокол-мўйлаб, сочини оврўпача тараб юришлари... худди XIX аср китобларидаги тангри Картикага ўхшаб кетарди. У ўзининг ташки киёфасига алоҳида зеб берарди. Вино ичиш, гўшт ейишдан ҳазар қилмасди. Яна шунга ўхшаш анча-мунча нозик одатлари ҳам бор эди.

Унинг ўйидан сал нарироқда бир оила турарди. У оиланинг қафасида ёшгина, энди 14–15 ёшларга кирган Хемшоши исмли бева аёл ўксиб яшарди.

Кўм-кўк сохил узоклардан эртақлардаги сингари жозибали кўринарди. Шунингдек, беваликда хақиқий оламдан ажралиб қолган Хемшошига ҳам дунё гўё узок сохилдаги, сиру қувончларга тўла афсонавий касрдек кўринарди. У дунёнинг мураккаб ва шафқатсизлигини билмас, бахт деган нарсанинг ҳамиша қайғу-алам, хавф-хатар ва шак-шубҳалар билан эгизак келишини, аламини ўқинч ҳамда умидсизликлар билан заҳарланганини хаёлига ҳам келтирмасди. У ҳаётни жилдираб оқувчи мусаффо бир ирмоқ деб, унинг йўллариини эса теп-текис, кенг ва равон деб биларди. Унингча, бахт фақат ўша томонда, ўз ўйидан ташқаридагина барқарор эди, ўзининг нозик ва эхтиросли қалбида эса ушалмаган орзу-умидларигина босилиб ётарди. Шуларни ўйлаганида, ёшликнинг беғубор шабадаси қалб мулкида бемалол кезиб, бутун олам камалакдек ранг-баранг, баҳордек гўзал туюларди.

Қалби мовий осмонни кучгудек эркин тепа бошларди, бутун олам унинг қалбида нилуфарнинг нозик гули каби кулф урарди.

Унинг ота-онаси ва икки ўқаси ҳам бор эди. Укалари нонушта қилиб мактабга кетар, қайтиб келишгач, овқатланиб, дарсларни такрорлагани кечки синфларга жўнашарди. Отасининг маоши оз бўлгани учун ўғилларига мураббий ёллашга қурби етмасди.

Хемшоши юмушдан бўшаган пайтларида уйда ёлғиз ўтиришни яхши кўрарди. У йўлқадан тинимсиз ўтиб турган йўловчиларга иштиёқ билан термилиб ўтирар, майда савдогарларнинг жарангли овозларига қулок солар, унга бу одамларнинг ҳаммаси бахтиёрдек туюларди. Унинг назарида, гадойлар — озод қушлар, кўча савдогарлари эса — емиш топиш учун қора терга ботиб зир югурувчи кишилар эмас, балки ҳаётнинг қувончли сахнасида бирров кўриниб кўядиган артистлар эди.

У охори тўқилмаган, башанг кийим-бошда деразанинг ёнидан савлат тўкиб ўтувчи Мохитмохонни кунига бир неча бор кўрарди. Назарида, Мохитмохон улуғ Индр¹ сингари дунёдаги эркакларнинг энг яхшиси, энг бахтлиси эди. Бу мағрур ва башанг

¹ Индр — хинд асотирларида бўрон ва момақалдирок тангриси.

кийинган йигит дунёда нимани орзу қилса, барчасига эриша олади, деб хаёл қиларди. Қалбида Мохитмохонни илохийлаштириб, унга турли-туман янги фазилатлар қўшиб, шу ўйлар билан худди қўғирчоқ ўйнаб овунган қизчадек ўзини юпатарди.

Бир куни кечқурун Мохитмохоннинг деразасида чирокнинг ёркин ёғдуси кўринди. Ичкаридан раққосалар билагузугининг жаранглаши, қўшиқчиларнинг овозлари эшитиларди. Хемшоши тунни бўйи мижжа қокмай, ўша уйдаги жонли сояларга тикилиб ўтирди. Унинг қалби қафасдаги қушдек талпинар, изтироб чекарди.

У ўз тангриси Мохитмохонни сира айбламасди. Капалаклар юлдуз деб ўзларини ўтга урганидек, Хемшоши ҳам роҳат-фароғатга чорловчи мусиқа ва қўшиқлар эшитилаётган ўша чароғон уйни жаннат деб биларди. Туни билан шундай ўтириб, нурдан, соялардан, истак-орзулардан аллақандай сеҳрли одам ясади. Ўз кўнглидаги тангрини тахтга ўтқазиб, ҳайрат ва завқ билан унга кўз тикди. У ўзини қурбонлик ўтига ташлагандек, орзу-истаклари ўтида ҳаётини, ёшлигини, хозири ва келажagini, бахтини, кайғу-аламларини куйдирмоқда эди. Қалбининг ана шу осуда қасрида ўз тангрисига махлиё бўлиб ўтираркан, рўпарасидаги уйда шўхлик ва кўнгли очишнинг бўрони ичида мислсиз хорғинлик, зерикиш, ифлос истаклар қолдиғи билан таҳликали фиску фужур қайнаётганини билмасди.

Ёш бева ана шундай уйқусиз тунларда кишини ҳалокатга судровчи ўйинлар бўлишини, шафқатсиз, ясама кулгиларнинг жаранглашини узоқдан туриб тасаввур этолмасди.

Хемшоши ўз қалбида яратган сеҳрли олами ва тангриси ҳақида дераза тагида танҳо ўтириб, умр бўйи хаёл суриши мумкин эди. Аммо бахтига қарши Худонинг раҳми келиб, осмон ерга анча яқинлашди. У ер билан туташди-ю, сўнгра бутунлай йўқ бўлди; у билан бирга узоқ йиллар давомида ўз хаёлида яратган кишиси ҳам мавҳ бўлди.

Мен Мохитмохоннинг таъмагир назари қандай қилиб деразанинг тагида хаёл суриб ўтирган қизга тушганини ёзиб ўтирмайман. У қизга Бинодчандро деган қалбаки имзо билан мактублар битди, охири андиша ва ҳаяжонга тўла жавоб хатини олди. Мактуб бошдан-оёқ қайноқ хис-туйғулар ва имло хатолари билан тўла эди. Шундан кейин ички курашлар бўрони авж олиб, ёш қалбни завқ ва уятчанлик, умид ҳамда қўрқинч хислари қоплади. Бу ҳалокатли бахтдан бутун олам гўё маст бўлиб, Хемшошининг теварагида чарх ура бошлади. Тобора тезроқ чарх уриб, ниҳоят аллақандай жисмсиз бир соянинг шаклига кирди, кейин чирпирак бўлиб айланаётган ҳаёт филдирагидан тушиб қолган ёшгина аёл, тўсатдан узоққа улоқтириб ташланди.

Бир куни ярим тунда Хемшоши отаси, онаси ва укаларини ташлаб, ўзини Бинодчандро деб атаган Мохитмохон билан фой-

тунга ўтирди. Тангриси унинг кўз ўнгида одам шаклида пайдо бўлганида, Хемшоши уялганидан ва виждон азобидан ерга киргудек бўлди. Фойтун жойидан кўзгалишга улгурмай, жувон кўзларига жикка ёш олиб Моҳитмоҳоннинг оёғига йиқилди:

– Сендан ўтиниб сўрайман, мени уйимга обориб қўй!

Бундан чўчиган Моҳитмоҳон дарҳол унинг оғзини ёпди. Фойтун физиллаганича юриб кетди.

Усти ёпиқ фойтуннинг қоронғи бурчагида ўтирган Хемшоши худди сувга чўкаётган одамдек, бутун ҳаётини кўз ўнгида ўтказди: мана эрталаб отаси унинг нонуштага чиқшини кутади; кенжа укаси ҳозиргина мактабдан қайтиб келди, Хемшоши уни овқатлантиради, бола мамнун жилмайиб қўяди; мана, у эрталаб онаси билан бирга бетел пиширади, кеч кирганида эса унинг сочларини тараб қўяди... Бечора Хемшоши уйнинг ҳамма бурчакларини, ҳар куни бажарадиган барча майда-чуйда юмушларини жуда аниқ тасаввур этди. Камтарин оиладаги осуда ҳаёти энди унга жаннатдек туюлди... Бетел пишириши, соч тараши, емак вақтида отасини елпиши, отаси бўш кунлари емакдан кейин мудраб ўтирганида унинг сочлари орасидан ок тушган толаларини териб олиши, ҳатто укаларининг шўхликлари – барчаси унга жуда ширин ва ёқимли, афсуски, энди қўлидан кетган узокдаги бахтдек кўринди.

Наҳотки, мана шуларнинг ҳаммасига эга бўла туриб, яна бошқа бахт излаш керакмаслигини унинг ўзи билмаган бўлса!

Ҳозир барча кизлар уйларида роҳат қилиб ухлаётгани кўнглидан ўтди. Ўз ўрнида роҳат қилиб ухлаш, шу қадар халоватли эканини илгарилари нега ҳаёлига келтирмади.

Эртасига эрталаб барча хотин-кизлар яна ўзларининг одатдаги юмушларига киришадилар. Уйдан қочган Хемшоши учун бу уйқусиз тун қаерда бориб тугаркин?

Кўнгилсиз тонг отиб, куёшнинг мулоийим ва қувноқ нурлари тор кўчанинг бурчагидаги уйнинг деворида ўйнай бошлаганида, ҳамма нарса бирдан маълум бўлди. Қандай шармандалик! Унинг бошида қанчадан-қанча лаънат тошлари ёғилиб, озмунча кўз ёши тўкилдими!

Хемшошининг қалби изтироб ўтида ковуриларди. У ҳўнг-ҳўнг йиғлаб йигитга ёлворарди:

– Ҳали тонг отгани йўқ. Онам билан укаларим уйқуда! Мени уйимга элтиб қўй!

Бироқ тангри унга қулоқ солмади. У Хемшошини ғирчиллаб силкиниб бораётган иккинчи тоифа вагонга ўтказиб, аллақакларга олиб кетди. Узок-узокларгамикин...

Орадан кўп вақт ўтмай, йигит ўзга бир гўзал билан иккинчи тоифа вагонга ўтириб, бошқа томонга жўнаб кетди. Қиз эса қулоғигача ифлосликка ботиб, ёлғиз ўзи қолди.

III

Мен Мохитмохоннинг аввалги ҳаётидан атиги биргина воқеани эслатиб ўтдим. Бошқаларини айтиб ўтишга ҳожат ҳам йўқ. Бунинг устига, эски воқеаларни титиб ўтиришдан не фойда! Хозир дунёда аввалги Бинодчандрони эслай оладиган бирорта ҳам одам қолмаган бўлса керак. Мохитмохоннинг хулқ-атвори эса энди тамомила беғубор; у ҳар қуни диний одатларни адо этар, шастрни ўрганар, болаларини йогага ўқитарди, ичкарида ўтирган, ҳатто олдиларига қуёш, ой ва шамол ҳам қира олмайдиган аёлларнинг устидан қаттиқ назорат қиларди. Бир пайтлар Мохитмохон бир қанча аёллар туфайли гуноҳга ботган, шунинг учун у аёлларни жамият олдидаги кичик айблари учун ҳам қаттиққўллик билан жазоларди.

Кхиродани осишга ҳукм қилганидан сўнг, орадан бир неча кун ўтгач, тансиқ таомни жонидан ортиқ яхши кўрадиган Мохитмохон, сабзавот олмок учун қамокхонанинг полизига борди. У, қамокда ўтирган жиноятчи асира ҳаётида содир этган барча гуноҳлари учун ҳозир виждон азоби чекаптими, йўқми, шуни ҳам билмокчи эди.

Мохитмохон қамокхонанинг аёллар бўлимига кираркан, узокдан аллақандай шовқин-сурон, кичкирикларни эшитди. Бўлмага кирганида, Кхироданинг назоратчи билан уришаётганини кўрди. Судья ўзича: «Тавба, аёлларнинг феъл-атвори кизиқ-да. Ҳатто ўлим арафасида ҳам бир нима қилиб уришиб олиш имкониятини кўлдан беришмайди. Улар, ҳатто нариги дунёда ҳам нозирлар билан уришиб юришса керак» деб мийиғида қулиб қўйди.

Мохитмохон вазиятдан келиб чиқиб йўл-йўриқ кўрсатиш ва панд-насихат қилиш билан асирани тавбасига таянтириш лозим, деб ўйлади. Шу олийжаноб ният билан Кхироданинг ёнига келганида, асира илтижо билан унга қўлларини чўзиб:

— О, судья-бабу сиздан ўтинаман, мана бунга айтинг, узугимни қайтариб берсин! — деб ёлворди.

Назоратчи, аёлнинг узукни сочларининг орасига яшириб кирганини ва ўзининг тасодифан кўриб қолиб, тортиб олганини айтди.

Мохитмохон яна мийиғида қулиб: «Тавба, эртага дорга осилади-ю, ҳозир қандайдир узукни деб можаро қилишини. Аёлларга ана шу бекорчи шақилдоклардан кўра қимматроқ нарса бўлмаса керак!» деб кўнглидан ўтказди-да:

— Қани менга бер-чи, қандай узук экан? — деб назоратчига қаради.

Узукнинг бир томонида, филнинг суягига сокол-мўйловли ёш йигитнинг суврати солинган бўлиб, иккинчи томонида тиллага «Бинодчандро» деган сўз ўйиб ёзилганди.

Мохитмохон чўғни ушлаб олгандек бирдан сесканиб кетди. У кўзини узукдан олиб, Кхиродага диққат билан тикилди. Мо-

хитмохон бундан йигирма тўрт йил аввал кўрган нозик, дилбар ва муҳаббат ёшлари оқиб тушаётган, уятчан чехрани эслади. Ҳа, шубҳасиз, бу ўша чехра!

Судья Моҳитмохон Датт яна узукка қаради. Бошини оҳиста кўтарганида, кичик узукнинг шуъласи билан ёритилган бузук аёл, гўё олтиндан ясалган тангри маъбудаси каби нурланиб турарди.

1894 йил

ОПА

I

Тара қишлоқдаги дугоналарига қўшниси Жойгопалнинг баттоллиги, хотинига сира кун бермаслигини бидирлаб гапира кетди: — Тилига чипқон чиксин, — деб қарғаб ҳам қўйди.

Бу гап Жойгопалнинг хотини Шошиколага тегиб кетди. «Нима бўлганда ҳам, аёл кишининг эрига ёмонликни раво кўриши инсофдан эмас», — деб ўйлаб, Тарага эътироз билдирди.

Бироқ бераҳм Тара бир гапдан қолмай, ховури икки чандон кўтарилиб:

— Шундай эрга хотин бўлгандан кўра, етти марта тул қолган яхши, — деб бақирганича уйига кириб кетди.

Шошикола эса уйига қайтиб, яна хаёлга толди.

«Ўйлаб ўйимга етолмайман, эримнинг қайси гуноҳи учун ундан бунчалар ғазабланишим керак?» Шундай деб ўйларкан, юраги ҳозир мусофирчиликда юрган эрига меҳр-муҳаббат билан тошди. Эри ётадиган каравотга ўзини ташлаб, ёстикни ўпиб, унинг таниши иси билан нафас олди...

Аёл ётоқнинг эшигини беркитиб, ёғоч қутичадан эрининг сарғайиб кетган эски сурати билан хатларини олиб кўздан кечира бошлади.

Шошикола бутун кунни шу хонада ўтказди. Танҳолик жонига теккан аёл ўтмишни кўмсаб йиғлади.

Жойгопал билан Шошиколанинг турмуш қурганларига анча вақт бўлди. Иккисининг жуда ёшлиқдан тўйи бўлган, ҳозир бир нечта фарзандлари бор. Эр-хотин доимо бирга, бир маромда осуда ҳаёт кечиришар, шунинг учун бир-бирларига ортикча ташналик сезишмасди. Мана энди ўн олти йил деганда Жойгопал тўсатдан хизмат билан узоқ сафарга кетиб қолди. Эрга муҳаббат хисси аёлниң қалбида янги куч билан аланга олди. Айрилиқ эрини унга янада яқинлаштириб, Шошиколанинң қалбида муҳаббат сиртмоғи таранглашди.

Ҳаёт бир маромда ўтган чоғларни кўмсаб, юраги сикилди. Бу баҳор кунлари ёлғиз ўтиб, турмушга чикқан пайтдаги бахтиёр ёшлигининг ширин онларини кўз олдига келтира бошлади. Холбуки Шошикола энди ёш эмасди, фарзандли эди.

Ҳаёт оқимида охиста шилдираб турган муҳаббатнинг чашмаси бирдан тошиб кетди. Йироқда дилбар мусика янграб, соҳилда олтин саройлар, афсонавий ўрмонлар кўринди... Ҳайхот, энди у бу бахт гулзорига кадам босолмайди.

— Энди эрим келса, — деб шивирлади аёл, — ҳаётнинг, баҳорнинг бундай бемаъни, қувончсиз ўтишига йўл қўймайман.

Тентак эканман. Арзимаган нарса учун у билан кўп бор айтишиб, кўнглини ранжитардим!

Шундай каттиқ пушаймондан сўнг, Шошикола қаноатли, итоаткор аёл бўлиб, эрининг измидан чикмасликка аҳд килди. Эри хоҳ яхши, хоҳ ёмон иш килсин — ҳаммасига бардош беради, эр ҳамма нарса, эр — худо, у ер юзидаги одамларнинг энг азизи.

Шошикола ота-онасининг ягона қизи эди, уни ҳамиша эркалатишарди. Шунинг учун Жойгопалнинг маоши оз бўлса ҳам, эрхотин кишлоқда муҳтожлик нималигини билмай яшашди. Бирок яқинда, ёшлари бир жойга бориб қолган ота-она ўғил кўришди. Очигини айтиш керак, қиз уларнинг бу номуносиб, ноҳақ ишидан каттиқ норози эди. Эри ҳам бунга унча қувонгани йўқ.

Бундай бемаҳал дунёга келган гўдак, ота-онанинг бутун диққатини ўзига жалб этди. Емиш ва ухлашдан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган чақалоқ жажжи, нозик қўллари билан поччаси Жойгопалнинг келажакдаги барча орзу-истакларини барбод этганди. У Ассамга бориб чой плантациясига ишга жойлашишга мажбур бўлди.

Кариндош ва дўстлари Жойгопалга яқинроқдан иш топишни маслаҳат беришди. Аммо у, каттиқ хафа бўлганиданми ёхуд янги вазифада тезроқ кўтарилиш ниятидами, ҳар нечук, ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солмади. Хотинини, бола-чақасини қайнотасиникида қолдириб, ўзи Ассамга кетди. Эр-хотин биринчи марта бир-бирдан ажралишди.

Ишнинг бу хилда тесқари кетишини кўрган Шошикола, кичик укасига яширин кек сақлаб қўйди. Одамнинг дарди бўлиб, дардлашадигани бўлмаса, баттар хуноби чиқади. Чақалоқ онасини эмиб корни тўйғач, кўзларини юмиб маст уйкуга толарди. Опаси эса ҳар нарсадан қийиқ топиб, ҳамма билан уришар, гоҳ сут жуда иссиқ, гоҳ таом совиб қолибди, гоҳ болалар мактабга кеч қолди, деб жигибийрони чиқиб юргани-юрган эди.

Тез орада чақалокнинг онаси вафот этди. Вафоти олдидан, у ўғлини кизининг тарбиясига топширди. Етим қолган гўдак тезда баджаҳл опанинг меҳрини қозона қолди. У опасининг тиззасига чиқиб олиб, инқиллаб, тишсиз оғзи билан унинг лабларини, бурни ёки кўзларини ўпмоқчи бўлар, жажжи қўллари билан сочини ушлаб олиб сира қўйиб юборгиси келмас; тонг отмай уйғониб, опасининг олдига эмаклаб келар, этагидан охиста тортқилаб алланималар дерди. У опасини «диди-мо» ёки «диди» деёлмай, «зизи», «зизи-мо», деб қақирадиган бўлди. Гўдак опасига доим ҳалакит берад, у иш билан қанд бўлганида ёхуд дам олаётганида, қилма деган ишни қилар, қўлига илинган нимаики бўлса оғзига солиб, ўрмалаб кетаверарди. Шошикола эса уни бир жойда ушлаб туролмас эди. Хуллас, опаси бу кичкина шумтакага батамом бўйсунди. Бола онасидан айрилди-ю, эвазига опасини бутунлай ўзига ром этди.

II

Боланинг исми Нилмони эди. У икки ёшга тўлганида, отаси Калипрошонно қаттиқ оғриб қолди. Жойгопалга, тез келинг илтимос, деб хат юборишди. У кўп иккиланишдан сўнг таътил олиб қайтганида, Калипрошонно ўлим тўшагида ётганди. У ўлими олдидан Жойгопални ўрлига васий тайинлаб, қизига мол-мулкининг тўртдан бир қисмини мерос қилиб қолдирди.

Жойгопал ишлаб юрган жойидан бўшаб, мархум кайнотасининг мол-мулкини идора қилишга киришди. Шундай қилиб, узок айриликдан сўнг эр-хотин яна қовушдилар.

Агар бирор нарса синса, унинг бўлақларини ўрнига қўйиб ёпиштириш мумкин. Бироқ одамларнинг узок айриликдан кейин яна аввалгидек бир-бирларига қовушмоғи амри маҳол: давр ўтиши билан одамнинг феъл-атвори ўзгаради, янгича тус олади.

Эрининг қайтиши Шошиколада янги туйғулар уйғотди. Гўё у қайтадан турмушга чиққандек эди. Узок бирга яшаш туфайли вужудга келган бепарволик, эътиборсизлик бутунлай йўқолганди. Аёлга эри энди минг чандон азиз. «Нима бўлса ҳам эримни бирибир севаман», — деб ўз-ўзича такрорларди. Жойгопалга эса, хотини билан учрашув ўзгача таъсир қилди. Илгари бирга яшаб, интилиш ва одатлари бир хил бўлганида, Шошикола унинг айрилмас қисмидек эди, агар у бўлмаса Жойгопал ўзининг кундалик ҳаётида қандайдир бўшлиқни ҳис этарди. Мусофирчиликда, дастлаб Жойгопални қандайдир бир гирдоб ўз қаърига тортгандек бўлди. Бироқ янги иш, янги одат аста-секин бўшлиқни тўлдириб, унинг эски турмуш ҳақидаги хотираларини сиқиб чиқарди.

Иш бу билан чекланиб қолмади. Илгари Жойгопал анча ялқов ва беғам эди. Сўнгги икки йил мобайнида эса унда ҳаётини ўнглаб олишга шундай зўр иштиёқ пайдо бўлдики, у бошқа ҳеч нарсани ўйламай қўйди.

Мана шу эхтироснинг асоратида қолган Жойгопалга илгариги ҳаёти, худди бир соядек туюла бошлади. Аёл кишини кўпинча муҳаббат, эркақни эса шуҳратпарастлик ўзгартириб юборади. Икки йиллик айрилик давомида Шошикола ҳам ўзгариб қолганди. Укаси унинг ҳаётига кўп янгилик киритди, мана шуни Жойгопал тушунмасди. Болага муносабат масаласида улар бир фикрга келолмадилар. Шошикола эрини болага меҳр қўйишга ундарди, бироқ эрининг болага муносабати мавҳумлигича қолаверди.

Шошикола қўлида гўдак билан қувноқ жилмайиб эрининг олдида келар, аммо Нилмони қариндошига илтифот этмай, жажжи бармоқлари билан опасининг бўйнидан қучоқлаб, бошини унинг елкасига яширарди. Опаси эса, укаси ўзининг ажойиб қилиқлари билан эрини ром этишини истарди. Эри бўлса боланинг меҳрини қозонишни ўйламас, бола ҳам унга бепарво эди. Жойгопал бу

каллеси катта, орик, жиддий кифёали қора боланинг нимасига бунча эътибор қилинаётганини тушуна олмади. Аёллар эрининг кайфиятини дарров пайкашади. Кўп ўтмай, Шошикола Жойгопалнинг укасига бепарво эканини билди.

Шундан сўнг у болани эрининг совук, баъзан адоватли нигоҳидан яшириб юрди. Шу тариқа бола, худди яширин хазинадек доим унинг эътиборида эди. Дарҳақиқат сир тутилган хисларнинг тугёни шиддатли бўлади. Боланинг йиғиси Жойгопалнинг қазабини келтирганида, Шошикола уни бағрига босиб юпатишга уринарди. Бола Жойгопалнинг ухлашига халакит бериб, у болага қахру нафрат билан бақирганида, Шошикола хаяжонга тушар, гўё эрининг олдида гуноҳқордек хижолат тортиб, дарров болани олиб чикиб кетар, меҳр билан уни эркалатиб:

— Олтиним, хазинам, ғурурим, — дея ухлатишга уринар, шивирларди.

Болалар бир-бирлари билан бўлар-бўлмасга уришаверишарди. Илгари Шошикола орага тушиб, укасининг тарафини олиб, болаларини қойий бошларди — чунки укаси етим эди. Энди қози бошқа бўлиб, қонунлар ҳам ўзгарди. Нилмони бекордан-бекорга каттиқ жазога тортиларди. Эрининг болага адолатсизлиги Шошиколанинг юрагига ўткир пичоқдек санчиларди; у ранжиган болани хонасига олиб кириб, унга қанд-курс, ўйинчоқлар берар, эркалаб ўлар, қўлидан келганича овулар эди.

Шошикола укасига меҳрибонлик қилгани сари, Жойгопалнинг болага қазаби ортар, поччаси қазаблангани сари эса опаси уни севиб ардоқларди. Жойгопал хотинига яхши муомала қилар, Шошикола ҳам эрининг измидан чикмас, унга меҳрибон эди. Аммо бола эр-хотин орасидаги яширин адоватга сабаб бўлди, инчунун, очиқ жанжалдан кўра яширин адоват кучлироқ бўлади.

III

Нилмонига қараганда, аввал унинг катта калласи кўзга ташланарди. Ингичка новданинг учига катта пуфакни ўлинтириб қўйгандек кўринарди. Докторлар, бола бунақада дардчил бўлиб қолади ё ўлади, деб хавфсирашарди. У анча вақтгача гапиришга ва юришга ўргана олмади. Боланинг кичкинагина юзига қараган одам, ота-онаси ўз кекса ёшининг бутун оғирлигини шунинг елкасига ағдариб кетган экан, деб ўйларди.

Аммо опасининг меҳрибонлик билан парвариш қилиши натижасида, барча хавфсиранлар ўтиб кетди. Бола беш ёшга қадам қўйди.

Кунлардан бир куни картик ойининг ўрталарида, «укага оқ фотиҳа бериш» маросими бўлди. Шошикола Нилмонига янги кийимлар кийдириб, унинг пешанасига анъанавий хол қўяман деб турганида, тўсатдан қўшни хотин Тара кириб жанжал бошлади:

— Боланинг пешанасига меҳр-муҳаббат тамғасини босиб, зимдан уни ҳалок қилишда қандай маъно бор? — деб қолди у бирдан.

Ҳанг-манг бўлган Шошикола яшин теккандек қотиб қолди. Уни алам ва ғазаб қамраб олганди. Тара атрофдагиларга тушунтира кетди: Шошикола билан эри етимчанинг ота меросини тортиб олишга аҳд қилишган. Улар ижара ҳақини ҳам тўламай юриб, боланинг мол-мулкни кимошди қилиб сотиш, сўнгра бу мулкни Жойгопалнинг амакиваччаси орқали қайтадан сотиб олишмоқчи бўлишган.

— Шундай қабих тухматни ким тарқатган бўлса минг лаънат, тилига чипкон чиксин, — деди Шошикола ғазабга тўлиб. Сўнгра йиғлаганича эрининг олдига борди-да, унга бу ғийбатни гапириб берди.

— Ҳа, афтидан энди ҳеч кимга ишониб бўлмайди, шекилли, — деди Жойгопал. — Мен амакиваччам Упенга хўжаликни бошқаришни топширганимда, тамоман хотиржам эдим. Унинг Хашилпурдаги мулклар учун солиқларини яшириб, охири ўзи сотиб олар, деган фикр ҳаёлимга ҳам келмаганди.

— Нима, сиз унинг устидан шикоят қилмайсизми? — деб сўради боши қотган Шошикола.

— Ўз укамнинг устидан қандай қилиб шикоят қилай? Барибир бундан бир иш чикмайди, бекорга пулнинг сарф бўлгани қолади, холос.

Шошикола эрига ишониши керак эди, бироқ бу сафар унга ишонмади. Ўз оиласини севган бахтиёр уй бекасининг бу ҳолати энди унга жуда хунук, қабих бўлиб кўринди. Дунёда энг мустаҳкам бошпанага эга бўлган оила энди йўқ. Энди у билан укаси тушиб қолган даҳшатли қопқон бор эди, холос.

Шошикола: «Ёлғиз бошим билан бу бечора болани қандай химоя қиламан», деб ҳар қанча ўйламасин, бошига бирон-бир жўяли фикр келмасди. У шу ҳақда ўйлагани сари даҳшатга тушар, эрига нафрати зўрайиб, келажаги хавф остида қолган укасига меҳри ортарди. Агар у йўлини билганида, ҳокимга мурожаат қиларди, ҳатто Англия маликасига ҳам мактуб ёзиб, укасининг мол-мулкни сақлаб қоларди. Малика билса, Нилмонига йилига етти юз эллик саккиз рупия даромад келтириб турган Хашилпурдаги мол-мулкларини сотишга рухсат бермасди.

Шошикола Англия маликасининг ҳузурига қай тарзда кириш, қандай қилиб Упеннинг адабини бериш ҳақида ўйлаб ўйига етгунича, Нилмони тўсатдан иситмалаб, оғриб қолди. Уни қаттиқ титроқ босиб, тез-тез ҳушдан кетарди.

Жойгопал ўша ерлик шифокорни чақирди. Шошиколанинг яхши шифокор чақириб ҳақидаги гапига:

— Нима, Мотилал ёмон даволайдими? — деди Жойгопал.

Шошикола эрининг оёқларига йикилиб, илтимосимни рад этманг, дея ёлворди.

— Хўп, мен шахардан шифокор юбораман, — деди ниҳоят, эри.

Шошикола болани қўлига олиб бағрига босди. Боланинг ундан бир дақиқага ҳам айрилгиси келмас, кетиб қолмасин деб унга ёпишиб олар, хатто ухлаганида ҳам этагидан ушлаб ётарди.

Шу тарика яна бир кун ўтди. Кечкурун Жойгопал келиб, шифокорни шахардан топмадим, у касал кўриш учун узоқ жойга кетибди, деди.

— Мен суд иши билан яна бир жойга боришим керак, — деб қўшиб қўйди у. — Мотилалга тез-тез бориб, касални кўриб тур деб тайинлаб қўйдим.

Туни билан Нилмони алахсираб чиқди. Эрта билан Шошикола ортик ўйлаб турмай, бир қайикни кира килди-да, укасини шахарга олиб кетди. Шифокор уйида бўлиб, ҳеч қаёққа кетмаган экан. Мўътабар оилага мансуб аёл келганини пайқаб, Шошиколани укаси билан ёнидаги бева бир кампирнинг уйига жойлади-да, болани даволай бошлади.

Эртасига Жойгопал келди. У дарғазаб эди, хотинига дархол уйга кайт, деб буйруқ берди.

— Ўлдирсангиз ҳам ҳозир уйга қайтмайман. Ҳаммангиз Нилмонини ҳалок қилмоқчисиз; унинг на отаси, на онаси бор, мендан бошқа ҳеч кими йўқ. Мен уни ўлим чангалидан қутқаришим керак.

— Ундай бўлса, шу ерда қол, аммо қайтиб менинг уйимга борма, — дея қизишиб бақирди Жойгопал.

— Менинг уйим эмиш! У укамнинг уйи, — деди Шошикола ҳам жаҳл билан.

— Яхши, кўрамиз, — деб Жойгопал таҳдид килди-да, чиқиб кетди.

Бу ходиса қишлоқда роса шов-шувларга сабаб бўлди.

— Эринг билан уйда жанжаллаш-да, — дер эди Тара, — ахир уйдан кетиб бўладими? Нима бўлганда ҳам эр-ку.

Шошикола ёнидаги бор пулини сарфлаб, зеб-зийнатини сотиб, укасини ўлимнинг чангалидан қутқариб қолди. Лекин сал ўтмай Дариграмдаги йилига бир минг беш юз рупия даромад келтирадиган ерларини заминдорнинг ёрдами билан Жойгопал ўз номига ўтказиб олганини билиб қолди. Энди барча мол-мулк Шошиколанинг укасига эмас, унга қарарди.

Нилмони шифо топиб, уйга кетамиз, деб опасини қистай бошлади. У ўзининг ўртоқлари — опасининг фарзандларини соғинганди.

— Уйга кетамиз, кетамиз уйга, — деб опасига ёлворарди Нилмони. Опаси эса йиғлагани йиғлаган. «Кошки уйимиз бўлса», — дея изтироб чекарди аёл.

Ниҳоят, у: «Кўз ёши билан иш битмайди, Нилмонининг мендан бошқа ҳеч кими йўқ» деб судья муовинининг уйига борди.

Судья муовини Жойгопални яхши биларди. Мўътабар бир зотнинг аёли уйдан кетиб, яна у билан мол-мулк даъволашиш ниятида экани унга мутлақо маъқул бўлмади. Бирок у Шошиколага ҳеч нарса демай, Жойгопалга хат ёзиб юборди. Жойгопал амакиваччаси билан келиб, хотинини мажбуран қайикқа ўтказиб олиб кетди.

Айрилиқдан сўнг эр-хотин яна учрашишди. Никоҳ тангрисининг хохиши шундай эди!

Нилмони қувончга тўлиб, яна ўртоқлари билан ўйнай бошлади. Боланинг қувноқ кулгиси опасини ўйлантирар, уни ғам босиб, юраги сикиларди.

IV

Қишда суд раиси ўзига қарашли ҳудудни айланиб юриб, шу қишлоққа келиб тўхтади. Бу ерда ов билан шуғулланиш ниятида эди. У йўлда бир тўда болалар билан Нилмонини учратди. Қишлоқ болалари соҳибни узун тишли, гирноқли ва шохдор махлукнинг бир озгина ўзгарган тури деб ўйлаб, узоқдан туриб томоша қилишарди.

Бирок Нилмони сира ҳам ҳаяжонланмай, жиддий кўзлари билан соҳибга қизиқиб қараб турарди. Бола соҳибнинг диққатини жалб этди, у Нилмонига яқинроқ келиб сўради:

— Мактабда ўқиясанми?

Нилмони бош қимирлатиб:

— Ҳа, — деди.

— Қайси китобни ўқиясан?

Бола судьянинг саволини тушунмади шекилли, индамай қараб қолди.

Нилмони уйга қайтгач, бир инглиз киши билан танишганини зўр ифтихор билан опасига гапириб берди.

Тушки емакдан сўнг Жойгопал салла ўраб, янги сарполарни кийиб, судьянинг олдига салом-аликка борди. Ҳаммаёқ шикоятчи, даъвогар, жавобгар ва полиция билан лик тўла эди. Кун жуда иссиқ бўлганидан судья столни салқин жойга қўйишни амр этди.

Судья Жойгопални ўтказиб, ундан қишлоқдаги ишларни суриштира бошлади. Жойгопал кўпчиликнинг олдида бундай фахрий жойда ўтиргани учун ўзини шуҳрат осмонида парвоз этгандек сизди.

«Афсуски, Чокроборти ёки Нондининг оиласидан бирор киши келиб мени бу ерда кўрмади», — деб ўйларди у.

Тўсатдан чодра ёпинган бир аёл Нилмонини етаклаб судьянинг ҳузурига келди.

— Соҳиб, бу етимчани сизга топшираман, уни химоя қилинг, — деди у.

Инглиз боши катта, кўзлари жиддий таниш болани кўриб, олдида мўътабар бир аёл турганини фахмлагач, ўрнидан туриб, чодирга кириб гаплашишни таклиф килди.

— Йўк, мен хаммасини шу ерда айтиб бераман, — деди аёл. Жойгопал бўзариб, типирчилаб қолди.

Синчков қишлоқ ахли, бу ерда антика бир гап борга ўхшайди, деб яқинроқ келишди, лекин соҳиб хассасини кўтариши билан ортларига чекинишди.

Шошикола боланинг қўлидан ушлаб туриб, унинг тарихини сўзлаб берди. Жойгопал бир неча бор унинг гапини бўлишга уриниб кўрди. Аммо судьянинг газабдан юзлари кизариб, унга ўшкириб берди.

— Овозингни ўчир! — деди у ва хассаси билан ўрнингдан тур, дея ишора килди.

Жойгопал дилида хотинига минг лаънат ўкиса ҳам, жим туришга мажбур эди.

Нилмони опасининг этагига маҳкам ёпишиб, таажжуб билан унинг сўзларига қулоқ соларди. Шошикола гапини тугатгач, судья Жойгопалга бир нечта савол бериб, узок вақт жим қолди. Сўнгра Шошиколага қараб:

— Қизим, гарчи бу ишни кўриш менинг ҳуқуқ доирамга кир-маса-да, сиз хотиржам бўлишингиз мумкин: мен ўз бурчимни бажараман. Укангиз билан уйингизга боринг, ҳеч нарсадан хавотир олманг, — деди.

— Соҳиб, уй қайтарилмагунича укамни у ерга олиб борол-майман. Агар сиз уни ўзингиз билан олиб кетмасангиз, болани ҳеч ким химоя қилолмайди.

— Унда сиз қаёққа борасиз?

— Менинг ташвишланидиган ерим йўк, эримнинг олдига бора-ман.

Судья мийғида кулиб қўйди. Унинг тумор таккан, орик, кў-ринишидан одобли, буғдойранг бангол боласини олиб кетишдан ўзга чораси қолмади.

Шошикола судья билан хайрлашганида, бола опасининг этагига ёпишиб олди.

— Кўркма, — деди унга судья, — биз бирга кетамиз.

Шошиколанинг кўзларидан ёш оқиб юзларини юварди. У Нилмонини бағрига босди ва бошларини силаб туриб:

— Бор, укажон, биз яна кўришамиз, — дея этагининг учини зўрға ажратиб, тез-тез юриб кетди.

«Опа, опа!», — деб чинқириб қолган болани соҳиб қучоқлаб олди. Шошикола яна бир бор укасига қайрилиб қаради-да, уни юпатиш ниятида сўзсиз қўл чўзиб хайрлашди, қалби ғам-аламга тўлиб йўлга тушди.

Ўзларининг эски таниш уйларида эр-хотин яна учрашишди. Никох тангрисининг хоҳиши шундай эди!

Бирок бу учрашув узокка чўзилмади. Орадан бир оз вақт ўтар-ўтмас, бир куни эрталаб кишлоқ аҳолисининг орасида, Шошикола кечқурун вабодан қазо қилибди, жасадни тунда куйдиришибди, деб гап тарқалди.

Бу ҳақда бошқа ҳеч ким ҳеч нарса демади. Тўғри, Тара бир нима дейишга уринди-ю, аммо бошқалар бунга йўл қўйишмади.

Шошикола укаси билан хайрлаша туриб, биз яна кўришамиз, деб ваъда берганди. Бирок у бу ваъданинг уддасидан чикдими, йўқми, буниси менга қоронғи.

1895 йил

НАЗАРИ БАХАЙР

Кантичондро ҳали ёш бўлса-да, рафиқаси вафот этганидан кейин бошқа қаллиқ кидирмай, овчиликка берилиб кетди. У узун бўйли, хушбичим, бақувват, чаққон, кўзлари ўткир, қўллари чайир йигит бўлиб, ғарбий Хиндистон одамлари каби кийинар, ёру дўстлари эса, пахлавон Хира Синг, қўшиқчи Чхокхонлал ва мусулмон созандалари: Кхан ва Мианлардан иборат эди. Хуллас, унинг таралабедод улфатлардан ҳеч қандай камчилиги йўқ эди.

Огрохаён¹ оинининг ўрталарида Кантичондро дўстлари билан Найдигхи ботқоклигига овга чиқди. У ерда улар иккита катта қайиқда яшай бошладилар, бирга келган хизматкорлар эса, соҳилга жойлашди. Буларнинг дастидан кишлоқ аёллари дарёдан на сув ола билар, на чўмила олишарди. Кун бўйи ҳавода ва сувда милтиқ овози қулоқларни қоматга келтирар, окшомлари эса бу келгиндиларнинг мусика ва қўшиқлари одамларга уйқу бермасди.

Бир куни эрталаб Кантичондро қайиқда милтиқ тозалаб ўтираркан, бирдан ўрдак овози эшитилиб қолди. Йигит соҳилга қараб, шу томонга келаётган қизга кўзи тушиди, у иккита ўрдакчани бағрига босиб келарди.

Сув ўсимликлари ғовлаган кичкина дарё сокин оқарди. Қиз ўрдакчаларни сувга қўйиб, ўзи соҳилда тўхтаб қолди, сузиб узоққа кетмасин, деб меҳр билан уларни кузатиб турди. Қиз одатда ўрдакчаларни сувга қўйиб ўзи ортига қайтиб кетарди, аммо бугун овчилардан кўрқиб, пойлаб турди.

Қиз ниҳоятда гўзал бўлиб, гўё хайкалтарошлар тангриси Вишвакарманиннг устахонасидан эндигина чиққандек эди. Унинг ёшини аниқлаш қийин, чунки ундаги баркамол қадду қомат бола чехраси билан қовушиб, уни қамраб олган олам ҳали қалбига қўл солмагандек туюларди. Ҳа, қизнинг ўзи ҳам болалиқдан ўсмирликка ҳатлаб ўтганини ҳали билмасди, чоғи.

Кантичондро бир неча дақиқага милтиғини унутиб, сеҳрлангандек қараб қолди. Гарчи қизнинг гўзаллиги рожаниннг саройидан кўра бу ернинг табиатига мос кўринса-да, йигит бу ўлкада шу қадар соҳибжамол қизни учратишини асло ўйламаган эди. Ахир гулнинг ҳам олтин гулдондан кўра, ўз шоҳида тургани гўзал-да! Шундай қилиб, гиёҳлар шудринг исирға тақиб, куз қуёшининг илк нурларида порлаб турган бу оромбахш саҳарда Кантичондро соҳибжамол қизни кўрди-ю, бу фусункор чехрага

¹ *Огрохаён* — хинд таквимининг саккизинчи ойи, ноябрь, декабрь ойларига тўғри келади.

караб, ашшин ойида отасининг уйига тантана билан қайтган Парватининг қувнок чехрасини кўз олдига келтирди. Ёш Парвати ҳам баъзан шундай ўрдакчаларни бағрига босиб Мондакини¹ соҳилига келар экан, афсуски, Калидаса бу гўзал лавха — тасвирларини унутган экан!

Бирдан қизнинг юзи қув ўчиб, ўрдакчаларни ушлаб олди-да, қандайдир ғалати овоз билан қичкириб, кетиб қолди. Кантичондро қайиқдан чиқиб қаради. Шунда ҳамроҳларидан бири, қизга ҳазиллашиб ўқланмаган милтиқ билан ўрдакни нишонга олиб турганини кўрди. Кантичондро дўстининг ортидан югуриб келиб, милтиғини тортиб олди-да, юзига шундай тарсаки тортдики, у ағдарилиб тушиб, қилган ҳазилдан роса пушаймон бўлди. Кантичондро бўлса қайиққа қайтиб, яна милтиғини тозалай бошлади.

Хавасманд Кантичондро бир кун ов қилиб тўқайнинг ичкарисига кириб кетди. Қутилмаганда у ҳовлисида бир неча шоли омбори бўлган бой дехкон уйини, дид билан қурилган молхонадан сал нарироқдаги дарахт остида, дарё бўйида учратган қизни кўрди. У яраланган қаптар учун зор-зор йиғлар, ҳўл этагининг учини сиқиб, унинг сариқ тумшуғига ҳеч бўлмаса бир-икки томчи сув томизишга уринарди. Ёнида эса, тумшуғини чўзиб, орқа оёғида тик турган мушук йирткичлик билан қаптарга тикилиб турарди; очкўз мушук қаптарга анча яқинлашиб қолганида, қиз бош бармоғи билан унинг бурнига чертиб ҳайдади.

Қишлоқнинг тушки осойишталигида, дехкон ҳовлисида қўринган бу ажиб манзара Кантичондрога унутилмас таассурот қолдирди.

Дарахт баргларининг танга-танга сояси ва қуёш нурлари қизнинг тиззаларида ўйнарди. Нарироқда ётган сигир секин қавш қайтарар, эринчоклик билан боши ва думини қимирлатиб, елкасига қўнган пашшаларни ҳайдарди. Шимолдан эсаётган сарин шабада камишларни шитирлатиб, алланима деб шивирлагандек бўларди.

Уша кунни дарё соҳилида унга ўрмон парисидек қўринган қиз — ҳозир чошгоҳ сукунатида унинг кўз ўнгида оила ҳамдарди, уй-рўзғор тангриси сиймосида намоён бўлди. Қўлида милтиғи билан тўсатдан бу қизнинг олдида пайдо бўлган Кантичондро жиноят устида қўлга тушган ўғридек хижолатда қолди. Унинг қиздан узр сўраб, бу қушни мен ярадор қилганим йўқ, деб айтгиси келди. Бироқ йигит не йўсинда узр айтишни ўйлағунича ҳам бўлмай, қизни қимдир қақирди:

— Шудха.

— Шудха! — яна такрорлади ўша овоз, қиз қаптарни қўлига олиб, дарров уйга караб югуриб кетди.

¹ Мондакини — ҳинд диний афсоналарига кўра, осмонда яна бир Ганг дарёси бор; Мондакини ана шу самовий Гангнинг номи.

«Шудха! Ростдан ҳам гўзал исм», деб ўйлади Кантичондро.

У милтигини хизматкорга бериб, уйга қараб юрди. Унда курсида ўтириб диний китоб ўқиётган, соқоли яхшилаб қиртишланган, ўрта яшар, нуроний брахманни кўрди. Овчи унинг юзларида ҳам бояғи қиз чехрасидаги меҳрибонлик нишоналарини пайқади.

Кантичондро эҳтиром билан унга таъзим қилиб сўради:

— Жаноб, мен жуда чанкадим, сизда бир пиёла сув топилмайдами?

Брахман қувонч билан меҳмонни қарши олиб, унга жой кўрсатди ва ўзи уйга кириб кетди. У дарров ликопчаларда қандкурс ва бир кўзачада сув олиб чиқди.

Кантичондро сувга қонгач, брахман у билан танишди. Йигит кимлигини айтиб, қуйидагиларни илова қилди:

— Агар бирор нарсада менинг ёрдамим лозим бўлиб қолса, асло тортинмай сўрашингиз мумкин.

— Сиз менга нима билан қўмаклашингиз мумкин? — деди Нобин Бондепадхая. — Менинг балоғатга етган Шудха исмли кизим бор, агар унга лойиқ қобил куёв топиб турмушга берсам, мен ўзимни дунёвий бурчларимдан қутулган ҳисоблардим. Бирок бу орада унга муносиб куёв йўқ, мен эса, Кришнанинг муборак суратини уйда қолдириб, куёв қидириб кетолмайман.

— Агар сиз илтифот қилиб, менинг қайиғимга борсангиз, у ерда куёв борасида ўйлашиб кўрардик, — деди Кантичондро.

Кантичондро ўз жойига келиб, ҳамроҳларидан бир неча кишини Бондепадхаянинг кизи ҳақида қўшимча маълумотлар топиб келишга юборди. Улар келиб, ҳаммалари бир оғиздан, бу қиз феълу атворда Лакшмининг худди ўзи экан, деб айтдилар.

Эртасига брахман келганида, Кантичондро уни катта иззат-икром билан қарши олиб, кизига оғиз солди.

Нобин Бондепадхая бу қутилмаган бахтдан шундай ҳанг-манг бўлдики, анчагача бир оғиз сўз айтолмай қолди. Бу ерда бирор англашилмовчилик бўлмасин тагин деган гумон билан, яна сўраб кўрди:

— Сиз менинг кизимга ростдан ҳам уйланмоқчимисиз?

— Шундай, агар сиз рози бўлсангиз мен тайёрман.

— Шудхагами? — дея такрор сўради брахман.

— Ҳа, — тасдиқлади Кантичондро.

— У билан учрашиб, гаплашиш ниятингиз борми? — деб сўради Нобин бир оз ўзига келиб.

— Й, мен бу ишни назари бахайр маросимида қилмоқчиман, — деди йигит, қиз билан кўришганини сездирмай.

— Менинг Шудхам яхши қиз, — деди Нобин овози қалтираб. — Уй-рўзгор ишларида унга ҳеч ким тенг келолмайди. Сиз уни кўрмай уйланишга аҳд қилибсиз. Мен сизларга фотиҳа бераман, у Лакшмидек хушфеъл қиз, ҳеч қачон эрининг измидан чиқмайди, деб умид қиламан.

Кантичондро уйланишни пайсалга солиб ўтирмади, тўйни магх ойига тайинлашди. Тўйни ўтказиш учун Мажумдорларнинг қадимий уйлари ижарага олинди. Белгиланган кунда тантана билан куёв навқарлар келишди. Олдинда фил миниб куёв этиб келди, унинг орқасидан қўлларида машъала кўтариб унинг ўртоқлари келишди, мусиқа садолари янгради...

Назари бахайр маросимида Кантичондро келинга қаради-ю, лекин тузукрок кўролмади, чунки Шудханинг упа-элик суртилган юзи пастга қараган эди. Кантичондронинг эса қувончдан юраги ҳаприкиб, кўз олдини туман коплади.

Аёллар никоҳ хонасига тўплангач, улардан бири, кишлоқнинг энг мўтабар аёли, куёв-келиннинг юзидаги пардани очсин, деб талаб қилди. Кантичондро пардани тортиб туширди-ю, юраги «шув» этиб кетди. Гўёки кўксига аллақандай қора яшин чақнаб миясини тешиб ўтгандек бўлди. Бир лахзада тўйхонани нурафшон этиб турган чироқлар, гўё сўнган эди, йигитнинг юзларига хафаликнинг қуюқ сояси қўнди. Куёвнинг ёнида Шудха эмас, тамоман бегона бир киз ўтирарди!

Кантичондро бир пайлар иккинчи марта уйланмасликка аҳд қилган эди. Наҳотки, шу аҳдини бузгани учун тақдир уни масхаралаган бўлса? У дўстларининг маслаҳатига қулоқ солмай, қанчадан-қанча соҳибжамол кизларни рад этганди. Ҳеч нарсани писанд қилмай, таг-тугликни ҳам, бойликни ҳам, назокатлиликни ҳам назарига илмай, келиб-келиб ботқоқликдаги номаълум кишлокдан камбағал бир хонадоннинг кизини ўзига ҳаёт йўлдоши деб танладими? «Эл-юртнинг кўзига қандай кўринаман?» — деб ўйлади Кантичондро.

У дастлаб бутун қаҳр-ғазабини қайнотасига сочиб-тўқди. Имонсиз чол бир кизни кўрсатиб бошқасига уйлантирибди. Аммо йигит ўйлаб қараса, брахман тўй олдидан қизларини умуман унга кўрсатмаган — унинг ўзи ҳам, кизни кўришим шарт эмас, деб айтганди. Шунинг учун Кантичондро, яхшиси бу даҳшатли алдовни ҳам, ўзининг аҳмоқлигини ҳам ошқор қилмасликка аҳд қилди.

Кантичондро ҳаб дорини ютди-ю, унинг аччиқ таъмидан узок вақтгача қутулолмади. Никоҳ хонаси унинг учун ўз латофатини йўқотган эди. У ҳаммага захрини сочар, ўз қилмишидан диққати ошарди.

Бирдан куёвнинг ёнида ўтирган келин кичкириб юборди: хонага бир қуёнча югуриб кириб, ҳайикмай унинг оёқлари остига ташланди, қуённинг кетидан Кантичондро дарё соҳилида кўрган киз пайдо бўлди. У кўрққан қуёнчани ушлади-да, юзларига маҳкам босиб, меҳр билан эрқалата бошлади.

— Тентак келди! — деб кичкиришди аёллар ва унга, чиқи кет, деб ишора қилишди. Лекин киз пинагини бузмай, куёв билан келиннинг қаршисига ўтириб, уларни томоша қила бошлади.

Уйга чўри хотин кириб, кизнинг кўлидан ушлади, лекин Кан-
тичондро:

— Унга тегма, кўй, ўтирсин! — деб чўрини четлаштирди.

Сўнгра Кантичондро куёнча ушлаган кизга мурожаат қилиб
сўради:

— Исминг нима?

Бироқ қиз ҳеч қандай жавоб бермай, у ёқдан-бу ёққа тебрана
бошлади. Ўтирган аёллар кулиб юборишди.

Кантичондро бошқа савол берди:

— Ўрдакчаларинг қатта бўлишяптими?

Қиз лом-мим демай, йигитга қараб тураверди. Хижолатда
қолган Кантичондро бор кучини йиғиб яна сўради:

— Каптаринг тузалиб қолдимми?

Бироқ у ҳеч қандай жавоб ололмади. Аёллар хохолаб ку-
лишди.

Ниҳоят, Кантичондро қиз ҳам соков, ҳам қар бўлиб, қиш-
лоқдаги барча ҳайвонлар билан дўстлашиб юришини, ўша куни
Шудхани қақирганларида, у тасодифан ўрнидан туриб кетганини
билди.

Кантичондронинг юраги орқасига тортди: ахир, у дунёда
энг бахтсиз одам бўлиши мумкин эди-я! Бир тасодиф тўфайли
касофатдан қутулиб, ўз хотиржамлигини сақлаб қолибди. «Агар
мен бу қизга оғиз солганимда, — деб ўйлади Кантичондро, —
чол дарров рози бўлар, нима қилиб бўлса-да, бу бахтсиз киздан
қутулиш учун уни менга беришга уринарди».

Йигит ўзини мафтун этган дехкон қизи ҳақидаги ўйлари би-
лан банд экан, ўз рафиқасига мутлақо эътибор қилмасди. Кан-
тичондро ўзини асир этган қиз соков ва қар эканини билгач,
бутун оламини ўраб олган қора парда бирдан йиртилиб кетди.
Ҳавойи ҳаёллар йўқолди, у атрофдаги нарсаларни фарқ қила
бошлади. Кантичондро қалбидан отилиб чиққан бир оғир нафас
билан енгил тортиб, хижолатда ўтирган келинга яна назар сол-
ди. Энди бу, ростдан ҳам назари бахайр эди. Йигит қалбидаги
нур чироқларнинг ёғдусига қўшилиб, кизнинг ёқимли чехрасини
ёритди. Кантичондро бўлиб ўтган ходисадан сира ўқинмади! У
рафиқасининг ёқимли, чиройли юзини кўриб Нобиннинг дуоси
қабул бўлганини билди.

1894 йил

ТАСКИН ТОПГАН РАШК

I

Романатх Шилга карашли уч каватли уйнинг энг юкори каватида Гопинатх Шилнинг хотини Гирибала яшарди. Унинг ётоқхонаси олдида гулдонларда жасмин ва атиргуллар ўсарди. Томдаги майдончанинг атрофи баланд қилиб ўраб олинган, кўчага қараш учун ҳар ер-ҳар еридан дарчалар очилган эди.

Ётоқхонанинг деворларига оврўпалик аёлларнинг кийимда ва яланғоч бўлиб тушган суратлари осиб қўйилганди. Уйнинг тўридаги катта кўзгуда ўн олти яшар уй бекасининг акси кўринганида, у ҳуснда суратлардаги гўзаллардан сира ҳам қолишмасди.

Гирибаланинг ҳусни жамоли тўсатдан оламга кўз очиш, қўқисдан ялт этган шуъла ёки мўъжизага ўхшаб кетар, бир зумда кишини мафтун этарди. Мен Гирибалани кўрганимда билдимки, бундай учрашувга тайёрланмаган эканман. У, мен ўз атрофимда узоқ вақт кўриб юрган одамларнинг ҳеч бирига ўхшамасди.

Гирибала ўзининг гўзаллигидан ўзи ҳам хаяжонда эди. Ёшлик ва гўзаллик унинг бутун вужудини, худди қадахдаги май сингари лиммо-лим тўлдирганди. Унинг бутун борлигидан: либослари, зеб-зийнати, юришлари, қўл ҳаракатлари, сал эгирок бўйни, шахдам қадамлари, оёқларидаги кўнғироқчалари, биллагузуклари, хандон уриб кулишлари, тўликиб сўзлашлари, оташин нигоҳи — барчасидан ёшлик ва гўзаллик барқ уриб турарди.

Гирибала ёшлик туйғулари билан сармаст эди. У гўзал коматини чиройли сарига ўраб, тез-тез том бўйлаб юрар; аъзойи бадани қандайдир сокин ва сўзсиз қўшиқ оҳангида раскга тушгандек туюлар, турли вазиятда ўзига бино қўйиб туришлари эса, унга ҳузур бахш этарди. Бу жувон ўз ҳуснидан гўё теваракка тўлқинлар таратиб, қизғин қонида бебош бир ғалаён хис киларди. У қутилмаганда дарахтдан бир япрокни узиб, қўлларини юкорига кўтарарди-да, уни шамолда учириб юборарди. Шунда биллагузуклари жаранглаб, сарисининг этаги хилпирар, кафасдан қутилган қуш поёнсиз осмоннинг булутлар салтанати томон парвоз этгандек, чиройли қўллари ҳавога талпинарди. Баъзан Гирибала гулдондан бир сиким тупрок олиб, сочиб юборарди. Оёқ учидан туриб дарчалардан кенг оламга ялт этиб бир қараб оларди-да, кейин ўтирилиб, сариси билан юзини яширган вақтда этагига боғланган қалитлар жиринглаб кетарди. У тез-тез катта тош-ойнанинг олдига келиб, ўз-ўзидан сочларини ёйиб тарарди. Садафдек оппоқ тишлари билан тасмани тишлаб туриб, қўлларини

баланд кўтариб, сочларини орқасига турмаклаб қўярди. Сочларини тараб, ўриб бўлгач, қиладиган иши қолмасди. Шундан сўнг ёш жувон ойнинг нури билан чизилган суратдек бўлиб юмшоқ каравотда ястаниб ётарди. Гирибаланинг фарзандлари бўлмагани учун, бу бадавлат хонадонда ҳеч қандай ғам-ташвиши йўқ эди. У ҳар куни ёлғиз, ўзи билан ўзи қоларди, ахийри бу танҳолик жонига тегди.

Гирибаланинг эри бор. Лекин у хотинини сира ўйламас, ҳатто унинг балоғатга етганини ҳам пайкамаганди.

Болалик чоғларидаёқ эри мурабийларнинг кўзларини шамғалат қилиб, кичкина хотинига муҳаббат изҳор қилиш учун кимсасиз чошгоҳ пайтларда мактабдан уйга қочиб келарди. Гарчи улар бир уйда яшасалар-да, чиройли гулхатларда бир-бирларига муҳаббат мактубларини ёзишарди. Йигитча бу мактубларни ўзига яқин мактабдошларига кўрсатиб фахрланарди. Уларнинг орасида ҳеч қачон ур-йикит, жанжал бўлган эмас.

Бирок тез орада Гопинатхнинг отаси вафот этиб, унинг ўзи уй хўжаси бўлиб қолди. Ёш дарахтни дарров қурт ейди. Гопинатх ёшлигидан мустақил ҳаётга қадам қўйгач, атрофида жуда кўп турли-туман одамлар пайдо бўла бошлади ва бора-бора у ичкари ҳовлига камдан-кам кирадиган бўлди.

Одамлар бошлиқ бўлишга тиришадилар, уларни ўзгалар устидан ҳокимлик қилиш истаги маст қилиб қўяди. Наполеонда беҳисоб кишиларга ва жаҳон тарихига ўз таъсирини ўтказиш иштиёқи жуда кучли бўлганди. Ана шундай иштиёқ кичкина меҳмонхонанинг кичик хўжайинида ҳам бор эди. Шунақа одамлар бўладики, улар қарзга ботиб, хонавайрон бўлиб шон-шарафларини барбод этиб бўлса ҳам, дўстлик баҳонасида бир қанча насткаш одамларни атрофларига тўплаб, уларни «гаҳ» деса қўлга қўнадиган бир ҳолга келтириб, сўнг шуларнинг мактовларини эшитиб ётишга кўникишади, бундай тоифадаги одамларнинг асосий мақсади мана шу!

Гопинатх жўрабоши даражасига кўтарилиб, завқ-шавқ ичра кўкларда парвоз эта бошлади. Ёр-биродарлари орасида ортиб бораётган обрўси туфайли кун сайин ўзига бино қўйиб гердаяверди. Унинг танишлари: «Гопинатхнинг дўстлари орасида обрўси зўр», деб гапиришарди. Бу бахтсиз йигит кибру ҳаво ва мактовларга учиб, башка кўнгилли ва кўнгилсиз бурчларини унутди-ю, гирдобда айланаб қолди.

Гарчи Гирибала бўшаб қолган ётоқ тахтига чиқиб, уйнинг ичкари қисмини забт этган бўлса ҳам, у нуфузи йўқ малика эди. Билардики, Парвардигор салтанат хассасини унинг қўлига бериб қўйган, агар истаса томдаги дарчадан бир қиё боқиб, кенг оламни забт этади, аммо шунга қарамай, у бу оламдан бирор эркакни асир қилиш имкониятидан маҳрум эди.

Гирибаланинг чакқон бир чўриси бўлиб, унинг исми Шудха ёки Шудхамукхи эди. У қўшиқ айтар, ўйинга тушар, тўсатдан

шеър ўқир, бекасини таъриф-тавсиф қилар, унинг ҳусн-жамолини мадҳ этар, шунча гўзалликнинг қадрига етадиган киши бўлмагани учун бу нозанин жувоннинг умри зое кетмоқда, деб зорланарди. Гирибала Шудхасиз бир дақиқа ҳам туролмасди. У ўзининг ҳусни-жамоли ва қадди-комати ҳақидаги мақтовларни хижолат билан тингларди. Баъзан Шудханинг гапини бўлиб, ҳаяжон ичида уни тилёғламачи, алдамчи деб уришиб берарди. Шунда чўри аёл юз хил қасам ичиб, сўзларининг самимийлигига далиллар келтирар, буни кўриб Гирибала ҳам унга ишона қоларди.

Шудха бекасига кўпинча «нилуфарнинг гулидек изларингга содикман» деган кўшиғини айтарди. Гирибала бу кўшиқда оёғига хина кўйилган нафис бармоқларининг таърифини эшитар, кўз ўнгида барча нарсадан маҳрум этилган қулнинг сиймоси намоён бўларди. У томда айланиб юраркан, оёқларидаги қўнғироқчалар жиринглаб уни мадҳ этар, аммо бирор кимса келиб унга севги изҳор этмас, оёқларига йиқилмасди.

Гопинатхнинг ақлу ҳушини банд этган аёлнинг исми Лобонго бўлиб, у актриса эди. Бу аёл саҳнада беҳуш бўлиб йиқилиш ҳолатини зўр маҳорат билан ижро этарди. У қалтироқ овоз, сохта кўз ёшлари билан аранг тилга кириб, димоғи билан: «Эй қалбимнинг султони!» деганида, залдаги томошабинлар: «Қойил! Балли!» деб қичқиришарди.

Гирибала ушбу актрисанинг фавқулодда қобилияти ҳақида илгари эридан кўп эшитганди. У пайтда эри Гирибаладан ҳали у қадар совимаган, у ҳам эрига ёқмай қолганини билмас эди. Аммо қалбида рашк олови пайдо бўлди. У бошқа бирор аёлда унда йўқ фазилатларнинг бўлишига сира ҳам тоқат қилолмасди. Гирибала бир неча бор театрға бориш ниятида эканини айтди-ю, бироқ эркаклар қила оладиган бу иш ман этилганди.

Нихоят, Шудхага пул бериб, уни театрға юборди. Шудха қайтиб келгач, бурнини жийириб, пешанасини тириштирди-да, энг аввал актрисалар оламига қадам босгани учун гуноҳига мағфират тилаб Рамга тавба-тазарру қилди. Сўнгра уларнинг беўхшов афт-башараларини, эркакларни илинтириш учун қиладиган ғайритабиий нозу карашмалари ҳақида гапириб берди. Буни эшитиб Гирибала тамоман хотиржам бўлди.

Бироқ эри унга қарамай кўйганидан сўнг, унинг кўнглига яна шубҳа оралай бошлади. Гирибала чўрисининг сўзларига ишонмаганини айтганида, у бекасининг оёқларига йиқилиб, актрисалар чала ёндирилиб латтага ўраб кўйилган ғўлага ўхшайди, юзлари жуда ҳам беўхшов, деб қайта-қайта такрорлади. Гирибала театрнинг жозибадор кучига қарши ҳеч нарса ўйлаб тополмади, ғурури поймол этилди.

Нихоят, бир окшом у Шудха билан театрға борди. Ман этилган нарсанинг жозибаси ҳамиша кучли бўлади. Жувон хайратла

қолди, одамлар, мусиқа, безатилган сахна ва чароғон зал унга икки чандон фусункор кўринди. Ўзининг кимсасиз, ғамгин, каркулок деворлар билан ўраб олинган ховлисида бу ерга, бу гўзал оламга келиб қолгани унга худди тушдек туюлди.

Ўша куни «Таскин топган рашк» операси кўйилмоқда эди. Мусиқа бир лахзада тўхтади. Хаяжон босган одамлар жим қолишди. Олдиндаги чироклар равшанроқ ёнди, кейин парда кўтарилди. Бир тўда чиройли кийинган аёллар кўшиқ айтиб рақсга тушар, шу тарика Кришна ёшлигида яшаган хаёлий Браммамакатини гавдалантиришарди. Театр залини вақти-вақти билан қийқирик ва қарсақлар коплаб турарди. Гирибаланинг баданида ёшлик қони туғён урди. Мусиқа садолари, чирок нури, кимматбаҳо нафис буюмлар ва гўзалликни мадх этаётган хорни кўриб, у барча нарсани унутиб юборди. У гўёки кишансиз, бироқ гўзаллик билан тўла эркин бир оламга киргандек эди.

Шудха бир неча бор унинг олдига келиб, хавотирда қулоғига шивирлади:

– Хоним, уйга қайтадиган вақт бўлди, агар хўжайин билсалар балога қоламиз.

Гирибала унинг сўзларига қулок солмади. Ҳозир у ҳеч нарсадан қўрқмасди.

Томоша энг қизиган пайт. Радха ранжиган. Кришна бу рашк денгизининг тубига сира ҳам етолмасди. Шунча итоаткорлик, илтижолар, кўз ёшлари, ҳеч бири қор қилмади! Гирибаланинг юраги ғурур билан тўлиб-тошганди. У гўё Радхага айланиб, Кришнанинг ялиниб-ёлворишларига қарамай, ўзининг оғишмас қатъиятидан завқланарди. Унга ҳеч ким, ҳеч қачон бу қадар ялинмаганди. Гирибала ташландик, эътибордан қолган бир аёл эди, бироқ у ўзига чексиз ишонч билан, мен ҳам шундай қатъий туриб зор-зор йиғлата оламан, деган фикрга келди. Ёш жувон гўзалликнинг қандай қудратга эга эканлигини билар эди. Бугун эса безатилган сахнада, чирокларнинг ёруғи ҳамда, мусиқа садолари остида Гирибала буни яна ҳам аниқ кўрди. Завқу шавқдан боши айланди.

Мана парда тушиб, газ чироклар ҳам хиралашиб қолди. Гирибала сеҳрлангандек жойида ўтирарди. У уйга қайтиш лозимлигини ҳам унутди. Унга томоша хали тугамагандек, парда яна кўтариладигандек, оламда Кришнанинг Радха оёқлари остида хўрланишидан бошқа ҳеч нарса йўқдек эди.

Шудханинг овози эшитилди:

– Хоним, нима қияпсиз? Туринг, ҳозир чироклар ўчади.

Кеча алламаҳал бўлганида Гирибала ўз ётоғига қайтиб келди. Бурчақда милтиллаб чирок ёнарди. Хонада на бир жон, на сас-садо бор. Бўш каравот устидаги эски пашшаҳонани шамол тебратиб турарди. Гирибалага кундалик хаёт ўта қашшоқ, кизиғи

йўк, аҳамиятсиз бўлиб кўринди. У ташландиқ ва хўрланган аёллар бўлмайдиган гўзал ҳамда кувноқ ҳаётни қаердан топиши керак, қаерда шухрат кўкларига парвоз этиб, диққат марказда бўла олади? Шу кундан бошлаб у ҳафтада бир марта театрга борадиган бўлди. Аста-секин илк сархушлиқ ўтди. У актёрларнинг гримига қараб, уларнинг чиройли эмаслигини кўрди, сахнадаги сохталикларни англаб етди, аммо санъатга бўлган эътиқоди сўнмади. Парда кўтарилганида, отишманинг овозини эшитган жангчидек ҳаяжонга келарди. Барчани фатҳ этувчи гўзал малика учун дилбар заррин суратлар билан безатилган, атрофия гулчамбарлар билан ўралган, шеърий ва кўшиқ сеҳри билан кишини лол этадиган, сон-саноксиз томошабинлар йиғилган, махфий можаролар тўлиб-тошган бу гўзал ва эркин оламдан кўра шаффофрок бир тахт яна қаерда топилади?

Гирибала илк марта эрини театрда кўриб, қандайдир бир актрисанинг пайдо бўлиши билан унинг оҳ-воҳ килишини эшитгач, юраги нафратга тўлиб-тошди. У алам билан, эрим қаноти куйган парвонадек бўлиб оёқларим остига йиқилгандагина, бефойда гўзаллигим, кераксиз ёшлигим маъно касб этади, шунда мен бор нафратимни сочиб, виқор билан ундан узоқлашаман, деб ўйлади.

Бирок бу порлоқ кун қачон келади? Эндиликда Гопинатхни кўриш ҳам кийин эди. У ўз телбалиги шамолида учиб, бир пиёла чойдаги шамадек гир айланиб қолди, қандайдир бир тўғарак очиш учун қаёққадир жўнаб кетди. Қаерга кетгани эса номаълум.

Гирибала чойтро¹ ойида, баҳорнинг ойдин оқшомида томга чиқиб ўтирганди. Жануб шамоли унинг тўк сарик сарисини хил-пиратарди. Гарчи эри уйга келмаса-да, Гирибала ҳар кун яширин бир умид билан тақинчоқларини тақиб, ўзига оро берарди.

Садаф ва олмосдан ясалган тақинчоқлари жимирлаб товланар, атрофга нур сочиб жаранглар эди. У қўлларига билагузук, бўйнига олмос ва ёқут маржон такқанди. Синчалоғида эса зумрад узук порларди. Шудха кизнинг олдида ўтириб, вақти-вақти билан унинг хина қўйилган чиройли оёқларини силаб, самимий хўрсиниб гапирарди:

— Эҳ, хоним, агар мен эркак бўлганимда бу оёқчаларни кўкрагимга босиб жон берардим.

— Ўйлайманки, эркак бўлганимда оёқчаларимни кўкрагингга босмаёқ ўлишингга тўғри келарди, — мағрур кулги билан жавоб берди Гирибала. — Нахотки, мен бунга йўл қўйсам? Бас энди! Яхшиси, бир кўшиқ айтиб бер.

Шунда томда, ойдин кечада кўшиқ янгради:

¹ Чойтро — хинд таквими бўйича март-апрель ойларига тўғри келади.

*Нилуфарнинг гулбаргидек изларингга содиқман,
Хамма дугоналаринг Бриндабанга¹ келсин.*

Кеч соат ўн эди. Уйдагиларнинг хаммаси ухлаган пайт. Ён-атрофга атир исини бурикситиб, бало-казодек бирдан Гопанатх кириб келди. Шудха тилини тишлаб, бошига рўмолини ташлаб кочиб қолди.

Гирибала энди хонаси келди, деб ўйлади. У Гопанатхдан юзини ўгирди. Худди Радхадек, ўта мағрурлик билан қимир этмай тураверди. Бироқ сахнадаги сингари парда кўтарилмади, Кришнанинг бошидаги товус парлар унинг оёқлари остига тушмади, ҳеч ким:

Ой юзингни яшириб, ойдин кечани хиралатма —

деб кўшиқ ҳам куйламади.

Бунинг ўрнига Гопинатх қўпол ва бепарво овоз билан:

— Калитларни бер-чи, — деди.

Бир неча кунлик жудоликдан сўнг, баҳорда ойдин кечада унинг топган гапи шу бўлди! Шеърларда, драма ва романларда ёзилган гаплар бошдан охир ёлғон экан! Сахнада муҳаббат кўшиқларини айтиб, оёқ остига йиқилишади, буни кўриб томошабинларнинг кўнгли юмшайди, ана шу томошабинларнинг бири, ойдин кечада томда пайдо бўлиб, ўзининг ёш, гўзал қайлиғига: «Калитларни бер-чи!»дан бошқа сўз тополмаса. На мусиқа, на муҳаббат, на хушомад, на дилбарлик! Ўта эътиборсизликдан бошқа ҳеч вақо йўқ!

Шу пайтда жануб шабадаси шитирлаб, барча хўрланганларнинг чуқур хўрсинишидек келиб юракка қадалди. Гулдонларда ўсган атиргуллар томга хушбўй ис таратарди. Гирибаланинг паришон сочлари юзига ёйилиб, кўзларига тушди. Унинг хушбўй тўқ сариқ сарисини шамол ҳилпиратар эди. Гирибала ғурурни унутди. У эрининг қўлидан ушлаб:

— Калитларни бераман, аммо сиз аввал уйга киринг, — деди.

Энди у йиғлаб, эрини ҳам йиғлатмоқчи эди. У танҳоликда юрагида сақлаб келган дардларини айтиб, илтижо ила уни инсофга келтирмоқчи бўлди.

— Мен узок қололмайман, — деди Гопинатх, — калитларни бер.

— Мен калитларни бераман, аммо сиз бу кеча ҳеч қаякка кетмайсиз.

— Бўлмаган гап. Мен кетишим керак.

— Ундай бўлса, калитларни бермайман.

¹ Бриндабан — асотирларда келтирилган бир ўрмоннинг номи.

— Бермайман? Ҳали шунаками? Кўрамиз, қандай килиб бермас экансан.

Шу сўзларни айтиб, Гопинатх унинг сариси этагига қараб қўйди, калитлар йўқ эди. Уйга кириб пардоз столининг ғаладонини очиб қаради, у ерда ҳам калитларни топмади. Шунда у тароклар турадиган қутичани синдирди. Бироқ унда қош, киприк ва лабга суркайдиган бўёқлар билан тасмалардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. У каравотни ағдар-тўнтар қилди, тўшакларни кўтариб қўрди, жавонларни титкилаб чиқди — калитлар ҳеч қаерда йўқ эди.

Гирибала эшикнинг олдида ҳайкалдек қотиб қолди. Беҳуда уринишлардан сўнг Гопинатх ғазаб билан унга қараб ўшқирди:

— Калитларни бер, бўлмаса ёмон бўлади!

Гирибала, ҳатто жавоб ҳам бермади. Шунда эри унинг биллагузук, маржон ва узукларини юлиб олиб, калтак билан савалай кетди.

Уйда ҳеч ким уйғонмади, қўшнилардан ҳеч ким ҳеч нарсани сезмади, ойдин кеча илгаридек жимжит эди. Агар бу кечанинг қулоғи бўлиб, уйдаги кичқирикни эшитганида, у қаттиқ фарёд қилиб, минг бўлакка парчаланиб кетган бўларди. Салобатли сукунатда эр, боёқиш жувонни ит азобига солиб калтақлади.

Бу кеча ҳам ўтди. Гирибала бу шармандаликни, ҳақоратни, ҳатто Шудхага ҳам айтмади. У хўрлангани учун қасос олиш ниятида ўзини ўлдирмоқчи, ўз қўли билан бебаҳо ёшлигини, мислсиз гўзаллигини барбод қилмоқчи ҳам бўлди. Аммо шу онда, бу қасосни ҳеч ким сезмай қолади-ку, деб ўйлаб қолди. Бу дунёда кимсанинг мусибати билан бировнинг иши йўқ. На ҳаётда — бахт, на ўлимда — осойишталик бор.

Гирибала отасининг уйига кетадиган бўлди. Отаси Калкуттадан анча узоқда яшарди, аммо жувон кўпчилиكنинг норозилигига қарамай, ёлғиз ўзи жўнади. Гопинатх бу пайтда уйда йўқ, улфатлари билан қайиққа тушиб бир неча кунга қаёққадир кетганди.

II

Лобонго бош ролни ўйнайдиган «Монорома» номли мусиқали драма қўйилганида, Гопинатх ҳамиша театрда хозиру нозир эди. У уфлатлари билан биринчи каторда ўтириб, «койил!», деб қаттиқ кичқириб, сахнага гулдасталарни иткитарди. Унинг доимий кичқириқлари аста-секин томошабинларнинг ғашига тега бошлади. Бироқ театр маъмурияти унинг бу қилигини ман этишга журъат этмасди.

Бир куни Гопинатх маст ҳолда сахнанинг орқасига ўтиб, у ерда жанжал кўтарди. Қандайдир аҳамиятсиз бир нарса учун ўзини ҳақоратланган ҳисоблаб, бир раққосани тутиб олиб урди. Қизнинг фарёди ва Гопинатхнинг ҳақоратларидан бутун театр саросимага тушди.

Ўша куни театр раҳбарининг токати тоқ бўлиб, полиция Гопинатхни чиқариб юборди.

Гопинатх ўч олишга аҳд килди. Пужа байрамидан бир ой илгари, «Монорома» спектакли қайта кўйилар экан, деган шовшув тарқалди. Бутун Калкутта эълон билан копланди. Драма муаллифининг исми катта ҳарфлар билан ёзилган афишалар шунчалик кўп эдики, гўё шаҳар намавали¹ кийганга ўхшарди.

Гопинатх худди шу куни спектаклда бош ролни ўйнаши керак бўлган Лобонгони олиб қайиқда саёҳатга жўнади. Унинг қаёққа ғойиб бўлганини аниқлай олишмади. Театр маъмурияти роса тажанг бўлди. Лобонгони кўп кутишди, охири Монорома ролини ўйнаш учун янги актриса чақиришга мажбур бўлишди. Шу сабабли премьерa анча кечикди.

Хамма ҳам театрга киролмади. Юзлаб одамлар ноумид бўлиб қайтиб кетишди. Газеталар янги ижрочини макташ учун сўз топишолмасди. Бу мактовлар Гопинатхнинг ҳам қулоғига етди. У чидолмай, қизикиш ва ҳасад билан спектаклни кўргани келди.

Пьесанинг мазмуни мана бундай эди: биринчи кўринишда га-долардек кийинган Монорома қайнотасининг уйида чўри ҳолатида. Рўмолга ўраган, букилган, қунишган бир аҳволда иш билан овра. У лом-мим демайди, юзлари ҳам кўринмайди.

Охирги кўринишда Монороманинг эри уни отасининг уйига жўнатиб, бир миллионернинг ягона қизига уйланиш тараддудига тушади. Тўйдан кейин никоҳ хонасида куёв келинга қараса, у ўз хотини Монорома бўлиб чиқади. Аммо эндиликда у чўри кийимида эмас, маликалардек кийинган. Қимматбаҳо тақинчоклар билан безанган бу соҳибжамол жувоннинг чехрасидан нур ёғилиб турарди. Монорома болалигида бой ота-онасининг уйидан ўғирланиб, қашшокликда ўсган эди. Кўп йиллардан сўнг, яқинда уни отаси топиб уйига олиб келди, қайтадан зўр дабдаба билан илгариги эрига тўй қилиб берди. Шундан сўнг никоҳ хонасида ялиниб-ёлвориб, кечирим сўраш навбати эрга келди.

Бироқ шу пайтда томошабинлар орасида шовкин кўтарилди. Ҳозиргача Монорома рўмолга ўраниб, ифлос чўри кийимида турганида Гопанатх жим ўтирганди. Аммо у кизил никоҳ кийимида, қимматбаҳо зеб-зийнатлари порлаб, бошидан рўмолини тушириб, гўзаллигини атрофга нур каби таратиб, ажиб бир викор билан бошини тик кўтариб, юзидан пардани кўтариб томошабинларга, айниқса, биринчи каторда ўтирган Гопинатхга белисандлик билан яшиндек чақнаган кўзларини тикканида, ҳаяжонланган томошабинларнинг гулдурос қарсақларидан театр ларзага келди, шунда Гопинатх: «Грибала! Бу менинг Грибалам!» — деб бакир-

¹ *Намавали* — худоларнинг исмлари билан безалган матодан тикиладиган либос.

ганича югуриб сахнага чиқишга уринди, аммо мусикачилар уни ушлаб қолишди.

Томошабинлар унинг бу килиғидан жуда дарғазаб бўлишганди. Инглиз ва бангол тилида шовқин кўтарилди: «Уни олиб чикиб кетинг! Уни хайдаб чиқаринг!»

— Мен уни ўлдираман! Тирик қўймайман! — деб Гопинатх ҳам титроқ овоз билан бақирарди.

Полициячилар пайдо бўлиб, Гопинатхни театрдан олиб чиқишди.

Бутун Калкуттадан тўпланган томошабинлар нафас чиқармай, Гирибаланинг маҳорат билан ижро этган ролини мириқиб томоша қилишди. Энди Гопинатх уларнинг орасида йўқ эди.

1895 йил

ТАШНА ТОШЛАР

Биз уни поездда учратдик: дўстим икковимиз Пуж байрами муносабати билан мамлакат бўйлаб қилган сафаримиздан Калкуттага қайтиб келмоқда эдик. Либосига караб биз уни гарбий вилоятларнинг мусулмонларидан деб ўйладик. Лекин унинг гаплари бизни либосидан кўра кўпроқ хайратга солди. У турли хил нарсалар ва ходисалар ҳақида шундай мулоҳаза юритар эдики, гўё Парвардигори олам ҳамиша у билан бамаслаҳат иш қиладигандек. Шу чокқача биз оламда қандай фаройиб ходисалар рўй бераётганини билмай, бамайлихотир яшаб келган эканмиз. Русларнинг қанчалик илгарилаб кетгани, инглизларнинг қандай яширин режалари борлиги ва маҳаллий рожалар орасида қандай келишмовчиликлар рўй бераётгани ҳақида ҳеч нарса англамай юрардик. Бизнинг янги дўстимиз муғамбирона жилмайиб:

— Еру кўкда кўп фаройиботлар бор Хорацио, аммо улар ҳақида сизнинг газеталарингизда ҳеч қандай ахборот берилмайди, — деди.

— Биз илк марта уйимиздан чиқиб мусофирчиликка қадам қўйганимиз учунми, ҳар нечук, у кишининг хатти-ҳаракатлари бизни тамоман хайратда қолдирди. У одам ҳар нарсага муносабат билдириб, ўз билимдонлигини намойиш қилар, ведалардан далиллар келтирар ёки бирдан форсий шеърларни ўқир эди. Биз олимлик даъвосидан йироқ бўлиб, веда ва форс тилидан ҳам етарли билимга эга бўлмаганлигимиз сабабли, бу кишига бўлган эҳтиромимиз тобора ортарди. Менинг такводор дўстим эса, ҳатто бу одам бирор сеҳрли куч билан ёки самовий мавжудотлар орқали ённки шунга ўхшаш бошка бирор восита ила нариги дунё билан алоқадор, деган фикрга ҳам келиб қолди. Шунинг учун у, бу ғайритабиий одамнинг энг оддий сўзларини ҳам зўр марок ва чексиз эҳтиром билан тинглаб, оҳиста ёза бошлади. Менга, бу сирли шахс ўзи қолдирган таассуротдан ғурурланиб, мамнун бўлаётгандек туюларди.

Поезд катта бекатга келди. Биз бошка поездни кутиб вокзалга кирдик. Кеч соат ўн бир ярим эди. Бизга, йўлда аллақандай ходиса рўй бергани учун поезд кечиқиб келади, деб хабар қилишди. Мен тўшагимни столга ёзиб, бир оз мизғиб олмоқчи бўлдим. Бироқ, халиги ғалати йўлдошимиз яна ҳикоя қила бошлади. Шундай қилиб, мен ўша кечаси мижжа қокмадим.

Жуганторида маъмурият билан келишолмай, ишни ташлаб, Хайдаробод ҳокимиятига хизматга келганимда, мен ёш ва соғлом

эдим, шунинг учун мени Баричга пахтадан солиқ йиғиш ишига тайинладилар.

Барич ниҳоягда сўлим жой. Тоғ этагидаги куюк ўрмонлар орасидан гўё мохир раққосадек буралиб, эшилиб, тош пояндоз устидан шовиллаб чопкир Шуста дарёси оқади. Дарё соҳилида, ундан бир юз эллик зина юкорида, тоғ этагида оқ тошдан ясалган танҳо сарой қад ростлаган; бу якин-атрофда бошқа уй-жой йўқ, пахта бозори ва Баричнинг ўзи бу ердан анча йироқда эди.

Тахминан икки юз эллик йиллар муқаддам шоҳ Махмуд Иккинчи кайфу сафо суриш учун бу кимсасиз жойда сарой қурдирган эди. У пайтларда чўмиладиган хоналардаги фонтанлардан атиргул сувининг муаттар иси анкирди. Фонтанлардан сачраган сув томчилари билан салқинланган айрим хоналарда, совук мрамр курсиларда ўтирган эрон қизлари чўмилиш олдидан сочларини ёйиб, гул баргидек гўзал оёқларини фонтандан оққан зилол сувларга тутиб, тиззаларига сетор қўйиб чалар, хоналарда газалхонлик янграрди.

Хозир бу фонтанлар ишламайди; қўшиқ садолари ҳам тинган; оқ мрамрларда хиромон юрган гўзалларнинг қадам товуши ҳам эшитилмайди, хозир бу ер — менга ўхшаган солиқ йиғувчилар, танҳоликдан зорикқан, толикқанлар учун хувиллаб ётган жуда катта жой бўлиб қолган. Идорамизнинг эски хизматчиси Каримхон мени бу саройда тунама, деб огоҳлантирган эди. У: «Бу жойга фақат кундузи келгин, лекин кечасига сира-сира қола кўрма», деганди. Мен бунга жавобан кулиб қўйган эдим, холос. Хизматчилар ҳам, биз у ерда кундузи ишлаймиз-у, кечаси қолмаймиз, деган эдилар. «Майли, хоҳлаганларингча бўлсин», деб жавоб бердим мен. Бу уй шундай даҳшат солган эдики, хатто ўғрилар ҳам кечаси киришга ботинишмасди.

Аввал бу ташландиқ тош саройнинг кимсасизлиги мени ваҳимага солгандек бўлди, мен имкон борича бу уйга кундузи келмасликка тиришардим, фақат кечаси чарчаган ҳолда қайтиб, ётиб олархон ухлаб қолардим.

Аммо орадан бир ҳафта ўтмай, бу қасрнинг одатдан ташқари сеҳри мени чулғаб ола бошлади. Мени у даврдаги ахволимни тасвирлаш мушқул, лекин сўзларимга ишониш ундан ҳам қийинроқ. Бу бино гўё тирик вужуддек, аста-секин мени ўз қомига торта бошлади.

Эҳтимол бу ҳолат, саройга кирган кунимданоқ бошлагандир, лекин мен бунинг нишонлари кўринган куннинг баъзи воқеаларинигина аниқ эслайман. Аллақачон жазирама кунлар бошланган, бозор катта эмас, мен деярли ишламас эдим. Бир куни куёш ботмасдан анча илгари, сарой зинапояси олдидаги курсига ўтирдим. Ушанда Шустанинг суви камайиб саёз бўлиб қолган эди, ботаётган куёш шуъласида қарши соҳилнинг саёзликлари аниқ-тиниқ кўринар, оёғим остида мусаффо сув тагида рангбаранг тошлар яркирарди. Шабада йўқ, дарахтларнинг барглари

кимир этмасди. Якин адирлардан келган ялпиз ва арпа бодиёнининг ўтқир иси анкиб, сокин хавони тўлдирганди.

Қуёш тоғ чўкқилари орқасига яширингани ҳамон, кун сахнасига катта қора парда тушди, тоғлар якин бўлганидан, қуёш ботгач, бу ерда ёруғлик ва қоронғиликнинг бир-бирига қўшилиши узокқа чўзилмайди. От миниб саёҳат қилгим келди, бироқ курсидан туришим билан зинапоядан қадам товушлари эшитилди. Қайрилиб қарадим — ҳеч ким йўқ.

Бу — туйғуларнинг алдови деб ўйладим-да, яна қайтиб жойимга ўтирдим. Шу заҳотиёк яна қадам товушлари эшитилди, зинапоядан пастга караб бир неча киши югургандек туюлди. Қалбимни аллақандай қўрқув аралаш шодлик хисси қоплаб олди. Зинапояда ҳеч ким йўқ эди, аммо назаримда бир тўда қувнок қизлар зинапоядан бу ёз оқшомида Шустага чўмилгани тушиб кетаётгандек эди. Гарчи оқшом қоронғилигида на тоғ этагидан, на дарё сохилидан, на бўм-бўш саройдан ҳеч қандай овоз чиқмаган бўлса-да, мен ёнимдан бир-бирларини қувиб, югуриб бораётган чўмилиувчи қизларнинг янграган шўх кулгиларини баралла эшитдим. Улар гўё мени сезмасдилар, улар мен учун сир бўлганидек, мен ҳам улар учун сир эдим, кўзга кўринмас эдим. Дарё боягидек сокин, аммо мен чўмилиувчи қизларнинг жарангли биллагузуклар билан безатилган қўллари текканида зилол сувнинг қандай тўлқинланишини, бир-бирларига сув шешиларини ва оёқларини шапиллатиб сузганда, осмонга беҳисоб марварид томчиларнинг яркираб сачрашини аниқ тасаввур қилардим.

Вужудимни тушуниб бўлмайдиган бир ҳаяжон қоплаб олди: бу — қўрқувмиди ёки шодлик хиссими, ёинки инсонга хос билиш-англаш истагининг тугёнимиди — ўзим ҳам билмайман. Шуларнинг барчасини кўриш ҳаваси вужудимни камраб олган эди. Мен диққат билан тикилдим, аммо кўз ўнгимда деярли ҳеч нарса рўй бермади. Қулоқ солсам, уларнинг сўзларини англагандек эдим, аммо мен қанча қулоқ солмай, ўрмондаги чигирткаларнинг чириллашидан бошқа ҳеч нарса эшитилмади. Олдимда, гўё икки ярим асрнинг қора пардаси хилпираб турарди — ваҳм билан унинг бир четини қайирдим: у ерда кўплаб одамлар тўпланган, бироқ қуюқ зулмат уларни кўришга ҳалал берарди.

Қўққисдан қаттиқ шамол туриб, сокин ва оғир хавони титратиб юборди. Сокин оқаётган дарё сатҳида сув парисининг сочларига ўхшаш енгил мавжлар кўзғалиб, дарё бўйлаб югура кетди; оқшом қоронғисига бурканиб олган ўрмон, қаттиқ уйқудан уйғонгандек шамолдан гувиллай бошлади. Буни туш деб атайсизми, ўнг дебми, ихтиёр сизда, аммо кўз ўнгимда намоён бўлган бу икки ярим асрлик воқеалар бир лаҳзада ғойиб бўлди. Тасаввуримда бунёдга келиб, овозсиз, лекин менга баралла эшитилиб турган қувнок хандалар билан жисмсиз оёқларида ёнимдан пардек енгил учиб ўтган бу мавжудотлар ҳали нозик лабларини тиш-

лаб, ҳўл либосларининг сувини сиқиб кайтганларича йўк. Ша-мол муаттар хидларни таратгандек, улар ҳам ғойиб бўлдилар, баҳор нафаси уларни олиб кетди.

Мен, илҳом париси бу жойларнинг танҳолигидан фойдала-ниб елкамга чиқиб олмасайди, деб кўрқдим. Кўриниб турибди-ки, бу шўх маъбуда пахта солиқлари хисобига яшовчи мендек захматкашни бир балога гирифтор қилмокчи. Мен тузукрок бир таом ейишга қарор қилдим, чунки оч корин хамиша давосиз дардларни пайдо қилади. Мен ошпазни чакириб серёғ ва аччик мўғул таомларидан буюрдим.

Бўлиб ўтган воқеалар эрталаб менга хаддан ташкари кул-гили туюлди. Кайфиятим чоғ холда туриб, одатда сохиблар киялиган пўкак қалпокни кийдим-да, извошга ўтириб, тизгинни қўлга олиб отларга «чув» дедим. Извош йўлда тарақлаганича кетди — мен ўз ишимга жўнадим, ўша куни уч ойлик хисобот тузишим керак эди, бинобарин мен кечроқ қайтаман деб ўйла-дим. Аммо хали кош қораймай туриб, уйга қайтгим кела берди. Мени биров чакирди деб айтолмайман, лекин менга ортиқ хаял-лаш мумкин эмасдек, биров менга интизор бўлиб кутаётгандек туюлди. Хисоботни тугатмай, қалпоғимни кийдим-да, извошга ўтириб, икки томонида коп-қора шохлар осилиб турган ва кеч-ки кулранг-қорамтир соялар чулғаб олган кимсасиз йўл билан жўнадим. Ниҳоят, тоғ этагидаги бу азим ва сокин саройга етиб келдим.

Зинапоя тепасидаги биринчи зал беҳад катта эди. Унинг шифтлари уч қатор мухташам ва азамат устунлар тепасидаги арк-ларга бош қўйгандек кўринарди. Бу залнинг интихосиз сукувати кечаю кундуз бирдек акс-садо бериб турарди. Аллақачон кеч кир-ган бўлса-да, хануз чирок ёқилмаган. Эшикни бир итариб очдим-да, залга кирдим ва дарҳол сездимки, у ерда бесаранжомлик бош-ланган, гўё одамлар ўринларидан кўзғалиб, ҳар бири ҳар томон-га — биров эшикка, биров деразага, яна биров айвонга қараб кочмоқда. Мен ҳеч нарсани кўролмай, лол қолдим. Қандайдир жозибадор, қудратли ҳис мени тамоман камраб олганди. Гўё хавода аллақачонлар йўқолиб кетган муаттар хидлар анқир эди. Мен муаззам бир залда, қадимий тош устунлар орасида туриб эшитардим: оқ тошларга фонтаннинг сувлари шариллаб қуюлар, кимдир сетор чаларди, лекин қандай куй эканини мен англай олмадим; гоҳ олтин безакларнинг жаранглаши эшитиларди; гоҳ мис гардишнинг садоси янграр, узок бир ердан дўмбира овози келар, биллур зеб-зийнатлар жаранглар, айвондан қафасдаги булбулнинг хазин фарёди оқиб келар, боғда ўргатилган окқуш сайрар — хуллас атрофимда самовий куйлар янграрди...

Менда шундай бир хиссиёт туғилдики, гўё шу жисмсиз, ҳис этиб бўлмайдиган энг нозик ходисалар ер юзасидаги бирдан-бир ҳақиқат бўлиб, қолган барча нарса — алдовчи саробдир. Менинг —

менлигим, яъни фалончи, марҳум отасининг тўнғич ўғли, пахта солиғи йиғиб тўрт юз эллик рупия ишловчи одам эканим, бошимда пўкак калпок, эғнимда тор камзулнинг бўлиши, отларни ҳам ўзим хайдашим — буларнинг ҳаммаси менга шундай қулгили, маъносиз кўриндики, ўзимни бу муаззам, сокин ва бўш залда хохолаб кулишдан тия олмадим.

Шу вақтда менинг мусулмон хизматчим, қўлида чирок билан залга кириб келди. Эҳтимол у мени ақлдан озган деб ўйлагандир, билмайман, дарҳол эсладимки, мен ҳақиқатда ҳам... натх, марҳум... чандронинг тўнғич ўғлиман, яна бу дунёда ёки ундан ташқаридаги номавжуд фонтанлар, тасаввур этилган сеторларнинг кўринмас бармоқлар остида садо чиқариб янграши мумкинми-йўқми, — бу масалани ҳал қилиш шоирларимизнинг иши, деб ўйладим. Бир нарса аниқ ҳақиқат: мен Баричда пахтадан солиқ тўплаб, тўрт юз эллик рупия маош оламан. Бир неча дақиқа илгариги ажойиб кайфиятимни хотирлаб қулиб қўйдим ва устида чирок ёниб турган сафар столи ёнига ўтириб газета ўқий бошладим.

Газетани ўқиб, мўғулча таомни еб бўлгач, бурчакдаги бир хонада каравотга ётиб, чирокни ўчирдим. Кичкина деразадан ўрмон билан қопланган Орали тоғи устидан кичик юлдузлар милтиллаб кўриниб турарди, улар ўн миллионларча миля юксакликдан ярамас сафар каравотида ётган мухтарам жаноб солиқ йиғувчига тикилиб қарардилар. Шу ҳақда таажжубланиб ва ўйга толиб, уйқу элтганини сезмай қолибман. Қанча ухлаганимни билмайман, аммо бирдан сесканиб кўзимни очсам — хонадан бирор сас-садо чиқмас, бирор кишининг киргани ҳам сезилмас эди. Менга тикилган юлдуз қорайиб турган тоғ орқасига яширинган, ярим ойнинг заиф шуъласи, сўроқсиз киргани учун кечирим сўрагандек, хонани аранг ёритиб турарди.

Мен ҳеч кимни кўрмадим, лекин мени кимдир туртаётганини аниқ хис этдим. Атрофга қараб билдимки, кимнингдир узук таққан бармоқлари мени ўзига чорламоқда.

Мен оҳиста ўрнимдан турдим. Холбуки, акс-садо берадиган юзлаб бўм-бўш зал ва хоналардан иборат бу муаззам қасрда, менадан бошқа бирор жон эгаси йўқ; мени ҳар қадамда ваҳима босар, гўё бировни уйғотиб қўяман, деб кўрқардим. Хоналарнинг аксарияти ҳамиша берк бўлар, мен уларга кирмасдим.

Уша кечаси кўзга кўринмас йўлдошим билан хомуш, нафас олмай аста оёқ босиб қаёқларга борганимни эслолмайман. Қанча тор ва қоронғи йўлаклар, қанча ҳавоси димиққан кичик ва махфий хужралар орқали ўтганимни ҳам билмайман.

Гарчи йўлбошловчи кизни кўришнинг имкони бўлмаса-да, унинг киёфаси менга бегона эмас эди. У арабистонлик бўлиб, либосининг кенг енгидан таъзим ҳолатида тутган оппоқ қўллари кўринар, бош кийими устидан ташлаб олган харир парда юзини ёпиб турар, белига эса, эгри пичоқ таққан эди.

Мен араб афсоналаридан сарвиноз Лайло ва Лайлонинг бир кечасини бошимдан кечираётгандек, гўё ухлаётган Бағдоднинг тор ва қоронғи кўчаларидан аллақандай хатарли бир учрашувга бораётгандек эдим.

Баногох йўл бошловчи қиз тўқ кўк парда олдида тўхтаб, бармоқлари билан пастга ишора қилди. У ерда ҳеч нарса кўринмас-да, даҳшатдан томирларимда қон тўхтаб қолди. Шунда мен парда олдида, ерда: африкалик ваҳший, бир одамнинг оёқларини узатиб, тиззасига яланғоч қилиб қўйиб ўтирганини пайқаб қолдим. Ҳамроҳим унинг устидан енгилгина ҳатлаб ўтди-да, парданинг бир четини кўтарди. Эрон гиламлари тўшалган хонанинг бир бурчи кўринди. Оромқурсида заъфарон либослар орасидан икки нозик оёқ, олтин ва қумуш иплар билан баҳя тикилган пушти баҳмал қавушлар кўринди. Столда кўкиш биллур идишларда олма, нок, пўртахол ва узум қўйилган, ёнига иккита кичкина пиёла билан биллур графинда қаҳрабо рангли мусаллас меҳмонларга мунтазир эди. Хонада қандайдир хуморбахш нарсани чекишдан пайдо бўлган хид мени гаранг қила бошлади.

Мен даҳшатдан қалтираб, халиги одамнинг узатилган оёқлари устидан ҳатлаб ўтаман деб турган пайтимда, у бирдан сесканди ва қилич жаранглаб мрамар полга тушди.

Кимдир қаттиқ қичқиргандек бўлди. Қарасам, мен терга ботиб, ўз сафар қаравотимда ётибман. Эндигина бошланган тонг ёруғида ўрок шаклли ойнинг нури жуда заиф, худди тун бўйи ухлолмай азоб чеккан бемор рангини эслатарди, тентак Магар Али одатдагидек тонгги кимсасиз кўчада югуриб «кетинглар, кетинглар!» деб бақирар эди.

Менинг араб афсоналаримдан биринчи кеча шу зайлда ниҳоя топди, яна минг кеча қолди.

Менинг кунларим тунларим билан жангга киришди. Кундузи уйқусиз кечаларнинг ҳаёлларини лаънатлаб ҳориган ҳолда иш бошлардим, аммо кеч қира бошлагач, барча машғулотларим арзимас, аҳамиятсиз, кераксиз ва қулгили бўлиб туюларди.

Оқшом бошланиши билан ғалати бир сархушлик ҳолатига кириб, гўёки юз йил ортга қайтиб, ноаниқ бир ходисанинг иштирокчисидек бўлиб қоладим. Костюм ва тор шимлар, энди менга маъқул келмай қолди. Шунда бошимга қизил баҳмал хожи дўппи, кенг қўйлак, зардўзи камзул ва устидан шохи астар-авратўн кийиб, гулдор рўмолчамга атир сепиб олдим, сигаретни ташлаб, гул суви билан тўлдирилган чилимни олиб баланд курсига ўтирдим. Гўё аллақандай ғайритабиий ошиқ-маъшуклар учрашувига ҳозирлангандек эдим.

Қоронғи қуюклашиб, ажойиб ходисалар бошландики, мен уни таърифлашга ожизман. Баҳор шамоли сайр этиб юрган бу муаззам қасрда, таажжуб тарих саҳифалари учиб юргандек эди. Уларнинг баъзилари ҳузуримда бир лаҳза тўхтаб, мен ўқиб ул-

гурмай, яна ғойиб бўлардилар. Бу саҳифалар изига тушиб, мен тун бўйи хонама-хона кезиб юрдим.

Узилиб қолган ширин хаёллар гирдобида, ҳаловатбахш хушбўй ислар, сетор садолари, сачраган зилол сув томчилари билан тўла ҳавода бирдан заъфар рангли кенг чолвор, учлари қайтариқли баҳябоф кавуш, шохи нимча ва зар попуклари оплок пешанасига тушиб турган қизил духоба дўппи кийган бир нозаниннинг дилбар чехраси, чакмоқдек ярқираб намоён бўлди.

Бу қиз менинг ақлу хушимни олиб қўйди. Мен ҳар кеча, туш деб аталмиш шаффоф касрнинг киши адашадиган айланма йўлаклари ва яширин хоналарида уни излаб юрадиган бўлиб қолдим.

Тоҳо кечқурунлари, икки шам билан ёритилган катта ойна олдида, худди Шоҳ Жаҳондек ўзимга оро бериб турганимда, кўзгудаги аксим ёнида бирдан ёш эрон қизининг чехраси намоён бўларди. У бошини бир томонга эгиб, изтироб тўла қора шахло кўзлари билан химоя сўрагандек менга қараб турарди, унинг ёқут лаблари мен тушунмайдиган тилда алланима деб пичирлар, ёш ва гўзал сарв қомати, енгил рақс тушгандек буралар, кўзлари ва табассуми билан кўзгуга дард, истак ва шубҳа учқунларини сочар, либослари товланиб кўздан ғойиб бўларди.

Бирдан кучайиб, тоғ ўсимликларининг муаттар бўйларини олиб қираётган шамол шами ўчирди. Мен ўзимга оро беришни тўхтатиб, гўзал саройимда қаравотга чўзилиб, кўзларимни юмганча хузурланардим. Назаримда, шамол эсиши ҳамон Орли тоғининг хушбўй ислари билан тўлган хоналарнинг зимзиё бўшлиқларида навозишлар, бўсалар, нозик қўлларнинг бири-бирига чирмашгани эшитилди. Янграқ овозлар қулоғимга нималарнидир пичирлар, кимнингдир хушбўй ва ҳаётбахш нафаси пешанамга теккандек бўлар, соҳибжамолларнинг ҳаводек енгил ва ҳарир пардалари ёнгинамда хилпирар, баъзан юзларимга тегиб кетарди. Сехргар илон борган сари мени ўзининг сархуш этувчи ҳалқаси билан қаттиқроқ ўраб олгандек туюларди: ҳайрат билан чуқур хўрсиниб, донг қотиб ухлаб қолибман.

Бир куни чошгоҳдан кейин отда айланиб келмоқчи бўлдим, кимдир мени тутиб тургандек эди, аммо мен бунга умуман эътибор бермадим. Соҳибларникига ўхшаган қалпоғим ва қалта камзулим ёғоч миҳда осиглиқ турарди, уларни олиб кияман деб турганимда, бирдан шамол кўтарилиб, дарёдан қум, тоғдан хас-хашакларни учириб келди, қалпоғим билан камзулимни ҳам ҳавога кўтариб айлантира бошлади. Шамолга қўшилиб кулги овозлари янгради; шамол ва кулги бир-бирига қўшилиб, жаранглаб авжига чиқди-да, бирдан тўхтаб қолди.

Шундай қилиб, мен отда сайрга чикмадим, кулгили камзулим билан соҳибларникига ўхшаш қалпоғимни ҳам киймадим.

Ярим кечада мен яна қаравотда ўтириб қулоқ солдим: кимдир шикоят қилгандек ингради, унинг қалбидан бўғиқ фарёд-

фигон эшитиларди, бу шундай таассурот колдирардики, гўё каравот остидан, ер тагидан, бу муаззам саройнинг кўркинчли нам тошлари остидаги лахаддан: «Оғир уйқулар ва аламли хаёлларнинг занжирларини парчалаб, мени халос эт, отингга миндир, кўкрагингга босиб, ўрмонлар оралаб, доvonлар ошиб, дарёлар кечиб, ўз уйингга олиб кет! О, шафқат эт, халос қил!» дея қандайдир бир асира илтижо қиларди.

Мен кимман? Қандай қилиб мен уни халос этаман? Хаёлимда яратган бир дилбарни бу бесаранжом гушлар ҳукмронлигидан олиб кетишим керак? Э самовий гўзаллик, қачон ва қаерда нашу намо сурган эдинг сен? Қайси дарёнинг салқин соҳилида, қайси хурмозорда, қайси биёбон оғушида туғилгансан? Қайси карокчи бедов сени, ниҳолнинг шохини синдиргандек, она қўйнидан тортиб олди-ю, отга миңдириб, шамол тезлигида сахронинг жазирама саробида ғойиб бўлди? Эй асира, у сени кимнинг мамлакатига, қайси қул бозорига олиб келди? Қайси подшоҳ мулозимлари сенинг ёш, ифбатли, ҳали барқ урмаган гўзаллигингни кўриб, бир ҳовуч олтин бериб, денгизларнинг нариги тарафига олиб кетди-да, олтин тахтиравонга ўтқизиб, ўз ҳукмдорларига тортиқ қилишдимми? Кейин-чи? Мусиқа — саранги¹ садолари, билагузукларнинг жаранглаши ва шерознинг шаффоф қаҳрабо ранг шаробида акс этган ханжарнинг ялтираши, захри халойил ва эхтиросли қиё боқишлар. О, қандай чексиз дабдаба ва қандай тубсиз зиндон! Икки томондан ялтироқ билагузук таққан канизаклар катта елпиғич билан елпир, шаҳаншоҳ бўлса, марваридлар қадалган қавуш кийган оёқлари остида эмақлар, эшик олдида хабаш ўлим тангриси Яманнинг элчисидек қилич яланғочлаб турарди. Кейин қандай балога гирифтор бўлдинг, эй биёбон чечаги? Кўпиклари ҳасад ва макрдан иборат ҳадсиз ҳашамнинг қонли тўлқинларида, қандай мудҳиш ўлим ёки ундан ҳам даҳшатлироқ шуҳратга қараб суздинг?

Шу пайт тентак Магар Али яна кичкира бошлади: «Кетинглар, кетинглар! Ҳаммаси ёлғон, ҳаммаси ёлғон!» Тонг отди. Хизматкорлар менга мактуб келтиришди, ошпаз кириб қандай таом тайёрлай, деб сўради.

Мен кетишга қарор қилдим! Бу ерда бундан кейин қолиш мумкин эмас, шу куниёк бор-будимни йиғиштириб идорага кўчиб келдим. Идоранинг кекса хизматчиси Каримхон кулимсираб қўйди. Мен ундан хафа бўлиб, индамай ишга киришдим.

Кун кеч кирган сайин менда парижонхотирлик бошланди. Гўё аллақандай бир жойга боришим зарурдек. Пахта хисоботлари менга бутунлай кераксиздек туюлди, хатто ҳокимнинг идора иши ҳам менга сарик чақага арзимайдигандек кўринди. Атрофимда содир бўлаётган барча ҳодисалар назаримда аҳамиятсиз, маъносиз ва совук қўрина бошлади.

¹ Саранги — фижжакка ўхшаш мусиқа сози.

Қаламни ташлаб, катта дафтарни ёпиб, извошга ўтириб жўнадим. Отларнинг кун ботиш вақтида тош қаср дарвоза олдига бориб тўхташларини кўриб таажжубландим. Мен дарров зинапоядан кўтарилиб, қаср ичига кирдим.

Бу кун ҳамма нарса сокин. Қоп-қоронғи хоналар, гўё жаҳл билан қовоқ солгандек. Қалбим афсус-надоматга тўлиб-тошди, аммо бу ҳақда кимга узр айтишни, кимдан афв сўрашни билмасдим. Ҳориб-толиб қоронғи хоналарда кезардим. Қандай бўлмасин бир мусиқа созини олиб, кимгадир қараб куйлагим келарди: «Эй, равшан чирок! Сендан кечиб, учиб кетишга уринган парвона ўлиш учун яна қайтиб келди. Уни кечир, қанотларини куйдир, кул қил!»

Бошимга икки томчи тушди. Орали чўккиси устида булутлар тўпланганди. Зим-зиё ўрмон ва Шустанинг қоп-қора суви ҳаракатсиз қотиб қолди. Бирдан барча нарса — ер, сув ва осмон ларзага келди. Узоқ ўрмонлардан тишларини иржайтириб чакмоқ чакнади, занжирни узиб қочган тентакдек бўрон қўзғалди. Саройнинг бўм-бўш катта залларининг эшиклари тарақлаб очилиб-ёпилар, деворлар шикоятомуз инграрди... Барча хизматкорлар идорада бўлгани сабабли, чирок ёқадиган киши йўқ. Бу зим-зиё хонада бир аёлнинг каравотим олдида ўзини гиламга ташлаганини аниқ ҳис этдим, у қалтираб сочларини юлар, унинг оппоқ гўзал манглайдан қон оқар, гоҳо қутилмаганда қаттиқ кула бошлар, кейин томирлари тортишиб фарёд этар, ўз либосларини пора-пора қилиб, яланғоч кўкрагига урарди. Очик деразадан гувиллаб шамол билан бирга кирган сел, унинг кийимларини жикка ҳўл қилди.

Тун бўйи бўрон пасаймади, фиғону нола тўхтамади. Мен беҳуда пушаймонлик билан қоронғи хоналарда тентираб юрдим. Ҳеч ерда ҳеч ким йўқ эди, мен кимга тасалли бераман? Ким бундай мусибат чекмоқда? Ажабо, бундай девонавор дилхасталикнинг боиси нима?

Тентак яна кичкирди:

— Кетинглар, кетинглар! Ҳаммаси ёлғон, ҳаммаси ёлғон!

Тонг ёришди. Магар Али ҳам бу дахшатли саҳарда ҳар кунгидек сарой атрофида югуриб, одат бўлиб қолган сўзларни айтиб кичкирарди. Бирдан менга шундай фикр келиб қолди: эҳтимол, Магар Али ҳам бир вақтлар менга ўхшаб шу саройда яшагандир ва ҳозир, ҳатто ақлдан озиб, охири бу дахшатли тош махлукнинг чангалидан қутулган бўлса-да, ўзини чулғаб олган сеҳрдан озод бўлолмай, ҳар куни эрталаб унинг олдига келади.

Шиддат ила қуйиб турган жалада мен тентакнинг олдига югурдим:

— Магар Али, нимаси ёлғон?

У жавоб бермай, мени бир четга итариб юборди, ўзи ёввойи бир овоз билан бакириб, илон авраган қушдек сарой атрофида

гир айлана бошлади. Гўё ўзини химоя қилишга тиришгандек, такрор-такрор қичқирар эди: «Кетинглар, кетинглар! Хаммаси ёлғон, хаммаси ёлғон!»

Бу шовқин-суронли сахарда куюндек учиб идорага — Каримхоннинг олдига кирдим:

— Менга айтиб бер, бу нима деган гап?

Чол менга мана бундай ҳикоя қилди.

Қачонлардир бу саройда эхтирослар мавж урган, қондирилмаган истакларнинг алангаси қалбларни ёндирган. Жафокаш жонларнинг оху зори, қарғишлари ва бажо келтирилмаган хоҳишлар бу тошларга сингиб, уларни шундай оч ва ташна ҳолга келтирганки, улар одамзод бу ерга қадам қўйиши билан уни ютиб юборишга уринадилар, бу ерда уч кун тунаган одамлардан, гарчи эвазига ақл-хушини йўқотишга тўғри келган бўлса-да, саломат қолган киши фақат Магар Али бўлди.

— Нахотки, менга бундан қутулишнинг ҳеч иложи бўлмаса? — деб сўрадим мен.

— Фақат бир чораси бор, — деб жавоб берди чол, — лекин у катта қийинчиликлар билан боғлиқ, мен ҳозир уни сенга айтиб бераман, аммо бундан илгари сен бу атиргул боғида яшаган бир эрон канизагининг тарихини билишинг керак. Дунёда бундан кўра ғаройиброқ, бундан кўра қайғулироқ воқеа йўқ.

Шу пайтда хизматкорлар кириб, поезд яқинлашиб қолди, деб хабар қилдилар. Бунча тез? Биз шошилинч равишда тугунларимизни боғлагунча поезд келди. Қандайдир уйқусираган инглиз биринчи тоифа вагоннинг деразасидан бўйинини чўзиб, бекатнинг номини ўқишга ҳаракат қиларди. У бизнинг хамроҳимизни кўриб, уни ўз вагонига чақирди, бизнинг чипталаримиз иккинчи тоифа вагонга эди. Шундай қилиб, биз бу бабу ким эканини билолмадик ва ҳикоянинг давомини ҳам эшитолмадик.

Мен, эҳтимол у одам бизни аҳмоқ деб ўйлаб, масҳара қилмоқчи бўлгандир, унинг бизга айтган ҳикояси бошдан-оёқ уйдирмадир, деб ўйладим.

Такводор дўстим билан биз бу масалада бир тўхтамга келолмадик ва умр бўйи юз кўрмас бўлиб аразлашдик.

1895 йил

МЕҲМОН

Кантхалия кишлоғининг заминдори Мотилл-бабу ўз оиласи билан юртига қайтиб келмоқда эди. Бир куни кундузи улар кемани кирғоқнинг бозорга яқин ерида тўхтатиб, ҳаммалари тушки овқат ҳаракатида турганларида олдиларига бир брахман йигит келди.

— Қаёқка кетяпсиз, бабу? — деб сўради у.

Йигит кўринишидан чамаси ўн олти ёшларда эди.

— Кантхалияга, — деб жавоб берди заминдор.

— Мени Нондиграм кишлоғигача обориб қўёлмайсизми?

Мотилал-бабу розилик билдириб, йигитнинг исмини сўради.

— Тарапода, — деб жавоб берди ёш брахман.

У кўзлари катта-катта, ранги оқ, юзи кўхликкина йигитча эди. Чехрасида ўйнаб турган мулойим ва нозик табассум уни яна ҳам гўзал қилиб кўрсатарди. Эғнида ифлос дхўтидан бўлак кийим йўк, ярим яланғоч гавдаси бежирим, келинган, гўё мохир санъаткор ясаган хайкалга ўхшарди. Худди ўзининг аввалги ҳаётида зохид ўтган-у, олимнинг кайф-сафосидан бебахра бўлиб узлатда яшаш унинг вужудини бор иллатларидан халос этган, энди эса брахманлар муқаддас гўзаллигининг тимсолига айлангандек туюлар эди.

— Ювиниб ол ўғлим, кейин биз билан бирга овқатланасан, — дея меҳрибонлик билан таклиф қилди кема эгаси.

— Хўп бўлади, — деб йигит таом тайёрлаш учун ёрдамга унаб кетди.

Мотилал-бабунинг марказий хиндистонлик ошпази балиқдан тайёрланадиган таомларга зўр эмасди. Тарапода бу ишни бир зумда қотириб ташлади, бунинг устига сабзавотни ҳам усталик билан тайёрлади. Таомни пишириб бўлгач, дарёда ювиниб келдида, тугундан тоза уст-бошларини чиқариб, кийиб олди. Кичкина ёғоч тароқ билан узун сочларини пешанасидан олиб, елкасига ёйиб таради. Бўйнига бир тутам муқаддас ип¹ осиб, Мотилал-бабунинг олдига борди. Бабу уни кемага тушириб, рафикаси ва тўқкиз яшар қизчаси билан таништирди.

Биринчи кўришдаёқ бу чиройли йигит Оннопурнага ёкиб қолди. Бу аёл, шундай ажойиб боласини йўқотган она қандай қилиб хотиржам яшар олар экан, деб хайратда қолди.

Тарапода хўжайиннинг олдида ўтириб овқатланди. Йигитнинг кам еяётганини кўрган Оннопурна бунини тортинчокликка йўйди

¹ Хиндистоннинг уч олий тоифа аъзолари бўйинларига муқаддас ип осиб юрадилар.

шекилли, холи-жонига қўймай сийлай бошлади. Аммо корни тўйган Тарапода унинг кистовларига қулоқ солмади. Афтидан, йигит доим ўз билганидан қолмайдиганга ўхшар, аммо ўзининг бу феъл-атворини сездирмаслик учун одоб билан муомала қиларди.

Емақдан сўнг Оннопурна меҳмонни ёнига ўтқизиб олиб, суриштира бошлади. Лекин унча кўп нарса билолмади.

Бола етти ёшлигида ўз ихтиёри билан уйдан қочиб кетган экан.

— Онанг борми? — деб сўзида давом этди Оннопурна.

— Бор.

— У сени ёмон кўрадими?

— Нега ёмон кўрар эканлар? — бу савол ғалати туюлди шекилли, Тарапода кулиб юборди.

— Нега бўлмаса уни ташлаб кетдинг?

— Мендан бошқа тўрт ўғил, уч кизи бор!

— Тавба! Гапингни қара-ю! — қичқириб юборди боланинг бе-маъни жавобидан ранжиган Оннопурна. — Қўлингда бешта бармоғинг бўлгани билан биронтасини кесиб ташлаш осон эмас-ку.

Тарапода ҳали ёш, унча кўпни кўрмаган. Аммо у буткул янги одам эди. Бола оилада тўртинчи ўғил бўлиб, отасиз ўсса ҳам арзанда ҳисобланарди. Уни онаси, опа-сингиллар, ака-укалари, қўни-қўшнилар ҳам эркалаб талтайтириб юборишганди. Хатто мактаб ўқувчиси ҳам уни кам урар, жазолаган пайтларида эса танишлар ҳам, беғоналар ҳам — ҳамма бирдек унинг ёнини олиб ўқитувчидан хафа бўларди. Хуллас калом, Тараподанинг уйдан қочиб кетишига ҳеч қандай асос йўқ эди. Хатто бировларнинг боғидан мева ўғирлаб юрадиган, одамларнинг жазо ва таҳқирларига гирифтор бўладиган қаровсиз, нимжон бир бола ҳам ўзининг туғишган қишлоғини ва ёмон онасини ташлаб кетолмасди, аммо бу барча суюдиган арзанда аллақандай саёқ актёрлар тўдасига қўшилиб қочиб кетса-я. Виждон азобини ҳам билмайди денг. Узок қидиришлардан кейин уни бир марта уйга ҳам қайтариб келишибди. Онаси кўз ёши қилиб, ўғлини бағрига босибди, опалари ҳам хўнграб йиғлашибди. Аввалига катта акаси оила бошлиғи сифатида уни қўрқитиб қўймоқчи бўлибди, аммо пировардида кўнгли юмшаб, укасини яна ўз ҳолига қўйиб берибди. Қўшни аёллар Тарапода қишлоқни яна ташлаб кетмасин деб, уни роса меҳмонларга чақириб, ҳар хил овунчоқлар билан алдашга уринишибди. Бирок боланинг ҳар қандай меҳрибонлик тузоғини, хатто меҳр-мухаббат тузоғини ҳам кўрарга кўзи йўқ эди. У бошпанасиз дайди бўлиб туғилган. Дарёда сузиб бораётган кемагами, йирок жойлардан келиб анжир дарахти тагида хордиқ чиқариб ўтирган қаландаргами, сохилдаги ўтлоққа ёнбошлаб, хурмо япроқларидан бўйрача ёки ёш бамбукдан саватчалар тўқийдиган лўлиларгами — нимага кўзи тушмасин, юраги безовта бўлиб гупиллар, нотаниш, кенг ва эркин ўлкаларга бош олиб кетиш иштиёқи билан ёнарди.

Бир қанча қочишлардан сўнг, уйдагилар ва қўни-қўшиллар қўлларини уриб, индамайдиган бўлишди. Бола бир неча марта саёқ актёрлар тўдаси билан қочиб кетди. Битта шундай труппанинг хўжайини уни ўз ўғлидек яхши кўриб қолган эди. Лекин Тарапода катта-кичikka ёкиб қолиб, актёрлар, томоша кўрсатадиган уйларнинг эгалари, айниқса у ердаги аёллар уни зўр бериб эркалай бошлаганида — бировга бир оғиз сўз қотмай, худди сувга чўккандек ғойиб бўлди-қўйди. Қидиришлар натижа бермади.

Тарапода худди ёш кийикка ўхшаб, ўз эркининг чекланишидан доим кўркиб турар, мусикани эса яхши кўрарди. Саёқ актёрларнинг қўшиқлари уни ўз уйини ташлаб кетишга мажбур этди. У куйни бутун вужуди билан хис қиларди. Болалигида мусика эшитганида барча нарсани унутар, худди катталарга ўхшаб қўй мақомида тебранар, унинг бу ҳолатини кўрган кишилар ўзларини қулгидан зўрға тутиб туришарди. Аммо уни хаяжонга солувчи биргина мусика эмас эди. Срабон ойида ёғадиган ёмғир томчиларининг сербарг дарахт япроқларига урилиб шитишлаши, кўкни ларзага келтирувчи момақалдирик, ўрмондаги шамолнинг бола йиғисини эслатувчи увиллаши, юксакликларда парвоз қилувчи калхатнинг чошгоҳ сукунатини тиладиган қичқириви, ёмғирли оқшомда қурбақаларнинг қуриллаши, қок ярим тунда чиябўриларнинг машғум улиши — буларнинг ҳаммаси унинг юрагида из қолдирарди. Куйга ошиқ бўлган бола саёқ қўшиқчилар тўдасига қўшилди. Тўда бошлиғи унга меҳр-муҳаббат билан қўшиқ айтишни ўргатар, бутун бошли дostonларни ёд олишга мажбур қилар, одам сайроқ қушчани қанчалик севса, у ҳам Тараподага шунчалик муҳаббат қўйганди. Аммо қушча бир нечта қўшиқни ўрганди-ю, ажойиб тонгларнинг бирида учиб кетди.

Сўнги пайтларда Тарапода акробатлар ичида юрди, жойтих ойининг охирларидан то ашарх ойининг охирларигача бу жойларда кўчма ярмаркалар бўларди. Актёр, қўшиқчи, шоир ва раққосалар жамоаси мамлакат бўйлаб кезар, кемалар устига қурилган турли мол дўконлари эса кичкина дарёлар бўйлаб бозордан-бозорга сузиб юрарди. Акробатларнинг кичик жамоаси ҳам бу ярмаркаларда кўрсатиладиган томошаларда иштирок этарди. Аввалига Тарапода кемалардаги савдогарларга қўшилиб бетел сотиб юрди. Кейин акробат болаларнинг ажойиб санъати ёкиб қолгач, уларнинг жамоасига кирди. У бундан илгарирок най чалишни ҳам ўрганиб олган бўлиб, тўдадаги бирдан-бир вазифаси ўйин давомида, найда енгил бир куйни иложи борича тезроқ чалиб туришдан иборат эди. Аммо у бу ердан ҳам қочиб кетди.

Нондиграм қишлоғи бойларининг дабдабали ва серхашам спектакллар қўйишини эшитиб қолиб, бор-будини кичик бир

тугунга жойлади-да, ўша томонга йўл олди. Йўлда Мотилал-бабунинг оиласи билан танишди.

Тарапода ўзининг дарбадарлиги давомида турли хил кишиларга дуч келди, аммо орзусиз яшай олмаслиги, тиниб-тинчимаслиги туфайли, бу танишувлар унда ҳеч қандай таассурот қолдирмади. У ҳар сафар рухан эркин ва барча нарсага бепарволигича қолаверарди. Сўкиш эшитар, хунук воқеаларнинг гувоҳи бўлар, аммо буларнинг биронтаси ҳам унга заррача таъсир этмасди. Ҳеч қандай чекланиш ва урф-одатларни ҳам тан олмас, дунёнинг ифлос тўлқинлари бўйлаб худди оққуш каби сузиб борарди. У бу ифлос тўлқинларга қанчалар кўмилмасин, қанотлари қуруқ ва тозалигича қолаверди. Йигитнинг юзида покизалик ва болалик нишонаси жилваланар, шунинг учун кекса, кўпни кўрган Мотилал-бабу ҳеч суриштирмай, қучок очиб қарши олди.

II

Овқатдан сўнг кема йўлга тушди. Оннопурна Тараподага савол ёғдириб, ундан оиласи ва туғишганлари ҳақида суриштира бошлади. Йигит унга аввал сиполик билан жавоб қайтарди, кейин эса саволлардан қутулиш учун юқорига чикиб кетди.

Дарё ёғингарчилик даврида тошиб, ўзининг асовлиги билан она табиатни ҳаддан ташқари безовта қилиб қўйди.

Куёшнинг ёркин нурлари булутларни ёриб, сув босиб кетган соҳилдаги қамишларга, уфқда ўрмон билан туташган тўқайзорларга жило берарди. Табиат сеҳрли олтин таёқчанинг ишораси билан уйқудан бош кўтарган гўзал ёш кизга ўхшаб, мовий кўкнинг дилбар ва сокин нигоҳи остида гул-гул очилиб борар; ўзининг покизалиги, чексиз саховати билан жозибатор кўринар, мастона тебранар, нурда чўмилиб жилмаяр, имлаб ўзига чорлар эди.

Тарапода кема саҳнидаги елкан соясига ўрнашиб олди. Дарё соҳилидаги зумрад ўтлоқлар, сув босиб кетган жут далалари, елда мавжланаётган яшил шолиторлар кўзини камаштирар, кир-қоқдан қишлоққа борадиган сўкмоқлар, ўрмон соя ташлаб турган қишлоқлар намоён бўларди. Сув, чексиз замин, осмон, ҳаёт, ҳаракат, сўлим йироқликлар, хуллас бу улкан, мангу уйғоқ ва айни пайтда соқов, жозибатор олам йигитчани ўзига мафтун этганди.

Думини ликиллатиб кир-қоқда ўйноқлаб юрган бузукча, ўтлоқда сакраб-сакраб юрган тойчоқ, гоҳо балиқ тутиш учун дарёга шўнғиб турувчи бурғазон, сувда ўйнаётган болалар, дарё бўйида кир юваётган кизларнинг қий-чуви ва шодон кулгилари, балиқ сотувчи аёлларнинг жанжал-сурони — буларнинг барчаси Тарапода учун янги бир олам бўлиб, йигит бу манзараларни тўр қуритиладиган лангарчўпга ўтириб олиб, зўр қизиқиш билан кузатар эди.

Тарапода кема сахнида гоҳ дарғани гапга солар, гоҳ қўлига лангарчўпни олиб кемани қирғокдан итарарди. Дарға тамаки чеккан пайтда, йигит унинг ўрнини эгаллаб, агар лозим бўлса чакқонлик билан кема елканини ирғитарди.

— Кечкурунлари нима тановул қиласан? — деб сўради ундан Оннопурна қоронғи тушишига яқин.

— Нима тўғри келса еб кетавераман, баъзан эса ҳеч нима емайман.

Бу чиройли йигитчанинг бундай меҳрибончиликларга бепарволиги Оннопурнани бир оз хафа қилди. Оққўнгил аёл бу уй-жойсиз боланинг қорнини тўйдиргиси, кийинтиргиси, эркалагиси келар, бироқ йигитчани ҳеч нарса қувонтирмас эди. Оннопурна унга ширинлик ва сут олиб келиш учун хизматкорларини қирғокка жўнатарди. Аммо Тарапода, одатдагидек кам ер, сутни эса умуман ичмасди. Ҳатто оғир табиатли Мотилал-бабунинг кистовларига ҳам:

— Сутни хуш кўрмайман, — деб қисқагина жавоб қайтариб қўя қоларди.

Орадан икки кун ўтди. Тарапода таом тайёрлаш ва масаллик харид қилишдан тортиб, кемани бошқаришгача, ҳар қандай ишни уддабуронлик ва зўр иштиёқ билан бажариб турди.

Ҳеч нарса унинг эътиборидан четда қолмас, қандай ишга қўл урмасин, қизиқиб кетарди. Қўзи, қўли, ақли доим бир нима билан банд, доим ўсиб-ўзгариб турувчи борлик каби оғир, вазмин, хотиржам ва ишчан эди. Дунёда ҳар бир одамнинг муайян ўрни бўлади, бу йигит эса оламнинг чексиз мовий оқимида нурли жилва қилувчи шўҳ бир тўлқин эди, холос. У ўтмиш, келажак ҳақида бош қотириб ўтирмас, ягона мақсади — оғишмай олға қадам ташлаш.

Турли касб эгалари билан алоқа қилиш Тараподани турли қизиқ нарсаларга ўргатган. Унинг хотиржам ақли бир қўрганини эсда сақлаб қоларди. Халқ қўшиқлари борми, жатралардан¹ олинган узундан-узоқ қўшиқлар борми — ҳаммаси ёдида.

Бир куни кечкурун Мотилал-бабу, одати бўйича «Рамаяна»ни баланд овоз билан ўқирди. Куша ва Лаба² ҳақидаги қиссага келганида, Тарапода ўзини тутиб туролмай пастга тушди.

— Китобни қўйиб туринг, Куша ва Лабани ўзим қуйлаб бераман, — деди у.

Шундай деди-ю, қуйлай бошлади. Най садоси каби майин, қуйчан, дилбар қўшиқ янгради. Буни эшитган дарға ва эш-қакчилар кеманинг хос бўлмаси эшиги олдига тўпланишди, бу ерни бирпасда одам босиб кетди. Бу қўшиқда қувонч ва мунг оҳанглари эшитилар, мусиқа садоси сокин тўлқинларни жон-

¹ Ҳиндистонда кенг тарқалган халқ мусикали драмаларининг бир тури.

² *Куша ва Лаба* — хинд асотирларига қўра, Рам ва унинг рафикаси Ситанинг ўғиллари. Улар Рам қувғин қилинган ўрмонда дунёга келишган.

лантириб оқшом кўкда учар, рўпарадан кайикда ўтиб кетаётган одамлар ҳаяжон билан кулок солишар эди. Йигит кўшиқдан тўхтаганида эса барча: «Аттанг, кўшиқ тез тамом бўлди-да», дегандек хўрсиниб қўйди.

Оннопурна кўзига ёш олди, болани бағрига босиб кучгиси, сочларининг муаттар бўйларини тўйиб-тўйиб хидлагиси келди. Мотилал-бабу болани ёнида қолишга кўндиргудек бўлса, унинг ўғил ўрнини босиши мумкинлигини дилига тугиб қўйди. Фақат кичкина Чарушошининг қалбигина йигитга нафрат ва ғашлик хисси билан тўлган эди.

III

Чарушоши ота-онасининг яккаю ягона кизи бўлиб, улар уни ниҳоятда қаттиқ севишарди. Инжиклик ва ўжарлигининг чегараси йўқ эди. Таом, соч тараш, ясаниш борасида ўз айтганидан қолмас, фикрлари эса тез-тез ўзгариб турарди. Оилани бирор жойга меҳмондорчиликка чакиргудек бўлсалар, Оннопурна кизнинг яна бир янги инжиклик чиқаришидан зирллаб турарди. Борди-ю, Чарушошига соч турмаги ёқмаса, толимини қайта-қайта титиб таратаверар, буларнинг ҳаммаси унинг хўнграб юбориши билан тамом бўларди. Қизча барча нарсадан хурсанд ва мамнун бўлган пайтларида ҳам онасининг ҳоли-жонига қўймай, қаттиқ кучоклаб ўпар, дам кулар, дам йиғлар эди. Хуллас, унинг феъл-атворига тушуниб бўлмасди.

Мана шу кизча Тараподани ич-ичидан ёмон кўриб қолди, бу эса йигитни яхши кўрувчи ота-онага ташвиш орттирди. У таом устида хикиллаб, ликопчаларни улоқтирар, ҳар қандай таом ҳам унга бемаза туюларди. Оқсоч аёлни урар, доим сабабсиз ҳар нарсадан нолигани-нолиган эди. Тарапода қанчалик кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонса, унга нисбатан Чарушошининг нафрати ҳам шунчалик ортиб борарди. Қизча йигитнинг аллақандай фазилатларга эга эканлигини сира-сира тан олгиси келмас, унга буни тушунтирмоқчи бўлсалар, аччиғи чиқарди.

Тарапода Куша ва Лаба ҳақида қуйлаган оқшом, бу қуй ҳатто ўрмондаги одамларни ҳам элтганига ишонган Оннопурна, йигитнинг кўшиқ қуйлаши қизимга ҳам ёққан бўлса керак деган қарорга келиб, ундан сўради:

— Бу кўшиқ сенга ёқадими, Чарушоши?

Қизча жавоб ўрнига кескин бош чайқаб, кўшиқнинг мутлако ёқмаганини ва бундан кейин ҳам ёқмаслигини аңлатди.

Кизининг йигитга ҳасад қилаётганини тушунган Оннопурна унинг олдида Тараподага юмшоқ муомала қилмайдиган бўлди. Кечқурунлари, Чарушоши уйкуга кетадиган пайтларда Оннопурна хос бўлма эшиги олдида ўтирар, Мотилал-бабу билан Тарапода бўлса кема саҳнига чиқиб олишарди. Йигит Оннопурнанинг

илтимоси билан кўшиқ бошларди. Дарё сохилларига жойлашган, тун қоронғилигига чўмган доимий гавжум қишлоқлар йигитнинг кўшиқларини жим тинглаётгандек туюлар, аёлнинг куйга мафтун бўлган нозик қалби эса миннатдорлик хисси билан тепар эди. Бундай пайтларда Чарушоши тўсатдан ўрнидан туриб кетар, алам билан ўксиб йиғлар ва:

— Нега бунча шовкин? Ухлагани қўясизларми, йўкми? — деб бакириб берарди.

Қизча ота-оналарининг уни ухлатиб қўйиб, ўзлари Тарапода-нинг қўшиғини эпителишларини жуда ёмон кўрарди.

Қизнинг қоп-қора кўзлари тубида чакнаб турувчи ўткир ақл, йигитнинг диққатини жалб этар ва у Чарушосининг кўнглини овлаш учун эртақлар айтиб, кўшиқлар куйлар, най чаларди-ю, аммо буларнинг барчаси беҳуда эди.

Чошгоҳ пайтларида дарёда чўмилаётган йигитнинг навқирон сув тангрисини эслатувчи оппоқ баданини, эпчил ҳаракатларини, келишган қоматини кўрган киз ўз ҳавасини яширолмасди. Яна шу дамни орзиқиб кутар, аммо буни бошқаларга сездирмасликка ҳаракат қиларди. Бундай вақтларда бу кичкина актриса кирғоқда ўтириб шарф тўкир, фақат дамо-дам сувда шўхлик қилаётган йигитга нафрат билан кўз кирини ташлаб кўярди.

IV

Тарапода Нондиграмдан ўтиб кетганларини ҳам сезмай қолди. Кема елкан остида аста сузиб борар, баъзан эса уни анҳор ва жилғалар бўйлаб арғамчи билан судраб ўтишга тўғри келарди. Кемадагиларнинг ҳаёти гўзал, сокин табиат оғушида тинч ва осойишта кечар, ҳеч ким шошилмас, кўп вақтлари овқатланиш ва чўмилиш билан ўтарди. Қоронғи тушгач, чирилдоқлар чириллаб, ялтироқ куртлар учқунланиб турган ўрмон атрофига жойлашган қандайдир катта қишлоқ яқинидаги кирғоққа келиб тўхташиди.

Нихоят, ўн кундан кейин Капталхалияга етиб келдилар. Заминдорни кутиб олиш учун қўлларига бамбук таёқча кўтарган хизматкорлари тахтиравон ва кичик отлар билан пешвоз чиқишди. Соқчилар отган пахтавон ўқ товушидан чўчиган қарғалар қағиллаб учиб кетишди. Кутиб олиш тантанаси анчага чўзилди. Бундан фойдаланган Тарапода югуриб-елиб бир зумда бутун қишлоқни айланиб қикди. Икки-уч соат ичида у ернинг одамлари билан ҳам дўстлашиб эркақларни ака ва амаки, хотин-қизларни эса опа ҳамда хола деб чақира бошлади. Унинг меҳр қўйган кишиси бўлмаганидан, ҳамма билан осонгина дўстлашиб кетаверадиган одати бор эди. Бир неча кун ўтар-ўтмас, у барча деҳқонларга маъқул тушиб қолди.

Тараподанинг одамлар мухаббатини бу даражада тез қозонишининг бош омили, унинг бошқалар манфаатини чин кўнгилдан тушунишга ҳаракат қилишида эди. У ҳеч қандай урф-одатни тан олмас, ҳар қандай шароит ва ишга тез кўникиб кетарди. Болалар орасида ўзини болаларча тутар, фақат бир оз ақллироқ кўринар, кексалар билан эса йигит ҳам эмас, буткул қатта одам сифатида ҳам эмас, чўпонлар билан чўпонча муомала қилар, лекин айни пайтда брахманлигини ҳам унутмасди. Ўзгаларнинг ишига кўмак берар, буни шундай усталик билан қилардики, гўё бу билан илгаридан шуғулланиб келган бўлса керак, деб ўйлаш мумкин. Агар суҳбат давомида баққол ундан бир озга дўқонда туришни илтимос қилса, йигит бунга йўқ демас, дарҳол хурмо япроғини олиб, ширинликларни пашшалардан кўришга тушиб кетарди. Бундан ташқари у, кўпгина лаззатли таомларни пиширишининг уддасидан ҳам чиқарди. Қулоччиликни ҳам, тўқув дастгоҳининг тилини ҳам биларди.

Бутун бошли қишлоқ аҳолисининг меҳр-мухаббатини қозонган йигитча кичкина бир қизалоқнинг адоватини енга олмасди. Эҳтимол Кантхалияда бунча узоқ қолиб кетишининг сабаби ҳам, Чарушошининг уни узоқ ерларга қувиш истагидан хабардор бўлганидир. Чарушошининг бу хатти-ҳаракатига қараб, аёл зотининг кўнглини билиш нақадар қийин эканлигига тан берасан киши.

Унинг Шонамони деган дугонаси бор эди. У бева қолганида Чарушоши беш ёшда бўлган. Шонамони касал бўлгани учун, Чарушошининг уйга қайтганига кўп вақт ўтганига қарамай, дугоналар анчагача кўришолмай юрдилар. Ниҳоят у соғайгач, биринчи учрашувдаёқ бир-бирлари билан уришиб қолишди.

Чарушоши дугонасига оилалари учун янги қимматбаҳо одам ҳисобланган Тараподани қандай қилиб топиб олганликларини, ипидан игнасигача гапириб берди. У дугонасини бунга роса қизикиб қараса керак, деб ўйлаган эди. Аммо унинг оғзидан Тараподанинг яхши билишигина эмас, балки онасини хола, ўзини ака деб аташини, фақат най чалиш-у, кўшиқ айтиб овутишинигина эмас, ҳатто унинг илтимоси билан бамбукдан най ясаб берганларини ва кўпинча баланд дарахтлардан мева, тиканли шохлардан гул узиб бериши ҳақидаги гапни эшитганида, юраги ёниб турган чўғ билан тўлгандек бўларди.

Чарушоши Тараподани ўз оиласига қарашли одам деб ҳисоблар, шунинг учун унинг ҳаёти қишлоқ аҳолисидан сир сакланиши керак, бегона одамлар эса унинг гўзаллигига фақат узоқдангина ҳавас билан боқиши, истеъдодидан завқланишлари ва буларнинг барчаси учун шу оилга миннатдорлик билдиришлари керак, деб ўйларди.

Ахир уни, ғамхўрлик қилиб уйга олиб келган ва бошини сילлаган улар-ку, Шонамони билан унинг онасининг Тараподага

меҳрибонлик қилишга қандай ҳақлари бор! Шонамонининг акаси эмиш! Биргина шунинг ўзидангина аламдан ёрилиб ўлиш мумкин! Аммо ўзининг нафрати билан Тараподанинг жонини олмоқчи бўлиб юрган Чарушошининг, нега бунчалик ҳаяжонланиб безовта бўлаётганини тушуниш кийин эди.

Ўша куни яна дугоналарнинг янги жанжалига сабаб бўлган кичик бир воқеа рўй бердики, бу воқеадан кейин Чарушоши йигитнинг хонасига кириб пайини олди-да, уни бераҳмларча синдириб ташлади. Кейин оёқлари остига олиб тепкилай бошлади.

Худди шу пайтда хонага Тарапода кириб қолди. Йигит бу бузғунчилик кучининг тимсолини кўриб, ғоятда хайратланди.

— Чарушоши, нега найимни синдиридинг?

— Синдирсам, ажаб бўпти, хўп бўпти! — кўзлари қонга тўлиб кичкирди қиз.

У най синиғини яна бир неча бор ерга урди-да, қаттиқ хўнграб хонадан чиқиб кетди. Най парчаларини кўлига олиб кўрган Тарапода, уни бутлашнинг иложи йўқлигини англади. Аммо ўзи бир чеккада қолиб эски, айбсиз найининг жазоланганини ўйлаб, нимагадир ўзини кулгидан тутиб қололмади.

Қун сайин Чарушошига нисбатан қизиқиши орта бошлади. Қиздан ташқари, уни Мотилал-бабунинг кутубхонасидаги инглизча суратли китоблар ҳам қизиқтирарди. У ташқи дунё билан яхши таниш эди-ю, бироқ ҳали суратлар оламини унчалик тушунмасди.

Бир куни йигитнинг диққат билан сурат томоша қилаётганини кўрган Мотилал-бабу унга шундай деб таклиф қилди:

— Инглиз тилини ўргансанг, бу суратларни қандай тушуниш кераклигини билиб оласан.

Тарапода бунга дарҳол рози бўлди. Хурсанд бўлган Мотилал-бабу, бошланғич мактабнинг бош ўқитувчиларидан Рамотонбабуни йигитга ҳар кеча инглиз тилидан дарс беришга таклиф этди.

V

Тарапода ўтқир хотирали, зеҳли бўлганлигидан инглиз тилини муваффақият билан ўргана бошлади. У ўзини худди илгари ақли етмаган янги бир мамлакатда кезиб юргандек ҳис қилар, гўё илгариги тушунчаларидан асар ҳам қолмаган эди. Қўшнилари ҳам энди уни кўрмайдиган бўлдилар.

Кечга яқин йигитча тез-тез қадам ташлаб, дарсини тақрорлаб, дарёнинг қимсасиз соҳилида айланиб юрган чоғларида дўстлари йироқдан ачиниш ва ҳурмат билан уни кузатишар, халақит беришга ботилишмасди.

— Энди Чарушоши ҳам уни кам кўрадиган бўлиб қолди. Бунгача Тарапода уйдаги хотин-қизлар билан бирга, меҳрибон Он-

нопурнанинг кўз олдида овқатланарди. Бундай қилганда дарсга кеч қоладиган бўлди. Шунинг учун Мотилал-бабудан уйда овқатланмасликка ижозат сўради. Оннопурна бундан хафа бўлиб, эътироз билдирди. Аммо йигитчанинг ўқишдаги тиришқоклигидан мамнун бўлган Мотилал-бабу бунга ҳам рози эди. Шундан кейин Чарушоши кутлимаганда ўзининг ҳам инглиз тили билан шуғулланмоқчи эканлигини айтди. Ота-онаси авваллига қизининг бу хоҳишини ҳазилга йўйиб, мулоимгина кулиб қўя қолишди. Аммо уларнинг бу ҳазиломуз муносабатини қизчанинг кўзидан оққан ёш сели ювиб кетди. Пировардида арзанда қизчаларига гап қайтаришга ожиз бўлган ота-она, бу талабни кондиришга жиддий киришадиган бўлдилар. Шундай қилиб, қизча Тарапода билан бирга инглиз тилини ўргана бошлади.

Бироқ жанжалкаш Чарушоши жиддий шуғуллана олмасди. Ўзи бирор нарсани ўрганиши у ёқда турсин, Тараподага ҳам халақит берарди. Чарушоши ўқишда қолоқ бўлишига карамай, Тараподадан орқада қолишни истамасди. Йигитга навбатдаги дарсни ўқитишаётганда унинг жаҳли чиқиб, йиғига тушарди. Тараподанинг эски китоби ўрнига янгисини сотиб олиб бермоқчи бўлишганида, Чарушоши ҳам ўзига худди шунақасини талаб қилиб туриб олди. Йигитнинг муваффақиятларини кўролмайдиган қизча унинг бўш вақтларида ўқиш билан шуғулланишини кўрарга кўзи йўқ эди. У яширинча Тараподанинг дафтарларига сиёх тўкадиган, пероларини бекитиб қўядиган, китобининг вазифа берилган бетларини йиртиб ташлайдиган бўлди. Йигит унинг бу зolimлигига анчагача чидаб, бу ёғи нима бўлишини кутиб юрди, чидаб туролмаган пайтларида эса уриб ҳам кўрди. Барибир фойдаси бўлмади.

Ниҳоят бир воқеа йигитнинг жонига оро кирди. Кунлардан бир кун бечора Тарапода ранжиган, жиддий ва хафа бир ҳолда дафтарнинг сиёх тўкилган бетини йиртиб ташлади. Чарушоши бунини эшик олдида туриб кузатар, ҳозир албатта калтак ейишига ишонарди. Аммо бу сафар қиз янглишди. Йигит қизчага эътибор бермай, жимгина ўтираверди. Шундан кейин унинг диққатин тортиш учун хона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Гоҳо у Тараподанинг шундоққина ёнгинасидан ўтар, агар йигит истаса бемалол қизчанинг елкасига боплаб тушириши мумкин эди. Бироқ Тарапода кимир этмас, мутлако жиддий тусда ўтирарди. Қизча оғир аҳволда қолди. Узр сўрашга одатланмаганидан, энди нима қилишини билмас, қилмишига пушаймон бўлиб, узр айтишни тилар эди. Бошка бирор дурустроқ нарса ўйлаб тополмагач, дафтардан йиртиб олинган сиёхли варақнинг бир бўлагини олди-да, йирик-йирик харфлар билан: «Мен энди дафтарингизга ҳеч қачон сиёх тўкмайман» деб ёзиб қўйди. У йигитнинг диққатини торта олармикинман деб сабрсизлик билан кутди. Ниҳоят Тарапода хатни ўқиб, кулиб юборди. Чарушоши аламдан

титраб, хижолатдан куйиб-ёниб, югурганича уйдан чиқиб кетди. Унинг камситилганлигига гувоҳ бўлган шу қоғоз парчасини йўқ қилгандагина, ҳатто бу билан бутун дунё остин-устун бўлиб кетса, шундагина унинг дардчил юраги таскин топиши мумкин эди.

Тарапода дарс билан машғул бўлган пайтларда Шонамони унинг хонасига уялинкираб мўралаб қўярди. Дугоналар ҳар тўғрида ҳамфикр бўлсалар-да, гап Тараподага такалганида Шонамони Чарушошидан қўриб турар, бу ҳақда эҳтиётлик билан сўзларди. Дугонаси ичкарида ўтирган вақтида, у ён-атрофига қўрка-писа назар ташлаб, йигит турадиган уй эшигига аста яқинлашарди.

— Қандай янгиликлар бор, Шонамони? Холамнинг саломатликлари яхшими? — деб мулойимлик билан сўрарди Тарапода китобдан кўзини узиб.

— Анчадан буён бизникига келмайсиз. Онам, бир келиб кетсин, дедилар. Ўзлари келар эдилар-у, кўкраклари оғриятти.

Бундай пайтда кўпинча тўсатдан Чарушоши келиб колар ва Шонамони худди дугонасининг бирор нарсасини ўғирламоқчи бўлгани билиниб қолгандек, кетишга шошиларди. Кўзларида ғазаб чакнаган Чарушоши бўлса, гўё кечаю кундуз Тараподанинг осойишталигини сақлаб, унга ҳеч кимнинг халал бермаслигини назорат қилиб турувчи муаллимлардек, кулоқни танг келтирадиган даражада бақириб берди:

— Бу қанақа гап? Сен унга халакат бергани келар экансанда! Хозир бориб отамга айтаман.

Аммо ўзининг нима учун бу ерга келгани Худогагина эмас, балки Тараподага ҳам яхшигина аён эди. Шўрлик Шонамони бутунлай ўзини йўқотиб қўйиб, қилмишини оқлаш учун келганига сабаб ахтара бошлади. Фигони фалакка чиққан Чарушоши уни ёлғончи деб атаганида эса, хижолат бўлган, камситилган, ҳақоратланган Шонамони секингина уйдан чиқиб кетди.

— Шонамони! — унинг орқасидан қичқирди Тарапода. — Бугун кечқурун сизларникига албатта бораман.

— Ҳеч қаяққа бормайсиз! — деди Чарушоши илондек вишиллаб. — Нима, дарсингизни ўқимайсизми? Ҳали шошмай туринг, ўқитувчи жанобларига айтмасамми сизни!

Аммо йигит кизчанинг дўк-пўписаларидан чўчимамай, меҳмондорчиликка кетди. Учинчи ёки тўртинчи марта ҳам шундай қилмоқчи бўлиб турганида, Чарушоши қурук пўписалар билан қаноатланмай, секингина эшикка тамба қўйиб, уйни онасининг доривор гиёҳлари сақланадиган сандиқ қулфи билан беркитиб қўйди. Бутун кеч киз уни тутқунликда сақлади, фақат кечки тановул маҳалидагина эшикни очди. Йигит унинг бу қилмишидан шу қадар ҳафа бўлган эдики, ҳатто бир оғиз сўз айтмай, туз тотмай уйдан кетишга жазм қилди. Аммо ўз қилмишидан ўкинган ва дили сиёҳ бўлган Чарушоши, ёлворгансимон қўлларини узатиб, қўрка-писа:

— Онт ичаманки, энди бундан буён сира бундай қилмайман. Ўтиниб сўрайман, овқатланиб кетинг, — деди.

Тарапода унинг сўзларига заррача ҳам эътибор бермагач, қиз алаmidан ҳўнграб йиғлаб юборди. Хижолатда қолган йигит ўтириб овқатланишга мажбур бўлди.

Чарушоши йигитни қийнамасликка, ўзини вазмин тутишга неча марталаб ваъда бериб, ўзича қасам ичган бўлса-да, Шонамони ёки бошқа бировнинг пайдо бўлиши билан бу вазминлигидан асар ҳам қолмасди. Агар қизча бир неча кун ўзини тута билса, Тарапода янги бир жанжал чиқишини кутиб, ваҳимада юрарди. Бунга нима баҳона бўлишини олдиндан билмас, аммо бирдан кўз ёшлар селини бошлаб келувчи бўрон турар, кейин эса яна тинч ва осойишта кунлар бошланарди.

VI

Орадан икки йил ўтди. Тарапода ҳеч қаерда бунчалик узок турмаган эди. Балки бу, ҳар қачонгидан кўра ҳозир ўқишга берилиб кетганидан ёки ўсиб-улғайиб, феъл-атвори ўзгариб, ўтроқ ҳаёт билан боғлиқ бўлган қулайликларга қўниқиб кетганидандир. Балки унга зуғум қилувчи кизчанинг гул-гул очилиб бораётган жамоли, йигит қалбини ўзининг домига тортгандир.

Чарушоши ўн бир ёшга тўлди. Мотилал-бабу унга бир неча муносиб куёв топиб қўйди. Қизининг турмушга чиқиш вақти етганини ёдидан чиқармаган ота, унга инглиз тили билан шуғулланишни ҳамда кўчага чиқишни тақиқлаб қўйди. Эркининг бундай чекланганлигини эшитган Чарушоши бутун уйни бошига қўтариб шовкин солди.

— Куёв қидириб нима қиласиз? — деди эрига бир куни Оннопурна. — Тарапода — ажойиб йигит. Қизимиз ҳам уни яхши кўради.

— Қанақасига унга бериш мумкин? — ажабланди Мотилал-бабу. — Ахир, биз унинг насл-насабини ҳам билмаймиз-ку! Кўзимизнинг оқу қораси бўлган яккаю ягона қизимизни дурустроқ бир жойга узатсам деган ниятим бор.

Кунлардан бир куни келинни кўриш учун Райдангнинг оиласидан одамлар келди. Уйдагилар кизчани ясантириб меҳмонларнинг олдига олиб чиқмоқчи бўлдилар. Аммо киз ётоқхонасини ичкаридан қулфлаб олган эди, уни ҳеч ким ташқарига олиб чиқолмади. Мотилал-бабу эшик орқасидан туриб ёлворар, пўписа қилар, аммо буларнинг барчаси беҳуда эди. Ниҳоят бир иш чиқмагач, меҳмонларнинг олдига чиқиб, қизининг тўсатдан бетоб бўлиб қолганини, шу туфайли ўрnidан турулмаслигини айтишдан бўлак иложлари қолмади. Шунда меҳмонлар, келиннинг бирорта иллоти бўлса керакки, отаси уни яшириш учун айёрлик ишлатаётибди, деган қарорга келишди.

Бу воқеа Мотилал-бабуни ўйлантириб қўйди. Тарапода чиндан ҳам ҳар тарафлама яхши йигит эди. Агар бабу уни ўз оиласида олиб қололса, қизини бошқа бировга узатишнинг зарурати қолмасди. Мотилал-бабу фақат Оннопурна билан инжиқ ва жанжалкаш қизчаларининг раъйига қарашлари мумкинлигини, бўлажак қайнота эса бунга тоқат қилолмаслигини яхши англади. Рафиқаси билан узоқ маслаҳатлашганидан сўнг, Мотилал-бабу Тараподанинг оиласи хақидаги маълумотларни ипидан-игнаси-гача билиб келиш учун йигитнинг юртига одам юборди. Маълум бўлишича, йигит кейинчалик камбағаллашган бой оиладан экан. Буни билган Мотилал-бабу Тараподанинг онаси ва акасининг розилигини сўради. Улар бир дақиқа ҳам ўйлаб ўтирмай, кўниб қўя қолишди. Шундан сўнг эр-хотин тўйни қайси кунга белгилаш устида тортишишди, сир бой бермайдиган, эҳтиёткор Мотилал-бабу буларнинг барчасини пинҳон тутарди. Лекин Чарушошини сира эпақага келтириб бўлмади. У хали ҳам ўқтин-ўқтин, хужумга ўтган аскар сингари йигит дарс тайёрлаётган хонага бостириб кирар, ўзининг тошқин ғазоби, муҳаббати ҳамда ўқинчи билан йигитга халакит берарди. Бундай пайтларда, оғир табиатли ва совуққон ёш брахманнинг қалбини оний ҳаяжон яшин каби ёритиб ўтарди. Кўпдан бери вақт тўлқинларида совуққон ва безавқ сузиб келган бу енгил қалб, энди баъзан паришонликка чулганиб, хаёлот тўрига илинадиган бўлиб қолди. Вақт-бевақт Тараподанинг ўзи машғулоти йиғиштириб, суратли китобларни томоша қилиш учун Мотилал-бабунинг кутубхонасига бостириб борарди. Ўз тасавури билан тўлдирилган бу суратлар унинг кўз ўнгиде янада ғўзаллашиб, салобати ортарди. Йигит энди илгаригидек Чарушошининг ғалати қилиқларидан қулмайдиган ва қизча қанчалик жиғига тегмасин, уни уришни хаёлига ҳам келтирмайдиган бўлиб қолди. Ундаги бу ички ўзгариш ва яқинлик ҳисси бамисоли бир туш каби эди.

Тарапода тўй срабон ойининг қутлуғ кунларидан бирига белгиланганидан ҳамда Мотилал-бабу йигитнинг онаси ва ака-укаларини тўйга олиб келиш учун одам юборганидан хали беҳабар. Оиланинг Қалкуттадаги ишончли кишисига машшоқларни таклиф қилиш топширилган ва бу тантанали маросим учун сотиб олиниши зарур бўлган нарсаларнинг узундан-узоқ рўйхати ҳам тайёрлаб қўйилган эди.

Нихоят кўкда ёмғирдан дарак берувчи дастлабки булутлар пайдо бўлди. Бу вақтга келиб кишлоқ анҳори батамом қуриб қолган, фақат у ер-бу ерда — чуқур жойлардагина бир оз қўлмақ қолган эди. Кичкина қайиқчалар ифлос сувда тўнкарилиб ётар, дарёнинг сувсиз ўзанидан ўтувчи хўкиз аравалар чуқур из қолдириб ўтарди.

Аммо кунларнинг бирида тошқин сув ўзининг туғилган уйига қайтиб келган Парвати сингари шўх ўйноқлаб, кишлоқнинг қароқ

кўксига ёпирилди. Яланғоч болалар кичкиришиб, чопкиллаб, дарё бўйига чиқишар, гўё дарёни ўз қучоқларига олмоқчи бўлгандек шодиёна кийкириб, ўзларини сувга ташлашарди. Одамлар кулбалардан чикиб, кадрдон дўстлари бўлган сувни олқишлашарди. Номаблум томонлардан окиб келаётган қудратли ҳаёт тўлкини ўлимтик, ташна қишлоқларни сувга кўмиб юборди. Узоқ-яқин ерлардан мол ортилган катта-кичик қайиқлар келадиган дўкон олдидаги бандаргоҳдан, кечкурунлари нотаниш қўшиқлар эшитиладиган бўлиб қолди.

Дарёнинг ҳар икки соҳилида жойлашган қишлоқлар ўз кичик хўжалиқларида осойишта якка ҳаёт кечиришар, фақат ёғингарчилик давридагина тўлқинларнинг турли совғалар ортилган олтин аравасида катта ҳаёт таңтана билан ўз қизлари — қишлоқларни йўқлаб келарди. Дунёга бўлган яқинликни хис қилишдан келиб чиқадиган ғурур туйғуси, уларни қисқа вақтта ўзларининг ахамиятсиз эканлиқларини унутишга мажбур қиларди. Атрофда серташвиш ҳаёт жонланар эди. Ўйроқ-йироқлардан эшитиладиган шодиёна шовқин ҳатто бу сокин, гўё мангу сукунатга чўмган томонларнинг кўкини ҳам титратарди.

Вишну шарафига ўтказиладиган байрамлар вақтида Қурулокада ярмарка таралдуди эди. Ойдин окшомлардан бирида Тарапода дарё соҳилига чикди. Саёк актёрлар тушган, моллар ортилган арғимчоқли қайиқлар қайта жонланган дарё бўйлаб ярмарка томонга тез-тез келиб туришарди. Қалқутталиқ машшоқлар баланд овоз билан шўх куй чалишар, қўшиқчилар куйлашар, ғижжак садоси остида баланд товуш билан айтилган табрик сўзлари эшитиларди. Ғарблик эшкакчилар чалаётган дўмбира ва чанг садолари тартибсиз янграб, хавони тилка-пора қиларди.

Ўзларининг қорайиб кетган катта елканларини кўтариб, Шарқдан сузиб келган қуюқ булутлар ойнинг юзини қоплаб олди. Булутларни ҳайдаб Шарқдан кучли шамол эсар, анҳорда сув ҳайқирар, дарёнинг ҳар иккала соҳили бўйлаб ястанган ваҳимали ўрмон устига қоронғилик чўкиб борар, қурбақалар қуриллар, чигирткаларнинг чириллаши гўё туннинг зулматига сингиб кетаётгандек туюларди. Гўё бутун олам Вишнунинг муқаддас араваси каби ҳаракатга келган, ғилдираклар зир айланар, яйловлар хилпираб, ер ларзага келар, қўқда булутлар сузар, шамол эсар, дарё шовиллар, қайиқлар оқар, атрофда қўшиқ янграрди...

Тўсатдан момақалдиروق гулдураб самода яшин чакнади, зулматга чулғанган йироқ-йироқлардан, бир оздан сўнг бўладиган селдан дарак келтирувчи салқинлик эсди, фақат дарё бўйидаги кулбаларининг эшиқлари берк турган, чироқлари ўчирилган Кантхалия қишлоғигина осойишта уйқуда эди.

Эртаси куни Тараподанинг онаси ва ака-укалари қишлоққа кириб келишди. Турли-туман мол ортилган учта катта қайиқ заминдорнинг идораси яқинидаги қирғоққа келиб тўхтади. Эрталаб

қўлида анбах дарахтининг меваси ўралган қоғоз ҳамда доривор гиёҳлар солинган япроқ қопча кўтарган Шонамони, кўрка-писа Тарапода турадиган хонанинг эшигига яқинлашди. Аммо у ерда йигит йўқ эди.

У муҳаббат ва дўстликнинг маккор занжирлари кишанлаб ташламасдан аввал, қоронғи ёмғирли кечада ҳар қандай руҳий яқинликдан холи бўлган совуқ, улкан оламга бош олиб кетган эди.

1895 йил

МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида.....	3
Халокат. Роман (Т. Жалолов таржимаси).....	5

Ҳикоялар

Ҳисоб-китоб (С. Худойберганов таржимаси).....	226
Почта мудир (Т. Жалолов таржимаси).....	234
Тентак Рамкани (Т. Жалолов таржимаси).....	239
Мерос (Т. Жалолов таржимаси).....	244
Шубха (Т. Жалолов таржимаси).....	252
Мохамайя (О. Раҳимий таржимаси).....	258
Дафтарча (А. Ражабова таржимаси).....	265
Мринмойи (Т. Жалолов таржимаси).....	270
Ечилган жумбок (Т. Жалолов таржимаси).....	288
Судья (С. Худойберганов таржимаси).....	294
Опа (Т. Жалолов таржимаси).....	301
Назари бахайр (Т. Жалолов таржимаси).....	310
Таскин тонган рашк (Т. Жалолов таржимаси).....	315
Ташна тошлар (Т. Жалолов таржимаси).....	324
Мехмон (А. Исроилов таржимаси).....	334

Адабий-бадий нашр

РАБИНДРАНАТХ ТҲОКУР

ТАСКИН ТОПГАН РАШК

Роман ва ҳикоялар

Мухаррир	<i>И. Аҳмедов</i>
Рассом	<i>Б. Зуфаров</i>
Бадий муҳаррир	<i>Р. Зуфаров</i>
Техник муҳаррир	<i>Д. Габдрахманова</i>
Мусаххих	<i>С. Салохутдинова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>К. Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси АІ № 158. 14.08.09.
Босишга рухсат этилди 10.02.2012. Бичими 60×90^{1/16}.
Офсет ковози. «Peterburg» гарнитурасида офсет усулда босилди.
Шартли босма табоғи 22,0. Нашр табоғи 23,17.
Адади нусха 5 000. Буюртма № 12-75.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: iptduzbekistan@mail.ru

www.iptd-uzbekistan.uz

Тҳокур, Рабиндранатх.

Таскин топган рашк: роман ва ҳикоялар / Р.Тҳокур; тузувчи ва қайта ишлаб нашрга тайёрловчи А.Шер. — Т.: «O'zbekiston», 2012. — 352 б. (Жаҳон адабиёти кутубхонаси).

1. Шер. Анвар / тузувчи /

ISBN 978-9943-01-794-8

Улуғ бангол адиби, шарқдан илк Нобель мукофоти совриндори Рабиндранатх Тҳокурнинг «Ҳалокат» романи 1902 йилда ёзилиб, 1906 йилда алоҳида китоб ҳолида нашр этилган.

Асарда икки жуфтликнинг: Ромеш ва Сушиланинг, Нолинакха билан Камоланинг тўйлари эски хинд одатига мувофиқ ўтказилади, яъни улар бир-бирларини кўрмай-билмай, севишмай туриб, ота-оналарининг хою хавасларига қараб турмуш қуришлари, умрларини ота-боболарининг ҳаётлари каби ўтказишлари керак эди. Романи шу зайдда бошлаш билан адиб, янги ҳаёт шароитида хинд оилавий муносабатлари қандай бўлиши керак, деган масалани ўртага ташлайди. Асарда адиб ҳақиқий ҳаёт билан анъаналар орасида ривож топаётган зиддиятларни ёритиб берган. Романдаги бой тасвир ва ёзувчи ифода этган жонли халқ тили ҳам воқеани чуқур ҳис этишга қўмаклашади.

Шунингдек, китобдан адибнинг бир нечта гўзал ҳикоялари ҳам ўрин олган. Тҳокур ҳикояларидаги психологик тасвирлар, нозик лиризм, бетакрор услуб ва чуқур фалсафий мушоҳада ҳар қандай гўзалликка ташна калбни қондира олади.

УДК: 821.512.133

ББК 84(5Xин)



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-784-8



9 789943 017948